

Ҳ.Ю. БЕКМУҲАМЕДОВ

**ТАРИХ  
ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТИ**

*Ўзбекистон ССР Маориф  
министрлиги тавсия этган*

ТОШКЕНТ — «УЎҚИТУВЧИ» — 1986

Махсус редактор:  
тарих фанлари доктори, профессор **Ҳ. З. Зиёев**.

Тақризчилар:  
тарих фанлари доктори, профессор **А. И. Йўлдошев**,  
доцент **Р. М. Бойжонов**.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>а.</i> — арабча	<i>рум.</i> — руминча
<i>арм.</i> — арманча	<i>рус.</i> — русча
<i>бур.</i> — бурларча	<i>сакс.</i> — саксча
<i>венгер.</i> — венгерча	<i>серб.-хор.</i> — серб-хорватча
<i>гол.</i> — голландча	<i>слав.</i> — славянча
<i>грек.</i> — грекча	<i>тиб.</i> — тибетча
<i>груз.</i> — грузинча	<i>тож.-форс.</i> — тожикча-форсча
<i>дан.</i> — данияча	<i>турк.</i> — туркча
<i>ингл.</i> — инглизча	<i>фин.</i> — финча
<i>исп.</i> — испанча	<i>форс.</i> — форсча
<i>итал.</i> — италиянча	<i>фр.</i> — французча
<i>кельт.</i> — кельтча	<i>швед.</i> — шведча
<i>лат.</i> — латинча	<i>янглат.</i> — янги латинча
<i>молд.</i> — молдаванча	<i>яп.</i> — японча
<i>мўғ.</i> — мўғулча	<i>ўзб.</i> — ўзбекча
<i>нем.</i> — немисча	<i>қирғ.</i> — қирғизча
<i>полинез.</i> — полинезча	<i>қ. сканд.</i> — қадимги скандинавча
<i>поляк.</i> — полякча	<i>қ. яҳ.</i> — қадимги яҳудийча
<i>португ.</i> — португалча	<i>ҳинд.</i> — ҳиндча

*На узбекском языке*

ХУСАН ЮНУСОВИЧ БЕКМУХАМЕДОВ

## ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ ИСТОРИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ

Ташкент «Ўқитувчи» 1986

Редакция мудир *А. Ҳасанов*  
Редактор *Ҳ. Нуруллаев*  
Кичик редактор *М. Маҳмудова*

Бадний редактор *П. Бродский*  
Техредактор *Т. Грешикова*  
Корректор *М. Тоирова*

ИБ 3749

Теринга берилди 01.04.85. Босишга рухсат этилди 10.06.86. P-04017. Формат 60×90<sup>1/16</sup> Тип қозоғи № 3 Литературная гарн. Кегли 8 шпояли. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 17,0. Шартли кр.-отт. 17,0. Нашр. л. 20,2. Тиражи 5000. Заказ № 2032. Баҳоси 1 с. 10 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07—290—83.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида териниб, 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамаза кўчаси, 21. 1986.

Набрано на головном предприятии, отпечатано в типографии № 1 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.

Б 4602020000—161 300—86  
353(04)—86

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1986

## ҚИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида мамлакатимиз жаҳоннинг энг кўп китоб нашр этувчи мамлакатига, совет халқи жаҳоннинг энг китобхон халқига айланган ҳозирги шароитда справкали адабиётларга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги табиий бир ҳолатдир. Шунинг учун ҳам сўнги йилларда фаннинг турли соҳалари бўйича махсус луғатлар нашр этишга янада кўпроқ эътибор берила бошланди. Мазкур луғат ҳурматли китобхонларга тарихни ва тарихий асарларни ўрганишда ёрдам беради.

Ушбу луғат олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, студентлари, аспирантлар, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус билим юр்தларининг педагоглари, радио, телевидение ва матбуот ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Аммо луғат тарихий ва бошқа асарларда, вақтли матбуотда, радио эшиттиришларида, телевидение кўрсатувларида учрайдиган ҳамма термин ва тушунчаларни тўла изоҳлаб беришни назарда тутмайди, албатта. Луғат тарих фанининг барча соҳалари — СССР халқлари тарихи, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, янги ва энг янги тарихда кўп ишлатиладиган, изоҳга муҳтож икки мингдан ортиқ термин ва тушунчаларни имко-

нияти борица изоҳлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Луғатда мақолалар алфавит тартибда жойлаштирилган бўлиб, унда изоҳларнинг ягона системаси ва қўлланма нашрлари учун одат бўлиб қолган шартли қисқартмалардан фойдаланилган (шартли қисқартмалар рўйхатига қаралсин).

Мақолаларнинг номлари катта ҳарфлар билан берилган. Мақола номини такрорламаслик учун текстда унинг биринчи ҳарфи берилиб, ёнига нуқта қўйилган (*Диктатура* ўрнига Д.; *Инквизация* ўрнига И.; *Лейбористлар* ўрнига Л. каби). Мақола номи бир неча сўздан ташкил топган бўлса, текстда бу сўзлар ўрнига уларнинг биринчи ҳарфлари қўйилган (*Иблидоий жамоа тузуми* ўрнига — И.ж.т. ва бошқалар). Текстда шу луғатдаги термин ёки тушунчанинг номи учраса, унинг ёнида қавс ичида (қ.) — қаралсин, деб қўйилган.

Луғатда у ёки бу мақоланинг мазмунини кенгроқ очиб беришга ёрдамлашадиган бошқа мақола бўлса, мақола тексти охирида яна қаралсин, деб ўша мақоланинг номи ёзиб қўйилган (Апартенд, яна қаралсин: ирқчилик).

Айрим ҳолларда мақола номидан сўнг шу сўзнинг бошқа номлари — синонимлари берилган (*Абсентеизм* (лат.) — бетараф қолиш, қатнашмас-

лик, бош тортиш, сайловда сайловчиларнинг овоз беришдан бош тортиш; *Дискриминация* (лат.)— камситиш, хўрлаш, наст назар билан қараш ва шу кабилар).

Чет тиллардан олинган термин ва тушунчаларнинг ёнида қавс ичида унинг қайси тилдан олинганлиги берилган (*Амир* (а.), яъни арабчадан; *Мануфактура* (лат.), яъни латинчадан ва ҳоказо).

Хорижий тиллардан олинган кўп терминларнинг маъноси — таржимаси ҳам берилган (*Далай-лама* (*мўғ.*)— далай — донишманд, лама — дин пешвоси; ёки *Даосизм*, *Таоизм* (*хит.*)— дао — қонун, принцип ва шу кабилар).

Бир неча маънони англатувчи термин ва ибораларнинг тарихга оид маъноси баён этилган. Бир йўла бир неча тарихий маънони англатувчи термин ва тушунчалар бўлса, у ҳолда бу маъноларнинг ҳар бири 1, 2, 3 ва шу каби рақамлар билан кўрсатилган ва улар бир-бирларидан нуқтали вергул билан ажратилган. Жумладан, Бек сўзининг ўн маъноси; Герцог терминининг тўрт маъноси; Девон сўзининг етти маъноси берилган ва ҳоказо.

Тарихий термин, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тушунчаларга изоҳ беришда марксизм-ленинизм таълимоти асос қилиб олинган.

Луғатга киритилган термин ва тушунчаларни изоҳлашда буржуа миллатчилиги, шовинизм ва ирқчиликни, тарихни сохталаштирувчиларнинг кирдикорларини фош этишга алоҳида эътибор берилган.

Луғатда АҚШ ва унинг НАТО-даги ҳамтовоқларининг инсониятни ядро уруши ёқасига судраётган жирканч қилмишлари фош қилинган. Сиёсий системаси турлича бўлган давлатларнинг тинч-тоғув яшашлари мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исбот

этаётганига китобхоннинг эътибори жалб этилган.

Шунингдек, луғатда берилган мақолалар ёшларни социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга мўлжалланган.

Мазкур изоҳли луғатни яратишда Ф. А. Брокгауз, И. А. Ефрон. «Энциклопедический словарь» (1890—1907 й.), «Большая энциклопедия» (1904—1909 й.); Б. А. Введенский таҳрири остида «Большая советская энциклопедия» 2- ва 3- нашрлари; Б. А. Введенский таҳрири остида «Энциклопедический словарь» I—III т. (1953—1955); П. И. Кудрявцев таҳрири остида «Юридический словарь» (1956 й.), Е. М. Жуков таҳрири остида «Советская историческая энциклопедия» I—XVI т. (1961—1976 й.); Г. Фулом таҳрири остида «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (1953); О. Усмонов. «Интернационал сўзлар луғати» (1962); О. Усмон, Р. Дониёров. «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати» (1967); «Қисқача сиёсий луғат» (1975); Б. Аҳмедовнинг «Тарихдан қисқача изоҳли луғат», «Ўқитувчи» нашриёти (1977 й.), авторнинг «Ўқитувчи» нашриётида (1978 й.) чиқарилган «Тарих терминлари изоҳли луғати», шунингдек тарихнинг турли соҳаларига доир эълон этилган монографик асарлардан фойдаланилди.

Луғатда тарих фанининг термин ва тушунчаларига берилган изоҳларнинг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори А. Асқаров, философия фанлари доктори, профессор А. Ортиқов, тарих фанлари доктори, профессор З. Нуриддинов, тарих фанлари доктори, профессор

У. Усмонов, тарих фанлари доктори, профессор А. Йўлдошев, тарих фанлари доктори С. Тилеукулов, тарих фанлари кандидати, доцент М. Бобоев, тарих фанлари кандидати, доцент Р. Қурбонгалиева, доцент Р. Бойжонов, тарих фанлари кандидати Т. Мирсоатов, иқтисод фанлари кандидати Ш. Тўқсонов ўртоқлар

луғат текстини кўриб чиқиб, қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Автор ушбу луғатни нашрга тайёрлашда билдирилган фикр-мулоҳазалардан фойдаланди. Юқорида номлари тилга олинган ўртоқларнинг кўрсатган самимий ёрдамлари учун уларга автор чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

## А

**АББАТЛИК** (лат.)— монастирлар тасарруфидаги мол-мулкни бошқарувчи аббат номидан олинган; асосан Францияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида эркак монахлар монастири. Улар йирик феодал хўжалиги ҳисобланган. А. монастирлари ихтиёрида жуда кўп ер-сув ва бошқа бойликлар тўпланган, улар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган. А. епископга ёки Рим папасига (қ.) итоат этган. 1789 йилги Француз буржуа революциясидан сўнг А. ўзининг аввалги мавқени йўқотди.

**АБОЛИЦИОНИЗМ** (лат.)— бирор қонунни бекор қилишни кўзда тутувчи ижтимоий ҳаракат. 18-аср охири ва 19-аср биринчи ярмида АҚШ, Франция, Англия ва жаҳондаги бошқа кўпгина мамлакатларда, шу жумладан мустамлакаларда ҳам қул сотишни таъқиқлашни, негрларни қуликдан озод қилишни талаб этган оммавий-ижтимоий ҳаракат. А. ҳаракатида илғор интеллигенция, майда буржуазия, фермерлар, ишчилар қатнашган. АҚШ да қулчиликни бекор қилиш учун олиб борилган бу курашда Авраам Линкольн катта роль ўйнаган. А. АҚШда граждандар урушини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1861—1865 йилларда АҚШнинг Шн-

молий ва Жанубий Штатлари ўрғасида бўлиб ўтган ҳамда Шимолий Штатлар ғалабаси билан тугаган граждандар урушидан сўнг қулчилик бекор қилинганлигига қарамай, АҚШ даги кўп сонли негр аҳолиси ҳамон ҳуқуқсиз ва жабр-зулм остида яшамокда. Бундай ҳолат иккинчи жаҳон урушидан сўнг ниҳоятда кучайиб кетди. АҚШ ҳукмрон доираларининг қўллаб-қувватлаши оқибатида негрларни ирқий камситиш сиёсати, қонли терроргача бориб етувчи реакцияон ҳаракат давом этмоқда.

**АБСЕНТЕИЗМ** (лат.)— йўқлик, ҳозир бўлмаслик, бетараф қолиш, қатнашмаслик, бош тортиш, сайловчиларнинг сайловда овоз беришдан бош тортиши; 1919—1920 йилларда Италия социалистик партиясининг сўл элементлари парламент сайловларига бойкот эълон қилишни талаб этиб чиққанликлари учун шундай деб аталганлар. Буржуа мамлакатларида сайловчиларнинг сайловда қатнашишдан бош тортиши тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, АҚШ да 1976 йилги президент сайловида 55% га яқин сайловчи овоз беришда қатнашган бўлса, 1980 йилги сайловда 53% сайловчи овоз беришда қатнашди, холос.

**АБСОЛЮТИЗМ** (лат.)— мутлак ҳокимлик, ҳокими мутлақ, мустабид ҳокимият, чекланмаган ҳокимият. Ҳо-

кимиятни мерос тариқасида қўлга киритувчи якка шахс (император, король, подшо, хон, султон, амир ва бошқалар)нинг чекланмаган ҳукмронлигига асосланган идора усули, давлат тузуми.

А. феодализмнинг сўнги босқичида, яъни капиталистик муносабатлар вужудга келаётган даврда пайдо бўлган. Бу даврда буржуазия, гарчи ҳокимиятни қўлга олиш даражасида қудратли бўлмаса-да, мамлакат экономикасида салмоқли ўринини эгаллади, ўз манфаатини ҳукмрон феодаллар синфи манфаатига қарши қўя олиш имконига эга бўлди. Ана шу ўтиш даврида А. вужудга келди. А. феодал жамияти емирилаётган, капиталистик муносабатлар ривожланаётган ва синфий кураш жуда кескинлашган шароитдаги дворянлар диктатурасидир. А. тузумининг тўла шаклланиб олган «классик» шакли Европада — Францияда (15-асрнинг иккинчи ярмидан 17-аср бошигача), Осиёда — Японияда намоён бўлди. А. Россияда 17-аср охири, 18-аср бошларида вужудга келди. А. да давлатни бошқариш ишларини марказлаштириш тугалланиши натижасида бутун ҳокимият давлат бошлиғи — монарх қўлида тўпланади. А. Россияда аста-секин буржуа-помешчиклар монархиясига айланди.

Феодал давлатининг бошқа шакллари каби А. ҳам меҳнаткаш халқни, аввало, деҳқонларни итоатда сақлаш органидир. А. ўзининг бошланғич даврида муайян прогрессив роль ўйнади. Чунки у феодал тарқоқлиги, феодал урушларига хотима берилиб, ягона давлат тартибининг жорий этилишига, капиталистик муносабатларнинг ўрнатилишига олиб келди. Буржуазия ривожлангани сари А. аста-секин прогрессив характерини йўқотиб, капиталистик муносабатларнинг

янада ривожланишига ғов бўлди. А. Англияда 17-асрда, Францияда 18-аср охиридаги буржуа революциясидан сўнг, Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик революцияси натижасида барҳам топди.

**АВАНТЮРИЗМ** — осонгина муваффақиятга эришиш, фойда олишни кўзлаб таваккалчилик билан қилнган иш, хатти-ҳаракат; авантюрага мойиллик. Яна қаралсин: сиёсий авантюризм.

**АВЕСТО** (овасто) — зардуштийлик (қ) — зороастризм (қ.) динининг муқаддас китоби. А. жуда қадимий асар бўлиб, унинг энг қадимий қисми янги эрадан олдинги 2000 йилнинг охирилари — 1000 йилнинг бошларига тааллуқли. Даврлар ўтиши билан унга турли диний урф-одатлар, ахлоқий ва ҳуқуқий қонуи-қондалар ва бошқалар кирита борилган. А. нинг бизга маълум варианты янги эранинг 4-асрларида Эронда ёзиб олинган. Шу вариантга астрономия, медицина, география, этика ва бошқа илмларга оид асарлар ҳам қисман қўшилиб кетган. Зардуштийлик динининг ватаъларидан бири Урта Осиё ҳисобланган. А. да Хоразм, Сўғдиёна, Марғиён, Бақтрия сингари жойлар ҳам тилга олинади.

Эрамизнинг 9-асрида яратилган бир асарда айтилишича, А. 21 қисмдан иборат бўлган. «Қатта Авесто» дан айрим муҳим дуолар танлаб олиниб, «Кичик Авесто» яратилган.

А. диний асар бўлса-да, унда Урта Осиё, Эрон, Озарбайжон табиати ва халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, маънавий маданияти ҳақида айрим қимматли маълумотлар учрайди.

**АВРОРА** (лат.) — Қадимги Рим афсоналарида тонг ёғдуси маъбуда-

си. Грек ривоятларида бу маъбуда Эос деб аталган.

**«АВРОРА»**—1903 й. ишга тушган, 1905 й. да Цусима жаңгида қатнашган. 1917 й. 25-октябрь кечкурун замбаракдан нахтавон (ўқсиз) ўт очиб, Қишки саройни штурм қилиш ҳақида сигнал берди. «А.» Балтика флотининг Петроградда 1917 йил Октябр қуролли қўзғолони вақтида Қишки сарой ва Марказий телеграфни олишда, пролетар революциясининг штаби — Смольнийни қўриқлашда қатнашган крейсери. Гражданлар уруши йилларида у душманга қарши жанг қилди. «А.» 1923 й. дан Улуғ Ватан урушигача Ҳарбий Денгиз флоти учун командирлар тайёрловчи мактаб-таълим кемаси сифатида хизмат қилди. «А.»дан Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинградни ҳаво ҳужумидан сақлашда фойдаланилди. У 1948 й. 17 ноябрдан бошлаб Ленинградда, Нева дарёси соҳилига ёдгорлик сифатида қўйилди. «А.»да Марказий Ҳарбий-денгиз флоти музей филиали ташкил этилган.

«А.» 1927 й. 2 ноябрда Қизил байроқ ордени ва 1968 й. 27 февралда Октябр революцияси ордени билан мукофотланди.

**АВТОКРАТИЯ** (грек.)— якка ҳокимиятчилик, мустабид ҳокимият, якка шахснинг ҳеч қандай қонун билан, ҳуқуқий нормалар билан чекланмаган ягона ҳокимлиги, давлат идора усулларидан бири. Қадимги Шарқ, Грек, Рим ва Византия қўлдорлик давлатларида А. қурол кучига асосланган диктатура, феодализм даврида абсолют монархия, империализм даврида эса фашистлашган сиёсий тузум кўринишида намоён бўлади. А. да чекланмаган олий ҳокимият бир киши қўлида тўпланган ва унда шахсий ўзбошимчалик бўлиб, вакиллик муассасалари бўлмайти, давлат мар-

казлашган ҳарбий-бюрократик машинадан иборат бўлади.

**АВТОРИТАРИЗМ** (лат.)— ҳокимият, таъсир, антидемократия — бир шахснинг мустабид ҳокимияти, монарх, диктатор; ўта реакцион сиёсий система. А. да ҳокимият монополиялаштирилади, ҳарбий жазо аппаратлари ишга солинган ҳолда оппозицион кучларга нисбатан шафқатсиз террор усули қўлланилади, А. Германия, Италия, Испания ва Чилида фашистик диктатура кўринишида намоён бўлди. Авторитар давлатда олий ҳокимият ягона шахс — монарх, диктатор ёки фюрер (Германияда), дуче (Италияда) ва каудильо (Испанияда) қўлида бўлган.

**АВТОХТОНЛАР** (грек.)— туб аҳоли, маҳаллий халқ; мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси ёки аборигенлар.

**АГОРА** (грек.)— қадимги Грецияда халқ йиғини; шу йиғинлар ўтказилган майдон; А. дастлаб Василий саройи олдида ўрнашган, кейин мустақамланган тепа этагидаги акрополга кўчирилган. Энг машҳур. А. Афинада бўлиб, у ареопаг ва акрополнинг шимолида жойлашган. Афина А. си жамоат бинолари, усти берк галереялар, худоларга атаб қурилган ибодатхоналар, эътиборли кишилар номини абадийлаштириш учун қўйилган ёдгорликлар ва бошқаларни ўз ичига олган. Бизнинг давримизгача сақланган Гефеста ибодатхонаси ҳам А. га бориб тақалади.

**АГРЕССИЯ** (лат.)— тажовуз, тажовузкорлик, босқинчилик, уруш очиш, ҳужум қилиш, бостириб кириш; бир ёки бир неча империалистик давлатнинг бошқа мамлакатларни босиб олиш мақсадидаги қуролли ҳужуми. А. империалистик давлатлар ташқи сиёсатининг негизини ташкил қилади. А. империалистик давлатларнинг 1918—1922 йилларда ёш Совет рес-



публикасига қарши интервенцияси, фашистлар Германиясининг 1939—1940 йилларда Европа мамлакатларига, 1941 йилда СССР га бостириб кириши ва Исроилнинг 1966—1967 й. да араб мамлакатларига бостириб киришида ҳам ўз ифодасини тўла гавдалантирди. Ўзга мамлакатлар территориясини зўравонлик билан босиб олиб, халқларини ўзларига тобе қилишни мақсад қилиб қўйган империалистик давлатлар НАТО (қ.), СЕАТО (қ.), СЕНТО (қ.) каби агрессив блокларга бирлашган.

**АГРЕССОР** (лат.)—тажовузкор, босқинчи, агрессиянинг айбори, бостириб кирган томон; босқинчилик урушини бошловчи.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилоф равишда бир давлат томонидан бошқа бир давлат ёки халқ (миллат)нинг суверенитетига, территориял бутунлиги ёки сиёсий мустақиллигига таҳдид солувчи ҳар қандай қонунсиз куч ишлатиш А. деб аталади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 29-сессияси томонидан (1974 й.) А. таърифининг бир овоздан қабул қилиниши СССР бошлиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва тинчликсевар кучларнинг улкан ғалабасидир. Сессияда агрессив уруш ва қуроли ҳаракатларнинг бошқа кўринишлари халқаро тинчликка қарши жиноят деб баҳоланди.

**АДВЕНТИСТЛАР** (лат.)—субботниклар; протестантлик (қ.) мазҳабларидан бири, мазҳаб аъзолари киши ҳаётининг мазмуни ва олий бурчи Исо (қ.) нинг ер юзига иккинчи марта келиши ва парвардигор минг йиллик подшолиги «бошланиш вақти яқинлашганини» кутишдан иборат бўлиши керак, деб тарғибот қиладилар.

А. 19-асрнинг 30-йилларида

АҚШ да капитализмнинг ривожланиши натижасида мушкул аҳволга тушиб қолган майда буржуазия орасида пайдо бўлган.

А. нинг идеологи У. Миллер (1782—1849) «каромати»га кўра, Исо ер юзига иккинчи марта 1843 й. да ёки 1847 й. да келиши кутилган эди. А. нинг энг йирик ташкилоти «еттинчи кун адвентистлари» деб аталиб, улар шанба куни дам оладилар. «Еттинчи кун адвентистлари»нинг асосий таълимоти Исонинг ер юзига иккинчи марта келиши яқин дейишдан иборат. 1975 йилда А. лар бутун дунёда 2,5 млн кишини ташкил қилган.

А. нинг маркази Вашингтон. Россияда А. лар (асосан «еттинчи кун адвентистлари»—субботниклар) Таврический губернасида, Кавказ, Балтика бўйи, Сибирь халқлари орасида 19-асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Россияда 1908 й. да А. ларнинг мустақил союзлари ташкил топди. АҚШ монополистлари қўлида қурол бўлган А. лар тараққиётга қарши реакциян ғояларни тарқатмоқдалар.

**АДМИРАЛТЕЙСТВО** (а.)—1 олий ҳарбий денгиз бошқармаси; 2 ҳарбий кемалар қуриладиган ва ускуналанадиган, ремонт қилинадиган жой; 3 флотни бошқарувчи идора; Россияда 18—19-асрларда Воронеж, Петербург, Севастополь, Николаев ва Кронштадта А. бўлган; 4 А. коллегияси (1718 й.) Денгиз кучлари министрлиги (1802 й. дан) деб номланган.

**АДОЛАТ** (а.)—Эрон пролетариатининг биринчи сиёсий ташкилоти, А. 1917 йил май ойида Бокуда ишлаган Эрон Озарбайжони ва эронли ишчилар ташкилоти. Ташкилот инглиз империализмига, шоҳ ҳукумати ва феодалларга қарши курашиш, ерларни деҳқонларга тақсимлаб беришни

талаб қилган. 1920 й. да Озарбайжон ва Урта Осиёдаги А. аъзолари маҳаллий коммунистик ташкилотларга қўшилдилар. А. 1920 й. да Эронда яширин иш олиб борган. Техрон, Табриз, Рашт, Занжон, Ардабил ва бошқа шаҳарларда ҳам А.нинг ташкилотлари тузилган. А. ўзининг 1920 йилда бўлиб ўтган I-съезди қарорига биноан Эрон Компартиясининг асосий қисмини ташкил этди. А.нинг Кавказ ва Урта Осиёдаги группалари РКП(б) составига кирди.

**АИД ГАДЕС** (грек.)— (Римда Плутон)— грек мифологиясида ер-ости дунёсининг худоси, марҳумлар арвоқлари подшолигининг ҳукмдори, арвоқлар подшолигининг номи.

**АКРОПОЛЬ** (грек.)— баланд ўрин, жой, истехком, қалъа — қадимги грек шаҳарларининг тепалик жойларга қурилган марказий қисми. А.лар дастлаб грек жамоасининг диний ва маданий марказ бўлган. А.лар орасида айниқса ҳайкалтарош Фидий раҳбарлигида архитектор Икгин ва бошқалар томонидан қайта тикланган Афина А. и машҳурдир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германияси томонидан босиб олинган Грециянинг миллий қаҳрамони М. Глезос А. устига грек миллий байроғини ўрнатиб, фашист газандаларга нисбатан кучли халқ нафратини ифодалаган эди.

**АЛАФ ПУЛИ** — ўт пули, ўлпон (қ.); ўзбек хонликларида яйлов, бедазор, мевали боғ ва узумзорлардан олиннадиган солиқ.

**АЛЛОД** (грек.)— ерга тўла эгалик қилиш. Ғарбий Европада феодализм даврида авлоддан-авлодга мерос қолувчи ер-мулк; бундай ерга эгалик бенефиция (қ.) ва феодал ер эгалигидан феодал мажбуриятлар ва ҳарбий хизматни ўтамаслик билан фарқ қилади.

**АЛЛОФ** (а.)— галлафуруш. I ўтин-чўп, гнёҳ сотиш билан шуғулланувчи; 2 галла сотувчи. Шарқнинг айрим мамлакатларида қўшинга озиқ-овқат, ем-хашак етказиб берувчи мансабдор, галла ва ем-хашак сотишни касб этган шахс.

**АЛЬБИОН** (кельт.)— Британия ороли (Ирландиясиз)нинг қадимги номи. А. баъзан Буюк Британия ибораси ўрнида ишлатилади.

**АЛЬМЕНДА** (нем.)— ҳаммага қарашли нарса; Ғарбий Европа мамлакатларида илк ўрта асрларда жамоа аъзоларининг ҳақ тўламай умумий фойдаланган ер-мулклари; ўтлоқ, ўрмонзор, ҳайдаладиган ер, дарё ва кўллар.

**АМАЗОНКАЛАР** (грек.)— отлик чавандоз аёллар; грек афсоналарига кўра Кичик Осиё, Азов денгизи ёки Лемнос ороли қирғоқларида ва Меотий кўли бўйларида яшаган ва қўшни мамлакатларга ҳарбий юришлар қилган жанговар аёллар қабиласи. Улар ўз наслларини сақлаш ва тарқатиш мақсадида бошқа қабилалар йигитларига турмушга чиқишган. Бу оиладан туғилган ўғил болаларни оталарига қайтариб беришган, қиз болаларни ўзларида олиб қолиб, жангу жадалга ўргатишган.

**АМАЛДОРИ МЕҲМОНХОНА** (форс.-тож.)— Бухоро амирлигида амир қабулхонасида ишловчи мансабдор.

**АМАН-РА** — қадимги Миср худоларидан бири — Қуёш худоси; у қирғий қиёфасида тасвирланган бўлиб, ўз паноҳида асровчи тангри ҳисобланган. А.-р.нинг обрў-эътиборини ортириш мақсадида қадимги қуёш худоси Ра билан тенглаштирилган ҳамда унга худолар подшоси ва фиръавн (Миср подшоси)нинг отаси сифатида эътиқод қилинган; Урта подшолик даврида А.-рга сиғиниш

расмий тус олган. Эрамиздан аввалги 16—13-асрларда подшолар уруш ҳаракатлари олиб борган вақтларда А.-р. ғолибларнинг ҳомийси ва ғалаба келтирувчи тангри сифатида машҳур бўлган. Ҳарбий ўлжаларнинг талайгина қисми А.-р. эҳромига келтириб берилган.

**АМБРАЗУРА** (*фр.*)—шинак; ёв ҳужумларидан сақланишга мўлжалланган ҳарбий истеҳком, қалъа деворларидан милтиқ, пулемёт, тўпнинг озини чиқариб отиш ва кузатиб туриш учун қурилган мустақкам тўйнуқ.

**АМБРОЗИЯ** (*грек.*)—қадимги грек афсонларида худоларга мангу ёшлик ва абадий ҳаёт бағишловчи таомлар ва нектар—ҳаёт суви.

**АМИН**—1 Бухоро амирлигида район ёки қишлоқ оқсоқоли; 2 бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор; 3 чоризм даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттақўрғон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб, бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор; Бухоро амирлигида А. амлоқдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигида волость бошлиғига итот этган.

**АМИНОНА**—1 Бухоро амирлиги Самарқанд ва Фарғона бозорларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундирадиган махсус бозор ҳақи; 2 аминлар (*қ.*) фойдасига йиғиб олинган солиқ.

**АМИР** (*а.*)—амру фармон берувчи, бошлиқ, ҳоким, лашкар бошлиғи, саркарда, ҳукмдор, мусулмонлар ҳокими («амирал мўмин»); араб халифаларининг ноиб, араб халифалари томонидан ўз қўл остида бўлган мамлакатларнинг ҳокимларига берилган унвон. Мўғуллар истилосидан сўнг Олтин Урдада, кейин Урта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси—улус (бек ёки нўён

маъносида) бошлиғининг унвони; Темур (1336—1405)нинг унвони; Темур шаҳзодалари амирзода деб аталганлар. 18-аср охиридан бошлаб, Бухорода манғит сулоласи (1756—1920) га мансуб бўлган ҳукмдорларнинг унвони, Сафовийлар Эронда вилоят ҳокими; 20-асрда монархияли араб давлатларида ҳукмрон хонадон шаҳзодаси.

**АМИРЛИК** (*а.*)—мусулмон мамлакатларида амир (*қ.*) томонидан бошқарилган мамлакат ёки вилоят.

**АМИР УЛ УМАРО** (*а.*)—амирлар амира, олий амир—Олтин Урда, Чигатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, А.у.га ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари (девоңлар) ҳам бўйсунган. Темур ва темурийлар даврида А.у.у. фақат Олий Бош қўмондонлик, айрим ҳолларда ҳукмдорнинг ҳудайчиси (адъютанти) бўлган, 17—19-асрларда Туркия ва Озарбайжонда беклар беги.

**АМЛОК** (*а.*)—катта ер эгалиги; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарсалар, буюмлар; Бухоро амирлигида солиқни тақсимлаш бирлиги. Мусулмон шарқининг бир қатор мамлакатларида давлат ихтиёридаги ер-сув ва бошқа бойликлар; Бухоро ва Қўқон хонликларида (16—19-асрларда) феодал ер эгалигининг бир тури. Давлат олдидаги хизматлари учун шаҳзодалар, амалдорлар, лашкарбошиларга нўём қилинган ер-сув. Амлоқдорлар ўз ерларини деҳқонларга ижарага бериб, уларни эксплуатация қилганлар. А. ерларини суғориш ишлари давлат тасарруфида бўлганлиги деҳқонларни унга қарам қилиб қўйган. Деҳқонлар давлатга хирож (*қ.*) ва бошқа солиқлар тўлашган.

**АМЛОҚДОР** (*а.*)—амлоқ мулкига эгалик қилувчи киши; йирик феодал, катта ер-сув эгаси бўлган шахс.

А.га бир неча қишлоқ қарам бўлган. А. қўлида котиб (мирза), мироб (қ.), амин (қ.), оқсоқоллар (қ.) хизмат қилганлар.

**АМУР** (лат.)—қадимги рим афсоналарида тасвирланган севги худоси; грекларда — Эрот. Бу афсоналарга кўра, А.нинг қудрати олдида худолар ҳам, одамлар ҳам бардош бера олмаган. У қўлида камон ва ўқ ушлаган олтин қанотли ўғил бола шаклида тасвирланган. А. олтин камонининг ўқлари кишиларга ва худоларга гуё бехато тегиб, уларнинг қалбида севги-муҳаббат, хурсандчилик, азоб ва уқубат туйғуларини уйғотар эмиш.

**АМФИКТИОНИЯ** (грек.)— энг қадимги Грецияда қабилалар билан шаҳар-давлатлар ўртасида юзага келган диний-сиёсий иттифоқ. Бунинг аъзолари ўзаро жанжалли ишларни тинч йўл билан ҳал этиш, ибодатхоналарда ибодатларни уюштириш билан шуғулланганлар. Бу ибодатхоналарда қимматбаҳо бойликлар сақланган ва байрамлар ўтказилган.

**АНАБАПТИСТЛАР** (грек.)— қайта чўқинтирилганлар ёки христианлик биродарлиги — 16-асрда Германия, Швеция ва Нидерландияда феодализм ва унинг таянчи бўлган черковга қарши қаратилган диний реформация (қ.) оқимлари тарафдорларидан бири бўлиб, шаҳар камбағаллари ва ҳунармандларнинг манфаатларини ифодалаганлар. А. ҳаракати черков иерархияси (қ.)ни инкор этувчи, мулкнинг умумий бўлишини талаб қилувчи феодал зулмга қарши қаратилган диний ниқоб остидаги ижтимоий норозилик кўриниши эди. А. киши балоғат ёшига етгандан сўнг чўқинтирилишини талаб этганлар, келажакда қиёмат бошланиб, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлади, деб судга, ҳукуматга итоат этмаслигини,

ҳарбий хизматдан бош тортишни тарғибот қилганлар. А. Германияда деҳқонлар урушида (1525) қатнашдилар, Монцер коммунасини туздилар (1534—35), бироқ улар тор-мор келтирилиб, 18-асргача таъқиб остида бўлдилар. А. Швейцария ва Голландияда айниқса кенг тарқалди (16-асрнинг 20—30-йилларида). 16-асрнинг ўрталарига келиб, А. бир неча майда мазҳабларга бўлиниб кетиб, социал курашдан воз кечган.

**АНАРХИЗМ** (грек.)— ҳокимиятсизлик — ҳар қандай давлат ҳокимиятини, шу жумладан, пролетариат диктатурасини ҳам, уюшган сиёсий курашни, пролетар интизомини, ишчилар синфи ва пролетариат партиясининг раҳбарлик ролини инкор этувчи, марксизмга ёт бўлган реакциян майда буржуазия оқими; А.нинг бош идеологи Уильям Годвин (1756—1836) ўзининг «Сиёсий адолат ҳақида илимий асар»ида буржуа жамияти иллатларини, тенгсизликни фош этиб, адолатсизликнинг асоси давлатдир, деган фикрини илгари сурган. Уильям Годвин таълимотининг издошлари П. Прудон, М. А. Бакунин кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши давлат туйфайли вужудга келади, бинобарин, ҳар қандай давлатни йўқ қилиш керак, деган шior билан майдонга чиқишди. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин А.ни қаттиқ танқид қилдилар. 19-аср охири ва 20-аср бошларида А. заминида анархо-синдикалистик (қ.) майда буржуа оппортунистик оқими вужудга келди. Октябрь социалистик революциясидан сўнг А. вакиллари контрреволюция томонида туриб, Совет ҳокимиятига қарши курашди.

**АНАРХИЯ** (грек.)—1 ҳокимиятсизлик, бошбошдоқлик, бебошлик; 2 ҳар қандай давлат ҳокимиятини ин-

кор этиш; пролетариатнинг сиёсий курашисиз ва ҳатто унинг партиясизлиги тузмай туриб пролетариат диктатурасига ўтиш мумкин, деб даъво қилувчи реакциян утопия.

**АНАРХИСТ** (грек.)—1 анархизм тарафдори, анархистлар ташкилотининг аъзоси; 2 ҳокимият ёки раҳбарларга бўйсунмовчи киши.

**АНАРХО - СИНДИКАЛИЗМ** (грек.)—бебошлик, тартибсизлик, халқро ишчилар ҳаракатидаги анархизм таъсирида бўлган майда буржуа оппортунистик оқими. А.-с. сиёсий курашни, ишчи синфининг раҳбар кучи — партия ролининг инкор этади. А.-с. назариячилари касаба союзлари ва синдикатларни ишчилар синфини уюштиришнинг олий формаси деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, касаба союзлари келажакда ижтимоий — ўз-ўзини идора этишда, ишлаб чиқариш ва озиқ-овқатни тақсимлашда асосий органга айланиши керак. А.-с. анархистлар сингари капитализмга қарши «тўғри ҳаракат» — иқтисодий стачка, саботаж, бойкот ва бошқа шу каби йўллар билан курашиш, курашнинг «олий шакли» — умумий иқтисодий стачка деб ҳисоблайди.

А.-с. мамлакатда социалистик революция галаба қозониши биланоқ давлат тугаб, ижтимоий ҳаётга бошчилик қилиш касаба союзлар федерацияси қўлига ўтиши керак, деб ҳисоблайди.

19-аср охирида вужудга келган А.-с. асосан Франция, Италия, Испания, Швейцария, Латин Америкаси мамлакатларида тарқалган. Иккинчи жаҳон урушигача А.-с. халқро касаба союз ҳаракатида сезиларли мавқега эга бўлган. А.-с. бизнинг мамлакатимизда 20-йиллар бошлари — «ишчи оппозиция»си кўрнинишда намоён бўлиб, у РКП(б)нинг 1921 йил мартда бўлган X съезида

фош этилди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг коммунистик ва ишчи партиялари таъсирининг ўсиши, капиталистик мамлакатларда революцион ҳаракатнинг юксалиши туфайли А.-с.нинг аҳамияти пасайди.

**АНАФЕМА** (грек.)—лаънатлаш; диний христиан черков ақидалари ва қондаларига қарши чиққанлиги учун диндорлар жамоасидан чиқариш, лаънатлаш ёки диний жамоадан ҳайдаш. Кўпгина черков диний жамоалари А.дан диндор омани кўрқитиш, фан ва илғор ижтимоий фикрларга қарши курашда фойдаланганлар.

**АНГЛИКАН ЧЕРКОВИ** — Протестантлик — Англияда абсолютizm кучайган даврдаги давлат черкови. А. ч. 16-аср 30-йилларида тюдорлар хонадонни вакили король Генрих VIII (1491—1547)нинг ислохотлари туфайли вужудга келган. Генрих VIII амалга оширган ислохотнинг асосий мақсади А. ч.ни папа (қ.) таъсиридан ажратиш, мустақил деб эълон қилиш эди. Король ўзини А. ч.нинг раҳбари деб эълон қилган. Шундан бошлаб епископлардан тортиб ҳамма руҳонийларни папа эмас, король тайинлайдиган бўлган. Монастир ерлари мусодара қилинган. 17-асрнинг 40-йилларида, яъни буржуа революцияси даврида А. ч. ўрнига калвинист-пресвитериан черкови давлат черкови ҳисобланса ҳам, А. ч. тамомила тугаб кетмаган. Ҳозирги вақтда А. ч.нинг айрим намояндалари халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш учун олиб борилаётган прогрессив ҳаракатга ўз ҳиссасини қўшмоқдалар. А. ч.ларнинг умумий сони 30 млн. дан кўпроқ.

**АНГЛИКАНЛИК** — Англиядаги давлат черкови; протестант черковларидан (қ.) бири. Реформация (қ.) даврида, 16-асрнинг 30-йилларида вужудга келган. Англиянинг король ҳокимияти монастир ерларини мусо-

дара қилиб, янги дворянлар ва сарой мансабдорларига тақсимлаб берди. Аммо олий руҳоний ва черков ерлари мусодара қилинмай қолаверди. А. черкови папага (қ.) эмас, королга бўйсунган. А. Англия ва бошқа мамлакатларда давлат дини ҳисобланади.

**АННАЛЛАР** (лат.)— йиллик, солнома, йилнома, хроника; эр. ав. V асрлардан бошлаб ва ўрта асрларда энг муҳим воқеалар йилма-йил ёзиб борилган тарихнома.

**АННЕКСИЯ** (лат.)— қўшиб олиш. Агрессия (қ.) нинг бир хили. Бир давлатни зўрлик билан қўшиб олиш. Бошқа мамлакатни зўрлик билан эгаллаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш ёки унда ўз таъсирини ўрнатиш. А. бирор давлат ерини қисман ёки тамоман босиб олиш шаклида бўлиши мумкин. Империализм даврида А. тез-тез рўй бериб туради. Бундай ҳолларда империалистлар томонидан эгаллаб олинган мамлакатларда уларнинг йўл-йўриғи билан иш кўрувчи, ўз халқи ва мамлакатни манфаатига зид сиёсатни амалга оширувчи қўғирчоқ ҳукуматлар тузилади.

**АНТАГОНИСТИК СИНФЛАР** (лат.-а.)— баҳс, кураш; бешта ижтимоий-иқтисодий формациядан учтаси — қулдорлик, феодализм ва капитализм жамиятлари антагонистик жамиятлар ҳисобланади. Қулдорлик тузумида қуллар билан қулдорлар, феодализмда деҳқонлар билан феодаллар, капитализмда эса пролетариат билан буржуазия, умуман эзлувчи ва эзувчилар табақаси ўртасидаги бир-бирига қарши мurosасиз курашувчи ижтимоий гуруҳлар. Антагонистик синфлар ўртасидаги кураш синфий кураш, революция йўли билан ҳал этилади.

А. с. ўртасидаги кураш прогрессив синфнинг галабаси билан якун-

ланади. Жумладан, пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқда чоризм ва капитализмга қарши олиб борган кураши социалистик революциянинг галабаси билан тугади.

**АНТАНТА** (фр.)— «Юракдан келишув», «Учлик битими», «Учлик иттифоқи», блок. А. империалистик давлатлар — Англия, Франция ва Россиянинг ҳарбий иттифоқи бўлиб, 1904—1907-йилларда Германия, Австрия-Венгрия, Италия иттифоқига қарши пайдо бўлган эди. Шу блокларга кирган империалистик давлатлар, биринчи галда, Германия дунёни қайта тақсимлашдан манфаатдор эди. Бу биринчи жаҳон империалистик урушига олиб келди. Биринчи жаҳон уруши даврида А. га Сербия, Италия, Япония, Бельгия, Греция ва Руминия қўшилди. Кейинчалик АҚШ ҳам А. га қўшилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Англия, Франция, АҚШ ва Япония империалистлари ёш Совет давлатига қарши уч марта интервенция қилдилар. Империалистик давлатлар томонидан биринчи жаҳон уруши билан иккинчи жаҳон уруши ўртасида тузилган бир қанча иттифоқ ва блоклар (Кичик А., Балтика А. си, Болқон А. си, Ўрта денгиз А. си)нинг умумий номи. Империалистик доиралар томонидан уюштирилган антисовет интервенция (1918—1920) нинг барбод бўлиши ва А. га кирган давлатлар ўртасидаги зиддиятнинг кучая бориши А. нинг инқирозига сабаб бўлди.

**АНТЕЙ** (грек.)— қадимги грек афсонаси қаҳрамони, денгиз худоси Посейдон ва ер маъбудаси Геининг ўғли бўлиб, Ливияда яшаган. Ривоятга кўра, бу паҳлавон она ерда туриб курашганда, уни ҳеч ким енга олмаган, чунки у онаси — ердан кучқувват олиб турган. Бу сирдан ҳабардор бўлган Геракл Антейни ер-

дан узиб олиб, ҳавода бўғиб ўлдириб, ғалаба қилган.

**АНТИГОНА** (грек.)—грек афсонасида — шоҳ Фив Эдипнинг қизи, отаси қувғин қилинганда ўз ихтиёри билан унга ҳамроҳ бўлган. А. отаси вафот этгач, ватани — Фивига қайтиб келган. А. шоҳ Креонтнинг тақиқлашига қарамай, унинг ҳалок бўлган укаси Полоник жасадини дафи қилгани учун қамаб қўйилган мақбарада ўзини ўлдирган. Софокл ва бошқа кўпгина қадимги ёзувчилар ўз трагедияларида А. образдан ота-онага муҳаббат қўйган, уларга фидокор, садоқатда ота-онанинг манфаати учун ўзини қурбон қилишга тайёр турган фарзандлар тимсоли сифатида фойдаланганлар.

**АНТИК** (лат.)—қадимги, илгариги, хусусан қадимги Греция ва Рим тарихи, маданияти ва санъатини акс этдиради. Масалан, антик санъат, антик адабиёт, антик ёдгорликлар.

**«АНТИКОМИНТЕРН ПАКТИ»**—1936 йил 25 ноябрда Берлин шаҳрида фашистлар (қ.) Германияси ва милитаристик (қ.) Япония ўртасида тузилган агрессив йўналишдаги битим. «Антикоминтерн пакти»га 1937 йилда Италия, 1939 йилда Венгрия, Испания ва Маньжоу-Го «қўғирчоқ давлати» қўшилади. Англия, Франция ва АҚШ «Антикоминтерн пакти»ни қўллаб-қувватлади. «Антикоминтерн пакти»нинг асосий мақсади Коминтернга қарши кураш ниқоби остида, жаҳонга ҳукмрон бўлиш эди.

«Антикоминтерн пакти» заминида 1940 йил сентябрда Берлинда Германия, Япония, Италия ўртасида ҳарбий-сиёсий иттифоқ ҳақида шартнома тузилди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи ва барча антифашист кучларнинг ғалабаси «Антикоминтерн пакти»нинг тугашига олиб келади.

**АНТИКОММУНИЗМ** — империализмнинг прогрессив кучларга қарши курашда асосий ғоявий-сиёсий қуроли; А.нинг асосий мазмуни социалистик тузумни қўпроиб ташлашдан иборат. Кураш усули: социалистик тузумга тухмат, компартияни, марксизм-ленинизм таълимотини сохталаштириш. Эндиликда социал тараққиётнинг барча душманлари молия олиғорхияси ва урушқоқ ҳарбий доиралар, неофашистлар ва империалистик реакциянинг ҳамма ғоявий ва сиёсий ҳамтовоқлари А. байроғи остида бирлашмоқдалар. А. илмий социализм ва коммунизм назарияси, социалистик қурилиш тажрибаси, халқаро ишчилар ҳаракати ҳақида уйдирма ва бўҳтонлар тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу реакция кучлар коммунистик ва ишчи партияларга, социалистик мамлакатларга, биринчи гада, Совет Иттифоқи ва прогрессив кучларга қарши кураш олиб бормоқда. А. коммунистларнинг идеаллари ва юргизаётган сиёсатларини обрўсизлантиришга, ишчилар ҳаракатининг жипслашувига, кенг демократия ва ижтимоий кучлар ҳамкорлигига йўл қўймаслик учун курашмоқдалар.

**АНТИМИЛИТАРИЗМ** (лат.)— милитаризмга қарши ижтимоий оқим; империалистик давлатларнинг янги ерлар ва янги бозорларни босиб олиш мақсадида ҳарбий қуролланишига қарши ҳаракат; иккинчи жаҳон урушида (1939—1945) фашист агрессорлар блоки тор-мор келтирилгач, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида тинчлик тарафдорларининг милитаризмга қарши ҳаракати кучайиб борди. Бу ҳаракат СССР бошчилигидаги қудратли антимпериалистик, демократик лагерга таянади. А. АҚШ бошлиқ империалистларнинг янги жаҳон урушини бошлашга қаратилган

реакцион сиёсатига қарши кураш тарафдорлари. 1949—1950-йилларда бўлиб ўтган тинчликни ҳимоя қилиш халқаро конгресси ва бошқалар жаҳон халқларининг тинчлик учун курашга қаттиқ бел боғлаганликларини кўрсатадиган қудратли намойишга айланди.

**АМУДАРЕ ХАЗИНАСИ**—1877 й. да Самарқанд—Қундуз йўли устида, Тахтақавод кечуви яқинида, Амударё бўйида топилган 177 олтин, кумуш буюмларни ўз ичига олади. Бу турли хил зебу зийнат буюмлари, ҳайкалчалар эр. ав. 4—3— ва 2-асрларга оид бўлиб, 1789 й. да Ҳиндистон орқали Англияга олиб кетилиб, Британия музейига топширилган. А. х. ўтмишда Ўрта Осиёда маданият анча ўсганлигидан гувоҳлик беради.

**АНТИСЕМИТИЗМ** (*грек.*)—ирқий шовинизм ва буржуа миллатчилигининг яҳудийларга қарши қаратилган реакцион ҳаракати. А. тарафдорлари яҳудийларни камситиш, таъқиб қилиш ва уларга нисбатан нафрат туғдиришни тарғибот қиладилар. Реакцион доиралар ўз синфий ва сиёсий манфаатларини кўзлаб, А. сиёсатини амалга оширадилар. А. оманинг диққатини революцион курашдан четга тортиш мақсадида эксплуататор синфлар томонидан яҳудийларга қарши уюштирилган ҳаракат. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда А. учун ижтимоий замин йўқ. Совет Иттифоқида ирқий ёки миллий адоватни тарқатувчилар қонун йўли билан қаттиқ жазоланади.

**АНТИФАШИСТИК КОАЛИЦИЯ**—фашизмга қарши иттифоқ; фашистлар Германияси Совет Иттифоқи территориясига ёвузларча бостириб киргандан сўнг фашизмга қарши курашиш учун СССР, АҚШ, Англия ва Франция ўртасида тузилган ҳар-

бий-сиёсий иттифоқ. Бу иттифоқ фашистлар Германияси, Италия ва милитаристик Японияни тор-мор келтириб (1941—1945 й.), инсониятни фашизм асоратидан сақлаб қолишда маълум роль ўйнади.

**АНТОНОВЧИЛИК**—1920—1921 йилларда граждaнлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясидан сўнг мамлакатимиз тинч қурилишга ўтиши даврида турли контрреволюцион элементларга суянган эсер А. С. Антонов бошчилигида собиқ Тамбов губернасида буржуа тузумини қайта тиклаш мақсадида Советларга қарши уюштирилган қулоқ-эсерлар исёни. А. тўдаси 1921 й. бошларида 50 минг кишилик қуролли кучга эга эди. Улар кўплаб совет ва партия ходимларини ўлдирдилар, совхозлар ва аҳолини шафқатсиз таладилар. 1921 йил март ойининг охирида А. тўдасининг кўпчилиги қуролларини топширишга мажбур бўлди. А. тўдасининг бошқа қисми маҳаллий аҳолининг қўллаб-қўлтиқлаши натижасида 1921 йил августидега тор-мор келтирилди.

**АНТРОПОЛОГИЯ** (*грек.*)—ирқшунослик; одамнинг морфологияси ҳақидаги, келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқининг пайдо бўлиши, одамнинг суяк, тана тузилишидаги фарқ-тафовут, ўзарувчанлик тўғрисидаги фан. А. тарих фанининг ажралмас бир тармоғи.

**АНШЛЮСС** (*нем.*)—қўшиб олиш; биринчи империалистик урушдан сўнг герман империалистларининг Австрияни зўрлик билан Германия составига қўшиб олишга қаратилган сиёсати. АҚШ, Англия, Франция ҳукуматларининг розилиги ва қўллаб-қувватлаши билан 1938 йил 11—12-мартда гитлерчилар Австрияни эгаллашни тугатдилар. 1945 йил апрелда Совет Армияси Австрияни фашист қўшинларидан озод қилгач,



унинг мустақиллиги тикланди. 1955 йил 15 майда СССР, Англия, АҚШ ва Франциянинг Австрия билан имзоланган битими асосида А. тақиқланди. Австрия келажакда бетарафлик сиёсатига амал қилиш мажбуриятини ўз устига олди.

### АПАРТЕИД, АПАРТХЕИД

(бур.)— А. Жанубий Африка республикаси (ЖАР) ерли халқлари тилида «ажралиб яшаш» ёки «ажралиб ривожланиш» деган маънони билдиради. Жанубий Африка республикаси реакцион ҳукмрон доираларининг 20 млн. ли ерли халқлар — бантуга ва Ҳиндистондан кўчириб келтирилган, яъни европалик бўлмаган ёки аралаш аҳолига нисбатан қўллайдиган шафқатсиз ирқий камситиш, хўрлаш ва жисмоний қириб юборишни кўзда тутган сиёсати. А. сиёсати 1948 йилда ЖАРнинг расмий давлат сиёсатига айлантирилган; ерли халқлар ўзлари учун ажратилган район (резерват), шаҳар чеккасидаги қишлоқ (локация), шаҳарлардаги алоҳида нообод маҳаллаларда гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб яшайдилар. А. ерли халқларга қашшоқлик, очлик, тўла ҳуқуқсизлик келтиради. ЖАР да ерли халқлар ҳуқуқини чекловчи 350 қонун мавжуд.

ЖАРнинг туб халқлари А. ни бойкот қилиш учун, ирқий камситиш ва жабр-зулмнинг ҳамма формалари ва кўринишларини тамомила йўқотиш учун курашмоқда. Ерли аҳоли олиб бораётган кураш қонли террор йўли билан бостирилмоқда. Жумладан, А. АҚШ, Англия ва НАТО (қ.) га аъзо бўлган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

СССР бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, ривожланиётган мамлакатлар Жанубий Африка республикасининг халқни томонидан апартеид ва ирқий камси-

тишга қарши мустақиллик, озодлик ва ҳуқуқий тенглик учун олиб борилаётган адолатли курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширмоқдалар.

**АПОКАЛИПСИС** (грек.)— ҳақиқатни очиш; христиан динининг муқаддас Инжил китобларидан бири бўлиб, 68-й. охири—69-й. бошларида ёзилган. Асарда халқ оммасининг жабр-зулм маскани бўлган Рим империясига бўлган нафрати, унинг тезроқ ҳалок бўлишини исташи ўзифодасини толган. А. да «охир замон» ҳақида «кароматлар» келтирилган. А. дан черков мазлум халқларни қўрқитиш учун фойдаланиб келади.

**АПОЛЛОН** (грек.)— қадимги грек динида энг кўп сиғинилган худо, Зевс ва Лето (Лато) нинг ўғли. А. Грециядан ташқари, Кичик Осиё ва Римда ҳам кенг тарқалган. Қадимги грек санъатида А. қўлида ўқ-ёй ёки музыка асбоби ушлаган ёш йигит қиёфасида тасвирланган.

**АПОСТОЛЛАР** (грек.)— элчи, вакил, издош, христиан дини пайдо бўлган дастлабки даврларда элма-эл кезиб, христианликни тарғиб этувчилар. Исо ҳақидаги афсонада гўё унинг ўз шогирдлари орасидан танлаган 12 апостол—ҳаворий тилга олинади. Христианлик ёйилиб, расмий руҳонийлар— епископ ва бошқалар вужудга келгач, тугаб кетган А. номи фақат Исо пайғамбарнинг шогирдлари ҳисобланган 12 кишигагина (Иоанн, Матфей, Пётр, Павел, Марк, Фаддей, Андрей, Филипп, Левит, Яков (кичиги), Варфоломей, Иуда ва бошқалар) нисбат берилди. А. ларнинг турли халқларга қарата ёзган номалари ва уларнинг фаолияти баён этилган «Деяния апостолов» асари Инжил (қ.) нинг «Новый завет» қисмига киритилган. А. дан Па-

вел Христиан православ мазҳаби асосчиси ва 14 рисоланинг, Матфей ва Иоани биттадан ишжилнинг автори ҳисобланади. Пётр христиан-католик (қ.) черковиининг ва папалар диний ҳокимиятининг асосчиси ҳисобланади. Рим папалари ўзларини Пётр тахтининг вориси деб ҳисоблайдилар. Илмий тадқиқотлар 12 А. нинг тарихий шахслар эмаслигини аниқлаган.

**АПОСТОЛИКЛАР** (лат.) — 13-асрнинг иккинчи ярми — 14-аср бошларида Италияда феодал зулми ва католик черковига қарши мулк умумийлиги ва социал тенглик ширини олға сурган плебей деҳқонлар мазҳаби. А. лар апостол даврига, яъни христианиликнинг дастлабки давларига (номи шундан келиб чиққан) қайтишни талаб этардилар. Бу ҳаракатнинг раҳбари Сегарелли 1300 йилда инквизиция (қ.) томонидан гулханда ёндирилган, унинг маслакдош-издоши Дольчино Пьемонтда деҳқонлар қўзғолони (1304—1307) бошчилик қилган. Рим папаса Климент V 1305 йилда А. га қарши салиб юриши уюштирган ва қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилган. Дольчино қатл қилинган. А. лар инквизация (қ.) томонидан қаттиқ таъқиб остига олинишларига қарамай, ўз таълимотларини 15-аср бошларигача Шимолий Италия, Испания ва Германияда тарғиб қилишни давом эттирдилар.

**АРАКЧЕЕВЧИЛИК** — Россияда император Павел I (1796—1801) ва Александр I (1801—1825) лар замонда уларга яқин бўлган шахс Аракчеевнинг (1769—1834) номидан келиб чиққан. У мамлакатда полиция зулминини авж олдириб, армияда ва мамлакатда ашаддий реакцияон ўзгаришлар ясаган, 1808 йилдан ҳарбий министр, 1810 йилдан Давлат кенгаши ҳарбий ишлари департаментининг раиси, 1815 йилда Давлат кенгаши,

Министрлар кабинети раҳбари. А. жоҳил, раҳмсиз Аракчеев фаолияти билан боғлиқ бўлган реакцияон-полициячилик деспотизми, истибод ҳамда ваҳшиёна ҳарбий жабр-зулм режими.

**АРБАЛЕТ** (фр.) — камонга ўхшаган қадимги қурол, ўқ ва тош кибиларни иргитадиган қўндоқли камон. Русда 10-асрда, Европада 12-асрда кенг тарқалган қурол.

**АРБОБ** (а.) — хўжайин, бошлиқ, раҳбар, 1 Бухоро амириликдаги қишлоқ ёки шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол, қишлоқ мироблари бошлиғи; 2 ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машҳур шахс.

**АРБОБОНА** — Бухоро амириликда арбоблар фойдасига йиғиб олинган солиқ.

**АРГОНАВТЛАР** (грек.) — қадимги грек афсоналарида — «Арго» кемасида бойлик излаб саёҳат қилувчи жасур денгизчилар. Ясон бошчилигида Қолхидага (ҳозирги Грузияга) аждар қўриқлаб ётган афсонавий қўйнинг олтин барра жунли терисини қўлга киритиш учун сафар қилган паҳлавонлар.

**АРГУС** (лат.) — қадимги грек афсоналаридаги кўп кўзли баҳайбат паҳлавон, сергак соқчи. Қўзларидан бир нечаси доим очик бўлиб, уни теклаштириб турган. Афсоналарга кўра, Гера (қ.) сигирга айлантирилган Ио (Зевснинг севгилиси) ни қўриқлашни А. га топширган. Гермес (қ.) А. нинг ҳамма кўзларини ухлатиб ўлдирган ва Иони озод қилган. Маъбуда Гера А. нинг кўзлари билан товус думини безатган.

**АРЕОПАГ** (грек.) — қадимги Афинада олий суд ва назорат органи, мажлислар ўтказиладиган жой. Қадимги Афинада А. Арес тепалигига жойлашган, бу маҳкама оқсоқол-

лар уюшмаси бўлиб, суд ва диний ишларни назорат қилган. Афина қулдорлик демократиясининг юксалиши билан А. сиёсий назоратчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, фақат қотилларни суд қилиш вазифасини сақлаб қолади.

**АРИАДНА** (грек.)— грек афсоналарига кўра, Крит подшоши Миносининг қизи. А. афиналик қаҳрамон Минотавраининг қотили Тесега бир копток ип ёрдами билан лабиринтдан (қ.) чиқиб олишга ёрдам берган. Эр. ав. 5-асрга келиб, А. афсонаси ўз аҳамиятини йўқотган.

**АРИСТОКРАТИЯ** (грек.)— энг яхшилар ва ҳукмронлик — қадимги Грецияда давлат тузуми, аслзодалар, боёнлар ҳукмронлиги; қулдорлик, феодализм ва капитализм жамиятида ҳукмрон синфларнинг имтиёзли юқори табақаси, буржуа давлатида ҳам имтиёзлари сақланади. Молия А. си, бой савдогарлар А. си, капиталистик мамлакатларда ишчилар А. си (қ.) — ишчилар синфининг кўпроқ иш ҳақи оладиган, буржуа идеологияси таъсирга берилиб, ишчилар синфига хиёнат қилувчи имтиёзли қисми. Империалистлар ишчи А. сидан идеологик қурол сифатида фойдаланадилар. Ишчилар А. си турли кўринишдаги оппортунистик оқимлар ва ревизионизмнинг таянчи бўлиб хизмат қилади.

**АРИҚ ОҚСОҚОЛИ** (ўз.)— ҳозирги Ўзбекистон территориясида 19-асрнинг иккинчи ярмида дарёдан бошланган бош ариқларни назорат қилувчи, экин майдонларини сув билан таъминлаш, ариқларни тозалаш ишига раҳбарлик қилувчи бош мироб. А. о. ва унинг ихтиёридаги мироблар халқдан йиғилган «миробона» (қ.) солиғидан ҳақ олишган.

**АРҚ** (а.)— ички қалъа, қўрғон, кўҳанқиз, қаср, сарой; антик ва ўрта

аср шаҳарлари ичида, унинг баланд жойида қурилган ва мустақкам девор ва хандақ билан ўралган кичик қалъа. А. ташқи дунё билан бир ёки икки дарвоза орқали боғланган. А. да ҳукмдор ва олий мансабдорларнинг саройлари, амалдорлар ва лашкар-бошиларнинг уйлари, девон (қ.), зарбхона (қ.) ва зиндон (қ.) жойлашган. А. Хива, Бухоро, Самарқанд, Термез, Урганч, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлган. Бухоро ва Хивада А. лар ҳамон сақланмоқда.

**АРМАН-ГРИГОРИЙ ЧЕРКОВИ** — қадимги христиан церковларидан бири бўлиб, эраизмнинг дастлабки асрларидан бошлаб Арменияда тарқала бошлаган. 301-йилда подшо Тридат (Тирдат) III христианликни расмий дин деб эълон қилган. Бу диннинг номи биринчи католикос (қ.) Григорий номи билан А.-г. черкови деб аталган. Рухонийлар подшодан кўп миқдорда бойлик ва ер-сув олиш, деҳқон ва ҳунармандларни шафқатсиз эксплуатация қилиш, черков фойдасига махсус солиқ йиғиш натижасида черковнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи мустақкамланган. А.-г. черкови ақидалари католик ва православие черковлариникидан шу билан фарқ қиладик, бу ақидага кўра Исода ҳам илоҳий, ҳам инсоний фазилатлар мавжуд эмас, балки фақат илоҳий фазилатгина мавжуддир. А.-г. черковининг католикоси (бошлиғи) олий суд ҳам ҳисобланган. Резиденцияси Эчмиадзине. Черковлар қошидаги мактабларда диний предметлардан таъқари, нотиклик, грамматика, философия, математика ва рассомлик ҳам ўрганилган.

**АРСЕНАЛ** (фр.)— аслаҳахона, яроқхона, қўрхона, хазина. 19-аср охиригача армия ва флот учун қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳа-анжомлар иш-

лаб чиқариш, ремонт қилиш ва сақлаш корхонаси. Москва Кремлидаги А. 1584 йилда ташкил этилиб, «Москва замбарак-металл қуйиш хонаси» деб аталган, 1783 йилдан бошлаб, ҳарбий-тарихий аҳамиятга эга бўлган қадимги ҳарбий қурол-аслаҳалар сақланадиган музейга айлантирилган. Эндиликда у яроғ-аслаҳа палатаси деб аталади. Петербургдаги А. Пётр I томонидан (1712) ташкил этилган. Шунингдек А. лар Киевда (1764), Брянскда (1783) ташкил этилган. Булардан ташқари, Кронштадт, Севастополда ҳам А. лар мавжуд; турли даврдаги қуроллар ва ҳарбий аслаҳа-анжомлар музейи, артиллерия, денгиз-инженерлик ва бошқа шу каби А. лар бор.

**АРТЕМИДА** (грек.)— қадимги грек афсоналарига кўра, ов маъбудаси, ҳайвон ва қушлар ҳомийси; ой илоҳаси; кейинроқ аёллар иффатининг ҳомийси, Аполлоннинг сингласи, Зевс ва Летонинг қизи. Қадимги Греция ва Римда А. га эътиқод қилиш кенг тарқалган эди. Уни римликлар Диана деб юритганлар.

**АРХЕОГРАФИЯ** (грек.)— архивларда сақланаётган қўлёзма асарлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларга доир ҳужжатларни ўргатувчи ва нашрга тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳа.

**АРХЕОЛОГ** (грек.)— археология фани бўйича мутахассис, археолог олим.

**АРХЕОЛОГИЯ** (грек.)— қадимий тарих ҳақидаги билим, таълимот, ўтган замонлар ҳақидаги фан. Узоқ ўтмишдаги моддий-маданий турмуш ва ёдгорликларни ўрганувчи фан соҳаси.

**АРХИВ** (лат.-грек.-нем.)— ўтмиш ва ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволга тегишли ҳужжатлар сақланадиган муассаса. Идо-

ралар, ташкилотлар, корхоналарнинг, айрим шахсларнинг фаолият даврида тўпланган ҳужжатларни сақловчи ҳукумат биноси. Октябрь социалистик революциясидан сўнг мамлакатимизда А. давлат қарамоғига ўтган ва барча совет республикалари, шу жумладан Ўзбекистонда кўп шахобчалик архивлар мавжуд.

**АРХИЕПИСКОП** (грек.)— бош епископ; христиан черковининг олий мартабали диний мансабдорларидан бири, митрополит (қ.) дан кейин иккинчи ўринда турган шахс ва унга епископ (қ.) лар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи берилган.

**АРХИМАНДРИТ** (грек.)— православие черковида эркаклар монастири бошлиғининг унвони; роҳибларнинг олий унвони. А. епископ (қ.) дан кейинги ўринда ҳисобланади; диний ўқув юрти (семинария) ректори.

**АРХИТЕКТУРА** (лат.)— меъморлик санъати. Меъморлик санъати тарихи, қонуниятлари ва назариясини, биноларнинг тури, услуби ва композицияси каби қатор масалаларни ўрганувчи фан. Катта ва муҳташам биноларни лойиҳалаштириш, қуриш ва безаш санъати; меъморчилик; биноларнинг бадий характери.

**АРХОНТЛАР** (грек.)— бошиқ, ҳукмдор, қадимги Грецияда, айниқса Афинада эр. ав. 7—5-асрларда олий мартабали шахс. Қадимги Грецияда А. ҳокимияти аввал умрбод, ундан кейин ўн йил ва ниҳоят (мил. ав. 683-й.) бир йилга келтирилган. А. коллегияси 9 кишидан иборат. Қлисфен ислоҳотидан сўнг А. ўзининг сиёсий мавқени йўқотган.

**АСЛЗОДА** (форс.)— оқсуяк, зодагон; ўзларини Муҳаммад пайғамбар ва унинг авлодига мансуб ҳукмдорлардан тарқалган деб ҳисобловчи шахслар.

**АСТРОЛОГИЯ** (грек.)— илми нужум — юлдузлар ҳақида тушунча, юлдуз илми, мунажжимлик; қадим замонларда ва ўрта асрларда юлдузлар вазиятига қараб, одамлар тақдирини, ердаги воқеаларни олдиндан айтиб бериш, фол очиб билан шуғулланган сохта фан. А. қадимги Шарқ мамлакатлари (Миср, Хитой, Ҳиндистон, Бобил, Сурия) да пайдо бўлиб, ўрта асрларда Эрон, Урта Осиё ва Арабистонда кең тарқалган.

**АСТРОНОМИЯ** (грек.)— юлдузлар ҳаракати қонунилари; юлдуз ва сайёраларни, шунингдек, уларнинг йўлдошларини, сайёралар ва юлдузлар орасидаги муҳитни, космик жисмларнинг келиб чиқиши, физик ҳолати, вазияти ва ҳаракати қонунларини текширувчи фан.

**АССАМБЛЕЯ** (фр.)— йиғилиш, мажлис; 1 айрим буржуа мамлакатларида, жумладан, Португалияда олий давлат органи; 2 бирор халқаро жамиятнинг ёки бир қанча давлат вакилларининг дипломатик ва бошқа характердаги ялпи мажлиси. Мадрид, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг брш органи; 3 Россияда Пётр I даврида дворянларнинг хотинлар ҳам қатнашадиган хурсандчилик кечалари.

**АССИЗЛАР** (ингл.)— Англияда қасам ичирилган маслаҳатчилар иштирокида ўтадиган олий суднинг сайёр сессияси; Францияда оғир жиноятлар ҳақидаги ишларни маслаҳатчилар иштирокида кўриб ҳал қилувчи судлар.

**АТАМАН** (укр.)— Давлат ҳокимиятига қарам бўлмаган отряд (баъзан қароқчилар шайқаси); қуроолланган казаклар отрядининг бошлиғи; революциядан олдин казакларда (қ.) бошлиқ, қўшин ёки қуроолли отряднинг фармойишлар берувчи асосий бошлиғи; казак қўшинларида сайлаб

қўйилган ёки тайинланган ҳарбий ва маъмурий бошлиқларнинг унвони; халқ қўзғолонларининг бошлиқлари ҳам А. деб аталган (С. Разин, А. Булавин, И. Болотников ва бошқ.) Гражданлар уруши йилларида оқ гвардиячи ва бошқинчи отрядларнинг бошлиқлари ўзларини А. деб юритганлар.

**АТЛАНТИДА** (грек.)— Платон асарларида сақланган қадимги грек афсонасига кўра, Атлантика океанида қачонлардир мавжуд бўлган жуда катта, серҳосил орол, унда маданий ва қудратли атлантлар яшаган, кейин қаттиқ zilзила натижасида океан тагига чўкиб кетган. Афсонага қараганда, А. Европа ва Африка халқлари билан урушлар олиб борган, уларни фақат афиналикларнинг аждодларигина тўхтага олганлар. Бу афсона заминдаги ҳақиқатни аниқлаш йўлидаги уринишлар ҳануз ҳеч қандай натижа бермади.

**АТЛАНТ** (грек.)— қадимги грек афсоналарига кўра, Зевснинг амрига биноан паҳлавонларнинг Олимпия худоларига қарши курашида қатнашгани учун ўз боши ва қўллари билан осмон гумбазини кўтариб турувчи паҳлавон — Атлант номидан олинган. Архитектурада балкон, портикни кўтариб турувчи одам ҳайкали.

**АТЛАНТИК ПАКТ** (иттифоқ)— НАТО га қаралсин.

**АТОН** — Қадимги Миср динида Қуёш худоси. А. одатда қуёш халқаси кўринишида тасвир этилади. Фиръавн Аминхотеп IV (Эхнатон) А. ни ягона олий тагри деб эълон қилган. Ахетатон шаҳрида бу худо шарафига катта ибодатхона қурилган.

**АТЛАНТИК ХАРТИЯ** — АҚШ ва Англия ҳукумат бошлиқлари — Ф. Рузвельт ва У. Черчилль 1941 й. 14 августда, Атлантика океанидаги Ньюфаундленд яқинида турган ҳар-

бий кемада урушдан кейинги даврдаги сийсат ҳақида имзолаган 8 моддалли декларация. А. х.нинг айрим моддалари халқларнинг фашизмга қарши кураши таъсири остида демократик руҳда ёзилган (фашистлар зулмини тугатиш, ўзгалар территориясини босиб олмаслик ва ҳ. к.). Бироқ фашистлар Германиясини тормор келтириш зарурлиги шартномада кўрсатилмаган. Бу хартия камчиликлари бўлишига қарамай, антифашист кучларни бирлаштиришда муайян аҳамиятга эга бўлишини кўзда тутиб, 1941 й. 24-сентябрда Совет Иттифоқи А. х. принципларига қўшилганини билдирди. СССР ўзининг алоҳида фикрини антифашистик коалиция (қ.) программасида баён қилди. 1942 й. 1 январиди Вашингтонда А. х. га қўшилган «26 давлат декларацияси»га имзо чекилди. 2-жаҳон уруши ва айниқса ундан сўнг АҚШ ва Буюк Британия А. х. принципларини бир неча бор буздилар.

**АТТАШЕ** (фр.)— бириктирилган; 1 ташқи ишлар билан шуғулланувчи муассасаларда кичик дипломатик мартаба; 2 элчихона ва миссияларда дипломатлар таркибидаги мансабдор шахс; 3 элчихона ёки миссияга дипломатик идоралардан ёки бошқа бирор идора томонидан маълум соҳанинг мутахассиси сифатида юборилган расмий шахс. Масалан, ҳарбий А., ҳарбий денгиз А., савдо А.си, матбуот А.си.

**АУДИЕНЦИЯ** (лат.)— давлат ва жамоат арбоблари томонидан чет эл дипломатик вакилларини расмий қабул маросими; император, шоҳ, король, хоң, князь каби ҳукмдорларнинг ёки баланд мартабали мансабдорларнинг бирор шахсни расмий қабул қилиш маросими, бу термин Россияда Пётр I замонидан эътиборан қўллана бошланган. Халқаро ҳу-

қуқда А.— давлат бошлигининг дипломатик вакилини қабул қилиши. Венада 1815 йилда қабул қилинган регламентга кўра, фақат мухтор элчигина А. сўрашга ҳақли. Муваққат элчи, муваққат ишлар вакили ва бошқа даражадаги дипломатлар А. ҳақида шу давлат ташқи ишлар министри орқали илтимос қила олади.

**АУТОДА-ФЕ** (исп.-португ.)— Испания, Португалия ва уларнинг мустамлакаларида католик черковига ва феодал тузумига қарши чиққан кишиларни, инквизация (қ.) олий судининг ваҳшиёна ҳукми бўйича «еретиклар»ни (қ.) шармандали кийимда, оёқ яланг сазойи ҳолда шаҳарнинг катта майдонига олиб кириб, гулханда куйдиришнинг ижро этилиши. 13-дан 19-асргача 30 мингга яқин «еретик» гулханда ваҳшиёна ёндирилган.

**АФАНДИ** (турк.)— Усманийлар империясида муомала шакли бўлиб, руҳоний ва мансабдор шахсларга нисбатан татбиқ этилган. Ҳозирги Туркияда «жаноб» маъносиди сақланиб қолган.

**АФИНА ПАЛЛАДА** (лат.грек.)— Римда Минерва, грек афсоналарида асосий маъбуда, қадимги грек афсоналари ва динида уруш ва ғалаба ҳамда донишмандлик, билимлар санъати, касб-ҳунарлар илоҳаси. Зевснинг қизи А. Афина шахрининг ҳомийси ҳисобланган; А. п. шарафига Афинада қурилган Парфенон эҳроми қадимги грек меъморчилигининг мухташам ёдгорлиги ҳисобланади.

**АФРОДИТА** (грек.)— қадимги грек афсонаси ва динида муҳаббат ва гўзаллик илоҳаси. Дастлаб ҳосил ва осмон худоси ҳисобланган А. кейинроқ денгиз худоси ва денгиз саяҳатчиларининг ҳомийси бўлиб, ўзи гўё денгиз кўппида туғилган. Кипр оролининг Пафос шаҳрида А. шара-

фига катта ибодатхона қурилган. А. га сиғиниш олдин Кичик Осиё ва Қипр оролида, сўнгра Болқон ярим ороли ва Грецияда тарқалган. Қадимги Рим афсоналарида А. Венера (Зухра) га тенглаштирилган.

**АХИЛЛЕС ТОВОНИ** — қадимги грек достони «Илиада» қаҳрамони. Афсонага кўра, А. нинг онаси бўлган денгиз илоҳаси Фетида ўғлини ўлмайдиган қилиш учун ер ости дарёси — муқаддас Стикс сувига чўмилтирганида Фетида қўлида ушлаб турган жойи — боласининг товонигина қолган. Бу паҳлавоннинг товонидан бошқа ерига ўқ ва қилич ўтмаган. Фақат бу сирни билган ғанимгина уни енгиши мумкин экан. Троя урушида саркарда Ахиллесни ҳеч ким енга олмаган, чунки уни ердан узиб олиш мумкин бўлмаган, баданига қилич, найза, ўқ ўтмаган. Париснинг отган ўқи эса А. нинг товонига тегиб, уни ҳалок қилган.

**АЪЛО ҲАЗРАТ** — ҳазрати олийлари, жаноби олий; шохларнинг фахрий уновони.

**АЪЛАМ** (а.) — билагон, уламо (қ.) лар орасида шариат қонун-қондаларини яхши билган киши, муфти (қ.) лар бошлиғи. Муфтилар тузган фатво ёки ривоятга А. муҳр босгач, кучга кирган ва қозилар ҳукм чиқаришлари учун асос бўлган. Революциягача Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида бир нечтадан А. бўлган.

**АҲОЛИ** (а.) — 1931 йил охирида Бағдодда ватанпарвар зиёлилар томонидан ташкил этилган Ироқ буржуа-демократик сиёсий ташкилоти. Унинг раҳбарлари Абд-Ал Фаттоҳ, Ибн Раҳим Хусайн ал Жалил, Муҳаммад Ҳадидлар Ироқда социалистик ва буржуа-демократик ҳаракатининг кўзга кўринган арбоблари эдилар. А. Англияга қарши барча ватанпарвар кучларнинг иттифоқи бў-

либ келди. А. программасида мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотлар ўтказиш, давлат ерларини деҳқонларга бўлиб бериш ва бошқа талаблар илгари сурилган эди. 1935 й. А. ҳукумат томонидан тақиқланган. Ироқнинг миллий-демократик партияси программасига А.нинг сиёсий платформаси катта таъсир кўрсатган.

**АХТАЧИ, АХОТАЧИ** — мироҳўр, сайис, отбоқар, жиловдор; ўзбек хонликларида сарой амалдорларидан бири.

**АХУРАМАЗДА** — зардуштий (қ.) ва маздакларда (қ.) олий тавгри. Зардуштийлик дини қадим замонларда ва илк ўрта асрларда Урта Осиё ва Эронда кенг тарқалган эди. Бу диннинг муқаддас китоби Авеста (қ.) да сахий худо А. ёруғлик, ободонлик, фаровонлик, саломатлик каби ҳамма згуликларни яратувчи, бошқарувчи худо, барча ёвузликларни — зулмат, қурғоқчилик, очлик, вабо, совуқ, заҳарли жониворларни яратувчи ва бошқарувчи Анхра-майнюю (Ахриман ёки Ариман) худоси билан доим кураш олиб борганлиги баён этилган. 8-аср бошида Урта Осиёда ислом ҳукмрон динга айлангач, оташпарастлар таъқиб остига олинган.

**АШТАРХОНИЙЛАР** (жонийлар) — Мовароуннаҳрни идора қилган сулола (1599—1753). 1556 йилда Астрахань хонлиги. Россияга қўшилгач, Жўжиҳон наслига мансуб бўлган Ермуҳаммад хон оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келди. Бухоро хони Искандар (1563—1583) Ермуҳаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана беради ва Ермуҳаммаднинг ўғли Жонибек султонга ўз қизи Зухрахонни хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) дунёга келди. Бухоро хони Абдулмўмин (Аб-

дуллахон (1558—1598) нинг ўғли) ўлдирилгандан сўнг шайбонийлар наслидан валиахд йўқлиги учун Жонибекнинг ўғли Боқи Муҳаммад хон тахтига кўтарилади. Шу равишда Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган.

**АШУРО** (а.) — ўнинчи кун — ислом динининг шиа (қ.) мазҳабидагилар томонидан муҳаррам ойининг 10-кунда ўтказиладиган мотам маросими. Ривоятга кўра, шу кун Муҳаммаднинг набираси (Али билан Биби Фотиманиннг ўғли) Хусайн Ироқда Карбало (шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг зиёратгоҳ жойи) шаҳри яқинида ҳалок бўлган. Шиалар ҳар йили муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида 2—3 кун давомида кўчаларда «Шох Хусайн, воҳ Хусайн (қисқачаси — «шахсей-вахсей»)» деб қичқирадилар ва ўзларининг юзи, боши, кўкрак ва қўлларидан қон чиққунча, моматалоқ бўлиб кетгунча уриб азоб берадилар. Муҳаррамнинг ўнинчи кунни зикр, суҳбат, зиёфат, ашир оши ўтказилади. Сунний мазҳабидаги мусулмонларда ашир ошини кўпинча аёллар ўтказишади.

## Б

**БАГАУДЛАР** (лат-кельт.) — Шимолий Испания ва Галлияда 3—5-асрлардаги колонлар ва қулларнинг Рим истебдодига қарши ҳаракати (деҳқонлар, майда хунармандлар, колонлар, қочоқ қуллар) қатнашчилари. Б. ҳаракати Рим қулдорлик империясига қақшатқич зарба берди ва феодал муносабатларининг шаклланишига йўл очди.

**БАДАВИЙ** (а.) — ёввойи, қўпол, дағал, даштлик; Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африка чўлларида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи араб қабилалари. Б.лар Судан ва Шимолий Африка ва бошқа жойлар-

да яшаб, чорвачилик, овчилик билан шуғуллаганлар.

**БАЙТУЛ МУҚАДДАС** (а.) ёки Байт-ул мақдис, муқаддас уй-Қуддус (ҳозирги Иерусалим) шаҳрининг қадимги номи ҳамда мусулмонларнинг шу шаҳардаги машҳур масжидлари ва яҳудийларнинг зиёратгоҳ жойларининг номи.

**БАЙТУЛЛОҲ** (а.) — Оллоҳ уйи — мусулмонларнинг Макка шаҳридаги машҳур зиёратгоҳи — Каъба (қ.) нинг номи.

**БАКОВУЛ, БУҚОВУЛ** — Бухоро хонлигида сарой дастурхончиси, хонга дастурхон тортилиши олдида овқатни тотиб кўрувчи бош пазанда. 12—14-асрларда савдогарлардан божтамга ундиришни назорат қилувчи кичик ҳарбий мансабдор; 15-асрдан бошлаб ҳукмдор ва лашкарларга озик-овқат тайёрлаш ва тақсимлаш ҳамда бошқа таъминот ишларини назорат қилувчи ҳарбий мансабдор.

**БАНКЕТ КОМПАНИЯСИ** — «Қутқариш союзи» ташаббуси билан умуммамлакат либераллари Россиянинг кўп шаҳарларида амалга оширган расмий тантанали зиёфат маъракаси. Ишчи ва деҳқонлар революцион ҳаракатининг кучайиб боришидан қўрққан, Россия — Япония урушида чоризмнинг мағлубиятга учраши туфайли подшо ҳокимиятига нисбатан оппозицияда бўлган буржуазия томонидан суд реформасининг 40 йиллиги муносабати билан 1904 йил охирида ўтказилган маъракалар. Расмий зиёфатда сўзлаган нотиклар самодержавиениннг айрим ислохотлар ўтказишига ишонар ва буржуазиянинг сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритишини ва революция кучларини бўлиб юборишини кўзда тутар эдилар. Большевиклар расмий зиёфат маъракасини ва сиёсий курашда раҳбарлик ролини, буржуазияга топшириш-



ни истаган меньшевикларнинг хонлигини фoш этдилар. Биринчи рус революциясида (1905—1907) деҳқонлар оммаси томонидан қўллаб-қувватланган пролетариат асосий етакчи куч бўлиб майдонга чиқди, либерал буржуазия чор ҳукумати билан иттифоқда бўлган контрреволюцион кўчга айланди.

**БАПТИЗМ** (*грек.*)— сувга ботириб олиб чўқинтириш — протестантизм (*қ.*) даги йирик оқимлардан бири.

Англияда 17-асрда анабаптистларнинг (*қ.*) шохобчаси шаклида Б. христиан черковининг кўпгина маросим ва ақидаларини рад этди ва фақат балоғатга етганда чўқинтиришни талаб қилди.

Б. га кирувчилар янгидан чўқинтирилади. Б. икона, бут ва авлиёларга сиғиниш, руҳонийлар ибодат вақтида княдиган кийимлар ва черков «сирларини, католицизм (*қ.*) урф-одатларини рад этади. Б. диний эътиқодга ва диний ахлоқ тарғиботига катта аҳамият беради. Библияга қатъий риоя қилишга қақиради. Б. диний ниқоб остида майда, сўнгра йирик буржуа манфаатларини ифода этувчи шахсиятпарастликни, худбинликни тарғиб этади. Б. Исога сиғиниш билан боғлиқ бўлган рожество, пасха, троица каби диний байрамларни ўтказидаи. Б. жамоаси дастлаб 1609 й. да Голландияда, 1612 й. да Англияда, 1639 й. да АҚШ да пайдо бўлган. 19-асрда Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларида ташкил топган. Б. лар дунё бўйича 27 млн. киши бўлиб, ундан 24 млн. ни АҚШ да.

Россияда Б. 19-асрнинг 60-йилларида вужудга келган. 20-аср бошларида Б. нинг Жаҳон иттифоқи тузилган. СССР да Б. ларнинг ибодатхоналари мавжуд.

**«БАРБАРОССА ПЛАНИ»**— фашистлар Германиясининг СССР га қарши агрессив планининг шартли номи; «Муқаддас Рим империяси» нинг императори Фридрих I Барбаросса (1152—1190) номидан олинган. Гитлернинг топшириғи билан генерал Варлимонт томонидан тузилган план. «Б. п.» га асосан «Барбаросса операцияси» ишлаб чиқилган, унга кўра Қизил Армиянинг асосий кучларини Днепрнинг ғарбий томони ва Ғарбий Двинада тор-мор қилиб, сўнг Архангельск — Волга — Астрахань йўлига чиқиб олиш, урушни 2—3 ойда ғалаба билан тамомлаш кўзда тутилган эди. «Б. п.» ижодкорлари Совет Иттифоқи ижтимоий-сиёсий тузумининг афзаллигини, иқтисодий ва ҳарбий қудратини, совет халқининг метиндек мустаҳкам дўстлиги каби факторларни ҳисобга олмаганлари учун бу машъум план ҳалокатга маҳкум бўлди.

**БАРИН** (*рус.*)— боён, аслзода, помешчик, дворян, ер эгаси, жаноб, хўжайин.

**БАРЛОС** (*ўзб.*)— ўзбек қабила-ларидан бири. Темур ва темурийлар шу қабиладан чиққан.

**БАРОН** (*фр.- қадимги герм.*)— Баро — озо, эркин; Ғарбий Европада дастлаб йирик феодал, бевосита королга вассал, граф (*қ.*) дан кейинги шахс, Ғарбий Европа мамлакатларида, асосан Германия ва Францияда 6—7-асрларда умуман табақа Б. деб аталган. 11—13-асрларда Б. йирик феодал аслзода унвони. Уша даврда Б. икки гуруҳга бўлинган: а) олий Б.— вассалларга эга бўлган ва ўзи бевосита королга вассал бўлган шахс; б) қуйи Б.— олий Б. ларнинг вассали бўлган киши. Б. нинг ўз мулки бўлган ва ўз деҳқонлари устидан тўла ҳукмронлик қилган. Англияда Б. энг йирик ва қудратли

феодал, кейинроқ дворянлик унвонларидан бири. Россияда Пётр I Б. унвонини жорий қилган ва у Балтика бўйи дворянларининг юқори табақасига мансуб шахслар унвони бўлиб қолган.

**БАРОНЕССА** (фр.)— бароннинг хотини ёки қизи — хоним.

**БАРОНЕТ** (ингл.)— Англияда факрий унвонли дворян, барондан кейинги ўринни эгалловчи шахс; Б. унвони Англияда авлоддан авлодга ўтувчи унвон бўлиб, у ўша замонда минг фунт стерлингга сотилган. Б. юқори аслзодалар билан қуйи дворянлар ўртасидаги ўринни эгаллайди.

**БАРШЧИНА** (рус.)— ишлаб бериш рентаси, капитализмгача бўлган ер рентасининг русча номи, крепостной ҳуқуқ даврида деҳқонларни помешчик, монастырь ва черков ерларида ўз иш қуроллари билан ҳафтада бир неча кун мажбуран ва ҳақ тўламай ишлатиш. Фарбий Европада баршчина системаси Рим империясининг охиригидаврларида вужудга келиб, 18—19-асрларгача давом этди. Россияда Б. Киев Руси даврида вужудга келиб, 16-асрнинг 1 ярмидан—19-аср 1-ярмигача кенг тарқалиб, расман 1861 йилги деҳқонлар ислоҳоти муносабати билан бекор қилинди. Ҳақиқатда эса «отработка» кўринишида Октябрь революциясигача давом этди.

**БАРШЧИННИК** (рус.)— баршчина мажбуриятларини ўтовчи, крепостной деҳқон.

**БАРОТ** (а.)— 1 ҳижрий йил ҳисоби билан саккизинчи ой (шаъбон); 2 оқдиқ қоғоз — ҳукмдор томонидан берилган озодлик хати, ёрлиқ; гувоҳнома. 3 ўтмишда барот ойининг охирида бўладиган базм ва суҳбат.

**БАРИКАДА** (фр.)— кўчабанд, тўсиқ кўча; кўприк ва тоғ йўлларида ёғоч, тош, қум, тупроқ тўлдирил-

ган қоплар, қулатилган дарахт ва бошқа нарсалардан ясалган сунъий тўсиқ. Б. жуда қадимдан маълум. 1365 й. Самарқандда сарбадорлар (қ.) томонидан босқинчи мўғулларга қарши, 13—14-асрларда Москва, Рязань, Владимир ва бошқа шаҳарларда чет элликлар тажовузидан мудофаа қилиш учун Б. қурилган. Халқ кўзғолонлари, революция (1905—1907 йиллар ва 1917 й. февраль революцияси) лар, иш ташлашлар, кўча жанглари вақтида ишчилар ҳукумат қўшинларига қарши кураш вақтида ҳам Б. дан фойдаланганлар. Улуғ Ватан урушида темир-бетон ва турли блоклардан қурилган Б. лар фашист газандалари билан курашда қўл келган.

**БАСИЛЕЙ** (грек.)— 1 қадимги Грецияда уруғ зодагонларининг бошлиғи; 2 қабила иттифоқининг бошлиғи; 3 Афина-Македония подшоларининг унвони; 4 қадимги грек адабиётида Октавиан Августдан бошлаб Рим императорининг унвони. Византияда императорнинг унвони.

**БАСТИЛИЯ** (фр.)— Париж шаҳрининг шимолий остоналарини қуриқлаб туриш учун 1370—1382 йилда барпо этилган қалъа. 16-аср охиридан бошлаб Б. да сиёсий маҳбуслар сақланадиган қамоқхона жойлашган. 1789 й. 14 июлда француз буржуа революцияси бошланган кун кўзғолончилар Б. га ҳужум қилиб, уни ишғол этадилар, гарнизоннинг бир қисмини қириб ташлайдилар ҳамда маҳбусларни озод қиладилар. 1780 й. Б. бузиб ташланиб, ўрнида барпо этилган майдон Бастилия ҳиббони деб аталган ва парижликларнинг сайргоҳига айланган.

**БАСТИОН** (фр.)— мустаҳкам кўрғон. Атрофи беш бурчак шаклида мустаҳкам девор билан ўралган ҳарбий истеҳком. Б. да замбараклар-

ни ўрнатиш учун махсус кўтармалар қурилган. Россияда Б. яр 16-асрдан бошлаб қурилган ва раскатав деб номланган.

**БАТРАК** — ёлланган қишлоқ хўжалик ишчиси; капиталистик қишлоқ хўжалигида хонавайрон бўлган ерсиз ва камбағал деҳқонлардан иборат бўлган, нихоятда оғир шартлар билан помешчик ва қулоқлар ерида ёлланиб ишлайдиган ишчи. Капитализм тараққиёти жараёнида ишлаб чиқарш воситалари (ер, иш ھайвонлари, деҳқончилик асбоблари) дан маҳрум ёки кичикроқ чек ерга эга бўлган деҳқон Б.га айланади ва қишлоқ буржуазияси, қулоқларга ёлланиб кун кўради.

**БАҲОДИР** (*мўғ.*) — жасоратли, довиорақ, жасур; ўрта асрларда турк ва мўғул халқлари орасида урушда кўрсатган катта жасоратлари учун берилган унвон.

**БАХУС** (*грек.*) — қадимги римликларда ҳосилдорлик, узумчилик, виночилик ва ҳурсандчилик худосининг номларидан бири ёки Бахх Дионис.

**БЕЙ** (*турк.*) — қадимги Туркияда майда вассал князларнинг унвони; Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида феодалнинг унвони.

**БЕК** (*турк.*) — 1 дастлаб туркий халқларда уруғ-қабилла зодағони, кейинроқ феодализм даврида феодал зодағони; 2 14-асрдан Олтин Урдада феодалларга — нўёнларга (қ.) махсус ёрлик билан берилган фахрий унвон; 3 Урта Осиёнинг ўтроқ районларида вилоят ва шаҳар ҳокимлари; 4 Урта Осиёнинг кўчманчи районларида, Қозоғистон ва Қирғизистонда Б. бий (қ.) — уруғ зодағони; 5 хон, унинг қариндошлари ва давлат арбобларининг болаларига бериладиган фахрий унвон. Хоннинг ўғли ёшлигида тўра ёки тўражон деб

аталган бўлса, хон ака-укаларининг ўғиллари ёки бошқа аъёнларнинг ўғиллари Б. деб аталган; 6 Кавказдаги туркий халқлар дворян ва помешчикни Б. деб атаганлар; 7 Бухоро амирлиги бир неча бекликларга бўлинган, Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинланган Б. бошқарган. Б. ўзи бошқарадиган бекликда чексиз ҳуқуққа эга бўлиб, у фақат амирга бўйсунган. Чорвадор қабила бошлиқлари эл беги, ҳарбий қисм ва бўлинима бошлиқлари ўн беги, юз беги деб аталган; 8 Туркияда Б. бей деб юритилган бўлиб, майда вассал князларининг унвони.

**БЕКЛИК** — бек томонидан идора этилган ерлар.

**БЕКЛАРБЕГИ** (*турк.*) — бекларнинг беги, олий бек; юқори маъмурий унвон ва лавозим. Б. ҳукмдорга эга яқин бўлган ва давлат ишларини бошқариб борган. Темурийлар даврида олий бош кўмондон. Хива хонлигида, қорақалпоқ ва бошқа кўчманчи халқларда оқсоқол унвони. Б. уруғлардан солиқлар йиғилиши ва ҳазинага топширилиши устидан назорат қилиб борган. Б.нинг вазифаси масалаларни бий, оталиқлар, оқсоқоллар кенгаши билан келишиб ҳал этишдан иборат эди. Б. қўл остидаги вилоят (бекларбегилик) ларда алоҳида вазир, шайхулислом, садр, жонши (бекларбегининг муовини) каби мансаблар ҳам бўлиб, улар Б.га бўйсунганлар. Б. мансабига хоннинг қариндош-уруғлари ёки унга содиқ кишилар тайинланган. 19-асрда Қўқон хонлигида Тошкент ҳокими бекларбеги унвонида юритилган. Эрон ва Озарбайжонда, Туркияда генерал-губернатор.

**БЕЛГИЛАНГАН ЙИЛЛАР** — Урочное лето — Россияда ер эгалари томонидан қочоқ деҳқонларни қидириб топish учун белгиланган муд-

дат. Б. й. биринчи марта подшо Фёдор Иванович ва Б. Годунов замонида 5 йил қилиб белгиланган. 1607 йилда подшо В. Шуйский бу муддатни 15 йилга чўзган. 1649 йилги «Собор қонуни» билан ер эгаларининг қочоқ деҳқонларни қидириб топишини муддатсиз қилиш ҳақидаги талаблари қондирилган.

**БЕЛЛОНА** (лат.) — қадимги Рим афсонасида уруш маъбудаси. Марсининг рафиқаси. Суратларда қилич ёки қамчин ёки кўпинча жанг марказида икки гилдиракли аравада тасвирланади. Унинг шарафига Римдаги Марс майдонида ибодатхона қурилиб, олдида «Уруш колоннаси» ўрнатилган. Унда жангчилар колоннаси саф тортиб турган. Кейинроқ бу бино Рим сенати элчи ва аюсулларни қабул қиладиган жойга айланган.

**БЕНЕФИЦИЙ** (лат.) — илк ўрта асрларда Ғарбий Европада ер эгаллиги формаларидан бири. Б. сеньорнинг (қ.) ўз вассалига (қ.) муайян хизматларнинг, кўпинча ҳарбий хизматларнинг ўталиши эвазига инъом қилган ер-мулк; феодал муносабатлар ривожланган 11—12-асрларда Б. авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолувчи мулкка айланган. Б. Русдаги поместье, Шарқнинг айрим мамлакатлари, жумладан ўзбек хонликларидаги иқто, суюрғал, Ҳиндистондаги жағир маъноларига яқин. Католик черковида черков мансаби.

**БЕРЛИН ПАҚТИ** ёки антикоминтерн пакти — 1940 йил 27 сентябрда Германия, Италия ва Япония ўртасида 10 йил муддатга тузилган ҳарбий-сиёсий битим — «Берлин — Рим — Токио ўқи». Б. п. Совет Иттифоқи ва Европадаги бир қатор мамлакатлар ерини босиб олиш ҳамда Германия ва Италиянинг Европада, Япониянинг эса Осиёда «янги тартиб» ўрнатишини кўзда тутган эди. Сўнг-

роқ Германия таъсирида бўлган бошқа давлатлар ҳам унга қўшилдилар. Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси, унинг ҳамтовоғи Италия ва милитаристик Япониянинг тормор келтирилиши натижасида Б. п. барбод бўлди.

**БЕРЛИН — РИМ УҚИ** — Германия билан Италия ўртасида 1936 й. 25 октябрда Берлинда имзоланган ҳарбий-сиёсий битим. Бу битимга кўра, Италиянинг Эфиопияни босиб олишини Германия эътироф этди. Испанияда Франконинг фашистик диктатураси билан ҳамкорлик қилинди. Б. Р. ў. фашист агрессорлари блокни мустаҳкамлайди. 1936 й. 25 ноябрда «Коминтернга қарши пакт» (қ.) нинг тузилиши билан «Берлин — Рим — Токио ўқи» вужудга келади.

**БЕТАРАФЛИК** — икки ёки бир неча мамлакат ўртасидаги ўзаро можароларга аралашмаслик, улар билан бирдай муносабатда бўлиш. Уруш ва тинчлик вақтларида қуролли можаролар ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларга аралашмаслик, ҳеч қанақа урушда қатнашмаслик. Бетараф давлат уруш ва тинчлик масаласига бефарқ қарай олмайди, урушнинг олдини олиш тadbирларини кўради. Зарурият туғилганда агрессияга қарши курашади.

Б. нинг тўрт хили мавжуд: 1 давлатлараро шартномаларда ифодаланган доимий Б. (Швейцария ва Австрия); 2 урушда бетараф бўлиш ва бир-бирларига қарши қаратилган ҳарбий ёки бошқа шартномаларга қатнашмаслик мажбуриятини олган шартномали Б. 3 Традицион Б. — кўпдан бери ҳарбий шартномалардан четда турган, аммо халқаро шартномаларда расмийлаштирилмаган Б. (Швеция бетарафлиги). 4 Позитив Б. — иккинчи жаҳон урушидан сўнг-

ти йилларда мустақиллик олган, ҳарбий ва сиёсий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсатини амалга ошираётган мамлакатларнинг вужудга келиши муносабати билан кенг тарқалган Б.

Бетараф давлат қуролини ҳужум қилинганда БМТ (қ.)нинг Уставига кўра ўзини индивидуал ёки коллектив равишда мудофаа қилиш ҳуқуқига эга.

Мустамлака зулмидан озод бўлиб, ривожланиш йўлига кирган Осиё ва Африка давлатларининг позитив бетарафлиги икки социал системанинг тинч-тотув яшаш формаларидан биридир.

**БЕГОР** (*ҳинд.*)— беғор; ҳашар маъносида Эронда 6-асрдан, Ҳиндистонда ва Афғонистонда 16-асрдан деҳқонларнинг феодалга саройлар, қалъалар, йўллар ва шу қабиларда ҳақ олмай мажбуран ишлаб бериши. Мустамлака Ҳиндистонда Б. ижарачи деҳқонлар томонидан ўталадиган мажбурий тарихасида сақланиб қолган.

**БИАРМИЯ** ёки **БИАРМАЛАНД** — 9—13-асрлардаги Скандинавия ва рус ривоятларига кўра, Россия Европа қисмининг энг шимолишарқий қисмига жойлашган мўйна, кўмиш ва мамонт суяги билан машҳур бўлган афсонавий мамлакат. Баъзи олимлар буни «Буюк Пермь» га ўхшатсалар, бошқалари Скандинавиянинг Оқ денгиз бўйлари шу ном билан аталган, деб ҳисоблайдилар.

**БИБЛИЯ** (*грек.*)— китоб; яҳудийлар ва христианларда муқаддас ҳисобланган диний китоблар тўплами. Улар Таврот ва Инжилни ҳам ўз ичига олади; бошқа ҳамма муқаддас китоблар сингари Б. ҳам аслида дунё ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги содда ҳикоялардан, яҳудий ва бошқа халқлар тарихига оид диний ривоятлардан, диний қонунлар ва йилномалардан, турли даврларда,

турли жойларда яратилган асарлардан, айрим шеър, эртақ, мақолалар, ҳатто ишқий дostonлар ва шу қабилардан иборатдир. Б. икки асосий қисмга — «Қадимий аҳд» («Ветхий завет») ва «Янги аҳд» («Новый завет») га бўлинади. «Қадимий аҳд» яҳудий (қисман арамей) тилида ёзилган бўлиб, христианликда ҳам, яҳудий динида ҳам муқаддас ҳисобланади ва энг қадимги даврларга оид диний адабиётларни, «Янги аҳд» эса фақат христианликда муқаддас ҳисобланадиган диний асарларни ўз ичига олади. Христиан ва яҳудий руҳонийлари Б.ни илоҳийлаштирадилар, уни Мусо ва Исо орқали ваҳий қилинган илоҳий кўрсатма деб ҳисоблайдилар. Аслида Мусо ҳам, Исо ҳам афсонавий шахслар. Христиан дини келиб чиқаётган даврда жуда кўпайиб кетган диний адабиётлар қараб чиқилиб, янги дин-христианлик талабларига жавоб берадиган асарлар Б. га киритилди. Б. га кирмай қолган барча диний китоблар сохта деб эълон қилинди ва уларни ўқиш ман этилди.

**БИЗНЕС** (*ингл.*)— иш, машғулот, шахсий фойда берадиган иш, шахсий фойда келтирадиган бирор нарса ишлаб чиқариш; савдо-сотиқ ва бошқалар.

**БИЗНЕСМЕН** (*ингл.*)— бизнес қилувчи киши; уддабурон одам, корчолон капиталист, савдогар, корхона эгаси, шахсий манфаат, катта фойда олиш йўлида ҳар қандай равишдан ҳам қайтмайдиган одам.

**БИЙ** (*турк.*)— Урта Осиё ва Қозғистонда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон, 17—19-асрларда Б. йирик қабила ва уруғларга бошчилик қилган. Б. унвони авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган.

**БИР** (*молд.*)— ўлпон, солиқ; фео-

дал Молдавиясида 15-асрдан бошлаб деҳқонлардан олинган солиқ. Молдавия Туркияга бўйсундирилгандан кейин (16—18-асрлар) турк султониغا тўлаш, унга ва унинг яқинларига тортиқ қилиш тузун йиғилган ўлпон ҳам Б. деб аталади.

**БИРИНЧИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ** (фр.-итал.) — ишчиларнинг оммавий халқаро бирдамлиги, пролетариатнинг биринчи халқаро уюшмаси. Б. и. 1864 йил 28 сентябрда К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан Лондонда тузилган.

Б. и. нинг таъсис манифести, Устави, циркулярлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларини К. Маркс ёзган. Бу ҳужжатларда марксизмнинг программа ва тактикаси баён қилиниб, ишчилар синфи капитализмнинг гўркови ва социалистик жамият бунёдкори эканлиги кўрсатиб берилди. Маркс ва Энгельс Б. и. да прудончилар (қ.), бакуничилар (қ.) ва бошқа оппортунистларга (қ.) қарши курашда ғолиб чиқдилар.

Б. и. марксизм ғояларини ёйишда ва илмий коммунизм ғояларини ишчилар ҳаракати билан қўшишда катта роль ўйнади. Турли мамлакат ишчиларининг капитализмга қарши сиёсий ва иқтисодий курашига етакчилик қилди. 1870 й. бошида Женевада Б. и. нинг Рус секцияси ташкил этилиб, К. Маркс Бош советда Рус секциясининг вакили қилиб сайланди.

Бош совет ва унинг ҳузуридаги Донмий комитет Б. и. нинг раҳбар органи бўлган.

Б. и. нинг 1866—1972 йиллар орасида (Женевада, Лозаннада, Брюссельда, Базельда, Лондонда) бешта конгресси бўлиб, уларда пролетариатнинг капитализмга қарши курашда қўлга киритган ютуқлари оғалдаги вазифалари муҳокама қилини-

ди. Париж коммунаси мағлубиятидан сўнг қаттиқ таъқиб остига олинган Б. и. 1876 йил 15 июлда АҚШ нинг Филадельфия шаҳрида бўлиб ўтган конференция қарори билан тарқатиб юборилди.

Б. И. айрим мамлакатларда оммавий социалистик ишчилар партияларини тузиш, пролетар интернационализмининг ривожланишига замин ҳозирлади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ** (БМТ) — ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 й. 26 июнда тузилган ва 1945 йил 24 октябрдан кучга кирган халқаро ташкилот. БМТ нинг доимий қароргоҳи Нью-Йоркда. БМТ Устави халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзлари белгилаш принципларига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантириш, халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминлашни кўзда тутди. БМТ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланади. БМТ давлатларнинг ички ишларига аралашмайди. БМТ га унинг Уставида кўрсатилган барча мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган давлатлар аъзо бўлиб кира олади. Янги аъзолар Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея қарори билан қабул қилинади. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, 1979 й. 1 ноябргача уларнинг сони 152. 1981 й. 21 сентябргача 156 (шу жумладан СССР, УССР ва БССР) га етди. БМТ нинг аъзолари халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишлари лозим. Устав принципларини доим бўлиб бузган давлат Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ,

Бош Ассамблея қарори билан БМТ аъзолигидан чиқарилади. БМТ нинг асосий органлари — БМТ аъзоси бўлган ҳамма давлатларнинг вакиллари-дан тузилган Бош Ассамблея ва беш аъзо — СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва 10 номунтазам аъзо (уларнинг ҳар бири икки йиллик муддатга сайланади) дан иборат Хавфсизлик Кенгашидир. Бош Ассамблея томонидан икки йиллик муддатга сайлаб қўйиладиган олтинта доимий комитет, Социал ва иқтисодий кенгаш, Восийлик кенгаши, Халқаро суд ва БМТ Секретариати мавжуд. Шунингдек, БМТ да бир неча ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар бор. (МОТ, ЮНЕСКО ва бошқалар). БМТ тузилган 1945 й. дан бошлаб 1980 й. 1 январгача Бош Ассамблеянинг 34 навбатдаги, 10 махсус ва 5 фавқулодда сессиялари ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси — БМТ нинг асосий ташкилотларидан бири. Унинг составига БМТ нинг ҳамма аъзолари киради. Бош Ассамблея БМТ Устави доирасидаги, ҳар қандай масалани муҳокама қилиш ва улар ҳақида БМТ аъзоси бўлган давлатлар ёки Хавфсизлик Кенгашига тавсияномалар бериш ҳуқуқига эга. Бош Ассамблея томонидан ташкилий ва бюджет масалаларидан бошқа масалаларга оид қабул қилинган тавсияномаларни бажариш БМТ нинг ҳамма аъзолари учун мажбурий эмас. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашидан маълумотлар олади ва уларни кўриб чиқади, социал ва иқтисодий кенгаш фаолиятига раҳбарлик қилади, Хавфсизлик кенгаши ва Васийлик кенгашига доимий бўлмаган аъзоларни сайлайди. БМТ нинг халқаро суди судьяларни сайлашда қатнашади. Хавфсизлик Кенгашининг тавсияси

билан БМТ нинг Бош секретарини сайлайди, БМТ нинг бюджетларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди. БМТ Бош Ассамблеяси сессияси йилига бир, зарурият бўлганда фавқулодда ва махсус сессиялар ўтказилади.

**«БИРЛАШГАН СЛАВЯНЛАР ЖАМИЯТИ»** — декабристларнинг (қ.) Волинь ва Киевщинадаги 1823 й. да ака-ука А. И. ва П. И. Борисовлар томонидан ташкил этилган махфий революцион ташкилоти. Жамият аъзолари озод қилинган барча славян халқларининг қудратли федерациясини тузиш ва крепостнойлик эксплуатациясидан ҳоли жамият барпо этиш тарафдори бўлганлар. Бу идеология славян халқларини крепостной тузумни сақлаб қолган ҳолда самодержавие паноҳида «бирлаштиришни» таклиф этувчи реакцион панславизмдан (қ.) фарқ қилади. 1825 й. да «Б. С. Ж.» декабристларнинг жанубий жамияти (қ.) билан қўшилган.

**БИРОНЧИЛИК** — Россияда Анна Ивановна подшолиги вақтида (1730—1740) унинг фаворити (махбуби) Балтика бўйи немис дворяни Э. И. Бирон номи билан боғлиқ реакцион режим. Расмий мансабга эга бўлмаган Б. мамлакат халқ хўжалиги ва сиёсатининг ҳамма соҳаларида немис зўравонлигига кенг йўл очиб берган эди. Бу давр саройдаги ҳаддан ташқари исрофгарчилик, ҳазинанинг ажнабийлар томонидан таланиши, Россия халқларининг шафқатсиз эксплуатация қилиниши, жосуслик, чақимчилик, норози кишилардан аёвсиз ўч олиш, мисли кўрилмаган порахўрлик, халқ хўжалиги барча тармоқларининг издан чиққанлиги билан характерланади. Б. мамлакатни боши берк кўчага олиб кирганлиги рус дворянларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Натижада 1741 йили сарой тўнтариши рўй берди ва

Цётр I нинг қизи Елизавета Петровна ҳокимиятни қўлга олиши билан Б. га барҳам берилди.

**БЛАРОГОДИЕ** — Россияда революциядан илгари штабс-капитан ва советниккача бўлган граждани ва ҳарбий хизматдаги кишилар ва уларнинг хотинлари номи олдиға қўшилиб ишлатилган ибора; у сиз жаноблари, хоним жаноблари, деган маънони берган.

**БЛАНКИЗМ** — 19-аср француз социалистик ҳаракатидаги оқим; Б. машҳур француз буржуа сиёсий арбоби, хаёлий социалист Луи Огюст Бланки (1805—1881) фаолияти билан боғлиқ. Бланкистлар бир гуруҳ революцион фитначиларнинг ҳокимиятни қўлга олишлари, революцион диктатура ўрнатишлари билан капиталистик эксплуатацияни тугатиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Улар синфий кураш ва оммавий ишчилар ҳаракатига суянувчи пролетариат сиёсий партиясини ташкил этиш зарурлигини инкор этар эдилар. Б. жаҳон революцион ҳаракатига муайян таъсир кўрсатди. Марксизм-ленинизм классиклари Б. тактикасини танқид қилиш билан бирга, унинг 19-аср 30—60-йилларида социалистик оқим сифатидаги революцион, прогрессив томонларини эътироф этдилар.

**БЛОК** (*грек-ингл.*) — 1 қадимги грек афсонларига кўра, жала, момақалдироқ, совуқ ва қор олиб келувчи шамол; 2 сиёсий мақсадда ҳукуматлар, партиялар ва турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида тузилган иттифоқ. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши даврида тузилган антифашистик блок, СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларда коммунистлар билан партиясизлар Б. ва ҳ. к.

**БЛОКАДА** (*ингл.*) — қамал қилмоқ, ажратиб қўйиш, яккалаш, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан бир мамлакатнинг бошқа давлатлар билан алоқа боғлашига имкон бермаслик.

**БОБУРИЙЛАР** — 1526 йилда темирлий шахзодалардан бири андижанилик Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда барпо этган давлатни бошқарган сулола. Тарихий адабиётларда Бобурийлар сулоласи «Буюк мўғуллар империяси» деган хато ибора билан аталиб юрилган. Аслида «Буюк мўғуллар» ибораси Чингизхон ва унинг авлодларига тааллуқлидир. Бобурийлар ўзларини «Буюк мўғуллар» эмас, балки Бобурий мирзолар деб юритганлар.

**БОБУРИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ** — Ҳиндистонда 1526—1858 йиллар давомида турган Бобурий мирзолар бошқарган давлат.

**БОГОМИЛЛИК** — 10—14-асрларда Болгария ва Сербияда ҳамда Болқоннинг бошқа баъзи мамлакатларида диний ниқоб остида ўтган антифеодал деҳқонлар ҳаракати. Б. лар бадавлат кишиларни, бошлиқларни, боярларни қаттиқ ҳақоратлаганлар ва кимда-ким подшо хизматида бўлса, худого қарши деб ҳисоблаганлар, ҳамма қулларни ўз хўжайинлари иштини бажармасликка чақирганлар. Б. лар феодал ва черков бойликларига, ер-мулкларига қарши чиқадилар. Б. лар учун гўё илк христиан даврида мавжуд бўлган мулк тенглик идеали ҳисобланган.

10—12-асрларда болгар халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун Византияга қарши олиб борган курашда Б. лар фаол қатнашганлар. Бора-бора Б. ларнинг социал анъаналари заифлаша бориб, диний сектага айланади. Болқон ярим ороли турклар томонидан босиб олинган, Б. ҳақида маълумотлар учрамайди.



**БОЖ ВА БОЖГИР** — Бухоро амирлиги территориясидан ўтадиган қарвонлар, шунингдек, мамлакатнинг бир қисмидан иккинчисига ҳайдаб олиб ўтиладиган чорва моллари учун олинадиган солиқ.

**БОЖХОНА (ТАМОЖНЯ)** — давлат чегарасида ҳар икки томонга ўтадиган молларни назорат қилиш ва улардан бож йиғишга мутасадди бўлган давлат муассасаси.

**БОИ КАЗАКЛАР** — домовитые казаки — асосан Доннинг қуйи оқидамида. Черкасск шаҳри атрофида яшган казакларнинг бадавлат қисми.

**БОИ** (ўз.) — давлатманд киши; Октябрь революциясидан илгари катта ер-сув, кўп чорва моллари эгаси, йирик савдогар ва саноатчи, қулоқ. Мамлакатимизда эксплуататор синфлар, шу жумладан қулоқлар қаторида бойлар ҳам синф сифатида тугатилди.

**БОЙКОТ** (ингл.) — Ч. К. Бойкот номидан олинган. 1 нафрат эълон қилиш, муносабатни узиш, айрим шахсни, муассасани мунтазам инкор этиш йўли билан унга қарши ташкилий равишда олиб бориладиган ижтимоий кураш усули, бирор шахс, ташкилот ёки давлат билан алоқани тамоман (ёки қисман) узиш; масалан, 1905—1906 йилларда большевиклар томонидан Давлат думасининг бойкот қилинганлиги; 2 капиталистик мамлакатларда корхонани бойкот қилиш — синфий кураш формаларидан бири, — корхона эгасига таъсир этиш мақсадида касаба союзи бойкот эълон қилган корхона эгасига ёлланмаслик ҳақида ишчиларнинг коллектив битими; 3 давлатлараро муносабатда импорт ва экспорт молларига эмбарго (қ.) эълон қилиш; 4 иштирок этишдан бош тортиш.

**БОЛЬШЕВИЗМ** — 20-аср боши-

да Россияда В. И. Ленин бошчилигида рус революцион марксистларининг кураши натижасида халқаро ишчилар ҳаракатида вужудга келган марксистик оқим ва сиёсий партия. 1903 й. да Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) нинг II съездида партия раҳбар марказини сайлашда В. И. Ленин тарафдорлари кўпчилик овозни олганликлари учун большевиклар, оппортунистик позициядаги қисм озчиликни ташкил қилганлиги учун меньшевиклар номини олдилар. В. И. Ленин айтганидек, большевизм сиёсий фикр ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан бери мавжуддир. Б. нинг назарий асоси — марксизм-ленинизм. Россия пролетариатининг революцион курашига раҳбарлик қилган Б. 1912 й. РСДРП Бутун Россия VI (Прага) конференциясида меньшевикларни ўз сафларидан ҳайдадилар. В. И. Лениннинг номи билан чамбарчас боғланган Б. партияси 1917 йил октябрда ишчи-деҳқонлар революциясини амалга ошириб, жаҳонда биринчи социалистик давлатни барпо этди.

Большевиклар партияси раҳбарлигида совет халқи чет эл интервенцияси ва гражданлар урушида (1918—20) ғалаба қилди ва ўз давлатининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолди.

Б. п. халқ хўжалигини тиклаш (1921—1925), мамлакатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни (1930—1934) муваффақият билан амалга оширди.

Б. п. раҳбарлигида совет халқи Улуг Ҳатан урушида (1941—1945) фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан тўла ғалабани қўлга киритди. 1958 йилга келиб, мамлакатимизда социализм узил-кесил ғалаба қилди. Партиямизнинг XXII съезди (1961) да янги програм-

ма — коммунизм қуриш программасини қабул қилди. КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси бошчилигида совет халқи коммунистик жамият қурмоқда. В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан эълон қилинган тезисларда кўрсатилганидек, «Большевиклар партияси чинакам пролетар интернационалчилар партияси сифатида тузилди, ўсиб ривожланди. Бу партия ўз идеологиясига, қурилиш типига, фаолият характерига кўра чуқур интернационал партиядир... Большевиклар партияси ўз сафларида кўп миллатли мамлакат пролетариатини бирлаштириб, ўзи барпо этилган пайтдан бери яхлит бир бутуннинг ажралмас таркибий қисми сифатида, халқаро коммунистик ҳаракатнинг жанговар отряди сифатида иш кўриб келмоқда. Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) партия VII (апрель) конференцияси (1917) дан бошлаб РСДРП(б), 1918 й. мартдан РКП(б), 1925 й. декабридан ВКП(б), 1952 й. партия 19-съезидан бошлаб КПСС деб аталади.

**БОЛЬШЕВИК** — Большевиклар партиясининг аъзоси.

**БОНАПАРТИЗМ** — Наполеон Бонапарт номи билан боғлиқ. Йирик буржуазиянинг ҳарбийлар ва реакция кайфиятдаги деҳқонларга суянувчи контрреволюцион диктатураси — биринчи марта Францияда 1789—1794 йиллардаги буржуа революциясидан кейин Наполеон Бонапарт диктатураси ўрнатилган вақтда вужудга келган. Синфий кучларнинг беқарорлиги шароитида ҳарбийларга ва ҳўйла-найрангларга суянувчи йирик буржуазия контрреволюцион диктатураси формаларидан бири. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, бонапартизм идора қилиш формаси

бўлиб, у буржуазиянинг демократик ўзгаришлар ва демократик революция шароитидаги контрреволюционлигидан келиб чиқади. Мамлакатда номи чиққан ҳарбий йўлбошчи диктатурасини ўрнатиш йўли билан революцияга барҳам бериш мақсадини кўзлаган сиёсий ҳаракат. 1848 йилги революциядан сўнг Францияда Луи Бонапарт, Германияда О. Бисмарк, Россияда П. Столпнин ва А. Керенский ўрнатган системани В. И. Ленин бонапартизм деб атаган.

**БОРДЖА** (итал.)—15—16-асрларда Италия тарихида муҳим роль ўйнаган зодагон хонадон. Рим папаси Александр VI (1492—1503) ва унинг ўғли Чезаре (1476—1507) Б. га мансуб бўлиб, улар Италияни ўз ҳокимияти остида бирлаштириш мақсадида кишиларни пора бериб ўз томонига оғдириш, хонлиқка ундаш, ўлдириш усулларидан кенг фойдаланганлар.

**БОСМАЧИ** (ўзб.)—босқинчи, босқинчилик қилувчи, босмачилик ҳаракатининг қатнашчиси; Ўрта Осиёда Советларга қарши асосан 1918—1924 йилларда очикдан-очик контрреволюцион ҳаракат қатнашчиси.

**БОСМАЧИЛИК** (ўзб.)—Ўрта Осиё Совет республикаларини СССР дан ажратиб олиш, ағдариб ташланган эксплуататорлик тузумини қайта тиклашни мақсад қилиб қўйган феодал-бой элементлар, муслмон руҳонийлардан иборат контрреволюцион миллатчилик ҳаракати. Ўрта Осиёни Совет Россиясидан ажратиб, ўз мустамлакасига айлантirmoқчи бўлган Англия, АҚШ интервентлари, Туркия реакция доиралари ҳамда рус оқ гвардиячиларидан ёрдам олиб турган маҳаллий буржуазия ва реакция руҳонийлар бу ҳаракатга бошчилик қилди. «Шўрон ислом» (қ.) раҳбар-

лигида Б. нинг сиёсий ғояси панисломизм, пантуркизм (қ.) ва Туркистон буржуа миллатчилиги байроғи остида Англияга тобеликда муслмон бойлари ва руҳонийлари давлатини барпо қилиш, Туркистон халқларини Россия ишчилар синфидан, большевиклар партиясидан ажратиш эди. Б. ҳаракати Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё областлари, Шарқий Бухоро ва Амударёнинг қуйи оқими районларига ёйилди. 1918—1924 йилларда Б. ошқора бандитизм тусини олди. Б. ҳаракатига қарши курашда ерлик меҳнаткашларга мадад бериш учун В. И. Ленин ташаббуси билан М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев ва бошқалардан иборат Турккомиссия юборилди. Б. Қизил Армия қисмлари, деҳқон отрядлари, кўнгилли халқ милициясининг қаҳрамонона ҳаракатлари натижасида 1922—26 йилларда асосан тугатилди. Унинг айрим кичик тўдаларига қарши кураш 1929—1933 йилларда ҳам давом этди.

**БОСҚОҚ** (*турк.*)— босувчи, сиқувчи, эзувчи; мўғул лашкарбошиси; татар-мўғуллар зулми даврида (13-аср 2-ярми — 14-аср бошлари) хон томонидан Россия ва Эрон шаҳарларига маҳаллий ҳокимиятни назорат қилиш учун тайин этилган амалдор; аҳолини ҳисобга олувчи ва ўлпон йиғувчи; катта ваколатли Б. нинг ўз ҳарбий отряди бўлган. Россияда Б. 13-асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Бош Б. Владимир шаҳрида истиқомат қилган. Муром, Рязань, Суздаль ва Смоленскда ҳам Б. бўлган. 13-асрнинг иккинчи ярми ва 14-асрнинг бошларида бир қатор рус шаҳарларида Б. га қарши норозилик кўзғолонлари бўлган. 14-асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, Россияда Б. ўрнига солиқларни рус князлари йиғиб, хонларга берганлари учун Б. нинг роли

пасаяди. 14-асрнинг охирига келиб, Олтин Урда давлати парчалангач, Б. нинг аҳамияти тамомила йўқолган.

**БОТМОН** (*форс.*)—1 оғирлик ўлчови бирлиги. Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида Б. 0832 кг. га тенг, лекин турли жойларда, турли даврларда унинг миқдори ўзгариб турган. Хоразмда (19-аср) Б. 20, 16 кг. дан 40,95 кг. гача, Бухоро ва Самарқандда 8 пуд (131.044 кг), Фарғонада 8—10 пуд (131.044—163.800 кг), Тошкентда 10,5 пуд (171,99 кг.) бўлган: 2 юза ўлчови — ер ўлчови. Бир ботмон оғирликдаги бугдой сепилиши мумкин бўлган ер бир Б. ҳисобланган. Тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов белгиси.

**БОШ МАГИСТРАТ** (*главный магистрат*)— Б. м. Пётр I томонидан 1720 йилда ташкил этилган (1727—43 й. да ратуша деб аталган) муассаса бўлиб, бевосита подшога ва Сенатга (қ.) бўйсунган, унинг тепасида дворянлардан оберпрезидент турган. Магистрат бошқармаси составига энг йирик савдогарлардан бўлган бургомистрлар (қ.) ва ратсгерлар кирган. Жойларда шаҳар магистратлари тузилган. Б. м. шаҳар магистратларига раҳбарлик қилган ва судлар ҳукми устидан тушган аризаларни кўрган. Савдо, ҳунармандчилик ва шаҳарликларнинг юридик ишлари Б. м. ихтиёрида бўлган.

**БОШ ШТАБ**—1815—1818 й. да Россияда олий ҳарбий бошқармалардан бири. Ҳар бир қўшин турини бошқарувчи штаб. Жумладан, қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва ракета қўшинлар, ҳарбий денгиз ва шу кабилар. Б. ш. қўшин турларининг жанговор тайёргарлигига ва ҳарбий таълимга раҳбарлик қилади. Б. ш. Бош қўмондонга бўйсунди.

**БОШ СЕКРЕТАРЬ** — кўпгина коммунистик ва ишчи партиялардаги юқори раҳбарлик лавозими. Масалан, М. С. Горбачёв КПСС Марказий Комитетининг Бош секретаридир. Бош маъмурий мартабали шахс; масалан, Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра, БМТ Бош Ассамблеяси БМТ нинг Бош секретарини сайлайди.

**БОЯРЛАР** (турк.) — боёнлар; қадимги Русда 9—17-асрларда уруғ ва удел князлари билан бир қаторда феодал жамияти олий табақаси бўлган Б. давлатни бошқаришда улуг княздан сўнг етакчи ўринни эгаллаганлар. Бу улуг-қабил аслзодаларининг авлодлари, князь ва князь думасининг аъзоси, йирик феодал. Б. Улуғ князнинг вассаллари ҳисобланиб, унинг қўшинида хизмат қилишлари шарт бўлган. Б. истаган вақтларида янги сюзерен (қ.) (жуда катта ер-мулк эгаси, вассаллар бошлиғи) ихтиёрига ўтиб кетиш ҳуқуқидан фойдаланганлар. Б. ўз отасидан мерос олган ерлари (вотчинлари) нинг тўла ҳокими (сеньори) (қ.) ҳисобланганлар. Б. нинг ўз вассалари бўлган, улар 11—14-асрларда князнинг энг яқин кенгашчилари бўлганлар. 15-аср ва 16-аср бошларида ягона марказлашган давлат ташкил топаётган шароитда Б. нинг молмулки ва сиёсий ҳуқуқлари чеклана бошлаган. Б. социал составида ҳам ўзгариш юз берган. Йирик савдогар ва дворян вакилларининг Б. қаторига кириб келиши муносабати билан Б. ларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий имтиёзлари камаё борган. 1550 йилларда ўтказилган реформалар, Иван IV нинг опричнинаси (қ.) Б. зодагонларга узил-кесил зарба берган. 18-аср бошида Пётр I томонидан Б. ҳуқуқи, имтиёзлари ва унвони бекор қилинган.

**БОЯР БОЛАЛАРИ** — Россияда

15-асрда пайдо бўлган майда феодал тоифалардан бири. Б. б. князь, бояр ёки черковдан поместье (қ.) олиб, шунинг эвазига ер эгасига хизмат қилганлар. 15-аср ва 16-асрнинг биринчи ярмида Б. б. деган ном дворянларга бериладиган олий унвон бўлиб қолган. 18-аср бошларига келиб, хизматдаги кишиларнинг ҳаммаси бир синф — умумий Россия дворянлари бўлиб бирлашгани сабабли Б. б. унвони тугаб кетган.

**БОЯРЛАР ДУМАСИ** — Русь давлатида князь, кейинроқ — 1547 й. дан подшо ҳузуридаги феодал зодагонлари олий кенгаши. Б. д. қонунлар чиқариш, ташқи ва ички сиёсат, диний ишлар ва бошқа масалаларни муҳокама қилган. 12—13-асрларда, феодал тарқоқлиги шароитида князь ҳокимиятининг заифлашуви натижасида Б. д. улуг князь сеньорларидан иборат феодал курияси (қ.) (кенгаши) га айланган. 15-аср охирларида марказлашган давлат вужудга келганлиги туфайли Б. д. олий ҳокимият қошидаги доимий тоифали — вакиллик кенгашига айланган. 16-аср ўрталарида ўтказилган реформалар, айниқса опричнина (қ.) князь-боярлар оппозициясига жиддий зарба берган. Б. д. приказлар фаолиятини назорат қилган, воеводларни (қ.) тайинлаган. Пётр I аввал Б. д. аъзолари сонини камайтиради, Б. д. мажлисларини онда-сондагина чақиртиради, энг муҳим ишларни Б. д. сиз, янги мулозимлар билан бирга ҳал этиш сиёсатини амалга оширади. 1711 йилда Сенат (қ.) ташкил қилиниши билан Б. д. тамомла тугатилади.

**БРАМАН** (ҳинд.) — брамиц, брахман — мажусийлар коҳини (руҳонийси); Ҳиндистонда олий руҳонийлар кастаси (тоифаси) га мансуб шахс.

**БРАХМАНИЗМ** ва **БРАМА-**

**НИЗМ** (*ҳинд.*)— брахманлик; энг қадимги ҳинд динларидан бири. Б. шу динга асос солган афсонавий худо Браҳма (Брахман) номидан келиб чиққан. Б. эрамиздан аввалги 1-минг йилликнинг дастлабки асрларидан Ҳиндистонда вужудга келган дин. Б. га кўра, меҳнатқашлар, мазлумлар учун қулликда яшаш ва меҳнат қилиш ҳаёт нормаси ҳисобланган. Бу таълимот давлат Браҳманинг ижоди, давлат арбоблари эса инсон қиёфасидаги худо, деб даъво қилган. Қулдорлик муносабатлари янада ривожланиб, йирик қулдорлик давлати вужудга келгач, Б. қулдорлик тузумининг идеологик асоси бўлиб хизмат қила олмади, буддизмга (*қ.*) қарши кураш жараёнида ва унинг таъсири остида индуизмга (*қ.*) айланди.

**БРОНЗА АСРИ** — ибтидоий жамоа тузумида тош давридан кейинги босқич (тахминан эрамизгача 4—1 минг йиллик, айрим регионларда сўнроқ). Мил. ав. 4 минг йилликнинг бошларига келиб, зеб-зийнат безакларини, баъзан меҳнат қуроallarини мисдан ясай бошладилар. Мис мўрт ва юмшоқлиги сабабли кескир ва мустаҳкам қурол ясашга ярамасди. Ниҳоят одамлар мис билан қалайин қориштириб, бронзани кашф этдилар. Бронзадан эса меҳнат қуроллари ҳам яшаш мумкин бўлди. Урта Осиёда Б. даврига онд моддий ёдгорликлар Анов ёки Намозгоҳ, Замонбобо, Сувёрган, Чуст, Андронаво, Амирободда топилди. Бронзанинг кашф этилиши суғарма деҳқончилик ва кўчиб юрувчи чорвачиликнинг тез ривожланишига йўл очди. Ёзув келиб чиқади, Яқин Шарқ, Хитой, Закавказье ва Урта Осиё, Жанубий Америкада қулдорлик цивилизацияси бошланади, темир асри билан алмашади.

**БРЮМЕР** (*фр.*)— туман, ёгингарчилик оyi; 1793—95 й. Францияда конвент (*қ.*) томонидан жорий этилган янги календарга мувофиқ, йилнинг иккинчи оyi (22—24 октябрь, 20—23 ноябрь).

**БУДДА**, буддҳа — нурланган; буддизмга асос солган худо, Сиддхартке Гаутаме (623—544) берган ном. Ривоятларга кўра. Б. эрамизгача бўлган 623 й. да гўё инсониятнинг азоб-уқубатлардан халос қилиш учун пайдо бўлган эмиш. Гаутаме шакъев қабиласи подшосининг валиаҳди бўлган Б. 29 ёшида отасининг саройидан кетиб, тарки дунё қилган. У 7 йил мобайнида ўрмонда яшаб, эски диний китобларни мутолаа қилган, брахманизмдан (*қ.*) воз кечиб, янги диний таълимот — буддизм (*қ.*) ни яратган, дастлаб Банорасда, сўнг бошқа ерларда ўз таълимотини тарқатган эмиш. Диншуносликда Б. тарихий шахс эмаслиги аниқланган. Жуда кўп ерларда Б. га қўйилган ҳайкал муқаддас ҳисобланади.

**БУДДИЗМ** (*ҳинд.*)— бу динга асос солган афсонавий Будда номидан келиб чиққан. Б. христианлик ва ислом билан бир қаторда жаҳонда кенг тарқалган. Б. эрамиздан аввалги 6—5-асрларда Ҳиндистонда йирик қулдорлик давлати ташкил топган замонда брахманизмнинг (*қ.*) мазҳабларидан бири сифатида пайдо бўлган. У Ҳиндистонда жамоалар тарқалиб, жамоачилар қулга айлантирилиб, қаттиқ эзилаётган замонларда, меҳнатқаш омма порозилигининг ифодаси шаклида барча одамларнинг тенглиги ҳақида юзага келган таълимотлардан биридир. Кейин эса Б. фаолиятсизлик ва муросасозликни тарғиб этувчи, тақдирга тан бериш ва итоат қилишга даъват этувчи динга айланган. У ёвузликка қар-

ши куч билан қаршилиқ кўрсатмасликни тарғиб этган. Шунинг учун ҳукмрон қулдорлар Б. ни қўллаб-қувватлаб келганлар. 3-асрда Ҳиндистонни бирлаштирган Маурья сулоласидан бўлган Магадхи подшоси Ашока (эрамиздан олдин 273—236) Б. ни қабул қилган; бу динни аҳоли ўртасида ёйишга уринган. Б. таълимотига кўра, тўрт олижаноб ҳақиқат мавжуд. Буларда: 1) ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат; 2) буларнинг сабаби кишиларнинг истаклари ва нафслари; 3) азоб-уқубатдан қутулиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини тийишлари керак; 4) азоб-уқубатдан халос бўлиш учун Будда кашф этган ақидаларга амал қилиш керак, дейлади. Б. га кўра, азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг энг маъқул йўли роҳиблик — узлатга кетиш (зоҳид монах бўлиш)дир. Роҳиблар халқ орасида жуда катта иззат ва ҳурматга сазовор бўлган. Б. да бир неча мазҳаблар бор. Булар орасида энг йириги хинаяна («кичик арава», тор йўл) ва махаяна («катта арава», кенг йўл) дир.

Қулдорлик давлатлари тушқунликка учраб, қулай бошлаган сари Б. ҳам инқирозга юз тутган. Эрамизнинг 10-асрида Б. ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотган, ҳозирги вақтда Ҳиндистонда буддистлар озчиликни ташкил этади. Б. феодал муносабатлар вужудга келиб, ривожлана бошлаган ва қабилавий муносабатлар ўз аҳамиятини йўқотган мамлакатларда — Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Хитой (4—5-асрлар), Япония, Тибет (7-аср), Монғолия (17—18-асрлар) ҳамда бошқа мамлакатларда кенг тарқалган ва ўз ақидаларини маҳаллий шароитга мослаб қайта тузган. Б. га 20-аср 60-йилларида Бирма, Лаос, Камбоджа, Таиланд аҳолисининг 90% и, Шри-

Ланка ва Япония аҳолисининг 60% и этиқод қилган. СССР да Б. Бурят, Қалмиқ, Тува АССР да ва бошқа айрим жойларда тарқалган. Жаҳон буддистлари биродарлиги (1950) ташкил топган. СССР буддистлари бошқармаси унга аъзо.

**БУЛЕ** (грек.)— қадимги грек қулдорлик шаҳар-давлатларида ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, у давлат назорати ва молияни бошқариш, савдони назорат қилиш ва тартибга солиш, мансабдорлар фаолиятини кузатиш каби турли маъмурий вазифаларни бажарган. Б. бой ва зодагон уруғларнинг вакилларида ташкил топган. Афинада Б. 500 аъзодан тузилган ва «Беш юзлар кенгаши» деб аталган.

**БУЛУКАТ** — вилоят, музофот.

**БУЛУК** — 1 область, вилоят; 2 қўшиннинг бир бўлаги, ҳарбий қисм; қадимда шаҳар атрофидаги шаҳарга тобе районлар. Б. Ҳўросонда маъмурий термин сифатида 19-асргача ишлатилган; Туркияда ҳарбий қисмлар (рота, эскадрон) ҳам Б. деб аталган.

**БУМЕРАНГ** — қадимги инглиз ва австралияликларнинг воомеранг сўзидан олинган; ярим ойсимон эгик ёғоч, яъни иргитиб отиладиган қурол; қадимги Мисрда, Ҳиндистонда, Жанубий ва Шарқий Осиёда кенг қўлланилган. Австралия қабилаларида қайтиб келувчи Б. ҳам мавжуд. Машқ олган киши отган Б. мўлжалланган жойга тегиб, яна қайтиб келиши мумкин. Б. дан асосан овда, оммавий ўйин ва сайлларда фойдаланилган.

**БУНАК** — шогирд ишга олинаётган вақтда устанинг унга берадиган пули. Бу пул эвазига шогирд ишлаб бериши ёки уни тўлаб қутулиши лозим бўлган.

**БУНД** (яхуд.)— иттифоқ, майда

буржуа миллатчилик ташкилоти. Россиянинг ғарбий областларида асосан яҳудий хунармандларининг ярим пролетариат қатламларидан 1897 йилда ташкил топиб, «Литва, Польша ва Россия яҳудий ишчилар иттифоқи» деб аталган. Б. Россия ишчилар ҳаракатида миллатчилик ва сепаратизм ғоялари талабгорлари тариқасида намоён бўлади.

#### РСДРП нинг II съездида (1903)

**Б. партиянинг миллий белгиларга қараб бўлинишини ва Б. ни РСДРП да яҳудийларнинг ягона вакили сифатида эътироф этилишини талаб этди.** Б. нинг талаблари рад этилгач, у РСДРП дан чиқди. Б. яҳудийлар манфаатини бошқа миллат меҳнаткашлари манфаатларидан устун қўйиб, ишчилар ҳаракатига жуда катта зарар етказди. В. И. Ленин Б. нинг оппортунистик позициясини қаттиқ қоралади. РСДРП нинг II съезидан сўнг Б. Польша ва Россия революцион социал-демократларига қарши курашиб, сионистик оқим — «Поалей-Цион» («Ишчилар сионизми») билан яқинлашади.

#### РСДРП нинг IV съездида (1906)

Б. яна РСДРП сафига киради, бироқ ҳамма масалаларда меньшевикларни қўллаб-қувватлайди. Большевикларнинг миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги программасига қарши ўзининг «маданий-миллий автономия»сини олга суради. РСДРП нинг VI (Прага) конференциясида (1912) Б. бошқа оппортунистик группалар қатори РСДРП дан чиқарилади.

Февраль революциясидан сўнг Б. меньшевикларга яқинлашиб, вақтلى ҳукуматни қўллаб-қувватлайди. Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгач, Б. Совет республикасига қарши курашди. 1921 й. мартада Б. Советлар ҳокимиятига нис-

батан оппортунистик снѐсатидан воз кечиб, расман РКП(б) составига кирди. Б. нинг бир қисми муҳожирликда турли антисовет группалар билан бирга иш олиб боришда давом этди.

**БУНДЕСВЕР** (нем.)— Германия Федератив Республикасининг ҳарбий кучлари. Б. Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО) нинг таркибий қисми ва асосий ҳарбий кучи.

**БУНДЕСРАТ** (нем.)—1 Германия империяси (1871—1918) парламентининг юқори палатаси. Германия составига кирган герман давлатларининг кенгаши; 2 Австрияда парламентнинг юқори палатаси бўлиб, республика провинцияларининг қонун чиқарувчи органлари вакилларидан ташкил топган; 3 Швейцарияда Иттифоқ кенгаши томонидан уч йилга сайланадиган етти кишидан иборат ижро этувчи ҳокимият органи; 4 ГФР нинг икки палатали парламенти палаталаридан бири. Б. ҳар бир область (ер) ҳукуматларининг 3 дан 5 гача вакилидан ташкил топган ерлар (областлар) палатасидир.

**БУНДЕСТАГ** (нем.)— Германия Федератив Республикаси парламентида депутатлар палатаси (қ. *Бундесрат*). Б. 1949 й. да ташкил этилган. Сайлов қондасига қўра, Б. га 5% дан кам овоз олган партия битта ҳам мандат ололмайди. 1961 йилдан бери Б. да фақат социал-демократик партия, озод-демократик партия, христиан-демократлар ва христиан-социал иттифоқи қатнашмоқдалар.

**БУРЖУА** (фр.)—1 ўрта асрларда Ғарбий Европада шаҳар аҳолиси бўлиб, феодализм даврида ўрта табақа вакили; 2 15-аср охиридан бошлаб, Б. шаҳарликлар юқори табақаси, бой савдогарлар (купецлар), банкир-пул майдаловчи ва саноат

корхонаси эгаси маъносида ишлатилган; 3 буржуа синфига мансуб киши; 4 шаҳарлик, мешчан, косиб, савдогар ва судхўрлар.

**БУРЖУАЗИЯ** (фр.) — капиталистик жамиятда асосий ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий эгаллик қилувчи, ёлланган меҳнатни эксплуатация қилиш йўли билан қўшимча қиймат олувчи текинхўр эксплуататор синф; капиталистик жамиятда ҳукмрон синф бўлган Б. йирик буржуазия, ўрта буржуазия ва майда буржуазия деб учга бўлинади. Дастлаб феодализм ва унинг иллатларига қарши курашда прогрессив куч бўлган Б. капитализм даврида энг реакцион, энг эксплуататор, энг текинхўр синф бўлиб майдонга чиқади, пролетариат ва меҳнаткашларнинг, халқ демократияси, социализм ва коммунизмнинг энг ашаддий, мурасиз душманидир. Капитализм даврида йирик Б. ҳал этувчи роль ўйнайди.

Империализм даврида монополистик Б. пайдо бўлди. Монополистик Б. ғоят йирик капиталга эга бўлган, турили монополияларга бирлашган, иқтисодий ҳаётни контрол қиладиган йирик капиталистлардан иборат. Монополистик Б. ўз миллати устидан ҳукмронлик қилиш билан қаноатланмай, қолақ мамлакатлар халқларини ҳам эзади.

**БУРЖУА РЕВОЛЮЦИЯСИ** — феодализм тузуми ёки унинг қолдиқларига барҳам бериш, буржуазия ҳокимиятини ўрнатиш, капитализм ривожланишига шароит яратиб бериш, қарам ва мустамлака мамлакатларда миллий мустақилликни қўлга киритишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган революция. Биринчи Б. р. лари — Нидерландия революцияси (16-аср) ва Англия революцияси (17-аср) Европада буржуазиянинг

ҳукмронлигига йўл очиб берди. Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида АҚШнинг ташкил топишига олиб келган (18-аср) мустақиллик йўлидаги урушлар Б. р. сининини ўйнади. Олдин бўлиб ўтган Б. р. сида буржуазия раҳбарлик ва гегемонлик родини ўйнаган бўлса, империализм давридаги Б. р. ларида буржуазия контрреволюцион кучга айланди. Б. р. да кўпинча пролетариат гегемонлик родини ўйнайди, бу буржуа демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтишига шароит яратади (1917 й. Россиядаги февраль буржуа-демократик революциясининг Октябрь социалистик революциясига ўсиб ўтиши).

Б. р. син натижасида рўй берадиган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг чуқурлиги феодализм лагеридаги кучларнинг нисбатига боғлиқ (қ. буржуа дем. рев.). Жаҳон социалистик системаси мавжуд бўлган шароитда мустамлака ва қарам мамлакатлардаги Б. р. сида аста-секин буржуа ўзгаришлари доирасидан чиқиб кетиш тенденцияси рўй бермоқда.

**БУРЖУА-ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ** — буржуа революцияларининг бир тури. Буржуазия гегемонлик родини ўйнаган Б. р. синдан фарқ қилиб, Б. д. р. да ўзининг мустақил талаблари билан чиқувчи кенг халқ оммаси иштирок этади ва у чуқур демократик характерга эга бўлади.

Ижтимоий «қўйин»ларнинг актив иштироки революциянинг бутун боришига кучли таъсир кўрсатади ва уни янада изчилроқ ва қатъийроқ қилади. Француз буржуа революцияси (1789—1794), Россиядаги 1905—1907 йиллар ва 1917 йил февраль революциялари Б. д. р. лар эди.

Империализм даврида буржуазия контрреволюцион куч бўлиб қол-



ган ва гегемонлик пролетариат қўлига ўтган бир шароитда бутун сиёсий курашнинг йўналиши сифат жиҳатдан ўзгаради. Б. д. р. нинг социалистик революцияга ўсиб ўтишига имконият пайдо бўлади. Бу жараён иккинчи жаҳон урушининг охири ва ундан сўнги йилларда Шарқий Европа ва Осиёнинг айрим мамлакатларида ўзига хос шаклда намоён бўлди. (*қ. халқ демократик революцияси*).

**БУРМИСТР** (*нем.*)—Россия империясида крепостной ҳуқуқ даврида помешчик томонидан деҳқонлар устидан қўйилган қишлоқда тартиб сақлаш, деҳқонлар ўз мажбуриятларини бажараётганини назорат этувчи ишончли оқсоқол (гумашта); 1861 йилги реформадан сўнг энг катта волостларда оқсоқоллар.

**БУРХАН** (*мўғ.*)— мўғул буддистлари ламаларидаги бут (санам).

**БУТ** (*мўғ.*)— бут, санам; якка худоди динлар келиб чиққунча уруғчилик ва қабилачилик даврида кенг тарқалган мажусийлик, бутпарастлик динининг рамзи. Дунёда ижтимоий тараққиётдан орқада қолган халқларда Б. га чўқиниш ҳамон давом этмоқда.

**БУТПАРАСТЛИК, МАЖУСИЙЛИК**— бут, санамга чўқиниш, сифиниш, топиниш одати. Б. фетишизм (*қ.*), мажусийлик (*қ.*) каби ибтидоий динларга хос. Б. лар бутни, санамни худодлар образи, тимсоли деб билганлар. Умуман якка худодларга сифинувчи христиан, ислом, буддизм ва яҳудий динларидан фарқ қилувчи, кўп худодларга, табиат кучларига топинувчи динлар Б. деб аталади. Айрим қолақ халқларда, жумладан Африкадаги кўп қабилаларда Б. давом этмоқда. Б. бошқа диний хурوفотлар каби асоссиз, ғайри илмий, зарарли, реакцион эътиқоддир.

**БУФЕР** (*ингл.*)— катта давлатлар территориялари ўртасида жойлашган кичкина, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан заиф оралиқ ёки ўрталиқ давлат.

**БУХОРУДОТ**— 7- асрнинг 80- йилларидан 8- асрнинг биринчи чораги орасидаги даврда Бухорода ва унга туташган ерларнинг бир қисмида (ҳозирги Свердлов, Ромитан, Қоракўл районлари территориясида) мавжуд бўлган кичик феодал давлати ҳукмдорларининг унвони. Пойтахти Бухоро, ёзлик қароргоҳи Варахша бўлган. Бухоро араб халифалиги томонидан босиб олингандан кейин Б. ҳукмронлиги ўз мавқеини йўқотди.

**БУЮК ВАЗИР**— вазири аълам, кейинроқ садри аъзам. Туркия султонлигида ҳукумат бошлиғи ҳисобланган ва султон номидан фармонларни эълон қилган, сулҳ шартномаларига имзо чеккан. 1876 йилдан бошлаб Б. в. вазирлар кенгаши раиси. 1922 йилда султонлик билан бирга Б. в. мансаби ҳам тугатилади.

**БУЮК КНЯЗЬ** (*рус.*)— қадимги Русда феодал тарқоқлик даврида олий князлик фахрий унвои; 10- асрда Руснинг Византия билан тузган шартномаларида Олег, Игорь, Святослав Б. к. деб аталган. 13—15- асрларда Олтин Ўрда (*қ.*) хонлари томонидан айрим Русь князларига маҳсус ёрлик билан Б. к. унвони берилган. Марказлашган Русь давлати вужудга келгач, фақат Москва князлари Б. к. деб аталган.

**БУЮК МУҒУЛЛАР ИМПЕРИЯСИ**— Бобурийларга қаралсин.

**БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ**— Монголия Халқ Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи. Б. х. х. 1924 й. 8 ноябрда ташкил топган, тўрт йил муддатга сайланади. Б. х. х. сессиялари оралиғида олий ҳокимият органи— Б. х. х. Президиуми

(1949 й. гача кичик хурал) днр. Президиум раис, раис ўринбосари, секретарь ва 6 аъзодан ташкил топади.

**БЮРГЕР** (нем.) — феодал Фарбий Европасида шаҳарликларнинг ўрта табақа аҳолиси, ҳунармандлар ва майда савдогарлар, мешчан ва обивателлар. Шаҳар аҳолиси.

**БЮРГЕРЛАР** (нем.) — Фарбий Европада шаҳар ўрта табақа аҳолиси, судхўрлар, ҳунармандлар, майда савдогарлар, обивателлар ва бошқалар. Бюргерлардан буржуазия (қ.) синфи келиб чиққан.

**БЮРОКРАТИЯ** (фр.) — концелярия ҳукмронлиги маъносида; халқдан узилган ва ундан юқори турадиган, ўзига хос вазифалар ва имтиёзларга эга бўлган кишилар томонидан махсус аппарат ёрдами билан амалга ошириладиган идора усули. Бундай идора усули кулдорлик ва феодал жамиятида келиб чиқиб, монополистик капитализм даврида жуда кенг тармоқ ёйган. Социалистик революция буржуа бюрократик давлат машинасини синдиради, социализм қурилиши эса бюрократизмнинг ҳамма шакллари тўла йўқотиш учун шарт-шароит яратади. Бюрократизмга қарши курашнинг асосий қуроли — социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш, меҳнаткашларни бошқариш ишларига жалб этиш ва халқ контроли органлари фаолиятини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтиришдир.

## В

**ВАБО ҒАЛАЕНЛАРИ** — Россияда вабо тарқалган йиллари подшо ҳокимиятига, жабр-зулмга қарши халқ оммасининг стихияли ғалаёнлари. Вабо касали вақтида медицина ёрдамининг йўқлиги, маҳаллий маъмурларнинг ўзбошимчаликлари нати-

жасида В. касаллигининг тобора кенг ёйилиши феодал-крепостнойлик зулмига қарши ғалаёнлар бошланиб кетишига туртки бўлди. Вабо қўзғолони 1892 йилда Ташкентда ҳам юз берган эди.

**ВАЗИР** (а.) — феодализм даврида мусулмон мамлакатларнинг кўпчилигида министр унвони. Бағдод халифалигида дастлаб В. халифа маҳкамасини бошқарган, сўнг давлат кенгашига бошчилик қилган. Халифалик қулагач, барча мусулмон давлатларида (Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Жануби-шарқий Осиёда) В. мансаби бўлган. Теурийлар замонида девони олий тепасида вазири аъзам турган. Усмонийлар империясида кўпгина сарой ва вилоят ноиблари — мулозимлар В. унвонини олганлар. Буюк В. (вазири аълам, сўнграқ садри аъзам) ҳукумат бошлиғи ҳисобланган ва султон номидан фармонларни эълон қилган, сулҳ шартномаларига қўл қўйган. 1876 йилдан бошлаб, Буюк вазири — Вазирлар кенгаши раиси, 1922 йилда султонлик билан бирга В. мансаби ҳам тугатилган. Яман, Марокаш каби мамлакатларда В. министр маъносида ишлатилади.

**ВАИС МАҲРАМ** (ўзб.) — Хевачони маҳрамларидан бири; хон қарбий юришига чиққанда аскарлар ўтиши лозим бўлган йўللари тартибга келтириш, чакалакларни кесиш, тозалаш, кўприклар қуриш ишларига бошчилик қилган киши.

**ВАКХАНАЛИЯ** (грек.) — 1 қадимги греклар ва римликларда май ва айш-ишрат худолари бўлган Вах-Бахс, Дионис шарафига ўтказиладиган диний байрам, тўй-томоша ва айш-ишрат маросими. В. шаҳардан четда, тоғ этакларида тунда машъал ёқиб ўтказилган. Маросимда асосан аёллар қатнашганлар, ичкилик ич-

ганлар ва жазавага тушиб, Вахкга сиғинганлар. Эр. ав. 186 йилда бу байрам бекор қилинган, 2 айш-шират, тўс-тўполон.

**ВАНДАЛЛАР** (*нем.*) — жоҳил, нодон, ваҳший, маданият, санъат ёдгорликларини таловчи, вайрон этувчи ваҳший одам.

Рим империясига қарши шиддатли урушлари билан ном чиқарган қадимги герман қабиалари. В. 455-йилда Римни ишғол қилганларидан кейин, кўплаб нодир маданий ёдгорликларини, санъат обидаларини ваҳшийларча хароб этганлар. 476 йилда Шимолий Африка, Сицилия, Корсика, Сардиния ва Бамор оролларини тўла эгаллайдилар.

**ВАРВАР** (*грек.*) — қадимги греклар ва кейинроқ римликлар томонидан бегона қабила ва халқларга берилган ном; мусофир, грек-римликлар маданиятига алоқадор бўлмаган халқлар вакили. Рим империясига босгириб кирган бургунд, вестгот, франклар маданият ёдгорликларини вайрон этганлари учун В. сўзи маданиятсиз, жоҳил, нодон, кўпол, ёзвойиллашган одам маъносига ишлатилган.

**ВАРВАРЛИК** (*грек.*) — 1 ибтидий тузумнинг ёввойиликдан кейинги, цивилизациядан олдинги иккинчи даври; 2 ваҳшийлик, ёввойилик, қўполлик, маданий меросга варварларча муносабатда бўлиш.

**ВАРДАНХУДОТ.** — Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлиги авжга чиққан 7-аср охири, 8-аср бошларигача, яъни араб истилосигача Зарафшон водийсидаги феодал ҳукмдорлари ичидан энг қудратлиси, Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Варданзи подшоҳларининг унвони.

**ВАРФОЛОМЕЙ ТУНИ** — 1572 йил 24 августга ўтар кечаси авлиё

Варфоломей байрами арафасида Парижда католикларнинг гугенотларни (протестант дини тарафдорларини) кўплаб қирғин қилиши. Қирғин король Карл IX замонида, унинг амалда мамлакатни бошқарган онаси — Екатерина Медичи ва католик руҳонийларнинг ташаббуси билан уюштирилган. Уша мудҳиш кечада Парижда 30 мингга яқин гугенот ва уларнинг бошлиғи Колиньи хонёна ўлдирилган. Шунингдек, Орлеан, Труа, Руан, Тулуза, Бордо шаҳарларида ҳам қирғин юз берган. Аммо гугенотларнинг асосий кучлари тор-мор келтирилмаган. Варфоломей кечаси 1572—1573 йиллардаги гражданлар урушига сабаб бўлган. В. тунн кўча маънода одамларни ваҳшийларча оммавий қирғин қилишни англатади.

**ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР** — 1955 йил майида Варшавада Европадаги социалистик давлатлар: Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия, Албания (1962 й. дан буён В. Ш. фаолиятида иштирок этмайди) вакиллари томонидан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида имзоланган шартнома асосида тузилган ҳарбий-сиёсий иттифок. В. Ш. НАТО (қ.) блоки томонидан социализм мамлакатлари хавфсизлигига солинган таҳдидга жавобан тузилган. В. Ш. ўз олдига тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, «совуқ уруш»нинг (қ.) олдини олиш, социалистик давлатларнинг манфаатларини империалистик тазйиқдан қўриқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИНИНГ ЮҚОРИ ОРГАНИ** — Сиёсий Консултантив комитет (СКК). Бу ташкилотда В. Ш. қатнашчилари бўлган давлатлар қуроли

кучларининг Бирлашган қўмондонлиги, Ҳарбий Кенгаши, Бирлашган қуролли кучлар штаби ва мудофаа министрлар комитети иш олиб боради. Сийёсий Консульгатив Комитет ҳузурида Ташқи ишлар министрлари комитети ва В. Ш. Ташкилотининг Бирлашган секретариати таъсис этилган.

**ВАРЯГЛАР** — қадимги Русда Скандинавиядан келиб, савдо-сотиқ ва босқинчилик қилиш учун қуролли отрядларга уюшган кишилар. В. баъзан Русь ерларида князларнинг дружиналарида хизмат қилган норман қабилаларининг номи; В. 9—11-асрларда шарқий славян князларига ёлланиб хизмат қилган ва шарқий славянлар тилини, маданиятини ўзлаштириб, тезда улар билан қўшилиб кетган.

**ВАССАЛ** (лат.) — бошқа шахсга тобе бўлган эркин хизматкор; 1 Ғарбий Европада илк ўрта асрларда қул, қарол-хизматкор; 2 кейинроқ эркин киши, феодализм ривожланган даврда бошқа йирик феодалдан крепостной деҳқонлари билан бирга ер-мулк олган ва шунинг эвазига бир қанча мажбуриятларни ўташи шарт бўлган феодал; 3 В. бир йилда муайян кунлар (одатда 40 кун) давомида сеньорни (қ.) қўриқлаши ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак бўлган. Шунингдек, В. ўзи шахсан ёки тузиб берган отряди билан ҳарбий хизматни ўташи, айрим ҳолларда пул билан ёрдам кўрсатиши, сеньор ҳузурида суд ва кенгашда қатнашиши лозим бўлган. Йирик феодаллар королнинг вассали ҳисобланган. Вассаллик муносабатидан кўзда тутилган асосий мақсад деҳқонларнинг феодалларга қарши ҳаракатларини бостиришдир. В. тартиби айниқса ўрта асрлар Ғарбий Европасида кенг ривожланган.

**ВАССАЛЛИК** (лат.) — ўрта асрларда Ғарбий Европада бир хил феодалларни бошқа феодалларга бўйсундириш системаси, яъни феодаллар синфи сиёсий ташкилотининг махсус формаси бўлиб, у крепостной деҳқонлар устидан ҳукмронликни амалга оширган. В. феодал монархиясининг асоси бўлган; феодал тарқоқлик вақтида В. эксплуатация қилинувчи деҳқонлар оммасини қарам ҳолда сақлаш учун феодаллар ўзаро алоқаларининг ягона шакли. Табақали монархия вужудга келгач, В. ҳаётда ўз аҳамиятини аста-секин йўқота борган. В. феодал Ғарбий Европасида кенг ривожланган. Русь давлатида эса фақат буюк князь билан удел князлари ўртасидагина мавжуд бўлган.

**ВАТИКАН** (лат.) — папа шаҳар-давлати, католик (қ.) черкови бошлиқлари қароргоҳи, католицизм (қ.) нинг халқаро маркази; Рим шаҳри территориясининг бир қисмидаги теократик-сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган идора усули; В. папа билан Италия ҳукумати ўртасида 1929 йилда Латеранда тузилган шартнома асосида папанинг мустақил давлати сифатида вужудга келган. В. 136 кишидан иборат кардиналлар кенгаши томонидан умрбод сайланган, ҳуқуқи чекланмаган папа томонидан бошқарилади. В. Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган, ҳамма томондан тош девор билан ўралган. В. нинг территорияси 0,44 гектар, аҳолиси 1 минг кишидан ортиқроқ, ўз территориясидан ташқари Римнинг турли жойларида 13 та биниси, черкови, радиостанциялари, телемаркази ва бошқалари бор. В. ўз байроғи, герби ва ёлланган швейцарияликлардан иборат 120 кишилик гвардиячи-жандармериясига, қамоқхона,

суд, матбуот агентлиги ва почта-телеграфига эга. В. жаҳоннинг 60 давлати билан дипломатик алоқа боғлаган. Бу митти давлат папа тайинлаган губернатор томонидан бошқарилади. В. нинг жуда кўп катта-кичик заллари, узун ҳашаматли йўлаклари, ойнавонд айвонлари, католик ибодатхоналари, кутубхонаси, музейлари бор, унда антик ва бошқа даврларда улугъ саънаткорлар томонидан ишланган кўп ҳайкаллар ва суратлар тўпланган. Ватикан 1377 йилдан бошлаб Рим папаларининг доимий даргоҳи бўлиб келган (олдин папалар Римдаги Латеран тепалигига жойлашган биноларда истиқомат қилишган). В. саройи ва ибодатхоналарини безашда рассомлар, машҳур архитекторлар қатнашганлар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг В. АҚШ империалистларининг таъсирига тушиб қолди. СССР ва социалистик ҳамдўстлик давлатларининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида муттасил олиб бораётган курашининг жаҳон афкор оммаси томонидан тобора кучлироқ қўллаб-қувватланиши В. нинг халқаро реакцияда ўйнаётган родини тобора пасайтирмақда. Шунга қарамай, В. империалистик реакция томонида туриб, ижтимоий тараққиёт, тинчлик, демократия ва социализм кучларининг ривожланишига гав бўлиб қолмақда.

**ВАҲШИЙЛИК** (*варварлик*) — 1 ибтидоий жамоа тузумининг ёввойилиқдан кейинги ва цивилизациядан олдинги иккинчи даврини ифодаловчи тушунча; 2 ёвузлик, қўполлик, маданиятсизлик каби маънони англаувчи тушунча.

**ВАҚФ** (*а.*) — мусулмон мамлакатларида масжид, мадраса, мусофирхона, етимхона, касалхона ва шу каби диний муассасалар ихтиёрига

давлат ва айрим шахслар томонидан хайр-эҳсон, наэр-ниёзга берилган ерсув, бинолар, дўкон, тегирмон ва бошқа мулклар. Улар шу мулклардан келадиган даромадлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. В. араб халифалигининг дастлабки даврларида пайдо бўлиб, ўрта асрлар давомида барча мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган ва руҳонийлар учун иқтисодий таянч бўлиб хизмат қилган. В. мулклари давлат солиқларидан озод бўлган. В. дан келган даромадлар мактаб, мадраса, етимхона, касалхоналарнинг эҳтиёжларига, эҳсон, ёрдам бериш ва бошқа ишларга сарфланган. В. мулклари маҳсул васиқа — вақфнома (*қ.*) билан расмийлаштирилган. В. икки хил бўлган; 1 асосий В. — бунда муайян мулк ёки буюмни В. га берган шахс унга эгалик қилиш ҳуқуқидан тамомила маҳрум бўлган; 2 одатдаги В. — даромаднинг маълум келишиб қўйилган қисми В. берган киши ва унинг ворисларига теккан, В. ни мутавалли ёки нозир бошқарган. В. мулкидаги деҳқон ва хунармандлар феодаллар мулкидагилар каби шафқатсиз эксплуатация қилинар эди. В. мулклари уч йилдан ортиққа ижарага берилмаган ва бу мулклар хирож, ушр, закот солиқларидан озод қилинмаган. Ўзбекистонда Октябрь революциясидан кейин маориф органлари қошида В. бўлими тузилиб, у В. мулкларини ўз ихтиёрига олди, унинг даромадларини мактаб ва маориф эҳтиёжларига ишлата бошлади. В. аста-секин тугатиб юборилди. Шарқдаги бир қатор мусулмон давлатларида В. ҳамон мавжуд.

**ВАҚФНОМА** (*форс.-а.*) — ёки вақф ҳужжатлари — айрим шахслар томонидан ерсув, тегирмон, обжувоз, дўкон каби мулкларнинг диний муассасага: масжид, мадраса, мазо-

рот ёки хонақоҳга ихтиёрий равишда берилганлиги ёки васият қилинганлиги, ундан келадиган даромаднинг ҳаммаси ёки бир қисми вақтинча ёки доимий равишда ихтиёрий берилганлиги, васият қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат.

**ВЕЛИКАШЪ** (*серб.-хор.*)— катта амалдор, мансабдор, ақобир; 1 феодализм даврида Хорватияда феодал зодагонлар; 2 19-асрнинг 30—60-йилларида Сербияда В. великопоседник деб номланган катта ер эгаси маъносида қўлланилган. В. чорва билан савдо қилувчилар, мансабдорлар, ўтмишда турк феодалларига қарашли ерларни зўрлик билан тортиб ёки сотиб олганлар. 1804—1813 ва 1815 йй. миллий-озодлик ҳаракатида қўзғолончилар отрядларига бошчилик қилган воеводалар ҳам В. деб аталган ва шундай ерларни эгаллаб олганлар; 3 19-асрнинг 40—50-йилларида В. ҳокимиятни қўлда сақлаб турган ҳукмрон синф, реакцион гуруҳ.

**ВЕНЕРА** (*лат.*)— Зуҳра. Қадимги римликлар афсонасида баҳор маъбудаси ва боғдорчилик ҳамда полизсабавотчилик ҳомийси, кейинчалик қадимги греклар таъсири остида муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси ҳисобланган Афродита (*қ.*) билан тенглаштирилган.

**ВЕРМАХТ** (*нем.*)— мудофаа кучлари, қуроли кучлар; фашистлар Германиясининг ҳарбий кучи, армияси (1933—1945 й.) нинг расмий номи. Гитлер ҳокимиятини босиб олгунга қадар Германиянинг ҳарбий кучлари «рейхсвер» (*қ.*) деб аталарди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ нинг ташаббуси билан ГФР да бундесвер (*қ.*) тузилган вақтда В.нинг традицияси ва кадрларидан фойдаланилган.

**ВЕРСАЛЧИЛАР**—1 1871 йил 18 мартда дунёда биринчи пролетариат

диктатураси— Париж Коммунаси ташкил топгач, Версалга қочиб кетган Тьер бошчилигидаги контрреволюцион ҳукумат раҳбарлари ва тарафдорлари. Версалчилар Франция-Пруссия уруши натижасида Франциянинг талайгина ерларини босиб олган прус интервентлари билан ҳамкорликда Париж Коммунасига қарши кураш олиб борганлар. Улар Париж Коммунасини ағдариб, коммунар ва унинг тарафдорларини ваҳшиёна қириб ташлаганлар; 2 революцияни бўғувчилар, жаллодлар, чет эл интервентлари билан биргаликда иш кўрувчи ваҳшийлашган контрреволюционерлар В. деб аталади. Шундан бери революция жаллодлари В. деб аталадиган бўлган.

**ВЕРХОВНИКЛАР**— Пётр I нинг биринчи вориси малика Екатерина Алексеевна замонида Россияда (1726—1730) мавжуд бўлган Олий махфий кенгаш (*қ.*) аъзолари; унга Пётр I нинг сафдошлари (А. Д. Меншиков, Ф. М. Апраксин, Г. И. Головкин, А. М. Остерман, А. П. Толстой, қадимий асл зодагонлардан Д. М. Голицин, герцог Карл Голицинский) ҳам киритилган. Олий махфий кенгаш кенгашувчи орган бўлса-да, муҳим давлат масалаларини ҳал этган. ОМК самодержавиеви чеклашга уринган, аммо Анна Ивановна уни тарқатиб юборган.

**ВЕРШОК** (*рус.*)— Россияда узунлик ўлчови, метр киритилгунча амалда бўлган узунлик ўлчови. Бир В.—44,5 мм га тенг. Октябрь революциясигача Туркистонда ҳам қўлланилган.

**ВЕСТ-ИНДИЯ**— «Ғарбий Ҳиндистон»— Колумб Ҳиндистони деб аталган, кейинчалик ҳақиқий Ҳиндистон кашф қилингандан сўнг, ундан фарқлаш учун «Ғарбий» сўзи қўшилган. Қариб денгиздаги ороллардан иборат архипелаг. Антил ва Ба-

гама ороллари ҳам унга киради, (умумий майдони 240 минг км<sup>2</sup> га яқин. Аҳолиси 24 млн. дан ортиқ (1970.)

**ВЕТО** (лат.) — ман этаман, тақиқлайман; тақиқ, тақиқлаш, ман қилиш; капиталистик мамлакатларда давлатнинг бирор органи томонидан бошқа орган қарорининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун тамомила ёки шартли равишда тақиқлаб қўйиш. В. ҳуқуқи курашувчи синфлар ёки ижтимоий гуруппалар ўртасида маълум синф ёки ижтимоий гуруппаларнинг манфаатларини таъминлаш учун ўзаро битимга келиш лозимлиги туфайли вужудга келган. Рим қулдорлик республикасида **плебей трибуналнинг** (қ.) **В. ҳуқуқи** **плебейлар** манфаатини ҳимоя қилган. Буржуа давлатларида монарх ва юқори палаталарнинг В. ҳуқуқлари буржуазия билан дворянлар ўртасида дворянлар фойдасига ўзаро ён бериш воситасидир. Капиталистик мамлакатларда давлат бошлиғи ёки парламентнинг юқори палатаси томонидан қонуни чиқарувчи орган ёки унинг қўйи палатаси томонидан қабул қилинган қонуннинг кучга киришини вақтинча ман қилиш ҳуқуқи. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида халқаро тинчлик ва хавфсизликка оид қарорларга Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоларидан (СССР, АҚШ, Англия, Франция, Хитой) бири овоз бермаса, у қабул қилинмаган ҳисобланиши ҳам шартли равишда В. ҳуқуқи деб аталган; бирор нарсени тақиқламоқ.

**ВЕЧЕ** — «вешать» — сўзлаш, гапириш, эшиттириш сўзидан ёки қадимги славянча вет — кенгаш сўзидан олинган; мажлис, йиғин; қадимги Рус давлат ва жамоатчилик ишларини муҳожама қилиш ва ҳал этиш учун тўп-ланган шаҳарликлар йиғини. Слав-

янларнинг қабила йиғинидан келиб чиққан. Қадимги Русь (Киев) давлати вужудга келгач, феодал зодагонлар Вече ёрдами билан князь ҳокимиятини чеклаганлар. Феодал тарқоқлик даврида В. фаолияти фавқулодда кучайган. Рус йилномаларида В. ҳақидаги дастлабки маълумотлар Буюк Новгородда — 1016, Киевда — 1068, Владимир-Волгинскда — 1097, Суздальда — 1157, Рязанда — 1177 йилларга оиддир. В. уруш ва сулҳ, князларни тахтга чиқариш ёки қувиб юбориш, суд ва ҳарбий бошлиқларни, маъмурият вакиллариин сайлаш ёки вазифаларидан тушириш, бошқа князлар билан шартномалар тузиш, қонунлар қабул қилиш каби ишларни олиб борган. В. суд ишлари ва маъмурият масалалари билан ҳам шуғулланган. В. майдонида ўрнатилган қўнғирокнинг чалиниши В. йиғини бўлишидан дарак берган. В. онда-сонда ҳокимият ёки аҳоли ташаббуси билан тўпланган. В. қарори ушбу қарор маъқулланганлигини ифода этувчи бақриқ-чақриқлар йўли билан тасдиқланган. В. том маъноси билан халқ ҳокимияти бўлмаган. Ҳокимият феодал ва шаҳар юқори табақалари қўлида бўлган. Посадник (князнинг шаҳардаги ноиб) ва тисяцкийлар (ҳарбий бошлиқлар) бояр зодагонлари ичидан сайланарди. Сайловда В. қатнашчиларини пора бериб сотиб олиш ёки уларни мажбур қилиш каби зўрлик усуллари ишга солинган. В. да юқори ва қўйи табақалар ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлиб турар эди. Князлар ўз ҳокимиятини янада кучайтириш, антифеодал ҳаракатларни бостириш ниятида В. ни тугатиш учун курашганлар. 14-асрда Шимоли-шарқий Русьда В. тугатилган. Феодал республикалари бўлган Новгород ва Псков В. си сиёсий ҳаётда катта

аҳамиятга эга бўлган. Новгород (1478) ва Псков (1510) ерлари Москвага бўйсундирилгач, В. фаолиятига чек қўйилган.

**ВИГЛАР** (*шотл.*)—17—19-асрларда Англияда савдо-сотик ва молия буржуазияси ва буржуалашган феодал аристократиясининг бир қисми манфаатларини ифодаловчи сиёсий партия бўлиб, ҳозирги либераллар партияси ундан келиб чиққан. В. Англиянинг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаган. В. 1688—1689 й. да давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга киритиб, парламент (қ.) ҳукмронлигини ўрнатди. Савдо ва саноат буржуазияси манфаати учун парламент ислоҳоти ўтказди (1832), чартистлар ҳаракатини бос-тиришга уринди, 19-аср ўрталарида айрим сиёсий группалар билан бирлашиб, либераллар (қ.) партиясига айланди.

АҚШ да 1834—1854 йй. да банкирлар, саноатчилар ва улар билан боғлиқ бўлган жанубий америкалик плантаторлар партияси. 1854 й. да Шимолий Америка В. лари янги Республикачи партия билан, жанублик В. лар Демократик партия билан бирлашиб кетган.

**ВИКТОРИЯ** (*лат.*) — қадимги римликларда галаба маъбудаси; грек афсоналаридаги Никега тўғри келади.

**ВИЛОЯТ** (*а.*)—маъмурий-территориал бирлик — ўлка, область, музофот. Революциядан илгари ҳокимлик, беқлик (область) маъносида ишлатилган. Бухоро революцияси (1920) дан сўнг Бухоро Халқ Совет Республикасининг территорияси 10 вилоятга бўлинган эди. Ўзбекистонда 1925 й. 13 январдан бошлаб В. лар уездларга айлан-тирилди. Ўрта асрларда Шарқнинг айрим мамлакатларида маъмурий-территориал бирлик.

**ВИРА** (*слав.*)—хун ҳақи, товон;

Русда ва қадимги германларда қонга-қон, жонга-жон билан олинадиган ўч ўрнига жорий этилган пул жаримаси. Қотилнинг қариндош-уруғлари ўлдирилган оддий киши учун князь хазинасига 40 гривин, ўлдирилган феодал учун 80 гривин миқдорда хун ҳақи тўлаган. Оғир майиб қилганлик (кўр қилганлик, қўлсиз, оёқсиз, бурунсиз қолдирилганлик) учун ярим вира (20 гривин) ундирилган. Турли даражадаги феодалга қарам кишиларнинг қотилидан 5—12 гривингача хун ҳақи олинган. Қотил топилмаса, жиноят содир бўлган территориядаги уруғ жарима тўлашга мажбур бўлган.

**ВИШНУ** (*ҳинд.*)—индуизм ёки вишнуизм динларида Брахма ва Шива каби олий таңгри, паноҳида асровчи худо, абадий барҳаёт табиатининг тимсоли. В. одатда ҳаворанг баданли чиройли, баъзан тўрт қўлли йигит қиёфасида тасвирланган. В. хотини Лакшма бахт ва соғ-саломатлик, хотиржамлик илоҳасидир.

**ВЛАСТЕЛЬ ЕКИ ДИНАТЬ** (*грек.*)—қудратли, кучли; 1 Византияда нуфузли киши шундай деб аталган. Феодал муносабатлар вужудга келаётган даврда хонавайрон бўлган деҳқон жамоалари ерларини арзон баҳода сотиб олган ёки зўрлик билан босиб олган киши; жамоа аъзолари ерларини сотиб олиш билан бойиб кетган киши; вилоятларда катта ерларга эга бўлган кишилар феодал вочинникларга айланганлар; 2 14-асрда Сербияда феодал.

**ВОЕВОДА** (*слав.*)—қўшин боши, аскарбоши, ҳоким, ҳарбий мансаб; қадимги Русда қўшин бошлиғи, шаҳар ёки вилоят бошлиғи; ҳамма славян тилларида ҳарбий бошлиқ. Қадимги Русда В. князь дружинасининг командири (10-асрдан бери маълум). 16-асрда В. лар фақат



чекка ўлкаларда бўлган. Синфий кураш фақуллода кучайган 17-асрдан бошлаб, В. лар мамлакатнинг ҳамма ерида ташкил этилади. Пётр I амалга оширган давлат ислоҳоти ҳам В. ларни тамомила тугатмади. У вилоят бошлиғи деган маънода 1775 йилги губерня ислоҳотларига қадар ишлатилди ва шу ислоҳот натижасида В. тугатилди.

**ВОЕВОДЛИК** — аскарбошлик, ҳокимлик. 1 воевода томонидан бошқарилган вилоят; 2 Литва ва Польшада В. воевода томонидан бошқарилган маъмурий округ; 3 халқ Польшасида В. айрим маъмурий территориялар бўлинима бўлиб, унда Рада Народова давлат ҳокимиятининг маҳаллий органи ҳисобланади.

**ВОЛОСТЬ** — қадимги Русда князь тасарруфидаги унча катта бўлмаган территория. Кейин 1930 йилгача бир неча қишлоқни ўз ичига олган кичик маъмурий бирлик. Урта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг, В. бу ерда ҳам жорий этилган эди. 1928—1930 йилларда уезд-волость системаси район билан алмаштирилган. Октябрь революциясидан сўнг Туркистон АССРнинг территориясида 473 В. бор эди (1922). ЎзССР ташкил топганидан сўнг (1924) республикамиказ территориясида 241 В. бўлган ва 1926 йилги иқтисодий-маъмурий районлаштиришга қадар сақланиб турган.

**ВОТЧИНА** (рус.) — отчина, ота мулк, ота-бободан мерос мулк (ерсув, бинолар, шу мулкда яшагани учун феодалга қарам деҳқонлар). В. (10—11-асрда келиб чиққан) руща сўз бўлиб, унинг инглизча эквиваленти «монор», немисчаси — «грунт-дершафт», французчаси — «сенъория» дир. В. эгаси (бояр) ўз тасарруфида бўлган мулкда яшовчи аҳолини (деҳқон ва хунармандларни) суд қилган,

ўзи ва давлат фойдасига солиқ ундирган. Россияда феодал тарқоқлиги шароитида, 12-аср ўрталаридан 15-аср охиригача В. эгаларининг сиёсий мавқеи кучаяди. 16-аср бошларида, марказлашган давлат вужудга келиши билан В. эгаларининг ҳуқуқи ва имтиёзлари чеклана бошланади. 16-асрнинг иккинчи ярмида Иван Грозний томонидан амалга оширилган опричнина (қ.) В. эгалари (боярлар)нинг сиёсий ва иқтисодий қудратига жиддий зарба беради, дворянлар Россиянинг асосий ҳукмрон синфи бўлиб қолади. Черков ва монастырларга қарам ер-мулк ва шу ерда яшовчи деҳқонлар шу черков ва монастырларнинг В. си ҳисобланади.

**ВАҚФ ЕРЛАРИ** — мусулмон дини тарқалган мамлакатларда айрим шахсларнинг даромад бир қисми ёки ҳаммасидан фойдаланиш ҳуқуқи, аммо сотмаслик шarti билан мусулмон диний муассасалари — масжид, мадраса ва шу кабиларга васият қилинган ёки берилган ер-сув.

**ВАҲОБИЙЛАР** — исломдаги диний-сиёсий оқимлардан бири бўлиб, 18-асрда Марказий Арабистонда вужудга келган, кейинчалик Ҳиндистон, Индонезия, Афғонистон ва қисман Африкада тарқалган. Бу оқимнинг асосчиси Муҳаммад Ибн Ал Ваҳҳоб (1703—1787) бўлиб, фақат оллоҳга ибодат қилишни тан олади, «муқаддас» жойларга зиёрат қилиш, авлиё, мазор, пир ва шу кабиларга сўғинишни қоралайди. Шунингдек, В. фақирона ҳаёт кечириш, бойлик орттиришга уринмасликка, кишиларни «тег» ва «биродар» бўлишга чақиради. Йирик феодаллар В. дан феодал тарқоқлигига хотима беришда фойдаланганлар. Эндиликда В. Саудия Арабистонда ҳукмрон мазҳаб ҳисобланади.

**ВУЛКАН** (лат.) — қадимги римликлар афсонасида олов худоси ва

темирчилик санъати ҳомийси; қадимги греклар афсонасида Гефест.

**ВЧК (БФК)** — Всероссийская Чрезвычайная Комиссия — В. И. Ленин 1917 йил, 20 декабрда имзолаган қарор асосида контрреволюция ва саботажга қарши курашиш учун тузилган фавқулодда комиссия, ВЧК ёш Совет республикаси қўлида чет эл разведкаси, унинг агентлари — шпионлар, зараркунадалар, қўпоровчилар, террорчиларга қарши аёвсиз кураш қуроли бўлиб хизмат қилган. ВЧК га В. И. Лениннинг сафдоши Ф. Э. Дзержинский бошчилик қилди. Пролетариатнинг қайралган қиличи бўлган ВЧК граждaн уруши ва чет эл интервенцияси даврида душман устидан талабани таъминлаган омилардан бири бўлди. Граждaнлар уруши тугагач, ВЧК ГПУ — Государственное Политическое Управление — Давлат Сийёсий Бошқармаси қилиб қайта тузилди, бироз вақт ўтгач, ОГПУ — Объединенное Государственное Политическое Управление — Бирлашган Давлат Сийёсий Бошқармаси қилиб қайта тузилди, СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 й. 10 июль қарори асосида ОГПУ Ички Ишлар Халқ комиссарлиги қилиб қайта тузилди.

## Г

**ГАБЕЛ** (*фр.*) — туз солиғи; ўрта асрларда Францияда (1246 й.) жорий этилган туз солиғи, Туз савдоси давлат монополиясига олингач, ҳар бир хонадоннинг юқори нархда мажбуран туз сотиб олиш минимум миқдори белгиланган. 1548 й. да Гасконияда, 1633 й. да Овиллареда, 1635 й. да Аженеда «туз галаёни» бўлган. Г. 1790 й. да Франция буржуа революцияси вақтида бекор қилинган. Италия ва Германияда ҳам Г. солиғи туз, вино, ёғ, жун, пиш-

лоқ каби озиқ-овқатлардан олинган. Шунингдек, мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлиш, кўчиб кетганда буюмларни сотганлиги учун ҳам Г. олинган.

**ГАБСБУРГЛАР** (*нем.*) — Австриянинг 1282 й. дан герцоги, 1453 й. дан эрцгерцоги, 1804 й. дан Австрия императори, 1526 й. да Чехия ва Венгрияни қўшиб олиб, у ернинг короли бўлдилар. 1867—1918 й. Австрия-Венгрия ҳукмронлик қилган сулола. Г. Испанияда ҳам ҳукмронлик қилганлар (1516—1700 йй.), Г. лар бошқарган мамлакатларда реакцион абсолют-католик сиёсати амалга оширилган.

**ГАЙДАМАҚЛАР** (*турк.*) — ҳужум қилмоқ — 1 18-асрда Унг соҳил Украиннада казак деҳқон қўзғолонларининг қатнашчилари. Г. лар қўзғолони шляхтлар Польшаси ҳукмронлигидаги Унг соҳил Украина ва Запорожье аҳолисининг феодал-крепостнойлик ва миллий-диний жабрзулмга қарши ҳаракати бўлиб, 1717 й. да бошланган ва бутун 18-асрда давом этган. Бу ҳаракатда Чап соҳил Украинна аҳолиси ҳам қатнашган. Г. лар ҳаракати асосан Киев ва Брацлавда бўлиб, энг кучайган вақтда бутун Подолия ва Волинга ҳам ёйилган. Ҳаракатда Украинанинг Россия билан қайта қўшилишга бўлган интилиши яққол намоён бўлган. Г. лар ҳаракати 1768 йилги деҳқонлар уруши вақтида («Коллевищчина») ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган. 18-аср охирида (1793 й.) айниқса Унг соҳил Украина Россияга қайта қўшилгач, Г. лар ҳаракати тўхтаган, шундан сўнг давом этган антифеодал ҳаракат бошқача тус олган; 2 1918—1920 йиллардаги граждaнлар уруши даврида Украиннадаги контрреволюцион отрядларда қатнашган махус отлик солдат ва офицер-

лар ҳам ўзларини Г. лар деб атаганлар.

**ГАЙДУКЛАР** (*венг.*)—1 Болқон ва Венгрия халқларининг Туркия ҳукмронлигига қарши курашган қўзғолончи-партизанлари; 2 15—19-асрларда жанубий славян, молдаван ва венгер партизанларининг турк босқинчиларига қарши миллий-озодлик ҳаракати шаклларида бири. Болгарияда Г. лар ҳаракати 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташкилий тус олди. Болқонда умумхалқ миллий-озодлик ва антифеодал ҳаракати кучайган вақтларда Г. лар ҳаракати аксари халқ қўзғолонлари билан қўшилиб кетди. 1804—1813 йиллардаги биринчи серб қўзғолони ва Россия-Туркия уруши вақтида (1877—1878) болгар Г. лари рус қўшинлари билан биргалликда туркларга қарши курашда қатнашдилар.

**ГАНГСТЕРИЗМ** (*ингл.*)—қотиллик, босқинчилар тўдаси. АҚШ да ва бошқа капиталистик мамлакатларда прогрессив арбобларни таъқиб этиш, зўравонлик, ўлдириш, қўрқитиш, тамағирлик, давлат мансабдорларини сотиб олишга асосланувчи жиноятчилар уюшмаси. АҚШ да монополия бирлашмалари ва буржуа сиёсий ташкилотлари Г. дан иш ташлаган ишчиларга қарши курашда, сиёсий рақибларни ўлдиришда, тараққий-парварлик ҳаракатларига қарши курашда ва сайлов олди компанияларида фойдаланадилар. Г. аъзолари яширин ташкилотларга бирлашиб, наशा, кўкнори, спиртли ичимликлар сотиш, фоҳишахоналар очиш билан ҳам шуғулланадилар.

**ГАНИМЕД** (*грек.*)—грек афсоналарида Трояли тенги йўқ гўзал йигит; Зевс уни ўғирлаб, ўзининг севимлиси ва Олипеда худоларига соқий қилиб олган.

**ГАРАЙЛАР**—Гарай сулоласи;

1427 й. да Хожигарай ўзини Қрим хони деб эълон қилгандан кейин бошланган хонлар сулоласи. Г. лар 1449 й. Олтин Ўрдан (қ.) батамом ажралиб чиққан. Дастлаб Соҳлат (Кўҳна Қрим), кейинроқ Богчасарой шаҳри Г. лар пойтахти бўлган. Г. лар ҳокимияти ширин, барин, қипчоқ, мангит ва бошқа уруғлардан бўлган йирпк феодал вакиллардан иборат кенгаш томонидан чекланган. 1475 й. Менгли Г. замонида турк султонлиги Қрим хонлиги устидан ғалаба қилганидан кейин 300 йил давомида Қрим Туркияга вассал (қ.) бўлган. Г. лар 16—17-асрлар давомида рус, украин, поляк, молдаван ерларига тез-тез талончилик юришлари қилиб, шаҳар ва қишлоқларни талаган, кўп-кўп кишиларни қул қилган. 1571 й. Давлат Г. қўшини Москвани талаган ва ёндирган, 1572 й. Серпуховда зарбага учраган. Г. лар Россияга XVII асрнинг биринчи ярмида қайта-қайта ҳужум қилган. Россия томонидан 1687 ва 1689 йй. да Қримга қилинган ҳужумлар Г. ларни анча тийиб қўйган. 18-асрда Россия Қрим учун Туркияга қарши курашган. 1774 йилги Кучук-Кайнаржи сулҳига кўра, Қрим мустақил деб эълон қилинган. 1783 й. да охириги Г. Шогин Гарай тахтдан воз кечгач, Қрим хонлиги Россияга тамомла қўшиб олинган.

**ГАРНИЗОН** (*фр.*)—шаҳар ёки қалъада доимий ёки вақтинча жойлашган ҳарбий қисмлар, штаблар ва ҳарбий ўқув юртлари бирлашмаси. Г. ҳарбий қисмлар, ҳарбий хизматчилар орасида тартиб-интизомни сақлаш, ўз ихтиёридаги госпиталь ва шукабилардан тўғри фойдаланиш, ҳарбий хизматнинг ўталишини кузатиш учун тузилади. Г. ҳарбий округ қўмондонига бўйсунди.

**ГАРПУН**—(*голл.*) санчиқ; кит. морж, тюлень каби денгиз ҳайвонла-

рини овлаш учун ишлатиладиган найзасимон қурол. Суякдан ясалиб, ён томонларида тишлари бўлган Г. дастлаб илк полеолит давридан бошлаб фойдаланилган. Сўнгра феодализм даврида Г. сопи суяк, тош ёки металлдан ишланган. Г. отилганда найза сопдан осонгина ажралиб, ҳайвон баданига шиддат билан қадалган.

**ГЕГЕМОНИЗМ** (грек.) — устунлик, ҳукмронлик, якка ҳокимлик. Бошқа давлатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилишни назарда тутган ўта реакцион ҳаракат. Г. давлатлар ва халқларнинг тенглигига, БМТ уставига зид сиёсат.

**ГВАРДИЯ** (итал.) — Қўшиннинг сараланган ва имтиёзли қисми — дастлаб давлат бошлиғи ёки ҳарбий қўмондонларни муҳофаза қилишга ажратилган қуролли отряд, кейинчалик қўшиннинг махсус сараланган, имтиёзли қисми; Г. қўлдорлик тузumi вақтидаёқ келиб чиққан бўлиб, қадимги Эронда «ўлмас» ларнинг ўн мингли корпуси, Римда — преторианлар кўринишида намоён бўлган. Г. термини 10-асрда Италияда келиб чиққан бўлиб, давлат байроғини сақловчи сараланган отряд маъносида ишлатилган. Монархияли давлатларда — Францияда 15-асрда, Англия, Швеция, Пруссия ва Россияда лейб Г. 17-асрда, Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда Г. вазифасини ёлланган қўшин ичидан саралаб олинган соқчилар — фидойилар бажарганлар. 16-асрдан 19-асргача Туркияда Г. вазифасини янчар (қ.) бажарган, 19-аср бошида Япония ва Шарқнинг баъзи бошқа давлатларида Г. ташкил этилган, Францияда 18-аср охиридаги буржуа революциясигача Г. катта роль ўйнайди. Наполеон даврида Г. сони 100 минг кишига етди. 1817 йилда Францияда доимий армия ўрнига Халқ Миллий Г. си

тузилди. У Париж коммунасини қаҳрамонона Ҳимоя қилди. Ҳозир айрим капиталистик мамлакатларда Г. монарх ёки президентнинг фахрий соқчиси сифатида сақланмоқда.

Россияда Пётр I 1687 й. да лейб-Г., 1722 й. да лейб-режимент, 1730 й. лейб-гвардия (отлиқ полк) ва Измайлов полкни тузган. Г. армияга қўмондонлик составини тайёрловчи мактаб эди.

Айрим Г. қисмлари Октябрь революцияси вақтида халқ томонига ўтди. Г. 1918 й. да тугатилди. Улуғ Ватан урушида фашизмга (қ.) қарши курашда юксак интизом, уюшқоқлик, алоҳида жасурлик ва мардлик намуналарини кўрсатган ҳарбий қисм, бирлашма ва қўшилмаларга берилган фахрий унвон. (Қаралсин: Қизил Гвардия).

**ГЕВА** (грек.) — грек афсоналарида — Зевс билан Геранинг қизи, абадий ёшлик маъбудаси. Олимпдаги худоларнинг зиёфат вақтида мангулик ичимлиги — нектарни қуйиб бериб турувчи соқий.

**ГЕДЧИЛАР** — француз социалисти Ж. Гед (1845—1922) номидан келиб чиққан (1879). Г. лар француз ишчилар ҳаракатида сиёсий оқим бўлиб, оппортунизм, анархизм ва социал-шовинизмга қарши курашган. 1882 й. да Г. лар ичидан ихтилоф юз берган. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Г. лар ишчилар партияси сафига кирган. (1879 й. да ташкил топган.) Г. лар Францияда марксизм ғояларини ёйиш ва саноат марказларида партия ташкилотлари тузиш соҳасида катта ишлар қилганлар. Бироқ Г. лар марксистик позицияда изчил бўлмаганлар. В. И. Ленин айтганидек, биринчи жаҳон империалистик уруши арафасида Г. лар айниб, центрист (қ.) (пролетариат манфаатларини майда буржуазия манфаатларига бўйсундиришга уринувчи оппорту-

низм) ларга айланади. Уруш бошла-  
ниши билан Г. ларнинг бир қисми  
Ж. Гед бошчилигида (у француз им-  
периалистик ҳукумати таркибига кир-  
ган эди) интернационал ва социа-  
листик ҳаракатга хиёнат қилди.  
Урушдан сўнг француз ишчилар ҳа-  
ракатида мустақил партия сифатида  
тугаб кетди. 1920 й. да Марсель Ка-  
шен бошчилигидаги сўл Г. лар Фран-  
ция Компартиясининг вужудга кели-  
шида диққатга сазовор роль ўйнади-  
лар ва уларнинг бир қисми фран-  
цуз Компартиясига аъзо бўлиб кирди.

**ГЕЗЛАР** (фр.)—гадойлар; 16-  
асрда Нидерландия революцияси дав-  
рида, дастлаб 1565 йили Испания  
хукмронлигига қарши чиққан дворян-  
лар лақаби; кейинроқ қуруқлик ва  
денгизда испанларга қарши курашган  
халқ; партизанларнинг жангвор номи.

**ГЕКАТА** (грек.)—грек афсона-  
ларида дастлаб ой, суд, гуноҳни  
ювиш маъбудаси. Эрамиздан аввалги  
5-асрдан бошлаб Г. қадимги  
греклар динида ёмонлик, сеҳргарлик,  
арвоқлар ҳомийсига айланган. Г.  
мазҳаби айниқса Кичик Осиёда кенг  
ёйилган ва унинг шарафига бир қа-  
ча ибодатхоналар қурилган.

**ГЕКТОР** (грек.)—«Илиада» дос-  
товининг асосий қаҳрамонларидан  
бири, Троя подшоши Троп Призма-  
нинг ўғли; трояликларнинг грекларга  
қарши олиб борган урушларида етак-  
чи бўлиб, Ахилл томонидан ҳалок  
этилган. Троянинг ҳимоячиси.

**ГЕКУБА** (грек.)—«Илиада» дос-  
товнида Троя подшоши Призманинг  
рафиқаси; Гекторнинг онаси, ҳамма  
фарзандларидан айрилган. Г. образи  
классик адабиётда чексиз ғам-ғусса  
ва умидсизлик тимсоли бўлиб қолган.

**ГЕЛАВА** (рус.)—бошлик, ҳоким;  
Россияда 16—17-асрларда ҳарбий ва  
маъмурий мансаб, дворян полклари-  
да ишбоши (сотник); Г. сарбозлар  
полкининг бошлиғи; ўқчилар Г. си.,

тўпчилар Г. си ва ҳ. к. Маъмурий-  
молиявий мансаб; давлат туз кони-  
нинг бошлиғи. Г. солиқ тўпловчи  
мансабдор, таможня-божхона Г. си  
ва ҳ. к. Г. мансаби 18-аср бошлари-  
гача мавжуд бўлиб, 1785 йилги «инъ-  
ом ёрлиғи» асосида шаҳар Г. си жо-  
рий этилган.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР** (лат.)—  
I подшо ноиб; Г. г. Россия импе-  
риясида Е. И. Пугачёв бошчилигида-  
ги деҳқонлар уруши (1773—1775)  
бостирилгандан кейин дворянлар дик-  
татурасини мустаҳкамлаш учун  
1775 й. да жорий қилинган бўлиб,  
1917 йилгача давом этди. Россия им-  
периясида Г. г. Москва, Киев, Ир-  
кутск, Приамур, Степное, Петербург,  
Харьков, Одесса, Туркистон ва бошқа  
жойларда тузилган. 2 Буюк Британия  
короллигининг доминионларидаги энг  
юқори даражали вакили, уни Брита-  
ния короли доминион аҳолиси ораси-  
дан тайинлаган. Г. г. расман доми-  
нионда ижро этувчи ҳокимият бошли-  
ғи, олий бош қўмондон.

**ГЕНЕРАЛ - ГУБЕРНАТОРЛИК**  
(лат.)—чор Россиясида генерал-гу-  
бернатор томонидан бошқарилган  
катта маъмурий территория; губерна-  
торлик мансаби.

**ГЕНЕРАЛ ШТАБ** (лат.-нем.)—  
давлат қуроли кучларининг марказий  
бошқариш органи. Г. Ш. хизмати  
16—17-асрларда жорий этилган. 19-  
асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб  
Германия, Австрия-Венгрия, Франция,  
Россия, Японияда ташкил топган.  
Совет Иттифоқида чет эл ҳарбий ин-  
тервенцияси ва граждандар уруши  
йиллари (1918—1920) да ҳарбий опе-  
рацияларга раҳбарлик қилиш учун  
дала штаби ташкил этилган эди.  
1924 й. М. В. Фрунзе бошчилигида  
тузилган ишчи-деҳқон Қизил Армия-  
сининг штаби 1935 й. 22 сентябрда  
СССР Қуроли Кучларининг генерал  
штабига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда йирик капиталистик мамлакатларда қуруқликдаги кучлар, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларининг мустақил Г. Ш. лари мавжуд.

**ГЕНЕРАЛ-ШТАТЛАР** (фр.)— феодаЛ Францияси ва Нидерландияда тоифалар вакиллари (руҳонийлар, дворянлар ва шаҳарликлар)нинг олий органи. Шаҳарларнинг ўсиши, ички бозорнинг ривожланиши, социал қарама-қаршиликларнинг мураккаблашуви ва синфий курашнинг кучайиши ҳамда феодаЛ давлатини мустаҳкамлаш, табақали монархия ташкил этиш зарурлиги туфайли Г. ш. пайдо бўлади. Г. ш. нинг биринчи йиғилиши 1302 й. да бўлган. 18-аср охирида революцион вазият этилган шароитда, 1789 й. қақрилган Г. ш. учинчи тоифа депутатларининг қарори билан миллий, сўнгра таъсис этувчи мажлисга айланди; 2 Нидерландияда 16-асрдаги буржуа революциясигача тоифали вакиллик муассасаси.

**ГЕНЕРАЛИССИМУС** (лат.)— энг олий ҳарбий унвон. Баъзи мамлакатларда қуроЛли кучлардаги олий ҳарбий унвон. Дунёда биринчи марта Г. унвони француз короли Карл IX нинг укаси (сўнгра король бўлган) Генрих III (1575—88) га берилган. Россияда Г. унвони Пётр I жорий қилган ҳарбий уставда (1716 й.) учрайди. Пётр I замондошларидан А. Д. Меньшиков ва А. С. Шейнга, регент Анна Леопольдовнанинг эри А. В. Брауншвейскийга, 19-аср бошида эса улуг рус саркардаси А. В. Суворовга Г. унвони берилган. Совет Иттифоқда Г. унвони СССР Олий Совети Президиумининг 1945 й. 26 июнь фармониға биноан жорий этилди ва И. В. Сталинға шу унвон берилди. 16-асрдан то 1970 й. гача жаҳон бўйича 14 киши Г. унвониға сазовор бўлган.

**ГЕНЕРАЛ-ПРОКУРОР** — чор Рос-

сияда олий ҳукумат мансабдори бўлиб, прокурор ва пискаллар орқали давлат аппарати ва Сенат (қ.) бошлиғи фаолиятини назорат қилган. Г.-п. биринчи марта 1722 йилда жорий этилган. 1802 й. да министрликлар ташкил этилгач, Г.-п. айни вақтда адлия министри ҳам бўлган. Кейин бу мансабнинг аҳамияти тобора йўқола борган ва 1917 й. Октябрь революциясидан сўнг тугатилган.

**ГЕНОЦИД** (грек.)— уруғ, қабила ва латинча ўлдиrhoқ маъносидан инсониятга қарши энг оғир жиноятлардан бири — қандайдир халқ, этник, ирқий ёки диний группани тўла ёки қисман тугатиб юборишға қаратилган ҳаракат. Г. жинояти олдини олиш ва унинг учун жазо берилиши ҳақида БМТ томонидан 1948 й. да қабул қилинган Конвенцияда Г. тинчлик ёки уруш вақтида содир бўлишидан қатъи назар, жиноят ҳисобланиши, халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб топилши қайд этилган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Г. гитлерчи босқинчилар томонидан кенг миқёсда қўлланилди. Эндиликда Г. Исроилнинг ҳукмрон доиралари томонидан Фаластин ва Ливан араб халқига қарши татбиқ этилмоқда. Г. шунингдек, Жанубий Африка Республикаси ирқчилари томонидан мамлакатнинг туз жой аҳолисига нисбатан ҳам амалға оширилмоқда.

**ГЕРАКЛ** (грек.)— Шарқ адабиётларида Хирокл; грек афсоналарига кўра, Зевснинг оддий (илоҳий эмас) хотини Алкменидан туғилган ўғли, катта жисмоний кучға эға бўлган тенги йўқ паҳлавон, 12 марта мислсиз жасорат кўрсатган. Римликларда Геркулес. Бундан ташқари Прометейни (қ.) озод қилган, Антей (қ.) ни енган.

**ГЕРА** (грек.)— грек афсоналарида никоҳ ҳомийси ва худоси; Зевс-

нинг синглиси ва хотини. Ҳокималиги, шафқатсизлиги, кунчилиги билан ном қозонган. Қадимги римликларда — Юнона.

**ГЕРБ** (пол.-нем.) — давлат конституцияси ёки махсус қонун билан белгиланган ҳамда давлат байроғи, муҳр, бланкалар ва пулда, муҳим давлат ва элчихона биноларининг олд томонида тасвирланган махсус белги. Давлат Г. да мамлакат, унинг халқи, ижтимоий тузуми шартли белгилар орқали ифодаланadi. Г. нинг дастлабки куртаклари эмблема кўринишида қадимги Греция ва Римдаёқ бўлган. Шумер давлатининг Г. ида шер бошли бургут, қадимги Рим Г. да бургут расми тасвирланган. Феодализм даврида айрим шаҳарлар ҳам ўз Г. ига эга бўлган. Венеция Г. да қанотли шер, Лондонникида бут ва қилич, Москваникида чавандоз, Самарқандикида (Темур Г.) уч ҳалқа тасвирланган. Графлар, герцоглар, князлар, дворянларнинг ҳам ўз Г. и бўлган. Фарбий Европада Г. 11—12-асрларда келиб чиқади. Русь давлатининг икки бошли бургутли Г. 15-аср охирида жорий этилган. Бизнинг мамлакатимизда СССР ва иттифоқдош республикаларнинг герблари мавжуд.

**ГЕРКУЛЕС** — қаранг: Геракл.

**ГЕРМЕС** (грек.) — грек афсоналарида Зевс ўғли, ўтлоқ ва подалар, савдо, гимнастика, нотқлик, йўллар худоси, худолар жарчиси; римликларда — Меркурий.

**ГЕРУСИЯ** (грек.) — энг кекса оқсоқол; бир қанча қадимги грек шаҳар-давлатларида оқсоқоллар кенгаши бўлиб, давлат ҳаётидаги асосий масалаларни ҳал этган. Спартада Г. — олий сиёсий орган.

**ГЕРЦОГ** — (нем.) — 1 қадимги герман қабилаларида сайлаб қўйилadиган ҳарбий бошлиқ, кейинроқ қабилани мерос қилиб олувчи қабила

бошлиғи; 2 9—10-асрларда феодал Европасида йирик феодал, кўпинча мустақил ҳукмдор; 3 энг юқори дворянлик унвонлардан бири; 4. Фарбий Европада ўрта асрларнинг охири ва янги замонда мулкдор князь ҳамда юқори табақа дворянлар унвони.

**ГЕРЦОГЛИК** (нем.) — 1 герцог бошлиқ қичик бир давлат (мамлакат); 2 герцог унвони.

**ГЕСТАПО** (нем.) — фашистлар Германиясида 1933 й. апрелида ташкил этилган махфий давлат полицияси, фашизмнинг ўз қурбонларидан ваҳшиёна қасос олувчи энг асосий террорчи ташкилотларидан бири. 1933 й. июнида Гимлер Г. га бошлиқ қилиб тайинланди. Г. ўзининг жосуслик ва погром-қирғинчилик ишини гитлерчи бандитлар отряди «СС»чилар орқали амалга оширар эди. Концентрацион лагерлар инспекторлари Г. нинг Бош бошқармасига итоат қилган. Корхона, муассаса ва туаржойларда унинг агентлари бўлган. Г. аппарати «СС»чилардан иборат бўлган. 1943—1945 й. ларда Г. расмий ходимларининг сони 50 миң кишига етган. Г. Германияда демократик кучларни, босиб олинган мамлакатларда халқ оммасини кўплаб қирғин қилди. Г. агентлари Германиядан ташқарида антифашист арбобларни ўлдириш, ўғирлаб кетиш билан шуғулланарди. Совет қўшинлари гитлерчиларни сўзсиз таслим бўлишга мажбур этгач, фашизмнинг бутун давлат машинаси каби Г. ҳам тугатилди ва қонундан ташқари деб-эълон этилди. 1946 й. да Нюрнбергда бўлган халқаро ҳарбий трибуналнинг ҳукмига кўра, Г. жинояткор ташкилот ва қонундан ташқари деб-эълон қилинди. Бироқ Г. нинг собиқ ходимлари ва жинойи усулларидан ГФР, Чили ва бошқа айрим империалистик мамлакатларда ишчилар ва демократик ҳаракатларга қарши

курашда кенг фойдаланиб келинмоқда.

**ГЕТМАН** (поляк.)— саркарда; 1 16—17-асрларда Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида олий ҳарбий унвон; 16-аср—17-асрнинг ўрталаригача подшо ҳукуматидан пул, ғалла, қурол-аслаҳа олиш эвазига ҳарбий хизмат бажарувчи рўйхатдаги казаклар бошлиғи; 2 16-аср ва 17-аср ўрталарида деҳқон-казаклар қўзғолонлари вақтида сайлаб қўйиладиган қўмондон; Украина Россияга қайта қўшилгач (1654 й.) Г. бутун гражданилик ва суд ҳокимиятини ўз қўлида тутувчи шахс ва казак қўшинларининг қўмондони. Б. Хмельницкийдан бошлаб Г. дастлаб қўшин томонидан, кейин эса Рада (қ.) томонидан умрбодга сайланадиган бўлган. Гетман Мазепа хиёнатидан сўнг (1708 й.) Г. подшо ҳукумати томонидан тайинланган, 1764 й. да Г. тугатилган; 3 Польшада 15—16-асрларда ёлланган қўшин қўмондони, 16—18-асрда Г. бош воевода.

**ГЕТМАНЧИЛИК** (поляк.)— 1 1667 й. да Польша билан Россия ўртасида Андроусовда тузилган битимга мувофиқ Россия составига кирган Чап соҳил Украинанинг ғайрирасмий номи (1667—1764). Унг соҳил Украина ҳамон Польша ҳокимияти қўл остида қолмоқда эди. Г. муайян автономиядан фойдаланган: ўз маъмурий территорияси, суди, молияси ва қўшинига эга бўлган. 1783 й. да Украинада умумий давлат қонуни ва маъмурий бўлиниш жорий қилинган, Г. тугатилган; 2 1918 й. 29 апрелдан декабригача Германия империализмининг ҳомийлиги остида Украинада ўрнатилган контрреволюцион помещик-буржуа диктатураси ҳам Г. деб аталган. Унга йирик помещик, чоризмининг собиқ генерали П. П. Скоропадский бошчилик қилган. Бу диктатура 1918 й. 14 декабрда ишчи

ва деҳқонлар қўзғолони натижасида ағдариб ташланди ва герман империалистларининг қўшинлари Украинадан ҳайдаб чиқарилди.

**ГЕФЕСТ** (грек.)— қадимги грек афсоналарида олов ва темирчилик санъати худоси; Зевс билан Геранинг ўғли; Рим афсоналарида Вулкан.

**ГЕЯ** (грек.)— грек афсоналарида ер ва ер ости дунёсининг маъбудаси; ундан тоғлар ва денгизлар, худоларнинг биринчи бўғини, алвасти гигант одамлар пайдо бўлган.

**ГИГАНТ** (грек.)— грек афсоналарида ер илоҳаси. Геядан ва осмон худоси Ураннинг бир томчи қонидан пайдо бўлган. Ўз моҳияти билан худого яқин, инсонларга зиён-заҳмат етказувчи махлуқ, дев. Зевсга қарши кураш олиб боришга уринган баҳайбат махлуқ.

**ГИЛЬДИЯ** (нем.)— 1 қадимги германларда ўз аъзоларининг ҳаёти, мулки ва шон-шарафини ҳимоя қилиш учун тузилган иттифоқ (мудофаа гильдияси); 2 ўрта асрларда Ғарбий Европада бой савдогарлар ёки хунармандларнинг ўз аъзолари манфаатлари ёки цех имтиёзларини ҳимоя қилувчи ширкати ёки иттифоқи; 3 чор Россиясида савдогарларнинг бойлиги ва маблағига қараб белгиланган даража, масалан, 1, 2 ва 3-гильдия савдогари.

**ГЛАДИАТОРЛАР** (лат.)— қиличбон, қиличбоз; қадимги Римда цирк майдонида йиртқич ҳайвонлар ёки курашчилар билан олишган бақувват, жасур қуллар, жавобгарликка тортилган гуноҳкор ёки ҳарбий асирлар. Римда дастлаб Г. одат тусига кираиб қолган тартибга кўра, қулларни ўлдириш маросими тариқасида ўтказилган бўлса, эраמידан аввалги 3-асрдан бошлаб гладиаторлар жанги зодагонларни дафн этиш маросими вақтида ўтказилган; эрамининг дастлабки асрларида гладиаторлар



жанги қулдорларнинг сеvimли эрмаги бўлиб қолган. Рим республикасининг танглиги даврида ҳукмрон доиралар Г. жангидан шаҳар аҳолиси ичида довруғ солиш воситаси сифатида фойдалана бошлаганлар. Гладдиаторлар қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилган махсус мактабда тарбияланганлар. Яхши чиниққан сарвқомат, баҳодир Г. кўпинча қуллар қўзғолонини бошлаб берувчилар ва қулларнинг революцион ядроси бўлган (Спартак қўзғолони бунга мисол бўла олади).

Империя даврида Г. жангчилари «нон ва томоша» талаб этувчи плебейлар (қ.) талабларини қондириш ва уларни сиёсий эркинликдан маҳрум бўлганликка кўниктириш мақсадида уюштирилаётган бўлган. Ҳарбий ғалабалар қўлга киртилганда ва бошқа тантаналар вақтида Рим императорлари минглаб Г. ни жангга солганлар. 5-асрнинг бошларига келиб Г. жанглари тўхтатилган.

**ГЛАВКИЗМ** (рус.)— Бош бошқарма сўзидан олинган; чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданлар уруши даврида (1918—1920) совет саноатини бошқариш системаси. Мамлакатни мудофаа қилиш эҳтиёжлари туфайли тегишли саноат тармоқлари бўйича бош бошқармалар, марказий комитетлар (Халқ Хўжалиги Олий кенгаши бош комитетлари (главқалар) ва марказларда бошқаришни қатъий марказлаштириш талаб этилган эди. Г. вақтида хўжалик ҳисоби бўлмай, корхоналар мустақилликдан маҳрум этилган эди, ҳарбий коммунизмдан янги иқтисодий сиёсатга ўтилгандан сўнг саноатни бошқариш хўжалик ҳисоби асосида қайта қурилди. Г. ҳарбий коммунизм сиёсати даврига хос бўлиб, ўша вақтда унча кўп бўлмаган саноат ресурсларини давлат қўлида тўплаш, улардан тўла ва оқилона

фойдаланиш мақсадида саноат устидан марказлашган раҳбарликни таъминлаш учун ташкил этилган эди.

**ГОГЕНШТАУФЕНЛАР** (нем.) ёки штауфенлар — Германия императорлари сулоласи (1138—1254) шваб князлари уруғидан; Г. Жанубий Италия ва Сицилияни ишғол этганлар. Г. (Фридрих I Барбаросса, Генрих VI ва Фридрих II) «жаҳон» империясини ташкил этиш учун худди шундай мақсадни ўз олдига қўйган папалик (қ.) ва Шимолий Италия шаҳарлари билан курашда заифлашган ва қулаган.

**ГОЛИТЬБА** — яланг оёқ, камбағал, қашшоқ казаклар — голутовное казачество — Дон ва Ёйиқ (Урал) эркин ва камбағал казакларининг асосий оммаси. У 16-аср охирида казакларнинг синфий табақаланиши натижасида вужудга келган. Г. бой казаклар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинган. Г. лар халқ озодлик ҳаракатларида, 17—18-асрлардаги И. Болотников, С. Разин, К. Булавин, Е. Пугачёв бошчилигидаги антифеодал ҳаракатлар — деҳқонлар урушларида фаол қатнашганлар.

**ГОЛИТЛАР** (грек.) — қадимги Греция ва Македонияда оғир қуроланган пидедалар; найза, қилч, қалқон билан қуроланган темир қалпоқли Г. отрядлари жанг вақтида 8 қатордан 25 қаторгача зич саф тортиб ҳаракат этганлар. Эр. ав. 4-асрда Г. олинандиган хусусий мулк эгалари хонавайрон бўлиши муносабати билан Г. аҳамиятини йўқота борган ва уларнинг ўрнини ёлланма қўшин эгаллаган.

**ГОЛЛАНДИЯ ВЕСТ-ҲИНД КОМПАНИЯСИ** — 1621 йилда савдо капиталининг намояндалари томонидан ташкил қилинган акцияли компания. Компания Ғарбий Африка ва Америка билан савдо қилиш моно-

полиясини эгаллаб олган. У савдо ишларидан ташқари, маҳаллий қабилалар билан уруш қилиш, сулҳ тузиш, босиб олинган ерларга губернаторлар тайинлаш, у жойларда Голландия қонуналарини жорий қилиш бўйича чекланмаган ваколатдан фойдаланган. Г. в.-ҳ. к. нинг асосий мақсадлари Америка мустамлакаларини қўлга киритиш, уларга қўлларни келтириб жойлаштириш ҳамда пахта, қанд лавлаги ва шу кабиларни етиштиришда қўллар меҳнатидан фойдаланиш бўлган. Бу компания Бразилиянинг талайгина районларини қўлга киритган (1624—1654), Синт-Эустаиус вест-ҳинд жамияти (1632), Кюрасао ва Арубани (1634—1635), қўл савдосининг илгариги маркази Савани (1640), Сен-Мартен (1648), Янги Амстердам (ҳозирги Нью-Йорк) шаҳрига асос солган. Бу компания Шимоллий Америка жанубий қирғоғининг бир қисмини босиб олган. 17-асрнинг иккинчи ярмига келиб, португалияликлар бу компанияни Бразилиядан, инглизлар Шимоллий Америкадан сиқиб чиқарганлар.

**ГОМИНДАН** (*хит.*)— миллий партия; Хитойда 1912 йил августида монархия ағдарилгач, «Тунмэнхой» жамияти бир неча либерал буржуа ташкилотлари билан бирлашиб, Сун-Ят-Сен бошчилигида тузилган антифеодал, антимпериалистик партия. У вақтда Г. миллий буржуа партияси бўлиб, монархиянинг қайта тикланишига қарши парламентли республика тарафдори бўлган. 1913 й. да Г. қонундан ташқари деб эълон қилинган, Г. аъзоларининг бир қисми компрадор-помешчик реакцияси олдида таслим бўлади. Сун-Ят-Сен Японияга муҳожирликка кетиб, у ерда 1914 й. да Хитой революцион партияси (Чжунхуа гоминдани) ни тузади. Муҳожирликдаги бу партия ўз фаолиятида тўғри йўл топа олмагач, 1921 й.

да ташкил топган Хитой Коммунистик партияси билан бирлашиш йўли билан боши берк кўчадан чиқишга интилди. 1923 й. июнида ХКП III съезди ХКП ташкилий ва ғоявий сиёсий мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда Г. билан бирлашиб, ягона миллий фронт ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. 1924 й. январида Г. I съезди бўлиб, унда ягона миллий фронт ташкил тогани расмийлаштирилди. Г. нинг Марказий Ижроия Комитетига ХКП нинг кўзга кўринган арбоблари ҳам киритилди. 1924—1927 й. да Г. Хитой Коммунистик партияси билан ҳамкорликда антимпериалистик ва миллий-озодлик кураши олиб борди. Чан-Кай-Ши бошчилигидаги ўнг гоминданчи группа Компартия билан алоқани узиш сиёсатини амалга оширди. 1927 й. апрелида армияга қўмондонлик қилган Чан-Кай-Ши империалистик давлатларнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида контрреволюцион ўзгариш қилиб, йирик буржуазия ва помешчиклар диктатурасини ўрнатди. Бу диктатура япон милитаристларига таслим бўлиш сиёсатини олиб борди. Г. АҚШ, Англия, Япония ёрдамида халқ озодлик ҳаракатини бўғишга уринди, революцион базаларга қуролли ҳужумлар уюштирди. Г. Хитойнинг миллий манфаатларига хиёнат қилиб, революцион ҳаракатларни қаттиққўллик билан бостирди, мамлакатда гражданлар урушининг бошланишига йўл очди. Г. 1945—1949 йилларда йирик компрадор буржуазия ва помешчикларнинг миллатга қарши реакция партияси бўлиб, чет эл, биринчи галда АҚШнинг Хитойдаги агентурасидир. 1949 й. да Компартия бошчилигида Халқ озодлик армиясининг зарбалари ва хитой халқ революцияси ғалабаси натижасида Г. диктатураси тугатилди. Г. нинг қолдиқлари Тайвань оролини эгаллаб

олдилар ҳамда АҚШ нинг ҳарбий ва иқтисодий ёрдами билан уни Хитой Халқ Республикасига қарши жосуслик, қўпоровчилик базасига айлан-тирдилар.

**ГОМСТЕДЛАР** (*ингл.*)— ҳовли-жой, томорқа ер; АҚШ, Австралия ва Янги Зеландияда мустамлакачилик мақсади билан кўчиб келувчиларга бепул ёки маълум имтиёз билан бериладиган ҳовли-жой, томорқа.

**ГОНО** (*япон.*)— Японияда феодализмнинг охириги даврида (17-аср ўрталари—19-аср) бой деҳқонлар; 19-аср ўрталарида Г. лар қишлоқда майда савдо, судхўрлик қилиш, ароқ заводлари очиб натижасида бойиб, камбағал деҳқонларга қарашли ерларни қўлга киритдилар. 1867—1868 й. ги вазифасини ўтай олмаган буржуа революциясидан сўнг Г. лар помеш-чиikka айландилар.

**ГОР** — қадимги Мисрда осмон ва қуёш худоси, фиръавн (подшо) лар ҳомийси. Г. ўша замонларда ишланган сурат ва ҳайкалларда, қанотли лочин бошли подшо қиёфасида, кейинроқ қанотли қуёш шаклида тас-вир этилган. Г. ер худоси Осирис билан осмон худоси Исиданинг беш боласидан бири.

**ГОРГОНЛАР** (*грек.*)—грек афсоналарида уч қанотли, ҳайвон қулоқли, тўмтоқ тумшукли, тиржайган тишли, илонни эслатувчи сочли баҳайбат махлуқ қиёфасидаги **мудҳш** алвастилар. Уларнинг кўзи тушганда одамлар тошга айланар эмиш.

**ГОРОДИШЧЕ** — қадимги шаҳар ўрни, кўҳна, атрофи девор ва хандоқ билан ўраб олинган қишлоқ ёки шаҳар. Энг қадимги Г. бронза асрига мансуб, сақланиб қолган кўпгина Г. лар темир асрига мансуб. Дарёлар устига қурилган кичик қишлоқдан то феодал кремли (арки)гача бўлган Г. лар айнқса Шарқий Европада кўп ва хилма-хилдир.

**ГОРОДНИЧИЙ** (*рус.*)— шаҳар бошлиғи, ҳокими. 16-асрдан бошлаб Москва давлатида, кейинроқ Россия империясида маҳаллий маъмурий вакил. 1775—1782 йилларда Г. уезд шаҳарларида маъмурий-полициячилик, ижрочи ҳокимлик вазифасини ўтаган. Г. мансаби 1862 й. да бекор қилинган.

**ГОРОВОЙ ҚАЗАҚЛАР** —15—17-асрларда Русь давлатининг жанубий ва шарқий чегараларидаги истеҳкомларда гарнизон ва чегарачи вазифасини ўтаган казаклар. Г. к. отлиқ бўлиб, ўз қуроллари билан хизмат қилган. Сайлаб қўйилган атаманлари бўлган. 18-аср охирида янги полклар вужудга келгач, Г. к. тугаб кетган, кейинроқ эса Г. к. однодворцевлар (қ.)— бир ҳовдликлар составига кирган.

**ГОРОВОЙ ПРИКАЗ** — шаҳар маҳкамаси; Россияда 16—17-асрларда Ливония уруши (1558—1583) даврида Лифляндия ва Эстляндияда ишғол қилинган шаҳарларни бошқариш учун тузилган. Г. п. шаҳарларни бошқарар, горизонни озиқ-овқат, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, ем-ҳашак ва ҳоказолар билан таъминлар, шаҳар истеҳкомларини қураб, ремонт қиларди. 1580 йиллар бошида Г. п. вазифаси тош иши приказига топширилди.

**ГОРОВОЙ** — миршаб; чор Россиясида 1682 й. да полицияда хизмат қилган қуйи мансабдаги полиция қўрнқчиси.

**ГОРТЕНЗИЙ ҚОНУНИ** (*грек.*)— қадимги Грецияда диктатор Квинт Гортензий томонидан эр. ав. 6-аср—5-аср бошида Гортина шаҳри (Крит ороли) да патрицийлар (қ.) ни табақавий имтиёзлардан маҳрум этиш тўғрисида жорий қилинган қонун. Деярли тўла сақланган қонун тек-стини Италия археологлари 1884 й. да топганлар.

**ГОСИ** (япон.) — қишлоқ самурайи (қ.); 17-аср ва 18-асрнинг ўрталарида Японияда майда ерлик дворянлар, Г. лар князь: ва сегунларнинг (йирик феодал) саройларида яшовчи, ерсиз, хизмати эвазига йирик феодалдан гуруч билан маош олувчи самурайлардан фарқ қилиб, доимо қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганлар. Ўз вазифасини адо эта олмаган буржуа революциясидан (1867—68) сўнг Г. Гоно (қ.) билан бирга «янги помешчиклар» қаторидан жой олганлар.

**ГОСО** — мажбурий арзнома; Японияда деҳқонларнинг феодал ҳокимларга антифеодал ва бошқа талабларни қўйиш усулларидан бири. 18-аср арзномачилар талаблари қондирилмаган тақдирда, судхўрлар ва феодалларнинг уйлари тор-мор этар, қарздорлик ҳужжатларини тугатар эдилар. Феодаллар манфаатини кўзловчи ҳукумат Г. ва унинг раҳбарларига нисбатан шафқатсиз чоралар кўрган.

**ГОСПОДАРЬ** (рум.-молд.) — 14—19-асрларда Дунай (Руминия, Молдавия, Валахия) князликларида (улар ягона давлат қилиб бирлаштирилган) князь унвони.

**ГОСУДАРЬ** (рус.) — подшо, шоҳ, монарх, давлат бошлиғи; чор Россиясида император хонадонига мансуб бўлган кишиларнинг унвоуларига қўшиб айтилган сўз.

**ГОТЛАР** — Г. ларнинг асл ватани Скандинавия бўлиб, кейинчалик улар Балтика денгизи бўйларида яшаган. Янги эрнинг бошларида қўйи Висла атрофидаги ерларда яшаган қадимги герман қабилиси; 3-асрда Г. Шимоллий Қора денгиз бўйларига келиб жойлашганлар, бу жойдаги маҳаллий аҳоли билан аралашиб, уларнинг маданиятини ўзлаштирганлар. Г. ўша ердан Қичик Осиё ва Болқон ярим оролига талончилик

босқинлари қилиб турганлар. Г. весготлар ва остготларга бўлинганлар. 375 й. да гуниллар (қ.) томонидан тор-мор келтирилган остготлар Фарбга (Паннонияга) силжиб борганлар, весготлар Дунайдан ўтиб, Мезияга жойлашганлар.

**ГОФМАРШАЛ** (нем.) — Европанинг бир қанча монархияли давлатларидаги сарой унвони; ўрта асрларнинг охирида Германияда сарой мансаби; 18-аср ва 20-аср бошларида Россияда Г. ва обер-Г. саройнинг хўжалик ишлари билан шуғулланган. Россияда обер-Г. ва унга тобе бўлган Г. подшо саройи таъминоти, байрам ва қабул маросимларини ташкил қилиш ишлари билан шуғулланган.

**ГОФМЕЙСТЕР** (нем.) — ўрта асрларда (13—14-асрлар) Германияда саройнинг юқори мансабдорларидан бири; Россияда (18-аср бошлари — 20-аср) сарой мансабдори — обер-гофмаршал, сарой хўжалиги, қабул маросимларини уюштирувчи. Г. дастлаб герман императорлари ва князларнинг сарой хўжалиги билан шуғулланувчи; сарой маросимларини уюштирувчи раис, кейинроқ сарой судининг ва князь хузуридаги кенгашнинг раиси, бошқариш ишларида князнинг ноиб (обер-Г.).

**ГОЭЛРО ПЛАНИ** — Россияни электрлаштириш Давлат комиссияси (ГОЭЛРО) томонидан тузилган Совет мамлакатини электрлаштириш плани. В. И. Лениннинг ташаббуси билан 1920 й. 21 февралда академик Г. М. Кржижановский раислигида тузилган бу комиссия мамлакатни электрлаштиришнинг перспектив планини ишлаб чиқди. 10—15 йилга мўлжалланган ГОЭЛРО плани 1920 й. 22 декабрда Советларнинг Бутунроссия VIII съездида яқдиллик билан қабул қилинди. В. И. Ленин Г. планини «партиямизнинг иккинчи про-

граммасы» деб атади ва «Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир», деб таъкидлади. ГОЭЛРО планида йирик саноат корхоналари қуриш, мамлакатнинг асосий иқтисодий районларини индустриал ривожлантиришни таъминловчи 30 район электр станциялари, шу жумладан 10 ГЭС, улардан 3 тасини Сибирь ва Туркистонда қуриш кўзда тутилган эди. ГОЭЛРО плани асосан 1931 й. ба- жарилган.

**ГРАНДЛАР** (*исп.*)— Испанияда юқори дунёвий ва руҳоний зодагонлар; Г. унвони авлоддан-авлодга ўтиб келган; испан дворянини; Г. унвони биринчи марта 13-асрда Кастилия короллигида пайдо бўлган. Г. энг йирик феодал сифатида мамлакатда катта лавозимларни эгаллаганлар ва кўп имтиёзлардан фойдаланганлар. 16-асрнинг биринчи ярмида абсолютизм тараққий этган замондан бошлаб Г. королга тобе сарой аъёнига айланган. 1834 йилги конституцияга мувофиқ Г. перлар (юқори) палатасида етакчи бўлиб олганлар. 1931 йилда монархия ағдарилгач. Г. унвони бекор қилинган.

**ГРАФ** (*нем.*)—1 илк ўрта асрларда Ғарбий Европада король амалдори, графликда король вакили, феодал тарқоқлик даврида катта ер-мулкка эга бўлган феодал, кейинчалик дворянлик унвони; франклар давлатида Г. ўз вилоятига (графликка), суд, маъмурий ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган. Дастлаб Г. унвони король мулозимларига берилган. 7-асрдан бошлаб давлатнинг катта ер-мулк эгаларидан баъзиларига Г. унвони берилган; Г. мансаби авлоддан-авлодга ўтадиган бўлган. Россияда Г. унвони Пётр I томонидан жорий этилган ва шарафли дворянлик унвони ҳисобланган. Г. унвони князь билан барон орасидаги унвон бўлган.

Франция ва Италия аслзодалари ўртасида ғайри расмий равишда ҳозиргача ҳам давом этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда Г. унвони 1917 йилда тугатилди; 2 Г. унвонига эга бўлган киши.

**ГРАФИНЯ** — граф аёл, граф қизи.

**ГРАФЛИК** — феодализмнинг энг дастлабки вақтларида франклар давлатида ва Англияда суд-маъмурий округ. Г. тепасида граф турган. Феодализм ривожланган замонда Г. давлат ҳокимиятига бўйсунмовчи, авлоддан-авлодга ўтувчи феодал мулкка айланиб қолган. Ягона миллий давлатлар вужудга келгач, Г. ўз аҳамиятини йўқотган. Айрим капиталистик мамлакатларда Г. йирик маъмурий территориал бўлинмалар сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда. АҚШнинг 47 штатида, Буюк Британияда—62 та, Қанаданинг 5 провинциясида, Австралия Иттифоқининг 4 штатида ва Янги Зеландияда Г. бор.

**ГРУППАЛИ НИКОҲ** — никоҳнинг қадимги шаклларида бири бўлиб, унда бир фратрия (қ.), яъни бир неча уруғдан ташкил топган қабила кичик қисмининг эркакларидан ҳаммаси ўзлари каби бошқа группанинг ҳамма хотинлари билан никоҳли муносабатда бўлиши мумкин бўлган. Г. н. бора-бора жуфт никоҳ билан алмашган.

**ГУБЕРНЯ** (*лат.*)—18-асрда Россияда ҳокими мутлақлик вужудга келиши жараёнида Пётр I томонидан амалга оширилган давлат реформалари натижасида юзага келган энг юқори маъмурий бўлиниш. Г. уездларга бўлинган. Айрим Г. лар генерал-губернаторлик бўлиб бирлашганлар. 1917 й. да 78 губерня бўлган, ундан 25 таси Польша, Финляндия ва Балтика бўйи давлатларига ўтиб кетган. Октябрь революциясидан сўнг

1917—23 й. да 26 янги Г. тузилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам Г. мавжуд эди. Мамлакатнинг Г. ларга бўлиниши 1923—30 й. ларгача сақланиб, кейин у область ва ўлка, округ номлари билан алмаштирилди.

**ГУБЕРНАТОР** (лат.)— ҳоким; 1 чор Россияси губерняларида олий мартабали шахс; Г. мансаби 1708 йилда Пётр I замонида жорий этилган. Г. губерняда ички ишлар министрлигининг органи ва полиция вазифасини ўтаган, барча муассаса ва мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилган, вазифаларга тайинлаган ва бўшатган; 2 АҚШ, Буюк Британия, Франция, Дания, Аргентина ва бошқа буржуа федерацияларида Г. федерация аъзоларининг бошлиғи, у сайланиб қўйилади ёки марказий ҳукумат томонидан тайинланади; Г. расмий жиҳатдан штат (провинция) да ижро этувчи ҳокимиятининг агенти ҳисобланади; 3 АҚШ ва Англия каби мамлакатларнинг илгариги мустамлакаларида Г. марказий ҳукумат томонидан тайинланган ва фақат унинг олдидан ҳисоб берган ҳоким; мустамлака ҳокими; 4 Туркия ва Япония каби буржуа давлатларида Г. губерня ёки профектура маъмурий-территориал бирлигининг бошлиғи; 5 Бразилия, Мексика, Бельгия, Испания ва бошқа капиталистик мамлакатларда йирик маъмурий-территориал birlik (вилоят, департамент) ва юқори мансабли давлат ароби.

**ГУГЕНОТЛАР** (фр.)—16—18-асрларда Францияда кальвинизм (қ.) тарафдорлари; Г. 18-асрнинг охиригача католик черкови ва король ҳокимияти томонидан қаттиқ таъқиб қилинган (Варфоломей кечасига қаралсин).

**ГУЗАЛ ЕЛЕНА** — грек афсоналарида Зевс ва Ледининг қизи, Спар-

та подшоши Менелайнинг рафиқаси, гўзал ва мислсиз сарвқомат. Ривоятга кўра, афсонавий қаҳрамон Париснинг Г. Е. ни ўғирлаганлиги Троя урушининг бошланишига сабаб бўлган.

**ГУНГА** (мўғ.)— ўтмишда мўғул қўшинида тез йиғилиш ёки чекиниш ни ҳабар қилиш учун уриладиган тўраги жез қалқон, бонг.

**ГУННЛАР**— хунлар; Марказий Осиёнинг кўчманчи қабилалари бўлиб, эр. ав. 3—2-асрларда ўз ҳарбий қабил аиттифоқларини тузганлар, кейинроқ Орол денгизи районидан ўз подшоликларини ташкил этганлар. Эрамининг 1—5-асрларидан бошлаб Г. Шарқий Европа ва Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларига ҳарбий юришлар уюштирганлар. 451-йилда Шарқий Галияда Каталаун майдонларидаги жангларда Атилла бошчилигидаги Г. қақшатқич зарбага учраган, кўп ўтмай (453 й.) Г. ҳарбий иттифоқи тугаган ва Г. турли областларга тарқалиб кетган (Паннония, Дакия, Урта Осиё, Эрон ва бошқалар); шаҳарларни, қишлоқларни вайрон этувчи, аҳолини қирувчи, моддий-маданий бойликларни барбод қилувчилар ҳам Г. номи билан аталган.

**ГУРЗИ** (форс.)— қадимги уруш қуролидан бири — зўр тўқмоқ, чўқмор.

«**ГУРУЧ ҒАЛАЕНЛАРИ**»—1918 й. август-сентябрь ойларида Япониядаги оммавий-революцион ҳаракатлар. Биринчи жаҳон империалистик уруши (1914—1918) даврида япон монополияларининг даромади ошиб боргани ҳолда япон халқ оммасининг аҳволи янада ёмонлашди. Гуруч нархларининг ҳаддан ташқари оша бориши «Г. ғ.»нинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. «Г. ғ.» да қатнашганлар сони 10 млн. кишига етди. Ғалаёнчилар гуруч омборларини қўли-

га киритар, полиция участкаларини ёндирардилар, айрим корхоналарда иш ташлаганлар.

**ГУРХОН** (*турк.-мўғул.*) — қабила-лар бирлашмаси; Ўрта Осиёнинг ай-рим кўчманчи халқларида илк фео-дализм даврида тенг ҳуқуқли қаби-лалар иттифоқини бошқарган хон ун-вони, Г. ихтиёрий суратда бирлашган қора хитгойларда қабила иттифоқи-нинг раҳбари.

**ГУСАР** (*венгер.*) — енгил қурол-ланган отлик аскар; махсус ҳарбий бўлинма. Дастлаб 1458 й. Венгрияда дворян отлик лашкарларидан тузил-ган. Кейинчалик Г. эскадрон ва полк-лари кўпгина Европа давлатларининг армияларида пайдо бўлган. Г. лав венгерча форма кийган енгил кавалерия (суворий) аскар ва офи-церлар. Г. Россияда 1650 й. да жо-рий этилиб, 1917 йилгача давом этган.

**ГУСЧИЛАР** — 1415 й. да чех халқининг ўтда ёндирилган буюк ре-форматори ва Чехиянинг мустақилли-ги учун курашчи Ян Гус издошлари. Г. католик черковига, феодал зулми ва немис зўравонлигига қарши ку-раш олиб борганлар. Г. феодал-кре-постнойлик тузумини революцион йўл билан тугатишга уришиб кўрдилар. Г. ҳаракати мағлубиятга учраган бўлса ҳам, католик черковига зарба берди, деҳқонлар крепостнойлик асоратига тушиб қолишдан иккинчи марта қу-тулиб қолдилар. Г. ҳаракати Евро-пада реформация (*қ.*) га асос солди.

**ГУФА** (*нем.*) — 1 ўрта асрлар Германиясида деҳқонларнинг чек ери, ҳовлиси; 2 герман ер ўлчови — 30 акрга тенг.

## Д

**ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ** — АҚШ да ташқи ишлар министрлиги-нинг расмий номи. 1789 й. да конг-

ресс (*қ.*) қарори билан тузилган дав-лат секретари бошқарадиган ташқи ишлар муассасаси.

Департаментлар ичида Д. д. би-ринчи ўринда туради. Д. д. нинг бошлиғи давлат секретари президент ва вице-президентдан кейинги ман-сабдор шахс ҳисобланади. Давлат секретарининг беш ўринбосари бўла-ди, улардан иккитаси ташқи иқти-содий сиёсат масалалари билан шу-ғулланувчи департаментни идора этади, унинг ташқи миссияларини на-зорат қилади, яна иккитаси ахборот ёки пропаганда ишларини олиб бо-ради ва Д. п. билан конгресс (*қ.*) ўртасидаги алоқа ишлари билан шу-ғулланади ва ҳоказо.

**ДАВЛАТ ДЕҲҚОНЛАРИ** — 18—19-асрларда Россияда деҳқонларнинг давлат ерида ишловчи, натура ёки пул билан солиқ тўлаб турувчи ало-ҳида табақаси. 1866 йилги қонунга кўра, Д. д. умумий қишлоқ бошқар-масига бўйсундирилиб, «якка хўжа-лик деҳқон» деб аталадиган бўл-ган.

**ДАВЛАТ ДУМАСИ** — Россия са-модержавияси томонидан 1905—1907 йиллар революцияси тазйиқи остида (1905 й. 17 октябрь манифести асо-сида) чоризмнинг сиёсий ҳокимиятни тамомила ўз қўлида сақлаб қолгани ҳолда, буржуазия билан иттифоқ тузиш ва мамлакатни буржуа монар-хияси йўлига солиб юбориш учун ташкил этилган, чекланган ҳуқуқли вакиллик, қонун чиқарувчи муассаса-си, Д. д. (1906—1907 й.) га сайлов кўп поғонали бўлиб, тенг ҳуқуқли бўлма-ган тўрт курия (ер эгалари, шаҳар-ликлар, деҳқонлар, ишчилар курия-лари) бўйича ўтказилган. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи сайлов ҳу-қуқидан маҳрум қилинган. Д. д. 1907 й. 3 июнь қонуни асосида чақи-рилиб, бунда помещчик ва йирик буржуазия вакиллари кўпайтирилга-

ни ҳолда, ишчи ва деҳқон, майда миллатлар вакилларининг сони янада камайтирилди. Бу Д. д. подшо ҳукумати қўлида итоткор восита бўлиб хизмат қилди. Октябрислар (қ.), кадетлар (қ.) Д. д. дан революцияга қарши курашиш ва подшо самодержавиясининг мустаҳкамлаш учун фойдаландилар. Либерал буржуазия Д. д. га суяниб, подшо ҳукуматиининг сиёсий ён беришига эришмоқчи бўлди. Д. д. подшонинг 1917 йил 26 февралдаги фармони билан тарқатилди. 1917 йил 27 февралда думада ташкил этилган контрреволюцион Муваққат ҳукуматнинг (кейинроқ у вақтли ҳукуматга айлантирилди) монархияни сақлаб қолиш йўлидаги уриниши кутилган натижани бермади. Д. д. расман 1917 й. 19 октябрда тарқатилди. Д. д. Улуғ Октябр социалистик революциясидан сўнг ХКС нинг 1917 й. 18 (31) декабрь қарори билан узил-кесил тугатилди.

**ДАВЛАТ КАПИТАЛИЗМИ** — мамлакат иқтисодий тараққиётини тезлаштиришга қаратилган давлат тадбирлари комплекси. Бунда, аввало, давлатнинг ўзи давлат капиталистик мулк (давлат корхоналари, алоқа воситалари, давлат банклари, ерлари ва ҳ. к.) ни эксплуатация қилиш ёки ижарага бериш йўли билан даромад (фойда, ер ренгаси) олади. Буржуа жамиятида Д. к. капиталистик хўжалик билан давлат ўртасидаги муносабатлар системаси бўлиб, бунда буржуазия давлат аппаратини ўзига бўйсундиради, ундан бойиш ва ўз ҳукмронлигини кучайтириш учун фойдаланади. Пролетариат диктатураси шароитида Д. к. ўттиш даври экономикасида вақтинча йўл қўйиладиган ва пролетар давлатининг бевосита назорати остида бўлган тамомила ўзгача мазмун касб этган хўжалик элементи. СССР да Д. к.

вақтли ҳодиса бўлиб, унинг капитализм давридаги Д. к. га ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ ва у халқ хўжалигида кичик ўрин эгаллайди. Социалистик экономика қурилиши билан барча капиталистик элементлар, шу жумладан Д. к. ҳам тугатилди. Бошқа социалистик мамлакатларда ҳам СССР нинг ёрдами туфайли социалистик қурилишнинг кенг авж олдирилиши натижасида Д. к. тугатилди.

**ДАВЛАТ КЕНГАШИ** (Госссовет)— Россияда 1806—1810 й. да олий давлат органларидан бири. 1 1810 йилдан олий қонун чиқарадиган кенгаш органи, 1906—1917 й. да эса расман олий қонун чиқарувчи орган. Д. к. аъзоларининг ярми сайланган, бошқа ярми эса подшо томонидан олий бюрократия мансабдорлари, ҳарбий арбоблар, энг йирик помешчиклар ва буржуалардан иборат кишилардан тайинланган. Подшонинг ўзи кенгаш раиси бўлган. Д. к. да қонун лойиҳалари, давлатнинг йиллик даромад ва харажат сметалари, уруш ва сулҳ масалалари муҳокама қилинган. Кенгаш қабул қилган қарорни подшо тасдиқлаши лозим эди.

Д. к. Давлат думасига нисбатан юқори палата ҳисобланган ва Дума томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаларидан кўпининг, қанчалик мўътадил ва чекланган, чўлтоқ бўлишига қарамай, қабул этилишига тўсқинлик қиларди. Д. к. 1917 й. 6 октябрда расмий равишда тугатилган; 2 Франция, Белгия, Нидерландия, Люксембург, Тунис ва Эквадордаги марказий давлат идораларининг номи; 3 Швеция, Норвегия, Финляндия ва ХХР ҳукуматларининг расмий номи; 4 Польша, ГДР, Руминия давлат ҳокимиятининг олий коллегиял органи.

**ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ** — Европа ва Американинг бир қанча дав-



латларида олий давлат амалдорининг мансаби, жумладан, АҚШ да давлат департаментининг бошлиғи — ташқи ишлар министри, Буюк Британияда — айрим бошқармалар (ички ишлар, мудофаа) нинг бошлиғи, Бельгияда — амалда Бош министр ўринбосари, Россияда — Давлат концеляриясининг бошлиғи, Давлат советида иш юритувчи орган.

**«ДАВЛАТ СОЦИАЛИЗМИ»** — социализмга «демократик» йўл билан революциясиз, ҳўжаликда буржуа давлати ҳукмрон бўлган ҳолда ўтиш мумкин деб даъво қилувчи буржуа реформистик ва оппортунистик назария. «Д. с.» тарғиботчилари Л. Блан, Родбертус, Ягенцов, Лассаль ишчилар синфини капитализмга қарши революцион кураш олиб боришдан чалғитишга уринадилар.

**ДАВЛАТ** (а.) — синфий жамиятда асосий ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг умумий манфаатларини таъминловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот, бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиш органи. Д. ҳукмрон синфнинг сиёсий муассасаси, синфий жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг асосий қуроли. Капиталистик Д. буржуазия томонидан ўз халқини эзиш, бошқа халқларни талаш ва бўғиш машинасидир. Ҳукмрон синфлар ўз ихтиёрида бўлган армия, имтиёзли мансабдорлар, суд, прокуратура органлари, қамоқхона, полиция, разведка ва бошқа шу кабилар билан ўз сиёсатларини амалга оширади. Октябрь социалистик революцияси натижасида вужудга келган социалистик Д. кенг меҳнаткашлар оммасининг чинакам озодлиги ва эркинлигини таъминловчи энг демократик давлатдир.

**«ДАВОМЛИ ПАРЛАМЕНТ»** — мажлиси узоққа чўзилган парламент — Англия короли Карл I Стю-

арт томонидан қақирилган парламент муттасил 12 йил (1640—1652 йй.) мажлис қилиб турган. Бу парламент шу вақтда бошланган инглиз буржуа революциясининг қонун чиқарувчи органига айланган эди.

**ДАЛАЙ-ЛАМА** (мўғ.) — далай — донишманд, лама — дин пешвоси; 16-асрдан бошлаб Тибетда энг олий руҳонийга берилган унвон; ламалар черковининг олий бошлиғи; бу унвонни 1578 йили мўғул хони Олтинхон Тибетдаги Галуг-ба сектасининг 3-бошлиғи Соднам Жамцо (1543—1588) га мўғуллар орасида буддизмни тарқатганлиги учун берган.

16-асрдан бошлаб ламалар черковининг олий бошлиғи, 17-асрдан бошлаб Тибетнинг теократик (қ.) ҳокими. 1959 й. да Тибетда Хитойга қарши уюштирилган қуролли қўзғолондан сўнг Д. л. Ҳиндистонга кетган.

**ДАНАЙЛАР** (грек.) — грек афсокаларига кўра, Аргос подшоси Данайнинг 50 та қизи. Улар отасининг сўзига кириб, никоҳ куни кечаси эрларини ўлдирганликлари учун ер ости подшолигида худодлар бу қизларни тагсиз бочкаларни сув билан тўлдиришга маҳкум қилган эмиш. Қизлардан бири эрини ўлдирмаган аргос сулоласини бошлаб берган.

**ДАНЬ** — ўлпон, ҳирож; урушда ғолибларнинг мағлубиятга учраган қабила ёки давлатдан мажбурий равишда натура ёки пул билан ундириб оладиган солиғи; **баъзан бостириб** келаётган душман қўшинидан жабржафо кўрмаслик, уруш олдини олиш учун ҳам Д. тўланган. Д. Русда IX асрдан маълум. Илк феодализм даврида қабила бошлиқлари ва князлар томонидан дружинани сақлаш учун аҳолидан йнғилган. Д. турли шаклда 18-асрнинг бошигача, Пётр I томонидан жон солиғи жорий этилгунча

давом этиб, кейин ўз аҳамиятини йўқотган.

**ДАОСИЗМ, ТАОИЗМ** (*хит.*) — дао — қонун, принцип. 1 қадимги Хитойда (эр. ав. 5—6-асрларда) вужудга келган фалсафий система; Д. кишилар устидан ҳукмронлик қилишга ва уларни хўрлашга қарши чиқади. Бу таълимотга кўра, халқ ҳаётидаги барча бахтсизликларга қонунларнинг ҳукмронлар томонидан бузилиши сабаб бўлади. 2 Хитойда кенг тарқалган уч диндан (конфуционлик (қ.), буддизм (қ.) билан бир қаторда) бири; Д. 1—3-асрларда вужудга келган; Д. урф-одатлари анимизм (қ.) га сажда қилишга ва сеҳргарликларга ишонишга асосланган. Ман-журлар сулоласи Цин ҳукмронлиги даврида (1644—1911) Д. диний таълимоти инқирозга учради, эндиликда бу динга эттиқод қилувчилар озчиликни ташкил этади.

**ДАРАКЧИ** — разведкачи; қадимги Шарқ мамлакатларида савдогар, қаландар, туякаш қиёфасида бошқа мамлакатларга бориб, уларнинг ҳарбий қудрати, урушга тайёргарлиги, сиёсий муҳожирлари ҳақида ўз ҳукуматига маълумот йиғиб келувчи айғоқчи.

**ДАРБОН** (*форс-тож.*) — дарвозабон, эшик пойловчи, «тўпчи боши-и Арки олий» ҳам деб аталган, Бухоро амири сарой хизматчиси; Б. пойтахт ҳавфсизлигини таъминлаган.

Зиндон, соқчи отрядлар, амир ҳокимияти учун хавфли шахсларни тергаш ишлари ҳам Д. ихтиёрида бўлган. Қушбеги (қ.) билан Д. ҳар қандай ҳолда ҳам Аркни тарк этмасликлари шарт эди.

**ДАРБОР** — ҳукмдорнинг саройи, ўрдаси, қароргоҳи, Дарбор аҳли — сарой мулозимлари.

**ДАРВИШ** (*форс.*) — 1 камбағал, сўфи, қаландар, фақир, зоҳид; тасаввув-сўфизм маслақларидан бирига

мансуб киши, меҳнат қилмасдан дарбадарлик, гадолик ва ҳайр-эҳсон йиғиш билан кун кечириб юрвчи текинхўр кишилар. Д. ҳаёт лаззатлари ва машаққатларидан воз кечиб, тарки дунё қилган кимса. Д. лик таълимотининг асосини энкр тушиш орқали худо билан «яқинлашиш» ва ҳатто у билан «қўшилиб кетиш» мумкин, деган реакцион ғоя ташкил қилади. Д. шайх-муршид бошчилигида завия, хонақоҳ, қаландархоналарда яшовчиларга бўлинадилар. Октябрь революциясидан сўнг Ўрта Осиёда Д. лик тугатилган; 2 Эрон ва арабларнинг айрим машҳур шоирлари кўпинча дарвишликни, яъни фақирлик йўлини, дунёдан кечиб, худо йўлини тутганлар; уларнинг шоғирдлари — муридлари бўлган; уларнинг исмига кўпинча мавлоно сўзи қўшиб айтилади.

### ДАРВИШЛАР ЖАМОАЛАРИ —

1 дарвишлар уюшмаси ёки биродарлиги; Д. ж. нинг ўз низомлари, руҳонийлар иерархияси, турар жойлари — завия, хонақоҳлари, пирлари ва азиз-ҳомийлари бўлади. Д. ж. нинг идеологик асослари сўфизм (қ.) дир. Дарвиш шу тариқат «қариялари» дан бирига, яъни мураббийсига, муршиди ёки шайх (у ҳам пир, эшон, устоз) га итоаткор мурид бўлиши лозим. Айрим Д. ж. да аёллар учун ҳам турар жойлар бўлади. Д. ж. орасида энг машҳурлари Нақшбандия (қ.) ёки нақшбандийлик, Яссавия (қ.) ёки яссавийлик, Кубравия (қ.) ёки кубравийлик, Бектошия (қ.) ёки бектошийлик, Қадария (қ.) ёки қадарийлик дир. Д. ж. да ўзаро, шунингдек, руҳонийлар ўртасида диндорларга таъсир кўрсатиш масаласида кураш борган. Д. ж. ўз ижтимоий таркиби жиҳатдан хилма-хилдир; фақирлар билан бир қаторда бадавлат кишилар ҳам дарвиш бўлиши мумкин эди. 2 Ҳокимият тепасида турувчи дар-

вишлар (Ливияда корол — суннийлар жамоасининг бошлиғи). Д. ж. йирик хусусий мулкка, шу жумладан ер-сувга ҳам эга бўладилар, айрим шайхлар йирик феодаллар бўлиб, сиёсий ҳаётда катта роль ўйнаганлар. Туркияда Д. ж. билан феодал монархия тузуми ўртасида муносабат жуда яқин эди. Халифалик ва султонлик тугатилиб, мамлакатни идора қилишнинг республика усули ўрнатилгандан сўнг, 1925 й. да Д. ж. тарқатиб юборилиб, турар жойлари ва ибодатхоналари ёпилган. Д. ж. нинг айрим сарқитлари СССР да Чечен-Ингушияда муридлар биродарлиги шаклида, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда тарқоқ диндорлар жамоаси шаклида революциядан сўнг ҳам бирмунча вақт давом этган.

**ДАРХОНЛАР** (мўғ.) — мўғул қабилалари орасида 12—13-асрларда вужудга келиб, Чингизхон замонидан имтиёзли табақага айланган, мўғул феодал жамиятида муҳим ўрин эгаллаган, кейинчалик аҳамияти камай борган кишилар. Д. унвони Чингизхон ва унинг ворислари томонидан ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, феодалларга алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга ҳам берилган. Д. лар ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланганлар.

**ДАРХОН** — феодализм даврида солиқ тўлаш ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган имтиёзли, дахлсиз қабила, уруғ, зот ёки мансабдор.

**ДАРУҒА** (мўғ.) — 1 ўрта асрларда Шарқдаги айрим мамлакатларда — Олтин Ўрда, Ўрта Осиё ва Эронда вилоят, ўлка, шаҳар ҳокимларининг номи; шаҳарларда тартиб сақловчи маъмур, солиқ йиғувчи ва ҳарбий маъмур. 2 Ўзбек хонликларида ва Шарқнинг айрим мамлакатларида ха-

зина фойдасига мажбурият ундирувчи бошлиқ, ноиб.

**ДОРУҒОНА** — Олтин Ўрда, Эрон ва Ўзбек хонликларида мансабдор-доруғолар фойдасига йиғиб олинган солиқ.

**ДАРҒАЧА** (мўғ.) — мўғулларда чорва хўжалигини идора қилувчи бошлиқ.

**ДАСТУРХОНЧИ, ШАРБАТ-ДОР** — Шарқнинг айрим мамлакатлари ва Ўзбек хонликларида сарой хизматчиларидан бири, хон, амир ва беклар саройида сарой аҳлларига бериладиган таомларни тайёрлаш ва меҳмон кутиш билан шуғулланган мансабдор.

**ДАУЭС ПЛАНИ** — Германияни репарация (қ.) қилиш ҳақидаги план. Америка банкири Ч. Дауэс раҳбарлигида халқаро экспертлар комитети томонидан Германия учун тузилган ва биринчи жаҳон урушида (1914—1918) ғолиб чиққан давлатларнинг Лондон конференцияси (1924 й. 16 август) да тасдиқланган репарация плани. Д. п. Германиядан репарация (товон) ундиришдан кўра Германиянинг ҳарбий саноати қудратини тиклашга қаратилган эди. Д. П. га мувофиқ, АҚШ ва Англия Германияга 800 млн. олтин марка қарз ҳамда оғир саноатни тиклаш ва ривожлантириш учун 21 млрд. марка қарз берган. Д. п. да империалистларнинг Германия милитаризмини (қ.) тиклаш ва унинг ёрдами билан Совет Иттифоқини йўқотиш, Германия экономикасини Америка-Англия монополияларига бўйсундириш плани кўзда тутилган. Д. п. Европада империалистик зиддиятларни тугатмади, балки, аксинча, чуқурлаштирди. Д. п. герман саноат молларини Советлар мамлакатига чиқариш йўли билан СССР нинг индустриалаштириш планини барбод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Совет ҳукумати

Д. п. нинг Совет Иттифоқига қарши характерини фош этди. Д. п. гитлерчиларнинг ҳокимият тепасига келиши ва агрессия тайёрлашига замин ҳозирлади. 1929 й. да Д. п. Юнг плани (қ.) билан алмаштирилди.

**ДАФТАРДОР** — котиб; 1 ўтмишда ўзбек хонликларида маҳкамаларга келган ва ундан чиқадиган ҳужжатларни расмийлаштирувчи ходим; 2 давлатнинг қирим-чиқимлари ҳисобини олиб борувчи лавозимли шахс.

**ДАҲА** (форс.) — 1 19-асрда Ўрта Осиё ва Эронда катта шаҳарларда маҳаллаларни бирлаштирган маъмурий бирлик, Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингач, қишлоқ жойларда Д. ўрнига волость (бўлис) таъсис этилган бўлса ҳам, у шаҳарларда сақланиб қолади, яъни шаҳарнинг бир қисми ёки райони. Д. тепасида сайлаб қўйилган оқсоқол — бошлиқ туради. Қадим вақтлардан Тошкент районларга бўлинишигача (1926 й.) шаҳарда Себзор, Кўкча, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур деб аталувчи тўрт даха мавжуд бўлган эди; 2 ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эронда, кейинроқ Бухоро хонлиги қўшинида дахбоши (ўн боши) бошчилигида ўнта пиёда жангчидан ташкил топган ҳарбий қисм.

**ДАХМА** — мақбара, қабр, гўр, сағана, мавзолей, ер ости ёки ер усти сағанаси, қабр устига қўйилган ёдгорлик; улар баъзан қимматбаҳо ва мустаҳкам тошлардан ишланиб, нафис ва гўзал нақшлар билан безатилган.

**ДАХСАР** — оғирлик ўлчови, тахминан ботмон (қ.) нинг ¼ қисмига тенг.

**ДАХЯК** (форс.) — ўндан бир; Бухоро амирлигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадраса талабаларига бериладиган қисми.

**ДАЦАН** (мўғ.) — монастырь, ибодатхона; бурят, қалмоқ ва бошқа халқларда будда ибодатхонаси.

**ДАШНАКЦЮТОН** (арм.) — ит-

тифоқ; дашноқлар; 19-асрнинг 90-йилларида Закавказье ва Туркияда ташкил топган арман контрреволюцион буржуа-миллатчилик партияси. Д. арман халқининг бирлашиш йўлидаги миллий интилишини ҳисобга олиб, Арманистоннинг Туркиядаги қисмини Турк султонлиги ҳукмронлигидан «озод қилиш» ва «Буюк Арманистон» барпо қилиш шиори ниқоби остида иш олиб борган, лекин аслида Франция, Англия, Америка, Туркия ва бошқа давлатларнинг империалистларига сотилган, бу тўда халққа қарши авантюристлик сиёсат юргизган. Биринчи рус революцияси йилларида (1905—1907) Д. арман буржуазиясининг манфаатларини кўзлаб, халқ оммасининг диққатини революциядан четга тортиш учун аҳоли орасида миллий низо-адоватни кучайтирди. Чор полициясининг кўрсатмасига биноан, Д. Боку, Елизаветополь ва бошқа жойларда арман-татар қирғинларини уюштирди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Д. Антанта империалистлари манфаатларини кўзлаб иш олиб борди. 1917 й. февраль революциясидан сўнг дашноқлар тамоман Муваққат ҳукумат томонига ўтиб, эзилган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатларини бўғиш сиёсатини олиб бордилар. Д. Октябрь революциясига қарши курашиш мақсадида меньшевик ва мусовотчилар билан иттифоқ туздилар, эсер ва меньшевиклар иштирокида 26 Боку комиссарларини ваҳшиёна ўлдирдилар. Д. Германия, Туркия босқинчилари ёрдамида 1918—1920 йилларда буржуа-миллатчилик контрреволюцион ҳукуматини бошқарди. 1920 й. ноябрь охирида большевиклар партияси раҳбарлиги остида арман меҳнаткашларининг каҳрамонона кураши ва Қизил Армиянинг мадади натижасида Д. ҳукумати ағдарилиб, Арманистонда Совет ҳокимияти тикланди.

Ҳозирги кунгача АҚШ, Франция, Миср, Греция, Эрон ва бошқа мамлакатларда Д. ташкилотлари бор. Улар Советларга қарши агитация олиб бормоқдалар.

#### **ДАШТИ ҚИПЧОҚ** (*форс-турк.*)—

Қипчоқ дашти; Сирдарёнинг қуйи оқими ва Тянь-Шань тизмаларининг ғарбий қисмидан Дунай дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ерлар; 11—16-асрларда бу ерлардаги аҳоли номи билан Д. қ. деб аталган. Бу ерлар Шарқий Д. қ. ва Ғарбий Д. қ. га бўлинган. Урал ва Ёйиқ дарёси икки ўртада чегара бўлган. Кейинроқ Шарқий Д. қ. Олтин Ўрда таркибига кирган. Ғарбий Д. қ. рус манбаларида «Половецлар дашти», ғарбда «куманлар» ери деб аталган. 16—18-асрларда Д. қ. Шарқий қипчоқ номи билан юритилган ва ҳозирги Қозоғистон ерларини ўз ичига олган. Венгриядаги «Улуғ Кумания» ва «Кичик Кумания» областларида татар-мўғул истилоси даврида қочиб келиб, туриб қолган қипчоқлар яшайдилар. Д. қ. ни 13-асрнинг 20-йилларида мўғуллар босиб олган. 1238 й. да Д. қ. ни Ботухон эгаллади ва бу территорияда Жужи улуси номи билан Олтин Ўрда (қ.) давлати ташкил топди. Д. қ. нинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё бўйларида деҳқончилик, шаҳарларда хунармайдчилик билан шуғулланган.

**ДВОРОВЫЕ ЛЮДИ** (*рус.*)—17-аср охиридан крепостной ҳуқуқ бекор қилингунга қадар бўлган (1861) крепостной деҳқонлар категорияларидан бири. Улар ердан маҳрум қилинган деҳқонлар бўлиб, асосий кўпчилиги феодалларнинг ҳовли-қўрғонларида яшовчи деярли қул аҳволига тушиб қолган кишилар бўлган. Уларни сотиш ва алмаштириш кенг тус олган. 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб помешчиклар бу деҳқонлар-

нинг кўпчилигини мануфактура ва заводларда ишлашга мажбур этганлар. 1861 й. да крепостной ҳуқуқ бекор қилинган вақтда бу тоифа деҳқонлар ер билан озод бўлиш ҳуқуқидан фойдалана олмаганлар.

**ДВОРЕЦКИЙ** (*рус.*)—эшик оғаси, бош хизматкор, иш боши; 1 15—17-асрларда Русь давлатида сарой бошқармасининг бошлиғи; 17-асрдан бошлаб сарой унвони; 2 Россияда 18-асрдан 20-аср бошларигача дворянлар хўжалигини бошқарувчи ва шаҳардаги ҳовли-саройлар бошқарувчиси; 3 йирик бойлар саройида уй хўжалиги ва хизматкорларнинг ишбоши.

**ДВОРИШЧЁ** (*рус.*)—1 қадимги Русда ер эгаси—феодалнинг ҳовлиси; унда хоналар бўлиб, уларнинг асосий қисмини катта печка эгаллаган бўлади (шундан Д. нинг синоними тариқасида печище, огнище сўзлари келиб чиққан); 2 коллектив бўлиб ер эгаллашнинг қадимги шакли ва қариндош-уруғлар яшайдиган қишлоқ; Д. қадимги Русда 12-асрга оид, Белоруссияда эса 16-асрга оид тарихий ҳужжатларда учрайди. Д. нинг аъзолари ҳаммага қарашли бўлган асбоб-ускуналар билан биргаликда ишлаганлар, ҳосил ўртада бўлиниб олинган. Бора-бора Д. уруғчилик ҳуссиятини йўқотиб, қўшничилик жамоасига айлана борган.

**ДВОРСКИЕ** (*рус.*)—қадимги Русда 15-асргача князь хўжалигини бошқарувчилар. Улар князга қарашли сарой ерлари бўлган шаҳар ва уезд марказларида ҳаёт кечирганлар. 15-асрнинг охири—16-аср бошларида феодал тарқоқлик барҳам топиб, об-ласть дворскийлари вужудга келгач (Новгород, Тверь, Нижний Новгород дворскийлари), дворские томонидан бошқарилган маҳкамалар.

**ДВОРЯНИН** (*рус.*)—двор—сарой сўзидан келиб чиққан; дворян,

оқсуяк, зодагон; дворянлар табақасига мансуб киши.

**ДВОРЯНЛАР** — феодализм даврида ҳукмрон феодал синфининг имтиёзли юқори табақаси. Д. ерга ва унда яшаган деҳқонларга эгалик қилади. Д. ларнинг ўз даражаларига кўра турли унвоплари бўлади. Масалан; Англияда — герцог, маркиз, граф, викоит, барон; Германияда — герцог, князь, граф ва бошқалар. Ғарбий Европада абсолют монархия вужудга келган 14—15-асрларда Д. лар алоҳида табақа кўринишида ажраб чиқади. Д. лар солиқ тўламаслик, ер ва деҳқонга эга бўлиш, давлат ва қўшинни бошқариш ва бошқа турли имтиёзларга эга бўладилар. Феодализм инкирозга учраб, капитализмга ўтиш даврида Д. нинг тақдири турлича ҳал бўлади. Айрим мамлакатларда буржуа революцияси натижасида Д. имтиёзларидан маҳрум бўлиб, аста-секин йўқолиб кетади (Францияда), бошқа мамлакатларда ўз хўжалигини капиталистик асосда қайта қуриши натижасида буржуазия қатори ҳукмрон синфга айланади (Англия, Пруссия, Польша ва бошқалар).

Россияда Д. 12-асрдаёқ князь саройида ҳарбий хизматчи кўринишида намоён бўлади. 1497 йилда қабул қилинган «Судебник» Д. ни феодал синфининг янги ҳукмрон синфи табақаси шаклида қонунлаштиради. Марказлашган давлат ҳокимияти мустақамллана борган сари Д. нинг мавқеи ортади.

Пётр I вафотидан сўнг бошланган давр сарой ўзгаришлари даври деб аталиб (1725—1762), давлат ҳокимияти заифлашган шароитда дворянларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари айниқса кенгайди. 1762 йилги «Дворянларнинг эркинлиги ҳақида»ги манифестда Д. лар давлатга мажбуран хизмат қилиб беришдан озод этилади-

лар. Д. лар нинг имтиёзлари 1785 й. да эълон қилинган «Дворянлар имтиёзи ҳақидаги ҳужжат»да қайд этилади. Д. лар крепостной тузуми, реакцияон сиёсатнинг таянчи бўлган.

**ДВОРЯНЛАРГА ИНЪОМ ЕРЛИГИ** (Жалованная грамота дворянству) — Емельян Пугачёв бошчилигидаги деҳқонлар уруши бостирилгач, дворян-крепостниклар диктатурасини мустақамллаш мақсадида Екатерина II ҳукумати томонидан чиқарилган қонун, дворянлар имтиёзлари мажмуаси. Д. и. ё. да дворянларнинг аҳоли яшайдиган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқлари тасдиқланган, уларнинг давлатга хизмат қилиши ихтиёрий эканлиги, солиқ тўлашдан озод этилганлиги, уларга тан жазоси бериш мумкин эмаслиги алоҳида уқтириб ўтилган. Дворянлар фақат дворян судларидагина суд қилинишлари мумкинлиги, уларга қараши ердан ер ости бойлиги топилса, ундан ўзлари фойдаланишлари, савдо-саноат билан шуғуллана олишлари, мулклари мусодара қилинмаслиги қайд этилган эди. Дворянлар губерния ва уезд муассасаларига мансабдор кишиларни сайловчи дворян йиғилишларини ташкил этадилар. Д. и. ё. жойларда бутун ҳокимиятни дворянлар қўлига топширди.

**ДВОРЯНЛАРНИНГ ЭРКИНЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАНИФЕСТ** — 1762 й. 18 февралда император Пётр III томонидан эълон қилинган манифест дворянларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини янада кенгайтиришни кўзда тутган эди. Манифестда дворянлар ҳарбий ёки гражданлик хизматини ўташ мажбуриятидан озод этилади. Давлат хизматидаги дворянлар истеъфо беришлари мумкин эди. Уруш вақтида дворянлар армияда хизмат ўташга мажбур эди. М. дворянларга ўз хўжаликлари билан шуғулланишга кенг имконият берди. М.

Россияда абсолютизмнинг ижтимоий гаянчини мустақкамлади. М. нинг асосий мазмуни 1785 й. да нашр этилган «Дворянларга инъом ёрлиги» да яна таъкидланди.

**ДЕБАТИ** (*фр.*)— муҳокама қилиш, фикр алмашиш, мунозара қилиш. Парламент Д. и — қонунчилик ёки ҳукумат фаолияти ҳақида депутатлар ўртасида фикр алмашиш масаласида расмий равишда ўрнатилган тартиб. Д. термини ҳукумат фаолиятининг матбуот ёки митингларда жамоатчиликнинг муҳокама қилиши маъносидан ишлатилади.

**ДЕВЛАР** — 1 ҳинд-эроний, Урта Осиё қабилалари орасида ёйилган антропоморфизм, яъни одамларга хос хусусиятлар даставвал худоларга, нарсаларга, жониворлар ва турли ҳодисаларга ҳам хос деб ишонишдан иборат ибтидоий дин. Маздаизм (қ.) ёйилгач, Д. ёвузлик дунёсининг шайтонлари ва худолари қаторига ўтган; 2 афсонага кўра, ғоят кули ва баҳайбат махлуқ; 3 халқ эртақ ва афсоналарининг салбий қаҳрамони, икки шоҳли, думли, бениҳоя улкан одам қиёфасида, паҳлавон қомат, шайтон қиёфали махлуқ, ёвузлик тимсоли сифатида тасвирланган. Урта Осиё, Эрон ва бошқа бирқанча мамлакатлар халқлари тарихида асосий манбалардан бири ҳисобланган Авестада айтилишича, ғалла ердан униб чиққанда девлар ларзага келади, ғалла экинлари ўриб-йиғиб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар қоча бошлайди, хамир қилинганда эса маҳв бўлади... «Ғалланинг мўл-кўл бўлиши гўё Д. ларнинг лабига қизитилган темир босгандек, уларни тумтарақай қилади»...

**ДЕВОН** (*форс.*)— ўрта асрлардаги мусулмон мамлакатларида: 1 дастлаб 7- асрнинг биринчи ярмида Араб халифалигида ҳукмрон феодаллар

синфининг турли гуруҳлари ўртасида давлат даромадлари тақсимланиши қайд этиладиган рўйхат ва шу ҳужжат сақланадиган жой; 2 7- асрнинг иккинчи ярми ва 8- асрда солиқларни йиғувчи молия идораси; 3 давлат маҳкамасида турли унвон ва лавозимлар номи; 4 Сомонийлар давлатида (9—10- асрлар) амир ҳузуридаги марказий бошқармалар. Бу даврда ҳукумат икки қисмдан — даргоҳ (амир саройи) ва Д. (ҳукумат идораси) дан иборат бўлиб, Д. бошлиги вазир ёки хожайн бузрук деб аталган. Сомонийларда Д. ўнта идора (ҳамма мансабдорлар устидан раҳбарлик қилувчи Д., молия ишлари Д. и. ташқи сиёсат, ҳарбий, алоқа ишлари, давлат хавфсизлиги ва шу каби ишлар билан шуғулланувчи Д. лар) дан иборат бўлган. Д. да энг муҳим ички ва ташқи сиёсий масалалар муҳокама қилинган; шунингдек, Д. олий суд бўлган; 5 Усмонийлар империясида буюк вазир раислиги остидаги муфти (қ.) ва бир неча аён-арқондан ташкил топган махфий кенгаш; давлат маҳкамаси.

**ДЕВОНБЕГИ** — девон бошлиги. Урта асрларда солиқ йиғувчи, кейинроқ барча молия ишлари муассасаларининг бошлиги; Бухоро амирлигида олий сарой мансабларидан бири; молия ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи мансабдор. Д. турли девонлар ва вилоятлардаги Д. ларни бошқарган. Қўқон хонлигида Д. бирор вилоят ҳокими ихтиёрида бўлиб, савдо карвонларидан бож тўплаган. Хева хонлигида Д. лар кўп бўлиб, улар элчилик, ясовуллик ва шу каби ларни адо этганлар.

**ДЕЯТИНА** (*лат.*)— тўққиздан бир. 1 Ғарбий Европа мамлакатларида ўрта асрларда деҳқонлардан бутун қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва винонинг ўндан бири миқдоридан ундириб олинган солиқ; 2 қадимги Рус-

да Киев князи Владимир (979—1015) томонидан христианлик қабул қилин- гандан сўнг кўп ўтмай жорий этил- ган черков солиғи.

Ғарбий Европа мамлакатларида, айрим ҳолларда, йирик феодаллар, олий мартабали руҳонийлар Д. дан озод қилинарди. Деҳқон урушлари ва дастлабки буржуа революцияла- ри даврида халқ оммасининг асосий шиорларидан бири Д. бекор қилини- шини талаб қилишдан иборат бўлган эди. Д. Францияда 1789—1790 й. да, Ғарбнинг бошқа мамлакатларида 19- асрда бекор қилинди.

**ДЕДИЧИ** (чех.)—11—15- аср- ларда ота-бобосидан мерос қилиб ер олган чех деҳқони. Дастлаб эркин ҳисобланган дедичилар аста-секин феодалларга қарам бўла борганлар, аммо шундай бўлса ҳам, ерга эга- ликни сақлаб қолганлар. 16—17- аср- ларда қарам деҳқонларнинг бошқа гу- руҳлари билан қўшилиб кетиб, «сед- лаки» деган умумий ном билан атал- ганлар. 17- асрга келиб, Д. ёки «дедниклар» термини крепостной тутқунликка тушмай қолган оз сонли деҳқонларга нисбатан ишлатилган.

**ДЕКАБРИСТЛАР**— рус дворян революционерлари, чор самодержа- виесига қарши қуролли қўзғолон кў- тариб чиққанлар (1825 й. 14 декабрь). Д. лар дворянлар табақасига мансуб бўлиб, 1812 йилги Ватан урушининг қатнашчилари, ўз даврининг энг ил- гор ва маълумотли кишилари эди. Россияда феодал-крепостнойлик ту- зуми тангликка учраган ва синфий кураш кескинлашган шароитда бўла- жак Д. ларнинг дунёқарашлари шаклланди. Д. ларнинг биринчи яши- рин сиёсий ташкилоти «Нажот сою- зи» 1816 й. да Петербургда ташкил топди. Кўп ўтмай унинг ўрнини «Фа- роғат союзи» эгаллади.

1818 й. да Украинада полковник П. И. Пестель бошчилигида «Жану-

бий жамият», Н. М. Муравьёв ва К. Ф. Рилеев бошчилигида Петер- бургда «Шимолий жамият», 1823 й. да Украинада «Бирлашган славялар жамияти» вужудга келди. Бу жамият- ларнинг аъзолари крепостной ҳуқуқ ва самодержавиени йўқотишни талаб қилиб чиқдилар. Д. ларнинг Шимо- лий жамияти ташаббуси ўз қўлига олиб, қўзғолон бошлашга қарор қи- лади. 1825 й. 14 декабрда Петербург- нинг Сенат майдонига келтирилган ҳарбий қисмлар янги подшо Нико- лай I га қасамёд қилишдан бош тор- тдилар. Бироқ Д. ларнинг қатъият- сизлиги, халқ оммасидан ажралган- лиги қўзғолонни мағлубиятга олиб келди. Жанубий жамият томонидан Чернигов полкида кўтарилган қўзғо- лон (1825 й. 29 декабрдан 1826 й. 3 январгача) ҳам тор-мор келтирил- ди. Д. нинг беш атоқли раҳбари— П. И. Пестель, С. И. Муравьёв-Апос- тол, М. П. Бестужев-Рюмин, П. Г. Каховский ва К. Ф. Рилеев осилди, 579 киши (улардан 79 прощенти ҳар- бийлар) судга берилди, 100 дан ор- тиқ киши Сибирга сургун қилинди. «Бу революционерлар доираси тор эди. Улар халқдан жуда узоқда эди- лар» (В. И. Ленин). Д. ларнинг чо- ризмга қарши курашлари Россияда революцион ҳаракатнинг ривожлани- шига олиб келди.

**ДЕКАДЕНТЛИК** (фр.)—19- аср охири—20- аср бошларида буржуа маданиятидаги кризис, умидсизлик кайфияти, тушқунлик, ўта шахсият- парастлик билан характерланувчи ҳо- дисанинг умумий номи.

Декадентлар сиёсий ва граждан- лик мавзуларидан бош тортдилар, синфий курашнинг ҳар қандай шак- лини рад этдилар, синфий курашда қатнашишни «мешчанлик» ва қўпол интилиш деб ҳисобладилар. Улар ре- волюцияда тарихни қўпорувчи кучни- гина қурдилар.



**ДЕКЛАРАЦИЯ** (лат.)— ариза, эълон, бир томонлама, икки томонлама, ёки кўп томонлама акт; давлат, ҳукуматлараро ёки халқаро жамоатчилик ташкилотлари, сиёсат, халқаро муносабатлар ёки халқаро ҳуқуқ соҳасидаги принципларни белгилаш (жумладан, Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси) ва бошқалар.

**ДЕМОГРАФИЯ** (грек.)— халқ ва ёзма сўзларидан олинган, ижтимоий фанлардан бири бўлиб, аҳоли ўсишининг муайян қонунга мувофиқлигини ўрганади. Аҳолининг янгиланиши, сонининг ўзгариши, таркиби ва табиий ҳаракат (туғилиш ва ўлиш) таъсири остида ривожланиши, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва аралашishi Д. да марказий ўринни эгаллайди. Д. шунингдек аҳолининг ўсишини, жамиятнинг ривожланишини, жумладан, меҳнат ресурсларининг состави ва ҳаракатини ўрганади. Д. муҳим ғоявий, сиёсий ва амалий аҳамиятга эга, жумладан, у юксалаётган мамлакатлардаги иқтисодий қийинчиликларни аҳолининг кўпайишидан деб даъво қилувчи ва уруш, зўр бериб қуролланишни тарғиб этувчи буржуа маддоҳларини фош этишда қўл келади.

Д. тадқиқотлари социалистик давлатлар учун аҳолининг моддий турмушини янада яхшилаш ва ҳар томонлама камолоти учун зарур бўлган чораларни кўришга ёрдам беради.

**ДЕЛОВЫЕ ЛЮДИ** (рус.)— ишбилармон одамлар; 14—15-асрларда Москва князлари саройларидаги хизматкорлар. Булар, афтидан, князь Иван Калита томонидан ўз хўжалиги эҳтиёжлари учун сотиб олинган холоп (қарол)лардан бўлса керак. Улар бора-бора саройнинг оддий хизматкорларига айланганлар.

**ДЕЛОС ИТТИФОҚИ** (грек.)—

ёки Архе Афинский, қадимги грек шаҳар-давлатларининг Афина бошчилигидаги иттифоқи бўлиб, эр. ав. 477 й. грек-форс урушлари (эр. ав. 500—449 й.) давомида ташкил топган. Д. и. кенгаши мажлислари Делос оролида ўтказилган, у Пелопоннес урушида (эр. ав. 431—404 й.) Афина енгилгач, тарқатиб юборилган.

**ДЕМА** (грек.)— қадимги Аттикада ўз-ўзини идора қилувчи жамоа округлари.

**ДЕМЕТРА** (грек.)— грек афсоналарида деҳқончилик, ҳосилот маъбудаси. Д. ҳақидаги афсона баҳорда ўсимликларнинг кўкариши ҳақидаги ибтидоий тушунча билан боғлиқ. Кроноса ва Бейнинг қизи, Зевснинг синглиси, Персефоннинг онаси, ер ости подшолигининг худоси Аид томонидан ўғирланган. Бунда ғазабланган Д. ерни ҳосилдорликдан маҳрум қилган ва Аид ҳар йили йилнинг маълум қисмида қизни онасига қайтаришга мажбур бўлган. Қадимги римликларда — Церера.

**ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** (лат.) халқаро ҳуқуқда бекор қилиш ва ҳарбий қуролсизлантириш, бирор давлат ёки унинг территориясининг бир қисмида қуролли кучларни, ҳарбий истеҳкомларни, ҳарбий sanoатни бутунлай ёки қисман йўқотиш, ҳарбий истеҳком қуришни, ҳарбий sanoатни, қуролли кучлар сақлашни (жамоатчилик тартибини сақлаш учун зарур бўлган чекланган миқдордаги ҳарбий кучлардан ташқари) ман қилиш чоралари ҳақида давлатлар орасидаги келишув.

**ДЕМОКРАТ** (грек.)— демократик партия аъзоси; демократия тарафдори, халқнинг сиёсий озодлиги ва ҳуқуқлари учун курашувчи, халқпарвар.

«**ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ**»— империализмни ҳимоя қилиш, ишчилар синфини алдаш ва коммунизмга

қарши кураш мақсадида инглиз лейбористлари ва бошқа мамлакатларнинг ўнг социалистлари томонидан тарқатилган сохта, реакция назария. «Д. с.» капитализмнинг умумий кризиси даврида пайдо бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг лейбористлар ва бошқа ўнг социалистларнинг асосий назариясига айланди. «Д. с.» тарафдорлари гўё синфларнинг «тинч ҳамкорлик қилишга ўтишлари натижасида пролетариат диктатурасиз ҳам социализм мавжуд бўлиши мумкинлигини тарғиб қиладилар, пролетариат билан буржуазия манфаатларининг бир-бирига қарама-қаршилигини ва синфий курашни демагогик равишда инкор этиб, буржуа давлатини «ғайри синфий» ва «умумхалқ» давлати деб эълон қиладилар. «Д. с.»нинг вазифаси капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг социализм учун курашдан четлатишдир.

**ДЕМОКРАТИЯ** (грек.)— халқ ва ҳокимият: давлат формаларидан бири. Д. муайян синфнинг диктатураси билан узвий боғлиқдир. Давлат ҳокимиятини ўз қўлида сақлаган синф Д. хусусиятларини белгилайди. Д.— халқ ҳокимияти, бу давлат формасида ҳокимият халқ томонидан бевосита ёки вакиллик ташкилотлари орқали амалга оширилади; жамиятнинг ўрта ва қуйн табақалари, антагонистик синфлар мавжуд бўлиб, ҳокимият эксплуататорлар табақаси қўлида бўлган шароитда Д. ҳақиқий тўла маънодаги Д. бўла олмайди. Антик дунёда демократия қулдорлар манфаатлари учун хизмат қилувчи, қулларни эксплуатация қилишга ёрдам берадиган система эди. Афинада аҳолининг асосий қисmini ташкил этган қуллар, мусофирлар билан никоҳдан дунёга келган кишилар, ҳамма аёллар барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Шу сабабли бу демо-

кратия гарчи Афинада қонунлар чиқарадиган ва давлатни бошқаришда қатнашадиган халқ йиғинлари чақирилган ҳамда мансабдорлар сайланган бўлса-да, аристократия демократияси дейилади. Феодализм даврида Д. ўрта асрлар шаҳар коммуналари, ўз-ўзини идора этувчи шаҳар жамоалари, феодаллар ҳокимиятига бўйсунувчи ҳокимият сайлаб қўйилган органлар (посадниклар, ешевенлар, мэрлар ва шу кабилар) ёки феодал республикалари (Новгород) шаклида намойе бўлган. Бироқ бундай шаҳар-республикаларда раҳбарлик роли аста-секин шаҳар аҳолисининг юқори табақаси — патрицийлар (қ.) қўлига ўтган.

**ДЕНШЧИҚ** (рус.)—1917 й. гача чор армиясида офицер ёки мансабдорнинг шахсий хизматини қиладиган солдат, хизматкор. Пётр I нинг баъзи мулозимларига Д. унвони берилган, уларга махсус дипломатик ва ҳарбий топшириқлар бериб турилган. А. Б. Батурлин, А. Д. Меньшиков, П. И. Ягужинский, А. И. Румянцевлар Пётр I нинг деншчиги бўлган, кейинчалик улар юқори даражали давлат арбоблари бўлиб қолишган. Д. тартиби айрим капиталистик давлатларнинг армиясида ҳозир ҳам сақланмоқда.

**ДЕПАРТАМЕНТ** (фр.)— 1. Россия империясида олий маъмурий ва суд муассасалари бўлимлари ёки бошқармаларининг номи; 2 Францияда — асосий маъмурий-территориал бирлик; 3 айрим мамлакатларда идора ёки министрликнинг номи (жумладан, АҚШ да Д. ташқи ишлар министрлиги).

**ДЕПРЕССИЯ** (лат.)— бостириш; капиталистик экономикада ортиқча ишлаб чиқариш натижасида рўй берган кризисдан сўнг келадиган давр. Бундай палла экономикада турғун-

лик, молларга талабнинг камлиги билан характерли бўлади. Капитализмнинг умумий кризиси вақтида Д. чўзилиб кетади.

**ДЕПУТАТ** (лат.) — элчи, вакил, ҳокимият органларига сайлаб қўйилган вакил. СССР да Д. халқ депутатлари Советларида халқнинг ваколатли вакили. Д. давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш ишлари, Советларнинг қарорларини амалга ошириш, давлат органлари, идора, муассаса ва ташкилотлар ишларини назорат қилади. Д. ўз фаолиятида сайлов округидаги сайловчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда умумдавлат манфаатини кўзлайди. Д. дахлсизлигини ва шунингдек депутатлик фаолиятини турли гарантиялар таъминлайди.

Д. ўз иши ва Советларнинг фаолияти ҳақида ўз сайловчилари олдида ҳисоб беради. Сайловчилар ишончига сазовор бўлмаган Д. исталган вақтда сайловчиларнинг қарорини асосида чақириб олинади. Д. ўзининг депутатлик вазифасини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бажаради.

**ДЕҲҚОН** (форс.) — 1 Урта Осиёда қорахонийларгача бўлган даврда (10-асргача) деҳқон сўзи ўз қасрида яшовчи, катта ер-сувга, кўплаб қарам ер ишловчиларига эга бўлган оқсуяк, феодал деган маънога эга бўлган; 2 10-асрдан то шу кунгача оддий ер ишловчи, деҳқончилик қилувчи кишилар маъносини олган.

**ДЕСПОТ** (грек.) — ҳокими мутлақ, мустабид, ҳеч қандай қонун билан ҳуқуқи чекланмаган, ўзинча ҳукмронлик қиладиган ҳоким, подшо.

**ДЕСПОТИЗМ** (грек.) — деспотлик, истибод, чекланмаган ҳокимият, ҳукмдор бошлиқ идора усули; золимлик, зўравонлик, якка ҳокимлик.

**ДЕСПОТИЯ** (грек.) — мустабид давлат, деспот қўлидаги давлат; са-

модержавие ҳокимият формаси, чекланмаган монархия. Д. нинг ўзига хос белгиси — ҳокимиятнинг тамомила ўзбошимчалиги ва фуқароларнинг ҳуқуқсизлиги; Д. га асосланган мамлакат ерларининг ягона эгаси, кўпинча олий суд ҳисобланган. Унинг иродаси — худонинг иродаси, қонун деб ҳисобланган. Мустабид подшо алоҳийлаштирилган. Д. да давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларда қулдор зодагонларнинг фикри эътиборга олинса ҳам, унинг ҳокимияти чекланмаган. Шарқда: қадимги Мисрда, Бобил (Вавилония)да, Осурияда, Хитойда, Эронда ва Ҳиндистонда ҳуқуқи чекланмаган монарх — фиръавн Д. давлатлари мавжуд бўлган. Ф. Энгельснинг фикрича, давлат ҳокимияти жамоа ерини ҳали кўпчилик бўлиб ишлайдиган ёки жуда бўлмаса, ер айрим оилаларга вақтинча фойдаланиш учун берилган жойда, бинобарин, ҳали ерга хусусий мулкчилик келиб чиқмаган ерда давлат Д. шаклида вужудга келади. Илк феодал давлатлардан баъзиларида ҳам Д. (Шарқда Араб халифалиги, Фарбда абсолют монархия шаклида) намоён бўлган эди. Д. подшо, монарх ҳокимияти чекланмаган, шахсий ўзбошимчиликка асосланган давлат.

**ДЕСЯТИНА ЙИҒИМИ** ёки **ДЕСЯТИНА** — ушр; 1 феодализм даврида Европа давлатларида даромаднинг чекловга тўланган ўндан бир қисми. Ҳукмрон синф вакиллари Д. дан озод этилганликларини учун Д. нинг асосий оғирлиги деҳқонлар ва ҳунармандлар зиммасига тушган. Д. Францияда 18-аср охирида Европанинг бошқа мамлакатларида 19-асрда бекор қилинди. 2 Россияда 16—18-асрларда мўйна, слюда, туз ва ҳ. к. ҳунармандчилик билан шуғулланувчилардан, металл эритувчилардан даромаднинг тахминан ўндан бири миқ-

дорда йиғилган солиқ; 3 Сибирда Д. 16-асрдан 1753 й. гача асосий бож (қ.) солиғи бўлган. 17-аср охиридан бошлаб ҳар қандай товардан олинадиган солиқ бўлиб қолган; 4 Россияда 15-асрнинг охириларидан қўлланилган ер ўлчови бирлиги ҳам Д. аталган; 5 800 дан 1000 кв. сажен сатхни билдирувчи ер ўлчови; 6 18-аср бошларигача черков округи — епархия (қ.)нинг бир қисми.

**ДЕХРИСТАНИЗАЦИЯ** (лат.) — француз буржуа революцияси даврида 1793 й. сентябрь охиридан бошлаб якобинчилар (қ.) блокнинг сўл группаси — эберчилар ва бошқалар бошчилигида контрреволюция ва руҳонийларга қарши курашнинг ўзига хос ифодаси эди. Д. католик черковига қарши ҳаракат. Д. халқ, асосан шахарликларнинг руҳонийлар реакцияси кирдикорларидан дарғазаблагининг ифодаси эди. Бу кураш католик урф-одатларини бажаришдан бош тортиш, черковларни бекитиш, улардаги қимматбаҳо нарсаларни ва қўнғироқларни мудофаа эҳтиёжлари учун тортиб олиш шаклида намоён бўлиб, католик черкови ўрнига мажбурий равишда революцион-рационализаторлик «Ақил култи» жорий этилган. Бу эса диний эътиқодларга амал қилувчи деҳқонларда норозилик туғдирган. Шу муносабат билан Конвент (қ.) 1793 й. 6 декабрда дин эркинлигига қарши ҳар қандай зўрлик ёки қўрқитиш усулларини ман этувчи ҳамда Д. фаолиятини қораловчи декрет қабул қилган.

**ДЕЦЕМВИРЛАР** (лат.) — «Ҳн арбоб». Римда эр. ав. 451 й. да 10 кишидан ташкил топган коллегия, давлат миқёсидаги махсус топшириқлар (аграр масалани ҳал этиш, суд ишлари, диний масалалар, қонунлар (тузиш) ни бажариш учун сайлаб қўйиладиган комиссия, у аввал фақат

патрицийлардангина ташкил топиб, катта ваколатга эга бўлган, унга қонунлар чиқариш топширилган. Кейинчалик эр. ав. 451 й. да сайланган коллегия составига плебейлар (қ.) ҳам киритилган. Бу комиссия ҳокимиятни қўлга олишга урунгани учун тарқатиб юборилиб, одатдаги республика магистратураси тикланган. Д. томонидан ўн икки жадвал қонунлари яратилган.

**ДИВЕРСИЯ** (лат.) — бирор мамлакатга унинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини кучсизлантириш, ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини вайрон қилиш мақсадида чет эл давлатлари ёки душман синф агентураси томонидан қилинган қўпоровчилик ҳаракати.

**ДИКТАТОР** (лат.) — буйруқ берувчи. 1 Қадимги Римда юқори лавозимдаги шахс, уруш ёки қўзғолонни бостириш каби фавқулодда ҳолат рўй берганда Сенатнинг қарори билан консул (қ.) томонидан тайинланган тўла ҳуқуқли ҳукмдор. Д. чиқарган ҳукмдан ҳеч ким норози бўлиб, шикоят қила олмас ва унинг қарорига ҳатто халқ трибуни (қ.) ҳам вето (қ.) сола олмасди. Д. ваколати 6 ойдан ошмасди. Биринчи Рим Д. ишлаган вақти эр. ав. 5-аср ўрталарига тўғри келади. Д. мансабига дастлаб фақат патрицийлардангина (қ.) тайинланган бўлса, эр. ав. 356 й. дан бошлаб плебейлардан (қ.) ҳам тайинланадиган бўлган. Гай Юлий Цезарь вафотидан сўнг Д. мансаби бекор қилинган; 2 Д. нинг қадимги германча маъноси ваколат, ҳокимият ёки Д. ҳокимлик қиладиган вақт; 3 фавқулодда сиёсий вазият рўй берган вақтларда бирор қонун билан чеклаб қўйилмаган ҳокимиятга таънувчи ҳукмдор.

**ДИКТАТУРА** (лат.) — ҳуқуқчи чекланмаган ҳокимият. Ташқи томон-

дан демократия бўлиб кўринса-да, лекин капиталистик дунёда мамлакатни бошқариш амалда буржуазия Д. си орқали олиб борилади. Империализм даврида бутун давлат аппаратида йирик монополистик бирлашмалар Д. си муҳим роль ўйнайди.

**ДИНАСТИЯ** (грек.)— ҳукумронлик, сулола, хонадон; бир авлоднинг сурункали туғушганлик ва меросхўрлик ҳуқуқи асосида ҳукумронлик қилган подшолари. Россияда Рюрик болалари (862—1598), Романовлар династияси (1613—1917), Ўрта Осиёда Темурийлар династияси (1370—1505) ва бошқалар.

**ДИНОР** (а.)— олтин, кумуш танга, чақа пул; ўрта асрларда араб халифалиги территориясида ишлатилган тилла пул; Олтин Ўрдада, шунингдек 14-асрда Мовароуннахрда бир динор 2 мисқол (қ.) кумушга тенг бўлган.

**ДИОЦЕЗЛАР** (лат.)— қадимги римликларда дастлаб (эрамизгача 1-асрда) ноибнинг легати томонидан бошқарилган шаҳар, округ; Рим империясининг Диоклетиан томонида бўлинган 12, сўнграқ 15 маъмурий области ўз навбатида 101 провинцияга бўлинган; христиан чирковида йирик иерархга итоат эттирилган округлар. Ҳозирги вақтда католик (қ.) чирковида — епископлик (қ.).

**ДИПЛОМАТИЯ** (фр.)— ҳукумат ва давлат бошлиғи ва шунингдек уларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги махсус органлари, уларнинг чет эллардаги муассасалари ва граждандари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи расмий фаолият. Д. давлатларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим восита бўлиб, ваколатхоналар орқали амалга оширилади.

**ДИРАМ**, диргам, дирҳам — ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси. Ол-

тин Ўрда, шунингдек 14-асрда Мовароуннахрда  $\frac{1}{3}$  мисқол оғирлигидаги кумуш танга. Ироқ ва Марокашда муомаладаги пул.

**ДИРЕКТОРИЯ** (лат.-фр.)— бошқариш, раҳбарлик қилиш; 1 1795—1799 йилларда буржуа Франциясида давлат ҳокимиятининг раҳбарлик органи. Д. термидор конвентидан (қ.) бошлаб Наполеон Бонапартнинг давлат тўнтаришигача бўлган даврни ўз ичига олган. Д. йирик буржуазия манфаатларини ҳимоя қилган. 1799 й. 18-брюмер (9 ноябрь) контрреволюцион давлат тўнтариши натижасида Д. афдарилиб, Наполеон Бонапарт ҳарбий диктатураси (қ.) вужудга келган. Наполеон француз революциясининг фақат йирик буржуазияга фойдали бўлган томонларинигина сақлаб қолган; 2 Д.— Бешлар сонети — А. Ф. Керенский бошлиқ Вақтли ҳукумат 1917 й. 1 сентябрида Россияни республика деб эълон қилди. 3-коалицион ҳукумат тузилиши билан Д. фаолияти тўхтади. 3 1918 й. 14 ноябрида майда буржуа партияларининг раҳбарлари томонидан Украинада инглиз ва француз оккупациясини ниқоблаш учун тузилган чет эл империалистлари агентлари Бинниченко ва Петлюра бошлиқ контрреволюцион буржуа-миллатчилик ҳукумати; 4 граждандар уруши йилларида Уфада империалист интервентлар томонидан ташкил этилган оқ гвардиячилар контрреволюцион ҳукумати.

**ДИСКРИМИНАЦИЯ** (лат.)— камситиш, хўрлаш, паст назар билан қараш; айрим шахс, ташкилот ёки давлатнинг бошқа шахслар, ташкилотлар ёки давлатларга нисбатан ҳуқуқларини атайин камситиш. Капиталистик мамлакатларда сиёсий Д. нинг кенг тарқалган кўриниши сайлов ҳуқуқидан, энг оддий граждандлик ҳу-

қуқларидан маҳрум этиш ва ирқиға қараб таъқиб остига олинидир.

**ДОГМАТИЗМ** (грек.)— фикр, қарор, ақиданиристлик; масалага қотиб қолган, ўзгармас деган фикрларга асосланиб, манжуд шаронтин ҳисобга олмай, ҳаётдан, амалиётдан ажралган ҳолда кўр-кўрона ёндашиш.

**ДОДХОҲ** — додхо; 1 адолатни, ҳаққониятни қидирувчи, адолат истовчи, адолат кўрсатувчи, адолатпарвар; 2 Бухоро ва Хева хонликларида юқори мартабалардан бири бўлиб, у амир ёки хон номига ёзилган илтимосномалар ва арзномаларни қабул қилиб олар ҳамда уларнинг эгаларига ёзма ёки оғзаки жавоблар қайтарар эди. Қалъа бошлиғи, қўрбоши, қозихона ишлари устидан назорат олиб боровчи амалдор, раиси калон; Қўқон хонлигида 10 Д. бўлиб, улар амалдорлар рўйхатида 9-ўринда (парвоначидан кейин, бийдан олдин) турганлар.

**ДОЖ** (итал.)— ўрта асрларда Венеция (7-аср охиридан 18-аср охиригача) ва Генуя (14-асрдан 18-аср гача) республикаларида умрбод сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи; Венецияда дастлаб (7-асрда) Д. деярли чекланмаган ҳоким бўлиб, 12-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, шаҳар зодагонлари, «Катта» ва «Кичик» кенгашлар, «Унлар кенгаши» томонидан чекланган бўлса ҳам, анча кенг ваколатдан фойдаланган. Д. қуроли кучлар қўмондони бўлиб, ҳокимиятни ўз қўлида тутган. Генуяда Д. мансаби унча катта аҳамиятга эга бўлмаган. Венецияда ҳам 1797 й. да бу ерларни французлар босиб олгач, Д. лавозими тугатилган. Венеция дожи; дож саройи.

**ДОЖДЬБОГ** (слав.)— шарқий ва ғарбий славянлар афсонасида қуёш ва олов худоси Сварогнинг ўғли; яна бир номи Сварожич.

**ДОКТРИНА** (лат.)— ўргатиш, таълимот; илмий ёки фалсафий назария, сиёсий система; қарашлар, принциплар системаси; асосий йўл-йўриқни ифода этувчи формула.

**ДОМЕН** (лат.)— мулк. 1. Ғарб мамлакатларида королнинг мерос бўлиб ўтадиган ери. Ўрта асрларда Европада вотчина (қ.) лар, крепостлар, шаҳарлар, ўрмон ва яйловлар Д. деб аталган. Йирик мулкдорлар, шу жумладан черков ерини мусодара қилиш, ер сотиб олиш йўли билан Д. кўпайиб боради. Д. дан олинган даромад король ва унинг саройи харажатларига ишлатилади. Д. нинг қисқариши король ҳокимиятининг заифлашишига, Д. нинг кўпайиши эса, аксинча, йирик феодалларга қарашли ерларни тортиб олиш ҳисобига король ҳокимиятининг мустаҳкамданиши ва феодал тарқоқлигининг барҳам топишига олиб келарди; 2 феодализм даврида феодал деҳқонларнинг баршчина (қ.) йўли билан ишлатадиган ер-мулки, королга (қ.) герцог (қ.) ва графга (қ.) қарашли ерлар ҳам Д. деб аталган; 3 буржуа мамлакатларида давлатга қарашли ва унинг томонидан эксплуатация қилинадиган мулк (ер, ўрмон, конлар ва ҳ. к.); кенг маънода — умуман давлат мулки, асосан ер мулки.

**ДОМИНАТ** (лат.)— Рим империясида император Диоклетиан (284—305) замонидан бошлаб жорий этилган сиёсий система. Римда 3-аср охирида жорий этилган қулдорлик тузумига хос монархия шаклларида Д. нинг принципиал (қ.) фарқи шуки, император монарх эмас, балки биринчи сенатор ва граждандек ҳисобланар эди. Д. да давлат бошлиғи ўз фуқароларига нисбатан якка ҳукмдор, унинг ҳокимияти гўё худо томонидан берилган деб ҳисобланган. Ҳукмдор қулдорлар синфи Д. ни жо-

рий этиш билан инқирози бошланган Рим империясининг қулашини тўхта-тиб қолишни кўзда тулган эди. Д. системаси бутун 4-аср давомида халқ кўзғолонлари, ажраб чиқиш ҳаракатларини бостириш, варварлар ҳужумларини қайтариб туриш, шу билан бирга империянинг ташқи сиёсий аҳволини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

**ДОМИНИОН** (лат.)— мулк, ҳокимият, эгаллик қилиш; 20-аср ўрталаригача Буюк Британия империяси составига кирган барча территорияларга нисбатан қўлланилган термин. 1867 й. ги Канада конференциясидан кейин Д. Буюк Британия империясининг ўзи идора қилинадиган ярим мустақил давлатларини англатадиган термин. Канада (1867 й. дан), Австралия Иттифоқи (1901), Янги Зеландия (1907), Жанубий Африка Иттифоқи (1910), Ньюфаундленд (1917), Ирландия (1921), Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка Буюк Британиянинг Д. ларига айланган. 1931 йилги Вестминстер статуту (низоми) асосида Д. лар мустақил деб эълон қилинган бўлсалар-да, лекин иккинчи жаҳон урушига қадар улар ташқи сиёсат соҳасида метрополия (Англия) қўл остида бўлганлар. Англия билан Д. лар ўртасидаги муносабатлар уларнинг бир-бирига юбориб турадиган юқори мартабали комиссарлари орқали амалга оширилади. Англия ҳукумати маълум вақтда империя конференциясини чақиради, унда инглиз ҳукумат раҳбарлари ва Д. бош министрлари қатнашадилар. Бу йиғинда халқаро масалаларда Д. лар қандай йўл тутишлари ҳал этилади. Одатда Д. га генерал-губернатор бошчилик қилади. Д. ларда ижро этувчи ҳокимият партиялар томонидан тузилган ҳукумат қўлида бўлади. Д. парламент сайлаб қўядиган қуйи палата (Австралия) ва кўпинча генерал-гу-

бернатор томонидан тайинланадиган (Канада ва Янги Зеландия) юқори палатадан иборат бўлади. Халқаро масалаларда Д. лар мустақил давлат каби иш кўради. Уларнинг чет мамлакатларда дипломатик вакиллари бўлади, турли халқаро ташкилотларда қатнашадилар, халқаро битимлар тузадилар ва ўз қуроли кучларига эга бўладилар. 20-асрнинг 40-йиллари охиридан бошлаб Д. термини ўрнига миллатлар ҳамкорлиги (қ.) термини ишлатила бошлади.

### ДОМИНИКАНЛАР ОРДЕНИ

(лат.)— қашшоқлик ордени — католик монархлар орденлари. Уни Испанияда 13-аср бошида диний арбоб Доминик (1170—1221) ташкил этиб, Рим папаси Гонорий III эътироф этган католик диний ордени. Д. о. феодализмга, ҳукмрон католик (қ.) черковига қарши чиқувчиларга шафқатсиз жазо берувчи инквизиция (қ.) га раҳбарлик қилган ашаддий реакцион, халққа ёт, қон тўқувчи, жаҳолатпарастларнинг диний ордени. Д. о. папалик ёрдамида камбағалликни тарғиб қилиш ва аъзоларининг тақводорлик билан ҳаёт кечирishiни намуна қилиш орқали тез тарқалиб бораётган бидъатчиликни бартараф этиш мумкин деган мақсадни ўз олдига қўйган орден. Аммо монархлар камбағалликда яшаш ҳақидаги ўринсиз даъватларга ҳамма вақт ҳам риюя қилавермас эдилар. 1974 йилга келиб. Д. о. францискалар ва бошқа қашшоқлик орденлари аъзоларининг умумий сони 85 минг кишинигина ташкил этган эди. Бу орден монах ва монашкаларининг сони 16 минг (1970).

**ДОМОВОЙ** (рус.)— жиң, ажина; 1 айрим қадимги халқларнинг, шу жумладан славян, фин ва бошқа халқларнинг диний тушунчаларига кўра, ҳар бир уйда яшовчи ғайри та-

бий нарса, руҳ; 2 уй худолари бўлиб, улар славянларда турли номлар билан юритилган. Русларда— «дедко», «хозяин», «суседко», белорусларда— «хатник», «господор», украинларда— «хатний дидко», полякларда— «хованец», чехларда— «скрижитек», «папашек» ва ҳ. к. Уй худоларига сиғиниш ибидий жамоа тузуми даврида келиб чиққан. Хурофотларга кўра, уй худоси гўё уй ва ҳайвонларни бало-қазолардан сақлар эмиш.

**«ДРАНГ НАХ ОСТЕН»** (нем.) («Шарққа таэйиқ») — 10-асрдан бошлаб немис феодалларининг «Шарққа таэйиқ», кейин эса герман империяларининг славян ерларини босиб олишга қаратилган агрессив сиёсати; Шарққа, славянларнинг ерларига ва Балтика бўйига қилинган истилочилик юришлари жанубга, Италияга қилинган юришлар билан биргаликда 10—13-асрлардаги герман феодал давлати ташқи сиёсатининг энг асосий йўналиши бўлган эди. Полаб (Эльба) соҳили славянлари, прусслар, латишлар ва эстонлар бу истилочилик сиёсатининг қурбони бўлганлар. Босиб олиш вақтида туб аҳолининг бир қисми қириб ташланди, бир қисми эса (Полаб славянлари ва прусслар) германлаштирилди, босиб олинган ерларга немис колонистлари кўчириб келирилди. Ливон ва Тевтон ордени (қ.) славянларга нисбатан муттасил босқинчилик сиёсатини амалга оширди. Немисларнинг рус ерларини босиб олиш йўлидаги интилишлари «Муз устидаги жанг» (1242 й.), «Грюнвальд жанги» (1410 й.) да барбод бўлди. Австрия Габсбурглари 16—17-асрларда Чехияни, Венгрия ва Хорватияни босиб олдилар, 18-асрда эса Ғарбий Украина ва бошқа славян ерларини истило қилдилар, Польша уч марта бўлини-

ши (1772, 1793, 1795 йй.) натижасида поляклар ерининг катта қисмини эгалладилар. «Д. н. о.» империализм даврида янада активлашди. «Д. н. о.» Совет Россиясига очиқдан-очиқ қарши йўл тутди. 1918 й. да у ёш Совет республикасига бостириб кирди, лекин шармандаларча енгилди. «Д. н. о.» фашистлар ҳокимият тепасига келгач (1933), ҳар қачонгидан ҳам реакция тус олди.

**ДРАХМА** (грек.) — қадимги Грецияда  $\frac{1}{100}$  лептага тенг бўлган пул ва оғирлик бирлиги, ҳозирги Греция пули 100 лептага бўлинади, 30 Д. бир долларга тенг.

**ДРУЖИНА** (рус.) — 1 ҳарбийлар отряди; уруғчилик тузими емираляётган шароитда қабила бошлиғи атрофида тўпланган жангчилар, кейинчалик князь, король атрофида бирлашган; 2 қадимги Русда князь мулозимлари, унинг яқин кишилари, амалдорлари ва хизматчилари; 3 қадимги Русда князь ва феодалга итоат этувчи, князликни ва князнинг шахсий хўжалигини бошқарувчи ва қўриқловчи, доимий ҳарбий кучни ташкил этувчи бир гуруҳ кишилар. Қадимги Русда Д. «катта» ва «кичик» Д. деб иккига бўлинган: «катта» Д. князнинг яқин кенгашчиларини, «кичик» Д. унинг ўзини қўриқлаган ва топшириқларини бажарган. Д. доимий қўшин сифатида қуроли кучларнинг асоси ҳисобланган ва ҳарбий юришлар вақтида тўпланадиган халқ ополчениеларига бошчилик қилган.

**ДРУИДЛАР** (лат.-кельт) — қадимги кельтларда коҳинлар, қадимги Галия, Британия ва Ирландияда коҳин ёки руҳонийлар. Д. суд вазифасини ҳам бажарган. Қабила зодагонлари билан бирга Д. кельт жамиятининг ҳукмрон табақасини ташкил этган. Д. табиблик, ўқитувчилик ва ка-



ромат қилувчилар бўлиб, сиёсий ҳаётда катта роль ўйнар эдилар. Д.нинг мавқеи орта боришидан ҳавотир олган Рим императорлари Тиберий ва Клавдий уларнинг қурбонликларини ман этганлар. Ўз эски имтиёзларини йўқотганликлари ва алоҳида тоифа бўлмаي қолганликларидан сўнг Д.лар дайди каромат қилувчиларга айланганлар.

**ДУАЛИЗМ** (лат.)— икки тарафламалик; икки қарама-қарши манбага асосланган таълимот; масалан, фалсафий таълимотда дунё асосида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки манба ётади: руҳ ва материя.

**ДУКАТ** (итал.)— червон; 13-асрдан бошлаб Венеция тилла пули (цехин); сўнгра у 2-аср бошларидан бутун Европада кенг тарқалган.

**ДУМА ДВОРЯНЛАРИ** (Думные дворяне)— Д. д. термини рус давлатида 16-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлатила бошлаган, унча «Бояр болалари» деб аталган. Д. д. рус давлатида Боярлар думасининг бояр ва околиччи (қ.) дан сўнгги 3-мартаба. Боярлар дума мажлисларида, приказ (маҳкама)ларни бошқаришда қатнашар, сарой лавозимлари ва ҳарбий мансабларни эгаллар, шаҳарларга воевода қилиб тайин этилар эдилар. Д. д. лари Дума дьяклари (қ.) билан бир қаторда Боярлар думасидаги бояр аристократларига қарши курашда подшо ҳокимиятининг таянчи эди.

**ДУМА ДЬЯКЛАРИ**— мирзалар; рус давлатида 16—17-асрларда думадаги 4-қуйи мансаб: Д. д.лари Боярлар думасининг котиблари бўлиб, подшо фармонларини, дума қарорларини тузар ва таҳрир қилар, энг муҳим маҳкамаларда иш юритар эдилар, уларнинг баъзилари йирик давлат арбоблари бўлган.

**ДУРБАР** (форс.)— расмий қабул

зали, сарой, монарх қароргоҳи; ўрта асрларда мусулмон давлатларида: 1 қонуллар, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини муҳокама қилиш учун ҳукмдор ҳузуридаги мансабдорлар кенгаши; 2 муҳим давлат ҳужжатларини эълон қилиш, элчилар ва машҳур кишиларни тантанали вазиятда қабул қилиш. Мустамлака Ҳиндистонида мамлакатнинг вице-короли, вилоят губернаторлари ҳузурида ҳам шу маънода татбиқ этилган. Ҳозирги Покистон ва Эронда Д. ҳамон мавжуд.

**ДУУМВИРЛАР**, дуовирлар (лат.)— Италия шаҳарлари ва мустамлакаларда икки мансабдор шахс — муниципиялар (қ.) ва мустамлакалар бошлиқлари. Улар ҳар йили сайланар, Рим консуллари даражасида бўлиб, маҳаллий сенатда раислик қилар ва олий суд эдилар. Империя даврида шаҳарлар мустақиллигининг чекланиши натижасида Д.нинг аҳамияти анча пасаяди.

**ДУЧЕ** (грек.)— йўлбошчи, доҳий, бош раҳбар. Италияда фашизмнинг доҳийси Б. Муссолинининг (1922—1945) унвони.

**ДЬЯКОН**— православ черковида кичик руҳоний.

**ДЬЯК** (грек.)— мунший, котиб, мирза, қадимги Русда айрим муассаса (маҳкама)да мунший (котиб) вазифасини бажарган мансабдор; 14—15-асрларда давлат муассасаларининг ходими. Д. дворянлар, руҳонийлар ва савдогарлар ичидан танлаб олинган ва бевосита подшо томонидан тайинланган.

**ДУҒМА** (ўзб.)— Хева хонлиги даврида Хоразмдаги эронлик қуллар.

## Е

**ЕПИСКОП** (грек.)— назоратчи; христиан-православ, католик, англикан черковидаги кашишлик унвонла-

рининг учинчиси, диакон (дьякон) ва черевдан сўнги юқори диний мансаб — черков маъмуриятининг бошлиғи. Е. илк христианлик жамоаларида 2-асрда пайдо бўлган, олдин жамоа мулкни, сўнграқ черков аппаратини бошқарган. Христианлик Рим империясида давлат дини бўлиб қолгач, Е. ҳукмрон синфлар ҳомийсига айланган. Е. ларнинг энг эътиборлилари архиепископ (айрим черковларда митрополит ва патриарх) деб аталган. Е. лар оила қуриш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Е. ларни православие черковларида давлат ҳокимияти, католик черковларида папа тайинлаган. Россияда Е. христиан дини расмий равишда қабул қилингандан бошлаб (988) жорий этилган. 12-асрдан бошлаб Е. ни улуғ князь тайинлаб, Константинополь патриархи тасдиқлаган. 1448 йилдан эътиборан Е. ларни Москва улуғ князларининг розилиғи билан черков сайлаб қўядиган бўлган. 1721 й. да Пётр I чиқарган руҳонийлар регламенти Е. мустақиллигини чеклаб қўйган ва уни маҳаллий полиция-бюрократик аппарат бошқармаларининг бир қисмига айлантирган.

**ЕРЕТИК, ЕРЕСЛАР** (грек.) — бидъатчи; ҳукмрон динга ва черков ақидаларига хилоф бўлган диний-клерикал таълимот. Урта асрларда феодализмнинг таянчи бўлган ҳукмрон христианликка ва унинг черковга мухолиф бўлган диний йўналиш. Одатда Е. мавжуд феодализмга қарши халқ оммаси норозилигининг диний ниқоби ролини ҳам ўтаган.

**ЕР ЖАМИЯТИ** — Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида деҳқон хўжалиklarининг ердан умумий фойдаланишга асосланган бирлашма-

лари. Мамлакатда ёппасига коллективлаштириш амалга оширилгач, Е. ж. тугади.

**ЕР КОМИТЕТИ** — 1917 й. апрелида помешчиклар маффаатини кўзлаб Муваққат ҳукумат деҳқон қўзғолонлари ва деҳқонлар томонидан помешчик ерларини босиб олинишига йўл қўймаслик мақсадида ташкил қилган. Е. к. нинг марказий ва маҳаллий органлари бўлиб, унинг аъзолари асосан кадетлар (қ.), эсерлардан (қ.) ташкил топган ва Муваққат ҳукумат томонидан тайинланган. Е. к. нинг асосий вазифаси ер ислохоти учун материаллар тўплаш ва ислохот тайёрлаш эди. Е. к. Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг 1917 й. декабрида тарқатиб юборилди.

**ЕР ЭГАЛИГИ** — ерга хусусий мулк сифатида ёки ижара йўли билан эгалик қилиш. Ерга эгалик қилиш шакли ишлаб чиқариш усулига боғлиқдир. Ибтидий жамоа тузумида ер жамоа мулки ҳисобланиб, қабила аъзолари ердан тенг фойдаланганлар, қулдорлик тузумида ер асосан қулдорларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Феодализмда ер феодаллар ва диний жамоаларнинг мулки бўлади. Капитализмда ер хусусий мулк бўлиб, у катта ер эгалари — дворянлар, буржуазия ва деҳқонлар қўлида бўлади. Капитализм ривожлана борган сари майда ишлаб чиқарувчилар бўлган деҳқонлар ерининг талай қисми катта ер эгаси қўлига ўтиб кетади. Подшо Россиясида аҳолининг икки процентини ташкил этган дворянлар қўлида ҳамма ернинг 60% ти тўпланган эди. Бошқа капиталистик давлатларда ҳам аҳвол шундай. Октябрь социалистик революцияси ерга хусусий мулкчиликни

тугатиб, ерни давлат қўлига топширди. Халқ демократияси давлатларида амалга оширилган аграр реформага кўра, ерга помешчик эгалиги тугатилиб, ернинг асосий қисми ерсиз ва кам ерли деҳқон ва халқ-демократик давлати қўлига топширилди.

**«ЕР ВА ЭРК»** («Земля и воля») — 19-асрнинг 60-йиллари бошида (1862—1864) Россияда вужудга келган яширин революцион ташкилот. 1861 й. реформаси арафасидаги революцион вазият, оммавий ҳаракатнинг кўтарила бошлаши, 1861 й. 19-февраль низомининг кучга кириши муносабати билан деҳқонлар оммавий қўзғолонларининг етилиши «Е. э.»нинг ташкил топишига сабаб бўлган. «Е. э.»нинг устози ва руҳлантирувчиси Н. Г. Чернишевский бўлиб, ака-ука Н. А. ва А. А. Серно-Соловьевичлар, А. А. Слепцов, А. И. Герцен, Н. П. Огарёв, Н. Н. Обручев, В. С. Курочкин ва бошқалар катта роль ўйнаганлар. «Е. э.»нинг марказий комитети Петербургда бўлиб, Москва, Қозон, Новгород, Пермь ва Украинада маҳаллий комитетлари бўлган. «Халқ ичига юриш»нинг таъқиблардан сақланиб қолган «Е. э.» иштирокчилари ва ёш революционерлар М. А. ва О. А. Натансон, А. Д. Михайлов, Г. В. Плеханов, А. Д. Оболашев ва бошқалар эди. «Е. э.» ўқувчи ёшлар, ишчилар ва асосан деҳқонлар орасида агитация ва пропаганда ишлари олиб борган. «Е. э.» деҳқонлар оммасини самодержавиега қарши курашга даъват этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. «Е. э.» курашнинг революцион ҳаракат учун хатарли ва нотўғри усулини — подшо хонадонининг айрим аъзоларига қарши якка террор усулини таялаб олган. «Е. э.» ташкилоти 1879 йилда «Халқ эрки» (қ.) ва «Чёрный предел»га ажралган. «Е. э.»

халқ, қўшин ва «маълумотли синфлар»га қарата хитобномалар тарқатган ва агитация олиб борган. «Е. э.» илгари деҳқонлар қўлида бўлган ерларни ҳеч қандай махсус тўловсиз деҳқонларга бириктириш, армиянинг ярмисини қисқартириш, мамлакатнинг амалдорлар томонидан бошқарилишини тугатиб, деҳқонларнинг ўз-ўзини бошқариш тартибини жорий этишни талаб қилган. 1863 й. да революцион вазият тугади, революционерлар кутган деҳқон қўзғолонлари бошланмади. Польша қўзғолони (1863) бостирилди, чор реакцияси кучайди, революцион-демократ интеллигенцияга қаттиқ зарба берилди, ана шундай шароитда «Е. э.» фаолияти тўхтади (1864). «Е. э.» деҳқонлар оммасини самодержавиега қарши курашга кўтариш учун 1876 й. да Петербургда революцион «народник»лар томонидан тузилган партия. «Е. э.»нинг асосий намояндalари А. Д. Михайлов, Г. В. Плеханов, С. М. Кравченский, О. В. Олтекман ва бошқалардир.

**ЕР ҲАҚИДАГИ ДЕКРЕТ** — ер ҳақидаги биринчи совет қонуни. «Е. ҳ. д.» В. И. Ленин томонидан ёзилиб, 1917 й. 27 октябрга ўтар кечаси (8-дан 9 ноябрга ўтар кечаси) Бутун Россия Советларининг II съезди томонидан қабул қилинди. «Е. ҳ. д.» помешчиклар, черков, монастырь, подшо ва унинг хонадонига қарашли ҳамма ерларни қишлоқ хўжалик асбоблари, бинолар билан бирга давлат ихтиёрига топширди. Декрет асосида ер умумхалқ мулкига айланди, яъни ерга хусусий мулкчилик бекор қилинди, ер ости бойликлари, ўрмон ва сувлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

**ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ** — Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мустамлакачилик қолдиқлари ҳамда катта ер эга-

лигини тугатиш, ерни камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларга тақсимлаб бериш учун Совет ҳукумати 20-йилларда ўтказган ижтимоий-иқтисодий тадбир. Ислоҳот батрак ва камбағалларни бой-қулоқлар зулмидан қутқарди ва меҳнаткашларни Совет ҳокимияти атрофида жипслаштиришга ёрдам берди. Е. с. ислоҳоти Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг феодализмдан тўғридан-тўғри социализмга ўтишида катта аҳамият касб этди.

**ЕР РЕНТАСИ** — қулдорлик, феодализм ва капитализм даврида ерни бевосита ишловчилар — деҳқонлардан ердан фойдаланганлик учун ер эгалари фойдасига ундириладиган солиқ. Феодализмда уч хил Е. р. мавжуд: 1 бунда крепостной деҳқон ҳафтада бир неча кун феодал ерида ишлаб беради, бу ишлаб бериш рентаси ёки баршчина деб аталади; 2 деҳқон ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бир қисмини ер эгасига беради. Бу маҳсулот рентаси оброк деб аталади; 3 пул рентаси — бунда крепостной деҳқон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бир қисмини бозорда сотиб, пулини ер эгасига беради. Капиталистик қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш йўли билан яратилган ва ер эгалари томонидан текинга ўзлаштирадиган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми.

## Е

**ЕЛЛАНМА АРМИЯ** — ажнабий ёки маҳаллий аҳолидан солдат ва офицерлар ёллаш йўли билан тўлдириладиган қуроли кучлар — армия. Қадимги Шарқнинг Миср, Эрон ва бошқа мамлакатларида кенг қўлланилган. Ўрта Осиёда эса ҳокимнинг отлиқ ва пиёда аскарлардан иборат бўлган шахсий тўдалари. 15—17-аср-

ларда Фарбий Европанинг кўпгина давлатларида доимий армиянинг куртаклари сифатида тараққий қилди. 17-асрдан бошлаб қуроли кучлар ёлланма қўшинлар билан бир қаторда халқдан аскарликка олинган кўнгилчилар ҳисобига тўлдирила бошланди. Е. а. кондотьерлар, ландскнехтлар, янчарлар ва бошқа номлар билан юритилган. Россияда Е. а 1700 й. да Нарва жангидаги мағлубиятдан сўнг Пётр I томонидан тарқатиб юборилган. Ҳозирги вақтда АҚШ, Англия, ГФР ва бошқа империалистик давлатлар мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий озодлик ҳаракатларини бўғиш мақсадида Е. а. дан фойдаландилар.

**ЕЛЛАНГАН МЕҲНАТ** — капиталистик ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш мақсадида эксплуатация қилинадиган ишчининг меҳнати. Капиталистик жамиятда ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи капиталистларга ўз кучини сотиб, улар учун қўшимча қиймат яратадиган кишиларнинг меҳнати. Е. м. капитализмда меҳнатнинг ҳукмрон формасидир.

**ЕШ БУХОРОЛИКЛАР** — Бухоро жадидлари (қ.) нинг сўл оқимидан ташкил топган (1917 й.) партия. Тараққийпарвар зиёлилар, шаҳар камбағаллари ва маҳаллий буржуазия вакилларидан ташкил топган Е. б. дастлаб мавжуд феодал тузумга қарши демократик ислоҳотлар ўтказиш тарафдори бўлганлар. Октябрь революциясигача Е. б. конституцияли монархия учун курашган. Революциядан сўнг Е. б. амир ҳокимиятига қарши курашда муайян тажриба ортириб, ўзбек ва тожик тилларида журнал ташкил этдилар, Бухоро

амирлигида социалистик гоёларни пропаганда қилдилар. Аста-секин Ё. б. ташкилотининг аъзолари амирликда ва ундан ташқарида ҳам кўпая борди. Файзулла Хўжаев, Абдуқодир Муҳиддинов, Собиржон Юсупов ва бошқалар Ё. б. да катта роль ўйнадилар.

Ё. б. революцияни тайёрлашда Бухоро Компартияси (1918 й. 25 сентябрда тузилган) билан блок тузган ҳолда иш олиб борди. Бухорода революция ғалаба қилгач, Ё. б. партияси ўз тарихий вазифасини бажарди ва унинг аъзолари умумий асосда Бухоро Компартияси сафига қабул қилиндилар.

**ЕШ ТУРҚЛАР**—1889 й. да ташкил этилган турк буржуа-помешчик миллатчилик партияси. Иттиҳод ва тараққиёт партияси аъзоларининг европача номи. 1908 й. даги буржуа революцияси натижасида Ё. т. лар ҳокимият тепасига келдилар, реакцион пантуркистик сиёсат юргиздилар. Биринчи жаҳон урушида Туркия мағлубиятга учрагач, Ё. т. партияси туғаб кетди (1918 й.).

**ЕРЛИҚ** (*турк.*)—ёрлик, фармон, буйруқ; 1 ҳукмдор, хон, амир, султон ва бошқалар томонидан ҳалққа маълум қилиш лозим бўлган муҳим воқеа ҳақида берилган ёзма буйруқ; 2 ҳукмдор томонидан айрим мансабдор ёки руҳонийга бирор имтиёз берилиши ҳақида муҳр билан тасдиқланган ҳужжат; 3 рус князларининг тахтга ўтириши вақтида Олтин Ўрда (қ.) га қарамликлари нишониси тариқасида Олтин Ўрда хонлари томонидан берилган ҳужжат; мўғул-татарлар ва ўзбек хонликларида хоннинг ёзма фармони, ёрлиги.

## Ж

**ЖАКЕРИЯ, ЖАК** (*фр.*)—жак—гул; ўрта асрлар Франциясида феодаллар томонидан деҳқонларга қўйилган лақаб. Францияда 1358 й. баҳорида Гильомкаль бошчилигида кўтарилган деҳқонлар қўзғолони. Францияда юз йиллик уруш (1337—1453) натижасида вужудга келган иқтисодий танглик, феодал зулмининг кучайиши, ёлланган аскарларнинг талон-тарожи ва янги солиқлар солиниши, 1347 й. да вабо («қора ўлим») вақтида маъмурларнинг адолатсизлиги. Феодаллар зулмига қарши Пикорлида кўтарилган, Шампанны ҳам қамраб олиб, Парижгача ёйилган қўзғолон. 1353 й. да қўзғолон бостирилган.

**ЖАЙХУН** (*а.*)—катта; Амударёнинг қадимги номларидан бири бўлиб, 8-асрдан бошлаб шундай номланган.

**ЖАЛЛОД**—эксплуатацияга асосланган жамиятда одамларни қатл этиш, тан жазоси ҳақидаги фармонни ижро этувчи шахс.

**ЖАЛОЙИР, ЖАЛОЙИРЛАР**—турк ва мўғул қабилаларининг аралашishi натижасида ташкил топган йирик қабилалар уюшмаси. Улар 10 қабиллага бўлиниб, ҳар бирига саркарда—қабил бошлиғи бошчилик қўлган. Чингизхон салтанатида Ж. дан бўлган талайгина беklar ва саркардалар хизмат қилганлар Оғон ва Керулен водийсида яшаган Ж. лар 12-аср охири ва 13-аср бошларида Еттисув ва Ўрта Осиёга кўчиб келган (Оҳангарон водийси, Хўжанд райони, Тошкент воҳаси, Зарафшон бўйлари) Ж. нинг катта бир группаси Озарбайжон ва Ироққа бориб жойлашиб, жалойирлар давлатини тузадилар. Ўрта Осиёда яшаган Ж. лар ўзбек, қozoқ, қора-

қалпоқ ва қирғизлар составига кирадилар.

**ЖАМИЯТ** — жамоат, иттифоқлик; тарихий тараққётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишининг муайян усуллари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси. Ж. ҳар доим маълум ижтимоий формация шаклида яшайди. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўзаро муайян ижтимоий алоқа ва муносабатда бўладилар. Ишлаб чиқариш муносабатларининг жами ижтимоий муносабатлар деб аталадиган нарсани, жамият деб аталадиган нарсани бунёдга келтиради.

**ЖАМОА** (а.) — асосан ибтидоий жамоа тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклиларидан бири. Ж. учун ишлаб чиқариш воситалари (кўпинча ер)га коллектив эгалик қилиш, ўз-ўзини идора этиш ҳуқуқидан тўла ёки қисман фойдаланиш характерлидир. Жамият тараққёти жараёнида Ж. шакли ва мазмуни ўзгара боради. Ж. нинг уруғ жамоаси ёки уй-онла жамоаси, қўшничилик жамоаси ёки территориял жамоа каби кўринишлари бор. Натурал хўжалик тамомила тугаб кетмаган айрим капиталистик мамлакатларда Ж. баъзи ўзгаришлар билан давом этади. Революциягача бўлган Россияда чоризм қишлоқ жамоасини солиқларни ундирувчи аппарат шаклида сунъий равишда сақлаб қолган. Октябрь социалистик революциясидан сўнг, айниқса қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилгач қишлоқ Ж. си тугаб кетди.

**ЖАМШИД** (форс.) — энг юқори мартабали, улуғ подшоҳ; Эроннинг қадимги афсонавий подшоларидан бирининг номи.

**ЖАНДА** (форс.-тож.) — қаландарлар (қ.), дарвешлар (қ.) шайхлар (қ.) нинг улоқ-қуроқ ёки рўдопо устки кийими.

**ЖАНГГОҲ** — жанг жойи, жанг бўладиган жой.

**ЖАНДАРМЕРИЯ** (фр.) — мамлакат ва армияда ички хавфсизликни таъминловчи полициянинг ҳарбий отрядлари; яширин полициянинг бир тури. Ж. биринчи марта Францияда 1791 й. да ички тартибни назорат қилиш учун ташкил этилган. Ж. нинг асосий вазифаси — демократик ҳаракатларни шафқатсизлик билан бостириш, коммунистик ва бошқа прогрессив партиялар аъзоларини қаттиқ назорат ва таъқиб қилишдан иборат. Кўп сонли фашист тўдалари (АҚШ да — Америка легиони, «Ку-клукс-клан», «Колумб рицарлари», «Кумуш кўйлак» ва бошқалар; Францияда — «Оммавий ташкилот»; Англияда — Мосли. Бундан ташқари, Англияда Ирландиядаги миллий озодлик ҳаракатига қарши 1930 йилда тузилган махсус Ж. бор). Тараққийпарвар арбобларни, иш ташлаган ишчиларни судсиз ваҳшёнга жазолаш, калтаклаш ва қатл қилиш — Ж. нинг иш усулларидандир. Чор Россиясида декабристлар қўзғолони бостирилгандан кейин Ж. крепостной ҳуқуқ ва подшо ҳокимиятига қарши революцион ҳаракатга, илғор жамоат арбобларига қарши курашиш мақсадида тузилган. Ж. корпуси император канцеляриясининг махсус Учинчи бўлимига бўйсундирилган. Учинчи бўлим бошлиғи Ж. полициясининг шефи (раҳбари) ҳисобланган. Ж. полициясининг биринчи шефи ашаддий реакционер-аракчеевчи, мамлакатда ҳар қандай озодлик ғояларини бўғувчи — Бенкендорф эди. Ж. ҳамма ва ҳар қандай қабиҳ воситаларни ишга солиб эзилган синфларнинг революцион

ҳаракатини бостириш, рус жамиятидаги прогрессив анъаналарни бўғиш билан шугулланган. 1878 й. да чиқарилган қонун Ж. полициясига исталган вақтда заводлар, фабрикалар ва бошқа жойларда тингув ўтказиш ва лозим кўрилган кишиларни қамаш ҳуқуқини берган. 1830 й. да Учинчи бўлим тугатилиб, Ж. полициясининг вазифаси полиция департаментига юкланган. Ж. га шефлик қилиш вазифаси ички ишлар министрлиги ихтиёрига ўтган.

**ЖАРЧИ** — феодализм даврида ҳукмдорнинг халққа қарата чиқарган фармонини, уруш эълон қилиш ёки уруш тугаганлиги ҳақидаги хабарини, айрим шахсларни тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги амрини ва шу каби хабарларни бозор майдони ва бошқа жамоат кўп тўпланадиган жойларда баланд овоз билан эълон қиладиган шахс. Жарчилар халойиқнинг диққатини жалб этиш учун ўз хабарларини:

Ҳоо! Боғда битган бодамлар!

Ҳоо! Бозордаги одамлар!

Биз тарафга қаранглар!

Эшитмадим десанглар!.. каби сўзлар билан бошлаганлар. Матбуот, радио ва телевидение пайдо бўлгандан сўнг Ж. га бўлган эҳтиёж йўқолди.

**ЖАҒИР, ЖА** (форс.)—16—18-асрларда бобурийлар империяси (қ.) даврида Ҳиндистонда феодал ер эгаллигининг формаси. Феодал — жағирдор ўз мулки (жағирида)ги деҳқонлардан ундирган давлат солиғининг бир қисmini ўзи олган. Бунинг эвазига жағирдор муайян миқдорда қуролланган отлиқлар, артиллерия ва юк ташувчи ҳайвонлар сақлаши, кўприк, суғориш иншоотлари қуриши ва уларни ремонт қилиши лозим бўлган. Ж. 17-асргача мерос мулк бўлмай, балки фақат ҳукмдор томонидан

инъом қилинган, 17-асрнинг 2-ярмидан бошлаб феодалларнинг хусусий мулкига айлана бошлаган.

**ЖАҒИРДОР** (форс.)— Ж. эгаси — жағирдорлар асосан мусулмонлар бўлиб, феодаллар юқори табақасига мансуб кишилар эди. Ҳиндистон республикасида 20-асрнинг 50-йилларида ўтказилган ислохот натижасида Ж. ерларининг талайгина қисми давлат фойдасига мусодара қилинди.

**ЖАҲОН ИНДУСТРИАЛ ИШЧИЛАРИ** (Индустриальные рабочие мира — ИРМ)—1905 й. да америка ишчилар ҳаракати юксалган шароитда АҚШ да тузилган касаба союз ташкилоти; ишлаб чиқаришда юнионизм позициясида турувчи жанговар революцион иттифоқ сифатида ташкил этилган; ИРМ программасида капитализм системасини тугатиш кўзда тутилган. ИРМ асосан малакасиз ва кам иш ҳақи олувчи ишчиларни бирлаштирган. 1908 йилга келиб, ИРМ да раҳбарликни анархосиндикалистлар қўлга олдилар. Шундан бошлаб ИРМ ҳар қандай сиёсий фаолиятга қарши чиқди, партиянинг раҳбарлик ролин, пролетариат диктатураси учун кураш зарурлигини инкор қилди. Биринчи жаҳон империалистик уруши йилларида ИРМ урушга қарши позицияда туриб, шовинистлар томонидан олға сурилган синфий келишув сиёсатиға қарши фаол кураш олиб борди. ИРМ нинг илгор қисми Улуғ Октябрь социалистик революциясини қизғин кутиб олди. ИРМ нинг энг яхши кишилари АҚШ Компартиясига аъзо бўлиб кирдилар. АҚШ маъмурияти ИРМ ни қаттиқ таъқиб остиға олди, 1918 й. да унинг энг актив аъзоларидан икки минг киши қамоқда эди. ИРМ 150 та йирик стачка уюштирди, ИРМ АҚШ ишчилар ҳаракати тарихида чуқур из қолдирди, лекин ишчилар синфининг ом-

мавий ташкилоти бўла олмади. ИРМнинг жанговар революцион қисми ундан чиқиб кетгач, реакция зарбаси остида ва ўнг сектант раҳбарлари амалга оширган оппортунистик сиёсат натижасида ИРМ кичик сектага айланди.

**ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ЖКФСФ)** — демократик касаба союзларининг энг катта халқаро бирлашмаси. ЖКФСФ 1945 йилда касаба союзларининг Парижда бўлиб ўтган 1-Жаҳон Конгрессида тузилган. Унга СССР бошлиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг касаба союзлари, капиталистик ва озодликка эришган мамлакатларининг касаба союзлари киради. У ўз сафида 190 млн. га яқин кишини бирлаштиради. ЖКФСФнинг юқори органи — Жаҳон Касаба Союзлари Конгресси бўлиб, қароргоҳи — Париж. ЖКФСФ уставида урушга ва уни келтириб чиқарувчи сабабларга қарши кураш, бутун дунё меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, социал ҳуқуқларига ва эркинликларига ҳар қандай тажовузларга қарши барча мамлакатлар касаба союзларининг умумий курашини уюштириш вазифалари белгиланган.

ЖКФСФ жаҳон меҳнаткашларининг империализмга қарши, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар хавфсизлиги учун курашида фаол қатнашмоқда.

**ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИ** — социализм ва коммунизм қуриш йўлидан бораётган озод, суверен халқларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамкорлиги. Ж. с. с. СССР, Польша, Куба, Болгария, Чехословакия, Венгрия, Руминия, ГДР, ҚХДР, Монголия, Вьетнам, Хитой, Югославия, Албания, Лаос сингари мамлакатларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси натижасида социалистик система вужудга келди. Жаҳонда биринчи социализм мамлакати 1919 йилда жаҳон территориясининг 16% ини, аҳолисининг 7,8% и, саноат маҳсулотининг 3% дан камроғини ташкил этган эди. 1921 й. да монгол халқи ҳам социалистик жамият қуриш йўлига ўтди. Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси ва милитаристик Япониянинг тор-мор этилиши 1944—1948 й. да Польша, Болгария, Чехословакия, Албания, Югославия, Венгрия, Руминияда халқ-демократик ҳокимияти ўрнатилишига олиб келди. 1949 й. да Германиянинг шарқий қисмидаги Германия Демократик Республикаси социалистик давлатлар оиласига қўшилди. 1949 й. да Хитой революцияси гадаба қозонди. 1949 й. да Корея Халқ Демократик Республикаси эълон қилинди. 1954 й. да Америка қитъасида биринчи социалистик давлат — Куба республикаси вужудга келди. Натижада социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. 1975 йил баҳорида Вьетнам халқи Америка босқинчиларига қарши олиб борилган узоқ кураш натижасида ўз мамлакатини тўла озод қилди. 1976 йилнинг 25 июнида мамлакатнинг бутун территориясини бирлаштирган Вьетнам Социалистик Республикаси эълон қилинди. 1975 йил 2 декабрда эълон қилинган Лаос Халқ-Демократик Республикаси ҳам социализм қурилиши йўлига қадам қўйди. Социалистик системадаги давлатларнинг умумий майдони 35,2 млн. км<sup>2</sup>, аҳолиси 1144 млн. киши бўлиб, дунё территориясининг 25,9% ини, дунё аҳолисининг 35% ни ташкил қилади.

**ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ (ЖТК)** — жаҳон тинчлик тарафдорла-



ри ҳаракатининг жаҳон кенгаши ва сессияларида сайланадиган доимий юқори органи. Жаҳон тинчлик тарафдорларининг биринчи конгресси 1949 й. да бўлиб ўтган. Доимий комитет ўрнига Варшавадаги иккинчи жаҳон конгрессида (1950 й.) ташкил этилган. ЖТК нинг асосий вазифаси — жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, агрессияга ва зўр бериб қуролланишга қарши курашиш, ядро қуроллини тақиқлаш, ялпи ва тўла қуролсизланиш, турли хил ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши, давлатлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни музокара-лар йўли билан ҳал этиш. Олий органи — Жаҳон конгресси. Раҳбар органи — Сессия.

**ЖЕНЕВА БИТИМИ** (1954 й. 21 апрелдан 21 августгача) — СССР, ХХР, Буюк Британия, АҚШ ва Франция ташқи ишлар министрлари томонидан Ҳинди-Хитой ҳақида қабул қилинган битим (битимни тайёрлашда ВДР, Камбоджа, Лаос ва Жанубий Вьетнам вакиллари ҳам қатнашганлар). Ж. б. асосида 1955 й. сентябрдан Франциянинг Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларига қарши уруши тўхтади. 1964—65 й. АҚШ нинг Ҳинди-Хитойда бошлаган ҳарбий ҳаракати Ж. б. ни қўпол равишда бузишди.

**ЖЕНЕВА КЕНГАШЛАРИ** — 1955 й. 18—23 июлдаги ҳукумат бошлиқлари кенгаши. СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукумат бошлиқлари кенгашида Германия масаласи, Европа хавфсизлиги ҳақидаги масала, қуролсизланиш, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги алоқани ривожлантириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди; 2 (1955 й. 27 октябрдан 16 ноябргача) СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрлари иштирокида ҳукумат бош-

лиқлари Ж. к. да муҳокама қилинган масалаларни кўриб чиқдилар. СССР нинг бир томонлама ён беришига эришишга уринган ғарб давлатларининг тутган йўли бирор қарорга келиш имконини бермади.

**ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ** — 1949 й. 12 августда уруш қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақида имзоланган халқаро конвенция: а) ҳаракатдаги армияда яраланган ва касалланганлар тақдирини яхшилаш; б) денгиздаги қуролли кучлар составидан кема ҳалокатида яраланган, касалланганлар тақдирини яхшилаш ҳақида; в) ҳарбий асирларга муносабат масаласида; г) уруш вақтида граждандан аҳолини ҳимоя қилиш ҳақида. Бу конвенцияда СССР ҳам қатнашган.

**ЖИЛОВДОР** — Бухоро ва Хева хошликларида хоннинг ёки бошқа олий мартабали кишининг отини қабул қилиб олувчи; отни жиловловчи ва от эгасини отга миндириб ва тушириб қўювчи хизматкор.

**ЖИРОНДАЛИКЛАР** (фр.) — 18-аср охиридаги француз буржуа революцияси давридаги катта ер эгалари ҳамда савдо ва саноат буржуазиясида ташкил топган сиёсий партия. Революциянинг дастлабки даврида Ж. якобинчилар (қ.) ва бошқа революцион кучлар билан биргаликда абсолютизмга қарши чиққан, 1792 й. да якобинчилар (қ.) дан ажралиб, уларга қарши муросасиз курашган ҳамда Ж. П. Маратни ўлдиришда иштирок этган. Ж. 1794 й. термидор тўнтарында сўнг контрреволюциянинг жанговар кучига айланган. 1791 йилги қоғуш чиқарувчи мажлисда асосий ўринни эгаллаган вакилларнинг кўпчилиги жирондалик бўлгани учун шундай ном олган.

**ЖИҲОД** (а.) — газавот, «муқаддас уруш»; Ж. да ҳар бир киши ғайридинлилар бўйсунмаган тақдирда

уларни қилишдан ўтказиб, мусулмон динини тарқатиши лозим. Ж. да ҳалок бўлган киши шаҳид ҳисобланиб, унга жаннат ваъда этилади, ғалаба қилган киши ғозий ҳисобланиб, ҳар қандай гуноҳлардан ҳалос бўлади ва гўё охиратда роҳат-фароғатда яшайди. Феодал мусулмон давлатлари Туркия, Эрон ва Хиндистонда мўғул империяси тушкунликка учраган даврда Ж. диндорлар диққатини синфий курашдан четга тортиш мақсадида босқинчиликка ундаш ва халқнинг революцион ҳаракатларини бостириш вазифасини ўтади. Янги ва энг янги даврда реакция феодал доиралар Ж. дан кўпинча инглиз мустамлакачиларининг ифвогарликлари (Эронда, Урта Осиёда ва қисман Шимолий Кавказда) ва герман империалистларининг айби билан (биринчи жаҳон империалистик уруши даврида Туркияда) халққа қарши мақсадларда фойдаландилар.

Ж. 19-аср охирида Суданда, 20-асрнинг 10—20-йилларида Ливияда, 1920 йилда Ироқ кўзғолони вақтида, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Уммонда халқ оммасининг мустамлакачиларга қарши стихияли курашларида идеология ифодаси бўлиб хизмат қилган.

**ЖОЛНЕР** ёки **ЖОЛНЁР** (поляк)— поляк сарбози, пиёда аскар.

### **ЖОМЕ МАСЖИД, МАСЖИДИ**

**ЖОМЕ** — шаҳар ёки маълум районнинг жума ва ҳайит намози ўқиладиган энг катта, марказий масжиди. Ўтмишда Ж. м. ларда ҳукуматнинг муҳим фармонлари эълон қилинган.

**ЖОН СОЛИГИ** — 1 араб империясида мусулмон бўлмаган эркин аҳолидан жон бошига олинадиган солиқ; 2 Россияда 1722 йилда Пётр I томонидан армия таъминоти учун жорий этилган солиқ. Ж. с. дан дворянлар ва руҳонийлар озод этилган-

лар. Бора-бора Ж. с. одатдаги солиққа айланиб, 1887 й. (Сибирда 1899 й. да) бекор қилинган.

**ЖУББА, ЖИЙБА, ЖЕВА** — қадим замонда пўлатдан ясалган ҳарбий кийим. Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари қўшинида жангчини ёй ўқи, қилич ва найзадан сақлаш учун 1,5—2 мм диаметрли симларни қалин тўр сингари тўқиб, кўйлак ва калта шим шаклида тайёрланган. Ўт очувчи қурол, жумладан, милтиқ жорий этилгач, Ж. ўз аҳамиятини йўқотган.

**ЖУББАЧИ, ЖИЙБАЧИ** ёки **ЖЕВАЧИ** — яроқ-аслаҳа омборининг бошлиғи; ўзбек хонликларида саройдаги мансабдорлардан бири.

**ЖУЙБОРЛАР** ёки **ЖУЙБОР ХУЖАЛАРИ** — Хўжа Баховуддин Нақшбанд (1318—1388-89) асос солган нақшбандия (қ.) тариқотининг йирик намоёндалари. Ж. лар Бухоро яқинидаги Жуйбор қишлоғидан чиққан бадавлат ва нуфузли руҳоний ва феодаллардир. Ж. лар жуда кўп ер-мулк, чорва, савдо корхоналари, қуларга эга бўлганлари учун бойб кетганлар. Шайбонийлар ва аштрахонийлар салтанати даврида (16—17-асрлар) Ж. лар хонларнинг пири (қ.) ҳисобланганлари туфайли мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнадилар. 17-асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида феодал урушлари туфайли рўй берган оғир шароитда Ж. ларнинг ер-мулклари ворислари ўртасида бўлиниб кетиши натижасида олдинги мавқеларини йўқота бордилар.

**ЖУВОЗ** (форс.-тож.) — мой чиқарадиган дастгоҳ; ўтмишда Шарқ мамлакатларида зиғир, кунжут, чигит, ёнғоқ, данак мағзи, қовун, қовоқ, тарвуз уруғларидан ёғ ажратиб олувчи ускуна.

**ЖУЗЯ** (а.) — ҳумс; дастлаб араб

халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида шариат нормасига кўра, ғайри диндаги кишилардан олинган жон солиғи; Ж. ўтмишда мусулмонлар орасида яшовчи маҳаллий яҳудийлардан пул ёки натура билан ундирилган солиқ.

**ЖУЖИ УЛУСИ** — Чингизхон империясининг 1224 й. даги бўлинишида унинг катта ўғли Жўжихонга теккан мулк-улус. Ж. у. Иртишдан Урал тоғларигача ва Ғарбда «мўгул оти тўёқлари еган ергача» бўлган ўлкаларни қамраб олган. Жанубда — Чигатой улуси (қ.) билан чегарадош бўлган. Батухоннинг истилолари (1238—1242) натижасида Шарқий Европа ҳам, Ж. у. га вассал сифатида бўйсундирилган, унга Жанубий Россия, Қрим, Закавказье ҳам кирган ва 13-аср ўрталаридан эътиборан Олтин Ўрда (қ.) деб атала бошлаган.

### 3

**ЗАБАСТОВКА, СТАЧКА** — қаралсин: Иш ташлаш.

**ЗАДРУГА** (*слав.*) — 1 жанубий славянларда патриархал оилавий жамоа; 2 Югославия Социалистик Федератив Республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативи; 3 умумий хўжаликни, ер ва мол-мулкларни оқсоқол бошчилигида биргаликда бошқариш. 3. нинг тарқалиб кетиши 19-асрнинг 2-ярмига тўғри келади.

**ЗАКУП** (*рус.*) — 11—12-асрларда қадимги Русь (Киев) давлатида феодалга қарамликнинг бир категорияси; феодалдан олган қарзи эвазига ишлаб берадиган деҳқон. Қарз (купа)ни тўлаш билан закуп — қарамликдан қутулиш мумкин бўлган. Феодал унга тан жазоси бериши

мумкин бўлган, агар 3. қочиб кетса тутиб олгач, феодал уни холоп (қул)га айлантирган. Лекин 3. феодалнинг зулмидан норози бўлиб, шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган. 3. сотилмаган ва сотиб олинмаган ва муайян бир мулкка эга бўлган. 3. феодал инвентари билан унинг ерини ишлаб берган ва ўз хўжалигида ҳам ишлаган. 3. ривожланиб бораётган феодал хўжалигини иш кучи билан таъминловчи асосий манбалардан бири бўлган. 3. ни феодал ўлдира олмайди, ишлаб пул топиш учун у феодалдан кетиб қолиши, хўжайин устидан судга шикоят қилиши мумкин; 2 қадимги Русда ёлланган қишлоқ хўжалик юмушчиси.

**ЗАНД** (*форс.*) — зардушт дини ақидалари баён этилган муқаддас китоб.

**ЗАКОТ** (*а.*) — тозаланиш, тозаллик; ислом дини тарқалган мамлакатларда аҳолидан умумий бойлигининг қирқдан бири миқдорида ундириладиган диний солиқ. 3. даставвал Оллоҳнинг раҳмини келтириш учун садақа бериш, кейинчалик гуноҳлардан тозаланиш маъносини билдирган. Қуръонда кўрсатилишича, закотдан келадиган даромад пайғамбар ва унинг оила аъзолари, жисмоний ожиз кишилар, етим-есирлар, ночор мусофирларга, саёхатчилар ва «муқаддас уруш» иштирокчиларига ёрдам бериш учун йиғилган. Бора-бора 3. хайр-эҳсондан барча мусулмонлар тўлаши лозим бўлган пул солиғига айлана борган. Сўнгра 3. қишлоқ хўжалиги, савдо, ҳунармандчиликдан йиллик умумий даромаднинг қирқдан бири миқдорида олинадиган солиққа айланган.

Ўзбек хонликларида чорва моллари ва мулкдан даромаднинг қирқдан бири миқдорида ундирилиб,

амалдорлар ва руҳонийларни таъминлаш учун тўпланган.

**ЗАКОТЧИ** (*а.*)— аҳолидан закот пул ва молларни ундирувчи амалдор. З. Бухоро амирлигида муҳим мансаб ҳисобланган. Девонбеги (*қ.*) закотчи ҳисобланиб, амирнинг молиявий ишларини ҳам бошқарган.

**ЗАМИНДОР** (*форс.*)— ер эгаси, феодал. Ҳиндистон ва Покистонда йирик ер эгаллиги шаклларидан бири. Ҳиндистон феодал давлатларида (айниқса Бенгалия, Бихар, Орисса, Мадхия-Прадеш, Мадорас ва бошқа штатларда) катта ер эгалари. Деҳли султонлигида ва Бобурийлар империясида вассал ҳокимлар (рожа, султон ва маҳаллий элат бошлиқлари) З. деб юритилган. 17—18-асрларда Ҳиндистоннинг айрим ерларида деҳқонлар ҳам З. деб аталганлар. Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлик қилган даврда З. феодал маъносида юритилган. З. ерлари жағир (*қ.*) ерларидан фарқли ўлароқ, меросга қолдирилган. Ҳиндистон мустақил бўлгач, З. ҳуқуқи бекор қилинган.

**ЗАРБХОНА** — олтин, қумуш ва мис-жездан танга-чақа зарб қилинадиган муассаса. Энг қадимги З. лар Шарқ мамлакатларида, сўнграқ Греция ва Римда ташкил топган. Дастлабки танга-чақалар металлнинг оддий кичик бўлимларидан иборат бўлиб, кейинроқ расм ва ёзувли тангалар зарб этила бошлаган.

Ленинград ва Москвадаги З. совет пулини зарб этишдан ташқари, орден ва медаллар, значоклар, турли безакли буюмларни ҳам зарб этади.

**ЗАРДУШТИЙЛИК** (*грек.*)— эр. ав. 7-асрда вужудга келган, Урта Осиё, Озарбайжон ва Эрон халқларининг қадимий оташпарастлик дини. Унинг номи шу динга асос солган

афсонавий пайгамбар Зардушт ёки Заргушт номи билан боғлиқ (грекча Зароастр). З. нинг асосий муқаддас китоби Авеста. З. дунёни ёруғлик ва эзгулик худоси Ахурамазда (Ормузд) билан ёвузлик худоси Анхра-Майнъ (Арман) ўртасидаги курашдан иборат деб тушунтиради. Бу дин жоннинг ўлмаслигини, унинг абадийлигини тан олади, жаннат ва дўзахни эътироф этади. Эрон, Закавказье ва Урта Осиё араблар томонидан босиб олингач, З. га топинувчилар мажбуран ислом динига ўтказилган. Парсизм (*қ.*) З. нинг ҳозирги шакли бўлиб, Ҳиндистоннинг Бомбай, Гужарот штатларида ва Эронда унга эътиқод қилувчилар бор.

**ЗЕВС** (*грек.*)— қадимги грек афсоналарида энг муқаддас худо— олий тангри, худолар ва одамларнинг отаси ва подшоси.

**ЗЕМСКИЙ РЕФОРМА** — 16-аср ўрталарида Русь давлатида кормление (*қ.*) системасининг бекор қилиниши, маҳаллий бошқармаларнинг ўз-ўзини идора қилиш тартибини жорий қилишдан иборат эди. Дворян ва савдогарлар манфаатларини кўзлаб, маҳаллий бошқармалар реформа қилинди. 50-йилларнинг бошларида айрим областларда, 1555—1556 йилларда бутун мамлакатда ноиблик тартиби бекор қилинди. Ноиблар ва волость бошлиқлари ўрнини энг бадавлат, «сара» шаҳарлик ва бой деҳқонлардан сайланган земский староста (оқсоқол)лар эгалладилар. Уларнинг зиммасига суд (энг катта жиний ишларни кўришдан ташқари), бошқариш, солиқларни ундириш ишлари юклатилди. Маҳаллий бошқармалар устидан умумий назорат дворянлардан сайланган губа оқсоқоллари ва шаҳар маҳкама амалдорлари томонидан амалга оширилди. З. р. натижасида дворянлар ва савдогар-

лар янги маҳаллий органлардан ўз манфаатлари учун фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. З. р. 16-асрнинг 70-йилларигача амалда бўлди. Давлат бошқармаси марказлаштирилган шароитда маҳаллий бошқармаларнинг тоифалар вакиллиги асосида қайта қурилиши тугалланди.

**ЗЕМСТВО БОШЛИҒИ** (Земский начальник) — революциядан олдин Россияда дворянлардан тайинланган мансабдор шахс. Деҳқонлар устидан маъмурий ва суд ҳокимияти З. б. қўлида бўлган. З. б. деҳқонлар устидан крепостник-помещиклар ҳокимиятини мустақамлаш учун подшо Александр III томонидан 1889 й. да жорий этилган. Ҳар бир уездда бир нечадан З. б. бўларди.

**ЗЕМСКИЙ СОБОРЛАРИ** — 16—17-асрларда Русь давлатида ҳукмрон синф-боярлар, дворянлар, руҳонийлар ва шаҳарнинг бой савдогарлари вакилларининг йиғини. Бутун мамлакатда, айниқса шаҳарларда синфий кураш кескинлашган, феодал гуруҳларнинг жипслашиши зарур бўлиб қолган шароитда ташкил топган. З. с. подшо томонидан, у йўқлигида Боярлар Думаси (қ.), патриарх (қ.) томонидан чақирилиб, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар — подшо сайлаш, янги солиқ жорий қилиш, эскисини ўзгартириш ёки валиаҳдларнинг тахтга чиқишларини тасдиқлаш учун ҳам чақирилган. З. с. мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эди. Подшо ҳокимияти З. с. га таяниб, феодал тарқоқлик сарқитларига қарши курашди. «Собор қонунлари» (1649) қабул қилиниши, шаҳардаги синфий курашнинг бирмунча заифлашиши 17-аср ўртала-рида З. с. аҳамиятининг аста-секин камайишига олиб келди. Охириги З. с. 1684 й. да чақирилди ва подшо

Пётр I томонидан тугатиб юборилди.

**ЗЕМШЧИНА** — 1 марказлашган Русь давлати территориясининг бир қисми. Подшо Иван IV томонидан (1565 й.) опричнинага (қ.) киритилмай, махсус бошқариладиган қилиб ажратилган территория. З. ерлари асосан мамлакатнинг чекка ўлкаларига жойлашган эди. Шарқда Пермь, Вятка, жанубда Рязань, Ғарбда Новгород ва Псковнинг бир қисми, Великие Луки, Смоленск ва Шимоллий шаҳарлар, мамлакат марказида эса Тверь ва Владимир З. га киритилган. Бир уезднинг ўзида ҳам парча-парча З. ва опричнина ерлари бўлган. Мамлакат марказидаги З. давлат муассасалари ва Боярлар Думаси томонидан бошқарилган.

1572 й. опричнина тугатилгач, З. ерлари билан собиқ опричнина ерлари ўртасидаги фарқ аста-секин йўқола борган. Опричнина ерларининг З. ерлари билан тамомила қўшилиб кетиш жараёни Иван Грозний вафот этгач (1584 й.) тугаган; 2 ҳарбий бўлмаган аҳоли, шаҳар ёки қишлоқда турувчи киши.

**ЗЕМСКИЙ ЙИГИЛИШЛАР** (Земские собрания) — уезд ва губерния йиғилишлари; Россияда 1864—1917 йилларда фармойиш берувчи муассасалар. З. й. уч йилда бир марта ўтказилиб, унда Земский бошқармалар сайланарди, уларнинг ишлари назорат қилинарди, улар маҳаллий бюджетни тасдиқлаш, солиқларни тақсимлаш ишлари билан шуғулланарди.

**ЗИКР** (а.) — зикр-само, зикру само, зикр тушиш, ёдга олиш, эслаш; ислом динида суфийлик тасаввуфнинг айрим оқимларига хос, «худони ёдга олиш» билан боғлиқ махсус маросим. З. да аввал бир тўда суфийлар давра бўлиб ўтиришади, бир ки-

ши мистик шеърларни маълум оҳангда ўқийди, унга музыка жўр бўлади. Даврада ўтирганлар ўринларидан туриб, «рақс»га тушадилар. Ҳаммалари баробар худо номларидан бирини тилга олиб (масалан, ҳув обло, ҳув обло, ҳув обло, деб), бора-бора, ўзларини унутиб, жазавага тушадилар.

**ЗИММИЙ** (а.) — аҳли аз — зиммий; мусулмонлар ҳимоясидаги аҳоли, шартнома кишилари. Ўрта асрларда араб халифалигида мусулмон бўлмаган аҳоли (асосан христиан ва яҳудийлар)га маъмурият билан икки ўртада тузилган шартнома асосида шахс ва мулк дахлосизлиги, шунингдек ўз динларига эркин сиғиниш ҳуқуқини таъминлаш ҳақидаги кафолат. Бунинг эвазига 3. жон солиғи — жузья (қ.) ва ер солиғи — ҳирож (қ.) тўлашга мажбур этилган.

**ЗИНДОН** (форс.) — қоронғилик, ер остидаги заҳ ва қоронғи қамоқхона. Кейинчалик 3. учун махсус бинолар ҳам қурилган. 3. нинг зиндонбон, мирза ва ясовуллардан иборат маъмурияти бўлган. Хоразмда ер ости суви юзада бўлгани учун 3. гумбаз шаклида ер устига қурилган.

**ЗОТИ ОЛИЙ** (высокородие) — чоризм даврида биринчи даражали амалдорлар (статский советник) ва уларнинг хотинлари исмига қўшиб айтилган сўз.

**ЗУБАТОВЧИЛИК** ёки «полициячилик социализми» — чоризмнинг полиция органлари томонидан ишчилар иқтисодий талабларини хўжа кўрсинга ҳимоя қилиш йўли билан ишчилар революцион ҳаракатига қарши курашнинг махсус методи (Москва соқчилик бўлимининг бошлиғи полковник С. В. Зубатов фамилияси билан боғлиқ). Зубатов 1901 йилда Москвада ҳукумат соқчилари назорати ос-

тида сохта ишчи ташкилоти — «Механика корхоналари ишчиларининг ўзаро ёрдам жамияти»ни тузган. 1902 й. да «Тўқувчилар ўзаро ёрдам жамияти» ташкил этилган. 3. ишчиларга: «подшонинг ўзи ишчилар томонида турибди, шунинг учун сиёсат билан шуғулланиш, революция қилиш нимага керак», деб ўқитиб, ишчиларни сиёсий курашдан чалғитиб, сиёсий талабларни иқтисодий талаблар билан алмаштиришга ва ишчилар ҳаракатини ҳукумат соқчиларига бўйсундиришга уринди. Ишчилар синфига маълум даражада таъсир кўрсатувчи «экономист»ларнинг фаолияти 3. ташкилотини вужудга келтириш учун қулай шароит яратган. Бир гуруппа бундчилар (қ.) ва сионистлар (қ.) Минскда ва Вильнода «Европа мустақил ишчилар партияси» деган 3. ташкилотини тузганлар. Москва, Минск, Киев, Харьков, Николаев, Одессада ҳам 3. ташкилотлари юзага келган. В. И. Ленин ва «Искра» газетаси 3. нинг революцияга қарши моҳиятини очиб ташладилар. «Озми-кўпми кенг реформалар ўтказишга ваъда бериш, қилинган ваъданинг арзимаган бир қисмини амалга оширишга чиндан тайёр туриш ва бунинг эвазига сиёсий курашдан воз кечини талаб қилиш — зубатовчиликнинг моҳияти мана шудир», деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. Бироқ 3. пролетариатнинг ривожланиб бораётган революцион ҳаракатини бошқа йўлга солиб юбора олмади. 1903 й. да Одесса, Киев, Екатеринбург, Боку, Тифлис ва Батумида стачкалар ва сиёсий намойишлар кучайиб кетди. Ишчилар синфи ҳаракатида сиёсий кураш асосий ўринини эгаллай бошлади. Чоризм 3. ташкилотларини тақиқлашга, Зубатовнинг ўзи эса истеъфо беришга (1903 й. ёзда) мажбур бўлди.

## И

**ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ**

(умумхалқ, уруг, ибтидоий коммунизм) — кишилик жамияти тарихидаги беш ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг биринчиси. Инсон пайдо бўлганидан бошлаб синфий жамият келиб чиққангача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик мавжуд бўлиб, синфлар ва эксплуатация бўлмаслиги И. ж. т. нинг асосини ташкил этади. Ибтидоий жамоада дастлаб бошланғич пода (одамлар пода-пода бўлиб, коллектив ҳаёт кечирган давр), сўнг матриархат (она уруғи), патриархат (ота уруғи) уруғчилик мавжуд бўлади. Меҳнат қуролининг такомилланиши натижасида индивидуал хўжалик келиб чиқиши патриархат уруғининг емирилишига, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Чорвачилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг бошқалардан ажралиб чиқиши биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимиоти эди. Қишлоқ хўжалигидан ҳунармаидчиликининг ажралиб чиқиши иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимиоти бўлди; савдо-сотиқ ривожланди, бойлик айрим кишилар қўлида тўплана борди, қулчилик келиб чиқди. Ибтидоий жамоа жуда узоқ (2 млн. йилга яқин ёки ундан ҳам кўпроқ) давом этди ва ўз ўрнини синфий жамиятга бўшатиб берди.

**ИГУМЕН** (*грек.*) — етакчи, нозир; христианликда энг йирик оқим бўлган православ монастирида нозир, учинчи даражали диний мансабдор. (Аёллар монастирида игуменья). Одатда И. архимандрата (қ.) мартабасида ҳисобланган.

**ИДАЛЬГО ЕКИ ГИДАЛЬГО** (*исп.*) — ўрта асрлар Испаниясида

майда поместье дворян-рицарлари. Бу термин 12-асрда келиб чиққан.

**ИЕЗУИТЛАР ОРДЕНИ** (*лат.*) —

католик монахлик ордени. Исо тарафдорлари; Исо жамияти деб аталган диний ордени. И. о. ни Испанияда 1534 й. да Игнади Лойола таъсис этган, Рим папаси уни эътироф этган (1540); И. о. контрреформация (қ.) нинг асосий қуролига айланди. Асрлар давомида папа қўлида тараққий-парвар ижтимоий кучларга қарши курашган католик ордени. И. о. 16—17-асрларда яширин ўлдириш, алдаш, жосуслик, айрим давлатларнинг ички ишларига аралашини каби усулларни кенг миқёсда қўлланиш билан католик реакцияси манфаатларига хизмат қилган. Папа кўпчиликнинг ғазабига дучор бўлган И. о. ни 1773 й. да тарқатиб юборишга мажбур бўлган. Бироқ 1814 й. да яна тикланган. Эндликда И. о. Ватикан (қ.) қўлида демократия, социализм ва тараққиётга қарши курашда асосий реакцион восита бўлиб хизмат қилмоқда. И. о. фаолияти фақат Европада эмас, Ҳиндистон, Япония, Хитой ва Филиппинда ҳам тарқалган. 1610—1768 й. да Парагвайда иезуитлар давлати ҳам бўлган.

**ИЕЗУИТ** — 16-асрда умуман Рим папаси ва католик черковининг ҳоқимиятини кучайтириш учун тузилган энг реакцион католик монахлик ордениларидан бири — «Исо жамияти» нинг аъзоси. Орденининг бошлиғи бевосита Рим папасига итоат этган. И. фақат черков ишлари билангина шуғулланиб қолмай, сиёсий ва ғоявий ҳаётда ҳам актив қатнашган. Унинг ихтиёрида кўп тилларда чиқадиган мингдан ортиқ газета ва журналлар бор эди.

**ИЕРАРХИЯ** (*грек.*) — муқаддас ҳоқимият; мансаблар, унвонлар, энг

қўйсидан олийсигача тутган ўрнига қараб қўйиш системаси. И. га қатъий равишда амал қилиш айниқса абсолюто монархияли давлатлар вақтида ривож топган эди.

**ИЗГОИЛАР** (*рус.*) — қадимги Русда (13-асргача) турли сабабларга кўра ўз ижтимоий муҳитидан ажралиб қолиб, феодалга қарам бўлган аҳоли категорияларидан бири; руҳоний ўғли бўлиб саводи йўқлиги учун руҳонийлик мартабасини эгаллай олмаган, пул тўлаб холопликдан қутулган ва қарздор бўлиб қолган савдогарлар ҳам И. га айланганлар. 14-асрда И. алоҳий ижтимоий гуруҳ сифатида тугаб, феодалларга қарам аҳоли билан қўшилиб кетган.

**ИЗДОЛЬШЧИНА** (*рус.*) — чоракорлик, корандалик; ижарага олинган ер учун натура (ҳосилнинг маълум қисми — учдан бири, ярми ва бошқа) билан солиқ тўланадиган И. қулдорлик тузуми даврида келиб чиққан бўлса ҳам, феодализм даврида айниқса ривож топган. Россияда И. феодализмнинг ҳамма боқичларида давом этган. 1914 й. да шу усул билан ишланадиган ерлар деҳқонларнинг хусусий ерларига нисбатан 21—68% ни ташкил этган. И. АҚШ, Италия, Испания каби ривожланган капиталистик мамлакатларда анча кенг тарқалган. И. катта ер эгалари томонидан майда ижарачиларни эксплуатация қилишнинг энг разил шаклидирдан бири.

**ИКОНОБОРЛИК** — Византияда бутпарастликка ва монастырь ер эгаллигига қарши кураш шиори остида 8-аср — 9-аср бошларида хўтарилган ижтимоий ҳаракат. Император ҳокимияти ҳарбий заминдор зодагонлар манфаатларини кўзлаб, И. дан монастырь ер эгаллигини чеклаш мақсадида фойдаланган. Халқ оммаси И.

байроғи остида феодал зулмга қарши курашган.

**ИКОНА** (*грек.*) — 1 христиан динида Исо (Иусис), Биби Марям, Исонинг 12 шогирди — ҳаворий-апостоллар, муқаддас черков бошқа намоёндаларининг аъъанавий мўътабар ҳисобланган сурати, христианлар топинадиган сурат; 2 бут; христианларда худо ёки авлиёларнинг сурати; христиан, будда ва лама динларидаги халқларда иззат қилинадиган, рангли бўёқлар билан ишланган худо ёки авлиёларнинг суратлари тасвирланган буюм; И. га сиғиниш айниқса ўрта асрларда кенг ёйилган; черков ва феодаллар синфи И. дан оммага идеологик таъсир кўрсатиш қуроли сифатида фойдаланган. Феодал муносабатлар мустаҳкамлана борган сари черков, христиан дини ва феодал ҳокимиятини улуғлашда И. дан пропаганда воситаси сифатида фойдалана бошланган.

**ИККИ ПАРТИЯЛИ СИСТЕМА** — айрим капиталистик мамлакатларда энг йирик икки буржуа партиясининг навбатма-навбат ҳокимиятида бири ўрнини иккинчиси эгаллаб туриши йўли билан ҳукмрон синф манфаатини таъмин этувчи система; АҚШда — Республикачи ва Демократик партия, Англияда — Консерватив ва Лейбористлар партияси, Канадада — Либерал ва Прогрессив-консерватив партиялар; икки партиядан бири навбатма-навбат ҳукмрон партия, иккинчиси — опозицион партия бўлиб олади. И. п. с. да бошқа партиялар бўлишига йўл қўйилса ҳам, лекин аслида турли сабабларга кўра у партиялар амалда давлатни идора этишда қатнаша олмайди. И. п. с. да навбатдаги сайловда бу партиялардан қайси бири ғалаба қилишидан қатъи назар, буржуазия ҳокимиятини сақлаб қолади, шу билан бирга хўжа



кўрсингагина «демократия» ва сайлов олди кураши бўлади. К. Маркс ибораси билан айтганда, буржуазия навбатма-навбат ҳокимиятни бир қўлдан чиқариб, худди шу оннинг ўзидаёқ бошқа қўл билан ушлаб олиш йўли билан буржуазия ҳукмронлигини абадийлаштиришга уринади.

**ИЛЕКХОН** (*турк.*)— Урта Осиёда 10—12-асрларда қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган майда ҳукмдорнинг унвои.

**ИЛОТЛАР** (*грек.*) — қадимги Спартанинг дорийлар томонидан бўйсундирилган деҳқон аҳолиси; И. лар давлат мулки ҳисобланиб, спарталиклар эгаллаган ерга биркитиб қўйилган. И. лар зарурий ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлганлар ва ўз ўхшаликлари билан қўлдан фарқ қилганлар, уларни сотиш ва ўлдириш мумкин бўлмаган. И. лар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг тахминан ярмини хўжайинга берганлар. И. лар чидаб бўлмас зулм, оғир меҳнат ва ҳуқуқсизликка қарши бир неча бор қўзғолон кўтарганлар. Шундай қўзғолонларнинг олдини олиш учун спарталиклар вақти-вақти билан И. лар устига бостириб боришар, уларни калтаклаб, оммавий қирғин қилар, энг кучли баҳодирларни ўлдирар эдилар.

**ИМЕНИЕ** (*рус.*)— поместье (*қ.*); Чор Россиясида ҳукмрон синф — феодаллар (помешчик ва дворянлар)га қарашли ер, сарой, бино ва шу кабилар. Шунингдек, давлат, уделъ (*қ.*) қўшинига тегишли (казакларники) И. ҳам бўлган.

**ИМОМАТ** (*а.*)— имом иши, имомлик; 1 исломда мусулмонлар устидан олий диний ва дунёвий ҳокимиятнинг авлоддан-авлодга ўтиши лозимлиги ҳақидаги ақида; 2 мусулмонларда имом бошчилигидаги диний-сиёсий ҳокимият ташкилоти. 3 19-асрнинг

20-йилларида Шимолий Қавказ тоғликлари чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши олиб борган кураш жараёнида Туркия ва Англия манфаатларини кўзлаб ташкил этилган, мусулмон руҳонийлари бошқарган давлат; Доғистон ва Чечениянинг катта қисмини ўз ҳокимиятига бўйсундирган, тоғликларнинг чоризмга қарши курашига бош бўлган Шомил (1834—1859) айниқса машҳурдир; 4 1917—1921 й. да буржуа миллатчилари Гацинский ва Узунхўжалар И. ақидасидан, Чечения ва Доғистон контрреволюцион кучларидан Совет ҳокимиятига қарши курашда фойдаланишга уринганлар.

**ИМОМ** (*а.*)— олдида турувчи, бошқарувчи, бошлиқ; 1 сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган мусулмон давлатларида сиёсий ва ҳарбий ҳокимият билан бирга ўз фуқароларига нисбатан бош диний раҳбар ҳисобланган олий ҳукмдор (халифа); Яман вилоятининг бошқарувчиси; туркларда — султон, Али авлодлари; 2 шиаларнинг (*қ.*) олий бошлиғи; 3 тўрт асосий мазҳабдан (ханифийлар, ханбалилар, маликийлар ва шофирлардан) бирига асос солувчи; ҳамма мусулмонлар ёки уларнинг бир группасининг бошлиғи, руҳоний; 19-асрнинг 20-йилларида Доғистон ва Чеченияда тоғлилар чоризм амалга оширган мустамлакачилик сиёсатига қарши қўзғолон кўтарган вақтда ташкил топган муридлар давлати. 4 имомлар: Ғози Муҳаммад (1828—1832), Ғамзатбек (1832—1934) ва Шомил (1834—1859). 5 масжидда намоз ўқишда жамоатнинг олдида туриб раҳбарлик қилувчи шахс; агар расмий масжид бўлса, И. ни имомхатиб деб атайдилар. 6 руҳоний, домла.

**ИМПЕРИЯ** (*лат.*)— ҳокимият, давлат; император бошлиқ монархия

давлати; мустамлака ва қарам мамлакатларни зўрлик билан ўз ҳокимиятига бўйсундириб, шафқатсиз зулм ва эксплуатация қилиш йўли билан ўз ҳукмронлигини сақлаб турган йирик империалистик мустамлакачи давлат.

**ИМПЕРАТОР** (лат.)— ҳукмдор; айрим монархларнинг король ёки подшога нисбатан юқори мартаба ҳисобланган олий монархлик унвонлари. Дастлаб қадимги Римда саркардаларга қўлга киритилган ғалабалари учун сенат томонидан берилдиган фахрий унвон. Октавиан Августдан бошлаб (эр. ав. 63-йилдан эрамининг 14-й. гача), яъни республика тугаб, монархияга ўтилгандан бошлаб И. Рим давлати бошлигининг авлоддан-авлодга кўчувчи унвони. Ғарбий Рим империяси қулагандан сўнг (476 й.), И. унвони Шарқий Рим империясида, яъни Византияда сақланган. 800-й. да Буюк Карл ўзини Рим И. деб эълон қилган. 952-й. да Шимолий Италия босиб олингач, герман короллари ўзларини муқаддас Рим империясининг И. лари деб эълон қилганлар. 15-асрдан бошлаб Австрия монархлари ҳам ўзларини И. деб атаганлар. Шимолий уруш (1700—1721 йй.) тугаши муносабати билан Россия Сенати (қ.) ва Синоди (қ.) Пётр I га Бутун Россия И. и унвонини берган ва Русь давлати Бутун Россия империяси деб эълон қилинган. Россия империясининг асосий қонунларида Бутун Россия И. и Россия империясининг яқка ҳокими ва чекланмаган монархидир, деб кўрсатилган. 1803 й. да Наполеон I, сўнгра Наполеон III ўзларини Франция И. и, 1876 й. да инглиз қиролчаси ўзини Ҳиндистон И. и, 1936 й. да Италия короли ўзини Ҳабашистон И. и, деб ҳисоблай бошлади. Бразилия, Мексика, Хитой

(1911 й. гача), Япония монархлари ҳам ўзларини И. унвони билан атаганлар.

**ИМПЕРИАЛИЗМ** (лат.)— ҳокимият; монополистик капитализм, капитализмнинг юқори ва охири босқичи. Саноати ривожланган капиталистик мамлакатларда И. га ўтиш 19-аср охири ва 20-аср бошларида капиталистик монополиялар келиб чиқиши билан бошланди.

19-аср охири—20-аср бошларидан бошланган, капитализмнинг чирган ва ҳалок бўлаётган босқичи, ғолибона социалистик революциялар арафаси. И. нинг илмий назарияси В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган; В. И. Ленин И. нинг қуйидаги беш асосий белгисини кўрсатиб берган: 1) саноат ишлаб чиқариши ва капиталнинг ниҳоят юқори даражада концентрациялашуви туфайли хўжалик ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган капиталистик монополиялар вужудга келади; 2) банк капитали саноат капитали билан қўшилиб, унинг замида «молия капитали», молия олигархияси ташкил топади; 3) четга капитал чиқариш четга товар чиқаришга нисбатан муҳим ўринни эгаллайди; 4) капиталистларнинг дунёни иқтисодий жиҳатдан тақсим қилиб олувчи халқаро монополистик иттифоқлари вужудга келади; 5) энг йирик капиталистик давлатлар дунёни қайта бўлиб олишни тугаллайдилар, И. нинг мустамлака системаси вужудга келади. Бу белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ. И. нинг иқтисодий моҳияти ва асосий фарқ қилувчи белгиси эркин рақобатнинг монополия ҳукмронлиги билан алмашишдир. Монополиялар давлат аппаратини ўзига итоат эттиради, ундан ўзининг бойиши йўлида фойдаланади. В. И. Ленин И. ни капита-

листик тузумнинг алоҳида босқичи деб ҳисоблаб, бу босқичнинг уч хусусиятини белгилаб берди: 1) монополистик капитализм, 2) текинхўр ёки чириб бораётган капитализм, 3) ўлиб бораётган капитализм. И. даврида меҳнат билан капитал ўртасидаги, турли империалистик давлатлар ўртасидаги, империалистик давлатлар билан мустамлака ва қарам мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар ниҳоят даражада кескинлашадди.

Империализм даврида капитализм ғоят даражада ютекис ривожланади. Бу эса империалистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ғоят даражада кучайишига олиб келади. Оммавий ишсизлик, иқтисодий кризис, инфляция, валюта системасининг издан чиқиши капитализм экономикасининг доимий йўлдошига айланиб қолади. И. жамият ривожланишига тўсқинлик қилувчи кучга айланади. Шу шароитда империалистик мамлакатлар ўртасида бозор учун, хом ашё манбалари учун, бошқалар территориясини босиб олиш учун, жаҳонга ҳоким бўлиш учун кураш кучаяди, бу эса кичик урушларнигина эмас, жаҳон урушларини ҳам келтириб чиқаради. Буларнинг ҳаммаси империализм занжирининг узилишига, социализм дастлаб бир неча, ёки ҳатто алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилишига олиб келади. Октябрь социалистик революцияси бунинг тўғри эканини исботлади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон капитализмининг умумий кризисини бошлаб берди. Жаҳон капиталистик системадан бир мамлакат кетидан иккинчиси ажралиб чиқа бошлади. Бутун дунё миқёсида капитализмдан социализмга революцион ўтиш ҳозирги тарихий даврнинг асосий мазмунидир.

**ИММИГРАЦИЯ** (лат.)— кўчирилиб юборилган — муҳожирлик. Бир мамлакатга бошқа мамлакат гражданининг вақтинча ёки доимий яшаш учун келиб жойлашиши. И. кўпинча сиёсий ва иқтисодий характерда бўлади. Дунёнинг кўпчилики мамлакатларида махсус муҳожирлик низоми мавжуд бўлиб, И. лар шу асосда бошқарилади.

**ИММИГРАНТ** (лат.)— муҳожир; ўз мамлакатидан бошқа мамлакатга кетиб яшовчи шахс.

**ИММУНИТЕТ** (лат.)— ўрта асрларда Ғарбий Европада феодалнинг муайян территорияда айрим вазифаларни бажариш (суд қилиш, солиқ йиғиш каби) ҳуқуқи; И. қарам деҳқонларни ғайри иқтисодий усул билан мажбур этиш ва уларни крепостнойга айлантириш усулларидан бири.

Индепендентлар (ингл.)— мустақиллар; 17-асрда инглиз буржуа революцияси даврида Оливер Кромвель (1599—1658) раҳбарлигида вужудга келиб, ўрта савдо-саноат буржуазияси ва буржуалашаётган дворянларнинг ўрта табақаси манфаатларини ифодаловчи сиёсий партия. И. лар 1649—1660 йилларда ҳокимиятни ўз қўлларида тутганлар.

**ИНДУИЗМ** — брахманизм, брахманлик (қ.) ва буддизм (қ.) динлари кўпгина элементларининг қўшилиши асосида янги эрагача бўлган 6—4-асрда пайдо бўлган дин; И. Ҳинд дарёсининг «Ҳиндху» ёки «Синдху» деб бузиб айтилган номдан келиб чиққан. 8-асрда Ҳиндистонда ислом ёйила бошлагач, уни қабул қилмаган аҳоли Ҳинду деб атала бошлаган. Илк феодализм даврида И. идеология сифатида вужудга келган. И. таълимотига кўра, ҳар бир каста (тоифа) (қ.) нинг махсус дастурлари бор. Шунга мувофиқ

меҳнат қилиб кун кечирувчилар тақдирга тан беришлари, «ёмонлик қилмаслик»лари шарт. Адолатсизликка қарши ҳар қандай шаклдаги кураш гуноҳ, ижтимоий тенгсизлик худо жорий қилган «абადий қонуният» деб тушунтирилади. И. да уч худо: **Брахма-брахман** — яратувчи тангри, **Вишну** — асровчи тангри, **Шива** — вайрон этувчи ва барпо этувчи худолар бор. И. да бутпарастлик элементлари бор: айрим ҳайвонларга, илон, маймун, фил ва айниқса сигирча сигиниш, қайси бир дарёлар, хусусан Гангни илоҳийлаштириш, баъзи ўсимликларга, чунончи, нилуфарга, тоғлар ва шунга ўхшашларга сифиниш И. учун жодугарлик, сеҳр, бутпарастлик, дунёдаги ҳамма нарсаларнинг жони, бор деб ҳисоблаш ҳосдир. И. динидаги ҳар бир киши қурбонлик қилиши, ота-боболарини ҳурматлаши, муқаддас жойларни зиёрат қилиши лозим. И. жаҳонда жуда кенг ёйилган динлардан бўлиб, 1970 йилги маълумотга кўра, бу динга 450 млн. киши эътиқод қилади, шундан 95% га яқини Ҳиндистонда яшайди. Ҳозир И. да икки оқим мавжуд: вишнуизм ва шиваизм. И. Покистон (8—9 млн. киши), Индонезия (бир млн. киши), Фиджи ороллари, Жанубий Африка республикаси ва Британия Гвипанасида ҳам тарқалган.

**ИНДУЛЬГЕНЦИЯ** (лат.) — худонинг марҳамати, шафқати, муруввати. Черков таълимотига кўра, Рим папаси ва католик черкови номидан Исо ва авлиёларнинг диндорларга хизматлари эвазига «гуноҳларини» тўла ва қисман кечириш ҳақида пул баробарига ёки черков олдида кўрсатган хизматлари учун берган ёрлиғи; католик черкови 12—13-асрлардан бошлаб И. сотишни кенг миқёсда амалга оширган, у католик черко-

ви ва руҳонийлар учун асосий даромад манбаи бўлди. И. сотиш 16-асрда реформация (қ.) келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири эди. И. ни пуллаш католик (қ.) черкови ҳозирги фаолиятининг ҳам характерли хусусиятидир.

**ИНЖИЛ**—христианликнинг дастлабки даврида —2-асрнинг биринчи ярмида яратилган муқаддас китоб — Библиянинг бир қисми. И. афсонавий Исонинг ердаги «ҳаёти» тасвирланган тўрт диний китоблардан — асарлар тўпламидан иборат. Ўттизга яқин И. маълум. Аммо улардан **Матфей** (**Матто**), **Иоани** (**Юханно**) деган апостоллар (қ.) ва уларнинг шогирдлари **Марк** ва **Лука** ёзиб қолдирган тўртта И. Библияга бир бўлим —«Янги аҳд»нинг муҳим қисми сифатида киритилган. И. ҳам бошқа муқаддас китоблар каби бир-бирини инкор этувчи ғайри илмий фикрлар, уйдирмалар, эртақ ва афсоналардан иборат.

**ИНКВИЗИЦИЯ** (лат.) — тергов; католик (қ.) черкови эркин фикрларга, папа ҳокимияти душманларига қарши курашиш учун таъсис этган махсус суд, тергов ва жазо муассасаси. И. жосулик, махфий қидирув, яширин суд, шафқатсиз қийноқ, ваҳшённа азоб беришга асосланган. И. 13-аср бошларида католик (қ.) черковининг феодал зулмга, папа ҳокимиятига қарши чиқувчиларни, ҳукмрон динга, черков ақидаларига хилоф бўлган диний таълимот — еретик (бидъатчи)ларни, эркин фикрловчиларни шафқатсиз таъқиб этган суди, полиция ташкилоти. Еретиклигига иқрор бўлмаган киши ўлимга ҳукм қилинган, халқ олдида гулханда ёндириш учун маъмурият қўлига топшириларди. Қамоққа олинган ёки қатл этилган кишиларнинг мусодара қилинган мол-мулкидан папа хазинаси катта даромад оларди. Испанияда

II. ўзининг юқори босқичига кўтарилган. «...инквизиция туфайли черков абсолютизмининг энг даҳшатли қуролига айланди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 10-том 431-бет). И. ҳукмрон синфлар қўлида халқ ҳаракатларини бостириш қуроли, черков ва дунёвий феодалларнинг боийш манбаи бўлиб хизмат қилган. Европа давлатларида капиталистик муносабатлар ривожланган даврда (18—19-асрлар) И. феодал реакциясининг таянчи сифатида тугатилди. Ҳозирги замонда папа (қ.) бошчилигидаги И. америка-инглиз империалистларининг агрессив сиёсати манфаатларига хизмат қилмоқда. И. 1965 й. дан диний таълимот — Конгрегация — муқаддас канцелярия номи билан қайта ташкил қилиниб, прогресс ва коммунизмга қарши курашмоқда.

**ИНКВИЗИТОР** — инквизиция судининг аъзоси; золим, азоб берувчи, бераҳм киши.

**ИНОЯТНОМА** (а.) — мусулмон Шарқда бирор кимса номига ёзилиб, ҳукмдор имзо чеккан фармон, унинг илтифоти, меҳрибонлиги ва марҳаматини ифодалайдиган нома; Қўқон хочлигида нуфузли кишилар сафарга чиққанларида хон қатағон қилган жойлар (нодир ўсимликлар ва жониворларни доим сақлаш ва урчиттиш жойи — қўриқхона ва ҳоказо)дан йўл-йўлакай фойдаланиш учун берилган рухсатнома.

**ИНОҚ** — Бухоро амирлигидаги юқори мартабалардан бири.

**ИНОҚИ КАЛОН** — Бухоро амирлигида Буюк И. нинг амр-фармон ва буйруқларини тегишли шахс ва маҳкамаларга етказувчи, амир қабулига муяссар бўлганларни унинг ҳузурига киритувчи мансабдор.

**ИНОҚИ ҲУРД** — кичик иноқ; Бухоро амирлигида амир номига келган хатлар ва докладларни қабул қилиб, овоз чиқариб ўқувчи мансабдор. Хива хонлигида амалдор, қабила бошлиғи. И. лар ҳузурда қушбеги, меҳтар (молия ишлари бошлиғи) ва оталиқ (қўшинлар қўмондони)дан иборат кенгаш бўлган ҳамда амалий тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдамлашган.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** (лат.) — аралаштириш, бостириб кириш, тажовуз; бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат ички ишларига ёки унинг учинчи мамлакат билан ўзаро муносабатларига аралашуви. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқда БМТ нинг устави И. ни манъа этади ва уни халқаро ҳуқуқнинг бузилиши деб баҳолайди. Аралашмаслик принципига мувофиқ, ҳеч қайси давлат ёки бир неча давлат ҳар қандай сабаб билан бирор давлатнинг ички ишларига аралашинишга ҳақли эмас. Шунинг учун қуроли аралашув ёки исталган давлатнинг территориал дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига хавф соладиган аралашувнинг ҳамма шакли халқаро ҳуқуқ ва БМТ уставининг бузилиши деб ҳисобланади.

**ИНТЕРДИКТ** (лат.) — тақиқлаш, манъа этиш. Католицизмда (қ.) черков жазоларидан бири; папа (қ.), баъзан епископ (қ.) томонидан черковда ибодат қилиш ва бошқа диний маросимларни бажаришнинг тақиқланиши. И. дастлаб 6-асрда бошланиб, 11—13-асрларда айниқса кенг тарқалган. И. черков қарорларига бўйсунтиришдан бош тортган маълум территория ёки шахсга, бутун аҳолига ёки унинг бир қисмига нисбатан қўлланилган. И. дунёвий давлатларни папа ҳокимиятига бўйсундириш учун 1180 йилда Шотландия, 1200 й. да

Франция ва 1208 й. да Англияга ёки масалан, Арнольд Брешинский бошчилик қилган Рим республикасига қарши кураш воситаси сифатида қўлланилган. И. бора-бора аввалги аҳамиятини йўқотган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг папа И. дан тинчлик ва демократия кучларига қарши курашда фойдаланган.

**ИНЪОМ** (а.) — феодал Ҳиндистонида солиқ тўлашдан қисман ёки бутунлай озод этилган ер эгаси. Деҳли султонлигида И. пул, кийим-кечак, мансаб, имтиёз ва ҳоказо; Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар империяси даврида руҳоний ва ибодатхоналар (асосан мусулмонлар)га қарашли унча катта бўлмаган ер майдони. Ҳиндистоннинг жанубидаги жамоа юқори табақалари намояндаларига ва ҳунармандларга қарашли ер майдони; маратахлар князликларида феодалларнинг хусусий мулки бўлган ер; ўрта асрларда Эронда И. нуфузли кишилар, айниқса руҳонийларнинг юқори табақаларига ғала, газмол, кийим, пул билан берилган инъом — совға.

**ИОСИФЛЯНЛАР, ИОСИФЧИЛАР** — Русь давлатида 15-асрнинг охири—16-аср ўрталарида марказлашган Русь давлатининг ривожлана бориши жараёнида буюк князь ҳокимиятини қўллаб-қувватлаган черковсиёсий оқим намояндалари. И. шу оқимнинг атоқли намояндаси Иосиф Волоцкий номидан олинган.

**ИПАК ЙЎЛИ** — эрамиздан олдинги 2-асрдан янги эранинг 16-асригача Хитойни Ўрта Осиё билан боғлаган, умумий узунлиги 7 минг км. ли карвон савдо йўлининг умумий номи.

И. й. Хитойнинг собиқ пойтахти Лоянедан бошланиб, Буюк Хитой деворидан ўтиб, Дуньхуанга келганда ыккига ажралади. Биринчиси жануб-

га — сувсиз чўл — Такла-Маконга, ундан Хотон орқали Қашқарга боради. Иккинчи йўл шимолроқдан ўтиб, биринчисига қараганда сувга сероброқ ерлардан — Турфан орқали Куча ва ундан ҳам нарига ўтиб, кўпинча Қашқарга киради. Қарвон турли давлонлардан ошиб, Тяньдан ўтиб, Ўрта Осиёга киради. И. й. дан ўтган карвонлар Помир йўли хавфли ва жуда оғир бўлганидан Ҳиндистонга камдан-кам кирар эдилар. Хитой савдогарлари Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро бозорларида ўз юртларидан олиб келган ипак ва ипак маҳсулотлари, қоғоз, чинни асбоблар, қимматбаҳо тошлар, чой (X асрдан) ва бошқаларни пуллаб, ўзларига зарур бўлган от, қурол, ип газламалари, турли металлларни харид қилиб, ватанларига қайтардилар.

И. й. Ўрта Осиёда учга бўлиниб, биринчиси Волгага, Шарқий Европага, қадимги Русьга — Тмутаракан, Киев, Новгород, кейин Москвагача борарди.

Иккинчи йўл ҳозирги Афғонистон орқали Ҳиндистонга борарди.

Учинчи йўл Боғдод ва ундан ўтиб, Ўрта денгизга етарди. Бу ерда моллар кемаларга ортилиб, Миср, Византия, Италия ва Фарбнинг бошқа мамлакатларига олиб бориларди.

И. й. Шарқ ва Фарб халқлари тарихида муҳим роль ўйнади. Қарвон йўли орқали турли халқлар ўртасида маданий алоқа вужудга келди, Шарқдан Фарбга ва аксинча савдогарлардан ташқари — олимлар, саргузашт изловчилар, сотилган қўллар ва бошқалар қатнар эдилар. 13-аср бошида Хитой, Осиёнинг фарбий қисми, Шарқий Европага мислсиз вайроналик келтирган мўғул истеълоларидан сўнг И. й. нинг аҳамияти пасаяди. Буюк географик кашфиёт-

лар натижасида И. й. ўрнини Хитойдан Ҳиндистонга, ундан Яқин Шарққа олиб борувчи денгиз йўллари эгаллади. Йўлнинг умумий номи. И. й. дан олиб ўтиладиган асосий мол хитой илагги бўлгани учун шундай ном олган.

**ИНФАНТ, ИНФАНТА** (*исп.*)— ўрта асрлардаги монархия даврида Испания ва Португалияда королнинг валиаҳди (тахт вориси)дан бошқа шаҳзодаларга бериладиган унвон.

**ИРҚЧИЛИК** — синфий жамиятдаги ижтимоий ва миллий тенгсизликни биологик характердаги сабаблар билан асослашга уринувчи ғайриилмий реакцион назария. Одамзод ирқлари тенг эмас деган даъвога асосланган буржуа реакцион «назарияси»; бу «назария»га кўра, гўё «олий», «сара» бир ирқ (оқ танли) бошқа ирқлар (қора ва сариқ танлилар) устидан ҳукмрон бўлиши тарихан зарур эмиш. Тинч океан ва Ҳинд океанидаги ороллар европаликлар томонидан кашф этилгач, у ерларга кўп сонли савдогарлар, қароқчилар ва бошқа осонлик билан бойиш йўлини қидирганлар бориб жойлашганлар. Улар ерли аҳолини шафқатсизлик билан қириш сиёсатини ниқоблаш учун оқ танлиларнинг олий ирқ эканлиги ва мустамлака мамлакатларидаги қора танли аҳоли устидан ҳукмронлик қилиш учун яратилганлиги ҳақида И. «назариясидан» фойдаланганлар. Қатолик черкови И. томонидан ўйлаб чиқарилган сафсатани ўз обрӯ-эътибори билан мустаҳкамлаган. Миссионерлар «назарияси»га кўра, дунёда ҳозир яшаб турган ирқлар Нўҳ пайғамбарнинг ўғиллари Ефас (Яфет), Сим ва Ҳамдан тарқалганлар, худонинг севган ўғли Ефас (Яфет)дан оқ ирқ — хўжайинлар ирқи, Симдан сариқ ирқ ва худонинг лаънатига дучор бўлган Ҳам-

дан қора ирқ одамлари пайдо бўлган эмиш, булар ўз аجدодларининг гуноҳлари учун оқ ирқнинг қули бўлишлари керак эмиш. Империалистик буржуазия халқларни талашда ҳамон шу сохта назариядан фойдаланмоқда. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ирқчиликка қарши, барча ирқ, миллат ва халқларнинг бузилмас қардошлик дўстлиги сиёсатини амалга оширмоқдалар.

**ИСИДА** (*грек.*)— қадимги Миср афсоналарида осмон ва ер илоҳаси, ҳосил худоси, худолар ва одамларни ўлимдан асровчи; Осириянинг хотини ва Геранинг онаси; кичик Осиё, Суррия, қадимги Греция ва Римда ҳам И. га сиғинилган; христиан афсонасида Биби Марям (худонинг онаси) тимсолларидан бири.

**«ИСКРА»** («Учқун») — В. И. Ленин томонидан ташкил этилган биринчи Бутун Россия сиёсий марксистик газета, Россия Социал-демократик ишчи партиясининг органи. «И.»нинг биринчи сони 1900 й. декабрида Лейпцигга чиқди. 1900 й. 11 (24) декабридан 1903 йил 22 октябрғача «И.»нинг 1—51 сони В. И. Ленин раҳбарлигида Лейпциг ва Мюнхенда, Лондон ва Женевада чиқди. Декабристларнинг А. С. Пушкинга ёзган жавобларидаги «Учқундан аланга чиқади», деган кароматли сўзлар газетага эпиграф қилиб олинган. В. И. Ленин бошчилигида «И.» редакцияси партиянинг 1902 й. июнида босиб чиқарилган марксистик программаси ва устави лойиҳаларини ишлаб чиқди. «И.» марксистик партия тузиш, «экономистлар»ни тор-мор келтириш, тарқоқ социал-демократик тўғарақларни бирлаштириш ва РСДРПнинг II съездини (1903) тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. В. И. Лениннинг планига кўра, газета партия кучларини тўпловчи, партия ходим-

ларини йиғувчи ва тарбияловчи, уларни революциянинг аниқ марксистик программаси, тактикаси, ягона мақсад ва темир интизомга эга бўлган умумрус жанговар марказлашган пролетар партияси атрофига жипслаштирувчи марказга айланиши керак эди. Бу планнинг амалга оширилиши ҳақиқий марксистик партиянинг яратилишига асос солди. Ленинчи «И.» томонидан ишлаб чиқилган қан жипслашган, жанговар, чиниққан Коммунистик партия яратилишига асос солди, бу партия халқаро революцион пролетариат учун намуна родини ўйнади. «И.» редакцияси газетадан ташқари «Заря» журналинини нашр этди, шунингдек 3 йил мобайнида 50 дан ортиқ китоб, брошюра ва жанговар варақалар чиқарди. «Искра» теварагида газетанинг кўпгина агентлари тўпланди, улар сўнграқ большевиклар партиясининг асосий ядросини ташкил этдилар. «И.» чинакам марксистик партиянинг яратилишига асос солди. РСДРПнинг II съезидан сўнг «И.» 52-сонидан бошлаб Г. В. Плеханов ёрдами билан меньшевиклар қўлига ўтиб, В. И. Ленин ва большевикларга қарши кураш олиб борувчи органга айланди. Шу вақтдан бошлаб эски «И.» Ленин, большевиклар «Искра»си, янги «И.» меньшевиклар, оппортунистлар «И.» си деб аталадиган бўлди.

«И.» 1905 й. октябридаги 112-сонидан кейин нашр этилмади. 1904 й. декабрида «И.» нинг революцион анъаналарини давом эттирувчи «Вперед» газетаси ташкил этилди.

**ИСЛОМ** (а.)— итоат қилмоқ, бўйсунмоқ; ислом 6-асрда Арабистон ярим оролидаги кўчманчи-чорвачи, деҳқон ва ҳунарманд аҳоли орасида ибтидоий жамоа тузуми емирила бошлаган пайтда пайдо бўлган. Синфий жамиятнинг вужудга келиши

қабилаларни бирлаштириш зарурлигини тарғиб этадиган, худотлайдиган идеология, яъни яқка худотлик динни яратиш заруриятини муқаррар тақозо қилди. Жанубий Арабистон ерларининг ҳабашлар ва форслар таъсирига тушиб қолганлиги натижасида Макканинг мамлакатлараро савдодаги аҳамиятининг йўқолиши туфайли ислом шаклида янги идея шақллана бошлаган. И. тарқоқ араб қабилаларини бирлаштиришдан ташқари, қўшни мамлакатларни босиб олишга интилишни ақс эттирган ва ана шу йўлда хизмат қилган идеологияга айланган. И. тамомила янги бир дин эмас эди. И. даги ақида, маросим, таъқиқ ва чеклашлар араб қабилаларининг ибтидоий жамоа давридаги диний тушунчалари, христиан (қ.), иудия (қ.) ва зардушт (қ.) динлари негизда пайдо бўлган.

Ф. Энгельс таъбирича, араблар ҳаётида юз берган катта тарихий ўзгаришларга ва «арабларнинг уйғонган миллий онглари» боғлиқ равишда, уларнинг ифодаси сифатида янги дин — И., унинг худоси — Оллоҳ (қ.), пайғамбари — Муҳаммад ҳақидаги эътиқод системаси вужудга келган.

**ИСЛОҲОТ** (а.)— тубдан ўзгартиш; қайта тузиш, яхшилаш, тузатиш; мавжуд тузумни ўзгартирмай туриб ҳукмрон синф ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширган тадбирлар.

**ИСМОИЛИЙЛАР** — араб халифалигида 8-аср ўрталарида шиа оқида шаклланиб, 10—11-асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган диний мазҳаб тарафдори. Мазҳаб шиалар имоми Жаъфар ас Содиқнинг катта ўғли Исмоил номи билан боғлиқ.

**ИСО** — Иисус Христос (Исо масих); христиан динининг афсонавий



асосчиси. Муҳаммаддан олдин ўтган афсонавий ва ноафсонавий пайғамбарларни тан олувчи ислом динидаги ривоятларга кўра, И. Оллоҳнинг пайғамбарларидан бири. Христиан диний ақидалари бўйича, худонинг ўгли — Исо инсонларни Одам Ато ва Момо Ҳавонинг азалий гуноҳларидан халос қилиш учун худо томонидан ерга юборилган. Ўз таълимотини тарғиб қилгани учун рақиблари томонидан крест (салиб)га миҳлаб ўлдирилган. И. уч кундан кейин тирилиб, осмонга кўтарилган, у тўё охиратда ер юзига яна қайтиб келиб, гуноҳкор бандаларига қаттиқ жазо беради ва яхши бандалар учун роҳат-фароғат бағишловчи илоҳий подшолик ўрнатади, деб талқин этилади.

Христианларда И. нинг буюк халоскорлигига, нариги дунёнинг борлигига ишонтирилади ва зулмга бардош бериш талаб этилади. Христианлик асосини ташкил этган бу таълимот меҳнаткаш оммани эксплуатация қилишда ҳукмрон синфга хизмат қилиб келган.

**ИСПРАВНИК** (рус.) — чор Россиясида 1862 йилдан 1917 йилгача губернатор томонидан тайинланиб қўйилган уезд бошлиғи.

**ИСТИБДОД** (а.) — зулм, эзиш, золимлик, зўравонлик; чексиз ҳокимият, самодержавие, ҳокими мутлақлик тузуми; ҳокимияти қонун билан чекланмаган монархияли давлат усули.

**ИСТИЛО** (а.) — бўйсундириш, босиб олиш, забт этиш; қурол кучи билан бирор давлат томонидан бошқасининг ерларини босиб олиш йўли билан бўйсундириш.

**ИСТЕҲКОМ** (а.) — душмандан сақланиш учун атрофи ўралиб, мустақкам, пухта қурилган, душманга қарши курашда таяниладиган мудо-

фаа иншооти; узоқ вақт мудофаа қилишга мўлжалланган қалъа.

**ИСТОРИОГРАФИЯ** (грек.) — тарих фанининг тарихи, тарихшунослик; 1 инсоният жамияти тараққиёти ҳамда тарихий тадқиқот методларининг такомиллаштирилиши ҳақида билимлар тўплаш тарихини, синфлар курашини акс эттирадиган ижтимоий ҳодисаларни талқин этиш соҳасидаги оқимлар кураши тарихини, тарихий тараққиёт қонуларини очиш тарихини, марксча-ленинча тарих фанининг буржуа сохта илми устидан ғалабаси тарихини ўрганувчи фан. И. фақат марксизм-ленинизм вужудга келгандан кейингина фанга айланди. Марксизм-ленинизм илмий И. нинг асосини ташкил этади. Совет И. си тарихни сохталаштирувчи буржуа миллатчиларига қарши аёвсиз кураш олиб боради. И. тарих фанининг назарий ва методологик асослари ҳамда тарих фани ривожининг асосий босқичлари ҳақидаги фан. 2 И. у ёки бу даврда пайдо бўлган, муайян тарихий даврга ёки проблемаларга бағишланган тарихий асарлар йиғиндиси, масалан, Совет жамияти И. си; Октябрь социалистик революцияси И. си. 3 Тарихий адабиёт ва манбаларни таҳлил қилиш йўли билан тарих фанининг ривожланишини ўрганувчи фан. 4 И. тарих билимлари тараққиётини ва тарих манбаларини ўрганувчи фан.

**«ИСТОРИЧЕСКИЕ ЗАПИСКИ»** (1937—1953) — СССР Фанлар Академияси Тарих институтининг органи бўлиб, у вақти-вақти билан алоҳида тўплам-том шаклида нашр этилди. 1953 й. январигача унинг 41 томи чиққан.

**«ИСТОРИЧЕСКИЕ ОБЩЕСТВА»** («тарих жамиятлари») — Россияда 19-аср ва 20-аср бошларида тарих фанининг турли соҳаларида ишлайдиган

олимлар ва маҳаллий тарихни яхши билувчи ҳаваскорлар иштирокида Москва ва Санкт-Петербургда «Россия тарихи ва қадимги даврда Москва ва жамияти»- «История России и Московское общество в древний период» (1905), Петербург «Русское историческое общество»си тузилган. **Вундан** ташқари, Петербург университетининг қошида «Тарих жамияти» ҳам бўлган. Бу жамиятлар мамлакатлар тарихига оид турли проблемаларни ўрганиш, илмий асарлар ва ҳужжатларни нашр этиш йўли билан тарих ва филология билимларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эдилар.

**«ИСТОРИЧЕСКИЙ АРХИВ»** (1936—1951)— СССР Фанлар Академияси Тарих институтининг органи бўлиб, унда ижтимоий, иқтисодий, ички ва ташқи сиёсат, революцион ҳаракатлар тарихи, мамлакатимиз халқлари тарихи, маданияти, фан ва техника тарихига оид материаллар босиб чиқарилди. 1951 й. ноябрь ойига журналнинг ҳаммаси бўлиб 10 сони босилиб чиққан.

**«ИСТОРИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК»**— 1880—1917 йилда Санкт-Петербургда консерватив-монархиячи оқим намояндлари А. С. Суворин ва С. Н. Шубинскийлар ташаббуси билан нашр этилган журнал. «И. В.» да мамлакат археологияси, тарихи, умумий тарих, адабиёт ва санъатга оид кўп материаллар эълон қилинган.

**«ИСТОРИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ»**— 1937—1945 йилда нашр этилган. 1945 й. дан буён у «Вопросы истории» номи билан чиқарилаётган.

**ИТАЛИКЛАР** (лат.)— эр. ав. 1 минг йилликда Италиянинг катта қисмида яшаган қабилалар— латинлар, умболар, сабеллар, осклар ва бошқалар шуларга мансубдир.

**ИУДАИЗМ**— яҳудийлик, яҳудий

дини. Эр. ав. 1 минг йиллик бошларида Фаластин (Қуддус)да яҳудий қабилалари орасида ташкил топган дин. Арабистон ярим оролида кўчиб юрган яҳудий қабилалари эр. ав. 13-асрда Фаластинни босиб олиб, яҳудий давлати тузган. Яҳудийлар қабилалари динлари ўрнига Иуда қабиласининг худоси Яхвега сиғинганлар ва шу қабилани номидан И. келиб чиққан. И. эр. ав. 10—6-асрларда яқка худодиларга айланган. Яқин Шарқда Исроил агрессияси амалга оширилган давлатларда И. Пентагоннинг маънавий айланмиш, ашаддий реакцион роль ўйнамоқда.

**ИФИГЕНИЯ** (грек.)— грек афсоналарида кўра, Аргос ороли подшоиси Агамемноннинг қизи; афсонага кўра, худодлар иродасини шарҳловчи Қалхаснинг каромати билан И. грекларнинг Трояга омон-эсон сузиб ўтишларини таъминлаш учун қурбон қилиниши керак бўлган. И. ни илоҳа Артемида қутқариб қолган; Артемида уни оҳуга алмаштириб, Тавридага олиб кетиб, ўз қоҳинаси қилиб олган. И. ҳақидаги афсона Еврипиднинг «Авлидаги Ифигения» фожиали асарига мавзу бўлган ҳамда Гёте ва Ж. Расин ўз асарларида ундан фойдаланганлар.

**ИФЛОС УРУШ**— империалистик давлатлар томонидан озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борувчи халқларга қарши қаратилган босқинчилик урушини характерлаш учун ишлатиладиган термин. Тарихий адабиётларда француз империализмининг вьетнам халқига қарши олиб борган уруши (1946—1954) И. у. деб аталади; шунингдек, француз мустамлакачиларининг Жазоир халқига қарши (1954—1962) олиб борган уруши ҳам И. у. дейилади. АҚШ нинг Вьетнамда узоқ давом этган ва ниҳоят шармандаларча мағлубият би-

лаш тугаган агрессияси ҳам И. у. номи билан тарихий адабиётларга кирди.

**ИЮЛЬ МОНАРХИЯСИ** — Франция тарихида Реставрация режими тугагач, 1830 йилги июль революциясидан бошлаб, 1848 й. февраль революциясигача бўлган давр. И. М. король Луи Филипп замонида мамлакатда буржуазия эмас, балки унинг бир фракцияси — савдо-саноат ва банк буржуазияси ҳукмронлик қилди.

**ИЮЛЬ ОРДОНАНСЛАРИ** — (*фр.*)—1830 й. 25 июлида француз короли Карл ва князь Ж. Полиньяк бошчилигидаги ҳукумат аъзолари томонидан эълон қилинган олти фармон (ордонанслар). И. о. да мамлакатда ярим абсолют тартибни ва йирик сарой ер эгаларининг чекланмаган ҳукмронлигини ўрнатиш кўзда тутилган эди. И. о. да буржуа либераллари кўпчилиكنи ташкил этган янги депутатлар палатаси тарқатилди, савдо-саноат буржуазиясининг ҳуқуқлари кескин равишда чекланди, депутатлар палатаси аъзоларининг сони камайтирилди. И. о. сарой дворянлари юқори табақасининг давлат тўнтариши қилиш йўлидаги уришлари эди, бу реакцион ҳаракат халқ оmmasининг қаршилигига учради, натижада 1830 й. июль революцияси содир бўлди.

**ИЮНЬ НАМОЙИШИ**—1917 й. 18 июнь (1 июль)да большевиклар раҳбарлигида Петроградда июнь кризиси кунларида 500 мингга яқин ишчилар, революцион солдат ва матросларнинг оммавий-сиёсий намоёиши. 1917 й. июнь кризисининг марказий воқеаси.

Намоёиш муваққат ҳукуматнинг империалистик сиёсатига, меньшевикларнинг буржуазия билан келишувчилигига қарши ўтказилди. Бу намоёишни меньшевиклар Муваққат

ҳукуматга ишонч билдириш руҳида ўтказмоқчи бўлдилар. Аммо большевиклар томонидан тайёрланган 500 минг кишилик намоёиш «Бутун ҳокимият Советларга!» шiori остида ўтди. Худди шу кун ва 25 июнда Москва, Минск, Иваново-Вознесенск, Тверь, Новгород, Харьков ва бошқа шаҳарларда намоёиш ва митинглар бўлиб ўтди. Июнь воқеаси тобора кучайиб, июль кризисининг бошланишига замин ҳозирлади.

**ИХШИД** — Суғди ҳокимларининг насаби. Суғдиёна ерлари араб халифалиги томонидан итoат эттирилганига қадар бу ерда 13 И. ўтган. Араб ҳокимияти даврида И. вассал (*қ.*) давлат бўлган.

**ИЧКИ** — подшо саройига хос амалдор, сарой мулозими.

**ИЧКАРИ** — революциягача бўлган даврда ўзбек, тожик ва туркманларда ва умуман ислом дини тарқалган барча мамлакатларда ўтроқ аҳоли ҳовлиларидаги бўлак. Шарият қоидаларига кўра, аёллар ва балоғатга етган қизлар номаҳрам (*ёт*), бегона эркакларга кўринмаслиги лозим бўлган. Шунинг учун ҳовлилар И. ва ташқари қисмдан иборат қилиб қурилган. И. да асосан аёллар ва болалар яшаган. Ташқи ҳовли билан И. ўртасида эшик бўлиб, бундан бегона эркакларнинг И. га кириши қатъиян тақиқланган.

**ИШПАНЛАР** (*венг.*)—бошқарувчи; 11—13-асрларда венгр короли томонидан қалъа ва унинг атрофидаги ерларни бошқариш учун тайинланган йирик феодал-магнат; ҳарбий, маъмурий ва суд ҳокимияти унинг қўлида бўлган. Буржуа Венгриясида бош И. мансаби авлоддан-авлодга ўтади.

**ИШСИЗЛИК**— капитализмга хос хусусият, унда иқтисодий актив аҳолининг бир қисми ўз ишчи кучини

татбиқ этолмай, «ортиқча» аҳоли бўлиб қолади. И. капиталистик жамғаришнинг умумий қонуни таъсири остида туғилади; иқтисодий кризислар ва ишчи кучига талаб кескин равишда қисқарган депрессия (қ.) вақтида И. айниқса авжга чиқади. И. дан малакасиз ва кам малакали ишчилар, ёшлар ва аёллар, шунингдек, аҳолининг ирқий камситиладиган табақалари айниқса азоб чекадиган. Капиталистик мамлакатларда, расмий маълумотларга кўра, И. лар 1976 й. 18 млн. кишини ташкил этди.

**ИШЧИЛАР СИНФИ** — ҳозирги даврда жамиятнинг энг илғор ва прогрессив синфи; капитализмдан коммунизмга ўтиш тарихий жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи. И. с. капитализм билан бир вақтда вужудга келади. Капитализм даврида И. с. ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрумлиги сабабли ўз ишчи кучини сотишга мажбур. Меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатация қилиниши ишчи (пролетариат) билан буржуазия ўртасидаги муросасиз зиддиятларни — жуда қаттиқ синфий курашни келтириб чиқаради. Буржуа жамиятининг энг изчил революцион синфи бўлган пролетариат барча прогрессив кучларни ўз теварагига жипслаштириб, ўз авангарди — етакчи партияси раҳбарлигида эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб, зулм ва эксплуатацияни абадий тугатиб ташлаб, янги, социалистик жамият қуришни ташкил этади.

**ИШ ТАШЛАШ** — забастовка; капиталистик мамлакатларда иқтисодий ва сиёсий талабларни амалга ошириш учун ёппасига кўтарилган халқ ҳаракати.

**«ИШ ТАШЛАШНИНГ АКСИ»** ёки италянча иш ташлаш (20-аср бошларида Италияда вужудга келгани учун шундай аталган) — капита-

листик мамлакатларда ишчилар иқтисодий ва сиёсий кураши формаларидан бири. И.—с. нинг бир неча тури бор: 1 ишчилар корхонада ишлайверадилар-у, лекин иш суръатини секинлаштирадилар; 2 айрим цехлар навбатма-навбат ишни кунига 1—2 соатга тўхтатадилар; 3 ишчилар смена давомида бир неча марта ишни тўхтатадилар ва ҳоказо. Капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда меҳнаткашлар ишлаш ҳуқуқи учун олиб борадиган сиёсий ва иқтисодий курашнинг пассив шакли ҳам мавжуд. Бу ҳаракат иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса 1949—1953 йилларда, саноатни реконструкция қилиш ва ишсизлик ғоят даражада кучайиб кетган вақтларда бутун Италияда, хусусан, унинг жанубидаги кичик шаҳар ва қишлоқларда кенг ёйилди. Бунда ишсиз ишчиларнинг бир қисми ўз ташаббуси билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, лекин кўп миқдорда қурилиш материаллари сарфлашни талаб қилмайдиган ишларни (йўллар қуриш, канал қазини ёки касалхоналар пойдевори учун ер қовлаш ва ҳоказо) бажарганлар, сўнгра меҳнатлари учун маҳаллий маъмурлардан ҳақ тўлашни, шу бошлаган ишларини охирига етказишни ўзларига топширишни қаттиқ туриб талаб қилганлар.

**ИШЧИ АРИСТОКРАТИЯСИ** — ишчиларнинг юқори табақаси; капиталистларнинг максимал даромадлари ҳисобига буржуазия томонидан сотиб олинadиган, мешчанлик ва оппортунистлик руҳ билан заҳарланган кишилар. И. а. 19-аср ўрталарида Англияда вужудга келди. И. а. империализм даврида капитализм системасини яқинлашиб келаётган қадокатдан сақлаб қолиш йўллари қидирилаётган вақтда, эксплуататор синфлар ишчиларнинг энг малакали қис-

мини таянч қилиб олишга интилаётган бир шароитда вужудга келди. Ишчиларнинг юқори табақаси бўлган И. а. буржуазиянинг асосий ижтимоий таянчи, ишчилар ҳаракатида буржуазиянинг жирканч агенти, капиталистларнинг ҳамтовоғи, реформизм (қ.) ва шовинизм (қ.) ғояларининг маддоҳидир. Ишчилар синфи курашининг кескинлашуви ва сиёсий онгининг ўсиши, коммунистик ва ишчи партияларнинг таъсири кучайиши натижасида И. а. омма ўртасида ўз таъсирини йўқотмоқда.

**ИҚТО** (а.) — ер бермоқ. Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида феодалга қилган ҳарбий хизмати эвазига ҳукмдор томонидан вақтинча фойдаланиш учун инъом этилган ер-сув, чек ер, поместье. И. дастлаб араб халифалигида 7-аср охирида пайдо бўлган, 9-асрга келиб халифа томонидан амирга идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам И. деб аталган. И. ерлари давлат мулки ҳисобланган, лекин 9-асрдан бошлаб феодалнинг хусусий мулкига айлана бошлаган. Салжуқийлар, қорахонийлар даврида 11-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг тарқалган. И. ерларининг эгалари иқтодор ёки муқта деб аталган, улар ўз И. си да яшовчи деҳқон ва ҳунарманд аҳолини маҳсулот ва пул билан солиқ ундириш орқали қаттиқ эксплуатация қилганлар. И. икки хил бўлган: 1) И. ижара — ҳарбий ёки граждан мансабдорларга инъом қилинган ер бўлиб, бундай ерга эгалик қилган кимса аҳолидан давлатга тўланиши лозим бўлган ер солиғи (хирож)ни ўз фойдасига йиғиб олиш ҳуқуқидан фойдаланган; 2) И. тамлик — фойдаланилмаётган ёки янги босиб олинган мамлакатда фойдаланиб юрилган ерлар бўлиб, уч йил ичида ишга солиш шarti билан берилган. Бундай ер

эгаси хазинага ер солиғини тўлаши лозим бўлган, бу иқтидор ерни ворисларига мерос қилиб қолдира олган, 9-асрдан бошлаб халифа томонидан солиқларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини ўз фойдасига олиш шarti билан ноибга инъом этилган ерлар ҳам И. деб атала бошлаган. Ноиблик мансаби каби И. ҳам мерос бўлиб ўтадиган бўлган. 13—14-асрлардан бошлаб И. янги шаклга кириб, суюрғол, тиюл, бобурийлар салтанатида жағир (қ.) ва бошқа номлар билан аталган.

**ИҚТОДОР** (а.-форс.) — арабча «муқта»нинг синоними, ҳарбий хизмати эвазига инъом қилинган ер — иқто эгаси. И. ёзма манбаларда 11-асрдан буён маълум.

**ЙИГИРМА БЕШ МИНГЧИЛАР** — ВКП(б) Марказий Комитетининг 1929 й. ноябрь Пленуми қарорига биноан йирик саноат марказларидан қишлоққа юборилган 25 минг илғор ишчилар отряди. Қулоқларга қарши кураш шароитида янги колхозлар тузиш, камқувват колхозларни мустаҳкамлаш, партия ва совет ташкилотларини душман унсурлардан тозалаш, деҳқонлар орасида сиёсий-гарбывий ишлар олиб боришда актив қатнашдилар. Й. нинг талайгина қисми колхозларда раҳбарлик ўринларини эгалладилар ва қишлоқда доимий ишлаш учун қолдилар.

**ЙИГИРМА ОЛТИ БОКУ КОМИССАРЛАРИ** — 1918 й. Боку коммунаси революцион арбоблари. Боку ХКС раиси С. Г. Шаумян, халқ комиссарлари М. А. Азизбеков, П. А. Джапаридзе, И. Т. Фиолетов, Г. Н. Корганов, Я. Д. Зевин, М. Г. Везиров, партия, совет ва ҳарбий ходимлар И. В. Малигин, Г. К. Петров, А. М. Амирян, В. Ф. Полухин, И. Я. Габиншев, С. Г. Осепян, Э. А. Берг, Б. А. Ава-

кян, А. А. Борян, М. В. Басин, М. Р. Коганов, А. М. Костандян, А. А. Богданов, С. А. Богданов, Ф. Ф. Солнцев, А. И. Мишне, И. П. Метакса, И. М. Николайшвили, Т. Амиров контрреволюцион ҳукумат — «Марказий Каспий диктатураси» томонидан қамоққа олиниб, Закаспийга олиб борилиб, 1918 й. 20 сентябрида эсерлар томонидан отиб ташланганлар.

**ЙИЛНОМА** — солнома; ўтмишда энг муҳим тарихий воқеалар тартиб билан баён этилган тарихий асар. Й. лар ҳар бир мамлакатнинг қадимги давридан муҳим ёзма манба ҳисобланади. Й. диққат марказида шу мамлакат ҳукмдорларининг фаолияти, жангу-жадаллар турса ҳам, унда халқ оммасининг идеологияси, синфий кураш ҳам ўзининг муайян ифодасини топади. Й. тузувчилар ўзларининг шахсий кузатишларидан ташқари ҳукмдорлар архивидаги ҳужжатлар, турли қонулар, адабий асарлар ва бошқалардан кенг фойдаландилар. Масалан, 14—15-асрларга оид рус Й. да Александр Невский ва Дмитрий Донской ва уларнинг раҳбарлигида бўлган «Муз жанги» ва «Куликово майдонидаги жанглар», Тверь савдогари Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга қилган саёҳати ҳикоя қилинади. Рус йилномалари ичида Киев-Печора монастирининг монахи Нестор томонидан 12-аср бошида ёзилган «Ўтмиш йиллар қиссаси» машҳурдир.

**ЙИЛНОМАЧИ, СОЛНОМАЧИ** — ўтмишдаги энг муҳим воқеаларни ёзиб борувчи.

## К

**КАВАЛЕРГАРДЛАР** (*фр.*) — чавандоз ва соқчи; Россияда алоҳида тантаналарда подшо ва унинг хона-

дони аъзоларини қўриқловчи фахрий соқчилар; К. 1724 йилда Пётр I томонидан отлич аскарлар қисмининг бир тури сифатида ташкил этилган. К. нинг айрим эскадронларидан 1864 й. да корпус тузилган, 1800 й. да у кавалергард полки қилиб қайта тузилган.

**КАДЕТЛАР** (конституцион-демократик партия) — партиянинг расмий номи; Россияда либерал-монархистик буржуазиянинг асосий сиёсий партияси бўлиб, 1905 й. октябрида ташкил топган. К. лар раҳбари П. И. Милюков, А. И. Шингарёв, В. Д. Набоковлар Россияда подшо ҳокимиятини конституцияли ва парламентли монархия шаклида сақлаб қолиш тарафдори эди. К. буржуазиянинг эркинлигини, помещик ер эгаллигини сақлаб қолиш, «ишчилар масаласини» қонун йўли билан ҳал этиш тарафдори эди. Солта демократия билан ниқобланган К. лар меҳнаткашлар оммасини алдаш учун ўзларини «Халқ озодлиги партияси» деб атаб, деҳқонларни ўз томонларига жалб этишга уринганлар, ҳақиқатда эса улар ишчи ва деҳқонларни биргаликда эксплуатация қилиш учун ҳокимиятни буржуазия билан баҳам кўришга ҳаракат қилганлар. К. ларнинг «Речь» газетаси, «Халқ озодлиги партиясининг вестниги» номли журнал бўлган. Давлат думасида октябрестлар билан блок тузганлар. Биринчи жаҳон урушида чоризмнинг империалистик сиёсатини қўллаб-қувватлаганлар. Вақтли ҳукумат даврида очикдан-очик контрреволюция томонига ўтганлар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгач, К. лар Совет ҳокимиятига қарши фитналар ва исёнлар ташкил этдилар. Совет ҳукуматининг 1917 й. 28 ноябрь (11 декабрь) Декретиди

К. лар партияси қонундан ташқари ва халқ душманлари деб эълон қилинди.

**КАДЕТЛАР КОРПУСИ** (*фр.*) — буржуа мамлакатларида асосан офицер ва дворян болаларини офицерлик хизматига ёки офицерлик мактабига кириш учун тайёрлайдиган ёпиқ ҳарбий ўқув-тарбия юрти. Россияда биринчи К. к. 1732 й. да ташкил қилиниб, 19-асрнинг 60-йилларидан асосан ҳарбий билим юртлари учун тайёрлов мактаби, 1863—1882 й. да ва Февраль революциясидан сўнг ҳарбий гимназия. 20-асрнинг бошларида уларнинг сони 30 га етган.

**КАДИВАР** (*форс.*) — илк феодализм даврида Ўрта Осиё қишлоқларида феодалга тобе бўлган шахс — деҳқон (*қ.*).

**КАДХУДО, КАДХУДОТ** (*форс.*) — уй-рўзгор эгаси, оила ёки жамоа бошлиғи; ўрта асрларда қишлоқ бошлиғи, ҳокими, оқсоқол; эл-юрт ичида гапига ҳамма қулоқ соладиган сардор; Эронда қишлоқ оқсоқоли К. деб аталади.

**КАЗАКЛАР** (*турк.*) — ажралган, дайди; 1 даставвал феодал зулмидан қочиб, Русь давлатининг чекка ўлкаларига — Запорожье, Дон, Сибирь, Кубань, Ёйиқ ҳавзалари, сўнгра эса Еттисув, Забайкалье, Амур, Уссурйск, Иркутск ва Енисей атрофлари ва бошқа жойларга бориб ўрнашган крепостной деҳқонлар, холоплар ва шаҳарликлардан иборат кишиларнинг ҳарбийлашган жамоалари аъзолари; 2 маълум областда туғилиб ўсган кишилар (Дон казаклари, Урал казаклари). 18-асрдан бошлаб 1917 й. гача К. Россия империясининг умумий қуроли кучлари составидаги ҳарбий табақа ҳисобланиб келди. К. 17-асрдан бошлаб биринчи жаҳон урушигача Россия чоризми олиб бор-

ган ҳамма урушларда қатнашган. 1920 йилдан бошлаб К. нинг алоҳида табақа эканлиги бекор қилинди. Ҳозирда улар асосан Дон, Кубань ва Терекда истиқомат қилмоқдалар.

**КАЛЬВИНИЗМ** — 16-асрда юзага келган реформация (*қ.*) натижасида католик черковидан ажралиб чиққан протестант (*қ.*) оқимларидан бири. К. ташкил топиши Жан Кальвин (1509—1564) номи билан боғлиқ. К. пайдо бўлиб келаётган савдо буржуазиясининг идеологияси сифатида феодализм ва унig ғоявий таянчи — католик черковига қарши курашган. Протестантлик Англия, Шотландия, Голландия, Италия, Германия, Франция, Венгрия ва Польшада кенг тарқалган. К. 16—17-асрлардаги буржуа революцияларининг ғоявий қуроли ҳисобланган. К. таълимотига кўра, гўё худо одамларни туғилмасиданоқ «мумтоз» ва «маҳкум» тоифаларга бўлиб яратган: «мумтозлар» фароғатда, «маҳкумлар» эса азоб-уқубатда яшашлари керак. К. одам ўз тақдирини асло ўзгартира олмайди, чунки худо бойликни севган қулига беради, деб тушунтиради. К. мазлумларни капиталистик тузум билан мурасага келтиришга уринувчи, коммунизмга қарши оқим. Ҳозирги замон К. (50 млн. га яқин) — реформатлар (*қ.*), присвитермане (*қ.*), конгрегационалистлар (*қ.*).

**КАЛЕНДАРЬ** (*лат.*) — қадимги римликларнинг ҳар бир ойнинг биринчи куни номи бўлган «календи» сўзидан келиб чиққан; ойдаги ва йилдаги кунларни ҳисоблаш системаси. К. жуда узоқ тарихга эга. Жаҳонда энг машҳур календарлар қуйидагилардир: қадимги Хитой К. и, қадимги Миср К. и, арман К. и, Умар Хайём К. и, Александр ҳисоби, му-сулмонлар ой К. и, ой-қуёш ҳисоби,

асосий циклар, қадимги Бобил ва қадимги яҳудий К. лари, қадимги грек, қадимги Рим К. лари, император Гай Юлий Цезарь томонидан реформа қилинган К., Юлиан К. и, Пётр I замонигача бўлган Россия К. и, папа Григорий томонидан реформа қилинган К., 1789 йилги француз революцияси К. ва б.

Ҳозир қўлланилаётган ойларнинг номлари қадимги Римда пайдо бўлган; римликларда янги йил баҳордан (мартдан) бошланган, аммо ойларнинг номлари бўлмай, улар рақамлар билан аталган. Март ойи биринчи ой, ундан сўнги ойлари иккинчи, учинчи... деб аталган. Кейин эса 12 ойдан фақат 4 ой — сентябрь — 7- ой, октябрь — 8- ой, ноябрь — 9- ой, декабрь — 10- ой рақам билан аталиб, бошқаларига ном қўйилган; февраль ва апрель ойларининг маъноси маълум эмас; Март — уруш худоси Марс; Май — ер худоси Майя; Июнь — Юнана деган маъбуд; Июль — Юлий Цезарь, Август — Октавиан Август номи билан аталган.

Инддаги ойлари 28, 29, 30 ва 31 кунлик, кварталлар 90 дан 92 кунгача.

Миллатлар Иттифоқида 1923 йилда календарни ислоҳ қилиш ниятида махсус комиссия тузилди. Комиссия томонидан тақдим этилган лойиҳалар ичида энг мақбули йилнинг ҳамма кварталлари баб-баравар — 91 кундан, яъни 13 ҳафтадан бўлишини кўзда тутди. Ҳар кварталнинг биринчи ойи (январь, апрель, июль ва октябрь) 31 кундан қолганлари 30 кундан бўлади. Шунда ҳар квартал ва йил якшанбадан бошланади. Ҳар бири 91 кундан бўлган 4 квартал 364 кун бўлади, шунда 30 декабрдан кейинги кун янги йил муносабати билан иш қилинмай-

диган халқаро кун бўлиб, унинг числоси ва номи бўлмайди. **Қабиса** йилида 30 июндан кейин ҳам иш қилинмайдиган яна бир кун қўшилади. 1939 й. да тайёр бўлган бу лойиҳа айрим сабабларга кўра амалга ошмади. Календарь Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳам диққатидан четда қолмаган. Бироқ ҳамон янги календарга ўтиш масаласи ҳал этилмай келмоқда.

**КАМАЛАК ЕЙ, КАМОН** — ов ва ҳарбий қурол; қаттиқ ёғочнинг икки учидан ип тортиб эгиб, ярим доира шаклида ясалган, найза-ўқ солиб отиладиган қадимий қурол; К. мезолит давридаёқ ихтиро этилган бўлиб, ҳозирги вақтгача Жанубий Америка, Фарбий ва Марказий Африка, Меланезия халқлари ва бошқа баъзи халқлар орасида кенг тарқалган. Армияда К. дан қадимги замонлардан фойдаланиб келинган.

**КАМБАҒАЛЛАР КОМИТЕТЛАРИ** (комбеды)—1918 й. иккинчи ярмида дастлаб Россиянинг Европа қисми ва Белоруссияда вужудга келган, қишлоқда пролетариат диктатурасининг таянчи бўлган қишлоқ камбағалларининг ташкилоти. У Бутун Россия МИК нинг 1918 йил 11 июндаги декрети асосида ҳамма волость ва қишлоқларда ташкил этилди. К. к. кўпгина ерларда амалда давлат ҳокимияти органи сифатида иш кўрганлар, помешчик ерларини ва қишлоқ хўжалик асбобларини тақсимлаб бердилар, қулоқларга қарши курашда ва қишлоқда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта роль ўйнадилар. К. к. ғалла, энг зарур моллар ва қишлоқ хўжалик қуролларини тақсимлаш, қулоқлардаги ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини мусодара қилишда тегишли ташкилотларга катта ёрдам кўрсатди. Шунингдек, К. к. қишлоқда хўжалик ишларига раҳ-



барлик қилиш ва кўнгиллиларни Қизил Армия сафига жалб этиш, қулоқлардаги ортиқча асбоб-ускуна ва ерларни мусодара қилиб, деҳқонлар ўртасида тақсимлаш, совхоз ва колхозлар ташкил этиш каби ишларда катта роль ўйнадилар. 1918 й. охирига келиб К. к. лар ўз вазифаларини ўтаб бўлдилар. Бутун Россия Советлар й. 6-фавқулодда съездининг 1918 й. 9 ноябрь қарорига биноан, К. к. тарқатиб юборилди ва Советлар билан бирга қўшилди. Урта Осиё ва Қозоғистонда К. к. Қўшчи Союзи (қ.) деб аталар эди.

**КАМЕРГЕР** (нем.)— монархия давлатларида сарой мансабдорларига бериладиган унвонлардан бири. У биринчи марта Испанияда, 16-асрда Германияда, Екатерина II (1762—1796) замонида Россияда жорий қилинган, 1809 йилда император Александр I (1801—1825) томонидан тугатилган. 1836 й. дан бошлаб К. унвони давлат аппаратида бўлмаган дворянларга бериладиган фахрий унвон ҳисобланган.

**КАМЕРДИНЕР** (нем.)— феодал ва капиталистик мамлакатларда дворян-помещик ёки бой буржуа хонадонида хизматкор, малай.

**КАМЕР-КОЛЛЕГИЯ** (нем.)— 1718 й. да Пётр I томонидан ташкил этилган коллегиялардан бири, давлат даромадлари ва харажатларини бошқарувчи, давлат бюджетини муҳокама қилувчи орган. К. к. 1802 й. да миинстриликлар тузилгандан кейин тугатилган.

**КАМЕР-ЮНҚЕР** (нем.)— чор Россияси ва бошқа баъзи монархияли давлатларда саройдаги камергерлардан бир даража қуйи унвон.

**КАМПАНИЯ** (фр.)— юриш, ҳарбий юриш, жалб этиш; маълум мақсад билан уюштириладиган тадбир;

муайян даврда муҳим ижтимоий-сиёсий, хўжалик ёки маданий тадбирларни амалга оширишга қаратилган фаолият.

**КАНТОН** (фр.)— округ; 1 Швейцарияда иттифоқчи айрим ўлкаларнинг ҳар бири; 2 Бельгия ва бошқа баъзи мамлакатларда майда маъмурий-территориал бирлик; 3 Францияда сайлов округи.

**КАНЦЛЕР** (нем.-лат.)— канцлер мансаби Франция монархиясида вужудга келган. Қ. король имзоси билан чиқариладиган ҳужжатларни расмийлаштирган, давлат архиви, король муҳрини сақлаган; ўрта асрлар Франциясида Қ. король идорасини бошқаришдан ташқари, баъзи суд ишлари ва ташқи ишларни ҳам олиб борган; ўрта асрларда Қ. король маҳкамасининг бошлиғи; подшо Россиясида давлат Қ.— олий гражданик мансаби; Швейцарияда Иттифоқ канцлери— давлат ҳокимияти олий федерал органлари (Иттифоқ мажлиси ва Иттифоқ кенгаши), кантонлар (қ.) кенгашининг секретари; Англияда ҳукуматнинг олий юридик кенгашичи, олий суд лордлар палатасининг раиси (лорд-канцлер) ва молия министри (хазина канцлери); Германияда (1871—1945) рейхсканцлер— бош министр; Австрияда федерал Қ.— ҳукумат бошлиғи ва Германия Федератив Республикасида— бош министр.

**КАПИТАЛ** (нем.-лат.)— сармоя, дастлабки бош мулк, қўшимча қиймат йиғиндиси; капиталистик ижтимоий муносабатларни ифодаловчи иқтисодий категория. К. ёрдами билан капиталистик жамиятда ёлланма меҳнат эксплуатация қилинади, қўшимча қиймат қўлга киритилади ва у капиталистлар билан ишчилар ўртасидаги муайян ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

**КАПИТАЛИСТ** — буржуа жамиятида ҳукмрон синф намояндаси, капитал эгаси, ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш йўли билан қўшимча даромад олувчи.

**КАПИТАЛИЗМ** (*фр.*) — феодализмдан кейинги тўртинчи ижтимоий-иқтисодий формация бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигига ва капиталистлар томонидан ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишга асосланган. К. ўзидан олдинги тузум бўлган феодализмга нисбатан прогрессив роль ўйнайди. Бу ўқори меҳнат унумдорлиги вужудга келишида ифодаланади. Европада К. 16-асрда юзага кела бошлаган ва тобора ўсиб борган. К. шундай иқтисодий системаки, унда давлатнинг ўзи капиталистдир, саноат ёки савдо корхонасига эгаллик вази-фаслини ўтайди. К. ишлаб чиқарувчи кучларни бениҳоя ривожлантириб, сўнгра ижтимоий тараққиёт йўлидаги жуда катта тўсиққа айланади. Буржуа жамиятига хос зиддиятлар кучайиб борган сари эксплуатация қилинувчи омманинг капиталистик тузумдан норозилиги орта боради, пролетарларнинг сони ўсади ва жипислиги кучаяди, уларнинг эксплуататорларга қарши кураши кескинлашади. К. бир синфнинг бошқа синф томонидан эксплуатация қилинишига асосланган энг сўнги тузум бўлиб, унинг ўрнини антагонистик синфлар ва эксплуатация бўлмайдиган жамият — коммунистик жамият эгаллайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнги даврда К. тобора зафлашмоқда, давлат-монополистик капитализми ўсмоқда. К. да фан-техника революциясидан ишчиларни ва ҳамма меҳнат аҳлларини эзиш учун фойдаланилмоқда. К. ҳалокати яқинлашаётган, ўз ўрнини социализмга бўшатиб

бериши тарихий зарурият бўлган тузумдир. Эндиликда жаҳон социалистик системаси ҳозирги замон жамияти тараққиётида етакчи кучга айланиб қолди.

**КАПИТОЛИИ** (*лат.*) — I қадимги Рим шаҳри жойлашган етти тепаликнинг бири, Римнинг истеҳком ва диний маркази бўлган жой. К. да сарой, музей ва давлат архиви, машҳур ибодатхоналар бўлган. Юпитер майдонида Сенат (қ.) мажлиси, халқ йиғинлари бўлиб турган; 2 Вашингтон шаҳрида 1793—1865 й. да қўрилган бўлиб, бу серхашам бинода ҳозир олий қонун чиқарувчи орган — Конгресс (қ.) ва айрим штатлар қонун чиқарувчи ассамблеялари жойлашган.

**КАПСАН ДАРҒА** — Бухоро амирлигида ҳар бир амлокдорликдан ҳосилотни хатга олувчи ва муҳр босувчи мансабдор; дарға учун миқдори ўзаро келишувга кўра йиғиладиган солиқ.

**КАПСАН** ёки панжи сира — Бухоро амирлигида хирождан ташқари, қишлоқ маъмурлари, руҳонийлари, шунингдек, қишлоққа хизмат қилувчиларга (мас., сартарош, тегирмончи ва ш. к. га) бир ботмон (8—12 пуд) буғдойдан бир пуд миқдоридан олинадиган солиқ.

**КАРАВЕЛЛА** (*фр.*) — кема, уч ёки тўрт мачтали елканли кема; феодализм даврида Фарбий Европадаги кўпчилик мамлакатлар денгиз флотинда шундай кемалардан фойдаланганлар. 1492 й. да Колумб шундай К. да Атлантик океани орқали сузиб ўтди, 1498 й. да Васка да Гама Европадан Ҳиндистонга сузиб борди.

**КАРБОНАРЛАР** (*итал.*) — кўмирчилар; Италияда 19-асрнинг биринчи ярмида, Францияда 19-асрнинг 20—30-йилларида яширин революцион ташкилот. К. нинг асосий

мақсади Франция ва Австрия зулмига қарши курашиш, миллий озодликка эришиш ва Италия давлатларида абсолют феодал режимини тугатиш эди. К. состави турлича бўлиб, унда шаҳар буржуазияси, буржуалашган дворянлар, офицерлар, майда буржуазия ва деҳқонларнинг намоёндалари қатнашдилар. К. тарафдорларининг турли табақалиги туфайли уларнинг шнорлари республика, демократизм, монархиячилик декларацияси ва антиклерикализм билан чатишиб кетган эди. К. нинг асосий маркази ҳар иккала Сицилия короллиги бўлиб, дастлаб француз босқинчиларига қарши қаратилди. К. 1820—1821 й. ларда ҳар иккала Сицилия короллигидаги революцияга ва 1821 й. да Пьемонтдаги буржуа революциясига раҳбарлик қилди. Австрия қўшинлари томонидан иккала қўзғолон ҳам бостирилгач, К. ташкилоти қаттиқ таъқиб остига олинди. У 19-асрнинг 40-йилларигача давом этди. Францияда К. ташкилоти 1820—1821 й. да ташкил топиб, қайта тикланган Бурбошлар династиясини йиқитишни вазифа қилиб қўйди. Француз К. ларнинг тор фитначилик тактикасини қўллаганликлари ва халқ оmmasига таянмаганликлари уларни ҳалокатга олиб келди. К. нинг айрим ташкилотлари 1830 йилги июль революциясида актив қатнашдилар ва кўп ўтмай яширин республикачи жамиятларга қўшилиб кетдилар.

**КАРВОН** — (форс.) — юк, мол ортилиб, қатор бўлиб кетаётган уловлар (туялар, хачирлар, эшаклар, отлар) қатори; сувда сузиб бораётган кемалар қатори. К. нинг узилиб қолмаслиги учун энг олдинда ва охирида бораётган уловга қўнғироқ осиб қўйилган. Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида йўлда хавф-хатарсиз

бориш ва бир-бирига ёрдам бериш учун бирлашган сайёҳлар гуруҳи.

**КАРВОНБОШИ** — карвонни бошқарувчи шахс, савдогарлар бошлиғи. К. моллардан бож-хирож олишда зақотчиларга ёрдам қилган, савдогар доир жанжалларни калонтар билан бирга ҳал этган.

**КАРВОНСАРОЙ** — Шарқ, Урта Осиё, Кавказ шаҳарларида ва савдо йўлларида савдогарлар, сайёҳлар ва бошқа йўловчилар қўниб ўтишлари учун қурилган жой ёки рабoт бўлиб, унда меҳмонхона, ошхона, отхона, савдогарлар молларини сақлайдиган омборлар, озиқ-овқат, улов учун ем-хашак мавжуд бўлган. К. биолари бир-икки қаватли бўлиб, ҳужраларга бўлинган, ўртада катта ҳовлиси ҳам бўлган. Урта Осиёнинг катта шаҳарларида бир нечтадан К. бўлган (Бухорода 60 дан ортиқ, Тошкентда 45 та ва ҳ. к.).

**КАРДИНАЛ** (лат.) — катта бошлиқ, католик черковида епископдан юқори, Рим папасидан сўнгги олий руҳонийлик мартабаси — Папанинг кенгашчиси. К. черковни бошқаришда папанинг энг яқин ёрдамчиси ва кенгашчиси.

**КАРТЕЛЬ** (фр.) — капиталистик монополияларнинг асосий шакллари. дан бири бўлиб, бир турли ёки бир-бирига ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона эгаларининг иттифоқи; йирик капиталистик саноат бирлашмаси; саноатнинг бирон соҳасида, бозорда корхона эгаларининг танҳо ҳукмронлик қилиши, ўзаро рақобат қилмаслик, баҳони ошириш ва энг кўп фойда олиш мақсадида тuzилган иттифоқи. Айниқса Германияда К. кенг тарқалган эди. Агар 1865 й. да 4 та К. мавжуд бўлган бўлса, 1900 й. да 300 та; 1925 й. да 2100 К. бор эди. К. да ҳамма нар-

са ишчилар синфини шафқатсизлик билан талашга қаратилган. К. га 20-аср бошларида айрим корхоналарнинг бир-бири билан бирлашиши харақтерли бўлса, эндиликда унга энг жатта трестлар қўшилмоқда.

### КАРТОШКА ҒАЛАЁНЛАРИ

(Картофельные бунты)—19-асрнинг 30—40-йилларида Россияда удел ва давлат деҳқонларининг оммавий антифеодал ҳаракатлари. Деҳқонларнинг энг яхши ерларини тортиб олиб, уларга мажбуран картошка экириш ҳақидаги фармойиш К. ғ. бошланиб кетишига сабаб бўлган. Подшо амалдорлари ва буржуа тарихчилари К. ғ. аҳамиятини камситиш учун деҳқонлар жаҳолатдан картошка экишга қарши чиқдилар, деб кўрсатадилар. Ҳақиқатда эса деҳқонлар анча вақт илгари ҳам ўз ерларига картошка экар ва уни истеъмол қилар эдилар. Фақат шимолий губернялар, Урал ёқалари, Урта ва Қуйи Волга губерняларининг ўзидагина 1837—1844 йилларда 500 мингдан ортиқ деҳқон К. ғ. да қатнашдилар. К. ғ. да рус деҳқонлари билан бирга марий, чуваш, удмурт, татар ва коми деҳқонлари ҳам қатнашдилар. Подшо ҳукумати К. ғ. ни қўшин ёрдамида шафқатсиз бостирди.

**КАСТА** (лат.-португ.)—тоза, бепуқсон, оқсуяк, бошқа тоифа билан аралашмаган тоифа, табақа; Ҳиндистон, Қадимги Миср, Перу ва Шарқдаги бошқа баъзи мамлакатларда ўз аъзоларининг насаб ва имтиёзли ҳуқуқлари, урф-одатлари ва касб-ҳунарларига қараб алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ (руҳонийлар кастаси, савдогарлар кастаси, деҳқонлар кастаси, брахманлар кастаси ва б.). Кастачилик айниқса Ҳиндистонда, Шри-Ланка, Япония ва бошқа ерларда кенг ёйилган ва мустамлака даврида инглизлар қўли-

да маҳаллий халқни эзиш қуроли бўлган.

**КАТАКОМБА** (итал.)—моғора, ер тагидаги табиий ёки кўпинча сунъий узун моғора; диний маросимларни ўтказиш ёки ўлганларни дафн этиш жойи. Энг машҳур К. Рим яқинида, Керчь, Киев, Неаполь, Сицилия ва Мальта оролларида, Шимолӣ Америкада, Кичик Осиё ва бошқа жойларда бор. К. нинг девор ва шиплари кўпинча чиройли расм ва манзаралар билан безатилган. Христианлик эндигина пайдо бўлаётган, ҳукмрон синф ва давлатлар томонидан ҳали эътироф қилинмаган вақтларда (янги эранинг дастлабки асрларида) христианларнинг қувғиндан сақланиш, ибодат қилиш, суҳбатлар ўтказиш жойи; қадимги мисрликларда К. ер остида мўмиёлар сақланадиган жой; ёнбош томонидан кириш йўлига қўйилган оилавий ер ости сарнаси.

**КАТАПУЛЬТА** (грек.)—манжанақ, палахмон, қадим замонларда греклар ва римликларда, кейинчалик Урта Осиёда ҳам қамал қилинган шаҳар деворларини бузишда ишлатилган машина. К. тош, ўткир учли ёўла, ёнилни тўлатилган бочкалар ва бошқа шикастловчи нарсаларни бир неча юз метрга иргита олган.

**КАТАРЛАР** (грек.)—пок, пок одам; 11—13-асрларда Ғарбий Европада, асосан Шимолий Италия ва Жанубий Францияда, қисман Германияда асосан ҳунармандлар ва қисман деҳқонлар орасида тарқалган диний-ересь (бидъатчи) мазҳабининг тарафдорлари. К. лар халқ оммасининг феодал тузумга ва жабр-зулмга қарши норозилигини ифодалаган. К. лар ақидалари дуалистик (қ.) тасавурларга асосланган, шунга кўра К. лар бутун моддий дунё иблис томонидан яратилган, деб ҳисоблаган.

лар. К. лар католик руҳонийларнинг нуқсон ва иллатларини шафқатсизлик билан фош қилганлар. К. лар католик черкови ва давлат томонидан қаттиқ таъқиб қилинган, 13-аср охирига келиб, уларнинг кўпчилиги қириб ташланган.

**КАТОЛИКОС** (*грек.*)— арман-григориан (363 й. дан), грузин православ черкови (475 й. дан) ва албан (525 й. дан) черковлари патриархи (қ.) нинг унвони.

**КАТОЛИЦИЗМ** ёки **КАТОЛИКЛИК** (*грек.*)— католик мазҳаби, христиан динидаги асосий мазҳаблардан бири бўлиб, 4-асрдан бошлаб Рим қуддорлик империясида давлат дини ҳисобланган. К. асосан Европанинг Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австрия, Польша, Венгрия, Чехословакия каби мамлакатларида, Латин Америкаси, СССР нинг Белоруссия, Украина ғарбий областлари ва Литва аҳолиси ўртасида ёйилган. К. маркази Рим шаҳри бўлиб, черков бошлиғи пападир. Ғарбий Европада христиан дини мустақамланиб келаётган феодаллар синфининг идеологик қуроли бўлиб хизмат қила бошлагач, папа бошлиқ К. черковининг аҳамияти янада ортган. 8-аср ўрталарида Рим шаҳридаги папа области марказ бўлган теократик (қ.) феодал папа давлати— Ватикан вужудга келган. Уша вақтдан бошлаб Рим черкови феодализм системасининг маркази бўлиб шаклланган. Рим бош руҳонийси (папа)ни Исонинг ердаги иониби, дин ишларига содиқ, деб эътироф этиш, давлатчиликнинг теократик принципига иқдор бўлиш, руҳонийларнинг ўйланмаслиги К. нинг ўзига хос хусусиятларидир. К. доимо реакциянинг, эксплуататор синфларнинг таянчи, фаннинг душмани ва жаҳолатпарастлик ўчоғи бўлиб келмоқда (Г. Галилейнинг

улуғ кашфиётлар учун жазолангани, Ж. Брунонинг гулханда ёндирилгани ва бошқалар). Эндиликда католик черковининг юқори табақаси, папа, кардиналлар ва бошқалар тамомила империалистик доиралар хизматига ўтиб, тинчлик, демократия ва социализм кучларига қарши кураш олиб бормоқдалар.

**КАТОРГА** (*грек.*)— эксплуататорлик жамиятида жиний ёки сиёсий гуноҳкор маҳбусларни инсонга номуносиб азоб-уқубатларга дучор қилувчи жазо чорасининг махсус тури; К. га ҳукм қилинганлардан эшакли кемаларда занжирбанд қилиб, эшакчиликда фойдаланишган, уларни конлар, темир йўл ва бошқа қурилишларда энг оғир ишларни бажаришга мажбур қилишган. Россияда К. 18-асрнинг бошида жорий этилган. Қўпинча мавжуд тузумга қарши курашганлиги учун берилган ўлим жазоси К. билан алмаштирилиб, улар конларда, қалъа ва флот қурилишида ишлатилган. Чоризм ағдарилгач, К. жазоси бекор қилинди.

**КАЪБА** (а.)— каъбатуллоҳ; суннийлик оқимидаги мусулмонларнинг Макка шаҳридаги ибодатхонаси, унга гўё осмондан тушган кулранг тош-метеор ўрнатилган. Бу тошнинг баландлиги 15, узунлиги 13, кенглиги 12 метр, шакли кубик кўринишида бўлгани учун араблар уни каъба деб аташган; исломда Байтуллоҳ (қ.) оллоҳнинг уйи, Байтул харам, муқаддас уй ёки муқаддас масжид деб аталади.

**КАЪБАТУЛЛОҲ** — қ. Каъба.

**КВЕСТОР** (*лат.*)—1 қадимги

Римда мансабдор шахс, консулларнинг ёрдамчиси, давлат хазинасини бошқарган мансабдор киши; 2 баъзи мамлакатлар парламентларида маъмурий-хўжалик бўлимининг мудирин; 3 Италияда полиция мансаби.

**КЕНТ** — катта қишлоқ, шаҳар; К. қадимий термин бўлиб, кат, кас, кан, қанд кўринишларида ҳам учрайди. К. (кат) Урта Осиёда, Шарқий Туркистонда, Эрон ва Афғонистонда кўплаб жой номлари таркибида учрайди.

**КИМБАНГИЗМ**—1920—1950 йилларда Африкада, Бельгиянинг собиқ Конгосида вужудга келган диний-антиколониал ҳаракат. К. номи шу ҳаракатга асос солган С. Қимбангу исмидан олинган. К. тарафдорлари бўлган африкаликлар мустамлакачилар учун ишламаслик, солиқ ва бошқа мажбуриятларни ўтамаслик кераклигини тарғиб қилганлар. Қимбангу қамалиб (1921), унинг ташкилоти тормор келтирилган, аммо ташкилот аъзолари турли ном ва шаклларда курашни давом эттирганлар. К. ҳаракати етук эмаслиги, стихиялиги тўғрисида диний ниқоб остида воқе бўлса ҳам, 20- асрнинг 20—30- йилларида Африка халқлари миллий озодлик ҳаракатининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

**КИРАСА** (*фр.*)— совут, сипар; ўтмишда найза, қилич каби қурол зарбаларидан сақланиш учун кийилган совут.

**КЛЕРИКАЛИЗМ** — ижтимоий-сиёсий ва диний оқим; ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда дин ва черковнинг биринчи роль ўйнашини таъминлашга уринувчи ҳаракат. К. «худо ўрнатган» жамиятнинг синфларга бўлинишини сақлаш ва абадийлаштиришга интилади. Рухонийлар ва дуқмрон синфларнинг черков билан боғланган нуфузли намояндалари К.нинг маддоҳларидир. К. да католик черкови етакчи роль ўйнаб келмоқда. К.нинг йирик маркази Ватикандир (қ.). Протестантлик (қ.), яҳудий, православие черкови намояндалари ҳам К.нинг маддоҳлари ҳисоблана-

ди. 19- аср ўрталаригача ҳам К. феодалист аристократияси, зодагонлар доираларининг манфаатларини ифодалаган. К. ташкилотларининг раҳбарлари империалистик давлатлар, биринчи галда АҚШ, Франция, Италия, Испания ва Бельгия манфаатларини кўзлайдиган тескаричи, мустамлакачи сиёсат юритиб, революцион-демократик ҳаракатларига қарши кураш олиб борган. К. аҳолининг кенг табақаларини ўз томонларига жалб этиш учун ўз касбага союз, ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда бошқа ташкилотларини тузганлар. Монополиялар К. партиялари ва бошқа ташкилотларини маблағ билан ҳозир ҳам илгаригидек мўл-кўл таъминлайдилар ва меҳнаткашларнинг диний туйғуларидан фойдаланиб, уларга антикоммунистик эътиқодни сингдиришга уринадилар.

**КЛИЕНТЛАР** (*лат.*)— бўйсунман, итоат қиламан; қадимги Римда, галлар ва баъзи қабилаларда ижтимоий табақа бўлиб, у эр. ав. 7- асрда вужудга келган. Тўла ҳуқуқли бўлмаган К. лар патрицийларга (қ.) қарам бўлиб, уларнинг ҳомийлигидан фойдаланганлар. Бой патрицийларнинг К. лари жуда кўп бўлган.

**КНЕСЕТ** — Исрон давлатининг олий қонуни чиқарувчи органи — бир палатали парламент. 4 йил муддатга сайланиб, 120 депутатдан ташкил топади.

**КНЯГИНА** — князь хотини, бека, бекойим.

**КНЯЖИЧ** — князнинг ёш ўғли, княззода.

**КНЯЗЛИК** — князь қўл остидаги вилоят ёки мамлакат; князлик унвони.

**КНЯЗЬ** (*қад. герм.*)— феодализм монархия давлатининг бошлиғи; феодалист зодагонларининг вакили; кейинроқ дворянлик унвони. Қадимги Рус-

да қабила доҳийси, аскар бошлиғи, вилоят ҳокими, революциядан илгари мерос бўлиб ўтадиган ёки алоҳида хизматлари учун бериладиган фахрий унвон; Великий князь — Буюк князь; 1 қадимги Русда удел князлари орасида энг катта князь; 2 революциядан олдинги Россияда император ўғли, ака-укаси ёки набирасининг унвони.

**КОАЛИЦИЯ** (лат.)— бирлашган, уюшган иттифоқ; 1 бир неча давлат, сиёсий партиялар, касаба союзлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида умумий душманга қарши кураш олиб бориш мақсадида тузилган муваққат ҳарбий-сиёсий иттифоқ. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида дунёга ҳукмрон бўлишга интилган фашистлар Германиясига қарши СССР, АҚШ ва Буюк Британия иттифоқи; 2 буржуа давлатлари парламентида озчиликни ташкил этган сиёсий партияларнинг коалицион ҳукумат тузиш мақсадида ташкил топган иттифоқи.

**КОЛИЗЕЯ** (лат.)— улкан доира шаклидаги катта зал; эрамининг 75-80-йилларида Рим шаҳрида баландлиги 48,5 м, кенлиги 156 м, узунлиги 188 м. ли эллипс шаклидаги тўрт қаватли 50 минг томошабинларга мўлжалланган амфитеатр.

**КОЛИЕВЧИЛИК** (укр.)— поляк панларининг феодал-крепостнойлик ва миллий мустамлакачилик зулмига қарши Унг қиргоқ Украинада 1768 й. да деҳқон казаклар томонидан М. Железняков ва И. Гонга бошчилигида кўтарилган қўзғолон. Қўзғолончилар таёқлар билан қуроқланганликлари учун К. деб номланган. Бу қўзғолон Польша ва чор Россияси қуроқли кучлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилган. К.нинг энг олий чўққиси гайдамаклар (қ.) ҳаракати.

**КЛОБМЕНЛАР** (ингл.)— Англияда 1645 й. да парламент билан роялистлар ўртасида бўлган биринчи гражданлар уруши охирида бошланиб кетган деҳқонлар урушининг қатнашчилари, 1645 й. март-ноябрда бўлган К. ҳаракати жануби-ғарбий ва ғарбий графликларни ўз ичига олган. К. лар король ва парламент армиялари томонидан уюштирилган таллончилик ва зўрликка қарши чиқдилар. Кураш давомида умумий сиёсий ва ижтимоий программа йўқлиги, маҳаллий сепаратизм, бадавлат шаҳарликлар ва дворянлардан ташкил топган раҳбарларнинг К. лар оммаси, деҳқонлар билан бирлашмагани намоён бўлди. К. лар ҳаракати деҳқонлар масаласи парламент томонидан уларнинг фойдасига ҳал этилишига ишонамаганларидан далолат берди. 1645 й. охирида К. лар ҳаракати парламент қўшини томонидан тор-мор келтирилди.

**КОЛЕСОВАНИЕ** (рус.)— чархпалакка тортиб азоблаб ўлдириш. Дастлаб қулдорлик Римда, сўнгра ўрта асрларда 18-аср ўрталаригача ҳукмрон синфлар амри билан кишиларни азоблаб ўлдиришнинг энг ваҳшиёна усулларидан бири. Мавжуд тузумга қасд қилган гуноҳдор олдин ёғоч крестга ётқизилиб, қўл-оёқлари тўрт томонга чўзиб боғланган, лўм учи билан қўл, оёқ ва бошқа суякларни синдирилган, сўнгра махсус айланувчи чархпалакка тортилган, натижада жазоланувчининг товони гарданига етган, у шундай мудҳиш ҳолада анча вақт қолдирилган.

**КОЛЛЕГИЯ** (лат.)— ўртоқлик, ҳамкорлик, ҳамкасабалик. 1 Россияда 18-аср бошларида приказлар (қ.) ўрнига мамлакатни идора қилишнинг турли соҳалари бўйича ташкил этилган марказий давлат муассасалари; 1715 й. да биринчи Қ.—Коммерс Қ.

таъсис этилди. 1717 й. да Қ сони 10 га етди. Ташқи ишлар Қ.; Ҳарбий Қ.; Адмиралтейство Қ.; Катер Қ.; Штабс Қ.; Ревизион Қ.; Берг Қ.; Мануфактура Қ.; Юстиция Қ.; Коммерс Қ. Ҳар қайси Қ. да президент, унинг ҳузурда вице-президент, тўртта кенгашичи, тўртта асессор ва секретарь бўларди. Булардан ташқари, Қ. да секретарь-архивариус, таржимон, нухса кўчирувчилар, регистратор ва канцелярия хизматчилари штатлари мавжуд эди. К. император (қ.) га ва сенатга (қ.) итоат этарди. К. ташкил этилиши Россияда дворян мансабдорлик мутлақ монархиясининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Баъзан янги Қ. таъсис қилинар, айрим Қ. эса тугатилар эди. 19-аср бошларида министрликлар таъсис этилиши натижасида К. лар тугатилди; 2 расмий белгиланган бир гуруппа шахслардан иборат маъмурий ижрочи ёки маслаҳатчи орган. Қўриладиган масалаларни коллегиял тарзда муҳокама қилади ва ҳал этади. 3 Россияда айрим ўқув юртарининг номи.

**«КОЛОКОЛ»** («Қўнғироқ») — 1857—1865 й. ларда чет элда А. И. Герцен ва Н. П. Огарёв томонидан чиқарилган газета. Рус эркин матбуотининг органи бўлган «К.» Россиядаги ҳамма сиёсий воқеаларга ўз муносабатини билдирарди. У самодержавиега, крепостной ҳуқуққа, либерализмга қарши курашди. Герценнинг айрим иккиланишлари ва хатоларига қарамай, «К.» Россияда революцион ҳаракатнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. 1868 й. дан француз тилида русча илова билан нашр этилди.

**КОЛОН** (лат.) — ижарачи, ижарага ер олувчи; 1 Рим империясида эраминизгача, эрамининг 395 й. да, илк ўрта асрларда Фарбий Европа ва Ла-

тин Америкаси мамлакатларида ҳосилнинг бир қисмини бериш шарти билан феодалдан ер участкасини ижарага олган батрак, камбағал деҳқон. 2 Коста-Рика, Сальвадорда пул бирлиги.

**КОЛОНИЯ** (лат.) — кўчиб келиш, мустамлака; 1 қадимги Греция ва Римда ўрта аср ҳамда капитализм даврида босиб олинган ерга метрополия (қ.) дан кўчириб келтирилган ёки ўзи келган кишилар учун ташкил қилинган қишлоқ ёки шаҳар; 2 капитализм даврида босиб олиб итоат эттирилган, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини йўқотган мамлакат. Метрополия (қ.) учун хом ашё базаси, ишлаб чиқарилган маҳсулот учун бозор. Имперализм даврида Қ. капитализм давридаги ҳолати сақлангани ҳолда, биринчи галда, капиталини жойлаш жойи бўлиб қолади. 3 Россияда 18-асрда, 20-аср бошларида чет элдан кўчиб келганлар (немис, грек, серб ва бошқ.) давлатдан ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар.

**КОЛЬЕ** — найза тош ёки суяк, кейинчалик ўткир металл учли соп шаклида бўлган энг қадимги қурол тури, санчадиган ва ирғитадиган бу найза уруш ва овда қўлланилган.

**КОМЕНДАНТ** (фр.) — 1 қўмондон, бошлиқ; қалъа ёки бирор мустақамланган районни қўриқлаш учун қўйилган барча ҳарбий қисмларнинг бошлиғи; 2 ҳарбий қисм жойлашган районда ҳарбийларнинг интизоми ва соқчилар хизматини назорат қилиб туришга масъул бўлган шахс; 3 темир ёки сув йўли станция (порт)ларида ҳарбий юкларнинг қабул қилиниши, қўриқланиши, жўнатилиши ва ҳарбий интизом устидан назорат қилиб турувчи офицер; ишхона, ётоқхона ёки театр К. и.



**КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ** — бирор аҳоли яшайдиган пункт аҳоли-сига белгилаб қўйилган соатларда махсус ижозатномасиз кўчаларга чиқишнинг ман этилиши. СССРда К. с. ни ўрнатиш фақат ҳарбий ҳолат ўрнатиш мавжуд бўлган вақтдагина ижозат этилади. Капиталистик мамлакатларда К. с. ҳарбий ҳолат жорий этилган бўлмаса-да, лекин сиёсий ва иқтисодий кескинлик рўй берган вақтда ҳам жорий этилади.

**КОМИССАР** (фр.) — вакил; 1 ҳукуматнинг махсус ваколатига эга бўлган мансабдор шахс; 2 СССРда 1917—1946 й. ларда министрликларнинг функциясини бажарган идора бошлиғи — халқ комиссари. 1918—1942 йилларда Қизил Армия қисмларида ҳарбий-сиёсий иш олиб борган ҳарбий ходимнинг унвони; республика, область, шаҳар ва район ҳарбий комиссарлигининг раҳбари; 3 ҳарбий комиссарликда бошчилик қилувчи шахс.

**КОММУНИСТИҚ ПАРТИЯ МАНИФЕСТИ** — Коммунистлар союзи 2-конгрессининг топшириғига биноан К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ёзилган (1847 й.) марксизмнинг биринчи программа ҳужжати; унда марксизмнинг асосий ғоялари қисқа ва ёрқин шаклда ифодаланган, пролетариат ва унинг авангарди Коммунистик партия курашининг пировард мақсадлари кўрсатиб берилган. К. п. м. нинг биринчи наشري немис тилида 1848 й. февралда чиққан. 1848 й. дан 1966 й. гача жаҳондаги 119 тилда 1184 марта босилди. К. Маркс ва Ф. Энгельс К. п. м. да капитализмнинг ҳалокати ва социализмнинг ғалабаси муқаррарлигини илмий асосда исбот этдилар. Капитализмнинг гўркови ва коммунизм қурувчиси — бирдан-бир охиригача изчил, революцион, жамиятнинг ғоят катта кўпчили-

ги манфаатларини кўзловчи пролетариатнинг оламшумул тарихий ролини асослаб бердилар. К. п. м. даги марказий ғоялардан бири пролетариат диктатураси ғоясидир. К. п. м. барча мамлакатлар пролетарларини бирликка, фидокорона курашга даъват этувчи оташин интернационал қақриқ: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шiori билан тугайди. К. п. м. ғоялари К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларида янада ривожлантирилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, СССРда социализмнинг тантанаси, жаҳон социализм системаси вужудга келганлиги, мамлакатимизда коммунизм жамияти қурилаётганлиги марксизм-ленинизм ғояларининг буюк зафаридир.

**КОМПРАДОР БУРЖУАЗИЯ** (исп.) — иқтисодий жиҳатдан орқада қолган мамлакатларнинг асосан ажнабий капитал ва мустамлакачилар билан боғланган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан уларга қарам бўлган, империалистик сиёсатга ён босувчи буржуазиясининг бир қисми.

**КОММУНИЗМ** (лат.) — умуий, барчага баробар; К. беш ижтимоий-иқтисодий формациядан бири, капитализмдан кейинги формация. К. нинг биринчи фазаси социализм (қ.). Қ. ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигига асосланган жамият. «...Ижтимоий бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб боради ва «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — эҳтиёжига яраша», деган буюк принцип амалга ошади. Коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамияти бўлиб, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёжга англаб олин-

ган заруриятга айланади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади» (КПСС Программаси. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1986, 27-бет). Иккинчи жаҳон урушидан сўнг социализм жаҳон системасига айланди. СССРда социализм тўла ва узил-кесил галаба қозонди, ривожланган социализм барпо этилди. К. да ишлаб чиқариш юксалади, халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжи тўла қондирилади, шахснинг тўла ва ҳар томонлама ривожланиши таъминланади. К. энг юксак иқтисодий-ижтимоий формация бўлиб, кишилик жамияти ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилади. Ривожланган социализм даврида К. нинг моддий-техника базаси яратилади.

**КОНВЕНТ** (лат.)—1 айрим мамлакатларда конституция тузиш ёки уни ўзгартириш учун чақирилдиган қонун чиқарувчи органларнинг номи; 2 баъзи мамлакатларда сайлаб қўйилдиган ва алоҳида ваколатга эга бўлган давлат органи; 3 миллий конвент 18-аср охирида француз буржуа революцияси даврида, король ағдарилгач, умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланган вакиллар мажлиси. К. Францияда республика эълон қилган ва кейин якобинчиларнинг революцион диктатурасини ўрнатган. Францияда К. 1792 й. 21 сентябрдан 1795 й. 26 октябргача мавжуд бўлган.

**КОНВЕНЦИЯ** (лат.)—битим, шартнома; К. давлатлар ўртасида махсус масалалар бўйича тузилган халқаро шартнома; масалан, темир йўл К. си, ҳарбий К., халқаро почта-телеграф битими, балиқ овлаш бўйича К. ва бошқалар.

**КОНГРЕСС** (лат.)—учрашув, йиғилиш; муҳим сиёсий ва илмий масалаларни муҳокама қилишга бағиш-

ланган халқаро йиғин, съезд. Баъзи мамлакатларда сиёсий партияларнинг номи. Жумладан, Ҳиндистон Миллий конгресс партияси; АҚШ ва Латин Америкасидаги айрим давлатларнинг қонун чиқарувчи органи (парламент).

**КОНДОТЪЕРЛАР** (итал.)—14—15-асрларда Италияда илгари ажнабийлардан иборат ёлланма аскар отрядларининг бошлиқлари. Италия шаҳар-республикаларини барпо этиш йўлида олиб борилган шиддатли социал кураш шароитида айрим К. лар шаҳарларда ҳокимиятни қўлга олганлар. Италияни талаган ва вайрон қилган К. лар сотқинликлари, очкўзликлари ва курашда ҳар қандай разиллик усулларини қўллаганликлари билан бадном бўлганлар.

**КОНСЕРВАТОР** (лат.)—сақловчи; 1 консерватизм тарафдорлари, прогрессив ўзгаришлар ва янгилик душмани; 2 Буюк Британия ва бошқа айрим мамлакатларда консерватив партиянинг аъзоси.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лат.)—тузум, қонда, қонун. Давлатнинг асосий қонуни—мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузуми принципларини, давлат органи системаси, уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақидаги принципларни, граждандарнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонун. Буржуа давлатининг К. си ҳукмрон буржуа синфи манфаатини кўзлаб, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилса, СССР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг К. си илмий коммунизм принципларига амал қилиб, ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнат аҳлининг тўла ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилади.

**КОНСУЛ** (лат.)—1 қадимги Римда (эр. ав. 6-аср охири) сайланган икки олий давлат мансабдорининг унвони; 2 Францияда (1799—

1804) Наполеон Бонапарт тўнтаришидан бошлаб ўзини император деб эълон қилгунча ўтган даврда чексиз ҳуқуққа эга бўлиб, ижро этувчи ҳокимиятни қўлда сақлаб турган уч кишининг унвони (Н. Бонапарт биринчи консул эди); 3 бошқа бирор давлатда ўз давлати ва ўз мамлакатни граждaнларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шу давлат билан дипломатик муносабат олиб бориш учун тайинланган элчи. К. ҳуқуқи ўз давлатининг байроғи ва гербидан фойдаланиш ҳуқуқини, К. биноси ва ҳужжатларининг дахлсизлигини, солиқлардан озод бўлишини, ўз ҳуқумати, дипломатик ваколатхонаси билан эркин алоқа қилиб туришни ўз ичига олади.

**КОНТРИБУЦИЯ** (лат.)— урушда мағлубиятга учраган давлатдан ғолиб чиққан давлат фойдасига сулҳ шартномаси асосида мажбуран ундириладиган товон; уруш вақтида душман томонидан босиб олинган территория аҳолисига мажбуран солинган натурал ёки пул солиғи; капиталистик давлатлар томонидан қарам ёки қучсиз мамлакатларнинг таланиши ҳам К. ҳисобланади. К. ҳозирги замон халқаро қонун билан бекор қилинган.

**КОНТРЕВОЛЮЦИЯ** (фр.)— аксиллиқлиб; реакцион гуруҳлар томонидан тобора кучайиб бораётган революцион ҳаракатни бостириш ёки галаба қилган революция ва унинг самараларини йўқ қилиш ва эски тузумни тиклаш мақсадида реакцион кучлар томонидан уюштирилган ҳаракат.

**КОНТРЕФОРМАЦИЯ** (католик реакцияси)—16—17-аср Реформациясига (қ.) қарши реакцион ҳаракат; К. феодал тузумнинг идеологик таянчи бўлган католик черковининг мавқеини тиклаш ниятида Ғарбий Евро-

падаги барча реакцион кучларнинг ўзига хос қарши ҳужуми. К. га Рим папалиги бошчилик қилар эди. К. нинг асосий қуроли иезуитлар, яъни реакцион мақсадга эришишда ҳеч нарсадан тортинмайдиган монахлар орденилари, инквизиция эди.

**КОНУНГ** (қад. сканд.)— қадимги Скандинавия халқлари (норманлар) да дастлаб қабиланинг ҳарбий бошлиғи, давлатлар вужудга келгач, Швеция, Дания ва Норвегияда ҳукмдор — король.

**КОНЦЕРН** (ингл.)— аралаштирмақ, қориштирмақ; капиталистик монополиялар бирлашмаларининг мураккаб формаларидан бири, капиталистик мамлакатлардаги корхоналарнинг умумий молия раҳбарлиги остида монополия бўлиб бирлашуви; хўжаликлар турли соҳаларидаги бир қанча корхоналарнинг бир ёки бир тўда капиталистлар қўл остида бирлаштирилган, яъни бўйсундирилган монополистик бирлашмалари. Расмий равишда К.лар мустақил ҳисоблансалар ҳам, амалда молия магнатлари (қ.) назорати остига тушиб қоладилар.

**КОНЦЕССИЯ** (лат.)— ён бериш, ижозат этиш; давлат ёки маҳаллий ҳукумат томонидан ажнабий давлатга қарашли компанияга муайян муддатга маълум бир шарт билан ер майдони, ўрмон ва бошқаларни ижарага бериш, саноат корхонаси, темир йўл қуриш ёки ер ости бойлиқларини эксплуатация қилишга ижозат бериш. Қарам ва қолоқ мамлакатларни бўйсундиришда, уларнинг хом ашё ресурсларини ваҳшиёна талашда К. империалистик давлатларга жуда қўл келади. Империалистик давлатлар К. дан ривожланаётган мамлакатларда хом ашё ресурслари устидан назорат ўрнатиш ва бу мамлакатда ўз таъсирларини кучайтиришда фойдаланадилар.

**КОПИГОЛЬД** (*инг.*)— копия-нусха сўзидан олинган; К. Англияда 15—16-асрларда кенг тарқалган. К, бир томондан, феодал ер эгаси — лорд (*қ.*), иккинчи томондан, ер участкасининг амалдаги эгаси; лордга ер рентаси тўлайдиган деҳқоннинг шу ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат; Англияда ерга эгалик қилишнинг бир формаси бўлган. К. лар лордга (*қ.*) солиқ тўлашга мажбур бўлганлар.

**КОРМЛЕНИЕ** — инъом қилиш; К. қадимги Русда феодал тарқоқлиги даврида пайдо бўлиб, 1555 й. гача давом этган маҳаллий бошқарма тартиблари. Князь энг йирик феодал-боярларни шаҳар ва волостларга кормленшик — бошлиқ қилиб тайинларди. К. лар шаҳар ва волостларни бошқарар, суд қылар, солиқларни ййғар ва савдогарлардан бож тўплар, маҳаллий ҳарбий кучларга раҳбарлик қилар ҳамда полиция вазифасини ўтар эдилар. Шу хизматлари учун К. лар аҳолидан ўз манфаатлари учун солиқ (корм) ййғиб олар эдилар. Марказлашган Русь давлатининг мустаҳкамлана бориши натижасида Иван Грозний замонида (1555 й. да) К. системаси бекор қилиниши билан боярлар аристократиясига жиддий зарба берилди. К. ўрнига маҳаллий губа ва земство муассасалари (земство оқсоқоли суди) ташкил этилган.

**КОРОЛЬ** — қирол. Буюк Карл (1742—1814) номидан олинган. Европадаги баъзи мамлакатларда монарх унвони; Англияда К. саноат ёки савдонинг бирон соҳасида биринчилики қўлда тутган йирик капиталист, масалан, нефть короли ва ҳ. к.

**КОРОЛЛИК** — қироллик; олий ҳокимият король қўлида бўлган монархия давлати. Ҳозирги замондаги королликларнинг кўпчилиги (Бельгия, Буюк Британия, Дания, Нидер-

ландия, Норвегия, Швеция ва б.) конституцияли монархиядир.

**КОРОЛЬ КЕНГАШИ** — Ғарбий Европанинг марказлашган давлатларида король ҳузуридаги олий орган. Бир қанча мамлакатларда 13-асрдан бошлаб йирик феодал королларнинг кенгайтирилган кенгашлари мустақил орган сифатида ажралиб чиққан. Тоифали монархия даврида К. к. чекланган составда (40—50 кишидан) ташкил топган. К. к. га йирик феодаллар ва олий мартабали шахслар билан бир қаторда судья, ҳуқуқ билимдони, королга шахсан яқин бўлган майда феодаллар, идора хизматчилари, шаҳарликлар ҳам киритилган. Абсолютизм даврида К. к. король чекланмаган ҳокимиятининг асосий қуролига айланган, состави кенгайган ва бир неча маҳкамга бўлинган.

**КОРОЛЬ СУЛҲИ ёки КОРОЛНИНГ 40 КУНИ** — Францияда Людовик IX (1226—1270) короллиги замонида амалга оширилган реформа. К. с. феодаллар ўртасидаги урушларни ман этди ва кучсиз томон 40 кунлик муддат ичида жанжални ҳал этиш учун король судига мурожаат қилиши лозим эди. К. с. король ҳокимиятининг мустаҳкамланганлиги ва қудратининг оширилганини кўрсатар эди.

**КОРПОРАЦИЯ** (*лат.*)— бирлашма, жамият ва ташкилот, уюшма, цех; 1 феодализм даврида ҳунармандлар ва савдогарларнинг бирлашмалари; 2 АҚШ да К. монополистик акционерлар бирлашмаси сифатида кенг тарқалган бўлиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида етакчи роль ўйнамоқда.

**КОРТЕС** (*исп.*)— феодализм даврида Испания ва Португалияда дворян ҳамда руҳонийларнинг вакилларидан сайланган таъсис мажлиси;

Испания ва Португалияда 1911 йилгача парламент номи.

**КОРРУПЦИЯ** (*лат.*)— сотиб олиш; буржуа жамиятига хос иллат, капиталистик мамлакатларда сиёсий арбоблар, йирик ва майда мансабдорлар ва давлат амалдорлари бўлган шахслар орасида сотиб олиш ва порахўрликка мойиллик.

**КОСТЕЛЬ** (*поляк.*)— Рим католик ибодатхонаси.

**КОҲИН** — қурбон қилувчи; 1 мажусийлар руҳонийси, брахман, тангри хизматкори; 2 ғойибдан хабар беришни, жониворлар овозига қараб фол очишни даъво этувчи сеҳрчи.

**КОҲИНЛИК** — брахманлик, коҳинлар кастаси — тоифаси.

**КРЕДЕНЦА** —1 ўрта асрлардаги Италия шаҳар коммуналари кенгаши; 2 12—13-асрларда Ломбардия ва Тасканиядаги савдогар ва ҳунармандлар бирлашмаси.

**КРЕМЛЬ** — қадимги Русь шаҳарларида ички қалъа, арк, феодализм давридаги рус шаҳарларининг марказий қисмида, баландроқ жойга қурилган ҳукуматга тегишли қалъа; (масалан, Москвадаги Кремль). Қ. ҳукмдорнинг қароргоҳи, собор, боярлар уйи ва бошқа бинолар жойлашган ер. Қ. лар дастлаб ёғочдан, кейинчалик тош ва ғиштдан қурилган. 16—17-асрларда рус шаҳарларида Қ. қуриш авж олган, 19-асрдан Қ. лар ҳарбий аҳамиятини йўқотиб, маъмурий марказ ва тарихий обидалар қаторига кирган. Новгород, Псков, Тула, Смоленск, Москва ва бошқ. ҳамон мавжуд.

**КРЕПОСТНИК** —помещик-реакционер, крепостной ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, крепостной деҳқонларни асрий қарамликдан ва помещиклар зулмидан озод қилишнинг душмани.

**КРЕПОСТНОЙЛИК** —қ. крепостной ҳуқуқ.

**КРЕПОСТНОЙ ИШЧИЛАР** — феодализм даврида Россияда кон, саноат корхоналари ишчилари. Улар сотиб олинган ёки сургун қилинган крепостной деҳқонлар бўлиб, худди улар сингари ҳаёт кечирганлар. Крепостной ҳуқуқни бекор қилиш ҳақидаги 1861 йил 19 февраль Низоми асосида Қ. и. лар ҳам озод этилганлар.

**КРЕПОСТНОЙ ҲУҚУҚ** (*рус.*)— деҳқонларнинг феодалга мутелигини расмийлаштирган юридик қонун-қондалар мажмуаси. Феодалнинг деҳқон, ишчи ёки уй хизматчисининг молу жони устидан эгаллиги. Қ. ҳ. га кўра деҳқон ерга бириктирилган, яъни ўз ери ва хўжалигини ташлаб, бошқа жойга кўчиб кетиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади; феодал истаган вақтида крепостной деҳқоннинг мол-мулкни тортиб олиб, ўзини сотиб юбориши, солдатликка бериши, калтаклаши, қамашуи ва ҳатто сургун қилиши мумкин.

Россияда деҳқонларни асоратга солиш Киев Руси (9—10-асрлар) давридан бошланган бўлса ҳам, уларни крепостнойга айлантириш 1497 йилда қабул қилинган «Қонуннома» («Судебник») ва 1649 йилда қабул қилинган «Собор қонунлари» («Соборное уложение») билан расмийлаштирилди. Қ. ҳ. ҳукмронлик қилган бутун давр давомида, айниқса крепостнойлик зулми янада кучайиб кетган даврларда деҳқонлар омаси бунга галаён, кўзғолон ва деҳқонлар уруши (Иван Болотников, Степан Разин ва Емельян Пугачёв етакчилигида) билан жавоб бердилар.

Ғарбий Европа мамлакатларида 10—11-асрларда шаклланган крепостнойлик 16-асрга келиб деярли тугаб кетади. 16—18-асрларда Марказий ва Шарқий Европанинг айрим

мамлакатларида деҳқонлар қайтадан крепостнойга айлантирилди. Фақат 1848—1849 й. даги буржуа революцияси унга барҳам берди. Россияда крепостной ҳуқуқ 1861 йилги деҳқонлар ислоҳоти тўғрисида тугатилди, унинг айрим шартлари эса Октябрь социалистик революциясидан сўнггина бирҳам топди.

**КРЕПОСТНОЙ** — крепостной ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган деҳқон; помешчик, черков ва монастырь ерида яшаб, улар учун феодал мажбуриятларни ўташга мажбур бўлган қарам ёки тутқин деҳқон.

**КРЕПОСТЬ** — қалъа, қўрғон, истеҳком; узоқ муддат ҳимоя қилишга мўлжалланган айланма системадан иборат мустақкам пункт.

**КРИЗИС** (грек.) — кескин бурилиш, оқибат-натija; оғир иқтисодий ёки сиёсий танглик; капитализм шароитида ишлаб чиқаришнинг плансиз, нотекис тараққий этиши, аҳолининг харид қувватини ҳисобга олмай кўп товар ишлаб чиқариш натижасида келиб чиқадиган жиддий социал ҳолат (масалан, иқтисодий кризис); синфий жамиятда ҳукумат ёки маълум ижтимоий тузумнинг сиёсатидан умумий норозиликнинг кучайиши оқибатида келиб чиқадиган танглик.

**КРИПТИЛАР** (грек.) — Спарта қулдорлик давлатининг илотлар (қ.) — қулла аҳволидаги деҳқонларга қарши вақти-вақти билан спарта ёшлари амалга ошириб турган тадбирлари.

**КУГУЛЯРЛАР** (фр.) — Францияда 1936 й. да ташкил топган фашистик ташкилот аъзолари. К. лар мамлакатдаги тараққийпарвар революцион ҳаракатга қарши курашдилар, 1943 й. да Францияни гитлерчилар Германияси олдида тиз чўктиришга ёрдам бердилар. 1945 й. да Франция фашистлар чангалидан озод қилин-

гач, К. лар жавобгарликка тортилди. Бироқ Францияда К. лар фашистик режими ўрнатиш тарафдорлари бўлган айрим арбоблар билан бирга зимдан ўз фаолиятларини давом эттироқдалар.

**КУНСТКАМЕР** (нем.) — музейнинг дастлабки шаклларида бири бўлиб, ноёб илмий, санъат, бадний, табиий-тарихий, этнографик ва бошқа асарларнинг тартибсиз йиғиндиси ва шу буюмларни сақлайдиган бино. Россияда К. Пётр I буйруғи билан 1714 й. да Петербургда ташкил этилган бўлиб, унинг заминида Ленинградда СССР Фанлар академиясининг антропология ва этнография музейи вужудга келган.

**КУ-КЛУКС-КЛАН** (инг.) — АҚШ да реакция буржуазия маблағ билан таъминлаб турадиган фашистик террорчи ташкилот. У дастлаб Америкадаги граждaнлар урушида (1861—1865) қулдорлар мағлубиятга учрагач, жанубий штатларда қулдор-плантаторлар томонидан (1865) амалда негрларнинг қуллигини тиклаш мақсадида ташкил қилинган. 19-асрнинг 70-йилларида К-к-к. расман тугатилган бўлса ҳам, ҳақиқатда унинг фаолияти тўхтамаган. 1915 й. да Американинг бир штатида бу ташкилот расман тикланган ва у кўп ўтмай, ўз фаолиятини бутун мамлакатга ёйган. АҚШ ҳукмрон доиралари пролетариат ва коммунистларга, касаба союзлари, революцион ва тараққийпарвар арбобларга қарши курашда, уларни террор қилиш ва негрларни ваҳшиёна қиришда шу бандитбосмачи тўдалардан кенг фойдаланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда К-к-к. ўз фаолиятини ҳар қачонгидан ҳам кенгайтирди. 1980 йилда АҚШ нинг 22 штатида К-к-к. га ошкора ишлашга ижозат этилган. У ашаддий реакция доира-

лар қўлида прогрессив кучларга қарши курашда ва негр аҳолисини терговсиз-судсиз жазолашда қурол бўлиб келмоқда.

**КУЛАК** (*рус.*) — кулак — муштум сўзидан; қишлоқ буржуазияси. Қ. лар товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида деҳқонлар ўртасида пайдо бўлган; қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, батраklar ва камбағалларни эзувчи, судхўрлик, савдо-саноат корхоналари ва шу кабилардан фойдаланувчи, қишлоқ хўжалик қуроллари ва ерни ижарага бериш йўли билан катта даромад олувчи қишлоқ буржуазияси. Совет Иттифоқининг ҳамма районларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Қ. лар қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш даврида синф сифатида тугатиб юборилди.

**КУПЕЦ** — кўнас; катта савдогар, бой савдогар; савдо муассасаларига эга бўлган киши; катта савдогарлар тоифасига мансуб киши.

**КУПЕЦЛИК, САВДОГАРЛИК** — савдогарлар тоифасига мансуб кишилар машғулоти; дастлаб қадимги қулдорлик жамиятида ижтимоий меҳнат тақсимоти ва товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши асосида вужудга келган.

**КУРФЮРСТЛАР** (*нем.*) — герман миллатининг «Муқаддас Рим империяси» деб аталмиш мамлакатда император сайлашда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган мулкдор дунёвий ёки руҳоний герман князлари. 13- асрнинг иккинчи ярмидан етти йирик Қ. (Манц, Кельн, Трир архиепископлари, Рейн пфальсграфы, Саксон герцоги, Бранденбург меркграфы ва чех короли) бўлган. 1356 йилги «Олтин Булла» бу етти курфюрстнинг сиёсий ҳуқуқларини янада кенгайтириб, мустақкамлаган. 1519 й. дан (Карл V

император қилиб сайланишидан) бошлаб Қ. лар императорга қарам бўлиш у ёқда турсин, балки императорни сайловчиларга айланган. «Муқаддас Рим империяси» тугаши билан Қ. ҳам барҳам топган.

**КУПРИК ПУЛИ** — ўзбек хонликлари ва Шарқнинг айрим мамлакатларида маҳаллий ҳукуматга қарашлик кўприклардан мол олиб ўтувчилардан олинадиган йигим, бож.

**КУЧАБАНД** (*форс.*) — ўтмишда Урта Осиё шаҳар ва қишлоқларида душманга қарши мудофаа нуқтаи назаридан қурилган тўсиқ, баррикада.

**«КУЧМАНЧИ ФЕОДАЛИЗМ»** — феодализмда ўтроқ районларда феодал ишлаб чиқариш воситаси; феодал ерга эга бўлиб, қарам деҳқонларни эксплуатация қилса, кўчманчиларнинг феодаллари эса чорва ва яйловларга танҳо эгаллик қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, чорвачилар устидан зулм юргизган.

**КУЧМАНЧИЛИК** — кишилар хўжалик фаолиятида асосан чорвачилик, овчилик, қисман ҳунармандчилик ва савдо билан боғлиқ ҳаёт кечириш тарзи.

**КУШК** (*форс.*) — Урта Осиё меъморчилигига хос қадимий иморат тури, кўркам павильон. Одатда боғларнинг ўртасида қурилган Қ. лар ёғоч, қамиш ва пахсадан тикланган унча катта бўлмаган бинолар бўлган. Айрим Қ. лар юксак маҳорат билан жуда кўркам қилиб қурилган.

## Л

**ЛАБИРИНТ** (*грек.*) — қадимги Миср ва Грецияда кўп хонали бир-бирига ўхшаш ва эгри-бугри йўлакларни ўз ичига олувчи улкан қаср.

Л. Крит ороли подшоҳи Минсо амри билан қурилган. Мисрнинг ши-

молида эр. ав. 19-асрда қурилган Л.нинг 3 мингга яқин хонаси бўлган.

**ЛАГЕРЬ** (нем.)— вақтинчалик ёки доимий қароргоҳ, манзил, тунаш жойи, кучманчилар манзили; лашкаргоҳ; ҳарбий асрлар ва маҳбуслар учун турар жой; масалан, концентрацион Л. ёки қамоқ Л. ри; муайян бир маслакдаги ижтимоий-сиёсий гуруҳ; социалистик Л., империалистик Л., пионер Л. ри, туристлар, альпинистлар Л. лари.

**ЛАМА** (тиб.)— олий будда динида монах, руҳоний.

**ЛАМАИЗМ** — буддизмдаги оқимлардан бири, 14-аср охири, 15-аср бошларида Тибетда вужудга келган. Тибетнинг Монголияга қарашли қисмида, Монголияда, Непалда ва Ҳиндистоннинг айрим районларида тарқалган. Л. таълимотига кўра, Л. га эътиқод қилувчи ҳар бир шахс ўз ламаси, раҳбарига эга бўлиши, унинг панд-насиҳатлари, буйруқларига сўзсиз итоат қилиши лозим. Л. Совет Иттифоқининг Бурят ва Қалмиқ АССР лари ва Тувада яшовчи аҳоли ўртасида қисман тарқалган.

**ЛЕНД-ЛИЗ** (ингл.)— қарз бериш, ижарага топшириш; иккинчи жаҳон уруши даврида (1939—1945) АҚШнинг антигитлерчи коалиция бўйича иттифоқчиларга махсус шарт асосида узоқ муддатли қарз ва ижарага қурол-аслаҳа, стратегик хом ашё, озиқ-овқат ва шу кабиларни бериб туриш системаси.

Л.-л. ҳақидаги қонун АҚШ конгресси томонидан 1941 йил 11 мартда қабул қилинди. Л.-л. АҚШда ишлаб чиқаришининг сезиларли даражада ривожланиши, монополияларнинг янада бойишига олиб келди. 1945 йил 15 октябрда тузилган Совет—Америка битимига кўра, АҚШ СССР га узоқ муддатли кредитга асбоб-ускуна бериши лозим эди. Аммо АҚШ

Совет Иттифоқига нисбатан душманлик сиёсатини амалга ошириши нагизасида бу битим амалда бажарилмай қолиб кетди. СССР билан АҚШ ўртасида Л.-л. бўйича ҳисоб-китобни тартибга солиш, савдони ривожлантириш ва ўзаро қарз бериш ҳақидаги битим 1972 йил 18 ноябрда Вашингтонда имзоланди.

**ЛАНДСКНЕХТ** (нем.)—15—17-асрларда Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида ёлланма аскар. Л. лар асосан ерлик аҳолини талаб орттирилган бойликлар ҳисобига таъмин этилган; Л. лар ким кўп ҳақ тўласа, ўшанга хизмат қилувчи сотқин урушқоқлар бўлган. Миллий буржуа давлатлари ва мунтазам қўшин вужудга келгач, Л. тугаб кетган.

**ЛАНДСТИНГ** (дан.-швед.)—1 Дания парламентининг юқори палатаси; 2 Швецияда ўзини-ўзи идора қилувчи область органи; 3 Аланд оролларида парламентнинг номи.

**ЛАНДАТГ** (нем.)— ер, мамлакат, йиғин; ўрта асрлар герман давлатларида табақа вакиллари — дворянлар, руҳонийлар ва шаҳар табақаларининг съезди; 19-асрдан бошлаб Германия Иттифоқи, сўнгра 1871 й. дан Германия империяси составига кирган давлатларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик органи (масалан, Пруссияда), Австрия ва Германия Федератив Республикасида вакиллик органи. Германия Демократик Республикасида Л. 1952 й. да тугатилган.

**ЛАОКОН** (грек.)— грек афсонасида худоларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда Трояни сақлаб қолишга урингани учун Афина илоҳаси юборган икки илон томонидан икки ўғли билан бирга бўғиб ўлдирилган троялик қоҳин. Родос ҳайкалтарошлари Агесандр, Атенодор ва Пали-



доралар эр. ав. 1-аср ўртасида ишлаган машҳур мрамор ҳайкаллар шу сюжетда тасвирланган. Бу асар Ватикан (қ.) музейида сақланмоқда.

**ЛАРЛАР** (лат.)— қадимги Римдаги диний эътиқодга кўра, аجدодларнинг руҳи дунёда қолган ўз авлодларининг ҳимоячисидир. Л. кўчаларнинг ҳам ҳомийси бўлиб, унинг сурати чорраҳаларга қўйилган.

**ЛАТИФУНДИЯ** (лат.)— жуда катта ер-мулк; айрим шахсга қарашли жуда катта ер-мулк; 1 Рим империясида қул ва колонлар меҳнатига асосланган ва йирик қулдорлар тасарруфида бўлган ер-мулклар. Феодализм даврида Германия, Италия, Испания, Латин Америкасининг бир қатор мамлакатларида (17—19-асрлар) бўлган Л. лар йирик феодаллар мулки бўлиб, крепостной деҳқонлар меҳнатига асосланди; 2 заминдорга қарашли катта ер-мулк, Рим магнатларининг ер-мулклари, черков ер-мулклари. Л. ларнинг қолдиқлари Латин Америкаси (Бразилия, Эквадор) Африка (ЖАР) ва бошқа баъзи ерларда сақланиб қолган.

**ЛАТИН АМЕРИКАСИ** (исп.)— Марказий ва Жанубий Американинг умумий номи, халқлари асосан испан ёки португал тилларида сўзлашади. Л. А. термини иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда расм бўлган. Ундан олдин бу территория Испания Америкаси, Испания ва Португалия Америкаси, Иберия Америкаси, Индеецлар Америкаси ёки тўғридан-тўғри Жанубий Америка деб юритиларди. Л. А. да 29 давлат (1979 й., март) бўлиб, умумий территорияси 21 млн. км<sup>2</sup> га яқин, 1977 йилги ҳисобга кўра аҳолиси 338 млн. киши. Л. А. мамлакатларида революцион жараён тезлашди. Кубада (1933), Бразилияда (1935), Парагвайда (1936) революцион чиқишлар

бўлди. Салвадорда 1932 й. да Коммунистик партия раҳбарлигида халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди ва бошқалар.

2-жаҳон урушидан (1939—1945) сўнг Л. А. мамлакатлари СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатдилар ёки тикладилар: Куба ва Мексика (1942), Боливия ва Бразилия (1945), Аргентина (1946).

АҚШ монополиялари ёрдами билан 1948—55 й. да Л. А. баъзи мамлакатларида (Перу, Венесуэла, Гватемала, Кубада) маҳаллий олигархия доиралари томонидан миллатга қарши мустабид давлат тузумлари ўрнатилди.

50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, жаҳон миқёсида кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгариши демократик антиимпериалистик революцион жараён янгидан авж олишига олиб келди. Кубада социалистик революция ғалаба қилди (1959), 1968 й. да Перуда ҳокимият революцион ҳукумат қўлига ўтди, 1970 й. да Чилида ҳокимият халқ бирлиги ҳукумати қўлига ўтиб, у ерда аграр реформа ўтказилди, чет эл ва маҳаллий монополия ва энг муҳим банклар миллийлаштирилди. Аммо, 1973 й. сентябрида амалга оширилган ҳарбий давлат тўнтариши натижасида Чили халқининг жаллоди Пиночет бошчилигидаги энг реакцион фашистик хунта (қ.) ҳокимият тепасига келди. Л. А. мамлакатларининг халқ оммаси коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлигида реакциянинг ҳуружига қарши, тинчлик ва демократия учун курашни давом эттирмоқдалар.

**ЛАТИН ИТТИФОҚИ** — эр. ав. 7-асрда анъаналарга кўра, ташкил топган қадимги Италия 30 шаҳар (Лацциум) федерацияси. Эр. ав. 6-асрда Л. и. да Рим шаҳри устунлик

на ога бўлган.

**ЛАТНИК** — совутдор; совут кийган аскар.

**ЛАТ** — совут; душманнинг совуқ қуроллари зарбасидан гавданинг юқори қисмини сақлаш учун темир ёки пўлатдан қилинган кийим.

**ЛАҲИМ** (а.) — ер остидан, уй ёки қалъа остидан қазиб ўтказилган тор йўл; ер ости йўли, моғора, катакомба; ўтмишда жанг вақтида душман қалъаси деворини қулатиш ёки минора ва бошқа шу каби иншоотга зарар етказиш, зиндондан ва тутқунликдан қочиш қутилиш мақсадида қазиладиган ер ости йўли.

**ЛАШКАР** — (форс.-тож.) — қўшин, армия, давлатнинг қуроли кучлари; феодализм даврида ҳали мунтазам армия бўлмаган вақтларда ҳукмдор ўз тасарруфидаги территориядан ҳарбий юриш арафасида тўпланган қўшин. Л. га чақирилган ҳар бир шахс ўз оти, қурол-аслаҳаси ва бир ойга етарли озиқ-овқати билан келиши лозим бўлган.

**ЛАШКАРБОШИ** (форс.-ўзб.) — қўшин ёки унинг бирор қисмининг қўмондони, ҳарбий бошлиқ, саркарда.

**ЛАШКАРГОҲ** (форс.) — лашкар келиб қўнадиган жой, ҳарбий қароргоҳ, лагерь.

**«ЛЕГАЛ МАРКСИЗМ»** — Россияда 19-асрнинг 90-йилларида келиб чиққан буржуа-либерал гоявий-сиёсий оқим. «Л. м.»нинг намоёндалари К. Маркс таълимотидаги бош масала — пролетар революцияси ва пролетар диктатураси ҳақидаги таълимотни олиб ташлаб, марксизмни бузиб изоҳладилар. «Л. м.» халқаро реформизмнинг Россиядаги намоёндаси эди. Чоризм давридаги қаттиқ цензура шароитида «Л. м.» ўз асарларини «Новое слово» (1894—1897), «Жизнь» (1897—1901), «На-

чало» (1899) ва бошқа журналларда легал (очиқ) нашр этардилар (улар ўз номларини шу легал — очиқ сўзидан олганлар). Улар ўз асарларида марксизм ниқоби остида Россияда капитализмнинг келиб чиқиш тарихий жараёнини буржуа-объективистик позициядан туриб изоҳладилар, пролетариатнинг революцион курашдан воз кечishi лозимлигини тарғиб этдилар. Революцион марксистлар народникларнинг дунёқарашларига қарши биргаликда гоявий кураш олиб бориш ва марксизм таъсир доирасини кенгайтириш учун «Л. м.» намоёндалари билан вақтинча мурося қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. В. И. Ленин «Л. м.» лар буржуазиянинг малайлари эканини бир неча бор қайд этди. Оқибат натижада «Л. м.» лар марксизмнинг ошкора душманлари лагерига ўтиб кетдилар.

**ЛЕГИОН** (лат.) — йиғаман, тўплайман; қадимги римликларда қўшин қисми; асосий жанговар қўшин (миндан ўн минг кишигача бўлган полк); 16—19-асрларда Франция, Англия, Германия, Польша, Россияда турли ҳарбий қисмлар Л. деб аталган; баъзи бир мамлактлардаги махсус ҳарбий қисмлар номи; Цезарь легиони; темир легионлар; Фарбдаги айрим давлатларда ўз синфи билан алоқасини узган ва маиший бузилган саёқ элементлардан ҳамда чет эллик сотқинлардан ташкил қилинган ҳарбий қисмлар (улардан мустамлакаларда фойдаланилган); Америка Л.—АҚШ да 1919 й. да тузилган фашистик ташкилот; 1918 й. да Совет ҳокимиятига қарши исён кўтарган чех қисмлари; фахрий Л. ордени — ҳарбий ва гражданик ишларида кўрсатган алоҳида хизматлари учун Наполеон Бонапарт томонидан берилган нишон.

Фашистлар Германиясида Гитлернинг буйруғи билан тузилган ватанфуруш, соқинлар гуруҳи — Туркистон легиони.

Ҳозирги вақтда революцион, миллий озодлик ҳаракатларини бостириш учун айрим капиталистик мамлакатларда махсус ташкил этилган ҳарбий ва полициячи қисмлар; фашистик типдаги айрим реакцион ташкилотларнинг номи.

**ЛЕГИТИМИСТЛАР** (лат.) — подшопарастлар, легитимизм тарафдорлари — «қонуний» династия тарафдорлари бўлган монархиячилар; асосан катта заминдор аслзодалар ва католик руҳонийлар юқори табақасидан ташкил топган. Л. партияси Францияда 18-аср охиридаги революция натижасида ардариб ташланган Бурбонлар династиясини қўллаб-қувватлаганлар ва бу династияни реставрация қилишда муайян роль ўйнаганлар.

**ЛЕЙБ-ГВАРДИЯ** — монархия усули билан бошқариладиган мамлакатларда монархнинг шахсий соқинси, сараланган ҳарбий қисм. Россияда ҳамма гвардиячи қисмлар Л.-г. номини олганлар. Император ёки императорица шефлиги остидаги армия полклари номларига Л.-г. қўшилиб айтиларди.

**ЛЕЙБОРИСТЛАР** (ингл.) — Л. партияси Англияда 1906 й. да ташкил этилган. Унгача «Ишчи вакиллари комитети» деб аталган. Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа баъзи мамлакатларда лейбористлар (ишчилар) партияси, парламентдаги ишчи вакиллари комитетидан келиб чиққан инглиз ўнг социалистлари. В. И. Ленин Л. партияси бошдан-оёқ буржуа партияси эканини, чунки бу партия, гарчи ишчилардан иборат бўлса ҳам, унга тамоман буржуазия руҳида иш кўрувчи энг ашаддий реакционерлар

раҳбарлик қилишини таъкидлаган. Л. синфий курашни инкор этган, ишчилар ва капиталистлар манфаати «бирлиги»ни тарғиб қилиб, мавжуд капиталистик тузумни ҳимоя этган ҳолда, ишчилар ҳаракати бирлигига ҳар қандай йўллар билан қаршилик кўрсатади. Л. партияси биринчи марта 1924 й. да ҳукумат тепасига келди. Л. ҳукумати ишчилар синфи ва ёш Совет ҳокимияти манфаатларига қарши курашда реакцион консерваторлардан қолишмайди, 1936—1939 й. да Чемберлин бошлиқ консерваторлар (қ.) ҳукумати амалга оширган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қўлтиқлаган. Л. партияси инглиз ва халқаро ишчилар ҳаракатида бузғунчи, ишчилар синфи ичида буржуа идеологиясини тарқатувчи, Англия ва АҚШ империалистларининг агентлари сифатида иш кўраётган инглиз реформисти, муросачи «ишчилар» партияси; Л. партияси инглиз ишчилар ҳаракатида оппортунистик ва реформистик меҳнат партияси. 1945—1951 й. (25 октябрь) да иккинчи марта ҳукуматни қўлга олди, 1964—1970 й. й. да ҳукуматга бошчилик қилди. Л. ўзининг ташқи сиёсатида СССР ва бошқа социалистик давлатларга қарши уруш тайёрлаш, Ғарбий Германия ва Японияда милитаризмни (қ.) тиклаш ва фашизмни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташқи сиёсатни амалга оширди. Л. лар Кореяда уруш олиб борган АҚШ агрессорларига ёрдам бериш учун қўшин юбориб турдилар. Унг Л. консерваторлар билан иттифоқда жаҳонга ҳоким бўлишга интилувчи ва янги қирғин урушини келтириб чиқаришга уринувчи АҚШ империалистик доираларининг агентурасига айланиб қолганлар. Бу партия ичида партия лидерларининг сиёсатига қарши оппозиция мавжуд бўлиб, у кейинги

йилларда анча кўпайди. Кўпгина лейбористлар қуролсизланиш каби талабларни илгари сурмоқдалар.

**ЛЕКТОРЛАР** (лат.) — қадимги Рим республикасида олий мансабдор шахсларни кузатиб юрувчи фахрий соқчилар. Консулларни (қ.) 12 та соқчи кузатиб юрган.

**ЛЕН** (нем.) — феодал — қарзга бермоқ; феодализм даврида Европа мамлакатларида ҳарбий бошлиқ ва йирик мансабдорларга давлатнинг ҳарбий ёки бошқа хизматларини ўташ шарти билан бериладиган ва авлодан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган ер-сув.

**ЛЕНДЛОРД** (ингл.) — ерли лорд; Буюк Британияда имтисёзли аслзодалар ичидан чиққан помешчик; катта ер эгаси; ҳозирги Англияда капиталистик аграр тузумнинг ривожланиши билан ер рентаси олувчи хусусий ер эгаси Л. деб аталадиган бўлган. Л. лар фермерларга ерни ижарага бериб, кўп даромад оладилар. Л. ларнинг кўпчилиги айни вақтда саноат компаниялари, банк ва ҳ. к. ларнинг акционерлари ҳисобланиб, йирик молия ва саноат буржуазияси билан бирлашиб кетмоқда.

**ЛЕТА** (грек.) — қадимги грек афсоналарида ер ости дунёсидаги дарёлардан бири — унутни дарёси Афсонага кўра, вафот этганларнинг арвоқлари шу дарё сувидан ичиш билан бутун ўтмишни тамомила унутган эмишлар.

**ЛИБЕРАЛИЗМ** (лат.) — Ғарбий Европа мамлакатлари ва Россияда феодал-крепостнойлик ва буржуа революциялари даврида буржуазиянинг озодлиги ва ҳуқуқларини қўллаган, буржуа ҳукмронлиги ўрнатилиб, пролетариатнинг революцион кураши бошлангандан кейин эса реакция тус олан сиёсий ва ғоявий оқим. Л. ўз даври учун прогрессив аҳамиятга

эга бўлган, аммо энг бошдан оқ халқ оммасининг мустақил ҳаракатидан қўрққан. Либераллар Россияда 19-асрнинг 60-йилларида буржуа реформалари ўтказишни талаб этдилар, лекин халқ оммасининг ҳаракатидан қўрқиб, чоризм билан муроса қилишни афзал кўрдилар. Рус буржуазияси идеологияси ҳисобланган Л. революцион ҳаракатга қарши курашда чоризмни қўллаб-қувватлади. 1903 й. да Л. лар «Ҳалоскорлик иттифоқи» ва кейинчалик «Земствочи-конституциячилар иттифоқи»ни ташкил қилдилар. 1905 й. да ана шу ташкилотлар заминда кадетлар партияси тузилди. Уша йил ноябрда партиянинг ўнг қаногидан «17 октябрь иттифоқи» — октябристлар ажралиб чиқди.

1917 й. февралда кадетлар Муваққат ҳукумат составига кирдилар ва большевикларга қарши курашдилар. Октябрь социалистик революциясидан сўнг кадетлар Совет ҳокимиятига қарши курашга бошчилиқ қилдилар. Капитализмнинг қарама-қаршиликлари кучая борган сари буржуазия табақалари тобора очиқдан-очиқ реакция томонига ўтдилар. Л. партиялар империалистик реакция қуролига айланди. Капитализмнинг умумий кризиси даврида империалистик буржуазия ҳар қандай либераллик ниқобларини улоқтириб ташлаб, ҳукмронлигининг террористик, фашистик усулларини афзал кўрди.

**ЛИБЕРАЛ ПАРТИЯ** (лат.) — Англияда майда буржуазия партияси. 19-аср ўрталарида вигов (қ.) партияси заминда ташкил топган. 1920 йилгача лейбористлар каби етакчи партия, сўнграқ ўз ўрнини лейбористларга (қ.) берган. Л. п. тутган йўл реакция консерваторлар партияси йўлидан амалда фарқ қилмайди. Бу партия ишчиларни синфий

курашдан четлатишга олиб борадиган, уларни чалғитадиган ҳар хил де-могониллар, ҳайла-найранглар ишлатиши, ёлгон ваъдалар бериши, сафсата ва сохта революцион гап сотиш йўли билан пролетариатнинг революцион курашига қарши қаратилган реакцион сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

**ЛИБЕРАЛ БУРЖУАЗИЯ** — капитализм ривожланган ва эркин конкуренция кучайган даврда буржуазиянинг озодлик, шахс эркинлиги, прогресс ва демократия шиори билан чиққан қўйи ва ўрта табақаси. Бироқ Л. б. империализм ва пролетар революцияси даврида очикдан-очик контрреволюция томонига ўтиб кетди ва у билан қўшилиб, революцион ҳаракатга қарши курашди. 1905—1907 йй. ва 1917 й. февраль буржуа-демократик революцияси вақтида айнан шундай бўлган эди. Октябрь социалистик революциясидан сўнг Л. б. ошқора равишда контрреволюция томонига ўтиб кетди.

**ЛИКВИДАТОРЛИК** — тугатувчилик оқими. Л. 1905—1907 йй. революцияси мағлубиятга учрагандан кейинги реакция даврида (1907—1910) РСДРП ичида пайдо бўлган ревизионистик, оппортунистик оқим. Л. пролетариатнинг революцион синфий курашини ва революциядаги етакчилик родини инкор этиб, яширин ишловчи партияни тугатиш ва партия ишларини ошқора ишлар билангиша чегаралашга ундади. Шунинг учун В. И. Ленин ликвидаторларни «стопинча ишчи партияси» деб атаган эди. 1905—1907 йй. революциясидан сўнг Л. революцион программа ва марксча партия тактикасидан воз кечиб, пролетариатнинг яширин революцион партиясини тугатиш, ўз реформистик партиясини тузиш ва унинг фаолиятини чоризм режими ҳамда Столипин реакцияси шароити-

га мослаш, бинобарин, пролетариат революцион партиясини тугатиш учун курашди. 1912 й. да РСДРПнинг VI (Прага) умумпартия конференцияси ликвидатор-меньшевикларни буржуазия агентураси сифатида партиядан чиқарди. 1914—1918 йилларда ликвидаторлик социал шовинизмга (қ.) айланди.

**«ЛИНЧ СУДИ»** — АҚШ да 18-асрдан негрлар ва оқ танли тараққийпарвар кишиларни қонунсиз, судсиз ва терговсиз ваҳшиёна жазолаш усули. 18-асрдан бошлаб муомалага кирган «Л. с.» термини сиёсий рақибларга қарши курашда шафқатсизликда ном чиқарган полковник ирқчи (қ.) Ч. Ланча номи билан боғлиқ. «Л. с.» 20-аср ўрталаридан бошлаб ошқора синфий характер олди. Эндилликда «Л. с.» Ку-клукс-клан (қ.) ва «Ж. Берч жамияти» каби ашаддий ўнг фашистик ташкилотлар билан биргаликда тараққийпарвар арбобларнинг ҳаётига очикдан-очик қасд қилмоқда.

**ЛИЦИНИЯ** ва **СЕКСТИЯ ҚОНУНЛАРИ** (лат.) — қадимги анъаналарга кўра, Рим халқ трибуналари томонидан эр. ав. 367—366 йй. да плебейлар (қ.) фойдасига қабул қилинган Лициния ва Секстия қонунари.

**ЛОКАЛ УРУШ** — озгина территория ёки мамлакатни ўз ичига олган маҳаллий уруш. Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессияси Л. у. дир. СССР бошлққ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Л. у. келиб чиқшининг олдини олишни кўзлаб, мутасил кураш олиб бормоқдалар. Л. у. осонгина ер куррасининг бошқа районларига тарқалиши ва инсониятни янги жаҳон уруши гирдобига тортиши мумкин.

**ЛОКАУТ** (ингл.) — биров келиши олданан эшикни ёпиб қўйиш; буржуазиянинг ишчилар синфига қарши

кураши формаларидан бири, ишчиларнинг иш ташлашлари ва турли талабларига қарши, уларни янада ёмонроқ меҳнат шароитларига кўнишга мажбур қилиш мақсадида ўз корхоналарини ёпиши, ишчиларнинг ёппасига ишдан бўшатилиши.

**ЛОРД** (*ингл.*)— хўжайин, хонадон бошлиғи; феодализм даврида Л. Англияда король ҳузуридаги кенгашда қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланувчи йирик феодал-сенборга берилган унвон, кейинроқ, 14-асрдан бошлаб Л. парламентда қатнашувчи феодал унвони бўлган. 15—17-асрларда Англиянинг айрим мартабали давлат арбобларига бериладиган лорд-протектар унвонининг таркибий қисми. Л. номи аста-секин Англия олий дворянлари (герцоглар, маркизлар, графлар, виконтлар, баронлар)нинг умумий унвонига айланган. 19-асрдан бошлаб Л. бош министр тақдимида кўра, король томонидан олий мансабдор дворянларга, йирик капиталистларга, катта сиёсий арбобларга берилган ва авлоддан-авлодга кўчган унвон. Шу йўл билан Лордлар палатаси йирик капиталистлар манфаатларини кўзлайдиган составдан иборат бўлиши таъминланган; Л. юқори палата аъзоси. Англияда Л. олий мансабдорларнинг унвони; Л. канцлер-лордлар палатасининг раиси, олий суд мансабдори; Адмиралтействонинг биринчи Л.— денгиз министри; Л.— мэр, катта шаҳар ҳокими; жаноб, тўра, хўжайин, ҳоким.

**ЛОРДЛАР ПАЛАТАСИ** — Англия парламенти юқори палатасининг номи. Л. п. га инглиз пэрлари (қ.) (олий дворянлик унвони), шотланд ва ирланд пэрлари, шунингдек 24 инглиз епископи ҳамда 2 архиепископи аъзо бўлиб киради.

**ЛЮКСЕМБУРГЧИЛИК** — халқаро ишчилар ҳаракатида Роза Люк-

сембург етакчилигида олиб борилган, большевизм билан меньшевизм орасида тебранувчи ва бир қанча масалаларда централизм билан қянлашувчи социал-демократик оқим; Л. оппортунизмга қарши фаол кураш олиб борди, бироқ у, Фарбадаги барча сўл социал-демократлар каби, меньшевизм ботқоғидан халос бўла олмади, бинобарин, оппортунизмдан узил-кесил алоқани уза олмади. Бу оқим арбоблари сиёсий ва назарий масалаларда ленинизм таълимотига қарши чиқиб, ташкилий масалаларда, пролетариат диктатураси, деҳқонлар масаласи ва миллий масалада бир қатор қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Люксембургнинг ўзи Германияда 1918 йилги буржуа революцияси вақтида оппортунизм билан батамом алоқани узиш зарурлигини англади. У революцион «Спартак иттифоқи»ни тузишда актив қатнашди, шу заминда Карл Либкнехт билан биргаликда Германия Коммунистик партиясини ташкил этди. 1919 й. 15 январда Р. Люксембург ва К. Либкнехт контрреволюционерлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилди.

**ЛЮМЕН ПРОЛЕТАРИАТ** (*нем.*)— увада, жулдур; антагонистик синфий жамиятда ўз синфидан ажралган кишилар — саклар, қашшоқлар, оёқяланлар, фоҳишалар, жинояткорлар. Капитализм даврида Л. п. айниқса кўпаяди. Улар уюшқоқлик билан синфий кураш олиб боришга қобилиятсиз, беқарор, авантюрага мойил одамлар. Л. п. маида буржуа табақалари билан биргаликда анархизмнинг ижтимоий асосини ташкил этади. Капиталистлар улардан ўз реакцион мақсадлари йўлида (ур-йиқит ва фашист бандалари, штрейкбрехерлик ва ҳ. к.) фойдаланадилар. Л. п. кўпинча реакция кўлида қурол бўлади. Капитализмнинг

йўқолиши билан Л. п. ҳам барҳам тонади.

**ЛЮТЕРАНЛИК** — лютеранлар мазҳаби; христиан динида протестантизмнинг асосий оқимларидан бири. Л. 16-асрда Германияда вужудга келган реформация натижасида католицизмдан ажралиб чиққан. Унинг асосчиси ва раҳбари — Мартин Лютер (1483—1546). Л. Германиядан ташқари Испания, Дания, Швеция, Норвегия ва Финляндияга ҳам тарқалган. Л. га эътиқод қилувчиларнинг умумий сони 75 млн. кишидан ошади.

Л. АҚШ, Бразилия, Эфиопия, Судан, Камерун, Либерия ва Совет Иттифоқининг Латвия, Эстония каби ерларида ҳам қисман учрайди.

## М

**МАВЗОЛЕИ** (грек.) — мақбара, қабр устига ишланган манументал ёдгорлик, машҳур кишиларнинг қабри устига қурилган муҳташам бино. Кичик Осиёнинг Галикарнаса шаҳрида эр. ав. 360 йилда вафот этган подшо Мавсол номидан олинган. Москвада В. И. Ленин, Софияда Г. М. Димитров ва Улан-Баторда Сухе Батор ва Чойбалсан, Ханойда Хошимин мавзолейлари трибуна архитектураси билан қўшилиб кетганлиги билан бошқа М. лардан фарқ қилади.

**МАВРЛАР** — антик давр ва ўрта асрларда Шимоли-Ғарбий Африкадаги Мавритания туб аҳолисига, шунингдек, Испанияни забт қилган (8-асрда) арабларга европаликлар томонидан берилган ном. М. лар Шимолий Африкадаги ҳамит халқларидан бўлиб, ҳозирги Марокашнинг асосий халқини ташкил этади. М. лар 8-асрда араб маданиятини қабул қилганлар ва Пиреней ярим ороли (Испания ва Португалия) ни ўз тасаруфларида сақлаганлар.

Цейлон араблари ва қисман ҳиндлар ҳам М. аталиб, улар буга 8-асрда, айниқса 12—13-асрларда келиб жойлашган. Улар Шри-Ланка республикасининг шимолида ерли халқлар билан аралашиб яшайдилар. М. кейинчалик «қора танли мусулмонлар» маъносида ҳам ишлатилган. (1970 йилги маълумотга кўра, М. ларнинг сони 600 минг киши).

**МАГИСТРАТ** (лат.) — бошқарма, ҳокимият; қадимги Римда давлат мансабларининг номи; ҳокимият вакили, шу мансабни эгаллаган шахслар. Германия ва бошқа баъзи мамлакатларда шаҳар бошқармаси, муниципалитети; Россияда магистрат Пётр I замонидан бошлаб 1864—1885 йй. гача суд-маъмурий ва солиқ-ўлпон ишларини олиб боровчи шаҳар бошқармаси; Англияда М. судья, шаҳар магистрати аъзоси; АҚШ да М. давлат амалдорларининг номи.

**МАГНАТ** (лат.) — ҳоким, ҳукмдор, султон, аъён; қадимги Римда йирик мулкдор ва сиёсий жиҳатдан нуфузли бой; феодал крепостниклик Польшасида, Венгрия ва бошқа баъзи мамлакатларда феодал аристократиясига мансуб катта помешчик; ҳозирги даврда М. йирик капиталист, масалан, нефть магнати, катта нефтчи, йирик капиталист, капитал магнатлари.

**МАДРАСА** (а.) — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, Ўрта Осиёда, умуман мусулмон дини тарқалган давлатларда ўрта, гоҳо, олий диний ўқув юрти. М. да таълим 3 bosқичда; бошланғич (адио), ўрта (овсат) ва юқори (аъло) гуруппаларда олиб борилган. Ҳар бир bosқичда 3—4 йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт ўқитилган. М. да араб тили, ислом, шарнат, логика, мусулмон қонуншунослиги, бошланғич арифметика, геометрия, география, астрономия ва медицинадан ҳам таълим

берилган. М. муайян меъморий услубда қурилган махсус биноларга жойлашган, унда дарсхоналар, талаба-муллавааччалар яшайдиган хужралар, хўжалик бинолари бўларди. Бухорода Мири Араб, Абдуллахон, Абдулазизхон М. лари, Самарқандда Улугбек, Шердор, Тиллакор, Тошкентда Кўкалдош ва Бароқхон мадрасалари ўз замонида машҳур бўлиб, улар жойлашган бинолар архитектура ёдгорликлари сифатида сақланмоқда.

**МАЖЛИС** (а.) — йиғин; Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларда миллат мажлиси, Эрон, Туркияда, Эрон парламентида парламент (ҳукумат ҳайъати)нинг қўйи палатаси.

**МАЗДАНИЗМ** (форс.) — қадимги Фарбий Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Озарбайжонда ёйилган оташпарастлик динларининг умумий номи. М. гўё «ёвузлик» худоси (Ариман) га қарши, ёруғликнинг қоронғилик устидан ғалаба қилиши учун курашган «эзгу» худо Агур-Мазда (Ормузда) номи билан аталган; бу динга хос хусусият ўлган киши жасадини йиртқич ҳайвон ва қушларга емиш қилиш ва мурда суякларини кўмишдир. М. эр. дан аввалги 9—8-асрларда Индияда, сўнгра эр. дан ав. 6—4-асрларда Аҳмонийлар Эронда ҳукмрон дин бўлган.

**МАЗДАКИЗМ** — Эрон ва унга яқин айрим мамлакатларда илк феодализм даврида — 3-асрда келиб чиққан диний-фалсафий таълимот. 5—6-асрларда Эронда феодалларнинг деҳқонларни асоратга солишига, жабр-зулмининг кучайишига қарши халқ ҳаракати. Бу ҳаракатнинг асосий кучлари деҳқонлар ва шахарлик камбағаллардан иборат бўлган. М. диний пардага бурканган. У мазкур ҳаракатнинг йўлбошчиси манихей қоҳини Маздак ибн Ҳамдадон номи билан аталган, жамоа ҳуқуқла-

рини қайта тиклаш, ер-сув ва мол-мулкка баробар эгаллик қилиш, ҳам-мининг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш, хотин-қизларни озод қилиш ва шу кабилар учун кураш шиори остида бошланган эди. Бу ҳаракат шафқатсизлик билан (эр. ав. 528—529-й.) бостирилган.

**МАЙДА БУРЖУАЗИЯ** — шаҳардаги ўрта ҳол ҳунармандлар, майда савдогарлар ва кичик корхона эгалари ва қишлоқда майда мулкдор синф, ўрта ҳол деҳқонлар, фермерлар; капитализм жамиятидаги икки антагоник синф — пролетариат билан буржуазия ўртасида туради. М. б. га майда ва ўрта ҳол деҳқонлар, ҳунармандлар ва майда савдогарлар киради. Капитализм ривожланиши билан М. б. табақалашади; кўпчилиги хонавайрон бўлиб, ёлланган ишчи ва батрақларга, кам қисми капиталистик корхона эгаларига айланади.

**МАЙОРДОМ, МАЖОРДОМ** (лат.) — 1 меровинглар даврида (5-асрнинг охири—8-асрнинг ўрталарида) франклар давлатида олий мансабдор шахс; 7-аср ўрталаридан бошлаб М. амалда франкларнинг ҳукмдорлари бўлиб келганлар. М. Пипин Пакана меровинглар сулоласининг охириги королни тахтдан қулатиб, 751-й. да ўзини король деб эълон қилди ва янги королинглар сулоласини бошлаб берди; 2 дворян ва буржуа хонадонларида дворецкий — эшик оғаси — бош хизматкор.

**МАЙОРАТ** (нем.) — Англия, Франция, Германия, Польша каби мамлакатларда феодализм замонидан қолган бўлинмас ворислик тартиби; бунда феодал поместьесининг майдаланиб кетишига ва феодал хонадонларининг тушқунликка учрашига йўл қўймаслик назарда тутилган. М. тартибига мувофиқ, вафот этган



кишининг ер-суви, ҳовли-жойи унинг катта ўғлига, агар ўзи ҳаёт вақтида ўғли ўлиб кетса, катта набирасига, ўғли ва набираси бўлмаса, ўз уруғидан бўлган ёши катта кишига ўтадиган бўлган; шу йўл билан мерос бўлиб ўтган ёки ўтадиган ер-мулк. 1714 й. да Пётр I имзо чеккан «Якка ворислик ҳақидаги фармон»га кўра, ҳовли-жой энг катта ўғлига эмас, балки мерос қолдирувчининг хоҳиши ва расмий васиятномаси асосида ўз меросхўри қилиб белгиланган кишига теккан.

**МАККАРТИЗМ** — 20-асрнинг 50-йилларида АҚШ да вужудга келган ашаддий реакцион сиёсий оқим. М. АҚШ сенатори, Америкага қарши фаолияти учун тергаш иши билан шуғулланувчи комиссиянинг раҳбари Дж. Маккарта номидан олинган. М. фаолияти «совуқ уруш» кайфиятини кучайтириш, демократия ва ишчиларга қарши қонунлар қабул қилиш, антикоммунистик ваҳималарни тарқатиш, фашистлашувчи буржуазиянинг прогрессив ҳаракатларга, демократик ташкилотларга, уларнинг раҳбарлари ва айрим шахсларга қарши пўписа қилиш, суд қилиш сингари усулларни амалга оширишдан иборат бўлган.

**МАКСИМАЛИСТЛАР** (лат.) — 1904 й. да эсерлар (қ.) партиясидан ажралиб чиққан майда буржуа ва ярим анархист-террорчи группа. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг М. Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар; М. нинг бир қисми 1920 й. да ўзининг илгариги сиёсатидан воз кечди ва ўз-ўзидан тугади.

**МАЛЬТУСЧИЛИК** — жаҳон аҳолисининг кўпайиши ҳақидаги буржуа қарашлари системаси, реакция буржуа «назарияси»; бу «назария»нинг асосчиси дворян ва руҳоний, ашаддий реакцион инглиз иқтисодчиси

Т. Р. Мальтус (1766—1834) ишсизликни, меҳнатқашлар оммасининг муҳтожлик-махрумлиги ва қашшоқлигини социал сабаблар билан, шафқатсиз эксплуатация билан изоҳламасдан, балки аҳолининг ҳаддан ташқари тез кўпайиб кетиши билан изоҳлашга ҳаракат қилган. Мальтус тирикчилик учун зарур воситалар аҳолининг кўпайишига қараганда секинроқ орта боради, шу сабабли бола туғилишини камайитириш, уруш-қирғин йўллари билан одамлар сонини камайитириш керак, деб таъкидлаган. М. меҳнатқашларни шафқатсиз талашда, агрессияни, босқинчилик урушларини, ваҳшиёна ирқий назарияларни ҳимоя қилишда империалистларга ҳамон қўл келмоқда. Ҳозирги замон буржуа назариячиларининг кўпчилиги аҳоли сони ортаётгани ҳақидаги маълумотларга суюниб, янги шароитда М. ни тиклаш (неомальтузианлик) ни тарғиб этмоқдалар. Бу дунёқарашнинг тарафдорлари келажакка умидсизлик билан қарайдилар. Марксизм-ленинизм классиклари аҳолининг кўпайиб бориши тараққиёт қонуниларига боғлиқ эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб, М. нинг тамомла асоссизлигини қатъий фош этдилар.

**МАМЛУҚЛАР** (а.) — эркислар; I ўрта асрларда Яқин Шарқ мамлакатларида ҳукмдорнинг сотиб олинган қуллардан ташкил топган гвардиячилари; 2 Миср ҳокимлари машҳур М. сулоласи (1252—1517 йй.) нинг номи.

**МАНБАШУНОСЛИК** — тарихий манбаларни, қидириб топиш, ўрганиш ва қўлланишининг назарияси ва амалий усулларини текширадиган тарих фани тармоғи.

**МАНДАТЛИ ТЕРРИТОРИЯЛАР** ёки **МАНДАТ СИСТЕМАСИ** — ва-сийлик территориялари; собиқ герман мустамлакалари ва Усмонийлар

империясининг бир қисми ерлари, биринчи жаҳон империалистик урушидан сўнг (1914—1918) мандат асосида Англия, АҚШ ва Францияга бошқариш учун топширилган территориялар. Шу тариқа биринчи жаҳон урушида галабага эришган империалистик давлатлар мағлубиятга учраган Германия ва Португалиядан тортиб олинган мустамлакаларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлдилар. 2-жаҳон урушидан сўнг М. т. БМТнинг васийлик системаси билан алмашди. М. т. халқларининг миллий озодлик ҳаракати натижасида бир қанча мамлакатлар мустақилликка эришди (Ироқ 1932 й. да, Сурия ва Ливан 1945 й. да, Трансиордания 1946 й. да, Того, Камерун, Руанда, Урунди ва Танганьика, Самоа 1960—1962 йй. да).

**МАНИФЕСТ** (лат.)—1 олий ҳокимият томонидан бирор муҳим масала юзасидан халққа қарата қилинган тантанали ёзма мурожаат; 2 жамоат ташкилотлари, сиёсий партия ёки адабий гуруҳларнинг ўз нуқтаи назари, программаси, таклифи ва қарорлари баён этилган ва жамиятга ёки унинг айрим синф ҳамда гуруҳларига қарата чиқарган ёзма мурожаати. «Коммунистик партия манифести» (қ.) ва шу кабилар.

**МАНИФЕСТАЦИЯ** (лат.)—аҳолининг бирор масала юзасидан ҳамфикрлигини, қўллаб-қувватлашни ёки норозилигини ифода этиш учун уюштирилган кўча намойишлари, йиғилишлари.

**МАНОПЛАР** (қирғ.)—қирғиз уруғ зодагонлари намояндалари; улар ўз уруғида суд қилиш, уруш вақтида эса ҳарбий бошлиқ бўлиш ҳуқуқидан фойдаланганлар. М. шимоллий қирғиз қабилалари орасида ёйилиб, 19-аср бошларидан эътиборан авлоддан-авлодга ўтадиган бўлган. Маноплар оға—М. ва чала—

М. деб иккига бўлинган. М. кўп сонли чорва моллари ва яйловларга эга бўлиб, уруғнинг оддий аъзоларини қаттиқ эксплуатация қилганлар. Қирғизистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилгач, М. чоризм мустамлачилик сиёсатининг таянчига айланган. М. лар 1919—1924 йй. ларда контрреволюцион исёнда фаол қатнашдилар. М. Совет ҳокимияти томонидан 1928—1929 йй. ларда батамом тугатилди.

**МАНСАБДОРЛИК** (а.)—Ҳиндистонда бобурий Акбар томонидан 1574 й. да жорий қилинган ва империя даврида давом этган тартиб; М. ҳарбий бошлиқ; феодаллар (мансабдорлар)нинг унвои ва мартабаларга қараб бўлиниши. Ҳукмдор мансабдор ихтиёрида қанча отлиқ бўлишига қараб, унинг унвои (юзбоши, мингбоши ва ҳ. к.) белгиланган. М. ёлланган жангчиларни ўзига инъом этилган жағирдан (қ.) олган даромадлари ҳисобига таъминлаган.

**МАНУФАКТУРА** (лат.)—қўл, тайёрлаш. Меҳнат тақсими ва қўл хунари техникасига асосланган капиталистик корхона; капиталистик ишлаб чиқаришнинг йирик индустрия асосига қурилган ҳозирги формасидан олдинги ҳунармандчилик техникасига асосланган формаси. М.нинг ўзига хос хусусиятлари ишчилар меҳнатининг устахонада капиталист раҳбарлигида бирлаштирилиши, қўл меҳнатининг устунлиги ва меҳнатнинг тақсимланишидан иборат эди. Фарбий Европада М. тахминан 16-асрдан 18-аср охиригача ҳукмрон бўлди.

Россияда М. 17-асрнинг 2-ярми ва 19-асрнинг 1-ярмида вужудга келди. М. феодал-крепостной муносабатлар ҳукмронлиги шароитида ривожланди. М. Россия империясининг қолоқ чекка ўлкаларида Октябрь социалистик революциясигача ва унда

сўнг ҳам бирмунча вақтгача давом этган.

**МАОИЗМ** — Хитой Компартиясида келиб чиққан ва Мао Цзедун номи билан боғлиқ бўлган, марксизм-ленинизмга ёт майда буржуа-миллатлатчилик оқими.

**МАРДИКОР** (*форс.-тожик*) — эркак, иш сўзларидан таркиб топган. 1 феодализм даврида Шарқ мамлакатларида, шунингдек Урта Осиёда марказий ёки маҳаллий ҳукуматнинг топиши билан йўл қурилиши, сув чиқариш, қалъа қуриш ва тузатишга ёки давлатнинг бошқа қурилиш ишларида мажбуран ишлаб беришга сафарбар қилинган шахс. Катта ер эгалари қўлида ишловчи деҳқонлар ҳам М. деб аталган. Бухоро ва Хева хонликларида М. 1920 йилги Бухоро ва Хоразм халқ революцияларигача давом этган; 2 1916 йилда чор ҳукумати томонидан Урта Осиёнинг ерли халқларидан фронт орқасидаги ишларга жалб этилган кишилар ҳам М. деб аталган. М. лик мажбурияти Бухоро ва Хева хонликларида 1920 йилгача давом этди. 3 маълум ҳақ эвазига бошқаларнинг уй ва чорбоғида муайян ишни бажариш.

**МАРКА** (*нем.*) — 1 Қадимги Русь ва Германияда уруғчилик тузумининг юқори босқичи; қўшничиликка асосланган янги уруғ, қишлоқ жамоаси; франк давлатида, ўрта асрлар Германиясида маркграф томонидан бошқариладиган чегара ёки мустақил маъмурий область. 2 Германия ва Финляндияда пул бирлиги.

**МАРКГРАФ** (*нем.*) — илк ўрта асрларда франк давлатида ва ўрта асрлар Германиясида чегара областининг ҳоқими; кейинчалик Германияда дворянлик унвони.

**МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ** — ишчилар синфининг дунёқараши, фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий

қарашларнинг илмий системаси; табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари, дунёни билиш ва революцион тарзда ўзгартириш, коммунистик жамият қуриш қонунлари ҳақидаги фан.

19-асрнинг 40-йилларида К. Маркс ва Ф. Энгельс асос солган таълимот империализм ва пролетариат революциялари даврида В. И. Ленин томонидан фанинг турли соҳаларидаги кашфиётларга суяниб, коммунистик ва ишчи партияларининг назарий фаолиятлари натижасида бойитилди. «Ленинизм — империализм ва пролетар революция» лари даврининг, мустамлақачилик инқирози ва миллий-озодлик ҳаракатлари ғалабаси даврининг, инсофиятнинг капитализмдан социализмга ўтиши ва коммунистик жамият қурилиши даврининг марксизмидир. (В. И. Ленин тузилган куннинг 100 йиллигига. Хужжатлар ва материаллар тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1970, 34-бет.)

**«МАРСЕЛЬЕЗА»** (*фр.*) — француз буржуа революцияси даврида ҳарбий инженер Руже де Лиль ва Эжен Потье томонидан 1792 й. 25 апрелдан 26 апрелга ўтар кечаси сўзи ва музыкаси ёзилган революцион қўшиқ; дастлаб «Рейн армиясининг жанговар қўшиғи» Марсель кўнгили аскарлари томонидан ижро этилган, сўнгра Франциянинг миллий гимнига айланган «Марселликлар гимни» — «Марсельеза». 1830 й. июль кунлари, 1848 й. Февраль революцияси ва 1871 й. Париж Коммунаси баррикадаларида француз пролетариати ва бошқа меҳнаткашлар «Марсельеза» садолари остида капитализм зулмига қарши курашдилар. 19-асрнинг 80—90-йилларида рус ишчилари орасида ҳам кенг ёйилди, сўзи ва музыкасига баъзи ўзгаришлар киритилгач, бу қўшиқ «Ишчилар

марсельезаси» номи билан рус пролетариатининг сеvimли революцион қўшиқларидан бирига айланди. «Марсельеза» революцион қўшиқ сифатида халқаро ишчилар ҳаракатида ҳамон машҳурдир.

Октябрь социалистик революциясидан сўнг бирмунча вақтгача ёзувчи С. Айнийнинг «Хуррият марши» шеъри «М.» куйига солиниб, ўзбек ва тожик тилларида куйлаб юрилган эди.

**МАСЖИД** (а.) — мачит; сажда қилиш жойи; мусулмонлар жамоа бўлиб, намоз ўқийдиган бино; ибодатхона. Биринчи масжид 8- асрнинг биринчи чорагида Макка шаҳрида Муҳаммад пайғамбар томонидан очилган. Мусулмонлар М. да жамоа бўлиб, ҳар куни беш вақт намоз ўқишади, жума ва ҳайит намозлари катта жоме М. ларида ўқилади. М. ларнинг имом-хатиби, сўфи, мутаввали каби руҳоний ходимлари мавжуддир. М. лар диний тарғибот марказлари ҳам ҳисобланганлар. Жума ва ҳайит намозлари кунлари имом-хатиблар хутба ўқиб, турли диний масалалар бўйича панд-насихат қилганлар.

**МАСЖИД ЖОМЕ** (а.) — кўпчилик жамоа бўлиб, жума ва ҳайит намозларини ўқийдиган катта масжид.

**МАРШАЛ** (фр.) — 1 дастлаб Францияда король саройида от боқувчи хизматкор; 13- асрдан король қўшинида қисм бошлиғи; 16- асрдан бошлаб олий ҳарбий унвон. 1804 й. дан 1952 й. гача Францияда 74 генералга М. унвони берилган. М. унвони Испанияда, Туркияда (мушир), Японияда, Англияда (вице-М., Бош М., авиация М.) ва АҚШ да жорий этилган; 2 ХХР да (1965 й. гача), ҚХДР, МХР, Польша, Руминия ва Югославияда М. — олий ҳарбий унвон. СССРда М. унвони 1935 й. да

жорий этилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 й. 16 январь ва 9 октябрдаги фармонлари билан артиллерия, авиация, бронетанк, инженерлик қўшинлари, алоқа қўшинларида М. унвони жорий қилинди. Совет Иттифоқи маршали учун алоҳида белги — Маршал юлдузи жорий этилган; 3 Польшада айрим граждандлик лавозимларининг унвони (сейм М., сеймининг вице-М.)

**МАСЛЕННИЦА** (рус.) — славяндарда ва бошқа христианларда катта рўза деб аталмиш кундан бир ҳафта олдин бир неча кун давом этадиган деҳқончилик байрами — қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш байрами; бу маросим табиатга ва ота-боболарнинг арвоҳига сизини билан боғлиқ бўлиб, унда похол қўриқчи — «қиш» ёндирилади, қурбон қилинадиган нон — юпқа ва куймоқ пиширилади, гулхан ёқилади, ота-боболар мазорига овқат-егулик олиб борилади, турли ўйин-кулги ва сайиллар ўтказилади.

**МАСОНЛИК** ва **ФРАНК-МАСОНЛИК** — 18- асрда Англияда вужудга келиб, кейин Европадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган диний-мистик ҳаракат. М. кишиларни ахлоқий камол топишга ва «фанлатлар қасрини қуриш» га даъват этган (шунинг учун «эркин фишт терувчилар» номини олган). Масонлар ташкилоти ячейкалари (қуйи тармоғи) нинг иштирокчилари асосан нуфузли аристократияга ёки буржуазиянинг юқори табақасига мансуб кишилар бўлган. Россияда М. 18- асрнинг 30- йилларида юзага келган. 1822 й. да масонлик ячейкалари расман тақиқланган. М. революцион ишчилар ҳаракатига душман оқим. Ҳозирги замонавий М. фақат капиталистик мамлакатларда (асосан, АҚШ да) мавжуд бўлиб, реакциянинг ҳамкоридир. Масонлар мис-

тик маросимлар ўтказадиган диний-фалсафий жамиятларнинг аъзоларидир. 20-асрнинг 60-йилларида бутун дунёда 8 млн. М. бўлган.

**МАТАДОР** (*исп.*)—буқа уриштиришда буқани қаттиқ зарб билан ўлдирувчи бош зўравон.

**МАТРИАРХАТ** (*лат.-грек.*)—бошланиш, ҳокимият; оналар ҳокимияти, уруғчилик жамиятининг оилада ва ҳаётда она раҳбарлик ролини ўйнаган, қардошлиқда у асос ҳисобланган ибтидий формаси; оналик даври Матриархат.—она уруғи, ибтидий жамоа тузуми тараққиётидаги бир босқич, М. тош даврининг охириги босқичидан бошланади. М. да хотинлар ҳукмронлик қилганлар. М. нинг дастлабки даврларида одамлар овқат топиш учун овчилик, энг содда усуллардан фойдаланиб, балиқ овлаш билан шуғулланганлар. Аёллар илдиз, мева, дон ва шунга ўхшашларни териб, термачилик билан шуғулланганлар. Группавий никоҳ мавжуд бўлган, ундан аста-секин жуфт никоҳга ўтла бошланган. М. нинг энг ривожланган даври янги тош (неолит) даврининг охириги вақтларига тўғри келган.

Уша даврда ерни юмшатиб, экин экиш пайдо бўлган. Аёллар хўжалик соҳаларида ва ижтимоий ҳаётда эркакларга нисбатан тамомила устун бўлиб олганлар, раҳбарлик ролини ўйнаганлар. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, жумладан, ҳайвонларни қўлга ўргатишдан чорвачилик ва деҳқончиликка ўтилиши натижасида ота уруғи—патриархатга ўтиш учун объектив шарт-шароит ҳозирланган.

**МАХАЕВЧИЛИК** — Россияда 1902 й. да пайдо бўлган ва маркизмнинг ашаддий душманларидан Махайский номи билан юригилади-ган реакцион-анархистик оқим, улар-

нинг фикрича, зиёлилар эксплуататор синфлар қаторига киради.

**МАҲАЛЛА** (*а.*)—Ўзбекистоннинг деярли ҳамма шаҳар ва қишлоқларида бир неча кўчани ўз ичига олган, бир бўлаги аҳоли яшайдиган маъмурий-территориал бирлик. Революциягача М. ни сайлаб қўйилган элликбоши бошқарарди, эндиликда М. комитети бошқаради.

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК (МЕСТНИЧЕСТВО)** (*рус.*)—15—17-асрларда Москва Русида боярларни насл-насабига ва аждодларининг қандай мансабини эгаллаб келганлигига қараб давлат мансабларига тайинлаш тартиби. М. марказлашган Русь давлати барпо этила бошлаган даврда кўп сонли удель князлари, бояр зодагонларининг авлодлари Улуғ князь саройи составига кирган вақтда вужудга келган. Бунда унвоили феодал зодагонлар — боярлар ва князнинг яқин мулозимлари сарой ва давлат мансабларини феодал хонадонларининг насл-насабига қараб тақсимлаган. Подшо ҳукумати 16-аср ўрталаридан бошлаб М. ни чеклаш сиёсатини амалга ошира бошлаган, 1682 й. да эса тамомила тугаган.

Феодал жамиятда уруғнинг бадавлатлигига қараб одатга айланиб қолган иерархия (қ.), жумладан, тор маҳаллий фойда ва манфаатни кўзлаб, жамият, давлат манфаатига зид йўл тутиш.

**МАХНОЧИЛИК**—1918—1921 йй. да Украинада Нестор Махно бошлиқ анархист-қулоқ тўдалари томонидан Совет ҳокимиятига қарши олиб берилган контрреволюцион қуроли кураш. М. маркази Екатеринбург губернасидаги Гуляй Поле (ҳозирги Запорожье области) эди. М. тўдалари жиноятчи унсурлар, авантюрист қаллоблар ва қулоқлардан иборат бўлиб, қишлоқ ва шаҳарларни талон-тарож, қирғин қилдилар, коммунист-

ларни азоблаб ўлдирдилар. М. 1921 й. да М. В. Фрунзе ва К. Е. Ворошилов бошчилигидаги совет қўшинлари томонидан тор-мор келтирилди.

**МАХОРОЖА** — Ҳиндистонда ҳукмдорнинг унвони; ўрта асрларда рож-вассал-қарам феодаллардан фарқ қилувчи йирик феодаллар, мустақил князликни бошқарувчи ҳокимлар М. деб аталган. М. унвони айрим князларда янги ва энг янги замонларда ҳам сақланиб қолган. М. лар 1956 й. да сиёсий ҳокимиятдай маҳрум этилган.

**МАХФИЙ КАНЦЕЛЯРИЯ** — 1718 й. да давлат хоини сифатида айбланган шаҳзода Алексей иши муносабати билан Пётр I томонидан ташкил этилган муассаса. Шундан бошлаб М. к. сиёсий гуноҳкорлар иши билан шуғулланган. 1726 й. да М. к. тугатилган. 1731 й. да М. к. тикланиб, 1762 йилгача махфий қидирув ишлари канцелярияси номи билан юритилган. 1762 й. дан сўнг М. к. Яширин экспедиция номи билан алмаштирилган.

**МАХФИЙ КЕНГАШ** — Англия короллари ҳузурдаги кенгаш; М. к. аъзоларини король министрлардан, йирик мансабдорлар ва олий руҳонийлардан тайинларди; 2 Россияда М. к. 1726—1730 йй. да Олий Махфий Кенгаш (қ.) номи билан иш қўрди.

**МАЪРИФАТЛИ АБСОЛЮТИЗМ** — 18-асрнинг иккинчи ярмида Европада бир қанча абсолют монархияли давлатларда расмий жиҳатдан маърифатпарвар ғояларга амал қилган ва феодализмнинг айрим эскирган томонларини ўзгартирувчи, буржуазиянинг бир оз ривожланишига йўл берувчи реформалар ўтказишни кўзда тутган назария. М. а. философлар маслаҳатига амал қилувчи, ижтимоий ҳаётни янги, «оқилона» йўлга солиб юборишга қобил

бўлган, тепасида «маърифатли монарх» турган давлат ҳақидаги ғоя 18-аср маърифатчилари орасида (айниқса, Вольтер асарларида) кенг ёйилган эди. Бу ғоянинг асл маъноси буржуазия мўътадил-либерал доираларининг революциясиз, «юқоридан» туриб феодал абсолют тузум негизларини сақлаб қолувчи реформалар (феодаллар айрим имтиёзларини ўзгартиш, черковни давлатга бўйсундириш, деҳқонлар, суд, мактаб реформаларини ўтказиб, цензурани бироз юмшатиш) ёрдами билан жамиятти буржуазия қайта қуришга эришишдан иборат эди.

Австрияда Иосиф II, Пруссияда Фридрих II, Россияда Екатерина II М. а. ғояси шўҳратидан фойдаланиб, ўз фаолиятларини «философлар ва ҳукмдорлар иттифоқи» деб кўрсатишга уриндилар. Бироқ 18-аср охирида француз буржуа революцияси бошланиб кетиши билан монархлар дарҳол «маърифатли монархия» ғоясидан воз кечиб, реакция томонига ўтдилар.

**МАҲДИЙ (а.)** — исломдаги диний ривоятларга кўра, гўё яхшиликка ҳақиқий йўл билан олиб борувчи, мусулмонларнинг халоскори. Ривоятларга кўра, М. охираат арафасида пайдо бўлар эмиш. Шаларда (қ.) М. 12-яширин имом. Феодаллар ўз манфаатлари йўлида М. ҳақидаги ривоятлардан ҳам фойдаланишган. Баъзи халқ озодлик ҳаракатларининг раҳбарлари ўзларини М. деб атаганлар.

**МАҲРАМ** — мусулмон Шарқда ҳукмдорнинг, зодагоннинг, юқори мансабдорнинг хусусий хизматчиси, уй хизматчиси, сирдош; Бухоро ва Хева хонлигида сарой амалдорларининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли кишининг мансаби.

**МАҲР (форс.)** — мусулмон Шарқда эски одатга кўра, унашиб қў-

йилган куёв томонидан никоҳ пайтида қаллиққа ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. Одатда уй-жой, соғин сигир маҳр қилинади. М.нинг нақд бериладиган қисми қалин, насияси — маҳрдир.

**МАЪБУДА** (а.) — аёл образида тасаввур қилинган худо; диндорлар сажда қиладиган, сиғинадиган нарса, бут, санам; якка худолик динлари келиб чиққунга қадар кишилар табиат кучларига сиғинган, мажусийлик даврида кишилар сиғинган бирор нарса; уларнинг худоси.

**МАҚБАРА** (а.) — марқад, турбат, сағана, дахма — машҳур шахслар, ҳукмдорлар, буюк олимлар дафн этилган жой устига қурилган муҳташам бино, мавзолей. Айрим М.лар меъморлик санъатининг юксак намуналари ҳисобланади. Бухорода Исмоил Сомоний, Туркистонда Аҳмад Яссавий, Самарқандда Амир Темир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбллари, Ҳиндистонда Тож Маҳал мақбараси ва бошқ.

**МЕЖРАЙОНЧИЛАР** (рус.) — Петербургда 1913 й. дан бошлаб социал-демократларнинг районлараро ташкилотлари. М. центрчилар ташкилоти; М. большевикларга қарши курашган, бир қатор масалаларда меньшевиклар билан ҳам келиша олмайдиган ташкилот; РКП(б)нинг VI съезди (1917) вақтида М.лар ҳамма масалада большевиклар билан бир фикрда эканликларини айтиб, партиёга қабул қилишларини талаб этдилар. М.лардан В. Володарский, М. Урицкий ва шу кабилар ҳақиқатан ҳам коммунист бўлиб кетдилар. Троцкий ва унинг шериклари партиани ичдан қўпориш учун унга кирдилар. Партия империализмнинг троцкийчи агентларини фош этди ва ўз сафини улардан тозалади.

**МЕЗОЛИТ** (грек.) — тош асрадаги давр, палеолит (эски тош) дан

неолит (янги тош) га ўтиш босқичи. М. Европада бундан 10—7 минг йиллар муқаддам, шимолий районларда 6—5 минг йил олдин, Яқин Шарқда эса 12—9 минг йиллар олдин ўтган. М. да кишилар камон ва ўқлар ихтиро қилганлар, ит хонакилаштирилган, чўққа қўлга ўргатила бошланган, сопол идиш пайдо бўлган. М. даврига оид ёдгорликлар Ўзбекистоннинг Бойсун районидаги Маҷай ғори, Фарғона областининг Сўх қишлоғидаги Обишир ғорлари (I—V) ва Тошкент шаҳридаги Қўшилиш манзилгоҳларида ва бошқа манзилларда топилган. М. баъзан протонеолит (биринчи ва неолит сўзидан) ёки эпипалеолит (охирги ва палеолит сўзидан) деб ҳам аталган.

**МЕМОРАНДУМ** (лат.) — эслаб туриш лозим бўлган нарса — давлатлар ўртасидаги ёзишмалардан бири. М. да музокара олиб борилаётган масала фактик ёки юридик томондан баён этилади ва кўп ҳолларда нотани асослаш учун унга илова қилинади.

**МЕНШЕВИЗМ** — Россия социал-демократик ишчилар партиясининг II съезиди (1903) РСДРПнинг большевиклар ва меньшевикларга ажралиши натижасида ленинча «Искра» душманлари бўлган барча оппортунистлардан ташкил топган майда буржуа оқими, реформизмнинг бир кўриниши. М. Россия социал-демократиясига, марксизмга зид бўлган ва майда буржуа идеологиясини акс эттирган оппортунистик оқим; М. раҳбарлари ишчилар ҳаракатида буржуазия агентураси эди. М. ғоявий жиҳатдан «легал марксизм» (қ.) ва экономизм билан, шунингдек бернштейнчилик (Германия Социал-демократик партиясидagi оппортунистларнинг — халқаро ревизионизмнинг отаси Э. Бернштейн номи билан боғлиқ) билан боғлиқ оқим. М. маркс-

измни бузиб, ундан революцион маъзини олиб ташлаб, буржуа-демократик революциясида буржуазия ҳаракатга келтирувчи бош куч, деҳқонлар — реакцион куч, деб ҳисоблади. М. бу революцияда пролетариат гегемонлигини, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтишини инкор этди. М. ишчилар синфининг либерал буржуазия (қ.) га итоат этишини талаб этарди. Реакция йилларида (1907—1910) ликвидаторлик (қ.) келиб чиқди. Биринчи жаҳон уруши вақтида М. ларнинг асосий қисмлари социалшовинистлар (қ.) партиясига ўтиб олдилар, 1917 й. да буржуазиянинг вақтли ҳукуматини қўллаб-қувватладилар. 1917 й. ёзида М. ларнинг бир қатор арбоблари очиқдан-очиқ контр-революция лагерига ўтдилар. М. сўл элементларининг бир қисми (меньшевик интернационалистлар) ўз хатоларини англаб, большевиклар томонига ўтдилар. Гражданлар урушидан сўнг М. лар чет элларда антисовет фаолиятларини давом эттирдилар. М. лар жаҳон империализмга хизмат қилувчи жосус ва қўпоровчи диверсантлар тўдасига айландилар.

**МЕРКАНТИЛИЗМ** (фр.-итал.) — савдогар; купец; манфаатпарастлик, тамағирлик. Европанинг бир қатор феодал давлатларида 15—18-асрларда савдо буржуазиясининг савдо капитали манфаатларини акс эттирган иқтисодий таълимот ва сўёсат; М. тарафдорлари давлат фаровонлиги ва бойлигининг манбаи ишлаб чиқариш соҳаси эмас, балки товар ва пул муомаласи деб ҳисобланганлар. Улар мамлакатга киритилган молга кўра чет элларга кўпроқ мол чиқариш ва мамлакатда капитал маблағ — (тилла, кумушни) жамғариш жамият фаровонлигини таъминлайди, деб ҳисоблаганлар. М. 18-аср бошида Россияда ҳам жорий этилди.

**МЕСАМЕ-ДАСИ** (груз.) — «Учинчи группа» — 1893 й. ли Грузияда ташкил топган Закавказьедаги биринчи социал-демократик ташкилот. Бошида Н. Жордания турган. М.-д. кўпчилиги «легал марксизм» позициясида туриб, буржуа миллатчилигига мойил эди. 1898 й. да М.-д. га кирган И. В. Сталин, В. З. Кецовели ва А. Г. Цулукидзе марксист озчиликнинг негизи бўлиб, Грузияда революцион с. д. нинг куртаги эди.

**МЕТРОПОЛИЯ** (грек.) — 1 итоат эттириш, эксплуатация қилиш; қадимги Грецияда шаҳар-давлат (полис)нинг ўзга ўлкаларда барпо этилган қишлоқ ва шаҳарларга нисбатан номи; 2 ўзга мамлакатларни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирган ва уларни эксплуатация қилувчи империалистик давлат ёки мамлакат.

**МЕШЧАН** (рус.) — 1 Россияда революцияга қадар шаҳар аҳолисининг турли тоифалари — майда савдогарлар, ҳунармандлар ва шу қабилар. 2 фикри тор ва ўзининг шахсий манфаатидан бошқа нарса билан қизиқмайдиган, ижтимоий ҳаётдан мутлақо четда бўлган киши, шахсиятпараст.

**МЕЪМОР** (а.) — бинокор уста; катта ва муҳташам бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштирувчи ва қурилишни назорат қилиб турувчи мутахассис; архитектор.

**МЕҲТАР** (форс.-тож.-ўзб.) — бошлиқ, жаноб; ўтмишда сарой созандаларининг бошлиғи, етакчи созанда. Темурийлар даврида М. ноғорачилар, кейинчалик сурнайчилардан тайинланадиган бўлган; Бухоро амирлигида закотчилар бошлиғи, Хева хонлигида бош хизматчи; у Шовот канилида бошлаб, то ўлканинг жануби бўйлаб жон солиғини йиққан. Базан хон йўқлигида давлат ишларини ҳам бошқарган. Қўқон хонлигида давлат хизматчиси.



**МИГРАЦИЯ** (лат.) — кўчман, жойини ўзгартираман. Аҳолини бир ердан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга кўчириш; мунтазам равишда кўшимча қиймат олиш ҳамда сиёсий мақсадларда капитални бир мамлакатдан бошқасига чиқариш.

**МИЛИТАРИЗМ** (лат.) — иқтисодий, сиёсий ва идеологик система сифатида капитализм даврида шаклланди; 1 империалистик давлатларнинг бошқа мамлакатлар ерларини тортиб олиш, янги мустамлакалар, хом ашё ва бозорларни қўлга кириштириш ва халқларни асоратга солиш мақсадида қуролланиш пойгасини кучайтириш, ҳарбий куч-қудратни орттириш ва янги урушга тайёрланишдан иборат реакция сиёсати. М. империализм даврида айниқса авж олади. АҚШ, ГФР, Англия, Франция империалистик доираларининг миллий озодлик ҳаракатига қарши, шунингдек мамлакат ичкари-сида меҳнаткашларнинг синфий чиқишларини бостириш мақсадида зўр бериб қуролланиш, монополиялар фойдасини кўзлаб ҳарбий бюджетни тобора кўпайтириш, агрессив ҳарбий-сиёсий блоklar тузиш, давлат экономикаси ва сиёсатига ҳарбий-саноат комплексларининг таъсирини ошириш, шовинистик пропагандини кучайтириш йўли М. учун характерлидир. Милитаристлар СССР га ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши уруш бошлаб юбориш билан пўписа қиладилар. Империалистик корчалонлар ўзлари тайёрлаётган урушда инсонларни кўплаб қиришнинг барча воситаларини: ядро, нейтрон, бактерия, химия қуроллари ва шу кабиларни ишга солишни кўзда тутмоқдалар. Бутун социалистик ҳамдўстлик давлатлари милитаризмга қарши, ҳар қандай агрессияни даф этишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкам-

лашга, тинчликни сақлашга қаратилган қудратли ижтимоий ҳаракатлар воситаси билан кураш олиб бормоқда; 2 империалистик мамлакатларда тажовузкор ҳарбий доираларнинг ҳукмронлиги ва мамлакатнинг бутун хўжалигини босқинчилик уруши мақсадига бўйсундириш.

**МИЛИЦИЯ** (лат.) — қўшин; СССР (1917 й. тузилган) да ва бир қатор бошқа социалистик мамлакатларда жамоат тартиби, социалистик мулк, граждандар, муассаса ва ташкилотлар, идораларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилувчи, жиний ишлар ва жамиятга қарши бошқа ҳаракатлардан асраш вазифасини бажарувчи давлат-маъмурий ижрочи органи.

**МИЛОД** (а.) — туғилиш; янги эра йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби системаси. Афсонавий Исо (Иусис Христос) нинг «туғилиш»идан ҳисобланади. Милод йил ҳисобидан олдин Диоклетян эраси, «олам яратилиши» эраси ва бошқа кўп йил ҳисоблари мавжуд эди. Римлик монах Дионский Диоклетян эрасининг 248-йили афсонавий Исонинг «туғилиши» 525 йил илгари, ёки Рим шаҳри барпо бўлганининг 753-йили содир бўлган деб эълон қилди. Бироқ янги йил ҳисоби тезликда тан олинмади, ундан асосан Рим папаларининг фойдаландилар (10—15-асрлар). Бора-бора янги йил ҳисоби-га ўтила бошланди. Пётр I имзо чеккан фармонга кўра, 1700 йилнинг 1 январидан бошлаб Россияда ҳам шу календарга (қ.) ўтилди. Унгача Россияда янги йил 1 сентябрдан ҳисобланган.

**МИЛЛАТЛАР ИТТИФОҚИ** — биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда (1919—1939 йй.) мавжуд бўлган халқаро ташкилот. М. и. нинг уставига кўра, унинг вазифаси халқлар ўртасида

ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш эди. Амалда эса у империалистик давлатлар, биринчи талда, Буюк Британия ва Франция сисъатининг қуроли эди. 1934—1939 йй. оралиғидаги беш йил мобайнида СССР ҳам М. и. да қатнашиб, тинчлик ишини қатъий ҳимоя қилди ва фашист агрессия хавфига қарши коллектив хавфсизлик системасини яратиш учун оғишмай кураш олиб борди. 1939 йилда СССР М. и. дан чиққач, амалда унинг фаолияти тўхтаб қолди. Расман эса М. и. 1946 йилда чақирилган махсус Ассамблея (қ.) қарори асосида тарқатиб юборилди.

**МИЛЛАТЧИЛИК** — миллатпарастлик; миллий масала бўйича буржуазия ва майда буржуазия идеологияси ва сисъати. М. капитализм жамияти билан бирга дунёга келади. Буржуазия М. дан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, умуммиллий бозорни яратиш, чет эл буржуазиясига қарши курашиш, мустамлакаларга эга бўлишда фойдаланади. Буржуазия миллат ичида «синфий муроса» га эришиш, пролетариатни синфий курашдан чалғитиш, турли миллат меҳнаткашлари ўртасида низо қўзғаш, революцион ҳаракатнинг интернационал бирлигига зарба беришга ҳаркат қилади. М. умуммиллий ниқоб остида муайян миллий буржуазиянинг синфий эксплуататорлик манфаатларини ҳимоя қилади, миллий зулмни ёқлайди, ўз миллатини бошқалардан юқори қўйиш, бошқа миллатларни менсимасликни тарғиб этади, миллатлар ўртасида миллий адоват ўтини ёқади ва меҳнаткашларнинг синфий онгини хиралаштиради. Марксизм-ленинизм ҳар қандай М. ўрнига интернационализмни илгарисуради. Социалистик революциянинг талаба қилиши натижасида маҳал-

лий М. ва буюк давлатчилик шовинизми учун замин йўқолди.

Марксчи-ленинчилар эзилган миллатларнинг миллатчилиги билан эзувчилар миллатчилигини фарқ қиладилар. Эзилган миллатнинг миллатчилигида зулмга қарши қаратилган умумдемократик мазмун бор, шунинг учун коммунистлар уни муайян босқичда тарихан тўғри деб билиб, қўллаб-қувватлайдилар. Умумдемократик мазмун эзилган халқларнинг империалистик зулмдан қутулишида, миллий мустақилликка ва миллий тикланишга интилишларида ифодаланади. Айни вақтда эзилган миллатнинг миллатчилигида реакцион эксплуататор юқори табақанинг идеологиясини ва манфаатларини ифодаладиган иккинчи бир томон ҳам бор. Мамлакат ичида синфий зиддиятлар кучая борган сари, миллий буржуазия империализм ва ички реакция билан муроса қилишга тобора кўпроқ мойиллик кўрсата боради. Фақат социализм М. га барҳам берилиши учун замин яратади. Социалистик жамиятда миллий адоват ва ишончсизликка қарши, миллий эгоизм ва биқикликка қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш йўли билан М. нинг сарқитларни тугатишига эришилади.

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ** — француз буржуа революцияси даврида тузилган, сайлаб қўйилган қўмондонлиги бўлган қуролли граждандар лашкари; у 1871 й. гача мавжуд бўлган, 1870—1871 йй. даги Франция-Пруссия уруши шароитида кенг халқ оммаси келиб қўшилгач, М. г. катта революцион роль ўйнади.

**МИЛЛИЙ МАРКАЗ** — 1918 й. июлда Москвада Совет ҳокимиятига қарши тузилган фитначи, жосуслик ташкилоти; кадетлар, монархистлар, меньшевиклар ва эсерларни бирлаш-

тирган М. м. чет эл разведкасининг кўрсатмаси асосида иш кўрган.

1919 й. июнида «Красная Горка» форт (қалъа)идаги контрреволюцион исёни тугатиш вақтида ВЧК (қ.) Антантанинг биринчи юриши даврида Петроград, Москва ва бошқа шаҳарларда қўзғолон бошлаш ҳақида М. м. томонидан тузилган планни фош этди.

**МИНГБОШИ** (*турк.*)—1 минг кишининг бошлиғи; мўғул ва турк халқларида, шунингдек Урта Осиёда қадимдан минг кишилик аскар бошлиғи; 2 Қўқон хонлигида хондан кейинги мансаб; 3 Хева хонлигида энг кичик амал; 4 туркманларда қабила бошлиғи; 5 18-асрдан бошлаб Октябрь революциясигача Тошкентнинг тўрт даҳаси (Себзор, Шайхантаур, Кўкча ва Бешёғоч) бошлиқлари; революциядан сўнги дастлабки йилларда Ўзбекистонда бир неча қишлоқни бирлаштирган маъмурий идора бошлиғи ва уни бошқарган шахснинг унвони.

**«МИЛЛИЙ ИТТИҲОД»**—1920 й. сентябридан 1922 й. ёзигача Урта Осиёдаги Совет республикаларида халқаро империализмнинг ёрдами билан ташкил этилган контрреволюцион ташкилот. Бу ташкилот 1920 й. сентябрида Боку шаҳрида Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари 2-съезида қатнашиш учун келган бир гуруҳ миллатчиларнинг Анвар Пошшо уйида махфий мажлисида тузилган. «М. и.» га панисломистлар (қ.), пантуркистлар (қ.) ва собиқ «Шўрон ислом» (қ.) чилар, миллатчи оғмачилар, миллий буржуазия вакиллари, руҳонийлар кирган. «М. и.» Урта Осиёни империалистик давлатлар мустағлакасига айлантириш, Совет Шарқидаги республикалар (Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари, Қирғизистон АССР)ни Совет Россиясидан ажратиш, буржуа федера-

тив давлати тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. «М. и.»нинг Марказий Комитети дастлаб Тошкентда, сўнгра Урта Осиёнинг йирик шаҳарларида яширин иш олиб борган. «М. и.» ўз мақсадига мусулмон аҳолининг Совет ҳокимиятига қарши ғазовот урушини бошлаш йўли билан эришмоқчи бўлган. «М. и.» империалистик давлатлардан моддий ёрдам (шу жумладан қурол-аслаҳа) олиб турган. Халқ оммаси орасидан ўзига таянч топа олмаган бу контрреволюцион ташкилот 1922 йил кузида тарқатиб юборилган.

**МИНИСТР** (*лат.*)—хизмат қиламан, бошқараман; министрликни бошқарадиган мансабдор шахс.

**МИНИСТРЛАР КАБИНЕТИ**—Буюк Британия, Ҳиндистон, Япония ва бошқа баъзи давлатлар бошида премьер-министр турган, министрлардан ташкил топган ёки президент давлат бошлиғи ҳисобланган мамлакатларда унинг ўзи айни вақтда министрлар кабинетининг бошлиғи бўлган ҳукуматнинг расмий номи.

**МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**—СССР ва унинг составидаги барча иттифоқдош ҳамда автоном республикаларда давлат ҳокимиятининг олий ижрочи ва фармойиш берувчи органи. М. С. СССР Олий Совети ҳар иккала палатасининг ялпи мажлисида Раис, унинг ўринбосарлари, министрлар, Давлат комитетларининг раислари, иттифоқдош республикаларнинг М. С. лари раисларидан иборат ташкил этилади. Франция, Греция ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳукуматларнинг расмий номи.

**МИНИСТРЛИК**—давлатнинг марказий бошқарув органи.

**МИНОРА** (*а.*)—бирор бинога қўшиб ёки алоҳида қурилган мезаншаклидаги баланд иншоот, ёдгорлик; Урта Осиёда М. лар асосан доира шаклида, Туркия ва Ҳиндистонда кўп-

қиррали, Сурия ва Африкада тўрт бурчак шаклида қурилган. М. ичидан унинг юқорисига чиқиш учун айланма зина бўлади. М. юқорига томон ингичкалашиб боради. Айрим М. ларнинг сирти ўйма ёки бўёқли нақшлар билан безатилади. М. лар азон айтиш жойи, соқчихона, ёдгорлик вазибаларини ўтайди.

**МИР** (а.) — «амир» сўзининг қисқарган формаси; ҳукмдор, ҳоким, подшо, вазир; юқори имтиёзли кишиларга унвон тариқасида ҳам ишлатилади (масалан, Мир Алишер Навоий).

**МИРЗА, МУРЗО** (форс.) — 1 Эронда подшолик қилувчи хонадон аъзоларининг исмидан сўнг айtilадиган унвон (масалан, Аббос Мирза); 2 котиб, амалдор исмидан олдин қўйилади (масалан, Мирза Аҳмад); 3 Россиядаги турли халқлар (татар, нўғой ва ҳ. к.) да 13-асрдан бошлаб Октябрь революциясигача йирик феодал, айрим ўрда ва уруғ бошлиқларининг унвони.

**МИРЗАБОШИ** — Бухоро амирилиги ва Қўқон хонлигида амир ва хон маҳкамасида мирза; саройнинг йирик мансабдорларидан бири.

**МИРЗА МИНЖИ** — Бухоро амирилигида амирнинг шахсий секретари, у тўқсаба даражасида бўлади.

**МИРЗА МИШИРИФ** — Бухоро амирилигида амирнинг иккинчи даражали шахсий секретари, у тўқсаба даражасида бўлади.

**МИРЗАХОНА** (а.-форс.-тож.) — амир ва хонларнинг мирзабоши бошчилигида ишлайдиган китоблар хонаси; ўзбек хонликлари ва баъзи Шарқ мамлакатларида давлатнинг ҳисоб-китоб ҳамда ёзишмаларини олиб борадиган кичик мансабдорлар — котиблар ишлайдиган жой.

**МИРИШКОР** (форс.) — ов амира, ов бошлиғи; айрим Шарқ мамлакатларида ҳукмдорнинг овга чиқишига

бошчилик қилувчи олий мансабдор; қушбеги (қ.).

**МИРОБ** (форс.) — бошлиқ, ҳукмдор; ўтмишда Ўрта Осиёда сув тақсимоти ва суғориш системаси устидан назорат қилувчи шахс; катта ариқдан, анҳордан сув тақсимлаш вазифасини бажарувчи киши, шунингдек, ариқ-каналлар қазниш ишларига раҳбарлик қилувчи, соқа — ариққа дарёдан сув кирадиган жойларни очувчи ва бекитувчи.

**МИРОБОНА** — Ўрта Осиё амирлик ва хонликларида куз палласида деҳқонлардан йиғиб олинadиган солиқ, жумладан, Бухоро амирилигида мироблар фойдасига ҳар беш иш ҳайвони ҳисобидан бир ботмон (8—10 пуд) миқдорида галла (пул ёки натура билан) олинadиган солиқ.

**МИРОХҲУР** — «мири охур» сўзидан олинган бўлиб, Бухоро амирилигида дастурхончи ва парвоначидан сўнгги мансабдор; саройдаги отхоналар ва от-ўлов маҳкамасининг бошлиғи; сарой отхоналарига бошчилик қиладиган мансабдор.

**МИРШАБ** (а.-форс.) — Бухоро амирилиги полициясининг тунги шаҳар соқчилари бошлиғи, яъни кечаси шаҳарда осойишталикни таъминлашга масъул бўлган киши; полиция соқчиси; Хева хонлигида тунги соқчи, бошқа жойларда соқчилар бошлиғи.

**МИРШАББОШИ** — Бухоро амирилигида полиция қисмининг бошлиғи. Туркистон ўлкаси Россия империяси составига қўшилгандан бошлаб Октябрь революциясигача маҳаллий аҳоли яшайдиган ерларда М. лар жорий этилган бўлиб, мингбоши ва оқсоқоллар ихтиёрида уларнинг топшириқларини ўтаганлар.

**МИРШАБХОНА** (а.-форс.) — миршаблар турадиган жой; революцияга қадар ўзбек хонликларида полиция участкаси; қамоқхона.

**МИСТИКА** (грек.) — мистицизм;

сеҳрли; диний-фалсафий таълимот. М. махфийлик, сирли урф-одат, ғайри табиий деган маъноларни англа-тади; ғайри табиий кучларга, худо-лар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳиёт олами билан алоқа қила оли-шига ишонишдан иборат бўлган ху-рофий, ғайри илмий диний эътиқод, тасаввуф. М. илоҳий кучларнинг ин-сон тақдирида гўё асосий роль ўй-нашига ишонишдан иборат. М. ин-сон руҳи худо ва бошқа ғайри табиий кучлар билан бирлаша ола-ди деган беъмани эътиқодни илгари суради. М. тушунчаси ва унга ишо-ниш қисман ҳамма яқка худолик динлар — иудаизм (қ.), ҳиндуизм (қ.), христианлик (қ.) ва ислом (қ.) да ҳам мавжуд. Масалан, исломда, чунончи, суфийлик оқимларида дорул фано, яъни худо висолига эришиш, жин, арвоҳ, дев, пари, алвастилар билан муносабатда бўлиш мумкин-лиги ҳақидаги тушунчалар шу маъ-нода ишлатилади. Эндиликда М. им-периалистик реакцияга хизмат қил-моқда, илм-фан ва прогрессив идея-ларга қарши қаратилган реакцион таълимот тусини олмоқда.

**МИСҚОЛ** (а.) — оғирлик ўлчови. Шарқ мамлакатларида қимматбаҳо тошларнинг вазнини аниқлаш учун ишлатилган ўлчов бирлиги. 8—16-асрларда Яқин Шарқ мамлакатлари-да, Миср ва Суданда—4,68 гр., Тур-кияда—4,81 гр., Эронда—4,64 гр. бир мисқол, Бухорода—16—19-аср-ларда 4,8—5,2 гр., Самарқандда—6—8-асрларда 4,6 гр., Фарғонада—14—19-асрларда 4,53—4,55 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчови.

**МИССИЯ** (лат.) — топшириқ; юк-сак бурч, масъулиятли вазифа; жў-патиш, юбориш. Бир давлатнинг ик-кинчи бир давлат ҳузуридаги расмий муваққат ваколатхонаси; бир давлат-нинг иккинчи давлатга махсус топ-шириқ билан юборган вакиллари;

халқаро учрашувлар ва конферен-циялардаги давлат делегацияси; элчи-ёки ишчилар вакили томонидан бош-қариладиган дипломатик ваколатхо-на; черков ва давлат тарафидан бош-қа мамлакатга диний тарғибот олиб-бориш мақсадида юборилган руҳо-ний; ҳарбий М.; савдо М. си; дипло-матик М. 1971 йилги халқаро кон-венцияда М. нинг ҳуқуқ ва бурчла-ри белгиланган.

**МИТРОПОЛИТ** (грек.) — айрим православ черковларида патриарх (қ.) дан кейинги олий диний унво-н. Рим империясида 4-асрдан, Россия-да 11-асрдан мавжуд. Рус православ черковининг бошлиғи бўлган М. даст-лаб Византия патриархи (қ.) томо-нидан юборилиб турилган, сўнгра Россияда М. патриархлик қилиб қай-та тузилгач, (1589 йил) рус епископ-лари ичидан сайлаб қўйиладиган бўлган. Ҳозирги вақтда СССР даги рус православ черковда патриархга бўйсундирилган 5 та М. мавжуд.

**МОВАРОУННАҲР** (а.) — дунё-нинг нариги томони; Амударёнинг ўнг қирғоғидаги территориянинг ўрта асрдаги ном. Эр. ав. 5—4-асрларда маҳаллий аҳоли уни Варозруд, грек-лар Трансоксания деб атаганлар. Араблар грекчадан ўз тилларига Мо-вароуннаҳр деб таржима қилганлар. Икки дарё оралиғи; Амударёнинг шарқ томонидаги ерлар, Аму билан Сирдарё оралиғи, шимолда Орол денгизидан то жанубда Помир этак-ларигача ёйилган кенг территория. Европача таржимаси Трансоксана (Аму-Окс) орқаси.

**МОЛИЯ ОЛИГАРХИЯСИ** (грек.) — озчилик ҳокимияти М. о. га монополистик буржуазиянинг юқори табақаси — йирик мулкдорлар, мил-лионерлар, мультимиллионерлар, са-ноат, савдо, транспорт ва страхова-ние ташкилотларининг хўжайинла-ри кирди. М. о. молия капитали-

корхоналари гуруҳининг мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ҳукмронлиги. М. о. мамлакатда саноат ва банк монополияларига эгаллик қилибгина қолмай, сиёсий ҳаётга ҳам аралашади, буржуа партиялари ва давлат бошқармаларини ўзига бўйсундиради. Бу билан халқни шафқатсиз эксплуатация қилиш, мустамлака ва қарам халқларни талаш, зўр бериб қуролланиш, агрессив урушларни тайёрлаш сиёсатини амалга оширади. Яна қаралсин: Олигархия. М. о. бир ҳовуч йирик мулкдорлар бўлиб, жумладан, АҚШ да Рокфеллер, Морган, Джанини, Дюпон, Фордлар, Англияда Ротшильд, Лазар, Беринг ва Шредерлар, ГФР да Флик, Хеша, Етнер ва бошқалар онласини ташкил этади.

**МОНОМАХ ШАПҚАСИ** — рус улуг князлари ва подшоларининг тожи, салтанат белгиси, Россия самодержавиясининг символларидан бири. М. ш. олтиндан ясалиб, қимматбаҳо тошлар, савсар мўйнаси билан безатилган, тепасида олтин крест қўйилган бош кийим. Салтанатнинг бошқа нишонлари қатори М. ш. Византия императори Константин Мономах томонидан набираси Владимир Мономах (1053—1125) га юборилгани ҳақидаги ривоятга кўра, Москва бошчилигида ягона рус давлати вужудга келгач, 15-аср охири, 16-аср бошида яратилган «Москва — учинчи Рим империяси назарияси»нинг узвий қисми, шунга кўра Москва подшолари Византия императорининг ворисидир. Ҳақиқатда эса М. ш. 14-асрда Ўрта Осиёда тикилган. Ҳозир Москва Кремлининг қуроллар палатасида сақланади.

**МОНАРХ** (грек.)—эксплуататорлик давлатларида идора этиш формаларидан бири. Подшо, ҳокими мутлақ, одатда, давлатнинг авлоддан-авлодга ўтувчи ягона ҳокими;

қулдорлик ва феодализм даврида монархлар кўпинча чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланганлар. Ҳозирги замон парламентли буржуа монархияларида, жумладан, Англияда М. фақат расмий жиҳатдангина давлат бошлиғи ҳисобланиб, ҳақиқатда унинг кўпгина ваколатлари бош миёнистр раҳбарлигидаги министрлар кабинети томонидан амалга оширилади. Бунда монарх подшолик қилади, бироқ мамлакатни бошқармайди. Монархларнинг кенг ёйилган унвонлари: король (қирол), император, негус (Эфиопияда), микадо (Японияда), шоҳ, шоҳаншоҳ (Эронда), подшоҳ, хон, князь, амир, буюк герцог, султон ва шунга ўхшашлар; мустабид М.; ҳокими мутлақ; ҳуқуқи чекланмаган ҳоким; конституцияли М.

**МОНАРХИЯ** (грек.)—якка ҳукмронлик; давлат ҳокимиятининг энг мустабид формаси, бунда олий ҳокимият расман бир киши, яъни монарх қўлида бўлади; қулдорлик даврида кўпинча (қадимги Шарқда ва Рим империясининг охири давларида) деспотия шаклида намоён бўлган. Феодализм даврида М. тузуми бир неча босқични босиб ўтади. Феодализм емирила бошлаган ва капиталистик муносабатлар вужудга келатган даврда феодал-абсолют М. бўлиб шаклланади. Буржуа жамиятида М. йирик буржуазия билан помешчиклар ўртасида келиштирувчи конституцион М. кўринишида сақланади. Бу даврда М. буржуазия диктатурасини пролетариат томонидан бўладиган зарбадан ҳимоя қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Умуман ҳар қандай монархия ҳам ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига эгаллик қилувчи ҳукмрон синф маффаатларига хизмат қилади.

**МОНАРХИЗМ** (грек.)—феодал-деспотик қарашлар системаси; монархия ўрнатилган ва уни сақлаш мақ-

садини кўзлайдиган, давлатни идора қилишнинг бирдан-бир усули монархия, деб эътироф этадиган реакцион сиёсий оқим.

**МОНАРХИСТ** — монархизм та рафдори.

**МОНАСТИРЬ** (грек.) — монахлар маскани; христиан (католик, православие) ва будда (лама) эркак ва аёл монахлар жамоаси турар жойи. Монах ва монах аёл роҳиблар жамоасидан иборат бўлган ермулк, черков ташкилоти; монастирлар — сиёсий зулм ва меҳнаткашларни эксплуатация қилиш қуроли; эркаклар, аёллар М. лари, монахлар жамоасига қарашли турар жой бинолари. М. лар дастлаб (эр. ав. 1 минг йилликнинг ўрталарида) Ҳиндистонда пайдо бўлган. Дастлабки даврларда М. га (қуллар, қарздорлар ва подшо хизматчиларидан ташқари) тарки дунё қилган кимсалар қабул қилинган. Бора-бора М. га нуқул камбағалларни қабул қилиш тўхтатилган. М. мавжуд тузумнинг идеологик таянчига айланган. Будда М. лари 2—8-асрлар ўртасида Бирма, Таиланд, Вьетнам, Хитой, Корея ва Японияда барпо этилган. Христиан М. лари 3—5-асрларда Миср ва Римда вужудга келган. Феодализм ривожланиши даврида М. лар жуда катта ер эгаларига айланиб, деҳқонларни шафқатсиз эксплуатация қилганлар.

Россияда энг катта М. лар 14—15-асрларда вужудга келган (Троице-Сергеев М., Белоозеро ва Соловец М. лари ва б.). 19—20-асрларда Россияда М. лар революцион, озошлик идеологиясига қарши реакция маркази бўлган. Октябрь революцияси ғалаба қилгач, М. контрреволюциянинг таянчига айланган. 1918 й. 20 январда В. И. Ленин имзо чеккан декрет асосида черков давлатдан ажратилди, М. мулки давлат мулки, халқники деб эълон қилинди.

**МОНАХ** (грек.) — ёлғиз; роҳиб; тарки дунё қилиб, монастирда яшовчи диний жамоа аъзоси; ижтимоий, дунёвий ишларга қизиқмасдан, ибодат билан машғул бўлувчи кимса; дунёдан юз ўгирган киши.

**МОНОГАМИЯ** (грек.) — никоҳ; якка никоҳлилик, бу — полигамия — кўп никоҳлиликнинг ёки кўп эрлиликнинг акси бўлиб, бир эринг бир аёл билан мустақкам никоҳи заминида бирга яшашга асосланган оилавий ҳаёт; никоҳнинг шаклларида бири бўлиб, ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш даврида келиб чиққан.

**МОНОПОЛИЯ** (грек.) — якка ўзим сотаман; бирор нарса ишлаб чиқариш ёки бирор нарса билан савдо қилишда бир кишининг, бир гуруҳ кишилар ёки давлатнинг танҳо ўзида бўлган имтиёзли ҳуқуқ. М. капиталларнинг трест, синдикат, картель, концерн, консорциумлар каби қудратли бирлашмалари. Монополияларнинг бозорда ҳукмронлик қилишлари ва компанияларнинг ҳуқуқат органларига ҳал этувчи таъсир кўрсата олишлари — ҳозирги замон империализмининг энг муҳим белгиларидан биридир. Монополиялар айрим-айрим тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда ҳукмрон бўлиб, ишчиларни шафқатсиз эксплуатация қиладилар, максимал фойда оладилар ва уни янада кўпайтириш учун агрессив мустамлакачилик ташқи сиёсатини амалга оширишга, янги уруш тайёрлаш ва уруш оловини ёқишга зўр бериб интиладилар. М. жаҳонда тинчликнинг ашаддий душмани. «Монополистик буржуазия ўзгарган вазиятга мослашишга уриниб, доимо найранг ишлатмоқда. Капиталистик давлат миллий даромаднинг анчагина қисмини, жумладан, бюджет орқали йирик капитал фойдасига қайта тақсимламоқ-

да, энг янги фан-техника ютуқларини ўзига хизмат қилдиришга уринмоқда. Эксплуатация қилиш механизми мураккаблашиб, маккорона тус олди» (КПСС Программаси. «Ўзбекистон» нашриёти, 1986, 16-бет). Ташқи савдода М. лар ҳукмронлиги империализмнинг биринчи белгисидир.

Капиталистик М. лар ҳарбий бизнес билан алоқада бўладилар, қуролланиш ҳисобига бойийдилар, давлатни реакцион ички сиёсат ва агрессив ташқи сиёсат юритишга ундайдилар. Капиталистик М. лар одатда тинчлик ва социал прогрессга қарши сиёсатни қўллаб-қувватлайдилар.

**МОНОТЕИЗМ** (грек.)—якка ҳудолилик; фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод. Политеизм, яъни мушриқийлик (қ) нинг акси.

**МОНТАНЬЯРЛАР** (фр.)— айнан тоғлар; улар 18-аср охиридаги француз революцияси даврида конвент (қ.) депутатлари орасида революцион демократик группа; конвент мажлис залида юқори скамейкаларни эгаллаганлари учун шундай ном олишган. Конвентда М. 100 кишига яқин бўлиб, уларнинг кўпчилиги якобинчилар (қ.) клубининг аъзолари эди. «Монтаньяр» ва «якобинчилар» сўзлари 1792 йил кузидан бошлаб жирондистлар (қ.) якобинчилар (қ.) клубидан ҳайдалгач, бир-бирининг синонимини бўлиб қолган.

**МУАЗЗИН** (а.)— сўфи, масжиднинг азон айтувчиси, азон айтиб, мусулмонларни намозга чорловчи; кичик рутбалик руҳоний.

**МУДАРРИС** (а.)— мадрасаларда (қ.) дарс берувчи киши, уламо, домла, муаллим.

**МУЖИК** (рус.)— деҳқон; ўтмишда рус деҳқони шундай деб аталган; эркак киши.

**МУЗАЛАР** (грек.)— музалар;

Зевс (қ.) билан Мнемосинларнинг қизи; қадимги грек мифологиясида санъат ва фан маъбудалари. М. лар шоир ва санъаткорларга илҳом берувчи куч деб ҳисобланган. Санъат ва фаннинг ҳар соҳасининг ўз М. си бўлган; Кливотарих, Евтерпа — лирика, поэзия, музика, Талия — комедия, Мельпомена — трагедия, Терпсиххора — рақс, Эрато — севги музаси ва ҳ. к.

**МУЗ ДАВРИ** — ер тарихида бундан 600 мингдан бир млн. йил оралиғидаги давр. Европа, СССР ва Шимолий Американинг бир қисмини (50° шимолий кенглик) муз қоплаган. Бу даврда ернинг устки қисми, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси ҳозирги замондаги қиёфасини олган. Бу даврда буғучилик ривож топган. Синантроп (қ.) ва неондертал (қ.) одамларининг яқин аждоқлари яшаган. Одамлар палеолит (қ.) қуролларидан фойдаланганлар.

**МУЛОЗИМ** (форс.)— Шарқ мамлакатларида сарой хизматкори; подшо ёки баланд мартабали мансабдор ҳузурида уларнинг хизматида бўлган киши.

**МУЛЛА** (а.)— мадрасада тахсил кўрган киши; энг қўйи мартабали мусулмон руҳонийси; мусулмон мамлакатларида плоҳиёт (ақоид) олимга бериладиган ном; ўқиган, маълумотли одам.

**МУЛК** (форс.)—1 ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва бошқа бойликлар; 2 мамлакат, ватаң, давлат, подшолик, дунё, олам; 3 ўзбек хонликлари ва Шарқнинг баъзи мусулмон давлатларида феодалларнинг хусусий мулки. М. ерларининг бир қисми давлат солиқларидан батамом озод қилинарди. Бундай мулк-ерлар мулки хур (мулки холис) деб аталади. Бу мулқдан келган даромаддан ер эгаларининг ўзларигина фойдаланар эдилар.



**МУЛКИ АМЛОК** ёки **АМЛОК ЕРЛАРИ** — амлок мулки давлат ихтиёридаги ер-сув бўлиб, ҳукмдор бундай ерларни истаган кишисига инъом қилиши ва сотиши мумкин. Амлокдорлар бу ерни сота олмас эдилар.

**МУЛКИ ТАВОИФ** (а.) — жамоага қарашли, бутун жамоа фойдаланиши мумкин бўлган ер-сув, ўтлоқ. У уруғ ва қабила бошиқлари томонидан идора қилинган.

**МУЛКИ УШРИЙ** (а.) — феодализм даврида Шарқнинг мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда феодал ер эгаллиги формаларидан бири. Даромаднинг ўндан бир қисми миқдорида солиқ ундирилган имтиёзли мулк. Бундай имтиёздан асосан истилочи мусулмонларнинг авлодлари ва сандлар (қ.) фойдаланганлар.

**МУЛКИ ҲИРОЖИЙ** (а.) ёки **ҲИРОЖ ЕРЛАРИ** — ўрта асрларда Шарқнинг мусулмон мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиёда феодал ер эгаллиги формаларидан бири; М. ҳ. мусулмон бўлмаган ерли аҳолига бириктирилган ер бўлиб, унга эгаллик қилувчи шахс давлат фойдасига ер солиғи — ҳирож тўлашга мажбур бўлган. 8-асрдан бошлаб уруш харажатларини қоплаш учун мусулмонлардан ҳам олина бошланди. М. ҳ. га ердан ташқари савдо ва ҳунармандчилик корхоналари ҳам киради. 16—19-асрларда Фарғона водийсида М. ҳ. дан олинadиган солиқ ҳосилнинг бешдан бир қисмини ташкил этган.

**МУЛКИ ҲУРРИЙ ХОЛИС** — мулки ҳур. М. ҳ. ёки мулки ҳукм (ҳукм билан озод қилинган); 1 ўтмишда давлатга қарашли бўлган шу мулк хазинага пул тўлаб, сотиб олинган, ер эгаси шариятга (қ.) кўра мулкнинг  $\frac{2}{3}$  қисмини давлатга бериб, қолган  $\frac{1}{3}$  қисмини ўзида қол-

дирган. Бу хилдаги ерлар ҳар қандай давлат солиқларидан озод этилгани учун мулки ҳур — мулки холис деб аталган ва сотилиши ёки мерос қилиб қолдирилиши мумкин бўлган; 2 давлат солиқларидан озод этилган, инъом қилинган ёки тақдим этилган ер.

**МУНИЦИПАЛИТЕТ** (лат.) — баъзи буржуа мамлакатларида ўзини-ўзи идора қилувчи шаҳар ёки қишлоқ бошқармаси; сайлаб қўйиладиган маҳаллий бошқарма ва шу орган жойлашган бино. Айрим капиталистик мамлакатларда коммунистик ва ишчи партиялар таъсирининг ортиши натижасида кўпчилик М. ларга прогрессив кучларнинг вакиллари сайланмоқда (Италия, Франция, Финляндия).

**МУНТАЗАМ ҚУШИН** — ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган аҳолидан мунтазам суратда тўпланадиган қўшинлар. М. к. муайян штат ва уставга эга бўлади ҳамда давлат ҳисобидан таъминланади; М. к. да ҳарбий ўқув ва машғулот системали ўтказилиб турилади. М. к. қадимги Миср, Греция, Эрон ва Хитойда ҳам бўлган. Россияда М. к. 1550 й. да ташкил этилиб, 18-аср бошида қайта тузилган ва такомиллаштирилган.

**МУРИД** (а.) — талаб этувчи, истовчи, эргашувчи, деган маънони билдириб, тасаввуфда бирор шайхга эргашувчи, эшон (пир-муршид)га қўл берувчи шахс; М. лар мухлислар ўз пирларига сўзсиз итоат этиши, хизмат қилиши лозим деб ҳисобланган, М. оммани эксплуататорларга итоатда сақлаш учун курашган.

**МУРИДИЗМ** (а.) — суфизм маслакдоши, суфизмнинг Кавказда тарқалган шакли. Муридлар ўз пирлари (эшон, шайхлар)га кўр-кўрона итоат қилишлари шарт эди. М. ислом-

даги энг реакцион, урушқоқ, экстремистик оқимлардан бири; унинг асосий шиори ҳамма кофирларни раҳмсизлик билан қиришдан иборат. М. 14-асрда Бухорода ташкил топган, 19-асрнинг 40-й. ларида чоризм маъмурларининг Кавказда маҳаллий халқларга исбатан шафқатсизликларига қарши норозилик ҳаракатлари кучайган бир шароитда ғоят кучайган.

**МУРТАД** (а.) — диндан қайтган, худого шак келтирган одам; айнига, кофир бўлган одам, фикх, мусулмон қонунчилиги бундай шахсларни оиласидан жудо қилган, мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи қатл этилган. М. лик идеясидан ҳукмрон феодал синфлар мазлум халқни итоатда сақлашда фойдаланганлар.

**МУРЧИЛ** (ўзб.-форс.) — ер ости йўли; ўрта асрларда қамал қилувчилар томонидан қалъа деворлари ва бошқа истеҳкомларга қараб узоқдан қазиб келинадиган ер ости йўли. М. лардан қалъа ва бошқа мудофаа иншоотларини қўпоришда фойдаланилган.

**«МУСАВАТ», МУСАВАТЧИЛАР** (а.) — тенглик; 1912 й. да Озарбайжондаги буржуа миллатчилик контрреволюцион партияси; «М». Туркия паноҳи остида (Озарбайжонни ўз ичига олган) мусулмон давлати ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг мақсади меҳнаткашлар диққатини революцион ҳаракатдан четга тортиш эди. Шунингдек, бу партия халқлар дўстлигига лутур етказишга уринди. Биринчи ҳаҳон уруши йилларида «М». лар чоризм амалга оширган сиёсатни қўллаб-қувватладилар. 1917 й. февраль революциясидан сўнг улар Озарбайжон федералистлари партияси билан бирлашдилар; Улуғ Октябрь социалистик революцияси, граждандар уруши

ва чет эл интервенцияси йилларида «М». лар Озарбайжонда контрреволюциянинг асосий кучларидан бири бўлди. «М». лар ўзларининг халққа қарши қаратилган ҳаракатларини Озарбайжоннинг «мустақиллиги учун» деган сохта иборалар билан ниқобладилар. Улар 1918 йил июнида Ганжада контрреволюцион буржуа-помешчиклар «ҳукумати»ни туздилар. «М». лар чет эл интервентларининг қўллаб-қувватлашлари натижасида 1918 й. сентябридан 1920 й. апрелигача Озарбайжонда ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб, Совет Россиясига қарши кураш олиб бордилар. 1920 йил апрелида халқ қўзғолол кўтариб, «М». лар режимини ағдариб ташладилар, Озарбайжонда Совет ҳокимияти тикланди, «М». лар партияси тугатилди.

**МУСОФИРЛАР СЛОБОДАЛАРИ** (Иноземные слободы) — рус шаҳарлари, айниқса Москвада чет элликлар яшайдиган жойлар; 16—17-асрларда биринчи М с. Москвада, 16-асрнинг 30-йилларида Замоскворечьеда ташкил топган. 16-асрнинг иккинчи ярмида Язуа дарёси бўйида Ливония урушида асир тушган немислар слободаси вужудга келган; 17-асрда Москвада яна 6 слобода: Мещанск, Сретинск дарвозасидан ташқарида — грек слободаси, Толмацкая, Старопанская ва Панская, Тарская слободалари бор эди.

**МУСТАБИД ТУЗУМ** (а.) — давлатни идора этиш шаклларида бири, мутлақ ҳокимиятга асосланган сиёсий тузум.

**МУСТАМЛАКА** — ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган, капиталистик давлат (метрополия)лар ҳукми остида бўлган, сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган, махсус режим асосида идора қилинадиган мамлакат ва территориялар.

**МУТАВАЛЛИ** (а.)— иш боши, бошқарувчи, сақловчи, нозир; вақф мулкидаги хўжалик ишларини юри-тувчи, вақфдан олинadиган даромад-га васийлик қилувчи, уни вақфнома асосида тақсимловчи ва сарфловчи диний амалдор; масжидда хўжалик-молиявий ишларни олиб борувчи шахс.

**МУФТИЙ** (а.)— мусулмонларда ақоид олими, Қуръонни шарҳловчи, шариат қонунларини талқин қилув-чи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо. Шариат ҳуқуқ ишлари билан шуғулланувчи юрист; бирор мамлакат ёки унинг бир қисмида руҳонийларнинг бош-лиғи.

**МУҲТАСИБ** — Мовароуннаҳрда шаҳар бозорини бошқарувчи амал-дор; нарх-наво, тош-тарози ва шу ка-биларга жавобгар бўлган шахс; та-рози ва ўлчовлар нозир; дин ва жамоат тартибни сақловчи нозир.

**МУҲТАРАМ ГРАЖДАНЛАР** (Имёнитъе граждaне)—Россия ша-ҳар аҳолисининг тоифавий катего-рияларидан бири. Екатерина IIнинг 1785 й. да шаҳарларга берилган инъом ёрлиғи асосида жорий этилган. М. г. лар эркин касбдаги шахслар (дипломли олимлар, рассомлар, му-зикачилар) ва ривожланаётган бур-жуазиянинг юқори табақаси (улгур-жи савдогарлар, 100 минг сўмдан ортиқ миқдорда бойлиги бўлган са-ноатчилар, шаҳарда хизматдаги ки-шиларнинг юқори табақаси). М. г. га тан жазоси берилмайди, у фабри-кага эга бўлиш ҳуқуқидан фойдала-нади, дворянларга тақлид қилиб яшайди. 1807 й. да савдогарлар М. г. қаторидан чиқарилди, 1832 й. да «фахрий граждaнлар»нинг янги табақаси жорий этилиши билан М. г. унвони тугатилди.

**МУШКЕТ** (фр.)— 16- аср бошида

Испанияда ихтиро қилинган калиб-ри 20 мм га яқин, оғирлиғи 8 кг, махсус мослама-айрига қўйиб отила-диган қадимий чақмоқ тошли пилта милтиқ. Россияда пиёда аскарлар-нинг асосий қуроли бўлган М. ҳақи-даги дастлабки маълумот 1647 й. га тааллуқли бўлиб, рус қўшинида 1810 йилгача мавжуд бўлган.

**МУШРИҚИЙЛИК** (а.)— маъжу-сий — кўп худолик (политеизм) нинг ислом келиб чиқмасдан олдинроқ Арабистон ярим ороли қабилалари орасида анча кенг тарқалган кўп худ-олик дини. М. санам, тош ва шу каби нарсаларга, турли эркак ва аёл худоларга сиғинувчи диний эътиқод. Яна қаралсин: Мажусийлик.

**«МУҚАДДАС ИТТИФОҚ»**— На-полеон империяси тугатилгач, 1815 й. 26 сентябрда Парижда Австрия, Пруссия ва Россия монархлари ўр-тасида тузилган ва 1833 й. гача да-вом этган реакция иттифоқ. «М. и.» ташкил топгач, кўп ўтмай, унга Франция ва бошқа баъзи давлатлар ҳам кирган. «М. и.» 1814—1815 йй. да Вена конгрессида белгиланган чегараларнинг дахлсизлигини таъ-минлаш, революцион ва миллий озод-лик ҳаракатларига қарши кураш олиб боришни ўз олдига вазифа қи-либ қўйган. «М. и.» Италиядаги (1820—1821), Пьемонтедаги (1821) ва Испаниядаги (1820—1823) рево-люцияларни бостириш учун қуроли интервенция ташкилотчиси бўлган. Англия «М. и.» аъзоси бўлмаса ҳам, айрим масалаларни муҳокама қи-лишда қатнашган. Европа давлатла-ри ўртасида зиддиятларнинг мавжуд-лиги, Франция ва Бельгиядаги рево-люциянинг (1830 й.) ғалабаси 30-йилларнинг бошида «М. и.» нинг тар-қалиб кетишига олиб келди. К. Маркс «М. и.» ни «бандитлар ит-тифоқи» деб атаган.

**МЭР** (фр.)— Англия, Франция,

АҚШ каби мамлакатларда ўз-ўзини идора қилувчи маҳаллий бошқармада мансабдор киши; муниципалитет бошқармасининг бошлиғи; М. муниципалитет муассасаларида ижро этувчигина бўлмай, балки жойларда ҳокимиятнинг директиваларини амалга оширишда ҳукумат мансабдори ҳамдир.

**МЭРИЯ** (фр.)— муниципал бошқарма ва унинг жойлашган биноси.

**«МУҚАДДАС РИМ ИМПЕРИЯСИ»**— «М. р. и.» императорлари ўзларини Ғарбий Рим императорларининг ворислари деб ҳисоблаганлар, герман феодалларининг манфаатлари учун, айниқса ғарбий славянларга ва Италияга қарши агрессив, талончилик урушлари олиб борганлар. 11—13- асрларда император билан Рим папаси (қ.) ўртасида ҳокимият учун кураш давом этган. Бора-бора иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган вилоятлар ажраб чиқа бошлаган. 13- аср охиридан бошлаб император ҳокимияти номигагина бўлса ҳам, «М. р. и.» расман 1806 й. гача мавжуд бўлган.

**МУҚАННА** (а.)— юзига парда тутган, ниқобдор; Мовароуннаҳрда араблар истибодиди ва маҳаллий феодалларнинг жабр-зулмига қарши қўзғолон (776—783 йй.) кўтарганлар «оқ кийимлилар» деб аталган. Қўзғолонга етакчилик қилган Ҳошим Ибн Ҳакимнинг лақаби (у бир кўзли Ҳошим ҳам деб аталган). М. форс, араб тилларини яхши билган маълумотли киши бўлган ва маздакизм (қ.) таълимотини тарғиб қилган. М. ёшлигида кудунга (матоларга оҳор берувчи) бўлиб ишлаган. Хуросон ноиб Абу Муслим даврида лашкар-боши-сарханг ва ноиб Абдулжаббор Аздий (757—759 йй.) нинг вазири бўлган. Абдулжабборнинг халифага қарши исёнида қатнашгани учун зиндонга ташланган. М. исённинг

бостирилиш вақтида ўзини алангага ташлаб ҳалок қилган.

**МУҒУЛ-ТАТАР**—13- асрда Ўрта Осиё, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари ҳамда Шарқий Европани босиб олиб, асрлар давомида ҳукмронлик қилган турк-мўғулларнинг умумий номи; мўғул манбаларида мўғуллар— дашт халқи ва татарлар ўрмон халқи деб тушунтирилади. Мўғул-татар деб аталиши ҳам шундан келиб чиққан.

## Н

**НАБОБ** (а.)— Ҳиндистондаги муслмон аслзодаларининг унвони, даб-дабали ҳаёт кечирувчи бой.

**НАВКАР** (мўғ.)—1 мўғулларда жамоа тузуми емирилиб, феодал муносабатлари ривожлана бошлаган даврда уруғ ва қабила бошлиқларининг дружиначилари. Бора-бора Н. лар йирик феодалларнинг вассаллари бўлиб қолганлар; 2 навкарлар мўғул хонлари ва бекларининг шахсий соқчилари бўлиб, уларнинг турли хизматларини, масалан, отга миндириб-тушириб қўйиш, ўтовга кирганида наमतни очиб туриш ишларини бажарар эди. Н. лар хоннинг боқимида бўлиб, бора-бора унинг ёрдамчисига айланар ва урушга чақирилган кўчманчилардан тўзилган айрим отрядларнинг бошлиғи бўлиб олар эди; 3 мунтазам бўлмаган қўшин, аскар, эл навқари; йигит; 4 Н. Олдинги ва Ўрта Осиёда 12—14- асрларда «хизматкор» маъносиди ишлатилган; 5 умуман ғайри расмий аскар. Халқ навкарлари, халқ лашқари.

**НАВРҮЗ** (форс.)— янги ва кун; қуёш календарининг иккинчи ойи, 1 Шамсия— Қуёш йили ҳисобида кеча билан кундуз баробар келган кун,

янги йилнинг биринчи куни бўлиб, у қадимдан Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда анъанавий янги йил байрами бўлган.

Ўтмишда Н. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон халқларида энг катта байрамлардан бири бўлиб, унга анча кун олдиндан тайёргарлик қўрилган, уй-жойлар тозаланган, кўкат ва гуллар билан безатилган, ота-она ва яқин кишилар билан дийдор кўришилган, марҳумлар қабри зиёрат қилинган, сумалак, кўкат чучвараси, ялпиз сомса каби янгилик таомлар тайёрланган. Одамлар 22 мартга ўтар кечаси ухламай ўйин-кулги, шоду хуррамлик билан янги йилни кутиб олганлар. Қўпинча бу сайил ям-яшил далаларда, тоғ бағирларида, катта сувларнинг бўйларида ўтказилган. Н. нинг биринчи куни анъанавий отчопар, улоқ, кураш ва бошқа оммавий ўйинлар ўйналган. Сайил вақтида дор ўйини, масхара-бозлик, қўғирчоқ театри томошаларни кўрсатиш, созанда ва хонандаларнинг чиқишлари, рақсга тушиш бўлган. Н. байрами янги йилни кутиш байрами бўлиш билан бирга меҳнат байрами, деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳамдир. Шуниси диққатга сазоворки, бу шоду хуррамликларнинг ҳаммаси ҳеч қандай ичкиликсиз ўтган.

**НАДЕЛ** (рус.) — чек ер; Россия деҳқонларининг помещиклардан олган ер майдони, 1861 й. да крепостной ҳуқуқ бекор қилинган, деҳқон хонадонига пул бараварига берилган бўлак ер.

«**НАЖОТ СОЮЗИ**» ёки «Ватаннинг асл ва содиқ фарзандлари жамияти» — декабристларнинг (қ.) биринчи махфий ташкилоти (1816—1818).

**НАЙЗА** — узун ёғоч сопи, металл тигдан иборат тиканли қурол тури бўлиб, урушда ва овда ишла-

тилган. Н. ўрта асрларнинг охирларида деярли ҳамма мамлакатларда кенг тарқалган; қўл билан отиб ёки уриб санчиладиган учи ўткир қурол.

**НАЙЗАБАРДОР, НАЙЗАДОР** — найза билан қуроланган жангчи.

**НОИБ** (а.) — 1 ноиб, волий, ҳоким, ўринбосар, ёрдамчи; ўрта асрларда мусулмон давлатлари (араб халифалиги, Олтин Ўрда ва б.) да округ ёки вилоят ҳокими. Шомил имоматида — унинг маълум территориясидаги ноиби бўлиб, ҳарбий-маъмурий ва диний ҳокимиятни амалга оширган. Деспотик (қ.) монархиялар ва теократик (қ.) режим мавжуд бўлган феодал шарқда Н. амалда чекланмаган ҳоким. Султонлар Туркиясида Н. мулла, қози, цех устасининг ёрдамчиси. 2 ноиб, волий, ҳоким, Москва давлатида Н. подшоунинг ноиби, шаҳар, уезд бошлиғи ёки ҳоким деб аталар ва катта ваколатдан фойдаланарди. 1775 й. дан бошлаб Н. генерал-губернатор ёки губернатор, «подшоининг ноиби», 19-асрда ва 20-аср бошларида «ҳазрати олийларининг ноиби», Н. бир қанча мамлакатларда вилоят ҳокими.

**НАРОДНИКЛИК**, народниклар — 19-асрнинг 60—70-й. ларида Россияда озодлик ҳаракатининг пролетариат босқичи (19-аср 60—90-йй.) дан олдинги пайтда различин демократик интеллигенциянинг идеологияси ва ҳаракати. Н. да 60-й бошида икки оқим: революцион ва либерал оқимлар вужудга келади. Н. асосчилари: А. И. Герцен, Н. Г. Чернышевский, идеологлари — М. А. Бакунин, П. Л. Лавров, П. Н. Ткачев.

Н. деҳқонларнинг антикрепостнойлик, антикапиталистик демократик орзу умидларининг ифодаси эди. Революцион народниклар утопик со-

циалистлар бўлиб, деҳқонлар революцияси орқали самодержавиени афдариниш ва деҳқон жамоалари ёрдами билан капитализмни четлаб, социализмга ўтиш тарафдори эдилар. Деҳқонларни самодержавиега қарши отлантириш ниятида ёш революционерлар қишлоққа, «халқ орасига» юриш қилдилар. Аммо халқ уларни қўллаб-қувватламади. Н. лар Россияда капитализм «тасодиқий» ҳодиса бўлиб, ривожлана олмайди, бинобарин, пролетариат ҳам ўса ва ривожлана олмайди, деб даъво қилардилар; улар асосий революцион куч деҳқонлар, деҳқонлар жамоаси эса социализмнинг асоси деб ҳисоблар эдилар. Н. лар тарихий тараққиётда синфий курашнинг ролига баҳо беришда ҳам янглишдилар. Тарихнинг асосий кучи эиёлилар деб ҳисобладилар; тарихни машҳур шахслар, қаҳрамонлар яратадилар, халқ оммаси — «оломон» эса пассивлик билан уларга эргашиб боради, дедилар. Н. лар 1876 й. да «Земля и воля» — «Ер ва эрк» ташкилотини туздилар, у 1879 й. да Воронеж шаҳридаги съездда икки мустақил ташкилотга, яъни «Чёрный передел» ва «Народная воля» («Халқ эрки») ташкилотларига ажралди. «Х. э.» индивидуал террор йўлини самодержавиега қарши кураш йўли қилиб танлади. 19-асрнинг 80—90-йй. ларида Н. лар чоризм билан келишувчилик йўлига ўтиб олдилар, либерал народникларга айланиб, қулоқлар манфаатини ифодадилар, марксизмга қарши кескин кураш олиб бордилар. Н. революцион кучларнинг бирлашишига, пролетариат партиясини тузишга халақит берар эди. Лекин народникларнинг хатолари ва камчиликлари бўлишига қарамай, улар Россия революцион ҳаракатида муҳим роль ўйнадилар. Улар ишчиларнинг социал-демократик революцион ҳаракат-

ларига нисбатан душманлик йўлини тутдилар ва Россияда марксизмнинг ривожланишига тўсқинлик қилдилар. Г. В. Плеханов народникларнинг қарашлари ва хатоларини очиб ташлади. В. И. Ленин народникларни ғоявий жиҳатдан батамом, узил-кесил тор-мор келтирди.

**НАТО** — Шимолий Атлантик Иттифоқи; империалистик давлатларнинг социалистик лагерга ва миллий озодлик ҳаракатларига қарши ҳарбий-сиёсий блоки. Н. 1949 й. 4 апрелда АҚШ ташаббуси билан Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Португалия, Норвегия, Япония, Исландия ўртасида Вашингтонда имзоланган шартнома асосида вужудга келган блок. Н. нинг ташкилотчилари уни «демократия қалқони» деб атаган эдилар. АҚШнинг ўша даврдаги президенти Трумэн бу блок «барча граждaнларимизнинг бахтли ҳаёт кечирishi» ни таъминлайди, деб жар солган эди. 1952 й. да Н. га Греция ва Туркия, 1955 й. да ГФР кирдилар. 1966 йилдан бошлаб Франция Н. нинг ҳарбий ташкилотларида қатнашмайди, 1974 й. Греция унда чикқанини эълон қилган.

Бу агрессив иттифоқ тузилишидан анча илгарди Совет Иттифоқи эълон қилган ўзининг махсус меморандумида бу блок «жаҳонга ҳоким бўлишни даъво қилаётган давлатлар — Англия-Америка гуруҳининг зўравонлигига бўйсунишга рози бўлмаган давлатларни қўрқитишга мўлжалланган, бесаранжомлик ва ташвишни кучайтиришга ҳамда ҳарбий васвасани авж олдиришга ёрдам беради, янги уруш оловини ёқувчи ҳар қандай шахслар бундан манфаатдордир», деб огоҳлантирган эди.

Бу блок ва унинг милитаристик (қ.) плани, қуролланиш пойғасининг

кучайтирилиши СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган. Н. нинг 1979 й. декабридаги сессияси Фарбий Европада АҚШ нинг ўрта радиусли ракета-ядро қуролни жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

Н. да АҚШ ва унинг ҳарбий кучлари бош ролни ўйнайди. Н. нинг бирлашган қуролли кучларида олий бош қўмондонликни америка генераллари ва адмираллари эгаллаганлар. НАТО нинг фаолияти халқаро кескинликни ва «совуқ уруш» ни кучайтирди, давлатлар ўртасидаги нормал алоқаларнинг бузилишига ва қуролланиш пойгасининг мисли кўрилмаган даражада кучайиб кетишига олиб келди. 1949—1978 йилларда НАТО да қатнашувчи мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари йилига 18,7 млрд доллардан 189 млрд долларгача кўпайди ёки ўн баробардан зиёд ортди. НАТО га аъзо бўлган мамлакатлар қуролланишга шу йиллар ичида салкам 2,6 триллион доллар сарфладилар.

**НАТУРАЛ РЕНТА** ёки **СО-ЛИҚ** — қулдорлик ва феодализм даврида аҳолидан пул билан эмас, хўжаликда етиштирилган маҳсулот — ғалла, гўшт, тери, жун, тухум, балик, ҳунармандчилик маҳсулоти ва шу кабилар билан тўланадиган солик.

**НАТУРАЛ ХЎЖАЛИК** — бозорда сотиш учун эмас, балки ўз ички эҳтиёжини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик; ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик ҳамда феодализм тузумига хос хўжалик. Бу даврларда айирбошлаш ва товар-пул муносабатлари муайян даражада ривожланган бўлишига қарамай, Н. х. ҳукмрон хўжалик бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти кенгайиши билан Н. х. аста-секин товар ишлаб чиқариш томонидан сиқиб чиқарила-

ди. Шундай бўлса ҳам Н. х. нинг айрим хусусиятлари капитализм даврида ҳам йўқолиб кетмайди.

**НАЦИЗМ** — қаранг: национал-социалистлар.

**НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** (лат.) — миллий, халқ; миллийлаштириш; ер, саноат, транспорт, алоқа, банк ва шу кабиларнинг хусусий мулкликдан давлатнинг мулкига айлантирилиши. Капиталистик Н. да саноат корхоналари ва бошқа шу кабилар буржуа давлати қўлига ўтганидан капитализмнинг моҳияти ўзгармайди, чунки эксплуатация сақланиб қолаверади. Капиталистик Н. монополияларнинг даромадини орттириш, мамлакат экономикасини милитаризация қилиш мақсадига амалга оширилади.

Ривожланаётган мамлакатларда чет эл капиталига қарашли корхоналарни Н. қилиш антиимпериалистик курашнинг бир тури бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қарамлигини тугатиш воситаларидан бири сифатида амалга оширилади.

Социалистик Н. да эксплуататор синфларнинг мулки давлат мулки, социалистик умумхалқ мулкига айлантирилади. Бу ишлаб чиқариш воситаларига капиталистлар ва помещиклар мулкчилигига барҳам беради, эксплуататор синфларнинг иқтисодий ҳукмронлигини йўқотади.

**НОЦИОНАЛ - СОЦИАЛИСТЛАР** — ишчилар партияси; партиянинг тузувчилари унга бундай демократик ном бериш билан унинг оммавий базасини кенгайтиришни кўзда тутган эдилар; герман фашистлари, империалистларнинг йиртқичлик ва босқинчилик партияси. 1919 й. да герман монополистик капитали томонидан тузилган Н. с. 1933 й. да Гитлер бошлиқ ваҳшиёна террорчилик диктатурасини ўрнатди (қ. фашизм). Фашистлар Англия ва АҚШ капитали ёрдами билан Германия ҳарбий

саноат потенциални тиклаб, жаҳонга ҳукмронлик қилиш мақсадида иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбордилар (1939—1945). Бу уруш фашистлар Германиясининг батамом мағлубияти ва Н. с. нинг ҳалокати билан тугади. Гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилгандан сўнг, Шарқий Германияда фашизм қолдиқлари таг-томири билан йўқотилди. Ғарбий Германияда эса монополистлар АҚШ империалистларининг ёрдами билан фашизмни тиклаш, ГФР ни фашизм ва реваншизм (қ.) маконига айлантириш йўлини тутдилар. Реваншизм (қ.) ғояларининг ворислари ГФР даги неонацистлар бўлиб, улар нацизм (қ.) ни оқлаш, иккинчи жаҳон урушининг сиёсий якунларини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқдалар.

**НАЦИОНАЛ - ЛИБЕРАЛЛАР** (нем.)— Германияда 1866—1918 й. ларда йirik саноат ва савдо буржуазиясининг манфаатларини ифодалаган сиёсий партия; Н. л. 1918 й. охирида «Халқ партияси» деган янги ном олган.

**НАҚБ** (а.)— шаҳар ва қалъаларни эгаллаш учун ер тагидан қовланган йўл.

**НАҚИБ** — бирор жамоа ёки қабиланнинг олдинги, эътиборли кишиси.

**НАҚИБ ХУЖА** ёки нақиб эшон — сайидлар (қ.) ва хўжалар (қ.) учун юқори фахрий унвон. Н. х. хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бўлиб, у сафарга чиққанда ҳамроҳ бўлган. Н. х. мадрасани тамомлаган киши ва пайғамбар наслдан бўлиши керак эди. Расмий қабул маросимларида Н. х. хоннинг сўл томондан биринчи ўринда турган. Н. х. нинг ўз навкарлари бўлиб, улар ҳарбий сафарларда қатнашганлар.

**НАҲШАБ** — Қарши шаҳрининг қадимги номи; Қарши яқинида араб

босқинчиларига қарши қўзғолон кўтарган «оқ кийимлилар» нинг раҳбари Ҳошим ибн Ҳақим Муқавна томонидан ясалган ва анчагина масофани ёритувчи ойсимон асбоб (нақшаб ойи).

**НАҚШБАНДИЯ** — нақшбанди, нақшбанди, нақшвенди, хўжагон; дастлаб наққош ва чингизий Қозонхон замоннда жаллод бўлиб ишлаган Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1388/89) жорий этган суфизм ордени Баҳовуддин ва унинг издошлари дастлаб тарки дунёчилик, зоҳидлик ва фақирликни, барча мавжудотларга муҳаббат билан қараш мазмунидаги идеяларни тарғиб қилганлар, ўзлари ҳам зоҳидлик ва фақирликда яшаганлар. Бора-бора Н. идеологиясида ўзгарши юз бериб, у бойликни мақтаган, мавжуд тузумни ҳимоя қилган, кофирларга қарши «муқаддас уруш»— жиҳодни тарғиб этган.

**НАРЯДЛАР** (грек.)— грек-римликлар афсонасида оқар сувларда ва қўлларда яшовчи нимфалар — сув парилари.

**НЕКРОПОЛЬ** (грек.)— ўлик шаҳар, кимсасиз шаҳар, қадимги қабристон; қулдорлик ва феодализм даврида ҳукмдорлар ва аслзодалар дафн этиладиган қабристон бўлиб, катта шаҳарлар яқинида жойлашган Н. лар катакомба (қ.)— ўра шаклида бўлиб, ёғоч ёки ғишт билан ўралган. Сағана, мўғона, эҳром ва мақбаралар тошдан, пишчиқ ёки хом ғиштдан ишланган.

**НЕОКОЛОНИАЛИЗМ** — янги мустамлакачилик; империалистик давлатлар ва монополистик бирлашмалар империализмнинг мустамлакачилик системаси емирилган ҳозирги шароитда сиёсий мустақилликни қўлга киритган ёш миллий давлатларни (Осиё, Африка, Латин Америкасида) ўз ҳукмронлиги остида тутиб туриш



учун жуда нозик йўллар, ҳийла-найранглам билан қўллаётган янгича мустамлакачилик сиёсати; халқларни асоратга солишнинг жуда усталлик билан ниқобланган янги формаси. Улар «ёрдам бериш» ниқоби остида бу мамлакатларда эски позицияларни сақлаб қолишга ва янги позицияларни қўлга киритишга, ўз социал таянчини кенгайтиришга, миллий буржуазияни ўз томонларига ағдариб олишга, ҳарбий-мустабид режимларни ўрнатишга, ҳокимият тепасига итбатгүй қўғирчоқларни қўйишга уринмоқдалар. Империалистлар миллий ва қабилавий низоларнинг заҳарли қуролидан фойдаланиб, миллий-озодлик ҳаракати сафларини бўлиб юборишга ҳаракат қилмоқдалар. Маҳаллий эксплуататор синфларнинг реакцион доиралари империализмнинг иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

**НЕОЛИТ** (грек.) — янги тош; янги тош асри ёки даври (эр. ав. 8—3 минг йилликдан эр. ав. 1 минг йилликкача, Ўзбекистонда Н. эр. ав. 5—3 минг йилликкача бўлган давр). Олдин одамлар табиатда мавжуд бўлган нарсаларни еб яшаган бўлсалар, кейин озиқ-овқатни ўзлари ишлаб чиқаришни ўргандилар (деҳқончилик, чорвачилик). Н. даврида кулолчилик, йнгириш, тўқимачилик, ҳайкалтарошлик пайдо бўлади. Одамлар ўзларига оддийгина турар жой қура бошлайдилар, қайиқ, эшкак, чана, ўқ-ёй, ўроқ, чанги ясашни билли оладилар. Н. даврида одамлар овчилик, темирчилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланишган. Н. нинг охирига келиб, одамлар металлдан фойдалана бошлаганлар.

**НЕОФАШИЗМ** — янги, ҳозирги замон фашизми; ҳозирги ўнг, энг реакцион ҳаракатни ўзида мужассамлаштирган тушунча бўлиб, сиёсий

ва ғоявий жиҳатдан 2-жаҳон урушидан сўнг тарқатиб юборилган фашистик ташкилотларнинг меросхўрлари. Йирик монополюстик буржуазиянинг ашаддий агрессив (қ.), милитаристик (қ.) ва шовинистик (қ.) доиралари манфаатини ифодаловчи, ўта реакцион сиёсий оқим. 20-асрнинг 20—40-йй. ларидаги фашизм каби Н. ҳам давлат-монополюстик капитализм маҳсулидир. Н. Германиядаги нацистлар (қ.) ва Италиядаги қоракўйлақилар каби ўз социал асосларини майда ва ўрта буржуазия, люмпен пролетариат (қ.) ичидан топмоқда. Н. нинг партия ва группировкалари одатда ўзлари моддий ёрдам олиб турган ва оқибат натижада уларнинг хизматида бўладиган ҳукмрон синфларнинг у ёки бу фракцияси билан яқин алоқада бўладилар. Антикommунизм, миллатчилик, ирқчилик, социал демогогия Н. идеологияси учун характерлидир. Н. лар — халқаро кескинликни юмшатишнинг ашаддий душманлари, милитаризм, қуролланиш пойгасининг қизғин тарафдорларидир. Сиёсий курашда улар ўзларига қарши турган социал группалар (ҳаммадан бурун уюшган ишчи синфига), шунингдек, ўзларининг ҳукмрон синфлар манфаатини бошқача тушунувчи сиёсий рақибларига нисбатан зўравонлик ва террордан кенг кўламда фойдаландилар.

Ҳозирги замон демократик ва прогрессив кучлари Н. га қарши фаол кураш олиб бормоқдалар.

**НЕМЕСИДА** (немезида) — маъбуда; жазо, ўч, қасос маъбудаси; қадимги грек афсонасига кўра, худолар ўрнатган маънавий тартибни бузганларга жазо берувчи — қасос олувчи. Қасос муқаррарлигини тасвирловчи белги (қилич ёки қамчи) бўлган.

**НЕПТУН** (лат.) — қадимги рим-

ликлар афсоналарида дастлаб булоқлар ва дарёлар худоси, кейинроқ денгиз худоси; қадимги греклар афсонасида — Посейдон.

**НЕРЕИДЛАР** (грек.)—грек афсонасига кўра денгиз худоси Нерейнинг 50 та қизи бўлиб, хавфли сузиш вақтларида денгизчиларга мадад кўрсатади.

**НЕСТОРИАНЛИК** — христіан черковндаги оқим. Константинополь патриархи (428—431) Нестор номидан. У Византиянинг шарқий вилоятларида 5-асрда пайдо бўлган, кейинчалик эса алоҳида черков бўлиб ажралиб чиққан. Н. расмий черков ва православие ақидаларига қарши бўлиб, шарқий руҳонийларнинг мустақилликка интилишлари ва халқ оммаси ижтимоий норозилигининг ифодаси эди. Н. Византиядан Эрон, Урта Осиё ва Хитойгача ёйилган ҳамда Эрон ва Урта Осиёда ислом ёйилган давргача давом этган. Ҳозирги вақтда Н. Эрон, Ироқ ва Сирияда мавжуд.

**НИГИЛИЗМ** (лат.)—нигилистик идеология; ижтимоий нормаларни, принципларни, олдинги авлод яратган ҳамма нарсаларни, жумладан, маданий меросни, миллий маданиятни, халқларнинг миллий мустақиллиги ва шу кабиларни асоссиз равишда инкор қилиш; нигилизм ё майда буржуа исёнкорлиги, анархия шаклида, ёки айниб, инқирозга юзланган эксплуататор синфлар идеологияси шаклида бўлади. Н. декадентлик (қ.), экзистенциализм, (қ.) нигилистлар фикрлари, ақидалар; асоссиз инкор этиш, скептицизм (қ.).

**НИГИЛИСТ** — инкор этувчи, нигилизм тарафдори; 19-асрнинг 60-й.ларида Россиядаги различинецлар, нигилизмнинг тарафдорлари; рус нигилизми дворянлар маданиятининг реакцион анъаналарига, крепостник-

лик идеологиясига қарши кўтарилган бўлиб, прогрессив аҳамията эга эди.

**НИКА** — Ника қўзғолони, грекча «Ника»—«Ғолиб кел!»—532 й. да Константинополда бўлган катта қўзғолон.

**НИМФАЛАР** (грек.)—қадимги грек-римликлар афсоналарида Зевснинг қизи, Артемида (қ.) ва Дионис (қ.) нинг ҳамроҳи; табиат кучларини мужассамлантирувчи иккинчи даражали маъбудалар; нимфалар ўрмон Н. (дренадалар), тоғ Н. (оредалар), дарё Н. (ноядалар) ва денгиз Н. (нерейдалар) га бўлинган.

**НИОБА** (грек.)—грек афсонасига кўра, Фива подшоиси Амфионнинг хотини, Танталнинг қизи; ўзининг ўғли ва қизлари кўплигидан (12 ёки 14) фахрланиб, фақат иккита фарзанди (Аполлон ва Артемидаларнинг онаси) бўлган маъбуда Летони масхаралаган; шунинг эвазига уни жазолаш учун Летонинг фармони билан унинг болалари камондан ўқ отиб, Н нинг ҳамма болаларини ўлдирган. Н. нинг ўзи эса кўз ёши қилувчи қояга айланиб қолган.

**НОБИЛИТЕТ** (лат.)—зодагонлар; Қадимги Рим республикасидаги қулдорлар синфининг ҳукмрон табақаси, сенат (қ.) аристократияси (қ.); Н. катта ерларга эга бўлиб, қуллар меҳнатидан кенг миқёсда фойдаланган. Н. сенат ва энг муҳим магистратура олий давлат рутбаларини эгаллаб олган.

**НОВАТОР** (лат.)—инсон фаолиятининг бирор соҳасига янги усул, янгилик киритувчи; янгиловчи, қайтадан қурувчи, ихтиро этувчи, ташаббусчи, фан, техника ва санъатда янгилик яратувчи, ижодкор, бирор соҳада янгилик киритувчи киши; коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси — ишлаб чиқариш Н. и, пахта далалари Н. и.

**НОЗИР** (а.) — қаровчи, назорат қилувчи, бошқарувчи 1 Ўрта асрларда ўзбек хонликларида сарой таъминоти ва унинг харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор; 2 революциядан илгари Туркистонда меросни сақловчи ҳомий, революциянинг дастлабки йилларида халқ комиссари, мудир; 3 Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида савдо ва саноат, ҳарбий ва бошқа халқ Н. лари тайинланган; 4 Миср ва баъзи бошқа араб мамлакатларида вилоят бошлиғи.

**НОЗИРЛАР ШУРОСИ** — Комиссарлар Совети; Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг олий ижроия органи.

**НОИБ** (а.) — ўринбосар; ёрдамчи; ўрта асрларда араб халифалигида, кейинроқ бошқа мусулмон давлатларида вилоят ҳокими; Олтин Урдада, Хоразм каби йирик вилоятда хоннинг ёрдамчиси. Турк султонида қозн ва мулланинг ўринбосари, Афғонистон ва Эронда ҳарбий унво.

**НОКАПИТАЛИСТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙУЛИ** — кўпгина мустамлака ва ярим мустамлакаларга хос бўлган иқтисодий ва социал қоқоқлик мавжуд бўлишига қарамай, капитализмни четлаб ўтиш ёки ҳатто тараққиётнинг капиталистик боққичини тўхтатиб қўйиб, социалистик жамиятга ўтиш шарт-шароитини яратувчи революцион жараён. Иқтисодий тараққиётдан орқада қолган мамлакатларнинг капитализмни четлаб ўтиб, социализм қуриш йўлига ўтишлари, капитализмдан социализмга ўтиш йўлиларидан бири.

Н. к. т. й. ни биринчи марта К. Маркс ва Ф. Энгельс илмий жиҳатдан асослаган эдилар. Россияда социалистик революция ғалаба қилгач, бу назарияни В. И. Ленин ҳар жиҳатдан ривожлантирди ва асослаб

берди. Н. к. т. й. тарихда биринчи марта Ўрта Осиёдаги Совет республикалари, Қозғонистон ССР ва Монголия (МХР) да амалга оширилди.

Империализмнинг мустамлакачилик системаси ҳалокатга учраган, капитализмнинг умумий кризиси кескинлашган даврда мустақилликни қўлга киритган айрим давлатлар Н. к. т. й. га ўтиб, қоқоқликдан қутилиб, социалистик тараққиёт йўлига ўтишни таъминладилар. Бу шнорнинг асосий маъноси ажнабий капитал ва халқаро монополияларни сиқиб чиқариш, хусусий капитални чеклаш ва давлат секторини ривожлантириш, феодализм сарқитларини, йирик мулкчиликни тугатиш, меҳнаткашлар, моддий фаровонлигини ошириш ва бошқалардан иборат.

Н. к. т. й. учун реал социализм тажрибаларидан фойдаланиш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

**НОТАБЛЛАР** (фр.) — феодал-абсолютистик Франциясида 14—18-асрларда король томонидан руҳонийлар, дворян ва шаҳарлик бадавлат кишилардан тайинланган «фахрий кишилар» бўлиб, асосий маъмурий ва молиявий масалаларда улар билан маслаҳатлашиб турилган. Н. кенгаши 1358, 1523, 1527, 1596, 1617, 1626 й. ларда, охириги марта 1787 ва 1788 й. ларда чақирилган.

**НЭП** — янги иқтисодий сиёсат; капитализмдан социализмга ўтиш даврида Коммунистик партия ва Совет давлатининг иқтисодий сиёсати, социализм йўлида муҳим боққич. Гражданилар уруши ва ҳарбий интервенция даврида амалга оширилган иқтисодий сиёсат — ҳарбий коммунизм (қ.) дан фарқ қилгани учун янги иқтисодий сиёсат деб аталган. Советлар мамлакатида ҳукумат то-

монидан 1921 й. дан бошлаб вақтинча жорий қилинган янги иқтисодий сиёсат. Мамлакатни вайронликдан олиб чиқиш, социалистик экономика пойдеворини қуриш, йирик sanoatни ўстириш, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Н. нинг асосий вазифаси капитализмдан социализмга ўтишни таъминлашдан иборат эди. В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилиб, РКП(б) X съезди маъқуллаган НЭП даврида озик-овқат развёрткази озик-овқат солиғи билан алмаштирилиши натижасида капиталистик элементларнинг бирмунча жонланишига (хусусан, савдода) йўл қўйилди, аммо халқ хўжалигининг асосий соҳалари Совет давлати қўлида эди. Империалистик уруш ва граждандлар уруши даврида вайрон бўлган халқ хўжалиғи 1926 й. га келиб, асосан тикланиб бўлди, қудратли оғир sanoat вужудга келтирилди, капиталистик элементлар тугатилди, бутун мамлакат халқ хўжалигини социалистик асосда реконструкция қилиш босқичига қадам қўйди.

НЭП муваффақият билан амалга оширилгач, партия мамлакатни индустрлаштириш (партиямизнинг XIV съезди, 1925 й.), қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш (партиямизнинг XV съезди 1927 й.) сиёсатини амалга ошира бошлади. Индустрлаштириш ва коллективлаштириш асосида хўжаликнинг социалистик системаси шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳукмрон система бўлиб қолди. Эксплуататор синфлар тугатилди.

**НЭПМАН** — СССРда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида бўлган савдогар, спекулянт-чайқовчи; хусусий қорхона эгаси.

**НУЕН** (*мўғ.*) — улуғроқ бек, князь; бир туман (10 минг киши) қўшин қўмондони. Утмишда турк ва

мўғул қўшинларида шаҳзода ва султонлар Н. деб аталганлар. 14—16-асрларда энг нуфузли амирлар Н. деб аталганлар.

## О

**ОБЖУВОЗ ПУЛИ** — Бухоро амирлигида шоли ва сули оқловчи обжувоздан йилига 20 тангадан 100 тангагача (3 сўмдан 15 сўмгача) олинадиган солиқ.

**ОБЛОМОВЧИЛИК** (*рус.*) — машҳур рус ёзувчиси И. А. Гончаровнинг «Обломов» романи (1859) қаҳрамони билан боғлиқ бўлган тушунча, асарда дворянларнинг ижтимоий пасивлиги, фаолиятсизлиги, крепостниклик психологияси тасвирланган. В. И. Ленин ижтимоий ҳаракатсизлик, турғунлик, жаҳолат-мутаассибликка, патриархал қолоқликка қарши қаратилган нуқтларида О. терминдан фойдаланган; О. ялқовлик, ланжлик, ишқмаслик, иродасизлик.

**ОБРАЗ, ИКОНА** — бут; будда ва христиан дини дастурларига кўра, маъбудалар, исо, сажда қилинадиган буюмлар рангли бўёқлар билан тасвирланган суратлар.

**ОБРОК** — феодализм даврида қарам деҳқонлардан маҳсулот ёки пул билан ундириладиган рентанинг русча номи. Дастлаб О. фақат натура ҳолида, деҳқон хўжалиғида етиштирилган маҳсулот билан олинган. Товар-пул муносабатлари ривожлангандан кейин О. пул билан олинадиган бўлган. Деҳқон О. ни пул билан тўлаш учун ўз маҳсулотининг бир қисмини сотиши, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиши ёки ёлланиб ишлаб пул жамғариши керак эди. Қора тупроқли бўлмаган районларда, пойтахт ва катта шаҳарларга туташиб кетган ерларда

феодал О. ни асосан пул билан олишдан кўпроқ манфаатдор бўлган. 1861 й. да крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан сўнг О. ҳам тугатилган.

**ОБРОЧНИК** — оброк тўпловчи крепостной деҳқон.

**ОБСКУРАНТИЗМ** (лат.) — қоронгилаштириш; тугаб бораётган эксплуататор синфларга хос бўлган реакционлик, жаҳолатпарастлик. Маориф, илм-маърифатга, тараққиётга нисбатан ашаддий душманлик муносабати.

**«ОБУХОВ МУДОФААСИ»** — Петербургдаги Обухов заводи ишчиларининг 1901 й. 7 майда полиция ва подшо қўшини билан қонли тўқнашуви; 1 Май маёвкисада қатнашган 26 ишчининг ишдан бўшатирилганлигига жавобан ишчилар уюштирган иш ташлаш тўқнашувга сабаб бўлди. Полиция ва қўшиндан ўзларини мудофаа қилган ишчилар баррикадалар орқасидан олти соат давомида тошбўрон қилиб, ҳужумни қайтардилар. Бир қанча ишчи ўлди ва оғир ярадор бўлди. Подшо ҳукумати томонидан «О. м.» қатнашчиларидан 800 ишчи қамоққа олинди. Уларнинг кўпчилиги Петербургдан сургун қилинди, 29 ишчи каторгага юборилди. «О. м.» бутун мамлакатда ишчилар ҳаракатига катта таъсир кўрсатди.

**ОДНОДВОРЕЦЛАР** — якка ҳовлилар. Россияда давлат деҳқонларининг бир группаси бўлган О. лар ҳукумат томонидан жанубий районларни Қрим ёки Астрахань татарлари ҳужумидан ҳимоя қилиш учун жойлаштирилган майда хизматчиларнинг авлодлари. О. 16—17-асрларда майда хизматчилар бўлиб, дворянлар билан деҳқонлар оралиғидаги ўрини эгаллаганлар. О. лар хизматлари учун ер олганлар, баъзан крепостной деҳқонлари ҳам бўлган, деҳқонлар

қатори солиқ тўлаганлар. О. лар фойдаланадиган ерлар ўзлариники бўлмай, давлат ерлари ҳисобланган. О. ларнинг асосий оммаси Орёл, Курск, Воронеж ва Тамбов губернияларида жойлашган эди. Мунтазам армия тузилгач, О. ларнинг аввалги аҳамияти йўқолиб, давлат деҳқонлари группаларидан бирига айланган.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ РАЗВЕРСТКАСИ** — ёш Совет республикасининг марказий қисми интервентлар ва оқ гвардиячилар томонидан энг муҳим озиқ-овқат районларидан ажратиб қўйилган 1918 й. да амалга оширилган иқтисодий тадбир. О. о. р. қишлоқ аҳолиси қўлидаги ортиқча дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбуран ва қатъий баҳода давлатга ўтказишдир. О. о. р. 1919 й. 11 январда ХКС Декрети билан Совет Россиясининг барча территориясида, кейинроқ Украина, Белоруссия (1919), Туркистон ва Сибирда (1920) жорий этилди. 1919—1921 йй. да 579,5 млн. пуд дон ва ем-хашак маҳсулотлари йиғиб олинди. Ҳарбий коммунизм сиёсати деб номланган бу тадбир фронтларда жанг қилаётган Қизил Армияни ва шаҳар меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё билан таъминлаш зарурати туфайли амалга оширилган эди. Граждандлар уруши тамом бўлгач, О. о. р. талабга жавоб бермай қолди. РКП(б) X съездининг қарори билан О. о. р. 1921 й. мартда бекор қилиниб, озиқ-овқат солиғи (қ.) билан алмаштирилди.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ СОЛИГИ** — 1921 йил 21 мартда РКП(б) X съезди қарори билан озиқ-овқат развёрсткаси (қ.) бекор қилингандан сўнг жорий этилган қишлоқ хўжалик солиғи; ҳарбий коммунизм (қ.) дан янги иқтисодий сиёсат (НЭП) га ўтиш йўлида амалга оширилган тад-

бирлардан бири. О. о. с. нинг озиқ-овқат развёрсткасидан фарқи шу эдики, О. о. с. мажбуриятини ўтаган деҳқон ортиб қолган дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорда эркин равишда сотиши мумкин эди. Бундан деҳқоннинг шахсий манфаатдорлиги ошар эди, О. о. с. нинг жорий этилиши билан қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, шаҳар билан қишлоқ ўртасида товар оборотининг кенгайишига, ишчи билан деҳқон ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишига, халқ хўжалигининг тез ривожланишига шароит яратилди.

### «ОКТАБРЬ МАНИФЕСТИ»

(1905 й., 17 октябрь)—«Давлат тартиботини такомиллаштириш»—Николай II томонидан 1905 й. Октябрь сиёсий стачкаси кунларида эълон қилинган манифест. Манифестда подшо халққа «граждан эркинлигининг қатъий асослари» (шахс дахлсизлиги, виждон, сўз, йиғилиш ва иттифоқлар тузиш эркинлиги) ни бериш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, барча аҳоли табақаларини Давлат думаси сайловларига жалб қилиш, Давлат думасини қонун чиқарувчи орган деб тан олишни ваъда қилган эди. Аммо подшо ҳукумати стачкаларни тўхтатиш, сўнгра революцияни тор-мор келтириш учун «О. м.» дан фойдаланишни кўзда тутган эди. Большевиклар партияси «О. м.» халқни алдаш қуроли эканлигини фош этди ва пролетариатни самодержавиега қарши қуроли қўзғолон тайёрлашга чақирди. Ҳаёт большевиклар позициясининг тўғри эканини исботлади. Подшо «Витте думаси» ни тарқатиб юборди, манифести бекор қилди ва революцион оммага қарши қонли жазо чораларини қўллашга киришди.

**ОКТАБРИСТЛАР** — Россияда

йирик савдо-саноат буржуазияси ва йирик помешчиклар фаолиятини ифодаловчи рус ўнг буржуа-монархист контрреволюцион партияси. «17 октябрь Иттифоқи» подшонинг конституция ҳақида 1905 й. 17 октябрь манифести эълон қилингандан кейин революцияга қарши курашиш учун 1905 й. ноябрида тузилган. О. лар «кучли ҳокимият» тарафдори бўлиб, конституцияни самодержавиега мослаштиришни, бошқа миллат халқларига нисбатан буюк давлатчилик сиёсатини қўллашни талаб этдилар. 1906 й. кузидан бошлаб О. лар ҳукумат партиясига айланиб, ҳамма масалаларда чоризмни қўллаб-қувватладилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг О. лар ички контрреволюциянинг актив ташкилотчилари сифатида ҳуруж қилдилар.

**ОКЕАН** (грек.)—чексиз; қадимги грек космогониясида бутун ерни айланиб оқувчи дарё; қадимги грек мифологиясида О.—сув стихияси; Уран ва Гея ўғли; Гомерча О.—худодлар ва нарсаларнинг бошланиши.

**ОККУПАЦИЯ** (лат.)—босиб олиш, ишғол қилиш, эгаллаш, забт этиш; бир давлат территориясининг ёки унинг бир қисмининг бошқа бир давлат томонидан қўшин ёрдамида вақтинча босиб олиниши. 1949 й. да Женева конференциясида қабул қилинган «Граждан аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорда аҳолининг ўз давлатига содиқ қолиш ҳуқуқи эътироф этилган, уларни коллектив равишда жазолаш, ҳайдаб олиб кетиш ман этилган. О. қилинган ерлар оккупацион қўшинлар ҳарбий қўмондонлиги томонидан идора этилади. Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) йилларида фашистлар Германияси ўзи О. қилган территорияларда, айниқса СССР нинг О. қилинган қис-

мида О. ҳақидаги халқро қондаларини қўпол равишда поймол қилди.

**ОЛИГАРХИЯ** (грек.)— озчилик, озчиликнинг ҳокимияти; эксплуататорлик давлати бошқармасининг бир шакли, бунда бутун ҳокимият бир тўда аристократлар ёки энг йирик бойлар қўлида бўлади; қадимги Греция шаҳар-давлатларида, Спартада ҳам ҳарбий заминдор аслзодалардан ҳокимияти, қадимги Римда йирик заминдор зодагонлардан ташкил топган Сенат (қ.); феодализм даврида Венеция каби шаҳарларда йирик патриций (қ.) оилалар ҳукмронлиги; бир тўда капиталистларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги, империализм даврида молия О. си бутун давлат ҳокимиятини ўзига итоат эттиради, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати йўналишини белгилайди, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликни амалга оширади. Озчиликни ташкил этган эксплуататорларнинг ҳукмронлигини зўрлик, террор, пора бериб сотиб олиш йўллари билан иш кўрувчи ҳокимият.

**ОЛИЙ МАХФИЙ КЕНГАШ** (ОМҚ)— Россия империясида 1726—1730 йй. да кенгашувчи олий давлат муассасаси (7—8 киши). Кенгашувчи орган бўлса ҳам, муҳим давлат масалаларини ҳал этган, самодержавиени чеклашга уринган. Пётр I вафотидан сўнг қадимги аслзода-мансабдорлар Пётр I нинг набираси шаҳзода Пётрни тахтга чиқариш тарафдори бўлганлари ҳолда, Меньшиков бошлиқ янги аслзода-мансабдорлар Пётр I нинг хотини малика Екатерина Алексеевна тахтга чиқаришга муваффақ бўлганлар. Сенат (қ.) Екатерина Алексеевна номзодини маъқулламагач, Меньшиков гуруппаси томонидан 7 кишидан иборат Олий Махфий Кенгаш ташкил этилган. ОМҚ аъзолари верховниклар деб

аталган. ОМҚ расман кенгашчи характердаги орган бўлса-да, ҳақиқатда Сенат ва коллегияларнинг фаолияти ҳам унинг назорати остига олинган. Ташқи ишлар, ҳарбий ва адмиралтейство коллегиялари унга бевосита бўйсундирилган. Бу муассаса ташаббуси билан Архангельск порти яна очилган, вексель устави ишлаб чиқилган. Пётр I ўтказган реформаларга қарши бўлган феодал-аслзодаларга ён бериш мақсадида Пётр I ўтказган маъмурий реформаларни амалда йўққа чиқариш учун: а) баъзи коллегиялар тамомила тугатилган ёки бир-бирига қўшиб юборилган; б) коллегия аъзоларидан 8—10 киши ўрнига 3 киши қолдирилган; в) шаҳарлар ва провинцияларда воеводалар тикланган ва улар губернаторларга бўйсундирилган; г) бош магистрат ёпилган. Ташқи сиёсат соҳасида ҳам Пётр I тутган сиёсатдан чекинилган; флот билан армияга етарли эътибор берилмаганлиги халқаро миқёсда Россиянинг таъсирини бўшаштирган. Туркия ва Эронга нисбатан ғоят иккиланувчи, беқарор йўл тутилган. Пётр II вафот этгандан сўнг (1730) ОМҚ аъзолари самодержавие ҳокимиятини чеклашни кўзда тутган «Конденция»га қўл қўйган Анна Ивановна тахтга ўтказганлар. Бироқ у гвардия ва дворянларга суяниб, ОМҚ ни тугатган (1730 й. 4 март) ҳамда сенатни тиклаган.

**ОЛИМП** (грек.)— Шимоллий Грециядаги энг баланд тоғ массиви, Эгей денгизининг Термаикос қўлтиғи соҳилида— Олимп тоғи (эндиликда Лахо деб аталади); қадимги грек афсоналарига кўра, О. муқаддас тоғ, О.—Зевс бошлиқ худолар яшайдиган тоғ.

**ОЛИМПИА УИИНЛАРИ** (грек.)— Қадимги Грецияда Олимпия шаҳрининг «муқаддас» жойи— Алфей дар-

ёси водийсидаги Альтисда мил. ав. 776 йилдан бошлаб ҳар тўрт йилда бир марта, яъни кабиса (қ.) йилида беш кун давомида бош худо Зевс шарафига ўтказиладиган умумхалқ байрами. О. ў. тантанали намойиш, қурбонлик (қ.) қилиш билан бошланган, сўнгра югуриш, диск улоқтириш, кураш, аравачалар пойгаси ва бошқа мусобақалар ўтказилган. Уйиндан сўнг ғолиблар шарафига дабдабали зиннат берилган ва улар дафна новдаларидан тўқилган гулчамбар билан мукофотланганлар. Ғолибларни ўз ватанларида миллий қахрамонлар сифатида кутиб олишган, уларга қимматли мукофотлар инъом этишган. О. ў. эр. нинг 394 йили Рим императори Фодасий I томонидан бекор қилинган. 1894 й. да Парижда ўтказилган халқаро конгресс О. ў. ларини тиклаш ва уни ҳар 4 йилда бир марта ўтказиб туриш ҳақида қарор қабул қилди. О. ў. лари 1896 й. да Афинада, 1900 й. да Парижда, 1904 й. да Сент-Луис (АҚШ) да, 1908 й. да Лондонда, 1912 й. да Стокгольмда, 1920 й. да Антверпенда, 1924 й. да Парижда, 1929 й. да Амстердамда, 1932 й. да Лос-Анджелес (АҚШ) да, 1936 й. да Берлинда, 1948 й. да Лондонда, 1952 й. да Хельсинкида, 1956 й. да Мельбурн (Австралия)да, 1960 й. да Римда, 1964 й. да Токиода, 1968 й. да Мехикода, 1972 й. да Мюнхенда (ГФР) да, 1976 й. да Монреал (Канада)да, 1980 й. да Москвада, 1984 й. Лос-Анджелес (АҚШ) да ўтказилди. 1924 й.дан бошлаб қишки спорт турлари бўйича О. ў. лари ўтказила бошланди. Совет Иттифоқи спортчилари 1952 й. дан бошлаб О. ў. ларда қатнаша бошладилар. 1980 йил июль ойида О. ў. лари Москва шаҳрида зўр муваффақият билан ўтказилди.

**ОЛТИН УРДА**, Жўжи улуси — 13-асрнинг 40-й. ларида Чингизхоннинг набираси Жўжихоннинг ўғли Ботухон-Саинхон (1208—1255 йй.) томонидан шарқий Европа босиб олинб, Жўжи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат. О. ў. га Қуйи Дунай ва Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва Обнинг қуйи оқими, Қора, Қаспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган жойлар кирган. Рус ерлари О. ў. га вассал, қарам бўлган. О. ў. пойтахти дастлаб ҳозирги Астрахань шаҳри яқинидаги Сорай-Боту, кейинроқ ҳозирги Волгоград яқинидаги Сарой-Берки бўлган. Жуда катта территория ўт ва қилч кучи билан сунъий равишда бир марказга бирлаштирилган. О. ў. давлати феодализм муносабатларининг ривожлана бориши ва итоатда бўлган халқларнинг мустақилликка интилиши натижасида инқирозга юз тутди. 15-асрнинг 20-йилларида О. ў. дан Сибирь хонлиги, Қозон хонлиги (1438), Нўғай ўрдаси (40-йилларда), Қрим хонлиги (1443), 60-йилларда қозоқ, ўзбек, Астрахань хонликлари ажралиб чиқди. 1480 й. да О. ў. хони Аҳмат Москва улуг князи Иван III ни ўзига қайта итоат этитиришга уриниб, муваффақиятсизликка учради. Русь 1480 йилда ўз елкасидан «татар-мўғул зулмининг қонли занжирларини» узил-кесил улоқтириб ташлади.

**ОНА УРУҒИ** — матриархат (қ.)

**ОПАЛА** — ғазаб, ғазабга олиш, ғазаб қилиш, қаҳр; қадимги замонларда подшонинг бировга ғазаб қилиши ва унинг ғазабига йўлиққан кишининг жазоланиши. Русь давлатида 15—18-асрларда бирор гуноҳ қилиб қўйган бояр ёки ҳукмдорга бошқа яқин кишининг қилган гуноҳи учун бериладиган жазо; саройдан четлатиш, мартаба ва унвонлардан



маҳрум қилиш, уйқамоғи, ҳибсга олиш, сургунга юбориш, мол-мулкини тартиб олиш.

**ОПОЛЧЕНИЕ** — халқ лашкари, халқ навқари, кўнгилчилардан иборат бўлган қўшин; 1 қадим замонларда ва ўрта асрларда уруш вақтида эркин деҳқонлар, дворянлар, шаҳарликлардан тузиладиган ҳарбий қисм; қўлига қурол ушлаши мумкин бўлган, лекин ҳаракатдаги ҳарбий хизматда бўлмаган ёки запасга ўтган кишилардан ташкил топган (революциядан олдин) ҳарбий резерв; қадимги Русь (Киев) давлатида (9—11-асрлар) ва феодал тарқоқлиги шароитида (12—14-асрлар) О.нинг роли жуда катта бўлган; князь дружинасига ёки мунтазам армияга мадад бериш учун тўпланган қўшин. Александр Невский 1240 й. да шведларни ва 1242 й. да немис рицарларини тор-мор келтиришида О. беҳад катта роль ўйнади. 17-аср бошида Нижний Новгородда Кузьма Минин ва Дмитрий Пожарский бошчилигида ташкил топган О. Москвада поляк босқинчиларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи куч бўлди. 1812 й. да Наполеон қўшинларини тор-мор қилишда 324 минг кишидан иборат О. қатнашди. Россия-Япония уруши ва биринчи жаҳон уруши фронтида ҳам О. дан фойдаланилди. 1941—1945 й. даги Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳам О. қаҳрамонона жанг қилди. 19—20-асрларда турли шаклдаги О. Пруссия, Германия ва Австрия-Венгрияда ҳам бўлган. 2 1874—1917 й. да Россияда ҳарбий хизматдаги кишиларнинг категорияларидан бири. Улар ҳаракатдаги армияда хизмат қилмовчи, запасдаги катта ёшли кишилардан ташкил топиб, уруш вақтида ёрдамчи ишларни бажаришга сафарбар этилганлар.

**ОППОРТУНИЗМ** (*фр.-лат.*) — қу-

лай, манфаатли; 1 мувофиқлашиш, муроса қилиш; ишчилар ҳаракатида ва пролетариат партиялари ичидан марксизм-ленинизмга душман бўлган оқим. О. 19-аср охири, 20-аср бошларида ишчилар ҳаракатида буржуа агентураси сифатида вужудга келди (Ғ. Бернштейн, К. Каутский, Россияда меньшевизм), 2-Интернационал партияларида кенг ёйилди. 2-Интернационал мағлубиятга учрагач, О. ҳозирги замон реформизми кўринишида намоён бўлди. 20-асрнинг 2-яримларида коммунистик ҳаракатда ўнг ревизионизм қиёфасида намоён бўлди (Югославияда М. Джилас, Венгрияда И. Надь, Чехословакияда О. Шик, Францияда Р. Гароди, Австрияда Э. Фишер ва бошқ.) 2 О. пролетариат ва барча меҳнаткашлар манфаатларини буржуазия манфаатларига бўйсундиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган социал-демократик ва ўнг социалистлар майда буржуа партиялари томонидан ишчилар ҳаракатида амалга оширилган сибсат. О. сибсати социалистик революция ва пролетариат диктатураси учун курашда революцион воситалардан воз кечиш, буржуа партиялари билан муросачилик ёки тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишда ўз ифодасини топади. О.нинг сибсий ва ғоявий асослари ревизионизм (қ.) ва реформизм (қ.) билан узвий боғлиқдир; 3 О. да ўнг ва сўл оқимлар мавжуд. Ўнг О. ишчилар ҳаракатининг стихиялилиги олдида сажда қилиш, капитализм аста-секин социализмга айланишини тарғиб этиш, бинобарин, социализм революция ва ишчилар томонидан ҳоқимиятнинг қўлга киритилишидан воз кечишни талаб этувчи реформистик ғоядан иборат. Ўнг О. буржуалашган ишчи аристократияси, капиталистик жамият ўрта қатламларининг маңфаатини

ифодалаш, ўнг социалистик партиялар учун характерли хусусиятдир. Сўл О. уюшган синфий кураш олиб боришга ноқобил хонавайрон бўлган майда мулкчилар, ўз синфидан ажраган элементлар манфаатини ифодалайди, ижтимоий тараққиёт босқичларини инкор этади, ишчилар синфини сиёсий авантюра ва маъносиз қурбон беришга йўллайди. Айрим фарқлари бўлишига қарамай, ўнг ва сўл О. лар марксизм-ленинизмга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига душманликда бир ёқадан бош чиқарадилар. Мунофиқлик билан шароитга мослашиш, принципсизлик қилиш ва курашда душман билан келишувчилик улар учун характерли сиёсатдир. Марксизм-ленинизм О. нинг ҳар қандай кўринишига қарши шафқатсиз кураш олиб боради.

**ОПРИЧНИНА** — қадимги Русда феодализмнинг бева қолган хотинига ва етимларига умрбод фойдаланиш учун берилган ер; қудратли ҳокимиятнинг душмани бўлган княззода-боярлар оппозициясига қарши кураш мақсадида Иван IV томонидан 1565—1572 йй. лар давомида кўрилган тадбирлар натижасида мамлакат территорияси иккига: О. ва земшчинага (қ.) бўлинган. Марказий районлардаги иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳим ерлар (Можайск, Вязьма, Ростов ва бошқалар), Шимолий Двина бўйларидаги ерлар, Великий Устюг, Каргаполь, Москвадан жанубдаги Козельск, Перемишль, Белово, Мединь ва бошқалар О. га, мамлакатнинг чекка ўлкалари эса земшчинага қолдирилган. Княззода-боярлар земшчина ерларига кўчирилиб, боярлар оммавий репрессия, қатл этиш, ер-мулкларини мусодара қилиш йўллари билан жазоланди. Улардан бўшаган ерлар опричниклар ва дворянларга тақсимлаб берилган. Бояр-

ларга қарши курашиш учун махсус қуроли опричниклар тузилган. О. сиёсати марказлашган қудратли самодержавие ҳокимиятини мустаҳкамлашда муҳим ва прогрессив роль ўйнаган. Шу билан бирга О. феодал-крепостнойлик зулмини кучайтириш ҳисобига амалга оширилган, мамлакатда синфий зиддиятларнинг кескинлашишига, 17-аср бошларида деҳқонлар урушининг бошланиб кетишига замин яратган. Опричник — Иван IV Васильевич замонида О. да хизмат қилган дворян, жангчи; О. қўшинида хизмат қилган аскар.

**ОПТИМАТЛАР** (лат.) — Рим республикасида гоивий-сиёсий оқим (эр. ав. 2—1-аср охирларидан янги эрагача) бўлиб, нобилитет ва популяр манфаатини ифодаларди. Қадимги Римда қулдор аристократлар (нобилитет) дан иборат Сенатга суянувчи сиёсий группа бўлиб, катта ер эгалари манфаатларини ифодаларди. О. халқ мажлисида ўз таянчига эга бўлган популярларга (қ.) қарши курашардилар.

**ОРДЕН** (лат.) — 1 нишон; давлат ва халқ олдида кўрсатган хизматлари тақдирланиб, айрим шахсларга ҳукумат томонидан бериладиган нишон; 2 христиан ва ислом динида ўз уставига эга бўлган монах ва дарвишлар уюшмаси; **незунитлар** (қ.), **дминиконлар** (қ.), **нақшбандия** (қ.), **яссавия** (қ.), **исмоилия** (қ.) ва бошқа диний жамоалар ўзгадар ерини босиб олишда ҳукмрон синф ва реакцияон руҳонийлар қўлида қуроли бўлган; **Ливон** ва бошқа шу каби ҳарбий-диний ташкилотлар.

**ОРДА** (тур.) — ўрда, давлат, подшо, хон ёки олий мартаба эгасининг ҳарами; қадим замонларда турк-муғул хонларининг қароргоҳи — сарой; кейинроқ бир қанча кўчманчи туркий қабилаларнинг хон ҳокимияти

қўл остидаги давлат иттифоқи номи; Олтин Урда татар-мўғулларнинг ҳарбий истибодди.

**ОРДАЛИЯ** (лат.) — ўрта асрларда бирор жиноятда гумон қилинган киши гуноҳкорлигини аниқлашнинг «тангри суди» деган ваҳшиёна усули, қийноқларга бардош берган судланувчи айбисиз деб эълон қилинган.

**ОРИЙЛАР** ва **АРИЙЛАР** — 19-аср китобларида кўп ишлатилган ҳинд-европа, ҳинд-форс, грек, италян, герман, славян тиллари системасидаги халқларнинг номини билдирувчи ҳамда ўша вақтда гўё бу халқларнинг ирқий ва маданий жиҳатдан бирлиги ҳақидаги нотўғри тасаввурни акс эттирувчи ғайриилмий ифода; ирқий, айниқса, фашистик адабиётларда немис миллати орийлар, яъни «олий ирқ» ёки «шимолий ирқ»қа ўхшатиш билан, ирқ намояндалари деб аталган. О. термини кўпинча қадимги ҳинд тилидаги «ария» (аслзода, зодагонлар) сўзи билан боғлаб тушунтирилади. Ҳинд ва Эрон группаси ҳинди-европаликлар учун умумий шартли ном; ҳинди-европаликлар.

**ОРФЕЙ** (грек.) — фракиялик афсонавий хонанда, музалардан Каллиопа<sup>нинг</sup> ўғли, қадимги грек афсоналарида шоир, ашулachi; у ўз шеърлари ва қўшиқлари билан худо ва одамларни мафтун этган, гўё дарахтларни ва қояларни ҳаракатга келтирган ва йиртқич ҳайвонларни ром қилган хушовоз ашулachi.

**ОСТ-ИНДИЯ** (ингл.) — Американинг Қариб денгизига Х. Колумб томонидан кашф этилган ороллар «Ҳиндистон» деб аталган. Ҳақиқий Ҳиндистон топилгач, уни Ост-Индия — Шарқий Ҳиндистон деб атай бошлаганлар. Англия, Германия ва Франция бу ерларда узоқ вақт мустамлакачилик сиёсатини амалга оширганлар.

**ОСТ-ИНДИЯ КОМПАНИЯЛАРИ** (ингл.) — инглиз, голланд ва француз савдо-монополистик компаниялари. Бу компаниялар Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ва Африкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган. Инглиз Ост-Индия компанияси (1600—1858) Ҳиндистонни Англия мустамлакасига айлантирди ва Ҳиндистон Англиянинг вице-королни томонидан бошқариладиган бўлгач (1658 й.) тугатилди. Голландия (Нидерландия) О. и. к. си (1602—1798) ташаббуси билан Голландия мустамлака империясига айланди. Г. о. и. к. инглиз О. и. к. билан курашда заифлашди. Француз О. и. к. (1664—1719) Тинч ва Ҳинд океанлари оралиғида савдо ва навигация ҳуқуқига эга бўлган. Бу компания Ҳиндистон ва Яқин Шарқни эгаллаш учун Англия билан бўлган курашда заифлашгач тугаб кетган.

**ОСТРАКИЗМ** (грек.) — бадарға, сургун; қадимги Афинада, Аргосда ва Сиракузда халқ йиғинларида овоз беришнинг махсус формаси. Давлат учун хавfli деб ҳисобланган граждaнларни яшириш овоз бериш йўли билан бадарға қилиш; бунда овозлар сургун қилинадиган кишиларнинг номлари ёзилган сопол парчалари («остраконлар») ни тарқатиш орқали тўпланган. Қимнинг номига 6 минг ва ундан кўпроқ сопол парчаси тўғри келса, у одатда 10 й. муддат билан Афинадан бадарға қилинган. О. эр. ав. 509—417 й. да қўлланилган.

**ОСТРОГ** — 1 Русь давлатида чегара доирасидаги ёғоч истеҳком номи (12-асрдан маълум); 14—17-асрларда жанубий чегараларда, 17—18-асрларда Сибирда ҳам О. қурилган; 2 қатор қозиклар ўтказилиб, атрофи мустаҳкамланган қалъа, қишлоқ; зиндон, авахта, қамоқхона.

**ОСИЁ ПУЛИ** ёки тегирмон пули — Бухоро амирлигида ҳар бир сув тегирмонидан йилига 20 тангадан 100 тангагача (3 сўмдан 15 сўмгача) олинадиган солиқ.

**ОТАЛИҚ** (*ўзб.*) — ота сўзидан олинган. «Ота ўрнига ота» деган маънода ишлатилган. 1 уруғ таркибига кирган гуруҳнинг бошлиғи; 2 ўзбек хонликларида хонзода ва шаҳзодаларнинг тарбиячиси, валиаҳд ёшлигида унинг номидан давлатни бошқарувчи мансабдор, регент (*қ.*); хоннинг бош кенгашичи, сарой олий мансабдорларидан бири.

**ОТА УРУҒИ** — патриархат (*қ.*).

**ОТАШКАДА** (*форс.-тож.*) — оловхона, оташхона; оташпарастларнинг доимий олов ёниб турадиган махсус бино-ибодатхонаси. Зардуштийликда олов муқаддас ҳисобланиб, унга сиғинганлар. Ҳар бир шаҳар, ҳатто каттароқ қишлоқда ҳам О. бўлган. Зороастризм ибодатхонаси.

**ОТАШПАРАСТ** (*форс.-тож.*) — ўтга сиғинувчи, ўтга сажда қилувчи, маъжусийлик; оташпарастлар; табиатнинг асосий кучларидан бири сифатида ўтга сиғиниш ибтидоий жамоа даврида деярли ҳамма халқларда пайдо бўлган. Ўтга сиғиниш оловнинг инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлгани ва уни сақлаш қийинлиги натижасида вужудга келган; зардуштийлик (*қ.*) динида ҳам ўтга сиғиниш асосий ўрин тутади. Қулдорлик ва илк феодализм даврида эр. ав. минг йиллик бошларида Урта Осиё, Эрон ва Озарбайжонда асосий дин ҳисобланган зардуштийлик олов гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч деб ҳисоблангани учун бу дин О. деб ҳам аталади.

**ОТЗОВИСТЛАР** — Россия большевиклар партиясидан 1908 й. да вужудга келган оппортунистик оқим —

А. Богданов, Г. Алексинский ва бошқ. О. лар Давлат думасидаги социал-демократик депутатларни чақириб олишни талаб қилдилар, касаба союзулари каби легал ташкилотларда ишлашдан бош тортар эдилар. О. лар пролетариат ва унинг партиясидан майда буржуа ҳамроҳлари бўлиб, ўз оппортунистик йўлини «сўл гаплар» билан ниқоблаб иш кўрувчи ликвидаторлар эди. Большевиктик «Пролетариат» газетаси редакцияси 1909 й. да ўтказган кенгайтирилган кенгашда О. лар большевизмга ёт бўлган оқим сифатида қораланди, улар большевиктик партиядан чиқарилди. Кейинчалик хонин Троцкийнинг ташаббуси билан О. лар ликвидаторлар билан бирга партиёга қарши август блокаига бирлашдилар. В. И. Ленин бошчилигида большевиклар О. ларга ва ликвидаторларга қарши аёвсиз кураш олиб бориб, реакция йилларида партиёнинг яширин ишлашини таъминладилар. В. И. Ленин 1909 й. да О. ларга баҳо бериб, у большевизмнинг энг ашаддий душманлари томонидан ўйлаб чиқарилиши мумкин бўлган ва унга қарши ишланган энг ёмон сиёсий карикатурадир, деган эди.

**ОТКУП** (*рус.*) — ўлпон, ижара, ялписига сотиб олиш; Россияда 15-аср охири—16-аср бошларидан то 1863 йилгача вино, арақ ишлаб чиқариш ва сотишдан олинадиган йиғимни давлатдан маълум суммага сотиб олиб, халқдан ошиғи билан йиғиб олиш тартиби. О. тартиби сотиб олган шахсларга катта даромад келтиргани ҳолда, меҳнаткаш халқ оммаси аҳолининг янада ёмонлашишига олиб келган.

**ОТРУБ** — 1906—1917 йй. ларда қулоқ хўжалиklarини кўпайтириб, уларни чоризмнинг қишлоқдаги таянчига айлантириш мақсадида подшо

маъмурлари томонидан жамоага қарашли ерлардан кесиб, тўқ деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилган ер; Столипин отруби.

**ОФТОБАЧИ** — ўзбек хонликлари ва Шарқнинг айрим мамлакатларида ҳукмдор саройида ҳукмдорнинг қўлига офтоба — сув қуювчи, давлат ишлари билан шуғулланувчи мансабдор.

**ОХОТНОЯДЕЦ** — ашаддий қора гуруҳчи, погромчи, қиргин қатнашчиси; кўпинча студентларнинг йиғилиш ва намоишларига қарши курашда полиция томонидан ташкил этилган қиргинларнинг актив қатнашчиси.

**ОХТАЧИ, ОХОТАЧИ** — мироҳўр, сайис, отбоқар; жиловдор; ўзбек хонликларида сарой амалдорларидан бири.

**ОШМЕҲТАР** (ўзб.) — Хева хонлигида хон дастурхонига тортиладиغان таомларнинг пиширилишига жавобгар бўлган киши.

**ОЯТИЛЛО** (а.) — мўъжиза; туғ ва Оллоҳ мўъжизаси, илоҳий туғ; исломнинг шиа (қ.) мазҳабида ўз муршидлари, шогирдлари, маслакдошлари бўлган, шунингдек муайян территорияда яшовчи атоқли диний арбоблар орасида шуҳрати кетган диний олимнинг руҳоний рутбаси.

Шиа анъаналарига кўра, ақонд, яъни ислом илоҳиёти, хадис (қ.) лар ва мусулмон ҳуқуқи (фикх) соҳасида мукаммал маълумоти бўлган, «тақводорона» ҳаёт кечирадиган, ислом таълимотини ва шариат нормаларини мустақил шарҳлай оладиган диний арбобгина О. бўла олади. Одатда О. шиизм анъаналарига ўз қўшимчаларини киритган асар муаллифи бўлади. Эронда турли даражали обрў-эътиборга эга бўлган юзга яқин, айрим маълумотларга кўра, бир неча юз О. бор. Эронда

империализм ва унинг малайи шоҳаншоҳга қарши курашда ном чиқарган диний-сиёсий арбоб Оятилло Хумайни Буюк О. ҳисобланади.

**ОҚСОҚОЛЛАР** (ўзб.) — Хева хонлигида мансабдор ва ҳурматли кишилар бўлиб, элчиларни қабул қилар ёки бошқа тантанали маросимларда қатнашар эдилар; ўрта асрларда қишлоқ жамоаси бошлиғи; Тошкент ва бошқа шаҳарларда даҳа (қ.) бошлиғи.

**ОҚСУЯК** (ўзб.) — аслзода, зодагон, олий табақадан чиққан киши; феодал жамиятида имтиёзли синфларнинг юқори табақасига мансуб шахслар — хонлар (қ.), султонлар (қ.), ўғлонлар (қ.) ва йирик феодаллар.

## П

**ПАВЛИКИАНЛАР** — Апостол (қ.) Павел номидан. Византияда, Ғарбий Арманистонда энг йирик халқ бидъатлик (еретик) ҳаракатининг қатнашчилари, халқ оммаси, асосан деҳқонларнинг феодаллар зулмига қарши кураш шакли бўлган бу ҳаракат айниқса 9-аср ўрталарида кенг ёйилган, деҳқонлар Кичик Осиёда ўз давлатларини ташкил этганлар. 9-асрнинг 70-й. ларида П. ларнинг асосий кучларини Византия қўшинлари тор-мор келтирган. П. ларнинг бир қисми маслак жиҳатидан ўзларига яқин бўлган богомиллар (қ.) билан қўшилиб, курашни давом эттирган.

**ПАГАНИЗМ** (лат.) — бутпарастлик; бутга, санамларга сажда қилиш; мажусийлик.

**ПАГОДА** (португ.-ҳинд) — муқаддас; Узоқ Шарқ мамлакатларида — Япония, Хитой, Вьетнам, Корея, Ҳиндистонда диний маросимлар ўтказиладиган будда иншоотларидан бири хили. Бу миғрасимон, кўп қиррали

кўп қаватли, будда дини нуқтан назаридан муқаддас саналадиган нарсалар сақланадиган ибодатхонадир. П. лар Хитойда кўпинча темирдан, Корейда тошдан, Японияда ёғочдан қурилган енгил ва хушбичим бинолар.

**ПАЖ** (*фр.*)— Урта асрлар Европасида йирик феодал ёки король ҳузуринда хизмат қилувчи дворян йигит; маҳрам; 19-аср бошларигача Ғарбий Европа мамлакатларидаги саройларда феодал ёки монархнинг шахсий хизматкори; кичик мансаб; 1711 й. дан бошлаб Россияда паж ва камер-пажлар, подшо саройида шу хонадонга мансуб кишиларнинг турли топшириқларини бажарувчи мансабдор. Кейинроқ паж корпусининг (қ.) толиби.

**ПАЖЛАР КОРПУСИ** — Петербургда 1759 й. да генераллар ва олий мансабдорларнинг болалари учун ташкил этилган ҳарбий ўқув юрти; паж ва камер-пажлар тайёрлайдиган имтиёзли ҳарбий ўқув юрти. 1802 й. да П. к. кадетлар корпуси типидagi ўқув юртига айланган.

**ПАЙЗА** (*мўғ.*)— мўғулларда Чингизнинг буйруғи билан жорий этилиб, олтин, кумуш, чўян, бронза ёки ёғочдан ишланган сўпоқ тахтачага ёзилган лавҳа, у хон томонидан айрим шахсларга алоҳида хизматлариши тақдирлаб берилган. П. бирор топшириқ билан ўборилган шахсга берилган расмий ҳужжат вазифасини ўтаган. П. Мўғулистон ва мўғулларга итоат эттирилган ерларда рухсатнома ёки паспорт ўрнида юрган. П. си бор одам ҳукуматдан ёрдам, ўзига озиқ-овқат ва отига ем олиб турган. Маҳаллий ҳукумат арбоблари П. бор кишиларга от, йўл кўрсатувчи киши, озиқ-овқат ва бошқа ёрдамларини беришга мажбур эдилар. П. нинг даражасига қараб унга қуш ёки ҳайвон сурати солинган бўларди.

Энг юқори даражали П. бетига йўлбарс бошининг сурати солинган эди. П. си бор кишиларни мўғул аскарлари талаш ва жазолаш ҳуқуқига эга эмас эди.

**ПАЙСА**—1 қадимги оғирлик бирлиги. Ҳар жойда ҳар хил ишлатилган. Наманган, Қўқон, Фарғонада бир П. 26,6 гр. га, Тошкентда бир П. 32,2 гр. га тенг бўлган. Ўтмишда Ўзбекистоннинг айрим районларида 50 граммдан бир оз ошиқроқ келадиган оғирлик ўлчови. 2 Бухоро амирлигида қимматли рус пулининг 5 тийинига тенг бўлган чақа пул — бирмири; 3 19—20-асрларда ҳинд князликларида турли чақа пулларнинг умумий номи; П.  $\frac{1}{64}$  рупийга тенг.

**ПАЛАДИН** (*лат.*)— сарой аҳли; подшо саройидаги амалдор, мулозимлар. Буюк Қарлнинг сафдоши, кейинроқ доворак рицар (қ.), ўз ҳукмдорига садоқатли шахс маъносида ишлатилди. Урта асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари саройларидаги йирик амалдор, тўра.

**ПАЛАТА** (*лат.*)— сарой, қаср; 1 ўтмишда рус архитектурасида 2—3 ва ундан ортиқ қаватли тошдан ёки ёғочдан ишланган кўп хонали ҳашаматли турар жой. 17-асрда унча катта бўлмаган сарой бинолари; зал типидagi катта ва ҳашаматли ички хоналар ҳам П. деб аталган (Москва Кремлидаги Оружейная П. ва бошқалар). 2 баъзи капиталистик мамлакатларда қонун чиқарувчи олий давлат органини ташкил этувчи, турли табақа вакилларидан ёки депутатлардан иборат муассасаларнинг номи; парламентнинг юқори палатаси; СССР Олий Совети икки палатадан: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат; Польша, Руминия, Болгария ва бошқа социалистик республикаларда давлат ҳокимиятининг бир палатали олий органи.

**ПАЛЕОЛИТ** (лат.-грек.)— тош; қадимги тош асри; тош асрининг энг қадимги даври. Бу даврда ибтидий одамлар тошдан турли қуроолар ясай бошлаганлар. П. Қуйи (илк), Урта ва Юқори (сўнгги) даврларга бўлинади. Қуйи П. бундан 2 млн. йилдан олдинроқ бошланиб, 100 минг йил илгари тугаган. Урта П. га ўтиш бундан 100—40 минг йил аввал содир бўлган. Об-ҳаво янада совishi натижасида иссиқликка мослашган ҳайвон ва ўсимликлар ўрнига совуққа мослашган мамонтлар, айиқлар, каркидонлар, отлар, йирик кийиклар лайдо бўлган. Одамлар табиатдаги тайёр оловдан фойдаланибгина қолмай ўзлари ҳам олов ҳосил қилишни, ибтидий турар жойларни қуришни ўзлаштирганлар. Юқори П. бундан 35—10 минг йил, илгари ўтган. Бу даврда одамлар суяк ва шохдан игна, қармоқ, бигиз, камон ўқи, найза ясай олганлар. Инсоният жамяти П. да ибтидий одамлар подасидан матриархат (она уруғи) уруғчилик жамоасигача бўлган йўлни босиб ўтган.

**ПАЛАХМОН, ПАЛАҚМОН** (форс-тож.)— улкан сопқон; катта тошларни отиш учун ишлатилган жуда қадимий ибтидий қурол; қадим замонларда қалъа деворларини бузишда қўлланилган махсус уруш қуроли; тошотар.

**ПАН** (грек.-поляк)—1 қадимги грек афсоналарида ўрмон, чорва овчилари ҳомийси; кейинроқ — эр. ав. II асрдан табиат худоси. П. эчки шохли, туёқли ва соқолли одам қиёфасида тасвирланган. 2 феодал-буржуа Польшаси, Чехословакия, революциягача Белоруссия ва Украинада катта бой, помещик ва уларнинг номи олдиға тақсир, жаноб маъносида қўшиб ишлатилган сўз.

**ПАНАМЕРИКАНИЗМ** — Латин Америкаси (қ.) мамлакатларини асо-

ратға солиш ва Фарбий ярим шарда АҚШ бошчилигида тажовузкор ҳарбий иттифоқ тузиш учун АҚШ империалистлари фойдаланадиган реакция сийёсат, доктрина (назария) бўлиб, у Америка қитъасидаги ҳамма мамлакатларни АҚШга бўйсундиришни кўзда тутади. АҚШнинг империалистик доиралари томонидан Латин Америкасида амалга оширилаётган эъраволик сийёсати, АҚШ П. байроғи остида бутун 19- аср давомида ва 20- аср бошларидан эътиборан Латин Америкаси (қ.) мамлакатларига нисбатан агрессив сийёсатни янада кучайтириб юборди. «Америка америкаликлар учун» деган демагогик широрлар ниқоби остида АҚШ империалистлари ўзларининг шахсий империалистик манфаатларини кўзлаб, Европадаги мустамлакачи давлатларга қарши кураш олиб борадилар. Эндилликда АҚШ монополиялари Фарбий ярим шар ишларига «коммунистларнинг аралашуви»га йўл қўймаслик, «коммунистик хавф»дан, «совет хавфи»дан сақланиш ниқоби остида ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун курашмоқдалар. Америка давлатлари ташкилотининг 1975 й. июль ойида Сан-Хоседа бўлиб ўтган 16- маслаҳат кенгашида АҚШ кўрсатган кучли таъйиққа қарамай, Кубага нисбатан эмбарго (қ.) нинг бекор қилиниши П. ғоялари ҳалокатга учраётганидан далолат беради. П. Латин Америкаси мамлакатларидаги халқ оммасининг тобора катта қаршилиғига дуч келмоқда. Ўз озодлиғи ва мустақиллиғи учун курашда Куба ва Чили халқларининг қўлға киритган тарихий ғалабаси (1973 й. сентябрида Чилидаги реакция ҳарбий тўнта-ришгача) П. га берилган жиддий зарба бўлди. Латин Америкаси халқларининг П. га қарши ҳаракати тобора кучайиб бормоқда.

**ПАНАРАБИЗМ** — араб буржуазияси ичидаги барча араб давлатларини бирлаштириш ғоясини олға сурувчи миллатчилик оқими. Тараққиётнинг маълум босқичида, араб давлатлари империалистик мамлакатлар асоратидан қутулиш учун кураш олиб борган даврларда П. прогрессив воқеа бўлган.

**ПАНГЕРМАНИЗМ** — 19-асрда герман буржуазияси ва юнкерларнинг энг тажовузкор намояндалари томонидан илгари сурилган реакцион, шовинистик сиёсий доктрина (қ.). Пангерманистлар мустамлакаларни қайта тақсимлашни, бошқа халқлар, асосан, славянларнинг ерларини босиб олиш ҳисобига Германия империясини зўр бериб кенгайтириш ва «Улуғ Германия» вужудга келтиришни талаб қилдилар. 1891 й. да П. лар пангерман иттифоқини туздилар. Пангерманистлар немисларнинг жаҳондаги барча халқлардан устунлиги ҳақидаги инсониятга қарши қаратилган ирқий назарияни тарғиб қилдилар. 1933 й. да Германияда ўз диктатурасини ўрнатган гитлерчилар ваҳшиёна шовинизмни янада кўпроқ авж олдириш учун П. дан фойдаландилар.

**ПАНИСЛОМИЗМ** — ҳукмронлик ва ислом; 19-асрнинг охириги чорагида Яқин ва Урта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида Жамолиддин Ал-Афғоний (1839—1897 йй.) бошчилигида вужудга келган, мусулмон меҳнаткашларининг синфий курашини сўндириш мақсадида ислом динидаги барча халқларни бир давлат қилиб бирлаштиришни тарғиб қилиб келган реакцион диний-сиёсий идеология. Империализм экспанцияси кучайган ва Шарқда капиталистик муносабатлар таркиб топа бoshлаган даврда В. И. Лениннинг ибораси билан айтганда, П. «Европа ва Америка империализмига қарши озодлик

ҳаракатини хонлар, помещиклар, муллалар ва шулар кабиларнинг позициясини мустаҳкамлаш билан бирга қўшишга уринди». Бунинг учун П. Эрон шоҳи ёки турк султонлиги папоҳи остида бирлашган мусулмон давлати ташкил қилиш ғоясини олға сурди. Турк султони Абдул Ҳамид П. дан Туркиянинг босқинчилик планларини амалга оширишда фойдаланишга уринди. Россияда жадидлар (қ.) 1905—1907 йй. даги революциядан сўнг мусулмонларнинг бирлиги ғоясини меҳнаткашларнинг интернационал биродарлиги ғоясига қарши қўйдилар. 2-жаҳон уруши арафасида ва уруш йиллари П. Шарқ халқларининг миллий озодлик ҳаракатига нифоқ солувчи восита сифатида намоён бўлди.

Октябрь социалистик революциясидан сўнг империализм идеологлари ва уларнинг Волга бўйи ҳамда Қримда яшовчи буржуа интеллигенцияси ичидаги тарафдорлари ундан контрреволюция байроғи сифатида фойдаланишга уриндилар. П. дан империалистик доиралар Осие ва Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракатларига қарши курашда фойдаланиб келмоқдалар. Англия ва АҚШ папоҳи остида «Ислом блоки» тузиш йўлидаги уринишлар ривожланаётган мамлакатларда антиколониял бирдамликни заифлаштиришни назарда тутди.

**ПАНТЕОН** (грек.-лат.) — ибодатхона; сағана, маъбад; 1 Қадимги Римда барча худоларга бағишлаб 2-асрда қурилган ибодатхона; 2 машҳур шахслар мақбараси (Римда — Рафаэль, Б. Перуцци; Париждаги Сент-Женевьев черкови кейинроқ П. га айлантирилиб, Ж. П. Марат, Вольтер, Ж. Ж. Руссо, В. Гюго, Э. Золя ва бошқалар дафн этилган). П. Лондонда ҳам бор.



**ПАНТУРКИЗМ** — пан ва турк; 19-аср охири, 20-аср бошларида Туркиянинг буржуа-помешчик донралари орасида ташкил топган оқим. П. Болқон ярим ороли, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Закавказье ва Волга бўйларида яшаб, туркий тилларда сўзлашувчи халқларни Туркия ҳимояси остида бирлаштириш ва «улуғ Турон» давлатини тузиш ғоясини олга сурувчи агрессив реакцион-шовинистик ғоя. Туркиянинг агрессив донралари учун П. ёш Совет республикасига қарши курашда агитация қуролига айланди.

Ўрта Осиё, Закавказье ва Татаристон жадиidlари (қ.) ва бошқа буржуа-миллий партиялари П. дан туркий тилларда сўзлашувчи халқларни Россиядан ажратиб олиш мақсадида фойдаланишга уриндилар. Бироқ бу реакцион идеологияни халқ оммаси қўллаб-қувватламади. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар Германияси П. дан СССР га қарши курашда фойдаланди. Туркиянинг реакцион донралари П. дан коммунизмга қарши курашда ҳамон фойдаланмоқдалар.

**ПАПИРУС** (лат.-грек.) — тропик ва субтропик ерларда сувда ўсадиган қамишсимон ўсимликдан қадимги замон ва илк ўрта асрда ясалган папирус — юпқа қоғоз; қадимги мисрликлар ва бошқа бир қанча халқлар шунга ёзганлар.

**ПАПА ОБЛАСТИ** ёки Черков области — католик черковининг бош руҳонийси бўлган Рим папасига қарашли область; Рим папаси бошлиқ сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган идора усули; у 8-аср ўрталаридан бошлаб, 1870 й. гача давом этган. Дастлаб 756 й. да франклар давлатининг қароли Пипин Пакана ўзига қароли унвони берган папа Стефан II га Рим шаҳри ва унинг

атрофидаги ерларни инъом қилган. Папа области 9-аср ўрталаригача буюк Қарл ва унинг ворислари империяси таркибига кирган. «Муқаддас Рим империяси» — герман давлати ташкил топганидан бошлаб (962 й.) то 12-асрнинг охиригача П. о. шу давлатга қарам бўлган. Фақат 1274 й. да П. о. нинг территорияси ва маъмурий тузуми бир неч марта ўзгарган, 1860 й. га келиб, бу областнинг территорияси Апеннин ярим оролининг бутун ўрта қисмини эгаллаган ва аҳолисининг сони 3 млн. кишига етган. 1861—1870 йй. да П. о. Италия қаролиги таркибига кирган. 1940 й. дан бошлаб П. о. эгаллаган майдон 44 гектар бўлиб, аҳолисининг сони тахминан бир минг кишидан иборат.

**ПАПАЛИК** — Рим папаси бошлиқ католик черковининг диний-монархистик маркази. П. 3-асрда Рим епископлиги заминиде шакллана бошлаган. 5-асрда Рим империяси инқирозга учрагач, у кучая борган. Папа турли мамлакатларнинг олий руҳонийларидан иборат кардиналлар кенгашида кўпчилик овоз билан умрбодга сайланади. Папанинг қароргоҳи Ватикан шаҳридир. Ғарбий Европада феодал муносабатлар ривожлана бошлагач, христианлик феодализм идеологиясига айланиши натижасида П. билан қаролар ўртасида мустақам иттифоқ вужудга келган. Рим папаси франклар давлатининг ҳокимларидан Пипин Паканага қароли, буюк Қарлга император унвонини берган (800 й.) Франклар давлати ҳокимлари папанинг сиёсий ва иқтисодий қудратини ошириш чораларини кўрганлар. Пипин Пакана томонидан Рим шаҳри ва унинг атрофидаги ерларнинг инъом қилиниши натижасида Папа области вужудга келган. П. феодал зулми, ижтимоий ва мулкий

тенгсизликни муқаддаслаштирди, мазлум халқларнинг синфий курашига қарши чиқди. Рим папалиги 11-аср охиридан бошлаб Шарқ мамлакатларини талаш ва асоратга солиш учун мудҳиш хунрезликлар ҳамда машъум инквизиция (қ.), салб юришлари ташкилотчиси бўлган, у католик черкови таъсирини Европа шарқиغا ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Рим немис босқинчи рицарларининг Балтика бўйи ва рус ерларига қилган агрессиясига илҳомчи бўлган. Рим папалиги ҳокимияти папа Иннокентий III (1198—1216 йй.) замонида, яъни Ғарбда феодал тарқоқлик авж олган, король ва императорлар ҳокимияти сусайган вақтда ўз қудратининг энг баланд чўққисига кўтарилган, папа ҳокимиятининг христиан оламида олий ҳокимият эканлиги, барча король ва императорлар унинг вассаллари эканлигига олинган. Бироқ феодал тартибларга қарши курашнинг кучайиши, фан, техника ва маданиятнинг ривожланиши натижасида католик черковининг чекланмаган ҳокимиятига зарба берилди. Реформация (қ.) ҳаракати туфайли айрим мамлакатларда П. мавқеи пасайди ва унга ёт протестант (қ.) черковлари пайдо бўлди. П. 18-аср охири ва 19-аср давомида Европада революцион ҳаракатга қарши курашнинг ташкилотчиси бўлган, 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, буржуа жамиятида меҳнат билан капитал ўртасидаги қарама-қаршилик кучайган, социализм ғоялари кенг ёйила бошлаган ва буржуазиянинг реакционлиги авжга чиққан вақтда Рим папалари буржуазиянинг реакцион доиралари билан яқинлашган. Империализм даврида П. тамомила монополияларга бўйсунган. Папа Пий 1930 й. да Совет Иттифоқига қарши салб юриши

эълон қилди. П. Италия ва Германияда фашистлар ҳокимияти, Испанияда фашистик диктатура ўрнатилишига ёрдамлашди. Иккинчи жаҳон уруши даврида П. тамомила фашистлар томонида туриб, социализмга қарши қутуриб кураш олиб борди. П. социалистик системанинг ашаддий душмани бўлса-да, тинчлик ва қуролсизланиш, мунозарали халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш позициясида турмоқда.

**ПАРВОНАЧИ**—1 вазир муовини; фармонбардор, фармонни ижро қилувчи; 2 17—18-асрларда Бухоро амирлари саройида олий унвонлардан бири. Бу мансабдор амир томонидан берилган ёрлиқларни тарқатган ва шу ўлкада яшовчи араблар иши билан шуғулланган.

**ПАРИҚЛАР** (грек.)—9—15-асрларда Византияда феодалларга қарам деҳқонлар. П. лар ер эгасига оброк (қ.) тўлашган ва баршчина (қ.) мажбуриятини ўташган. Деҳқонларни крепостной қилиш жараёни тезлашган даврда (10—11-асрлар) илгари эркин бўлган жамоачиларнинг кўпчилиги П. ларга айланган.

**ПАРЛАМЕНТ** (ингл.-фр.)—13-асрда биринчи марта Англияда тоифалар вакиллари органи сифатида вужудга келган; капиталистик мамлакатларда бутунлай ёки қисман сайлов асосида тузилдиган қонун чиқарувчи олий давлат органи. Эркин рақобат даврида парламент марказий ўринни эгаллайди. АҚШда П. конгресс деб, Швецияда риксдаг, Норвегияда—стортинг деб аталади ва ҳ. к. Империализм даврида буржуа давлат органи системасида ҳукумат ва унинг раҳбари—бош ми-нистр катта роль ўйнаб, парламентнинг аҳамияти пасая боради. Бир палатали П. лар; Финляндия сейми, Туркия мажлиси, Дания риксдагидан

ташқари деярли ҳамма буржуа мамлакатларининг парламентлари икки палатали бўлади. АҚШ да қуйи палата — вакиллар палатаси, юқори палата — сенат, Англияда қуйи палата — умум палата, юқори палата — лордлар палатаси деб аталади ва ҳ. к. Одатда П. депутатлигига тўғри сайлов йўли билан асосан ҳукмрон синф вакиллари сайланади. П. чиқарган қонулар давлат бошлиғи томонидан тасдиқланади.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** — парламентаризмга (қ.) асосланган; парламентар республика; парламентар тузум.

**ПАРЛАМЕНТЛИ МОНАРХИЯ** — буржуа давлатининг идора усуллари билан бири; расмий жиҳатдан давлат бошлиғи монарх — король, подшо ва ҳ. к. ҳисоблангани ҳолда бутун ҳокимият парламент ва бош министр қўлида бўлган буржуа давлати (жумладан, Буюк Британия, Бельгия, Дания, Норвегия, Швеция королликлари ва бошқалар).

**ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА** — буржуа давлатининг идора усуллари билан бири; ҳуқуқи парламент билан чекланган буржуа давлати.

**ПАРЛАМЕНТЕР** (фр.) — бир фикрга келиш учун музокара олиб борувчи, уруш вақтида урушувчи томонлардан бирининг қўмондонлиги томонидан иккинчи томон қўмондонлиги билан музокара олиб бориш учун вакил қилинган шахс. 1907 й. Гаага халқаро конференциясининг қарорига кўра П. лар составидаги шахслар дахлсиз ҳисобланади. П. учрашувга ўз символи бўлган оқ байроқча билан бориши одат тусига кирган.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** — конституцияга кўра расман парламент раҳбарлигидаги буржуа давлат тузumi. У феодал абсолютизмдан сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи органи — парламенти борлиги билан фарқ қи-

лади. Монополиялар ҳукмронлиги кучайган даврда ижро этувчи ҳокимият (президент, ҳукумат) кучайиши, парламент реал ҳуқуқлари қисқариши характерли хусусиятдир. Конституцияли монархия ва буржуа парламентли республика — П. нинг асосий формаларидандир.

**ПАРЛАМЕНТАРИЙ** (фр.) — парламент депутаты, парламент арбоби; парламентаризм тарафдори.

**ПАРТИЗАН** (фр.) — тарафчи; партизанлар ҳаракати қатнашчиси. Уруш вақтида душман томонидан босиб олинган ерларда ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи киши; ўз ихтиёри билан партизанлар ҳаракатига қўшилган киши.

**ПАРТИЗАНЛАР УРУШИ** — душман қўшинлари томонидан босиб олинган ерларда халқ оммасининг чет эл босқинчилари ва уларнинг маҳаллий ҳамтовоқларига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракати. Улуғ Ватан уруши даврида (1941—1945 йй.) совет партизанларининг фашист газандаларига қарши олиб борган кураши душман устидан қозонган ғалабамизнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

**ПАСТОР** (нем.-лат.) — протестантизм (қ.) мазҳабидаги руҳоний. Православ ва католик руҳонийларидан фарқ қилиб, у валинеъмат (ота) ҳисобланмайди, махсус ҳашаматли ибодат кийими киймайди; оддий кишилардек ҳаёт кечиради.

**ПАСХА** (грек.-қад. яҳуд.) — Ғ яҳудий ва христиан динларидаги асосий байрамлардан бири; эр. ав. III—II минг й. ларда П. Арабистонда кўчманчи чорвадор яҳудийларнинг баҳор байрами бўлган. Эр. ав. 15—13-асрларда яҳудийлар Фаластини босиб олиб, ўтроқ ҳаётга ўтганларидан сўнг, П. ҳосилли ўриб-йиғиш

арафасида ўтказиладиган байрам бўлиб қолган. Яхудийлар подшолиги Рим томонидан узил-кесил тор-мор келтирилгач (эр. ав. I аср), уларда П. «халоскор»нинг келишига ишониш билан боғлиқ бўлган байрамга айланган; 2 христианлар П. байрами Исонинг «тирилиши» ҳақидаги афсона билан боғлиқ бўлиб, баҳорда кун билан тун бараварлашган кундан кейинги биринчи якшанбадан бошлаб 40 кун (эски стилда 22 март—25 апрель) давом этади.

**ПАТЕР** (лат.)— дьякон; иерея унвонига эга бўлган католик монахи; католиклар руҳонийси.

**ПАТРИАРХ** (грек.)— ота ва бошқараман; православие черкови бошлигининг олий руҳонийлик унвони. П. 451 й. да жорий этилиб, христиан черкови Фарбий (католик) черков ва Шарқий (православие) черковга бўлингач, шарқий православие черковида сақланиб қолган. Византия империясида православие черкови тўрт П. (Константинополь, Александрия, Антиохия ва Қуддус патриархлари) томонидан бошқарилади. Болгария ва Сербияда мустақил славян давлатлари вужудга келгач, уларда ҳам П. жорий этилган. Россияда 1589 й. да черков соборида П. жорий қилинган; унгача митрополитик (қ.) бўлган. 16—17-асрларда йирик феодал ер эгасига айланган П. мамлакат сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. Патриарх Адриан вафот этгач, (1700 й.), янгиси сайланмаган, 1721 й. да П. тугатилиб, черков ишларига Синод (қ.) коллегияси раҳбарлик қила бошлаган. П. унвони рус православие черковининг соборида 1917—1918 йй. ларда тикланган. 1945 й. дан бошлаб П. Москва ва Бутун Русь П. и. деб аталади.

**ПАТРИАРХАТ** (грек.)— ота, бошқараман ва ҳукмронлик қиламан;

ота уруғи, ибтидоий жамоа тузумида матриархат— она уруғидан кейинги давр, оила хўжалигида ва ижтимоий муносабатларда эрлар ҳукмронлик қилган давр, оталик даври, синфий жамият ва давлатнинг вужудга келиш арафасидаги давр. Матриархат даврида иқтисодий жиҳатдан хотин-қизларга муте бўлган эркакларнинг деҳқончилик ва чорвачилик келиб чиққанидан кейин хўжаликнинг турли соҳаларидаги меҳнати асосий ўрнини эгаллагани туфайли жамиятдаги роли ошган. П. учун қариндошларнинг отага қараб белгиланиши, уруғдаги хўжалик бирлигининг йўқолиши, жуфт никоҳдан моногамия (қ.) га ўтилиши, хотиннинг эр жамоасига кўчиб ўтиши (патриархал никоҳ) ва катта патриархал оилаларнинг вужудга келиши характерлидир. П. даврида ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши натижасида уч хил йирик ижтимоий меҳнат тақсмоти юзага келган: 1) чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан; 2) ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан; 3) маҳсулотни доимий айирбошлаш учун шарт-шароит вужудга келиши натижасида савдогарлар синфи пайдо бўлган. Чорва молларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши эркакларнинг ролини янада оширган. Аммо ер узоқ вақтларгача жамоа қўлида қола берган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва хусусий мулкларнинг тўплана бориши оқибатида айрим уруғ-аймоқ ва оилалар иқтисодий жиҳатдан табақаларга— бойлар ва камбағалларга— бўлина бошлаган. Синфлар ва давлатнинг ташкил топиши учун объектив шарт-шароитлар вужудга келган; уруғ бошлиғи етакчилигидаги уруғчилик жамиятининг бир шакли.

**ПАТРИЦИЙ** (лат.)— ота; 1 қа-

димги Римда дастлаб уруғ жамоасига кирувчи, Рим халқини ташкил этувчи ҳамма ерли аҳоли; кейинроқ зодагон, аслзода, оқсуяк; қадимги Римда жамоат ерларини қўлда сақлаган ва бутун ҳокимиятга эга бўлган ерли бой ва зодагонлар уруғининг аъзоси (плебейнинг акси); 2 ўрта асрларда герман империяси эркин шаҳарларида бадавлат бюргерлар аристократиясига мансуб бўлган шаҳар бошқармасида устунлик ролини ўйновчи киши.

**ПЕРЕЯСЛАВ РАДАСИ** — украин халқ вакилларининг 1654 й. 8 январда Переяславга (ҳозирги Переяслав-Хмельницкий) Россиядан келган вакиллар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиши. П. р. да Украинанинг қардош Россияга қайта қўшилиши ҳақида тарихий қарор қабул қилинган. Шу туфайли Украина панлар Польшаси ва султонлар Туркияси зулми остига тушиб қолишдан халос бўлган. Украинанинг Россия билан қайта қўшилиши прогрессив воқеа бўлиб, ҳар иккала халқнинг қадимий сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларининг тикланиши ва янада ривожланиши учун қулай шароит яратган, чет эл босқинчилари, хоризм ва капитализмга қарши биргалашиб кураш олиб бориш имкониятини вужудга келтирган.

**ПАТРОН** (*лат.*) — ҳомий, ҳимоячи; қадимги Римда — ўзи озод қилган кишиларга ҳомийлик қилувчи тўла ҳуқуқли граждан, одатда, патриций (қ.); капиталистик мамлакатларда корхона хўжайини, муассаса бошлиғи.

**ПАЦИФИЗМ** (*лат.*) — капиталистик муносабатларни сақлаб қолган ҳолда доимий тинчликни таъминлаш мумкинлигига меҳнаткашларни ишонтиришга уринувчи буржуа сиёсий оқими. П. ҳар қандай урушларга, шу

жумладан, миллий озодлик урушлари, адолатли урушларга қарши чиқади. Пацифистларнинг фикрича уруш қон тўкилишига сабаб бўлгани учунгина унга қарши курашиш керак; бироқ улар урушга қарши курашда пассив ваъз-насиҳат қилишдан нарига ўтмайдилар. П. лар урушнинг синфий характери ва уни келтириб чиқарувчи сабабларни фош этмай, ишонтириш йўли билан урушнинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг империалистик давлатлар инсониятни ялпи қирғин воситалари бўлган ядро, нейтрон қуроллари ишлатилишига олиб борадиган уруш гирдобига тортишга уринаётган бир шароитда П. ларнинг талайгина қисми урушнинг олдини олиш, бутун дунёда тинчликни мустақамлаш учун олиб борилаётган курашга қатнаша бошлади.

**ПАҲЛАВИЙ** — Сосонийлар давридаги (янг. эр. нинг 3—7-асрлари) форс адабий тили.

**ПАҲЛАВИЙЛАР** — Эронда 1925 йилдан ҳукмронлик қилиб келган сулола. П. ларга Ризо шоҳ Паҳлавий (1878—1944) асос солган эди. 1980 йилда Эрон халқи томонидан тахтдан ағдарилган Муҳаммад Ризо шоҳ Паҳлавий ҳам шу сулоланинг вакили эди.

**ПАҲЛАВОН МАҲРАМ** (*ўзб.*) — Хева хонлари саройидаги мансабдорлардан бири; хўжалик ходими; хазина пули ҳисобига хон учун чой, тамаки, шам каби керакли нарсаларни сотиб олувчи, хонга чой ва чилим тутувчи.

**ПЕНАТЛАР** (*лат.*) — қадимги римликларда уй худолари; оила ва уй, кейинроқ бутун Рим халқининг ҳомийлари.

**ПЕННИ** (*ингл.-фин.*) — 1 Англияда қадим замонларда зарб этилган

кумуш пул. 17-аср охиридан бошлаб мисдан, 1860 й. дан бошлаб бронзадан зарб этилган. 2 Англияда майда пул бўлиб, фунт стерлингнинг  $\frac{1}{240}$  қисми ёки шиллингнинг  $\frac{1}{12}$  қийматига тенг; 3 фин маркасининг юздан бир қисми қийматига тенг бўлган фин тангаси.

**ПЕНТАГОН** (ингл.)—грекча «беш бурчак» сўзидан олинган; АҚШнинг ҳарбий муассасаси (Вашингтон шаҳри ташқарисида жойлашган АҚШ ҳарбий министрлигининг беш бурчак шаклидаги биноси номи). АҚШ монополияларининг жаҳонга ҳоким бўлиш мақсадларини амалга ошириш учун ялпи қирғин воситалари— атом, нейтрон қуроллари, химиявий уруш воситаларини тобора кўпроқ ишлаб чиқариш ташкилотчиси; АҚШ милитаризмининг симболи.

**ПЕРМАНЕНТ РЕВОЛЮЦИЯСИ** (лат.)—узлуксиз революция; П. р. ғояси биринчи марта 19-асрнинг 40-йилларида К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан олга сурилди. К. Маркс ва Ф. Энгельс «Марказий Комитетнинг Коммунистлар союзига мурожаати»да (1850 й.) буржуа революциясида пролетариатнинг вазифаларини белгилаб, пролетариат демократик вазифаларни амалга ошириш билан тўхтаб қололмайди, буржуазия эса ўзининг тор синфий талаблари қондирилиши биланоқ революцияни тўхтатишга интилади, пролетариат барча меҳнаткашларнинг курашига раҳбарлик қилиб, ҳама эксплуататорларни ағдармагунча ва давлат ҳокимиятини ўз қўлига киритмагунча революцияни узлуксиз давом эттириши керак, деб таълим берган эдилар. В. И. Ленин П. р. ғоясини ривожлантирди ва буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлиги ҳақидаги, буржуа-демократик революциянинг социалистик револю-

цияга ўсиб ўтиши ҳақидаги гениал фикрларни илгари суриб, узлуксиз революция ғоясини социалистик революция янги назариясининг асосий ғоясига айлантирди. Ишчилар синфининг душманлари Парвус ва Троцкийлар 1905—1907 йй. да «узлуксиз» революция «назарияси»ни яратиб, П. р. марксча ғоясини сохталаштирдилар. Бу контрреволюцион «назария»нинг моҳияти пролетариат иттифоқчиси бўлган деҳқонларнинг революцион родини, Лениннинг социалистик революция назариясини инкор этишдан иборат эди. Троцкийчилар алоҳида олинган бир мамлакатда социалистик революцияни амалга ошириш мумкин эмаслигини «исботлаш» га уриндилар. П. р. нинг троцкийча назарияси ҳозирги замон майда буржуа революционерлари авантюристик концепцияларининг манбаларидан биридир. Коммунистик партия меҳнаткашлар манфаатига зид бўлган ана шу меньшевистик «назария»ни фош қилди ва тор-мор келтирди.

**ПЕРСЕФОНА** (грек.)—қадимги грек афсоналарида ер кучини мужасамлаштирувчи маъбуда; ҳосилот маъбудаси, ер ости юдшолиги худоси, Демитра ва Зевснинг қизи, Анданнинг хотини; ўлганлар, арвоқларнинг ҳумқдори. Римликларда — Прозерпина.

**ПЕРУН** —христианлик қабул қилинганга қадар шарқий славянларда момақалдироқ, чақмоқ, ёғин ва деҳқончилик худоси; синфий жамият вужудга келиб, ривожлана борган даврда П. князь дружинаси ҳомийси; князь Олег греклар билан шартнома тузганда П. номига қасамёд қилган, христианлик қабул этилгач, П. муқаддас Илья Громовержец (момақалдироқ сочувчи) ҳисоблана бошлаган.

**ПЕТИЦИЯ** (лат.)—илтимос, ил-

тимоснома, ариза, арзнома; ҳукмдорга ёки юқори мансабдор номига кўпчилик томонидан бериладиган расмий арзнома ёки чақириқ; Чор Россиясида П. ёзиш ман этилган эди. 1905 й. 9 январь кунин Петербург ишчилари поп Гапон бошчилигида подшо номига ёзилган П. ни кўтариб, Қишки сарой олдига бордилар. Подшо уни қабул қилиш ўрнига ишчиларни ўққа тутишга фармон берди.

**ПЕТРОВ КУНИ** (Петров день) — православиедаги афсонавий Исонинг 12 шоғиридан икитаси — Пётр билан Павел шарафига ўтказиладиган (эски йил ҳисобида 29 июнда) диний байрам.

**ПЕТРОВКИ** — православларда Петров кунин олдидан тутиладиган рўза.

**ПЕТРАШЕВЧИЛАР** — 1845—1849 йй. ларда Петербургда ёш илғор рус интеллигенцияси тўғарагининг аъзолари. Тўғарак ташкилотчиси М. В. Петрашевский эди. Тўғарак декабристлар, В. Г. Белинский ва А. И. Герцен ғоялари, шунингдек Ғарбдаги прогрессив фикрлар, шу жумладан, Ш. Фурье ғоялари таъсирида майдонга чиққан. П. лар программасида феодал-крепостниклик тузумини тугатиш талаб этилади. Тўғаракда деҳқонларни озод этиш лойиҳалари, хаёлий социализм масалалари, самодержавие ўрнига республика барпо қилиш, матбуот эркинлиги ҳақидаги ва шу каби масалалар муҳокама қилинган. Тўғаракда икки хил йўналиш: революцион-демократик (М. В. Петрашевский, Н. А. Спешнев, А. В. Хаников ва б.) ҳамда либерал йўналиш (А. П. Беклимишев, Н. Я. Данилевский, Ф. М. Достоевский ва ҳ. к.) намён бўлган. П. лар яширин жамият тузиш, деҳқонлар қўзғолонини тайёрлаш, яширин босмаҳона ташкил этиш, тарғиб этувчи

адабиётлар нашр қилишни мўлжаллаган эдилар. П. лар 1849 й. апрелида қамоққа олинган, улардан 22 киши суд қилиниб, 21 таси ўлимга ҳукм қилинган, жазо сургун билан алмаштирилган, бошқа қисми солдатлик хизматига юборилган. П. рус озодлик ҳаракати разночинецлар даврининг бошланганлиги нишонаси эди.

**ПЕШКАШ** (форс.-тож.) — совға, ҳадя, тортиқ, инъом; ўрта асрларда ўзбек хонликлари ва Шарқнинг айрим мамлакатларида маҳаллий ҳокимлар томонидан ҳукмдорлар — хонлар, султонлар ва олий даражали давлат мансабдорларига аҳолидан тўплаб бериладиган совға.

**ПЕЧЕНЕГЛАР** — 8—9-асрларда Волга дарёсининг қуйи оқими билан Ёйиқ дарёси оралигида, 9-асрда — жанубий рус чўлларида кўчиб юрган, туркий тилларда гаплашувчи турк ва сармат чорвадор қабилалари. Улар 10—11-асрларда Дунай бўйларидан бошлаб Доннинг қуйи оқимигача бўлган бепоён ерларни эгаллаганлар. 11-асрда П. ларда феодал муносабатлар вужудга келган бўлса-да, лекин патриархал кўччилик ҳам анча ривожланган. П. лар 13 коллен (уруғ)га бўлиниб, уларнинг ҳар бири ўз князи томонидан идора этилган. 944 й. да П. лар Киев князи Игорь билан бирга Византияга юришда қатнашганлар. 968 й. да П. лар Киевни қамал қилганларида князь Святослав уларни тор-мор қилган. Византияга юришдан қайтиб келадиган Святослав (972 й.) Днепр тўғаноқлари ёнида П. лар томонидан ўлдирилган. Рус, қипчоқ ва бошқа кўчманчиларнинг сиқуви натижасида П. лар Дунайнинг қуйи оқими томонига сурлиб, 10-аср ўрталарида Болгария, Македония, Фракияга ва Адрианополгача етиб бордилар, кейин

қипчоқлар, мўғул-татарлар билан аралашиб кетдилар.

**ПИКЕТ** (*фр.*)—1 соқчилар отряди; 2 Франция ва бошқа баъзи мамлакатлар армияларида, 19-асрда эса Россия қўшинида ҳам 2—4 км масофадаги душман томонига юбориладиган отряд; 3 капиталистик мамлакатларда ишчилар иш ташлаган вақтларда корхонага штрейкбрейхерларни (қ.) киритмаслик учун дарвоза олдида навбатчилик қилувчи ишчилар отряди; 4 капитал дунёсида намойишни ҳужумдан қўриқловчи намойишчилар группаси.

**ПИР** (*форс.-тож.*)—кекса киши; ўргатувчи; раҳбар—диний тариқат ёки маслак етакчиси; раҳбар, шайх, эшон.

**ПИРАМИДА** (*грек.*)—қадимги Мисрда эр. ав. 28—16-асрлар ўртасида тошдан ёки пишиқ ғиштдан пирамида шаклида қурилган баҳайбат иншоот. Пирамидалар ичидаги махсус хонага Миср фиръавлари—подшолари дафн этилган. Улардан энг катталари Гизедаги фиръавн Хеопс (баландлиги 146,59 м.) ва фиръавн Хефрен (баландлиги 143,5 м) П. ларидир.

**ПИСТИРМА** (*ўзб.*)—жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида татбиқ этилган қадимий жанг усулларида бири. Тўсатдан зарба бериш йўли билан душман аскарлари ва техникасига шикаст етказиш мақсадида олдиндан тайёрлаб қўйилган, аскарлар ва артиллерия билан таъминланган яширин қурилма, жой. Ҳозирги замон уруш ҳаракатларида П. дан кенг фойдаланиб келинмоқда.

**ПИШЧАЛЬ**—қадимги Русда (15—17-асрларда) оғзидан ўқланадиган узун, оғир милтиқ, замбарак; П. дастлаб қалъаларни мудофаа этиш учун, сўнгра эса жангларда ҳам қўлланилган.

**ПЛАНТАЦИЯ** (*лат.*)—катта ер майдони; асосан кофе, чой, шакарқамиш, тамаки, пахта каби махсус парвариш талаб қиладиган техника ўсимликларини экиш билан шуғулланадиган йирик капиталистик деҳқончилик хўжалиги; 17—19-асрларда Англия, Франция, Испания ва Португалия мустамлакаларида асосан қуллар меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши. Ҳозирги вақтда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида АҚШ монополиялари қўлида бўлган хўжаликлар. П. хўжалигида капиталистик ишлаб чиқариш усули, эксплуатациянинг капитализмгача бўлган методлари, мажбурий меҳнатнинг турли шакллари қўлланилади.

**ПЛАНТАТОР**—плантацияга эгалик қилувчи шахс.

**ПЛАНТАЦИЯ ҚУЛЧИЛИГИ**—16—19-асрларда, яъни бошланғич капитал жамғариш ва Осиё, Африка ҳамда Американи мустамлакага айлантириш даврида Испания, Португалия, Голландия, Франция ва Англия мустамлакачилари Қариб денгизи ва Латин Америкаси мамлакатларидаги ўз плантацияларида Африкадан зўрлаб олиб келинган кўп сонли қулларни эксплуатация қилиб, ҳисобсиз бойлик орттирган эдилар.

**ПЛАЦДАРМ** (*фр.*)—қўшин тўпланадиган майдон; ҳарбий-стратегик операциялар тайёрланадиган майдон. Хужум қилиш учун мустаҳкамланган ва қулай район; ҳужум бошлаш ва урушга тайёргарлик кўриш учун фойдаланиладиган территория.

**ПЛЕБЕЙ** (*лат.*)—оддий халқ; 1 қадимги Римда қўйи синфларга мансуб бўлган шахсан озод, аммо сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган кишилар. П. жамоа ерларидан фойдалана олмас, фақат ху-



сусий мулк тариқасида чек ерга эга бўла олар эди. П. лар турли мажбуриятларни бажаришар, асосан майда ерларда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланишар эди. П. лар билан патрицийлар (қ.) ўртасида тенг ҳуқуқли бўлиш учун эр. ав. 5-аср бошидан 3-аср бошларига қадар кураш давом этган ва бу кураш плебейлар ғалабаси билан тугаган, яъни П. лар ҳам Рим халқи таркибига киритилиб, патрицийлар билан сиёсий ва граждон ҳуқуқлари жиҳатидан тенглашган; 2 ўрта асрларда, шунингдек кейинчалик шаҳар камбағалларининг кенг табақалари П. деб аталган.

**ПЛЕБС** (лат.)—қадимги Римда эркин аҳоли табақаларидан бўлган плебейлар (қ.) номларидан бири, республиканинг охири ва империя даврида (эр. ав. 1-асрдан эр. нинг 5-асригача) П. эркин аҳолининг кенг табақаси ҳисобланган.

**ПЛУТОКРАТИЯ** (грек.)—бойлик, куч, ҳокимият; бойлар ҳукмронлиги, пул ҳукмронлиги; мамлакатда сиёсий ҳокимият мулкдор синфларнинг юқори табақаси қўлида бўлиб, меҳнаткашлар оммаси тамомила ҳуқуқсиз бўлган давлат тузуми. Барча капиталистик мамлакатлардаги давлат тузуми тўла маънодаги П. дир. Масалан, АҚШда барча вакиллик муассасалари монополистлар манфаатини ифодалайди, прогрессив ташкилотлар ва арбоблар эса қаттиқ таъқиб этилади, давлат ҳокимиятининг барча соҳаларида молия олигархияси ҳукмронлик қилади; ҳозирги замонда П. капиталистик монополиялар манфаатларини кўзлаб, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва давлат ҳаётини бошқарувчи қудратли молия олигархияси; плутократ-капитал дунёсида ўз бойлиги орқасида таъсири ошган ва ҳокимиятга эга бўлган киши.

**ПОДУШИНА** (рус.)—жон солиғи; жон бошидан олинадиган солиқ; Пётр I томонидан 1722 й. да хўжалик бошидан олинадиган солиқ ўрнига жорий этилган солиқ. Дворянлар, руҳонийлар ва давлат хизматидаги шахслар П. дан озод қилинган. Бошқа барча эркаклардан П. ундириб олинадиган бўлган. П. 19-асрнинг 80—90-йилларида бекор қилинган.

**ПОДЪЕСАУЛ**—рус армиясининг казаклар қўшинида штабс-капитан ва штабс-ротмистрга тенг офицерлик унвони.

**ПОДЪЯЧИЙ**—16—17-асрларда Русь давлатининг турли идора органларидаги қуйи дьяк раҳбарлигидаги кичик амалдорлардан бири; котиб; иш бошқарувчи; мирзанинг ёрдамчиси. П. 18-аср бошида бекор қилинган.

**ПОЛИГАМИЯ** (грек.)—никоҳ; кўп никоҳлилик, кўп хотинлилик, кўп эрлилик; П. айрим қабила ва халқларда узоқ ўтмишнинг сарқити сифатида ҳамон давом этмоқда.

**ПОЛИС** (грек-лат.)—шаҳар-давлат; қадимги Греция ва Италияда синфий жамият шаклланаётган даврда вужудга келган (Спарта, Афина, Коринор, Милет, Эфес ва бошқ.). П. га шаҳар ва унинг теварагидаги озгина территория итоат этган бўлиб, у сиёсий ва маданий марказ ҳисобланган. П. лар. Грецияда эр. ав. 4-аср бошида, Римда 3—1-асрларда хусусий мулкчилик ўсган, қуллар меҳнатини эксплуатация қилиш кучайган шароитда инқирозга учрайди.

СССР территориясида П. лар Қора денгизнинг шимоли ва шарқий қирғоқларида эрамиздан ав. 8—6-асрларда вужудга келган (Тирас, Ольвия, Пантикапей, Херсонес, Диоскурия, Фасис ва бошқ.).

**ПОЛИТЕИЗМ** (грек.)—кўп ху-

доллиқ, бир неча худога сизиниш. Синфий жамият вужудга кела бошлаган дастлабки даврларда келиб чиққан. Худо, жин, дев, руҳ, арвоҳ ва шу кабиларга эътиқод қилиш. Қулдорлик Миср, Греция, Рим ва бошқалардаги динлар кўп худоди динларга мисол бўла олади. Ислом-гача араб қабилаларида П. нинг бир тури — мушриқийлик (қ.) дир. Ҳиндистондаги Ҳиндуизм ҳам П. бўлиб, Брахма, Шива ва Вишнуга эътиқод қилинган.

### ПОДШОСИЗЛИК МАҲАЛ

(рус.) — икки подшо оралиғида тахт бўш қолган вақт, чунончи, 1825 й. 19 ноябрда подшо Александр I вафот этган бўлса-да, укаси Николай I 14 декабрдан тахтга чиққан. Шу оралиқдаги вақт П. м. деб аталган.

**ПОДШОҲ, ШОҲ** (форс.) — ҳукмдор ва шоҳ; олий ҳукмдор, ҳоқон, султон. Дастлаб Эрон шоҳлари, илгариги турк султонлари, афғон, кейинроқ Яқин ва Урта Шарқдаги айрим мамлакатларда мутлақ ҳокимлик қилувчи ҳукмдорларнинг унвони ва шундай унвонга эга бўлган шахс; шоҳ, шаҳаншоҳ, шоҳлар шоҳи, подшолар подшоси.

**ПОЛИЦМЕЙСТЕР** (нем.) — Россия империясидаги губерния (қ.) шаҳарларда полиция бошлиғи. П. биринчи марта 1718 й. да Петербургда (генерал-прокурор), 1722 й. да Москвада (обер-прокурор), ҳамма губерния шаҳарларида 1782 й. да жорий этилган. П. ёрдами билан «тақводорлик, яхши ахлоқ ва тартиб» ўрнатиш, олий ҳокимият фармойишларини бажариш, суд ҳукмлари ва шу каби ишлар ижро этилган. П. мансаби 1917 й. февраль революциясидан сўнг тугатилган. П. га обер-полицимейстер ёки градоначальник бошчилик қилган.

**ПОЛИЦИЯЧИЛИК** — полиция кучига, жандармерияга таяниб иш

қўришга асосланган идора усули; зўравонлик. Полициячилик ҳукуматлари.

**ПОЛИЦИЯ** (нем.) — 1 давлатни идора қилиш; маъмурият; капиталистик давлатларда қуроли кулларнинг бир қисми бўлиб, армиядан фарқли ўлароқ, муттасил мажбур этиш ва зўрлик методлари билан мамлакатда ички жамоат ва давлат тартибни сақлаш учун ташкил этилган қуроли куч. П. нинг вазифаси ҳукмрон синфларнинг манфаатини кўзлаб, меҳнаткашларни итоатда сақлашдан иборат; АҚШ, Англия ва Франция каби йирик империалистик давлатларда П. прогрессив ва революцион ҳаракатларга, ишчилар ҳаракатига қарши курашда ашаддий реакцион роль ўйнайди.

Россияда П. 1718 й. Пётр I буйруғи билан жорий этилган бўлиб, помешчик ва буржуазия синфи манфаатларига хизмат қилган. Урта Осиё Россияга қўшилгач, бу ерда ҳам П. ташкил этилган.

П. ни фаолият асосий тармоқлари бўйича идора П. си, хавфсизликни сақлаш П. си, жиноят қидирув П. си, маъмурий П., сиёсий (махфий) П., ҳарбий П. (жандармерия) (қ.) ларга бўлиш мумкин. Айрим империалистик давлатларда, жумладан, АҚШ да давлат ихтиёридаги П. лардан ташқари йирик капиталистларнинг шахсий П. лари ҳам бор. 2 АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва бошқа капиталистик мамлакатлар қуроли кучларининг қуруқликдаги қисмларида ҳарбий хизмат. П. кўчаларда ҳаракатни назорат қилади, қочоқларни ушлайди, жиноятчиларни тергайди. 3 ГДР каби социалистик мамлакатларда П. милиция ролинн ўтайди.

**ПОЛОВНИКЛАР** — нимкорлар; қадимги Русда 14-аср—18-асрнинг охиригача феодалларга қарам деҳ-

қонлар категорияси. П. лар олинган ҳосилнинг ярмини ёки ундан кўпрогини феодалга берар эди. П. лар камбағаллашган деҳқонлар ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган эркин кишилар ҳисобига кўпая борган.

**ПОЛОВЕЦЛАР** — қипчоқлар; кўчиб юриб чорвачилик билан шуғулланган ва туркий тилда гаплашган қипчоқлар; улар 11—13-асрларда жанубий Русь даштларида ва ҳозирги Қозоғистоннинг марказий ва ғарбий қисмларида яшаган кўчманчи туркий халқ. Уларнинг Сургав ва Шарукан номи шаҳарлари бўлган. Уша вақтларда П. ларда илк феодал муносабатлари вужудга кела бошлаган. П. лар рус ерларида ва Византияга бостириб бориб, талончилик қилиб турганлар (1055 й. да —13-аср бошида). Мўғул-татарлар 1239 й. да Дашти қипчоқ чўлларига ҳужум қилганларида П. ларнинг бир қисми Венгрия ва Болқонга кўчиб бориб, жойлашган, қолган қисми эса мўғуллар билан аралашиб кетган.

**ПОП** (лат.) — коҳин ёрдамчиси; христиан (православие) черковида диний маросим ўтказувчи руҳоний; христианларнинг ўрта даражали руҳонийси.

**ПОМЕСТЬЕ** — помешчикнинг ер-мулки; феодализм даврида ҳарбий ёки гражданлик ишлари соҳасида ҳукмдорга хизмат қилгани учун инъом этилган ер. Бундай ерни эгаллаган шахс кўпинча помешчик деб аталарди, лекин у ер-сувини сота олмас, алмаша олмас, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга эмас эди. Фақат 18-асрдан бошлаб Россияда вотчина (қ.) ери билан поместье ери ўртасидаги фарқ йўқотилган, поместье ери ҳам мерос қилиб қолдириладиган бўлиб қолган.

**ПОМЕШЧИК** — революциядан ил-

гариги Россияда ва феодализм сарқитлари сақланиб қолган, ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда дворян; катта ер — поместье эгаси; умуман капиталистик жамиятда ҳукмрон синфга мансуб бўлган катта ер эгаси.

**ПОНСАД** (форс.) — понсабдоши, элликбоши; ўзбек хонликларида аскар бошлиқларига бериладиган унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган шахс; революциягача бўлган Туркистонда қуйи маъмурий мансабдор.

**ПОПУЛЯРЛАР** (лат.) — халқ; эр. ав. 2-аср охирилари —1-асрда Рим республикасида ғоявий-сиёсий оқим ўлароқ плебейлар (қ.), биринчи галда қишлоқ плейберлари манфаатини ифода этадилар. Ака-ука Гракхлар, Апулей Сатурнин ва Главция Сервилий энг атоқли П. лардан эдилар.

**ПОРФИРА** (грек.) — подшо салтанатининг белгиси; тож ёки шунга ўхшаш аломатлари бўлган узун, тўқ қизил сербар уст кийим; подшонинг тантанали маросимларда княдиган салтанат кийими.

**ПОСАД** — шаҳарча; қадимги Русда шаҳар (қалъа) деворлари ташқарисида жойлашган савдо-ҳунармандчилик райони. П. лар ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиққанидан далолат беради. Кўпинча монастырлар (қ.) атрофида ҳам П. лар вужудга келган. Кейинроқ аҳоли яшайдиган шаҳар типидagi жойлар ҳам П. деб аталган.

**ПОСАДНИК** —10—11-асрларда қадимги Русда князнинг шаҳардаги ёки областдаги ноиб ёки вече (қ.) томонидан сайлаб қўйилган шаҳар ҳокими. 2 12—15-асрларда Новгород ва Псков феодал республикаларида олий давлат мансабдори; П. лар вече (қ.) йиғилишида боярлар ичидан 6 ойдан бир йилгача бўлган муддатга сайланиб қўйилганлар.

**ПОСАД КИШИЛАРИ** — 10—13-асрларда посадларнинг савдо ва хунарманд аҳли.

**ПОСЕЙДОН** (грек.) — қадимги грек афсоналарида — денгизлар худоси, римликлар афсонасида — Нептун.

**ПОСЕССИОН ДЕҲҚОНЛАР** (лат.) — чор Россиясида хусусий завод-фабрикаларда, мануфактураларда ишлаш учун рўйхатга олинб қўйилган давлат крепостной деҳқонлари. Улар сотиб олинган деҳқонлар ва 1736 йил 7 январда имзо чекилган фармон асосида мануфактураларга бириктирилган, 18-аср бошидан крепостной ҳуқуқ бекор қилингунча мануфактураларда крепостной ишчи кучи бўлиб, қаттиқ эксплуатация қилинган.

**ПОСЕЛЕНИЕ** (рус.) — кўчириш, жойлаштириш, кўчиб келиш, жойлашиш; қишлоқ, овул; донмий сургун қилиш жойи; 19-асрнинг биринчи ярмида Россия империясининг ғарбий чегараларида ташкил этилган ҳарбий қишлоқлар ҳам П. деб аталган. Чоризм даврида мавжуд давлат тузумига қарши чиққанлар бадарга қилинган жойлар ҳам П. ҳисобланган.

**ПОША** (турк.) — илгари султонлар Туркиясида, Мисрда ҳарбий ва граждан амалдорларининг олий унвони (исмлари охирига қўшиб айтилади); кейинроқ генерал ва министрларга бериладиган фахрий унвон. Туркия республикасида фақат генералларда сақланган унвон; 1934 й. да тугатилган. Мисрда П. 1952 й. да, Ироқда 1958 й. да тугатилган.

**ПОШАЛИК** — илгари султонлар Туркиясида поша томонидан бошқариладиган вилоят.

**ПОШЛИНА** — бож; сотиладиган мол ва мулкдан пул билан олинадиган солиқ; импорт ва экспорт П. си.

**ПРАВИАНТМЕЙСТЕР** (нем.) — Пруссия ва Россия армиясида қў-

шинни озиқ-овқат билан таъминловчи ҳарбий мансабдор.

**ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИ** — Ғарбий Рим империяси қулагач, христиан дини икки асосий черковга — католик ва П. ч. га бўлинган. Черков айрим маъмурий ва судга оид вазифаларни ҳам бажарган. Константинополь патриархи Рим папасидан ўрнак олиб, бутун П. ч. нинг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. П. ч. дан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархига бўйсунган ва Русь черковининг бошлиғи — митрополити Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Шундан бошлаб митрополит 1598 й. да патриархликка айлантирилган. Москва ва Бутун Россия патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь патриархи билан тенглаштирилган. 17-асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон православие черкови реформасини ўтказган ва черков ҳокимиятини дунёвий (подшо) ҳокимиятидан юқорироқ қўйишга уринган, лекин подшо Алексей Михайлович (1645—1676) уни патриархликдан четлатган. 1721 й. да Пётр I патриархлик бошқармасини тугатиб, П. черковини диний коллегия — Синод қўлига топширди, черковни давлатга итоат қилувчи аппаратга айлантирди. П. ч. ўзининг бутун фаолияти давомида самодержавиега содиқ бўлиб, рус ва бошқа халқларни шафқатсиз эксплуатация қилишда чоризмга кўмаклашиб келган. 1918 й. да Совет ҳукумати черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет қабул қилди. Ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши йилларида П. ч. контрреволюция томонида туриб, Совет ҳокимиятига қарши курашди. Православие дини асосан греklar, болқон славянлари, ру-

минлар, рус, белорус ва украин халқ-лари орасида ёйилган.

**ПРАВОСЛАВИЕ** — тўғри, ҳаққоний фикр; христиан динидаги асосий мазҳаблардан бири. У христианлик ғарбий — католик ва шарқий — православие деб иккига бўлиниши натижасида таркиб топган. П. да бир-бирига боғлиқ бўлмаган 15 та мустақил черков мавжуд (Албан, Александрия, Америка, Антиохия, Болгария, Сербия, Чехословакия, Эллад, Константинополь, Иерусалим, Кипр, Грузин, Польша, Руминия ва Русь). П. да худо уч қиёфада намоён бўлади: худо-ота (кўзга кўринган ва кўринмаган дунёнинг яратувчиси); худо-ўғил (Исо-Иисус-Христос) ва фақат ота худо — отадан келиб чиқувчи худо-руҳ, авлиё. П. черкови ибодатхоналар жуда ҳашаматли бўлишига, ибодат қилишга катта аҳамият беради. П. черкови диндорлардан албатта ибодатхонага келиш, бут тақиб юриш, чўқиниш ва бошқа шу кабиларни талаб этади. Ҳамма динлар каби П. ҳам реакцион характерга эга бўлиб, динга ишонувчиларни у дунёда абадий-тугамас ҳаёт борлигига ишонтариб, инсон фаолияти ва ижодиётига салбий таъсир кўрсади.

**ПРЕДПАРЛАМЕНТ** — (расмий номи Россия республикасининг вақтли совети); Россияда 1917 й. (20 сентябрдан 25 октябргача) буржуа Муваққат ҳукумати ҳузурида эсер ва меньшевиклар ташаббуси билан турли партия ва ташкилотлар, шу жумладан, йирик буржуазия вакиллари-дан ташкил топган кенгаш органи. Меншевик ва эсерлар П. ёрдами билан мамлакатни буржуа-конституцион ривожланиш йўлига ўтказишни кўзда тутар эдилар. П. мажлиси 1917 й. 7 (20) октябрида очилди. Большевиклар фракцияси П. мажли-

сида ўз декларациясини баён этгандан сўнг байкот эълон қилиб, уни ташлаб чиқиб кетди. Социалистик революциянинг штрейкбрехерлари (қ.) Каменев ва Зиновьев ишчилар синфи ва унинг партияси диққатини 25 октябрга (7 ноябрга) мўлжалланган қўзғолонга тайёрланишдан четга тортиш мақсадида П. ишида қатнашишни қаттиқ туриб талаб қилган эдилар.

**ПРЕЗИДЕНТ** (лат.) — олдинда ўтирувчи; 1 республика формасида идора қилинадиган буржуа мамлакатларида давлат бошлиғи. П. 4 й. дан 7 й. гача муддатга тўғри сайлов йўли билан сайланади. У парламент олдида жавобгар эмас. Республика президенти давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлигининг ваколатларидан фойдаланади, мамлакатнинг қуроли кучлари унга итоат этади, у вето (қ.) ва бошқа кўп ҳуқуқлардан фойдаланади. АҚШ да П. айниқса катта ваколатга эга: ижро этувчи ҳокимият тамомила унинг қўлида бўлади, маъмуриятни назорат қилади, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам кўп жихатдан унга қарам бўлиб, у амалда конгресс (қ.) устидан контроллик қилади, армия, разведка органлари, сиёсий полиция бутунлай унга бўйсундирилган бўлади. Италия, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси каби парламент республикаларда П. ё парламент, ё парламент аъзоларидан иборат бўлган махсус коллегия томонидан сайланади ва расман давлат бошлиғи ҳисобланади; у министрларни ва бош министрни тайинлайди. Чехословакия Социалистик Республикасида П. халқ вакиллари томонидан сайлаб қўйилади ва ўз фаолияти учун халқ олдида жавобгар ҳисобланади. СССР ва иттифоқдош республикаларда П. функциясини Олий Совет Президиу-

ми ва унинг раиси бажаради. Бир қанча давлатларда министрлар совети (кабинети)нинг раиси; 2 айрим йирик жамиятлар, илмий муассасалар ва ташкилотларда П. сайлаб қўйилган раҳбар, раис унвони; СССР ва иттифоқдош республикалар фанлар академияларининг президентлари ва ҳ. к.

**ПРЕКАРИЙ** (лат.)— Ғарбий Европада феодал муносабатлар вужудга келаётган даврда ер эгалиги шаклларида бири. Катта ер эгаси кам ерли ёки ерсиз деҳқонларга баршчина (қ.) ёки оброк (қ.) мажбуриятини ўташ шарти билан вақтинча фойдаланиш учун ер берган. 7—9-асрларда айниқса кенг ёйилган. П. эркин деҳқонларни крепостнойлик гирдобига тортиш усулларида бири бўлган.

**ПРЕСВИТЕР** (грек.)— илк христианлик жамоасида унинг ишларини бошқарувчи шахс; христиан черкови ташкил топиши билан муқаддас руҳоний. Протестантизм (қ.) да жамоанинг сайлаб қўйилган раҳбари; католик ва православие динида — поп, ўрта даражали руҳоний.

**ПРЕТОР** (лат.)— қадимги Римда дастлаб консул (қ.) ва диктатор (қ.) ларнинг унвони; кейинчалик П. олий суд ҳокимиятини амалга оширувчи, ички тартиб ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мансабдор.

**ПРЕТОРИАНЛАР** (лат.)— қадимги Римда олдин лашкарбошиларнинг имтиёзли шахсий қоровуллари, кейинроқ император гвардиясининг жангчилари. Улар бошқа қисмларга қараганда кўпроқ маош олган, хизмат вақтлари қисқароқ бўлган. П. янғ. эр. 2-асрдан бошлаб Римнинг сиёсий ҳаётида катта ўрин эгаллаганлар, сарой ўзгаринларида қатнашганлар. П. император Константин томонидан тугатилган.

**ПРЕФЕКТ** (лат.)— қадимги Римда бир қанча маъмурий ва ҳарбий мансаблар номи; Франция ва бошқа бир қатор мамлакатларда олий ҳокимиятнинг департамент (вилоят)даги амалдори; баъзи буржуа мамлакатларида шаҳар полицияси бошлиғи.

**ПРИКАЗЛАР** — маҳкамалар; 16-асрдан 18-аср бошигача Русь дарлатининг марказий бошқарма органлари; разряд П. давлат аппарати ва армия шахсий составини қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлашга, элчилик П. ташқи алоқаларга, поместье П. ер ишларига ва бошқа территориял П. малороссия ва бошқа ерларга, Пушкир П. артиллерия ва чегара районларида ҳарбий истеҳкомлар қуриш, қурол-аслаҳага, Земский П. полиция ишларига, холоплар П. и қочоқ деҳқонларни излаб топиб, помешчик ва боярларга қайтариб бериш ишига масъул. Сибирь П. ва бошқа тоифали П., холоп-қароллар П., казаклар П. ва бошқа подшо саройи хўжалик ишларини олиб борувчи бир қанча маҳкамалар бўлган. Пётр I 1718 й. да коллегиялар (қ.) ташкил этгач, П. тугатилган.

**ПРИНЦ** (лат.-нем.)— шаҳзода; Россия ва Ғарбий Европада — ҳукмдор хонадони аъзоси ёки катта нуфузли князь унвони.

**ПРИНЦИПАТ** (лат.)— қадимги Римда қулдорлар диктатурасининг империяга айланиши даврида (эр. ав. 27 й. дан янги эрнинг 193 й. гача) вужудга келган давлат тузуми. П. нинг ташкил қилиниши қуллар қўзғолонига ва эркин камбағал аҳоли ҳаракатига қарши курашиш мақсадида Италия ва бошқа провинция қулдорларини жипслаштириш йўлидаги уриниш бўлган. П. даврида республика муассасалари (сенат, халқ йиғини, магистратуралар) зоҳиран сақ-

ланган бўлса-да, ҳокимият амалда пренцелс (сенаторлар рўйхати бошида биринчи ёзилган киши) қўлида бўлган. П. ривожлана бориб, 3-аср охирида ошкора монархияга айланган.

**ПРИПИСНОЙ ДЕХҚОНЛАР** (*рус.*) — рўйхатга олинган деҳқонлар; Россияда 18-асрдан 19-аср ўрталаригача аҳолининг феодалга қарам табақаларидан бири, улар жон солиғи (*қ.*) ва оброк (*қ.*) тўлаш ўрнига давлатга қарашли ёки хусусий корхоналарда ишлашга мажбур бўлганлар. 1861 й. да крепостной ҳуқуқ бекор қилинган, П. д. категорияси ҳам тугатилган.

**ПРОВИНЦИЯ** (*лат.*) — 1 вилоят; пойтахтдан узоқ жой; ўлка; қадимги Римда Италиядан хорижда истило қилиниб, римлик ноиблар томонидан идора қилинадиган территориялар; ўзга мамлакат; маъмурий бирдик. 2 Баъзи давлатларда ва 18-асрдаги Россияда губерна таркибидаги маъмурий-территориал бўлинма; вилоят; область.

**ПРИСТАВ** (*рус.*) — назоратчи; 1 Россияда 15—17-асрларда бирор кишини улуг князь ёки подшо судига чақириб учун юбориладиган мансабдор. 2 Революциядан олдинги маҳаллий полиция бошлиғи. Приставнинг ахтиёридаги полиция урядниклари, юзбошилар (шаҳарда ва қишлоқда ўнбошилар); полицияда асосий мансаблардан бири.

**«ПРОГРЕССИВ БЛОК»** — 1915 й. ги IV Давлат думасида реакцион буржуа-помешчик партиялари (октябристлар, прогрессивистлар, кадетлар ва бошқ.)нинг фракцияси. «П. б.» ниҳоятда мўътадил реформалар ўтказиш йўли билан халқ революциясининг олдини олиш ва монархияни сақлаб қолишни, урушни ғалаба қозонгунча давом эттиришни мақсад

қилиб қўйган. «П. б.» буржуазия вакиллари иштирок этадиган ҳукумат тузишни талаб қилди. Февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг «П. б.» нинг кўп вакиллари Муваққат ҳукумат составига кирдилар ва контрреволюциянинг фаол арбоблари-га айландилар.

**ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ** — социалистик революциянинг амалга оширилиши натижасида ўрнатилган ишчи синфи ҳокимияти. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, П. д. меҳнаткашларнинг авангарди — пролетариат билан меҳнаткашлар нопролетар табақалари синфий иттифоқнинг махсус формасидир.

П. д. тарихий зарурият бўлиб, у пролетариатга капитализмни тугатиш, у билан бирга кишини киши томонидан эксплуатация қилишга, социал ва миллий зулмнинг ҳамма формаларига барҳам беришдан иборат синфий мақсади, жаҳоншумул-тарихий миссиясини адо этиш учун зарур. Ҳар қандай воситалар билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга уринаётган буржуазияга қарши муросасиз кураш бораётган ҳозирги шароитда ишчилар синфига жамиятни революцион йўл билан қайта қуришдан, капитализмни тугатиш ва социализмни барпо этишдан бошқа йўл йўқ. Ишчилар синфининг деҳқонлар билан пролетариат раҳбарлигидаги иттифоқи П. д. нинг асосини ва олий принципини ташкил этади. П. д. ҳақидаги таълимот марксизм-ленинизм ва илмий коммунизмнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Капиталистик жамият билан коммунизм ўртасида биринчисини революцион йўл билан иккинчисига айлантириш даври ётади. Бу давр сиёсий ўтиш даври ҳамдирки, бу даврнинг давлати пролетариатнинг революцион диктатурасидан ўзга бў-

лиши мумкин эмас, деб таълим беради К. Маркс. Париж Коммунаси (1871 й.) П. д. ўрнатилганининг биринчи тарихий тажрибаси эди. В. И. Ленин янги, империализм ва пролетар революциялари даврида П. д. ҳақидаги К. Маркс таълимотини ривожлантирди. П. д. марксчи-ленинчи партия раҳбарлигида иш кўрувчи давлат, сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар ва муассасаларнинг бутун бир системасидир. В. И. Ленин П. д. давлат формаси, мамлакатнинг ҳамма меҳнаткашларини ўз ичига олган энг оммавий ташкилот бўлган Советларни кашф этди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бир қанча мамлакатларда П. д. нинг янги формаси — халқ демократияси пайдо бўлди. Ҳозирги замон шароитида меҳнаткашлар ҳокимияти тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Совет Иттифоқи ривожланган социализм даврига кирган ҳозирги босқичда П. д. мамлакатимизда ишчилар синфи ва унинг авангарди Коммунистик партия раҳбарлигидаги умумхалқ давлатига, бутун халқнинг сиёсий ташкилотига айланди.

**ПРОКОНСУЛ** (лат.) — қадимги Римда провинция ноиб қилиб тайинланган собиқ консул (қ.).

**ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ** (лат.) — барча халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик принципларини ҳимоя қилиш учун, шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишига ҳамда ирқчиликка қарши, империализм ва халқларни асоратга солишга қаратилган ҳар қандай уринишга қарши курашда бутун дунё пролетарлари ва меҳнаткашларининг бирдамлиги. Кичик халқларни ҳимоя қилиш ва уларнинг социал-иқтисодий юксалишига ёрдам бериш, жаҳонда тинчлик, социал тараққиёт учун кураш олиб бориш пролетар интерна-

ционализмнинг асосий принципларидандир.

**ПРОМЕТЕЙ** (грек.) — қадимги грек афсоналарида — улкан паҳлавон; девқомат худолардан бири. П. бошқа зўр паҳлавонлар устидан га-лаба қилишда Зевсга (қ.) ёрдам берган, одамларга уй-жой қуриш, кема юритиш, астраномия, ҳисоб илми, хат-савод ва бир қанча санъатларни ўргатган. П. Олимп худолари оловидан қамиш поясида одамларга олов келтириб бергани учун газабланган Зевс уни тоғ қоясига занжирбанд қилдириб қўйган. Зевснинг амри билан бургут ҳар куни учиб келиб, Прометейнинг кўкрак қафасини ёриб, кечаси билан янгидан ўсиб чиққан жигарини чуққийдиган бўлган. Геракл (қ.) бургутни ўлдириб, П. ни қутқарган.

**ПРОМИСКУИТЕТ** (лат.) — аралашган; умумий; ибтидоий жамиятда никоҳ ва оила пайдо бўлишдан илгари одамлар тўда-тўда бўлиб яшган замонда жинсий алоқаларнинг тартибга солинмаганлиги.

**ПРОТЕКТОРАТ** (лат.) — ҳимоячи; ҳомий; ўрта асрларда феодал Европасида, айниқса капитализм ва империализм даврида, кучли давлатнинг кучсиз давлатга расман ҳомийлиги; амалда империалистик давлатларнинг кучсиз мамлакатларни бўйсундириши, мустамлакачилик формаларидан бири. Бунда мустамлакадаги олий бошқарма ўзининг эски давлат тузуми ва маъмуриятини расман сақлагани ҳолда, бирор империалистик мамлакатга қарам бўлади; империалистик давлатларнинг бошқа заифроқ мамлакатларга мажбуран қабул қилдирган қарамликнинг бир шакли. Ташқи сиёсатда ва мудофаа масалаларида у метрополия (қ.) га бутунлай қарам бўлади. П. кўпинча П. ўрнатилган мамлакатнинг ерини



босиб олиш йўли билан ўрнатилади. Айрим ҳолларда П. қарам мамлакатни тамомила босиб олиб, ўзига қўшиб юборишга ўтиш формаларидан бири. Мустамлакачилик системаси емирилган ҳозирги вақтда илгари П. бўлган кўпгина мамлакатлар сиёсий мустақиллиқни қўлга киритдилар; ўтмишда Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги Россия империясининг П. остида эди.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (*фр.-лат.*)— ҳимоя; ҳомийлик; давлат томонидан миллий экономикани ривожлантириш мақсадида, уни ажнабий рақобатдан сақлаб қолиш учун қўлланиладиган иқтисодий тадбирлар системаси. Бунга, масалан, чет эллардан келтириладиган моллардан кўп миқдорда бож олиш, ватан саноатига давлат йўли билан пул ёрдами ва бошқа ёрдам бериб туриш ва ҳ. к. киради. Имперализмда П. ташқи бозорни қўлга киритиш ниятида агрессив сиёсатни амалга ошириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Чет эллардан келтириладиган молларга юқори бож белгилаш билан буржуа давлатлари мамлакат ичкарасида юқори баҳони сақлаб қолиш ва четга чиқариладиган молларнинг жаҳон бозоридаги нарх-навога қараганда арзонроқ бўлишига эришади. Импералистик П. капитализм зиддиятини кучайтиради, меҳнаткаш омма аҳволининг янада мушкулланишига сабаб бўлади.

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** (*лат.*)—16-асрда реформация (қ.) натижасида католицизмдан (қ.) ажраб чиққан лютеранлик (қ.), кальвинизм (қ.) каби христиан диний таълимотларининг умумий номи.

**ПУГАЧЕВЧИЛИК**— Дон казаги Емельян Иванович Пугачёв бошчилигида бўлиб ўтган (1773—1775 йй.),

Поволжье ва Уралнинг турли халқлари ҳам қўллаб-қувватлаган деҳқонлар урушини камситиш учун буржуа тарихчилари томонидан унга берилган гайриилмий ном.

**ПУЛ РЕНТАСИ** ёки **ПУЛ ОБРОКИ** — оброкни натура билан эмас, пул билан олиш тартиби; товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Россияда 15-аср охири ва 16-аср бошларидан бошлаб пул рентаси аста-секин татиқ этила бошланган.

**ПУРИТАНЛАР** (*ингл.-лат.*)— тозалик; 16—17-асрларда Англия ва Шотландиядаги кальвинизм тарафдорлари; П. буржуазия ва янги дворянлар манфаатларини кўзлаб, абсолютизмга (қ.) ва англикан (қ.) черковига қарши чиққанлар. П. нинг социал-сиёсий таркиби турлича бўлгани учун П. лар анча мўътадил пресвитерианларга ва кескин чоралар кўришни талаб этувчи анча радикал — индипендетларга бўлинган. П. лар 17-аср инглиз буржуа революциясини тайёрлаш ва ўтказишда ғоявий байроқлик ролини ўйнаганлар.

**ПФЕННИНГ** (*нем.*)— пул бирлиги; Германияда марканинг юздаи бир қисмига тенг бўлган ва ҳозир ҳам муомалада бўлган пул бирлиги. П. турли даврларда турли металдан (кумуш, бронза, никел, алюмин) зарб этилган.

**ПЭР** (*фр.*)— феодализм даврида айниқса Буюк Британия ва Францияда феодал-дворянлар олий табақаси намоиядаларининг унвони. Англияда бу унвон ҳозиргача сақланиб қолган; шу унвонни мерос қилиб олган пэр ва «Алоҳида хизматлари учун» унвонини олган шахслар лордлар палатасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

## Р

**РАБОТ** (а.)—шаҳар атрофи; 1 ўрта асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрондаги катта шаҳарлар атрофида жойлашган ҳунармандчилик савдо жойи бўлиб, шаҳристон (қ.) ҳукмдор ёки бадавлат киши қароргоҳига бориб тақалар эди. Айрим ҳолларда шаҳристон (қ.) билан шаҳар теварагини ўз ичига олган девор; 9—10-асрларда Самарқанд, Бухоро, Мари ва бошқа шаҳарларда Р. иқтисодий ҳаётнинг маркази бўлиб хизмат қилган. 2 қалъада соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истехком, қўрғон; 3 савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил ёки карвон сарой.

**РАВВИН** (қад. яҳуд) — рабби — менинг ўқитувчим; яҳудийларда диний-ахлоқий ҳаётга бошчилик қилувчи рухоний.

**РАДА** — 1 баъзи халқларда (Украина, Белоруссия, Польша ва Литва) ҳокимият органлари, коллегияларнинг номи; 2 Украинада — халқ йиғини, кенгаши, ижтимоий ишлар бўйича йиғин; казаклар Р. си; 3 Украина ва Белоруссияда (1917—1919 йй. да) — контрреволюцион буржуа-миллатчилик ташкилоти марказий органининг номи; 4 Украинада халқ депутатлари Совети; 5 Польшада — иккинчи жаҳон урушидан кейин янги халқ демократияси органи.

**РАДИКАЛИЗМ** (лат.) — илдиз; радикаллар; 19-асрдаги буржуа сиёсий оқими; эксплуататорлик тузумининг социал-иқтисодий заминини ўзгартирмай туриб буржуа-демократик реформалар ўтказишга қаратилган йўл. Радикал партиялар майда буржуазия, ўрта чиновниклар ва зиёлиларнинг манфаатини кўзлайди ҳамда коммунистик ва ишчи партияларининг сиёсатларига қарши курашади.

**РАЗИНЧИЛИК** — 17-асрнинг иккинчи ярмида Россияда подшо Алексей Михайлович Романов замонида Дон казаги Степан Разин бошчилигида (1670—1671 йй.) шаҳар камбағаллари, казаклар ва деҳқонларнинг кенг табақаларини қамраб олган қўзғолонни камситиш ва қоралаш учун буржуа тарихчилари томонидан унга берилган ном.

**РАЗНОЧИНЛАР** — ҳар хил унвон ва мартабадаги кишилар; Россияда 19-асрнинг иккинчи ярмида дворянларга мансуб бўлмаган бошқа табақалардан — савдогарлар, мешчанлар, рухонийлар ва деҳқонлардан, шунингдек кичик амалдорлардан етишиб чиққан интеллигентларни ўз ичига олган оқим. Р. лар мамлакат ижтимоий ҳаётига, фан ва адабиётнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатдилар, самодержавиега ва крепостнойликка қарши курашдилар, революционерлар авлодини етиштирдилар ҳамда рус озодлик ҳаракатининг иккинчи даврини (тахминан 1861—1895 йй.) белгилаб бердилар. Буржуа-демократик ва революцион-демократик идеологиянинг намоёндалари. Улар орасидан В. Г. Белинский, Н. Г. Чернышевский, Н. А. Добролюбов, Д. И. Писарев, Т. Г. Шевченко каби революцион-демократлар етишиб чиқди.

**РАИС** — Бухоро амирлиги ва Хева хонлигида шариат тартиб-қондалари, диний урф-одатлар ва маросимлар — рўза тутуш, намоз ўқиш, закот, фитр рўза тўлаш ва бошқа ҳайру эҳсон ишларининг аниқ бажарилишини назорат қилувчи; ота-оналарнинг ўз болаларини вақтида диний мактабга, мадрасага юборишларини, бозорларда тарозиларнинг тўғри бўлишини текширувчи, шаҳарнинг тозаллигини ва хафсизлигини назорат қилувчи шахс.

**РАМАЗОН** (а.)— рўза; қамарня (қ.) йили ҳисобида календарь тўққизинчи ойнинг арабча номи; шу ойда гўё Қуръонни худо Муҳаммадга юборган эмиш. Шу ой давомида мусулмонлар саҳардан кун ботгунча рўза тутадилар. Кун ботгач «огиз очилади», яъни овқатланилади. Бу ифторлик деб аталиб, ундан сахаргача турли овқатларни тановул қилиш мумкин.

**РАТИФИКАЦИЯ** (лат.)— давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартнома ёки битимнинг олий давлат ҳокимияти томонидан тасдиқланиши.

**РАТМАН** (нем.)— кенгашчи; Россияда 18—19-асрларда шаҳар бошқармаси (магистрати, ратушаси)нинг сайлаб қўйилган аъзоси.

**РАТНИК** (рус.)— сарбоз, аскар; чор Россиясида давлат лашкарининг оддий аскари.

**РАТУША** (поляк.)—1 Ғарбий Европа шаҳарларида маҳаллий бошқарма ва у жойлашган бино; 2 Россияда Пётр I томонидан жорий этилган посадларни (қ.) бошқарувчи ҳукумат органи, Р. савдогар тоифасидан сайланган президент ва 12 бурмистрдан ташкил топган. 1720 й. да Р. Петербургдаги Бош магистрат (қ.) билан алмаштирилган. 3 Посадда (қ.) тоифали суд органи; у 1864 йилги суд реформасигача давом этган.

**РАСАД** (а.)— осмон jismlарини кузатиш; ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида, Урта Осиё, Ироқ, Ҳиндистонда тузилган астрономик жадваллар. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг астрономик жадвали шулар жумласидандир.

**РАСАДХОНА** (а.-форс-тож.)— кузатиш жойи; ўтмишда осмон jismlарининг ҳолати ва ҳаракатини кузатадиган махсус жой; обсерватория, масалан, Улуғбек расадхонаси.

**РАСТА**— Шарқ мамлакатлари бозорларида бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор кўча.

**РЕАКЦИОНЕР** (фр.)— сиёсий реакция; эски тартибга қайтиш тарафдори; ҳар қандай янгилик ва прогрессга қарши киши; демократия душмани.

**РЕВАНШИЗМ** (фр.)— қасос олиш; қаримта қайтариш; урушда мағлубиятга учраш натижасида ўз позициясини йўқотган, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳатто янги уруш бошлаб бўлса ҳам уни тиклаш орзусида бўлган реакцияон сиёсий куч. Р. лар қўлдан кетган территорияларни қайтариб олиш, урушгача бўлган чегарани тиклаш ва бошқа шворлар ниқоби остида курашадилар. Иккинчи жаҳон урушидан олдин герман фашистлари Версаль шартномасига қарши кураш ниқоби остида дунёга ҳоким бўлиш учун урушга тайёрландилар. Ғарбий Германиядаги баъзи реакцияон доиралар (Штраус, Шпренгер ва бошқ.) томонидан 1941—1945 йиллардаги урушда енгилб қолган Гитлер Германияси учун Совет Иттифоқи ва социалистик давлатлардан қасос олиш ниятида олиб борилаётган ўта реакцияон сиёсат. Урушдан сўнг ГФР да монополистик доиралар амалга ошираётган Р. сиёсати ГДР, Польша, СССР ва бошқа социалистик давлатларга қарши қаратилган бўлиб, Европа хавфсизлигини таҳлика остида қолдирмоқда. АҚШ ва Англия империалистлари Ғарбий Германия ва Япония реакцияон доираларининг реваншистик интилишларини турли йўللار билан рағбатлантириб келмоқдалар. Ҳозирги вақтда, жумладан ГФР да африм доиралар ҳамма томонидан эътироф этилган Европа чегараларини қайта кўриб чиқиш учун, халқаро кескин-

ликни юмшатиш ва турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тоғув яшашига қарши кураш олиб бормоқдалар.

**РЕВИЗИОНИЗМ** (лат.) — марксизмга қарши оқим; марксизм асосларини бузиб кўрсатувчи ва инкор этувчи, уни майда буржуа «назариялари» билан алмаштирувчи ҳаракат, оппортунистик оқим. Р. Маркс-Энгельс-Ленин таълимотини «тузатиш», «янгилаш», «қайта кўриб чиқиш» ниқоби остида ревизия қилиб, марксизм ғояларини бузишга ва инкор этишга урниди. «Халқаро майдонда икки дунёқараш ўртасидаги ғоят кескин кураш жаҳондаги икки система — социализм билан капитализмнинг бири-бирига қарама-қаршилигини акс эттиради. КПСС халқларга реал социализм тўғрисидаги, Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни етказишни, совет турмуш тарзини актив пропаганда қилишни, империализмнинг халққа қарши, ғайринисоний характерини, унинг эксплуататорлик моҳиятини ҳужумкорлик билан далиллар асосида очиб беришни ўзининг вазифаси деб ҳисоблайди. У совет кишиларида юксак сиёсий онглиликни ва ҳушёрликни, ижтимоий ҳодисаларни аниқ синфий нуқтан назардан баҳолаётгани билан, социализм идеаллари ва маънавий бойликларини ҳимоя қилаётгани билан қобилиятини тарбиялайди» (КПСС Программаси. «Ўзбекистон» нашриёти, 1986, 64-бет). Р. нинг «ўнг» ва «сўл» қаноти мавжуд. «Ўнг» Р. лар жумладан, озодлик курашида, революцион жараёнда ва социалистик қурилишда ишчилар синфининг гегемонлигини инкор этадилар.

«Сўл» Р. лар илмий коммунизм назарияси ва практикасига ҳужум қиладилар ва уни «ҳарбий казарма социализм» (қ.) билан алмаштириш-

га уринадилар.

**РЕВОЛЮЦИЯ** (лат.) — инқилоб, ўзгариш, тўнтариш; синфий курашнинг энг юқори чўққиси. Р. натижа-сида инсоният жамиятида эскирган, умри тугаган ижтимоий тузум тугатилиб, ўрнига янги, прогрессив тузум вужудга келади. Масалан, қулдорлик тузуми ўрнига феодализм, ўз навбатида, феодализм ўрнига капитализм юзага келиши шулар жумласидандир. Аммо бундай ҳолларда бир эксплуататор синф ўрнига иккинчиси келиб, эксплуатациянинг фақат шакли ўзгараётган эди, холос. Социалистик Р. эса меҳнаткаш халқ оммасини ҳар қандай эксплуатациядан бутунлай халос қилади. Революция мамлакатда революцион вазият етилган вақтдагина муваффақият билан амалга оширилиши мумкин. Октябрь социалистик Р. си ғалаба қилган пролетар социалистик революциясидир.

**РЕГАЛИЯ** — 1 салтанат белгиси, подшо ҳокимиятининг тож ва шу каби аломатлари; 2 феодал Ғарбий Европасида королларнинг, йирик феодалларнинг муайян даромадларни олишга (танга-чақа зарб қилиш, конлардан фойдаланиш ва ҳ. к. га) бўлган монопол ҳуқуқи; 3 орден, нишон ва медаллар.

**РЕГЕНТ** (лат.) — монархия давлатларида муваққат ҳукмдор, вақтинча подшо, подшо сафарда бўлганда, касаллик вақтида ёки вояга етмаган подшо ўрнида мамлакатни вақтинча бошқариб турувчи шахс. Регентлар кенгаши — бир неча Р. дан ташкил топган кенгаш.

**РЕГЕНТЛИК ДАВРИ** — регентнинг муваққат ҳокимлиги; монархнинг вояга етмаганлиги ёки касаллиги, узоқ сафарда бўлган вақтида бир ёки бир неча регентнинг мамлакатни вақтинча идора қилган вақти.

**РЕДУТ** (фр.) — атрофи ҳандақ

ёки тупроқ қўрғон билан ўралган ҳарбий истеҳком.

**РЕЗЕРВАЦИЯ, РЕЗЕРВАТ**, (лат.)— сақламоқ; АҚШ ва Канадада индеецларнинг, Жанубий Африка Республикасида маҳаллий аҳолининг, Австралиядо аборигенлар ва бошқа шу кабиларнинг мажбуран яшашлари учун ажратилган алоҳида жой. Бундай жойлар табиий шароити оқ танлилар яшайдиган жойларга нисбатан ёмон бўлади. Ирқий ва миллий зулмнинг кўринишларидан бири.

**РЕЗИДЕНЦИЯ** (лат.)— қароргоҳ, турар жой, сарой; давлат бошлиғи ёки олий мансаб эгаларининг доимий ёки вақтинча турадиган жойи, қароргоҳи; визит билан келган юқори мартабали кишилар учун ажратилган турар жой.

**РЕЕСТР КАЗАКЛАР** — рўйхатга олинган казаклар; 16—17-асрларда Польша феодал давлати хизмати-га кирган Украина казакларининг бой табақалари. Р. к. жанубий чегараларни қўриқлаганлар ва бунинг эвазига ҳукуматдан ер, маош, кийим-кечак, қурол, ўқ-дори ва бошқалар олиб турганлар. Польша ҳукумати улардан Украина деҳқонларининг миллий озодлик ҳаракатини бостиришда фойдаланган, Р. к. ўртасида ҳам синфий табақаланиш юз берган; гетманлар, полковниклар, ясовуллар, юзбошилар феодалларга айланиб, оддий казакларни эксплуатация қилувчилар бўлиб қолганлар.

**РЕЙХСВЕР** (нем.)—биринчи жаҳон урушидан кейин Версаль шартномаси асосида Германияда 1919 й. да тузилган ёлланган (115 минг киши ва чекланган миқдорда ҳарбий кема) қуролли кучлар номи. Р. 1935 й. гача мавжуд бўлган. 1935 й. мартада фашистлар Версаль шартномасининг ҳарбий моддасини бузиб, умумий мажбурий ҳарбий хизматни

жорий этдилар, вермахтни (қ.) тузишга киришдилар.

**РЕЙХСКАНЦЛЕР** (нем.)— давлат канцлери, империя канцлери; 1871—1945 йй.да Германияда ҳукумат бошлиғининг унвони. Империя даврида (1871—1919) Р. прусс юқори бюрократларидан император томонидан тайинланган ва фақат унинг олдида жавобгар ҳисобланган. Республика даврида (1919—1933) президент томонидан тайинланадиган парламент кабинети бошлиғи ҳисобланар ва ўзи тутаётган сиёсий йўл ҳақида Рейхстаг (қ.) олдида жавобгар бўлар эди. 1933 й. да Гитлер ҳокимиятни хиёнаткорона босиб олгач, ўзини фюрер (қ.) деб эълон қилди ва Р. ҳокимиятини тамомила қўлга киритди.

**РЕЙХСРАТ** (нем.)—1 собиқ Австрия-Венгрия империясида икки палатали парламент; 2 федерацияли тартиб мавжуд бўлган Германия республикаси (1919—1933) ўлкалар вакиллари кенгаши даврида турли жойлар (ерлар)нинг юқори палатаси. Ҳар бир ўлка ҳукумати Р. га биттадан вакил юборган. Р. ҳукумат томонидан чиқариладиган қонун лойиҳаларини кўриб чиқа олар ва Р. қабул қилган қонуларга қаршилик билдира олар эди. Германияда федерация тартибига барҳам берган фашистлар 1934 й. январиди Р. ни тугатдилар.

**РЕЙХСТАГ** (нем.)— Герман миллатлари «Муқаддас Рим империяси» деб аталган вақтларда марказий ҳокимият органларидан бири ёки империя сейми; Шимолий Герман Иттифоқида 1867 й. дан бошлаб Германия парламенти; 1871 й. да Германия империясининг парламенти; Кайзер империяси ҳалокатидан сўнг Веймар республикаси (1919) деб аталган республиканинг парламенти

бўлиб қолган. Марказий ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи — қуйи палатаси; 1933 й. да Гитлер ҳукуматининг ўрнатилиши билан Р. нинг аҳамияти йўқолган; Берлиндаги Р. биноси; фашистлар Р. биносини ёндириб, бу ишда коммунистларни айб-лашга уринган эдилар. Аммо фашистлар томонидан ивгогарлик мақсадида уюштирилган судда Г. М. Димитров уларни фош этди. Қизил Армия жангчилари 1945 й. да Р. биноси гумбази устига қизил байроқ ўрнатди.

**РЕЙХСФЮРЕР** (нем.) — империя фюрери, доҳийси; империя йўлбошчиси; Гитлернинг яқин сафдошларидан бири, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги бош идораси — рейхс-канцеляриянинг бошлиғи Гиммлернинг унвони.

**РЕКРУТ** (нем.) — 17—19-асрларда рус, француз ва немис армиясида ёлланма хизматни ўтовчи солдат. Мунтазам армиялар ташкил қилиш зарурияти туфайли Р. келиб чиққан. Россияда Пётр I (1700 й.) Р. жорий қилган, 1874 й. да новобранец (янги олинган аскар) номи билан алмаштирилган; чор Россиясида 19-асрнинг 60—70-йилларидаги реформалардан илгари деҳқон ва мешчанлардан аскарликка олинган солдат.

**РЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** — қайта қуролланиш, илгари қуролсизлангизилган территорияни ёки мамлакатни қуроллантириш; халқаро шартнома асосида қўшинлар чиқариб юборилган ерга яна қўшин киритиш; масалан, фашистлар томонидан Рейн зонасининг Р. қилиниши. АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан қўллаб-қувватланган Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Потсдам конференциясининг қарорларига хилоф равишда мамлакатни Р. қилиш сиёсатини амалга

оширган эди. Ҳозирги замон халқаро практикасидаги Р. да иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган мамлакатлар, биринчи галда ГФР ва Япония каби империалистик давлатларнинг зўр бериб қуролланишлари кўзда тутилади.

**РЕНТА** (лат.) — капитал, мулк ёки ердан уларнинг эгаларига ҳеч қандай меҳнатсиз келадиган даромад; масалан, ер рентаси. Рента муддатсиз ёки вақтинчалик бўлган.

**РЕПАРАЦИЯ** (лат.) — урушда кўрилган зарарларни қоплаш учун ғолиб келган мамлакатга тўланадиган товон. Қрим ва Потсдам конференцияларининг қарорларига мувофиқ, иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия ўзи етказган зарарларни тўлашга мажбур қилинди. Совет ҳукумати Германия Демократик Республикасидан Р. ундиришни 1954 й. 1 январидан бошлаб тўхтатди.

**РЕПАТРИАЦИЯ** — 1 ҳарбий ёки граждан асрлар ва қочқинларни ўз ватанига қайтариш; 2 тегишли мамлакатлар ўртасидаги келишув асосида граждан, ҳарбий асрлар ҳамда муҳожирларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаган ҳолда ўз мамлакатларига қайтариш.

**РЕПРЕССИЯ** (лат.) — босиш, тийиш; давлат органлари томонидан амалга ошириладиган қамоқ, сургун каби жазо чоралари. Империалистик давлатлар томонидан сиёсий рақибларга, демократик кучларга қарши жазо чораси (масалан, Исроил милитаристларининг фаластинлик арабларга, демократларга, халққа қарши репрессияси ва ҳ. к.).

**РЕСКРИПТ** (лат.) — муборакнома; подшонинг, монархнинг бирор махсус топширигини бажарган мансабдорга ташаккур билдирилиб, унинг мукофотланиши ёки янги ман-

сабга тайинлангани ҳақида ёзган мактуби.

**РЕСПУБЛИКА** (*лат.*)— жамият; иш; давлат тузуми формаларидан бири; Р. бир неча киши ёки маълум орган томонидан бошқарилади. Давлат бошлиғи ҳам аҳоли ёки махсус сайлов коллегияси томонидан сайланади. Қулдорлик жамиятида икки хил Р. бўлган: эр. ав. 3-асрда Карфаген ва Римда имтиёзли қул эгалари бошлиқ зодагонлар Р. си ва давлат органлари тузишда маълум даражада озод граждандар иштирок этган демократик Р. Ҳар икки ҳолда ҳам қўллар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Феодализм учун монархия тузуми характерлидир. Лекин савдо-сотиқнинг ривожланиши, савдогар ва ҳунармандлар ҳамда ўрта асрлардаги айрим шаҳарлар цехларининг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ортиши натижасида феодал республикалари ҳам вужудга келган. Кўпинча бундай шаҳарларни энг бадавлат кишилар — патрицийлар (қ.) дан ташкил топган шаҳар кенгаши бошқарган. Дунёда энг йирик феодал Р. лар Новгородда (12—15-асрлар), Италиядаги (12—13-асрлар) Венеция, Флоренция, Генуя ва Пизада бўлган. Капитализм даврида буржуа Р. вужудга келади. Расмий жиҳатдан унда ҳамма граждандар эркин ва тенг, деб кўрсатилса-да, лекин ҳақиқатда у халқ оммасини эксплуатация қилишга мўлжалланган буржуазия диктатурасидир. Буржуа республикаси, ҳатто умумхалқ, умуммиллий иродани ёқ синфий бўлмаган иродани рўқач қилиб олган энг демократик буржуа республикаси ҳам — ишлаб чиқариш воситалари хусусий капиталистик мулк бўлганлиги сабабли, муқаррар равишда амалда буржуазия диктатураси, жуда кўпчилик меҳнаткашларни бир ҳовуч

капиталистлар томонидан эксплуатация қилиш ва бостириш машинаси бўлиб қолаверди ва шундай бўлиб қолаверади. Социалистик республика ва халқ-демократик республикаси тамомила янги ва олий типдаги Р. дир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида ташкил топган Совет социалистик Р. си дунёда ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати бўлди. СССР да социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилгандан сўнг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи бутун халқнинг орзу ва истакларини ифода этувчи умумхалқ давлатига айланди.

**РЕСТАВРАЦИЯ** (*лат.*)— қайта тиклаш, аслига қайтариш; революция йўли билан ағдарилган сиёсий тузумнинг контрреволюцион йўл билан қайта тикланиши; реакциянинг вақтинча ғалабаси; масалан, Францияда 1-Р. 1814—1815 йй. дан 2-Р. 1815—1830 йй. гача, яъни Наполеон Бонапартдан сўнг ҳокимият яна буржуа революцияси вақтида ағдариб ташланган бурбонлар қўлига ўтган давр. Реставрация даври. 1—2-Р. лар оралигида Наполеоннинг «юз куни» бўлган. 1830 й. ги революция Р. га барҳам берди.

**РЕСТИТУЦИЯ** (*лат.*)— тикланиш; урушувчи давлат томонидан душман мамлакат территориясидан қонунсиз олинган нарсаларни қайтариб бериш. Р. сулҳ шартномаси ёки бошқа юридик ҳужжат билан белгиланади.

**РЕФОРМА** (*фр.*)— ислоҳ қилиш, ислоҳот, қайтадан қуриш, ўзгариш; ҳукмрон синф томонидан мавжуд давлат тузуми асосларига даҳл қилмаган ҳолда қонун чиқарувчи орган ва давлат соҳасида қилинган сиёсий ўзгариш, янги киритилган тартиб, 1861 й. даги Р. га мувофиқ крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши; Ўз-

бекстонда ер-сув ислоҳоти. Антагоник жамиятда эксплуататорлар Р. ўтказиб, меҳнаткашлар аҳволини маълум даражада яхшилаш билан ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишга интиладилар.

**РЕФОРМАЦИЯ** (лат.)—16- асрда Ғарбий ва Марказий Европанинг бир қатор мамлакатларида феодал тузумга қарши олиб борилган социал-сиёсий ҳаракат. Р. феодализм таянчи бўлмиш католик черкови ва папа ҳокимиятига қарши диний кураш шаклини олган эди, Р. феодал ишлаб чиқариш усулининг емирилиши, феодализм заминиде капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши ва майдонга чиқаётган буржуазия, деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари билан феодаллар ўртасидаги синфий курашнинг кескинлашуви натижасида бошланган. Умуман феодал тузумини ларзага келтирган Р. муҳим прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Р. натижасида Европадаги бир қанча давлатлар католик черковидан ажраб чиққан. Натижада католик черкови Европадаги монополь моҳиятини йўқотган. Черков ерларининг давлат мулкига айлантирилиши (секуляризация (қ.) қилиниши) натижасида унинг иқтисодий қудратига жиддий зарба берилган. Р. нинг ғоявий байроғи остида Германияда деҳқонлар уруши (1524—1526), Нидерландия ва Англияда буржуа революциялари бўлиб ўтди. Р. ғалаба қилган Германиянинг бир қисми, Швейцария, Скандинавия мамлакатлари, Англия, Нидерландия каби мамлакатларда католик черковига тобе бўлмаган янги протестантлик (қ.) черкови — лютеранлик (қ.), калькин (қ.), англикан (қ.) черковлари вужудга келган.

**РЕФОРМИЗМ** — ишчилар ҳаракатидаги революцион марксизмга,

ишчилар синфининг туб манфаатларига душман бўлган оппортунистик оқим. Р. революцион курашни инкор этади ва буржуазия билан келишиш асосида майда реформалар қилиш сиёсатини юргизади. 19- асрнинг охириги чорагида ревизионизм таъсири остида (Э. Бернштейн, Г. Фольмар, А. Мильеран ва бошқа.) вужудга келган. Бу ҳаракатнинг ижтимоий замини — буржуазия томонидан пора бериб сотиб олинган ишчилар аристократияси (қ.) катта-катта мамлакатларни шафқатсиз талаш ҳисобига бойиб кетган. Англияда ишчи аристократлар бошқа мамлакатлардагига қараганда олдинроқ вужудга келган ва сон жиҳатидан анча кўп бўлган. 19- аср охирига келиб, Р. барча социал-демократик партияларда юзага келган ва II Интернационалнинг расмий идеологиясига айланган, ишчилар синфини буржуазия идеологияси ва сиёсатига бўйсундириш йўли билан капитализмни мустақамлашга уриниб келган. Марксизм-ленинизм классиклари Р. нинг буржуазияга хос моҳиятини изчиллик билан очиб ташладилар ва реформалар ёрдами билан фақат айрим кичик ўзгаришлар қилиш мумкинлигини, капитализм ҳукмронлигини эса тугатиб, бўлмаслигини ишчилар оmmasига ўқтириб келдилар.

**РЕФЕРЕНДУМ** (лат.)— давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзасидан умумхалқ фикрини олиш, шундай масалаларни ялли овозга қўйиш.

**РИВОЖЛАНАЕТГАН МАМЛАКАТЛАР** — Осиё, Африка, Латин Америкаси ва Океаниянинг ўтмишда империалистик давлатларнинг мустамлакаси, ярим мустамлакаси ёки уларга қарам бўлган, империалистик зулм натижасида ривожланишдан орқада қолган мамлакатлар.



Р. м. лар учун ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг нисбатан тубан даражада бўлиши, хўжаликнинг бир ёқлама ривожланганлиги (комплекс равишда эмаслиги), экономиканинг кўп укладлиги, унда патриархал ва майда товар хўжалик укладининг устунлиги, социал-иқтисодий ислохотларнинг охирига етказилмаганлиги характерлидир. Хўжаликни ривожлантириш, миллий экономикани мустақкамлаш, индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш барча Р. м. лар учун умумий проблемадир. Бу проблемаларнинг ҳаммаси нокапиталистик ривожланиш йўли билан ҳал этилиши мумкин. У экономика ва маданиятни тез юксалтириш, социал тенгсизлик, қашшоқлик, ишсизликни ва бошқа шу каби иллатларни йўқотиш учун имконият беради.

Капиталистик йўл билан ривожланиш оқибат натижада Р. м. ларнинг империалистик давлатларга қарамлигини мустақкамлайди, прогрессив иқтисодий реформаларни амалга оширишга тўсқинлик қилади, меҳнаткаш омманинг оғир аҳволини янада чуқурлаштиради.

Халқаро соҳада кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгариши рўй бераётган шароитда социалистик мамлакатлар билан турли хил ҳамкорлик қилиш, жумладан, ҳар икки томон учун манфаатли ўзаро савдо, социалистик мамлакатларнинг табиий бойликларни комплекс равишда ўзлаштиришда, саноат корхоналари ва бошқа объектларни қуришда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдамлашиши ва бошқа шу каби масалалар Р. м. лар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

**РИГСДАГ** (лат.)— фолькетинг (қуйи палата) ва ландстинг (юқори палата)дан иборат икки палатали

Дания парламенти (1849—1953); 1953 й. дан бошлаб бир палатали фолькетинг (қ.).

**РИКСДАГ** (швед.)— Швецияда биринчи ва иккинчи палатали парламент.

**РИМ ПАПАСИ** (лат.)— ота; дастлаб бутун христиан черкови, 5-асрдан эса католик черковининг бошлиги. Рим папасини кардиналлар коллегияси бир умрга сайлар эди. Яна қаралсин: Папа области, Папалик.

**РИНДАЛАР** —16—17-асрларда Россиянинг буюк князлари ва подшоларининг шахсий соқчилари; Р. саройдаги қабул маросимларида ойболталар билан қуролланиб, тахтнинг икки томонида турардилар, улар тантанали намойишлар ва ҳарбий юришлар вақтида монархни кузатиб борадилар. Р. сарой аъёнларининг ёш ўғилларидан тайинланган. 1698 й. да Пётр I томонидан Р. тугатилган.

**РИЦАРЛИК** (нем.)— чавандозлик; ўрта асрлар Европасида ҳарбий дворянларнинг имтиёзли табақасига мансуб бўлган феодал; оғир қуролланган (қилич, қалқон, совут) жангчи. Кенг маънода — ҳамма дунёвий феодаллар, тор маънода — фақат майда дунёвий феодаллар. Жанг вақтида икки томонлама тигли қилич ва найзадан фойдаланганлар. Р. Ғарбий Европада феодал муносабатлар вужудга кела бошлагач, араблар, венгрлар томонидан хавф-хатаркучайган шароитда пайдо бўлган. Р. отлиқ қўшинда хизмат қилгани эвазига ўз сеньоридан (қ.) поместье (қ.) олган. Р. нинг асосий вазифаси деҳқонларни феодалга итоатда сақлаш бўлган. 15—16-асрларда мунтазам қўшин; ўт очувчи қуроллар пайдо бўлиши билан Р. нинг аҳамияти йўқолади.

Ғарбдаги кўп мамлакатларда

(Испания, Франция, Англия, Германия ва бошқа) 11—14-асрларда Р. ўзининг энг юқори босқичига кўтарилган. Р. лар деҳқонларни эксплуатация қилиш, феодал урушлари ва салб юришларида ўлжалар олиш, савдо карвонларини талаш ҳисобига бойиб кетганлар. Р. лар ўз ўғилларига 7 ёшдан бошлаб отда юришни, ов қилишни, ҳарбий иш ва феодал ахлоқини ўргатишган. Марказлашган давлатлар вужудга келиши жараёнида Р. король ҳокимиятининг асосий таянчи бўлган. Пул-товар муносабатлари ривожлана бошлаган 14-асрдан эътиборан Европанинг бир қанча мамлакатларида янги шароитга мослаша олмаган Р. лар тушкунликка учраганлар. Ўт очадиган қурооллар, айниқса артиллерия (14—16-асрлар) юзага келиши Р. нинг ўтмишдаги аҳамияти йўқолишига сабаб бўлган. Р. нинг бир қисми дворянлар қаторига ўтган, кўпчилиги ўз синфидан алоқасини узган.

**РИЦАРЬ** (нем.)— чавандоз; ўрта асрлар Европасида ҳарбий дворянлар табақасига мансуб бўлган феодал.

**РОЖА, РАДЖА** — Ҳиндистонда феодал-князьлар ва маҳаллий ҳокимларнинг унвони, қадимги Ҳиндистонда — подшо.

**РОССИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ** — Совет давлатининг миллий масала бўйича биринчи конституцион акти бўлиб, Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1917 й. 2 (15) ноябрда тасдиқланган. Р. х. ҳ. д. сида Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий қоидалари: Россия халқларининг тенглиги, эркин равишда ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача ўз тақдирини ўзлари белгилаш, ҳамма ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чекланиш-

ларни бекор қилиш, Россия территориясида яшовчи майда миллатлар ва этник группаларнинг эркин ривожланишларини назарда тутган олий ҳуқуқлари эълон этилди. Бу қоидалар Совет давлатининг бир қатор ҳужжатларида қайд этилди ва уйғунлаштирилди ҳамда изчиллик билан амалга оширилди.

Ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш жараёнида мамлакатимиз халқларининг миллий совет давлатлари барпо этилди ва уларнинг ихтиёрий ҳамда эркин равишда бириктирилди ҳамда эркин равишда бириктирилди асосида ягона кўп миллатли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топди.

СССР нинг ташкил топиши ленинча миллий сиёсатнинг улкан ғалабаси бўлиб, ривожланган социализм жамиятини қуришда, миллий масалани муваффақият билан ҳал этишда, янги ижтимоий ва интернационал бирлик — совет халқининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**РОТМИСТР** (поляк.) — революциядан олдинги рус кавалериясида ва жандармериясида офицерлик унвони; отликлар отряди. Пиёда қўшинлардаги капитан унвонига тенг.

**РОЯЛИЗМ** (фр.) — қаралсин: Роялистлар.

**РОЯЛИСТЛАР** (фр.) — король ҳокимияти тарафдорлари; королпарастлар; монархистлар; ўта реакцион сиёсий оқим. Биринчи марта Р. лар 18-аср охиридаги француз буржуа революцияси даврида революцияга қарши, Бурбонлар монархиясининг тарафдорлари маъносида ишлатилган.

**РСДРП** — Россия социал-демократик ишчилар партияси; РСДРП номи билан (1898 й. да) дастлаб ягона партия, 1903 й. да РСДРП

нинг II съездида унинг революцион қисми—большевиклар (қ.) РСДРП(б) номини олган, оппортунистик қисми эса — меньшевикларга (қ.) ажралган.

«**РУС ИШЧИЛАРИНИНГ ШИМОЛИЙ СОЮЗИ**»—1878—1880 й. да Петербург ишчиларининг биринчи революцион ташкилотларидан бири. Союзга дурадгор С. Н. Халтурин ва слесарь В. П. Обнорский бошчилик қилишган. Социалистик революция ўтказиш ҳамда мавжуд сиёсий ва иқтисодий тузумни ағдариш союзнинг пировард мақсади бўлган. Союз халқ учун сиёсий эркинлик ва ҳуқуқларни қўлга киритишни ўз олди-га яқин орада бажарилиши керак бўлган вазифа қилиб қўйган. Союз «Ер ва эрк» (қ.) билан ҳамкорлик қилган, ишчи тўғараклари ташкил қилган. Союзнинг 200 га яқин аъзоси, яширин босмахонаси бўлган, «Рабочая заря» газетасини чиқарган ва стачка ҳаракатларига раҳбарлик қилган. Бу союз чор ҳукумати томонидан 1879—1880 й. да тор-мор келтирилган.

**РУТБАЛАР** — мансаблар ёки мартабалар ҳақидаги жадвал-табель, Россия империясида 18—20-асрларда мансабдорларнинг хизмат ўташ тартибини белгиловчи қонун; Россияда ҳарбий (қуруқликдаги ва денгиздаги), гражданлик ва сарой бошқармаларидаги хизматни ўташ ҳақидаги Низом. Р. ҳ. ж. Пётр I томонидан 1722 й. 24 январда жорий этилиб, мартабалар 14 даражага бўлинган, ҳар бир мартабага маълум мансаб мос келган. Гражданлик, сарой, армия ва флотдаги биринчи олий олти рутбани аслзода дворянлар эгаллашга ҳақли бўлганлар, бу эса дворян бюрократиясининг шаклланишига ёрдам берган. Р. ҳ. ж. баъзи бир ўзгаришлар билан 1917 й. гача қўллан-

ган ва революциядан сўнг бекор қилинган.

**РЯДОВИЧ** (рус.)— қатор; раста; қадимги Русь — Киев давлатида қашшоқ деҳқон, қарол; феодалга шартнома асосида хизмат қилувчи шахс. 14—16-асрларда рус шаҳарларидан Новгород ва Псковда ва бошқаларда дўкондорлар уюшмаси (корпорация)нинг аъзоси.

## С

**САДРЛАР** (а.)—I 12-аср—13-аср бошларида Бухорода диний ва ҳокимият ҳукмдори унвони. Биринчи С. Абдулазиз ибн Умар бўлиб, уни салжуқийлар султони Санжар Бухорони идора қилиш учун раис мансабига тайинлаган эди. Кейинроқ С. лар қорахонийларга қарам бўлиб қолганлар ва бой шаҳарликларнинг кўмагига таяниб, қорахонийлардан озод бўлганлар. Бухоро С. лари ҳатто мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам ранслар тахтини мерос қолдирувчи сулолага айланганлар. С. лар кўп вақф (қ.) мулкларининг катта қисмини ўз назорати остига олганлар, хусусий ерлари, савдо-ҳунар тармоқлари бўлган, карвон савдоси билан шуғулланганлар. С. лар зулмига қарши Бухоро шаҳрида 1206 й. да бўлиб ўтган халқ қўзғолонига ҳунарманд Малик Санжар бошчилик қилган; 2 мусулмон мамлакатларида турли мартабали кишиларнинг унвони; ҳукмдорга яқин бўлган сарой аъёнлари, вақф ва диний ишлар билан шуғулланувчи руҳонийларга берилган фахрий унвон. 11—12-асрлардан бошлаб С. унвони вазирга (қ.) тенг бўлган. С. унвони руҳоний аъёнларга ҳам берилиб, уларнинг зиммасига кўпинча вилоят ёки бутун мамлакат вақфини бошқариш вазифаси юкланган. 3 13—15-асрларда Ўрта Осиёда вақф бошқарувчиси.

**САДРИ АЪЗАМ** (а.)— Усмонийлар империясида 16-асрдан, Эронда 19-асрдан — олий мансабдор шахс; биринчи министр, ҳукумат бошлиғи, Усмонийлар империясида С. а буюк вазир (қ.) унвонига тенг. С. а. унвони Эронда 1905—1911 йй. ларда, Туркияда 1922 й. да бекор қилинган.

**САИИС** — жиловбардор; ўзбек хонликларида мартабали шахснинг отига қаровчи, хўжайини отга минishi ва тушишига кўмаклашувчи хизматкор.

**САИД** (а.)—1 ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлодиданмиз, деб даъво қилган одамларнинг фахрий унвони; 2 баъзи мусулмон давлатларида ҳукмдор унвони.

**САЛБ** (а.)— мустаҳкам, чидамли, кучли; бўйинга осиб юриладиган крест-нишон; христиан дини ва унинг ақидаларига кўра муҳлис бўлган шахс.

**САЛБ ЮРИШЛАРИ** — Рим папаси бошчилигида Ғарбий Европанинг бир неча мамлакатлари — Генуя, Венеция, Пиза, Франция, Англия, Германия ва бошқалар Исонинг тобутини ғайри динлар (мусулмонлар) қўлидан қўтқазиб, «муқаддас» ерларни Фаластин мусулмонларидан озод этиш байроғи остида шарқ мамлакатларини талаш мақсадида Шарққа — Сурия, Фаластин, Шимолий Африка, Балтика бўйи мамлакатларига қарши етти ҳарбий экспедициянинг умумий номи; рицарларнинг Шарқ мамлакатларига ҳарбий юришлари. Биринчи С. ю. (1096—1099) Қуддусни олиш ва Иерусалим короллигини ташкил қилиш билан тугаган. Иккинчи С. ю. (1147—1149) ва учинчи С. ю. (1189—1192) вақтида руҳоний-рицарлик ордени тузилган. Папа Иннокентий III ташаббуси билан Византияга қарши уюштирилган тўртинчи С. ю. да

(1202—1204) асосан Венеция савдогарлари қатнашганлар ва Византия ерларининг бир қисми қўлга киритилиб, унда Латин империяси (1204—1261) ташкил этилган. Шундан сўнги С. ю. яхши натижа бермаган. Триполи (1289) ва Акра (1291) мусулмонлар қўлига ўтиши билан салбчилар ўзларининг Шарқдаги мулкларини тамомила йўқотганлар. С. ю. вақтида Шарқ халқларини талаб ортирилган бойлик Ғарбий Европада феодал жамиятнинг ривожига ва пул-товар муносабатларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. 12—13-асрларда папанинг ташаббуси билан немис феодаллари Балтика бўйи ва славян ерларига С. ю. уюштирилган («Дранг нах Остен»). Ватикан (қ.) ўрта асрлардаги С. ю. идеясидан Совет Иттифоқига, халқ демократияси давлатларига, мустамлака мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатига, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларга қарши курашда фойдаланишга бир неча бор уриниб кўрган. С. ю. лари Шарқ ва Балтика бўйи халқларига мислсиз азоб-уқубатлар, халқ хўжалигига катта вайронагарчилик келтирган. С. ю. лари Шарқни талаш эвазига Ғарбдаги давлатлар экономикасининг тез ривожланишига олиб келган бўлса, ўтмишда жаҳон бўйича тараққиётда олдинда борган Шарққа асрларга чўзилиб кетган турғунлик келтирган.

**САЛТАНАТ** (форс.) — ҳокимият, султонлик, подшолик, ҳукмронлик, бошқариш.

**САЛТИЧИХА** — Москва губернаси, Подольск уездининг помешчи Д. И. Салтикова (1730—1801) номи билан боғлиқдир. Крепостной деҳқонларга мислсиз жабр-зулм қилган, 139 крепостнойни ваҳшиёна азоблаб ўлдиргани учун С. устидан (1768 й. да) бошланган тергов натижасида у мо-

настирь қошидаги турмага умрбод қамашга ҳукм қилинган.

**САМАРАЙ** — афсонага кўра гапирадиган олтин бузоқ ясаб, Мусо пайғамбарга қарши чиқиб, одамларни ўзига қаратишга уринган киши.

**САМОЕДЛАР** — самоядь, саамлар ери сўзидан; Сибирнинг самодий тилида сўзлашувчи айрим халқлари — ненецлар, иганаслар, селкуплар, камасинлар, моторлар, қарагаслар ва б. қ. 1938 йилгача бўлган умумий номи самоедлар. Самоедлар эндиликда самодийлар деб аталиб, Ненец, Ямало-ненец, Таймир миллий автоном областларида истиқомат қиладилар.

**САМОДЕРЖАВИЕ** — Россияда монархнинг чекланмаган ҳокимиятига асосланган давлат тузуми, мустабид ҳокимият; 16—17-асрларда подшо боярлар думаси (қ.) билан бирга мамлакатни бошқарарди. 18-асрдан 20-аср бошигача ҳокими мутлақлик; революциядан олдинги Россияда дворян-помешчиклар диктатураси; 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб помещиклар ва буржуазия диктатурасини амалга оширувчи сиёсий тузум; яна қаралсин: Абсолютизм, Автократия.

**САМУРАЙЛАР** (яп.)—самурау—хизмат қилиш сўзидан. Феодал Япониясида кенг маънода — дунёвий феодаллар, тор маънода — ҳарбий феодаллар, майда феодал табақаси. Японияда 1867—1868 йй. лардаги буржуа революцияси (Мейдзи революцияси)дан сўнг самурайлар табақаси расман тугатилган, бироқ ўзларининг имтиёзларидан маҳрум этилмаган, мамлакатни бошқарувчи тўралар, айниқса армия ва флотда офицер кадрлар шулардан ташкил топган. Империалистик босқинчилик сиёсатини амалга оширувчи япон ҳарбийларига совет кишилари томо-

нидан берилган ном.

**САНАМ** (а.)—бут; мажусийлар, оташпарастлар сажда қиладиган нараса—қуёш, олов, када, ҳайвон ва ҳ. к.

**САНОВНИК** — катта амалдор, тўра, аъён, аркони давлат; феодал ва буржуа давлатларида юқори мансабдор; сарой катта амалдори.

**САНОАТ ПАРТИЯСИ** — эски буржуа интеллигенциясининг юқори табақаси намоёндаларидан ташкил топган жосуслик, зараркундалик, яширин контрреволюция ташкилоти (1925—1930 йй.); С. п. СССР да капитализмни қайта тиклаш учун Англия, Франция, АҚШ ҳукуматлари ва мухожирликдаги рус капиталистлари билан ҳамкорликда СССРга қарши зараркундалик қилиш йўли билан халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини издан чиқаришга ҳаракат қилган оқим. С. п. 1930 й. декабрида тор-мор қилинди.

**САНКЛЮЛОТЛАР** (фр.)—калта иштонлилар; 18-аср охиридаги француз буржуа революциясининг қатнашчилари. Улар калта, нафис тўр билан ҳошияланган бахмал шим кийган аслзода феодалларга қарши ўлароқ, қалин матодан тикилган узун шим кийганликлари учун шундай ном олганлар. Якобинчилар (қ.) диктатураси даврида С. революционерларнинг лақаби бўлиб қолган.

**САРБАДОР** (форс.)—дор остига борувчи ёки бошини дорга тиқувчи; С. 13—14-асрларда Эрон ва Самарқанда (1365 й.) шаҳар меҳнаткашлари ва деҳқонларнинг феодаллар зулмига қарши кураши қатнашчиларининг номи.

**САРБОЗ** (форс.)—оддий солдат; жангчи.

**САРДОР** (форс.)—бошлиқ, етакчи, йўлбошчи, раҳбар; Шарқдаги мусулмон давлатларида қуроли кучлар

бош қўмондони; Ҳиндистон ва Афғонистонда — қабила бошлиғи, нуфузли амалдор, тўра.

#### «САРИҚ РҶМОЛЛИКЛАР»

Хитойда эрамизнинг 184—204-йй. да бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолонининг қатнашчилари, улар бошларига сариқ рўмолча танғиб олганлари учун бу ҳаракат «сариқ рўмолликлар» қўзғолони деб аталган.

**САРДОБА** (*форс.*)— усти гумбаз шаклидаги гишт қурилма билан беркитилган сунъий ҳовуз. Қадим замонда сувсиз ерларда, чўлларда, карвон йўлларида гиштдан қурилган усти ёпиқ ҳовузнинг номи. Иссиқдан сақлайдиган ертўла.

**САРОЙ ДЕҲҚОНЛАРИ** (дворцовые крестьяне)— Россияда подшо ва унинг хонадонига мансуб бўлган шахсларга қарашли ерлар («сарой ерлари»)да яшаган қарам деҳқонлар. Бу ерлар феодал тарқоқлик шароитида 12—15-асрларда юзага келган. 15—17-асрларда рус давлатининг кенгайиши ва марказлашиши муносабати билан С. д. ларнинг сони ҳам ошди, лекин айрим вақтларда уларнинг сони камайган. 1753 й. да С. д. ларнинг асосий кўпчилиги баршчина (қ.) ва натура билан олинадиган оброк (қ.) мажбуриятидан озод қилиниб, пул оброгига кўчирилган. 1724 й. дан бошлаб С. д. лар жон солиғи тўлайдиган бўлишган. С. д. лар ўз хўжалик фаолиятида анча эркинликлардан фойдаланганлари сабабли иқтисодий аҳволлари помешчик қўлидаги деҳқонлардан бирмунча тузукроқ бўлган. 18-асрда С. д. лар орасидан савдогарлар, судхўрлар келиб чиққан. 1797 йилги реформага кўра, С. д. лар удел (қ.) деҳқонларига айлантирилган.

**САРОЙ ЕРЛАРИ** (дворцовые земли)— феодал Россиясида шахсан подшо ва унинг хонадонига мансуб

кишиларга қарашли ерлар. Бундай ерларда яшовчи аҳоли сарой деҳқонлари, ер эса сарой ери, деб аталган.

**«САРОЙ ТҶНТАРИШЛАРИ ДАВРИ»**—1725—1762 йй. да Россияда гвардиячи полклар ёрдами билан ҳукмдорларни алмаштириш даври. Сарой тўнтаришлари ҳокимият учун ўзаро курашган айрим дворян гуруҳлари томонидан амалга оширилган. Бу дворянлар ҳокимиятни чеклаш учун курашганлар, бироқ бу уринишлар дворянлар кенг табақаси томонидан мағлубиятга учратилган.

**САРКАРДА** (*форс.*)— етакчи, бошлиқ; қўшинга ёки армияга бошчилик қилувчи ҳарбий бошлиқ; қўмондон.

**САРКОР** (*форс.*)— ишбоши; ҳукмдорнинг шахсий хазиначиси; феодалларнинг ер-сувини назорат қилиб, бошқариб турувчи мансабдор; Эронда заминдорлар (феодаллар) ихтиёридаги махсус қуроли бўлилма командири; 18—19-асрларда олий бош қўмондон.

**САРКОФАГ** (*грек.*)— қадимги Миср ва Грецияда тошдан, ёғочдан ўйиб ясалган тобут ва мақбара; кейинчалик тошдан тобут шаклида ишланган ва қабр устига қўйиладиган ёдгорлик.

**САРОФ** (*а.*)— Шарқнинг айрим мамлакатларида процент ҳақ эвазига пул майдаловчи ва турли давлат пулларини валюта қийматига қараб алмаштирувчи. Қимматбаҳо тош ёки бошқа қимматли буюмларнинг баҳосини белгилаб берувчи; судхўр.

**САРТЛАР** — ўзбекларнинг қадимдан ўтроқ ҳаёт кечирган қисми; Октябрь революциясигача ўзбекларнинг ярим кўчманчи қисми; қозоқлар ўтроқ ўзбекларни ва текисликда яшовчи тожикларни С. лар деб атаганлар. Тошкент, Фарғона ва Хоразм ваҳоларида, Жанубий Қозоғистонда ўт-

роқ ўзбеклар ўзларини С. лар деб атаганлар. С. лар шаҳарлар ва катта қишлоқларда яшаб деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланганлар.

**САТУП** — тўп боши, сарой соқчилари бошлиғи.

**САРХАНГ** — қалъа атрофида мудофаа истеҳкомлари қуришга жавобгар бўлган амалдор.

**САТЕЛЛИТ** (*лат.*)—1 йўлдош, ҳамтовоқ; қадимги Римда ўз хўжайинини қўриқлаб юриш учун ёлланган қуроли соқчи; 2 ўзгалар хоҳишини қўллуқ қилиб бажарувчи ҳамкор; 3 С.—расман мустақил, ҳақиқатда бошқа бирорта катта, ўзидан кучли давлатга тобе бўлиб, унинг манфаатларига мослаб сиёсат юритувчи давлат. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ империалистик лагердаги бир қанча давлатларни ўз С. ларига айлантирди.

**САТРАП** (*грек-қад. форс.*)—қадимги форс подшолигида ва илк ўрта асрда чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланувчи вилоят (сатрапия) ноиб. Мустабид маъмурят.

**САТРАПИЯ** — сатрап бошқарадиган ўлка; Мидияда қадимги форс давлатида (Аҳмонийлар сулоласи — эр. ав. 558—330 йй.), кейинчалик Элли монархияси (эр. ав. 4 аср охири—1 аср), Парфия подшолиги (эр. ав. 250 й.—эрамининг 226 й.) ва сосонийлар Эронида (225—651 йй.) вилоят; ўрта асрларда форс вилояти.

**САТУРН** (*лат.*)—қадимги италянларда вақт ва экинлар худоси, деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийси; грекларда — Кроносу.

**СВАРОГ** — шарқий славянларда христиандлик қабул қилингунга қадар бош худо; осмон ва олов худоси; С. қуёш худоси — Дажбоғ ва олов худоси — Сварожичнинг отаси.

**СВАРОЖИЧ** — ердаги олов ху-

доси; шарқий славян афсоналарига кўра Сварогнинг икки ўғли; қуёш худоси — Дажбоғ ва олов худоси Сварожич бўлган.

**СЕАТО** (*ингл.*)—«Шарқи-Жанубий Осиёни мудофаа қилиш ҳақидаги шартнома»нинг қисқартирилган (инглизча номининг бош ҳарфларидан олинган) номи; Буюк Британия, Франция, Австралия Иттифоқи, Янги Зеландия, Филиппин, Таиланд ва Покистон ҳарбий-сиёсий иттифоқи бўлиб, АҚШ нинг плани асосида 1955 й. да тузилган. Шартномада Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатини зўрлик билан бостириш, Осиёдаги социалистик мамлакатларга қарши урушга тайёрланиш, халққа қарши реакцион режимларга ҳарбий мадад бериш кўзда тутилган эди. Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг империалистик агрессорлар ҳамда уларнинг гумашталари устидан қозонган ғалабалари, халқларнинг тинч ва ҳамкорликка интилишларининг кучайиб бориши бу агрессив ҳарбий блокни ҳалокатга олиб келди. 1975 й. сентябрида СЕАТО ни тарқатиш ҳақида қарор қабул қилинди ва 1977 й. июнидан тугатилди.

**СЕГРЕГАЦИЯ** (*лат.*)— ажратилган; буржуа давлатларида ирқий камситишнинг бир шакли. С. негрлар ва бошқа қора танли аҳолини оқ таңлилардан мажбуран ажратиб қўйиш; қора танли аҳоли учун транспорт, ўқув юртлари ва шу кабилар бошқа бўлиши; айрим ирқий группаларнинг яшашлари учун алоҳида территория ажратилиши, С. айниқса Жанубий Африка Республикасида жуда ривожланган. АҚШ да ҳам С. мавжуд. Яна қаралсин: Резервация, Апартеид, Расизм.

**СЕЙМ** (*поляк.*)—1 феодализм даврида — бир қатор мамлакатларда, жумладан, собиқ Польша-Литва, Че-

хия ва бошқа давлатларда тоифа-вакиллик муассасалари; 2 Финляндияда бир палатали қонун чиқарувчи орган; 3 Польша Халқ Республикасида давлат ҳокимиятининг бир палатали олий органи. 4 Буржуа Литва (1922—1940) ва Латвия (1922—1934) парламентининг қуйи палатаси.

**СЕЙМИҚЛАР** (поляк.)— Польшада шляхта (қ.) майда помешчик-дворянларнинг йиғилишлари.

**СЕКТА** (лат.)— мазҳаб, таълимот, маслак; диннинг ҳукмрон черковдан ажраб чиққан бирор тармоғи.

**СЕКТАНТ** — бирор мазҳабдаги киши, мурид, сектанинг аъзоси.

**СЕКТАНТЛИҚ** — мазҳабчилик, бирор мазҳабдаги кишилар уюшмаси. 1 диний мазҳабчилик, ҳукмрон дин ёки черковдан ажралиб чиққан мазҳаб; эксплуататорлик давлатларида, айниқса феодализм даврида С. ҳаракати аксарият халқ оммасининг феодал зулмга қарши стихияли норозилигини ифода этади; 2 сиёсий С. ишчилар синфининг революцион ҳаракатида антимарксистик, сўл оппортунистик оқим бўлиб, у ишчиларнинг сиёсий партиялари касаба союзларида иш олиб бориш ва курашнинг парламент усулига етарли баҳо бермаган. У ўзининг тор доирасида чекланиб, меҳнаткашлардан ва оммавий ташкилотлардан ажралиб қолган С. га айланган. Сиёсий сектантликнинг гоявий шакли — догматизм эса марксизм-ленинизмни янги шароитга ижодий татбиқ этиш мумкинлигини инкор қилишдан иборат.

**СЕКҮЛЯРИЗАЦИЯ** (лат.)— 1 черков мулклари (кўпинча ер)ни давлат ихтиёрига олиш; С. феодал жамияти тараққиётининг ҳамма босқичида учраган бўлса ҳам, Германияда 16-асрда деҳқонлар уруши вақтида кучайган. Россияда С. масаласи 15-

аср охирларида (Иосифчилар ва Нестяжателлар можараси) кун тартибига қўйилган. Иван IV замонида «юз бобли собор» (1551) подшо ёш болалик вақтида монастырь ва черковлар қўлга киритган ер-мулкларни хазина ихтиёрига қайтариб беришга мажбур бўлган. Екатерина II замонида 1764—1786 й. ларда монастырь ерларининг талайгина қисми С. қилинган. Буржуа мамлакатларида С. капиталистик хусусий мулкчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилган, чунки С. қилинган монастырь ерларини одатда капиталистлар қўлга киритдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Совет ҳокимияти черков ва монастырь ерларини миллийлаштириб, умумхалқ мулкига айлантирди. 2 Ҳозирги даврда бу термин кенг, замонавий маъно касб этиб, шахсий ва ижтимоий онгнинг дин, черков таъсиридан, ҳукмронлигидан халос бўлишини билдиради.

**СЕКҮНД-МАЙОР** (лат.)— 18-асрда (1716—1796 йй.) рус армиясида офицерлик унвони бўлиб, у кейинги вақтлардаги подполковник даражасига тенг.

**«СЕМИБОЯРШЧИНА»** (рус.)— етти бояр бошқарган вақт; етти бояр ҳукумати (1610—1612); Россияда подшо Василий Шуйский тахтдан афдарилгач (1610 й. июль), мамлакат етти бояр томонидан идора қилинган вақт; амалда ҳокимият поляк интервентлари қўлига ўтган давр; К. Минин ва Д. Пожарский бошчилигидаги ополчение томонидан тугатилган; тартибсизлик, анархия, қудратли марказий ҳокимиятнинг йўқлиги билан характерланади.

**«СЕМИЗ ХАЛҚ»** ёки **«ИҮҒОН ШАҲАРЛИЛАР»**— 13—15-асрларда италиян коммуналарида шаҳарнинг бой табақалари шундай деб аталганлар.



**СЕМУРҒ** — афсонавий бахт-толе қуши, давлат қуши: ўзбек эртақларида Кўҳи Қоғда яшовчи афсонавий катта қуш; Бахт қуши.

**СЕНАТ** (лат.)—1 қадимги Римда республика давригача уруғ оқсоқолларининг йиғини. Республика даврида С. олий ҳокимиятнинг давлат органи, ҳукмрон қулдор аслзодалар қуроли; 2 Россия империясида юқори ҳукумат муассасаси; суд, молия-маъмурий ишларни назорат қилувчи. С. 1711 й. да боярлар думаси ўрнига ташкил этилган. Олий махфий кенгаш (1725—1730), кабинет-министр (1731 й.) ва император саройи ҳузуридаги конференция (1756 й.) ташкил этилгач, С. ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотган; 1763 й. да С. нинг олти департаментга бўлиниши тўғрисида унинг аҳамияти янада камайган; Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг С. тамомилан тугатилди. 3 АҚШ, Франция, Италия ва бошқа баъзи мамлакатларда парламентнинг (қ.) юқори палатаси.

**СЕН-СИМОНИЗМ** —19-асрдаги француз утопист социалисти Сен-Симон таълимоти. Сен-Симон Андри Клод (1760—1825) граф оиласида дунёга келган. Уни машҳур астроном Ж. Даламбер ўқитиб, тарбиялаган. Сен-Симон ўз асарларида буржуа жамиятини танқид қилиб, капитализм тузумини социализм билан алмаштиришни орзу қилган. Сен-Симон ўз замондошлари орасида биринчи бўлиб, инсоният жамияти маълум қонуниятлар асосида ривожланиши, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ҳар бир жамият ўзидан илгаригига қараганда прогрессивдир, чунки у ишлаб чиқариш, фан ва санъатнинг тобора ривожланишига олиб боради. Сен-Симон ҳам Фурье каби ўзи хаёл қилган социализм жамиятида хусусий мулк ва синфлар сақланиб қола-

ди, дейди. Сен-Симон, менинг асосий мақсадим ишчилар синфини озод қилиш, қашшоқликни тугатиш, «камбағал синф»нинг моддий ва маданий ҳаёт даражасини кўтариш, дейди. У пролетариатни жабрланувчи синф деб атади, унинг тарихда ўйнайдиган буюк ролини тушунмайди. Унинг фикрича, жамият ҳаммани меҳнат ҳуқуқи билан таъмин этиши, ҳар ким ўз қобилиятига яраша ишлаши керак. Сен-Симон ҳам Оуэн ва Фурье каби, капиталистик жамиятдаги зиддиятларни революцион йўл билан бартараф этишга қарши эди. Сен-Симон таълимоти утопик социализм таълимоти эди. У ўзининг «Янги христианлик» асарида ишчи синфининг озод бўлишини «янги» дин («ҳамма одамлар — оға-инилар»)ни жорий этиш билан боғлайди. С.-С. таълимоти илмий коммунизмнинг гоявий манбаъларидан бирдир.

**СЕНЬОР** (лат.)—Ғарбий Европадаги айрим мамлакатларда феодал жамиятида ўзига қарашли ерларда яшовчи аҳолига нисбатан маъмурий ва сиёсий ҳукмронликка эга бўлган катта ер эгаси, йирик феодал; жаноб, тақсир, афанди. Испанияда эркакларга мурожаат этилганда сеньор, аёлларга — сеньора сўзи ишлатилади.

**СЕНЬОРИЯ** (лат.)—сеньорга қарашли область.

**СЕНТО** —«Ғарби-Жанубий Осиёни мудофаа қилиш тўғрисида шартнома» деган инглизча номнинг биринчи ҳарфлари бўйича қисқартирилиб ифодаланиши. С. АҚШ ва Франция ташаббуси билан 1955 й. да тuzилган, составида Буюк Британия, Туркия, Ироқ, Эрон ва Покистон бўлган ҳамда Осиё халқлари ўртасида кўчайиб бораётган миллий озодлик ҳаракатини бўғишни мақсад қилиб қўйган агрессив ҳарбий-сиёсий

иттифоқ. С. дан Ироқ чиқиб кетгунга қадар (1955—1958) бирлашган «Бағдод пакти» номи билан маълум эди. АҚШ С. га кирмаса ҳам, ҳақиқатда унинг ишларига раҳбарлик қилган. 1979 й. да С. дан Эрон ва Покистон чиқиб кетгач, Туркия ҳукумати С. фаолиятини тўхтатиш ташаббуси билан чиқди, чунки С. ўз моҳиятини йўқотган эди.

**СЕПАРАТИЗМ** (*лат.*)—1 марказий давлатдан ажралиб чиқишга интилиш; 2 бирор областни давлатдан ажратишга қаратилган сиёсий ҳаракат; 3 қандайдир мақсадни кўзда тутиб кўпчиликдан ажралишга интилиш.

**СЕПАРАТ СУЛҲ** (*лат.*)— алоҳида сулҳ; маълум коалиция (иттифоқ)га бирлашиб уруш олиб бораётган давлатлардан бирининг ўз иттифоқчилари уруш олиб бораётган бир вақтда уларнинг ихтиёридан ташқари душман томон билан тил бириктириб олиши (масалан, Мисрнинг ўз ҳукмрон доиралари хиёрати туфайли Изроил билан С. сулҳ тузиши).

**СЕСЦЕРЦИИ** (*лат.*)—эрамиздан аввалги 217-йилгача Римда муомалада бўлган кумуш танга; кейинчалик мис чақа.

**СЕЧЬ**—Украинада Запорожье казакларининг 16—18-асрларда мавжуд бўлган ўз-ўзини бошқариш ташкилоти.

**СИЁСИЙ РЕАКЦИЯ**—ўз умрини яшаб бўлган социал тартибни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида социал тараққиётга қаршилик кўрсатиш. С. р. революцион, демократик ва миллий озодлик ҳаракати га қарши курашда, демократик ҳуқуқ ва озодликни бостиришда, тараққийпарвар сиёсий ва ижтимоий ташкилотларни, арбобларни таъқиб этишда, оммавий террор ва зўравонлик қилишда, ирқий ва миллий кам-

ситишда, агрессив ташқи сиёсатни амалга оширишда намоён бўлади.

**СИККА** (*а.*)—пул зарб қилиш; давлат бошлиғи номидан олтин, кумуш, мис танга ёки чақа зарб қилиш. Одатда пулда ҳукмдорнинг номи ва дуо, зарб қилинган жойи ва йили кўрсатилган. Баъзан Қуръондан кичик бир оятнинг бош қисми ҳам кўчирилган.

**СИНАГОГА** (*грек.*)—йиғилиш; яҳудийларда ибодатхона, диний жамоа ташкилоти.

**СИНДИКАЛИЗМ** (*фр.*)—ишчилар касаба союз ҳаракатидаги майда буржуа оппортунистик оқими; у 19-аср охири—20-аср бошларида вужудга келган; асосий раҳбарлари А. Лабриола (Италия), Ж. Сорель (Франция). Бу оқим намояндалари пролетариатнинг сиёсий курашини, пролетариат диктатурасини ва ишчилар синфи партиясининг раҳбарлик ролини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, ишчилар фақат касаба союzlари тузиш ва иқтисодий кураш олиб бориш билан чегараланишлари керак. Улар пролетариат давлати ва диктатураси зарурлигини ҳам инкор қиладилар. Улар социалистик революция ғалаба қозонгач, ҳеч қандай диктатурага эҳтиёж қолмайди, ишлаб чиқариш ва бошқариш иши синдикатлар—касаба союzlари ёрдами билан амалга оширилади, деб ҳисоблайдилар.

**СИНДИКАТ** (*лат.*)—текширмоқ; текшириб чиқмоқ; 1 капиталистик мамлакатларда рақибларни йўқотиш, бозорларга танҳо эга бўлиш, нархларни ошириш, ишчиларни янада қаттиқ эксплуатация қилиш, кўпроқ фойда олиш мақсадида тузиладиган монополистик бирлашма. У картелдан (қ.) шу билан фарқ қиладики, хом ашё, маҳсулот ягона орган—контора ёки савдо фирмалари орқа-

ли сотиб олинади ва сотилади. Ҳозирги даврда С. ўзининг эски аҳамиятини йўқотган; 2 СССРда 1922—1930 йилда бир неча санот трестларини ўз ичига олган ташкилот (хом ашё ва маҳсулотни сотиб олиш ва сотиш, савдо ишларини планлаштириш учун); 3 Франция ва бошқа баъзи мамлакатларда касаба союзларининг номи.

**СИНЕНДРИОН** (грек.)— қадимги Яҳудияда оқсоқоллар кенгаши; у Қуддус инкрозага учрагунга қадар олий диний муассаса вазифаларининг гина эмас, балки ҳукумат ва суд вазифаларини ҳам бажарган.

**СИНОД** (грек.)— йигин, мажлис; составида бир неча черков бўлиб, черков иерархия (қ.) сида юқори лавозимларни эгаллаган шахслардан ташкил топган кенгашувчи ёки маъмурий орган. Рус православ черковида патриарх (қ.), католик черковида Рим папаси ҳузуридаги орган. 1 патриарх (қ.) бошқармасининг тугатилиши муносабати билан 1721 й. да Пётр I томонидан ташкил қилинган муассаса; Россияда православие черкови бошқармасининг юқори органи ҳисобланган диний коллегия. С. ихтиёрида монастырь прикази, черков ишлари прикази, раскольниклар иши билан шуғулланувчи приказ ва бошқалар бор эди. 1722 й. да Синод президенти лавозими тугатилиб, ўрнига гражданлик мансабларидан бўлган обер-прокурор тайин этилган. С. диний мактаб ва ўқув юрглари ишларига раҳбарлик қилар, рус черкови бўйича олий суд муассасаси ҳисобланар эди. 1918 й. 20 январда Совет ҳукумати томонидан эълон қилинган декретга кўра, черков давлатдан ва мактаб черковдан ажратилди; 2 1943 й. да СССР да ташкил этилган муқаддас С. Москва ва Бутун Русь патриархи (қ.)

ҳузуридаги кенгашувчи орган бўлиб, фақат черков ички ишларини назорат қилади. Православие черкови ва динига тааллуқли масалаларни кўриб, ҳал этади; 3 протестант (қ.) черковида С. руҳонийларнинг йигини бўлиб, унда черковга доир муҳим масалалар ҳал этиларди.

**СИНФ** (а.)— одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян тарихий ўрин тутган, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, ижтимоий бойликларнинг тақсимотидаги роли бир хил бўлган, умумий манфаатлар билан бирлашган катта ижтимоий группаси.

**СИНФИЙ ҚУРАШ** — манфаатлари бир-бирига зид бўлган ижтимоий синфлар ўртасидаги кураш. Ишлаб чиқарувчи кучларга хусусий мулкчилик ва синфлар келиб чиққандан буён жамиятнинг бутун тарихи эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчилар ўртасидаги синфлар курашидан иборат.

Марксизм-ленинизм С. к. антагонистик ижтимоий-иқтисодий формацияни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч эканини кашф этди. С. к. оқибат натижада жамиятнинг бир формасидан иккинчисига ўтишни таъминловчи революцияга олиб келади. Капиталистик жамиятда С. к. икки асосий синф — пролетариат билан буржуазия ўртасида иқтисодий-сиёсий ва идеологик кураш формасида бўлади. С. к. нинг олий формаси буржуазия ҳукмронлигини ағдариб, у ёки бу формада пролетариат ҳокимиятини ўрнатиш вазифасини бажарувчи революциядир. Ишчилар синфи бу курашда пролетариат бўлмаган меҳнаткашлар оммаси билан яқин иттифоқда уларни бирлаштиради, уларга раҳбарлик қилади. С. к. айниқса империализм даврида жиддийлашади. Ҳозирги замон капиталистик жамия-

тида С. к. монополиялар тўла ҳукмронлигига қарши олиб борилади. Капиталистик монополияларга қарши курашда тинчликни сақлаб қолиш, кенг демократик талабларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган миллатнинг ҳамма асосий қатламлари пролетариат теварагига бирлашади. Тобора ўсиб бораётган революцион ҳаракатга қарши курашда монополиялар ва буржуа давлатлари мамлакат ичкараси ва ташқарисида революцион кучларни бостириш учун ягона фронт бўлиб бирлаштирилмоқдалар. Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилиши, жаҳон социализм системаси пайдо бўлиши билан С. к. нинг янги кенг fronti — икки хилма-хил система ўртасидаги кураш fronti вужудга келди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келиши билан кучлар нисбати меҳнаткашлар фойдасига тубдан ўзгарди. Икки система ўртасидаги синфий кураш ҳозирги замоннинг асосий зиддиятидир.

**СИОНИЗМ** — қадимги Яҳудия пойтахти Иерусалимда жойлашган тепаликлардан бири — Сион номидан келиб чиққан; реакцион миллатчилик ҳаракати ва яҳудий буржуазиясининг идеологияси. С. 19-асрнинг 80-й. ларида Европа мамлакатларида антисимитизмнинг (қ.) жуда кучайишига жавобан яҳудий буржуазияси ичида вужудга келди (С. нинг энг кўзга кўринган лидери Австрия журналисти Т. Герцль). 1897 й. да Базель (Швейцария)да С. нинг биринчи жаҳон конгресси (1968 й. да Қуддусда 27-конгресс) бўлиб ўтди. Бунда жаҳон С. ташкилоти жорий этилиб, у ўз олдига ҳамма яҳудийларни Фаластинга кўчириш ва у ерда яҳудийлар давлатини ташкил этишни асосий мақсад қилиб қўйган. Яҳудий буржуазияси яҳудийларнинг

миллий бирлигини тарғиб қилиш ниқоби остида яҳудий меҳнаткашларини халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидан ажратишга уринади. 20-асрнинг 20—30-йй. да Англия ўзининг Фаластиндаги аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида С. га яҳудийларнинг миллий ўчоғини тузишни ваъда қилди; инглиз империалистлари С. дан араб миллий озодлик ҳаракатини бўғишда фойдаландилар. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан сўнг С. АҚШ империалистлари билан ҳамкорлик қилади. С. ташкилотининг маркази АҚШ бўлиб, 1948 й. да Исроил давлати ташкил топгач, С. Исроил давлат идеологияси ва давлат сиёсатининг асоси бўлиб қолди. Халқаро империализм С. дан Яқин Шарқда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, араб халқларининг миллий озодлик ҳаракатини бўғиш ва социалистик мамлакатларга нисбатан душманчилик фаолиятини амалга оширишда фойдаланади. Ҳозирги замон С. нинг асосий мазмуни курашувчи шовинизм (қ.), расизм (қ.), ўта миллатчилик, антикоммунизм (қ.) ва антисоветизм (қ.) дан иборат. С. нинг олий органи Бутунжаҳон сионистлар ташкилоти. Раҳбарлик қилувчи маркази Исроилда.

**СИПОҲИЙ** (*форс.тож.*) — ҳарбий киши; ўтмишда пиёда ёки отлик аскар, қишлоқ ва шаҳарларда ҳарбий солиқни ундирувчи молия бошқармасининг мансабдори.

**СКВАЙР** (*ингл.*) — эсквайр унвонининг қисқартирилгани бўлиб, ҳушмуомалалик учун помешчиклар фамилиясига қўшиб айтиладиган сўз; АҚШ ва Англияда судья ва маҳаллий мансабдор шахсларнинг фахрий унвони.

**СКУПШЧИНА** (*серб.*) — Иттифоқ Халқ скупшчинаси; Югославия Федератив Социалистик Республикаси

давлат ҳоқимиятининг вакиллик органи. Югославиядаги республикалар, автоном сўлка ёки общиналарнинг ҳам С. си бўл. Биринчи жаҳон урушигача Сербияда парламент номи.

**СЛАВЯНШУНОСЛИК** — славянлар тили, адабиёти, маданияти, тарихи ва ҳаётини ўрганувчи фан.

**СЛАВЯНОФИЛЛАР** — славян-парастлар; С. Россияда 19-асрнинг 40—50 йй. ида рус ижтимоий фикридаги оқимлардан бирининг намоёндалари; С. нинг кўзга кўринган арбоблари А. С. Хомяков, ака-ука Киреевскийлар, ака-ука Аксаковлар, Л. И. Кошелев, Ю. Ф. Самарин ва бошқалар эди. С. деҳқонларни шахсан озод қилган ҳолда феодал ер эгаллиги принципларини ва самодержавиени сақлаб қолиш тарафдори эдилар. Бу оқим Россиянинг капиталистик ривожланиши муқарраллигини инкор этар ва патриархал славян маданиятига қайтишни ёқлар эди. С. лар қадимги Русда ижтимоий тузумни, деҳқон жамоаларини идеаллаштирадilar. С. лар славяншуносликнинг ривожланишига, халқ ҳаётини ўрганишга катта аҳамият бердилар, деҳқонлар реформасини тайёрлаш жараёнида ғарбпарастлар (қ.) билан яқинлашдилар ва либерализмнинг умумий лагерига кирдилар. В. Г. Белинский ва А. И. Герцен революцион-демократик позициядан туриб, С. ларга қарши изчиллик ва мурасизлик билан кураш олиб бордилар.

**СЛАВЯНОФОБЛИК** — славянларга душман кўзи билан қараш, славян халқлари ва давлатлари билан миллий-сиёсий жиҳатдан яқинлик қилишга қарши туриш.

**СЛОБОДА** (рус.)—1 аҳолиси крепостной ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган катта қишлоқ; 2 шаҳар атрофидаги катта қишлоқ; шаҳар атро-

фи; 3 Россияда 14-асрдан бошлаб турли монастырь, сарбозлар, қишлоқларнинг номи. С. ер эгалари томонидан ташкил этилган С. аҳолиси князь фойдасига солиқ тўламаслик каби вақтли имтиёзлар («свобода») бериларди, бу эса С. хўжайинига қарам бўлган деҳқонларни крепостнойга айлантириш йўлларида бири эди; шаҳарларда ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган посад (қ.) С. си ҳам бўлган.

**СЛОБОДА КАЗАКЛАРИ** — Слобода Украинасининг казак аҳолиси; 1637—1638 йй. да деҳқон казаклар қўзғолонининг қатнашчиларидан гетман Я. Острянин бошчилигида кўчиб келган 800 казак томонидан бунёд қилинган. Мамлакат жанубий чекка ўлкаларининг ўзлаштирилиши ва уларнинг мудофаасини ташкил этишдан манфаатдор бўлган подшо ҳукумати бу ерга кўчиб келувчиларни рағбатлантирган, улар маҳаллий бошқарма ҳуқуқидан фойдаланган ва ҳарбий вазифани ўтаганлар. Ҳуқумат бу ерда бир неча казак полкини ташкил этди. С. к. лари полклар ва сотникларга бўлинарди. С. к. нчида ижтимоий зиддиятларнинг вужудга келиши ва бу ерлардаги аҳоли ҳам крепостнойларга айлантирила бошлаши галаёнларга сабаб бўлди. 1670 й. да Острогояж полкида галаён рўй берди ва галаёнчилар С. Разин ҳаракати билан боғландилар, 1707—1708 йй. да К. Булавин қўзғолонида қатнашдилар. 1765 й. да бу полклар тугатилиб, мунтазам гусар полкига айлантирилди. С. к. лари казаклик ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, қўшинга айлантирилди. Старшиналар офицерлик унвонини ва рус дворянлари ҳуқуқини олдилар. С. Украинаси ерида Слобода Украинаси губернаси тузилди.

**СМЕРД** (рус.) — қадимги Русда (9—13-асрлар) феодалга қарам деҳқоннинг номи. С. ўз хўжайинига оброк (қ.) тўлар ва баршчинами (қ.) адо этар эди. С. ни ўлдирган кишидан унинг хўжайини фойдасига хун ундирилган.

**СОБОР** — 1 қадимги Русда мансабдорларнинг ёки сайлаб қўйилган кишиларнинг давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларини кўриб, ҳал қилувчи йиғин; земский С; черков С; 2 шаҳардаги ёки монастирдаги бош черков.

**СОВУТ** — дубулға; темир кийим, зирҳли кийим, кенгбар металл камар; жангчи гавдасини душмanning зарбидан сақлайдиган темир кийим. Жавшан, совут-зирҳ; Шарқ мамлакатларида сим ва темир ҳалқалардан тўқилган қадимги уруш кийимларидан бири; от сағрисига қўйилдиган ёпиқ (аскар ундан кечаси тўшак ўрнида фойдаланади), у бўктирғи деб ҳам аталган.

**«СОВУҚ УРУШ»** — иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган АҚШ бошлиқ империалистик давлатлар блокнинг тажовузкор, авантюристик сиёсати формаси. Бу термин иккинчи жаҳон урушидан сўнг пайдо бўлиб, империалистик давлатларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши олиб борган душманлик сиёсатини назарда тутди. «С. у.» ҳақидаги ибора Англиянинг собиқ бош вази У. Черчиллнинг 1946 й. мартада Фултонда сўзлаган нутқида айtilган. «С. у.» дан кўзланган асосий мақсад СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши уруш тайёрлашдир. «С. у.» халқаро муносабатларда кескинликни кучайтиришга қаратилган. «С. у.» куч ишлатиш позициясида туриб, турли хил империалистик иттифоқлар

тузишни, тўхтовсиз қуролланиш ва уруш хавфини кучайтиришни, халқларни атом, нейтрон ракеталар ва шу каби ялпи қирғин воситаларини ишлатиш билан қўрқитишни, тинч иқтисодий алоқаларни издан чиқаришни кўзлайди. «С. у.» сиёсати жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги халқлар оммаси кенг табақаларининг тобора ўсиб бораётган қаршиликка дуч келмоқда.

**СОЛНОМА** — қ. йилнома.

**СОЛНОМАЧИ** — қ. йилномачи.

**СОЛГУТ** (ўзб.) — Хева хонлигида турли вақтда миқдори ҳар хил бўлган ер солиғи.

**СОСЛОВИЕЛИ МОНАРХИЯ** — тоифали-вакиллик монархияси, феодал давлат формаси; С. м. да король, подшо ва ҳ. к. ҳокимияти дворянлар, руҳоний ва шаҳарликларнинг тоифали-вакиллик органларига таянади. Европанинг кўпгина мамлакатларида тоифали-вакиллик органлари; 12-аср — 14-асрнинг бошларида вужудга келган; Испания ва Португалияда кортеслар (12-аср — 13-асрнинг охири), империя сейми (рейхстаг) ва Германиянинг айрим князликларида ландтаглар (13—14-асрлар), Англияда парламент (13-аср), Францияда генерал штатлар (14-аср бошида) ва ҳ. к. Подшо ҳокимиятининг чекланмаган Земский собор шаклидаги тоифали-вакиллиги 16—17-асрларда Россияда ҳам мавжуд бўлган. С. м. феодаллар сиёсий ҳукмронлигини кучайтириш қуроли бўлиб хизмат қилган. Аҳолининг асосий оммаси, крепостной деҳқонлар ва шаҳарликларнинг кўпчилиги С. м. даврида сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсизлигича қолаверган. Кейинчалик С. м. ҳокимияти мутлақлик билан алмашилган.

**СОСЛОВИЕ** — тоифа, табақа, феодал жамиятининг одат ёки қонун

йўли билан белгиланган социал группаси. Россияда 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дворян, руҳонийлар, деҳқонлар, купецлар, мешчанлар каби сословияли бўлиниш жорий этилди. Капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши билан С. бузулади. Бироқ ҳозирги замон буржуа давлатларида С. сарқитлари давом этмоқда.

**СОТНИК** (*рус.*)— юзбоши; 1 чор қўшинларида юзбоши; 2 казак қўшинида офицерлик унвони, мунтазам армиядаги поручикга тенг. 3 Украинада 16—17-асрларда маъмурий-территориал ва ҳарбий бошлиқ.

**СОТСКИЙ**—1 қадимги Русда лашкар юзбошиси; 2 15—17-асрларда Москва давлатида юзбошилар ичидан сайлаб қўйилган маҳаллий бошлиқ; 3 революциядан илгариги Россияда қишлоқ полициясининг аҳоли йиғинида деҳқонлардан сайлаб қўйилган ёрдамчиси.

**СОЦИАЛИЗМ** (*лат.*)— ижтимоий, жамиятга оид; пролетар революцияси, пролетар диктатураси туфайли капитализм ўрнига барпо этилган ижтимоий ва давлат тузуми— коммунизмнинг биринчи ёки қуйи фазаси. С. даврида кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши тугатилади, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ижтимоий мулкчилик билан алмаштирилади. С.нинг муқаррар равишда ғалаба қилиши К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан илмий асослаб берилган эди. Улар С. га илмий характеристика бериб, янги жамиятнинг энг муҳим белгиларини кўрсатиб бердилар. Янги тарихий шароитда С. ҳақидаги таълимотни В. И. Ленин янада ривожлантирди. Бу таълимот КПСС ва бошқа марксчи-ленинчи партиялар томонидан мунтазам равишда бой-тиб борилмоқда.

КПСС раҳбарлиги остида Россиянинг кўп миллатли ишчилар синфи жаҳонда биринчи бўлиб С. жамиятини қурди. Тараққиёт даражаси жиҳатидан турлича бўлган мамлакатларда социализм қуриш турли конкрет формаларда амалга оширилмоқда. Бунда социалистик революция ва социалистик қурилиш асосий қонуниятлари сақланмоқда. Социалистик соҳада бу— пролетариат революцияни амалга ошириш ва у ёки бу кўринишдаги пролетариат диктатурасини ўрнатиш; меҳнаткаш оммага авангарди— марксчи-ленинчи партияси бўлган ишчилар синфининг раҳбарлиги, ишчилар синфининг деҳқонлар, меҳнаткашлар бошқа табақалари билан иттифоқи; миллий зулмнинг тугатилиши, халқлар ўртасида дўстлик ўрнатиш, социализм қўлга киритган ғалабаларни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилиш; шу мамлакат ишчилар синфининг бошқа мамлакатлар ишчилар синфи билан бирдамлиги, пролетариат интернационализמידир. Иқтисодий соҳада бу— капиталистик мулкчиликни тугатиш ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалликни ўрнатиш; халқ хўжалигини планли равишда ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишдир. Маънавий соҳада бу— маданий революцияни амалга оширишдир. Социалистик жамият икки дўстона синф— ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлардан ва улар орасидан егичиб чиққан зиёлилардан ташкил топади. С. жамиятда антагонистик синфлар йўқлиги туфайли унда халқнинг социалистик соҳага ёғий бирлиги вужудга келади, социал ва синфий фарқ тугаб боради.

С. сиёсий системаси ишчилар синфининг етакчилиги, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги, социалистик

демократиянинг ривожланиши, давлатнинг мустақамланиши билан характерлидир. С. ўз тараққиёти йўлида бир неча босқични босиб ўтади. Улардан энг юқориси — ривожланган социализм (қ.) дир.

**СОЦИАЛ - РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР** — қаралсин: Эсерлар.

**СОЦИАЛИСТИК** (*лат.*) — биродарлик, қардошлик; социализм издоши; социалистик партия аъзоси.

**СОЦИАЛ - ДЕМОКРАТИЗМ** — ишчилар ҳаракатидаги буржуа идеологияси. С. д. да буржуазия билан муроса қилиш ва ишчилар синфи манфаатларини унинг манфаатларига бўйсундириш сиёсатини амалга ошириш кўзда тутилади. С. д. 19-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. С. д. партияларининг раҳбарлари муросачилик сиёсатини амалга ошириш билан ишчилар ҳаракатида янзо ва ихтилофлар келтириб чиқаради, бир қанча мамлакатларда (1918—1919 йй.) революцион ҳаракатни бостиришда буржуазияга ёрдам бериб, капитализм ҳалокати бирмунча вақт кейинга сурилишига сабаб бўлдилар. С. д. нинг асосий мақсади — ишчиларнинг ўз кучларига, ғалаба қилишлари мумкинлиги ва муқаррарлигига ишончини йўқотиш, уларнинг онгини ишончсизлик ва шубҳа билан заҳарлаш орқали капитализмнинг донмо яшашини таъминлашдир. С. д. революцион марксизм-ленинизмга қарши кураш, ишчилар ҳаракатида ихтилофлар вужудга келтириш, душманлар олдида чекиниш сиёсатини амалга ошириш билан реакциянинг авж олишига кенг йўл очиб берди.

**СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ** — халқ аро ишчилар ҳаракати; 19-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган сиёсий оқимлардан; дастлаб капиталистик тузумга қарши курашиш мақсадида юзага келган, лекин кейинча-

лик оппортунизм йўлига ўтиб, революцион ҳаракатга қарши курашда капитализмнинг асосий таянчига айланиб кетган сиёсий оқим. Рус ишчилар ҳаракатида С. д. нинг марксча-ленинча революцион қаноти — большевизм бор эди. В. И. Ленин ана шу революцион қанотдан янги типдаги марксистик партия тузди, 1918 й. да бу партияга коммунистлар партияси номи берилди. Яна қаралсин: Демократия.

**СОЦИАЛ - ИМПЕРИАЛИЗМ** — оппортунизмнинг бир тури; социал-демократиянинг ўз мамлакатигаги империалистик ҳукуматга ён босиб, ёрдам бериш сиёсати. Социал-оппортунистлар биринчи жаҳон империалистик уруши йилларида социал-шовинистларга, социал-империалистларга айландилар.

**СОЦИАЛИСТ - РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР** — (с. р. лар, эсерлар); ғоявий жиҳатдан тор-мор келтирилган народникларнинг қолдиқларидан 1902 й. да ташкил топган, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг контрреволюционерлар ва чет эл интервентлари сафида туриб, Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган контрреволюцион қулоқлар партиясининг аъзолари — эсерлар (қ.).

**СОЦИАЛ-ПАЦИФИЗМ** — расман ҳар қандай урушни, ҳатто адолатли, миллий озодик урушларини ҳам инкор этувчи, ҳақиқатда эса империалистларнинг босқинчилик урушларини тайёрлаш сиёсатига ёрдам берувчи антимарксистик сиёсий оқим.

**СОЦИАЛ-ШОВИНИЗМ** — биринчи жаҳон империалистик уруши даврида (1914—1918) халқаро ишчилар ҳаракатида ҳукмрон бўлган, пролетариатга, барча меҳнаткашларга хиёнат қилган II Интернационал партиялари ва раҳбар арбоблари ора-



сидан чиққан оппортунистик оқим. С. ш. лар империалистик урушни ёқлаб чиқдилар, ҳар бир урушувчи мамлакатнинг С. ш. лари ўз мамлакатни, қуроли кучлари олиб бораётган урушни «адолатли уруш» деб жар солдилар ва буржуазияни қўлаб-қувватладилар. С. ш. лар пролетар интернационализмига шармандаларча хиёнат қилиб, очиқдан-очиқ империалистик буржуазия томонига ўтдилар. Улар мамлакат ичида буржуазия билан синфий сулҳда бўлиб, бошқа мамлакатларга қарши уруш қилишни тарғиб этдилар; империалистик урушда ва мустамлакаларни талашда ўз буржуазиясининг ғалаба қозониш манфаатларини кўзлаб, турли мамлакатлар пролетариатини бир-бирига қарши ўчакиштириш каби разил жиноятларни амалга оширишга уриндилар. Ҳозирги вақтда С. ш. бир қанча мамлакатларда ўнг социалистларнинг идеологик қуроли бўлиб қолмоқда.

**СОҲИБҚИРАН** (форс.)—1 бахтли бўлиб туғилган, юлдузи чарақлаган; бахтли; Шарқ мамлакатларида қудратли подшо унволиридан бири; С. унвони Амир Темурга тахтга ўтирган вақтда берилган; 2 илми нужум (астрология) ва афсоналарда — икки сайёра бир-бирига тўқнашган пайтда туғилган бола; гўё бундай бола бахтли, улуг мартабали бўлади, деб ҳисобланган.

**СПИКЕР** (ингл.)—нотиқ; 1 Англия парламентида умум палатасининг раиси; 2 АҚШ да вакиллар палатасининг раиси; 3 баъзи буржуа давлатларида (Ҳиндистон, Япония ва бошқ.) парламентида палата раиси.

**СТАВРОПИГИЯ** (грек.)— маҳаллий епархия; руҳоний ҳокимиятга бўйсунмай, бевосита патриарх ёки синодга бўйсунувчи монастирлар.

(Спасо-Яковлевская, Ловской, Новоспасский ва бошқ.).

**СНАЙПЕР** (ингл.)—отиш санъатини жуда яхши эгаллаган киши; мерган.

**СТАВКА** (рус.)— қароргоҳ; уруш вақтида қўшинларни бошқариш учун тузилган олий ҳарбий орган; олий бош қўмондон қароргоҳи. Улуғ Ватан уруши йилларида совет қуроли кучларига стратегик раҳбарликни амалга оширувчи олий ҳарбий бошқарма. Олий Бош қўмондонлик Ставки И. В. Сталин бошчилигида 1941 й. 8-августда тузилган.

**СТАНИЦА** —1 16—17-асрларда Русь давлатида чегара жойларда казак отрядлари жойлашган ер; 2 казаклар қишлоғи; Донда, Кубань ва бошқа областлардаги катта қишлоқ.

**СТАТС-ДАМА** (гол.)— имтиёзли табақага мансуб ва подшо мулозимларидан бўлган аёлнинг унвони.

**СТАТС-СЕКРЕТАРЬ** (нем.)— революциягача рус подшо саройидаги юқори мартабали мансабдорнинг фахрий унвони: 1 Россияда 18-аср — 19-аср бошларида императорнинг шахсий секретари (докладчиси). 19-асрдан императорга шахсан доклад қилиш билан кириш ҳуқуқига эга бўлган олий мулозимнинг фахрий унвони. Давлат совети С. с., Давлат концеляриясининг бўлим бошлиғи; 2 бир қанча капиталистик давлатларда баъзи министрлар, министр ўринбосарлари ёки айрим бошқармаларнинг бошлиқлари; АҚШ да ташқи ишлар министри (давлат секретари) (қ.).

**СТАЧКА** — иш ташлаш; ишчи ва хизматчиларнинг капитализмга қарши синфий кураш формаларидан бири; ишчиларнинг айрим корхона эгасига, корхоналар бирлашмасига ёки давлат органларига иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий талаблар қўйиб,

коллектив равишда ишни тўхтатишлари; зарбастовка (қ.).

**СТОГЛАВ** — юз боб; Москва давлатида 1551 й. да руҳонийлар, бояр ва дворянларнинг вакиллари қатнашган черков земский собори қабул қилган юз бобдан иборат қонунлар тўплами. Собор ҳукумат томонидан киритилган секуляризация (қ.) планини рад этса ҳам, черков мулки ва шаҳарлардаги руҳонийларнинг молия имтиёзларини чеклади. Стоглавда черков китоблари, маросимлари ва монастырь мулкларини бошқариш тўғрисида, шунингдек черков билан боғлиқ бўлган давлат, суд, жиноий ва гражданлик ҳуқуқи нормалари баён қилинган.

**СТОЛЬНИК** (рус.)—13—17-асрларда Русда сарой унвонларидан бири. С. дастлаб ҳукмдор дастурхончиси, таом келтириб, ичимлик қўйиб берувчи, тантанали маросимларда ҳукмдорга хизмат қилувчи, сафарда уни кузатувчи. С. га аслзода табақага мансуб бўлган шахслардан тайинланарди. С. лардан воеводлик, элчилик маҳкамаларига тайинланар эдилар. 16-асрда С. боярлар қатори Боярлар думаси (қ.) составига кирган.

**СТИХИЯ** (грек).—қавушмаган ҳаракат; уюштирилмаган, тасодифан юзага келган ижтимоий ҳаракат. Масалан, ўрта асрдаги деҳқонлар ҳаракати.

**СТРАТЕГ** — йўл-йўриқни яхши биладиган лашкарбоши; моҳир саркарда.

**СТРАТЕГИЯ** — ҳарбий илмнинг асосий қисми, йирик ҳарбий операциялар ва умуман уруш олиб бориш санъати. Уруш олиб бориш ҳақидаги фан; ҳарбий санъат.

**СТРЕЛЕЦ** — ўқчи аскар, сарбоз.

**СТРЕЛЕЦЛАР** — Русь давлатида 16-аср — 18-аср бошларигача дои-

мий қўшинни ташкил этувчи хизматдаги кишилар. Дастлаб шаҳар ва қишлоқнинг эркин аҳолисидан олинган, умр бўйи хизмат қилар ва бу хизмат мерос бўлиб қоларди. С. лар давлатдан ғалла, ер ва пул билан маош олар, слободаларда яшардилар, (қ.) ҳунармандчилик ва савдо билан шугулланардилар. С. лар 17-аср охиридаги С. лар ғалаёнларида қатнашганлар, мунтазам армия ташкил этилиши муносабати билан Пётр I уларни тугатган.

**СУВЕРЕНИТЕТ** (фр.) Давлатнинг ташқи сиёсатда мустақиллиги, ички ишларда устунлиги. С. ни ҳурмат қилиш ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ва халқаро муносабатларнинг асосий принципи. Бу принцип БМТ (қ.) Устави ва бошқа халқаро актларда мустаҳкамланган.

**СУВОРИЙ** (форс.)—отлиқ; чавандоз; отлиқ аскар; отни моҳирона бошқарадиган киши.

**СУВ ПАРИСИ** (русалка)—қадимги рус ва бошқа славян халқ афсоналарида дарёлар, кўллар ҳамда онда-сонда ўрмон ва экинзорларда яшовчи, одатда ёш, гўзал, узун сочлари тўзгиган, оқ нафис кийимли, балиқ думли аёл қиёфасидаги афсонавий зот. Ривоятларга кўра, гайритабiiий равишда, яъни кўпинча сувга чўкиб ўлган қиз ёки ўғил бола сув парисига айланган; сув парилари бўрон, дўл, жала, момақалди роқ юбориши мумкин. Шу сабабли «ёмонлик»ни рад этиш учун пасха (қ.) ўтгач, сув парисини кўмиш маросими (ҳайвон, кўпинча от шаклида ясалган қўғирчоқ кўмилади) ёки сув парисини (ясантирилган қизни) кузатиш маросими ўтказилган.

**СУДЕБНИК** — қонуннома; суд тузилиши, суд ишларининг тартиби ва жиноий ҳуқуқ тўғрисидаги қарорлар; 1 Русь давлатида 1497 йилги

Иван III С. ги; Буюк князлик С. ги; бутун Русь буюк князи ва Боярлар думаси томонидан тасдиқланган қонунлар тўплами—марказлашган Русь давлатининг биринчи қонунлар мажмуаси. Эндигина ташкил топган шу давлатни мустақамлаш, давлат ҳокимиятининг марказлашишини таъминлаш, хизматдаги дворянлар ва савдогарларнинг талабларини қондириш, кормленчикларнинг (қ.) ўзбошимчалигини чеклаш ва бутун мамлакат территориясида судлар фаолиятини муайян тартибга солиш зарурияти ана шундай С. лар қабул қилинишига олиб келган эди; 2 1550 й. қонунномаси ёки подшо қонунномаси — марказлашган Русь давлатининг иккинчи қонунлар мажмуаси бўлиб, у подшо Иван IV Грознийнинг топшириғига биноан 1497 й. С. ги ўрнига тузилган ва 1550 й. да собор томонидан тасдиқланган. Янги С. қабул қилиниши мамлакатда феодал тарқоқлиги сарқитларини тугатиш йўлидаги реформалардан бири бўлиб, унинг охириги қолдиқларини тугатишда муҳим роль ўйнаган.

**СУДХҲҮР** (форс.)— ижарахўр, фойдахўр; оғир шартлар билан маълум вақтга ўзгаларга пул ва шу кабиларни бериб, даромад қилувчи, наф кўрувчи, кишиларни эксплуатация қилувчи. С. ҳозирги замон капиталистик мамлакатларида ҳам мавжуд бўлиб, майда товар ишлаб чиқарувчиларни эксплуатация қилиш, хонавайрон қилишга қаратилган.

**СУЛОЛА** (а.)— авлодлар, авлодаждод; бир авлоддан тарқалиб, бирин-кетин ҳукмронлик қилган подшолар сафи; масалан, Россияда рюриклар С. си (862—1598) ва романовлар С. си (1613—1917). Урта Осиёда теурийлар С. си (1370—1515), шайбонийлар сулоласи ва ҳ. к.

**СУЛТОН** (турк.-а.)— подшоҳ, ҳукмдор, салтанат; умуман подшо ва шаҳзодалар номига қўшиб айтиладиган унвон; баъзи мусулмон мамлакатларида 8-асрдан бошлаб ишлатилган подшо унвони; 11-асрда Урта Осиёнинг кўпгина феодал давлатларида подшолар унвони; Ҳиндистон ва Индонезияда айрим князликлар ҳокимларининг унвони. Турк султони (1922 й. гача), Марокаш султони.

**СУЛТОНЛИК** — тепасида султон турган монархия давлати; султон ҳокимияти.

**СУЛҲ ҲАҚИДАГИ ДЕКРЕТ** — Совет ҳокимиятининг В. И. Ленин таклифига мувофиқ 1917 й. 26 октябрь (8 ноябрь)да Советларнинг Бутун Россия II съезди томонидан қабул қилинган дастлабки декретларидан бири. С. ҳ. д. Совет давлатининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликка асосланган ташқи сиёсатига негиз бўлди. Бу декретда Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида ташкил топган ҳамда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига таянадиган ишчи-деҳқонлар ҳукумати урушаётган барча халқларга ва уларнинг ҳукуматларига адолатли, демократик сулҳ тузиш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлашни таклиф қилди. С. ҳ. д. Совет давлатининг ташқи сиёсий масала бўйича қабул қилган биринчи қонун даражасидаги ҳужжати бўлиб, ҳамма халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг миллий ва давлат мустақиллигини эътироф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшashi гоёси билан сугорилган эди. КПСС ва Совет давлати С. ҳ. д. да баён этилган гоёга содиқ бўлиб, уни оғишмай амалга ошириб келмоқда.

**СУННА** (а.)— тутилган йўл, одат, қоида; С. Муҳаммад ҳақидаги ривоятлар йиғиндиси, Қуръонга қўшимчалар ва унга доир изоҳлар бўлиб, у бир неча минг ҳадис (ривоят)лардан иборат. Сунний мазҳабидаги мусулмонлар учун С. Қуръондан сўнг иккинчи диний ёзув ҳисобланади. 9- асрнинг иккинчи ярмида кўп сонли ҳадислардан феодаллар манфаатларига мос келадиганлари танланиб, олтита китоб қилинган.

**СУЮРҒОЛ** (эски ўзб.)— северғол, инъом, совға, марҳамат; феодализм даврида Шарқдаги баъзи мамлакатларда, шу жумладан, Ўрта Осиёда ҳукумдорнинг яқинларига ва хизмат қилгани учун саркардаларга, йирик лавозимли шахсларга, юқори даражали руҳонийларга махсус ёрлик асосида доимий фойдаланиш учун берилган ер-сув, мулк.

**СФИНКС** (грек.)—1 қадимги Мисрда одам бошли, шер танали улкан тош ҳайкал, у фиръавн қудратини гавдалантирган; 2 қадимги грек афсоналарида — танаси шер ёки итга, кўкрагидан юқори қисми хотинга ўхшаш, қанотли, илон думли, афсонавий махлуқ.

**СХИМА** (грек.)— монахлик, монахчасига либос кийиш; роҳибликнинг энг юқори даражаси; С. дан зоҳидлик (аскетизм) қондаларига қатъий амал қилиш талаб этилади ва шу ҳақда тантанали вазиятда қасам ичтирилади.

**СХИМОНАХ** (грек.)— энг тақводор роҳиб; схимани қабул қилган монах.

**СЭМ АМАКИ** — АҚШ ҳукумати-нинг ананавий истеҳзоли номи. Яна: Янкига қаралсин.

**СЭР** (ингл.)—1 Англияда ва АҚШда эркакларга мурожаат қилганда ишлатиладиган сўз; 2 Англияда баронет (кичик барон) унвони бў-

либ, исми билан бирга ишлатилади.

**«СУЛ КОММУНИСТЛАР»**— 1918 й. бошида ВКП(б) да пайдо бўлган фракцион группа. У ички ва ташқи сиёсат масалаларида майда буржуа революционлиги сифатида намоён бўлди. «С. к.» лар Брест сулҳини тузишга қарши чиқдилар; уларнинг фикрича, империалистлар билан битим тузишга йўл қўйиб бўлмас эди. «С. к.» лар бир мамлакатда социализм қуриб бўлмайдди, фақат жаҳон социалистик революцияси ғалаба қилган ҳолдагина пролетариат диктатураси ва Октябрь самараларини сақлаб қолиш мумкин, деб даъво қилдилар. Бунинг учун жаҳон империализми билан уруш олиб бориб, уни енгиш зарур, деб ҳисобладилар. Ички сиёсат соҳасида партия ва Совет давлати томонидан амалга оширилган революцион-социалистик талбирларга қарши чиқдилар; уларнинг фикрича, интизом ўрнатиш, корхоналарда яккабошчиликни жорий қилиш, буржуа мутахассисларидан фойдаланиш ва давлат капитализми гўё буржуа тартибларига қайтарар эмиш. Партия ва В. И. Ленин томонидан партия VII съездида қаттиқ танқид қилинганликлари ва ленинча сиёсат тўғрилигига ишонганларидан сўнг 1918 й. ёзида ўз хатоларига иқдор бўлиб, партия ва давлат ишларига киришиб кетдилар.

**СУЛ СОЦИАЛИСТЛАР** — социал-демократик ҳаракатнинг дунёқарашлари билан келиша олмасалар ҳам, лекин унинг реакцияга, монополияларнинг ҳукмронлигига, уруш хавфига қарши курашга интилувчи қисми. Халқаро социал-демократия сафларидаги ўнг, центрист ва сўлларга ажралиш биринчи империалистик урушдан олдиноқ рўй берган бўлса ҳам, Октябрь социалистик революцияси таъсири билан янада кучайди.

Социал-демократларнинг энг революцион элементлари коммунистик партия томонига ўтдилар. Аммо ҳозир ҳам кўпчилик социал-демократик партияларда озми-кўпми сўл группалар мавжуд. Бир қатор мамлакатларда социалистик партиялар мавжуд (жумладан, Италия социалистик партияси, Япония социалистик партияси ва бошқ.), улар кўпгина ҳолларда коммунистлар билан ҳамкорлик қиладилар. Капиталистик мамлакатлардаги социалистлар ичида ўта сўллар борки, улар анархизмга яқин бўлган майда буржуазия революционерлари кўринишида намоён бўладилар.

**СУНГГИ ПАЛЕОЛИТ** — юқори палеолит, сўнги тош даври ҳам деб юритилади. Бу материархат (қ.) даврига тўғри келиб, эр. ав. 40—13 минг йилларни ўз ичига олади.

**СУФИЗМ** (а.) — жун, жундан тўқилган қўпол кийим; исломда сўфийлик — таркидунёга мойил оқим. Биринчи сўфийлик жамоалари 800-йилларда ташкил топган, 10—12-асрларда узил-кесил шаклланган. С. мавжуд социал тенгсизликни, феодал зодагонлари билан чатишиб кетган олий руҳонийларнинг ғаразгўйлигини, имтиёзли синфлар турмуш тарзини танқид қилар, бойлик, зеб-зийнат ичида яшашни қоралар эди. Аммо С. эзилувчи синфларни мавжуд адолатсиз тузумга қарши курашга эмас, аксинча жабр-зулимга итоат этишга, «худодан қўрқишга», бу «дунёдан ҳув деб, бош олиб кетиш»га қақиради. С. ларнинг фикрича, фақирона ҳаёт киши «руҳини қутқариш»нинг энг яхши воситасидир. С. халқ оммасининг онгини заифлаштириш, унинг диққатини синфий курашдан четга тортишга мўлжалланган эди. Мусулмон руҳонийлари С. га нисбатан душманларча муносабатда бўлсалар-

да, лекин С. нинг аслида мусулмон динини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи томонларидан фойдаланардилар.

## Т

**ТАБОР** (чех.) — 1 Европадаги бир қанча халқлар (венгрлар, руминлар, поляклар ва чехлар) да лагерь, манзил, карвон; 2 ўтмишда казакларда ҳарбий лагерь; 3 лўлиларнинг туғишганлардан ташкил топган кўчанчи группалари. Лўлилар Европада пайдо бўлган вақтларда Т. йирик қабилаларнинг қисмлари эди.

**ТАБОРЛИКЛАР** — жанубий Чехиядаги Тобора шаҳри номидан олинган; гусчилар (қ.) ҳаракатида (1419—1434) мўтадил революцион оқим; демократик сўл қанот тарафдорлари. Т. сафида деҳқонлар, шаҳар камбағаллари ва ҳунармандлар бўлган. Т. нинг программаларида крепостнойга айлантирилган деҳқонлар манфаати ҳимоя қилинади. Т. лар христианликнинг илк даврида тарғиб этилган тенглик, қардошлик ва озодликни ўз идеаллари қилиб оладилар. Т. лар король ҳокимиятининг зарурлигини, хусусий мулк ва католик черкови ва унинг ақидаларини инкор этадилар. Т. мавжуд социал тузум худо иродасига мос келмаганлиги учун уни тугатиш керак деб ҳисоблаганлар. Т. лар немис рицарлари томонидан ўзларига қарши уюштирилган бешта салб юришини даф қилиб, 1434 й. даги жангда тормор келтирилган бўлсалар ҳам, 1437 й. гача курашни давом эттирдилар. Т. қолдиқларидан 1457 й. да чех биродарлари мазҳаби майдонга келди.

**ТАБУ** (полнез.) — тақиқлаш, ман этиш; ибтидоий одамларда маълум бир хатти-ҳаракатни, бирор нарсани

истеъмош қилиш ёки бирор сўзни тилга олиш ва ҳ. к. ни маъ этиш. Буни бузувчи кишилар гуё мўъжизавий куч томонидан жазога тортилади. Синфий жамият вужудга келгандан кейин ҳам қоҳинлар (қ.) ва йўлбошчилар ўз синфий манфаатлари йўлида маъ этиш ҳуқуқидан фойдаланганлар. Т. нинг айрим сарқитлари деярли ҳамма динларда сақланиб қолган, чунончи, христианларда аёлларнинг меҳробга ўтишлари маъ этилган; мусулмонларда аёлларнинг мол сўйишлари маъ этилган ва ҳ. к.

**ТАВЛИЕТ** (*а.*)— вақф ерларини бошқариш; мутаваллилик.

**ТАВОЧИ** — ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга етказувчи амалдор; адъютант.

**ТАВРИДА** (таврика, таврия)— Қримнинг қадимги номи; тавр қабиласи номидан келиб чиққан. Қрим Россияга қўшиб олингандан сўнг (1783) ҳам шундай аталган.

**ТАВРОТ** (яхуд.)— бош китоб; христиан ва яҳудийларнинг «муқаддас» беш китоби; қадимий аҳд.

**ТАЙЖИ** (*мўғ.*)— бек, хонзода; хон авлоди.

**ТАКА ТУРКМАНЛАР** — туркманларнинг энг кўп сонли қабиласи.

**ТАЛМУД** (*қад. яҳуди.*)— таълимот; Т. Инжилни изоҳлаш мақсадида эр. дан олдинги 4-асрдан янги эр. нинг 5-аср ўрталаригача қадимий яҳудий тили ва арамей шевасида ёзилган диний китоб. Т. иудаизмнинг догматик, диний-ахлоқий ҳуқуққа оид қонунлар йиғиндиси. Т. да турли афсоналар, медицина, астрономия ва географиядан айрим маълумотлар, деҳқончилик, ҳунармандчилик, оилавий, гражданлик ва жиний ҳуқуқ баён этилган. Т. одамнинг худога қарамлиги, ижтимоий тартибларнинг ўзгармаслиги, тақдир-

га тан бериш ва сабрли бўлиш идеясини тарғиб қилувчи панд-насиҳатлардан иборат. Т. эксплуататор синфларнинг хусусий мулкка эгаллигини ва уларнинг меҳнаткашлар оммаси устидан ҳукмронлигини, миллий худбинлик ҳамда аёлларнинг қулликка маҳкумлигини тарғиб этади.

**ТАЛБЯ** (*фр.*)— феодал Франциясида асосан деҳқонлардан ундирилган асосий солиқ; Т. 1439 й. да жорий этилган, 18-аср охирида француз буржуа революцияси вақтида бекор қилинган.

**ТАМПЛИЕРЛАР** (*фр.*)— храм-виклар; 1119 й. салб юришларидан сўнг Фаластин ва Сурияда салбчилар давлатини мустақамлаш мақсадида француз рицарлари (қ.) томонидан ташкил этилган диний-рицарлик ордени аъзолари. Т. лар Шарқий ва Ғарбий Европада, айниқса Францияда катта ер мулкларини қўлга киритганлар, 13-аср охирида ўша ерларга кўчиб бориб жойлашганлар. Т. лар Европанинг энг йирик банкирига айланганлар. 14-аср бошларида француз короллиги билан папалик ўртасида бўлган можарода Т. лар папалик ҳокимиятини ёқлаб чиқдилар. Бундан норози бўлган Франция король ҳокимияти Т. лар раҳбарларини даҳрийликда айблаб, гулханда куйдиради (1310 й.), Т. орденининг мол-мулкларини мусодара қилади (1307 й.), заифлашиб қолган давлатнинг молиявий аҳволини тиклайди. Франция билан курашда кучсизланган папа француз король ҳокимиятига қарам бўлиб қолади. 1312 й. да король Филипп IV талаби билан папа Клемент V Т. орденини тугатиб юборади.

**ТАНОБ** (*а.*)— чилвир, арқон; ер ўлчови; Шарқнинг турли мамлакатларида ва ўзбек хонликларида экин

майдонини ўлчаш учун ишлатилган юз бирлиги. Томонлари 30 газдан бўлган майдонга тенг, яъни бир Т.—3600 кв. газ—0,08194 га=900 кв. м.

**ТАНОБ ПУЛИ**—ўзбек хонликларида ҳар бир таноб беда учун йилига 40 танга (6 сўм) миқдоридан ундириладиган солиқ; боғ солиғи.

**ТАНОБЧИ** (а.)—ўзбек хонликларида ҳосилдан олинадиган солиқнинг ҳажмини белгиловчи амалдор. Экин майдони узунлиги 30 газ (960 см.) келадиган арқон ва бир қулоч темир таёқ ёрдамида ўлчанган.

**«ТАНАКА МЕМОРАНДУМИ»**—(япон.) 1927—1929 йй. да Япония бош вазири, ташқи ишлар, мустамлакалар ва ҳарбий вазири (1927—1929), ҳарбий вазири (1918—1924), 1925 й. дан Сэйюкай партиясининг лидери Танака номи билан боғлиқ. Танака томонидан Япония императорига ёзилган махфий доклада баён этилган агрессив план. «Т. м.» да Манжурия, Мўғулистон ва бутун Хитойни босиб олиш кўзда тутилган. Бу планда Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Кичик Осиё, Марказий Осиё ва ниҳоят, Европани ҳам босиб олиш мўлжалланган. «Т. м.» да СССР ни олиш ҳам назарда тутилган. Иккинчи жаҳон уруши натижасида империалистик Япониянинг тор-мор келтирилиши (1945) унинг босқинчилик планларини барбод этди.

**ТАНҲО, ТАНҲОВОҲ**—16-асрдан 20-аср бошларигача ўзбек хонликлари, айниқса Бухорода ҳукмдор томонидан ҳарбий ва гражданлик мансабдорларига, айрим руҳонийларга шартли равишда бериладиган инъом ер. Т. эгаси—танҳодор шу ерда яшовчи деҳқонлардан хазина учун олинадиган солиқни ўз фойдасига йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлган, ҳақиқатда деҳқонларни ўзига тобе қил-

ган. Т. вақтинча ва шартли инъом ҳисобланган, бироқ феодалларнинг ўғиллари оталарининг мансаби ва Т. ни қўлга киритишга интилганлар.

**ТАРАН** (ерек.)—1 илгариги урушларда қўрғон ва қалъа деворларини тешадиган металл найзали ёғоч қурол; 2 ҳарбий кемаларнинг душман кемаларини уриб тешадиган қиррали тумшуги; 3 фронтда душман позициялари ичига пона каби ёриб кириш.

**ТАРК**—урушда бошга кийилдиган кийим.

**«ТАЙИНЛАНГАН РАДА»** (руслитв.)—Русь подшоши Иван Грознийга давлатни бошқаришда яқиндан ёрдам берган гайри расмий ҳуқумат: А. Адашев (дворян), сарой руҳонийси Сельвестр, митрополит Макарий, князь А. Курбский ва бошқалар. 16-асрнинг 40-йиллари охирида оммавий антифеодал ҳаракат кучайган шароитда ҳукмрон синфларнинг ҳамма табақалари халқ норозилигини юмшатиш мақсадида айрим реформалар ўтказиш учун жипслашганлар. «Т. р.» давлат реформа планларини, ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилган ва уларни амалга оширишда қатнашган. «Т. р.» воеводаларни, марказий ва маҳаллий бошқармаларга раҳбар шахсларни тайинлашда муҳим роль ўйнаган. «Т. р.» ташаббуси билан муҳим реформалар ўтказилди. «Т. р.» айрим аъзоларининг самодержавие (қ.) ҳокимиятини чеклашга уринишлари, боярлар оппозицияси билан яқинлашиб, Ливония билан урушга қаршилик кўрсатишлари натижасида подшо «Т. р.» ни тарқатиб юборган (1560).

**ТАРИХИЙ МАНБАЛАР**—кишилик жамияти тарихи ҳақида далолат берувчи ўтмиш ёдгорликлари. Т. м. уч асосий қисмга бўлинади: 1 мод-

дий ва маданий ёдгорликлар; 2 ёзув ёдгорликлари; 3 оғзаки ёдномалар; қадимги ёзув ва суратлар, меҳнат қуролилари, қурол-аслаҳа, рўзгор асбоблари, бинолар, қўлёзмалар, чоп қилинган асарлар, қадимги урф-одатлар, халқ ривоятлари, ҳозирги тилларда сақланиб қолган қадимги нутқ элементлари ва шу кабилар.

**ТАРХОН** (*турк.*)—озод этилган; 1 ўрта асрларда туркий халқларда, жумладан, ҳазар ҳоконлигида (9—10-асрлар) феодал (князь)нинг унвони; 2 Закавказье, Ўрта Осиё, Қозон, Астрахань ва Қрим хонликларида феодалнинг солиқлар тўлашдан озод этилган ер ва мулклари; 3 рус князлари томонидан 14—16-асрларда йирик феодалларни солиқлардан озод қилиш ва уларга бошқа имтиёзлар бериш учун берилган ёрлик; 4 ўзбек уруғларидан бирининг номи.

**ТАХТ** (*форс.-тож.*)—муайян баландликда ўрнатилган серҳашам, зийнатли таянма курси; расмий қабул вақтида ва сарой тантанали маросимларида подшо, хон, амир, умуман ҳукмдор ўтирадиган жой, ўриндиқ; подшолик, салтанат.

**ТАХТ ВОРИСИ** — салтанат вориси, валиаҳд; тожу тахт меросхўри, меросхўр шахзода; ҳукмдор тирик вақтида ўрнига тайинлаб қўйилган киши; бўлажак ҳукмдор.

**ТЕВТОНЛАР**—қадимги герман қабилаларидан бири. Т. лар эр. ав. 2-аср охирида Галлия территориясида римликлар билан уруш қилиб, Рим қўшини томонидан тамомила тор-мор келтирилган. Баъзан умуман Германия халқлари ҳам шу ном билан аталган.

**ТЕВТОН ОРДЕНИ** (немис ордени)—12-аср охиридаги салб юришлари даврида Фаластинда ташкил топган католик диний-рицарлик орде-

ни. Т. о. 13—14-асрларда Шарқий Европага тажовуз қилган. Т. о. 12-асрнинг 30-й. ларида Балтика бўйидаги прусс қабилаларини бўйсундирган. 13-аср охирида уларнинг ерларини истило қилиб, ерлик аҳолининг кўпгина қисмини қириб ташлаган. Қиличбардорлар орденининг қолдиқлари 1237 й. да Т. о. билан бирлашган. Т. о. нинг Ливониядаги бўлими Ливон ордени номини олган. Т. о. Шарқий Пруссия, Литванинг бир қисми, Польшанинг Поморьеси билан Гданск территориясида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, босиб олинган ерларда феодал давлатини тузган. 1410 й. да Грюнвальд жангида литваликлар, поляк, рус, эстон ва чехларнинг бирлашган кучлари Т. о. ни тор-мор келтирган. Т. о. 1466 й. да Польшага анча ерларни қайтариб беришга мажбур бўлган ва унинг вассалига айланган. Т. о. ихтиёрида қолган Шарқий Пруссия 1525 й. да Пруссия герцоглигига айлантирилган. Т. о. аста-секин ўз аҳамиятини йўқота борган.

**«ТЕМИР ГВАРДИЯ»**—Руминияда 1918—1923 йй. даги революцион юксалиш даврида юзага келган монополистик буржуазия фашистик ташкилоти. «Т. г.» раҳбари К. Кордяну румин реакцион доиралари ва фашистлар Германияси билан яқин алоқада бўлиб, улардан молиявий ёрдам олиб турган. Шу тўда томонидан (1934 й. да) Руминия бош министри И. Г. Дуки ўлдирилгач, «Т. г.» расман тарқатилган, бироқ у «партия—ҳаммаси ватан учун» номи билан ўз реакцион ишини давом эттира берган. Бу партия 1938—40 йй. да тақиқланди. 1940 й. да бу партиянинг Хория Сима каби раҳбарлари генерал Антонеску ҳукуматини тузишда қатнашдилар, лекин 1941 й. январида фашист тўдалари ичидаги



ўзаро келишмовчилик туфайли ҳукумат составидан чиқарилди, улар Германияга қочдилар, иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ га қўчиб, реакция муҳожир ташкилотларда қатнашмоқдалар.

**ТЕОКРАТИЯ** (грек.) — айнан ҳудо ҳокимияти; куч, ҳокимият; сиёсий ва диний ҳокимият; коҳинлар ва руҳонийлар қўлида бўлган идора усули, шу усулда идора қилинадиган давлат. Т. давлати тепасида «худонинг ердаги ноиб» деб тан олинган ҳукмдор туради. Т. асосан қулдорлик, феодализм даврларига хос бўлган. Рим папалиги Т. давлати эди. Тибетда 5-далайлама (қ.) (1617—1682) вужудга келиб, у руҳоний ва дунёвий ҳокимиятни бир неча аср давомида қўлда тутди. Ҳозирги замонда Ватикан (қ.) ва 1962 йилги революциягача Яман короллиги Т. давлати бўлган.

**ТЕРМИДОР** (фр.) — иссиқ ва инъом; Францияда республика календарининг ўн биринчи ойи; йилнинг 9-термидор (1794 й. 27 июль)ида йирик буржуазия томонидан қилинган контрреволюцион тўнтарош; бунинг натижасида якобинчилар (қ.) диктатураси тугатилган.

**ТЕРРОР** (лат.) — қўрқув, жабр, даҳшат; жабрлаш, қўрқитув; зўравонлик сиёсати, сиёсий рақибларни жисмоний тугатишгача бориб етадиган жазо.

**ТЕТРАРХ** (грек.) — тўрт киши биргаликда бошқарган давлатда тўрт ҳокимдан бири: тетрархия ҳукмдори.

**ТЕТРАРХИЯ** (грек.) — қадимги Грецияда тўрт маъмурий ва ҳарбий округга бўлинган вилоят, тетрарх бошқарадиган областнинг тўртинчи қисми.

**ТИЛСИМОТ** — қадимги афсоналарга кўра, гўё сеҳр қуввати билан

турли шаклдаги мавҳум хаёлларнинг намоён қилиниши ва кўмилган ёки ер остида қолган хазинанинг сақланиши учун унинг устида кўринадиган ҳар хил қўрқинчли шакллар.

**ТИМОКРАТИЯ** (грек.) — шон-шараф, куч, ҳокимият; Т. да граждандлар ўз мулкига, мавқеига ёки даромадига яраша сиёсий ҳуқуққа эга бўладилар. Т. олигархия (қ.) нинг бир хили. Грецияда эрамингача 6-асрда Салон реформаси туфайли ва Римда С. Тулла ўтказган реформа натижасида ўрнатилган давлат тартиби.

**ТИМ** (форс-тож.) — карвон сарой; усти ёпиқ бозор, савдо растаси; Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Яқин Шарқ мамлакатларида йирик шаҳарлар марказида, бозорларда қурилган. Жумладан, Бухорода Абдуллахон номи билан боғланган тим. Бухоро ҳокими Шоҳ Мурод 18-асрда Самарқандда «Чорсу» номли олти қирра гумбазли Т. қурдирган. Хевада Оллоқулихон карвон саройи Т. ми машҳур. Бухорода айрим маҳсулотларни сотишга мўлжалланган Т. лар ҳам қурилган: Тоқи телпақфурушон, Тоқи заргарон, Тими каллапўш, Тим атторон. Зўр дид ва билимдонлик билан усти гумбаз кўринишида ёпилган Т. лар обидалар сифатида сақланмоқда.

**ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ҲАРАКАТИ** — одамларни миллати, сиёсий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, урушга ва милитаризм (қ.) га қарши, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун бирлаштирувчи халқаро оммавий ҳаракат.

Бу ҳаракат иккинчи жаҳон урушида герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор келтирилиши натижасида жаҳон миқёсида кучлар нисбати демократия ва социализм

фойдасига ўзгарган шароитда вужудга келган.

Т. т. ҳ. нинг энг муҳим томони — Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдир. Халқаро коммунистик ҳаракат тинчлик учун курашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Коммунистик ва ишчи партиялари халқаро Кенгашларининг ҳужжатларида сиёсий қарашлари қандай бўлишидан қатъи назар, тинчлик учун курашаётган барча кучлар бирлашиши, уруш оловини ёқувчиларнинг йўлида энгиб бўлмас кучга айланиши мумкин деб қайд этилади.

Т. т. ҳ. тинчлик тарафдорларининг 72 мамлакатдан келган 2 минг делегати қатнашган I-жаҳон Конгресси (Париж—Прага, 1949 й., июнь) да расмийлаштирилган. Конгресс тинчликни ҳимоя қилиш Манифестини қабул қилди, Т. т. ҳ. доимий комитети — Жаҳон Тинчлик Совети (Ж. т. с.) ни сайлади; халқаро тинчлик мукофоти жорий этилди. 1950 й. да Ж. т. с. томонидан ядро қуролларини ман этишни талаб этувчи Стокгольм мурожаатига имзо тўплаш кампанияси ташкил этилди; 1951 й. да ҳаракат қатнашчилари ҳукуматларни тинчлик Пактини тузишга чақирувчи Мурожаат қабул қилди; 60—70-йилларда АҚШ нинг Вьетнамга қарши интервенциясини тўхтатишни, Исроил қўшинларини у босиб олган араб давлатлари ерларидан олиб чиқиб кетишни, Пиночетнинг Чилидаги қонли террорини, Хитойнинг Вьетнамга қарши агрессиясини тўхтатишни талаб этувчи оммавий кампания ўтказди. 1975—1979 йй. да Жаҳон Тинчлик Совети дунёдаги тинчликсевар кучларга қарата қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро кескинликни юмшатиш, бутун дунёда мус-

таҳкам тинчликни таъминлаш тўғрисидаги чақириқлар билан мурожаат қилди.

**ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ** — турли социал тузумдаги давлатлар муносабатларининг энг муҳим принципи; давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш, давлатларнинг суверенитети ва территорияли бутунлигини ҳурмат қилиш, ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, урушдан воз кечиш. КПСС XXIV съезди қабул қилган ҳамда XXV ва XXVI съездлари ривожлантирган Тинчлик программаси турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилиши, уруш хавфини тугатиш учун реал йўлни кўрсатиб берди.

**ТИРАНИЯ** (грек.) — зулм, жабр қилувчи; 1 қадимги Грецияда ва ўрта асрлар Италиясидаги шаҳар-давлатларда ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олган бир шахс — тираннинг (қ.) давлатни танҳо идора қилиш усули. Қадимги Грецияда кўп ҳолларда тиранлар (қ.) ҳокимият тепасига келгунча демос (халқ)нинг ҳамда ҳунарманд, деҳқон ва бошқа камбағал аҳолининг аҳволини яхшилашга қаратилган ўзгаришлар ясардилар, ҳунармандчилик ва савдони ривожлантирувчи йўлбошичи сифатида майдонга чиқар эдилар. Қўпичча қадимги грек шаҳар-давлатларида Т. уруғ аристократияси ҳукмронлигидан қулдорлик демократиясига ўтиш босқичи бўлган. Урта асрларда майда қисмларга бўлинган Италияда Т. вужудга келаётган буржуазия манфаатларини ҳимоя қилган; 2 ҳокимиятни босиб олган шахснинг золимона ҳукмронлиги, жабр-зулмга асосланган идора усули.

**ТИСЯЦКИЙ** (рус.) — Киев Руси ва Новгородда минг жангчи бошлиғи; Т. вече (қ.) томонидан сайланарди; сўнгра полководец (саркарда) деб атала бошлаган. Феодал тарқоқлик даврида Т. князь ёки воевода деб аталган.

**ТИТУЛ** (лат.) — ёзув, фахрий унвон; феодализм даврида, буржуа жамиятида авлоддан-авлодга ўтган ёки инъом этилган фахрий унвонлар (хон, султон, амир, князь, граф, лорд ва ҳ. к.); чоризм давридаги фахрий унвонлар Совет мамлакатларида 1917 йил 10 ноябрда эълон қилинган декрет асосида тугатилди.

**ТОЖ** — тож-тахт, салтанат, мустабид ҳокимият белгиси; гавҳар, марварид, дур каби қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин ёки зарҳаланган кумуш бош кийими, ҳукмдор тожи; подшо, дворян ва шу кабилар тажасида тожнинг ифодаланиши. Т. қулоқ, телпак, тиллақош, баргсимон, гардишли ва б. шаклларда бўлади. Т. қадимги Шарқнинг Шумер, Аккада, Миср, Рым ва б. мамлакатларида пайдо бўлиб, Ғарбий Европада феодализм даврида кенг тарқалган.

**ТОЖ КИЙИШ** — тахтга кўтариш маросими; тахтга ўтирган подшога тантанали вазиятда тож кийдириш маросими.

**ТОТАЛИТАР ДАВЛАТ** (янги лат.) — фашистик режим жорий этилган буржуа давлати. Бу давлат ҳокимияти бир тўда фашист мансабдорлар қўлида бўлиб, демократик эркинликлар тамомила тугатилиши; революцияга, тараққийпарвар ташкилотлар ва арбобларга қарши қонли террор, меҳнаткашларнинг ҳуқуқсизлиги, агрессив ташқи сиёсат билан характерланадиган режим.

**«ТОТАЛ УРУШ»** — ялпи уруш; империалистик давлатлар агрессив урушининг фашистик назарияси; «Т.

у.» империалистик мамлакат хўжалиги ва аҳолисини, бутун ҳаётини агрессив уруш мақсадларига, милитаризм (қ.) системасига итоат эттириш; «Т. у.» методи халқро ҳуқуқ нормалари билан ҳисоблашмайди. «Т. у.» вақтида агрессорга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатни бостириш мақсадида одамларни оммавий равишда қириш воситаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади. «Т. у.» назарияси биринчи марта 1935 й. да немис генерали Э. Людендорф томонидан муфассал баён этилган эди. «Т. у.» кўрнишларидан бири «совуқ уруш» бўлиб, гитлерчилар томонидан иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939—1945) кенг татбиқ этилди ва АҚШ империалистлари томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейин Кореядаги уруш (1950—1953) даврида кенг фойдаланилди.

**ТОШ ДАВРИ** ёки **ТОШ АСРИ** — ибтидоий жамоа тузуми даврида одам металлдан фойдаланишни ўрганганга қадар (тахминан бундан 2 млн. йилдан 6 минг йил илгаригача) бўлган давр; Т. д. уч босқичга, яъни палеолит (эски тош) (қ.), мезолит (қ.) ва неолит (қ.) га бўлинади. Т. д. бронза даври билан алмашади.

**«ТОҒ» — МОНТАНЬЯРЛАР** (фр.) — 1 18-аср охирида француз буржуа революцияси даврида Миллий Конвентда (қ.) революцион демократик гуруҳларнинг номи; улар яқинчилар клуби (революцион буржуа-демократик ташкилоти) билан боғлиқ бўлиб, конвент залининг юқори скамейкаларини эгаллаганлари учун «Т» — монтаньярлар номини олганлар; 2 1848 йилги француз буржуа революцияси вақтида Таъсис мажлисида майда буржуа-демократик гуруҳлари бўлиб, ўзларини монтаньярлар ғояларини давом эттирувчилар деб ҳисоблаганлар; 3 1849 й.

февралдан бошлаб «Т»—м. майда буржуа-демократлар блоки. «Т»—м. арбоблари 1849 йилда яқобинчилар (қ.) қиёфасига кирганлар, ҳақиқатда эса уларга хос асосий хусусиятлар халқ оммасига нисбатан ашаддий душманлик, қўрқоқлик, калтафаҳмлиқдан иборат эди.

**ТУНҚОТАР** — ҳукмдор турган жойнинг тунлик соқчиси; тунгги қорувул; соқчи.

**ТОРЕАДОР** (тореро) (исп.)— Испанияда буқа жангининг асосий қатнашчиси, қилич билан ҳужум қилиб уни ҳалок этувчи.

**ТОРИ** (ингл.)— Англияда катта ер эгалари — дворянлар ва руҳонийларнинг манфаатларини ифодаловчи реакциян сиёсий партия; 17-аср 70-йилларининг охири —80-йилларининг бошларида юзага келган. Т. мамлакат ичида реакциян сиёсат ва ташқарида босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширган. Т. ҳокимиятни виглар билан галма-гал бошқарарди. 19-аср ўрталарида Т. консерваторлар партиясининг вужудга келишига асос солган.

**ТОТЕМ** — унинг уруги сўзидан; уругчилик тузумининг илк даврида ҳайвон ёки ўсимликлар турига ёки жонсиз табиат нарсаларига топиниш.

**ТОТЕМИЗМ** — ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири. Ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқаларнинг бир хиллари тотем деб аталган. Ибтидоий халқларда ўз қабилаларига асос солган деб ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликларга эътиқод қилиш, топиниш; тотемни ўлдириш, истеъмол қилиш тақиқланган; ҳайвон, ўсимлик ва балиқ номи билан юритилган қабиаларнинг тотем шакли солинган герби бўлган. Т. энди Австралиядаги қабиаларда сақланган бўлиб, ҳар бир қабила ҳайвон ёки ўсимлик номини олган

уруғларга бўлинади. Ўрта Осиё халқлари орасида мусича, қалдирғоч, кўкқарға, лайлак каби қушларга озор бериш гуноҳ деб ҳисобланиши ҳам Т. нинг сарқитидир.

**ТРЕД-ЮНИОНИЗМ** (ингл.)— ишчилар ва профсоюз ҳаракатида пролетариат партиясининг раҳбарлик родини инкор этувчи, сиёсий курашдан бош тортувчи ва ишчилар синфи раҳбарларини буржуазия билан ҳамкорлик қилишга олиб келган майда буржуа оқими. Англия ва АҚШ да касаба союзларининг номи. Англияда Т. ю. биринчи марта 1824 й. да асосан малакали ишчилар ўртасида ўзаро ёрдам жамияти шаклида вужудга келган. 19-аср охириларида Т. ю. оммавий ташкилотга айланган. 1938 й. да бу ташкилотнинг 5 млн. аъзоси бўлган. Т. ю. раҳбарлари буржуазия билан синфий ҳамкорлик тарафдорлари, ишчилар синфига буржуазия таъсирини ўтказувчилар; Т. ю. нинг реакциян лидерлари — ўнг лейбористлар революционер ишчиларни союзлардан чиқарадилар ва империалистларга ёрдам қиладилар. Кенг маънода — умуман инглиз тилили мамлакатларда профсоюз ҳаракати.

**ТРЕСТ** (ингл.)— ишонч; империализм даврида капиталистик монополияларнинг асосий формаларидан бири. Т. нинг картель ва синдикатлардан фарқи шундаки, бу бирлашмага кирган корхоналар савдо ва ишлаб чиқаришдаги мустақиллигини йўқотиб, ягона бошқармага бўйсундилар. Корхоналарнинг собиқ эгалари пайчига айландилар. Улар ўзлари қўшган капитал миқдорига қараб даромад оладилар. Катта маблағни қўлга киритган ва банк капитали билан яқин алоқада бўлган Т. лар йирик саноат корхоналарини вужудга келтириш имкониятига эга бўладилар.

**ТРИБУНАЛ** (*лат.*)— суд қилиш жойи; алоҳида суд; 1 француз буржуа революцияси таъсис этган фавқулодда суд; мамлакатнинг мудофаа ҳамда ҳарбий қудратига путур етказишга қаратилган жиноятларни кўриб чиқувчи ҳарбий суд; 2 ёш Совет республикаси томонидан контрреволюционерларга қарши кураш мақсадида 1917 й. 22 ноябрда ташкил этилган революцион трибунал; иккинчи жаҳон уруши вақтида СССР, АҚШ, Англия ва Франция ўзаро келишувлари асосида тузилган халқаро трибунал. Инсониятга қарши жиноят қилган асосий ҳарбий жиноятчиларни тақиб қиладиган ва жазолайдиган ташкилот.

**ТРИБУНЛАР** (*лат.*)— халқ трибунлари; қадимги Римда плебейларнинг (қ.) юқори мансаби; эр. ав. 5-аср бошларидан эътиборан ҳар йили ўн Т. сайланадиган бўлган. Т. шахси дахлсиз ҳисобланган. Т. лар мансабдорларнинг ҳар қандай буйруғини ман (вето) этиш, ҳатто сенат қарорини ҳам бекор қилиш, плебейлар (қ.) йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Т. лар Рим қулдорлик жамиятининг тарихий тараққиётида қатта роль ўйнаганлар, қулдорлик демократиясининг олигархияга (қ.) қарши курашида қуроллик ва зифасини бажарганлар. Эр. ав. 2-асрда синфий курашнинг кескинлашиши муносабати билан Т. ларнинг аҳамияти янада ошган. Империя даври да Т. лар ўз аҳамиятини йўқотган.

**ТРИУМВИРАТ** (*лат.*)— уч киши; уч эркак; қадимги Римда қулдорлик республика тузумининг емирилиши даврида давлатни бошқариш ва сенаторлар олигархиясига қарши курашиш ва давлат ишларига раҳбарликни қўлга киритиш мақсадида учта нуфузли сиёсий ва ҳарбий арбобнинг иттифоқи. Биринчи Т. Ю. Цезарининг

Г. Помпей ва М. Красс билан тузган иттифоқи, иккинчи Т.— Антоний, Лепида ва Октавиан ўртасидаги иттифоқ. Бу иттифоқ Октавиан билан Антоний ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида эр. ав. 31-й. да бўлиниб кетган.

**ТУМАН** (*форс.*)—1 ўнг минг; 2 уезд, район; 3 ўн минг отлиқдан ташкил топган қўшин; 4 Эрон тилла пули (ўн реалга тенг бўлган танга).

**ТУПРОҚ ҚАЛЪА** — эски замонларда шаҳар ва қишлоқлар атрофини мустақамлаш ва душмандан ҳимоя қилиш учун тупроқдан ясалган кўтарма; қўрғон.

**ТУРНИР** (*фр.*)— тортишув; Ғарбий Европада 16-асргача рицарларнинг ҳарбий мусобақаси; Т. да рицарларнинг жанговорлик қобилиятлари намойиш қилинган.

**ТУФАНГ** — ов қуроли; 1—1,5 метрлик милтиқ стволи каби стволи бўлган. Т. га лойдан ясалган юмалоқ ўқ солиниб, пуфлаб отиш йўли билан қуш овланган.

**ТУҒ** (*эски ўзб.*)— нишон, байроқ; қадим замонда ва ўрта асрларда қўшинни бир-бирдан ажратиб турадиган нишон; Т. учи думалоқ таёқ ёки учига тиллашар боғланган найзага от ёки ҳўкиз думи илиб ясалган. Т. ни кўтариб юрувчи аскар — туғчи, байроқдор ёки аламбардор дейилган.

**ТЭЙЛОРИЗМ** — америкалик инженер Ф. Тэйлор номи билан боғлиқ бўлган меҳнатни ташкил этишнинг ваҳшиёна капиталистик эксплуатация системаси; бундан кўзланган мақсад машина иши ва ишчилар меҳнатини хронометраж йўли билан нормалаштириш методларини қўллаш орқали капиталистларнинг максимал фойда олишларини таъминлашдан иборат.

**ТУПХОНА** (*форс-тож.*)— артиллерия парк; тўплар ва бошқа қу-

рол-аслаҳалар сақланадиган жой; арсенал.

**ТўРА** ёки **АМИР ТўРА, ТўРА-ЖОН** — Бухоро ва Хева хонликларида амир ёки хоннинг ўгли; валиаҳд; катта амалдор; тўра; бюрократ.

**«ТўРТЛАР БИТИМИ»** — келишув ва ҳамкорлик битими; Англия, Франция, фашистлар Германияси ва Италияси ўртасида 1933 й. 15 июлда Римда тузилган ҳамда инглиз ва француз ҳукуматларининг фашист агрессорлар билан тил бириктиришлари ҳақидаги битим. АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган бу битим СССР га қарши ҳарбий-сиёсий блок эди. Бироқ «Т. б.» ни тузган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар тугатилмагани учун бу битим тасдиқланмади.

**ТУҚСАБО** — Бухоро амирлигида сарой мансабларидан бири; сузиб қўйилган таомларни назорат қилиб турадиган амалдор; унга бирон қишлоқнинг ҳокимлиги ҳам берилган.

## У

**УДАЙЧИ** — Бухоро амирлигида амир ҳузурда бий ёки додҳо даражасидаги мансабдор. У донмо амир ҳузурда бўлиб, давлат ишлари ҳақида амирга ахборот берган.

**УДЕЛ** — 1 16- аср бошларигача рус князларнинг феодал ер-мулклари; 2 Октябрь революциясидан илгари Россияда император хонадонига мансуб бўлган шахсларга қарашли кўчмас мулк (ер); у сарой ва уделлар министрлиги томонидан бошқарилган.

**УДЕЛ КНЯЗЛАРИ** — Россияда феодал тарқоқлиги даврида (12—15-асрлар) расман улуғ князга бўйсунган, аслида мустақил ўлка ҳукмдо-

ри ҳисобланган маҳаллий ҳукмдорлар.

**УЕЗД** — маъмурий-территориал бирлик; Русда 13-асрдан бери маълум. У шаҳар ва унга итоат эттирилган волостлардан ташкил топган. Дастлаб уездларни князь ноиблари, 17-асрдан воеводалар бошқарган бўлсалар, 18-асрдан бошлаб губернияларнинг таркибий қисмига айланган. Совет ҳокимияти даврида (1923—1929 йй.) янги маъмурий-территориал бирлик; районлар тузилиши муносабати билан тугатилган.

**«УЗОҚ СТАЧКА»** — 1874—1875 йй. даги Пенсильвания (АҚШ) шахтёрлари стачкаси. Шахта эгалари томонидан ишчиларнинг ўзаро ёрдам ассоциациясини тор-мор келтириш, иш ҳақини камайтириш мақсадида атайлаб уюштирилган иғво натижасида пайдо бўлган стачка. Хўжайинлар шахтага штрейкбрехерларни (қ.) олиб келиб, иш ҳақининг 10—20 процент камайтирилганини эълон қилдилар. Шахтёрлар кураш бошлашлари биланоқ губернатор қўшин юбориб, стачка бўлган районни қамал қилиб олди. 6 ой давомида 7 минг шахтёр қаҳрамонона кураш олиб борди. Бироқ очлик ва маҳрумлик шахтёрларни шахта эгаси қўйган шартларни қабул қилишга мажбур этди. Иш ҳақи камайтирилди, ишчиларнинг ўзаро ёрдам ассоциацияси тор-мор қилинди.

**УЗУРПАТОР** (лат.) — ҳокимият-ни зўрлик билан қўлга олган киши; бировнинг ҳуқуқини паймол қилиш.

**«УКРАИНА ДИРЕКТОРИЯСИ»** (фр.) — 1918 й. 14 ноябрда буржуа партияларининг раҳбарлари томонидан Украинада инглиз ва француз оккупациясини ниқоблаш учун чет эл империалистларининг агентлари — Винниченко, Петлюра бошлиқ бўлган ва Совет Россиясига қарши ҳарбий

юриш тайёрлашни мақсад қилиб қўйган контрреволюцион-миллатчилик ҳукумати. «У. д.» қўзғолон кўтарган ишчи ва деҳқонлар ҳамда Қизил Армия томонидан 1919 й. феввалида ағдариб ташланди.

**«УКРАИНА МАРКАЗИЙ РАДАСИ»**— Украина буржуа миллатчиларининг контрреволюцион ташкилоти. «У. м. р.» 1917 й. апрелида Киевда буржуазия ва майда буржуазия партиялари ва группалари блокидан тuzилган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгач, «У. м. р.» Совет ҳукуматини танишдан бош тортди, ўзини Украина Халқ Республикасининг олий органи деб эълон қилди ва Совет ҳокимиятига қарши очикдан-очик кураш йўлини тутди. 1918 й. январида Киев ишчиларининг қўзғолони натижасида у ағдариб ташланди. 1918 йил мартда «У. м. р.» оккупантлар томонидан тикланди, апрелда подшо генерали Скоропадский гетманлиги билан алмашди, у украин халқи ва Қизил Армия томонидан 1918 й. охирида немис интервентлари билан бирга ҳайдаб юборилди.

**УЛАМО** (а.)— олим, олимлар; шариаат (қ.) қонуларини, диний билимларни мукамал билувчи шахс. Мусулмон давлатларида қозилар, юрист-консультлар ўрнини эгалловчи ақонд олимлари; мусулмон руҳонийларининг юқори табақаси.

**УЛУС** (турк.)— эл, халқ, қабила; 1 кўчманчилар манзили, овул; қишлоқ, район, мамлакатнинг бир бўлаги. 2 хон ёки хон хонадони аъзоларига, шунингдек нуёнга (бек, амир) қарашли удел аҳолиси.

**УЛЬТРА** (лат.)— юқори, ҳаддан ташқари, ортиқ даражада; иккинчи жаҳон урушидан кейин дастлаб АҚШ, Франция, Италия, Ғарбий Германияда, кейинроқ бошқа капита-

листик мамлакатларда пайдо бўлган фашистик ташкилотлар. У. лар реакцион агрессив кучларга суяниб, коммунистик, демократик ва ҳар қандай бошқа прогрессив кучларга қарши энг қабиҳ йўллар билан кураш олиб бормоқдалар.

**УЛЬТРАМОНТАНЛАР** (лат.)— католицизмдаги (қ.) диний-сиёсий оқим. 15-асрда бошланган бу оқим намояндалари Рим папасининг чекланмаган олий ҳокимиятга ва ҳамма давлатларнинг ички ишларига аралашшиш ҳуқуқига эга бўлишини талаб этдилар. 19-асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европада марказлашган черков ташкилоти; революцион ҳаракатга қарши курашнинг таъсирчан қуроли деб ҳисобланувчи реакцион зодагон доиралар У. ғоясини илгари сурдилар. Империализм даврида У. клерикал (қ.) кучларнинг ишчилар ҳаракати ва социализмга қарши кураш байроғига айланди.

**УЛЬТРАРОЯЛИСТЛАР** (фр.)— Францияда Бурбонлар реставрацияси даврида вужудга келган сиёсий группа. У. лар монархистларнинг ўта ўнг қанотини ташкил этганлар. У. лар король ҳокимиятининг кучайиши, ер эгалари бўлган зодагонларнинг имтиёзларини таъминлаш ва савдо-саноат буржуазиясининг ҳуқуқларини чеклашни талаб этувчи дворянлардан бўлган катта ер эгалари ва католик руҳонийлари юқори табақаларининг манфаатларини йиғида этарди. 1830 йилги июль революциясидан сўнг У. ларнинг аҳамияти йўқолди.

**УЛЬТИМАТУМ** (лат.)— охириги, сўнгги; халқаро муносабатларда бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга муайян муддат ичида мунозара ва эътирозсиз бажарилиши шарт бўлган қатъий талаби. У бажарилмаган тақдирда дипломатик алоқалар узилади.

уруш эълон қилиш, территорияни босиб олиш, дипломатик муносабатларни узиш, байкот, қамал қилиш каби чоралар амалга оширилади. Урушда ғолиб чиққан томоннинг мағлуб бўлган ёки қамалда қолган ҳарбий қисмларга таклиф этган қатъий талаби. Совет давлати У. сиёсатини қоралайди. БМТ нинг уставида ҳам халқаро муносабатларда дўқ ёки куч ишлатишга қарши эътироз билдирилган.

**УМУМИЙ БОЗОР** — Европа иқтисодий ҳамжамияти — ЕЭС; Ғарбий Европадаги бир қатор капиталистик мамлакатлардан ташкил топган доира, империализм дунёси иқтисодий қудратининг энг йирик бирлашмаси. ЕЭСни ташкил этиш ҳақидаги шартнома 1957 й. да ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург томонидан имзоланган эди. ЕЭС га 1973 й. да Англия, Дания ва Ирландия қўшилди. ЕЭС нинг раҳбар органлари — Комиссия ва Министрлар Совети Бельгия пойтахти Брюсселда жойлашган. Бу бирлашманинг мақсадларидан бири ЕЭС доирасида ташкил союзи тузиш, ишчи кучи, умумий бозорни ташкил этиш, учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини ўтказиш, бу бирлашмада қатнашувчилар иқтисодий сиёсатидаги хилма-хилликни тугатиш, қишлоқ хўжалик ва транспорт соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, энг муҳими шу асосда сиёсий иттифоқ ташкил этишдир. ЕЭС унга қатнашган мамлакатларнинг йирик молия-саноат капитали манфаатини ифодалайди.

**УНИЯ** (лат.) — иттифоқ, бирлашма; 1 икки монархияли давлатнинг умумий бир монарх қўл остидаги бирлашмаси. Бунда ҳар бир давлат ўз ҳокимият ва бошқарув органларини сақлаб қолади ёки бирлашган

ҳар икки мамлакат бир ҳукмдорга итоат этади, ягона пул системаси, бирлашган армия, ягона ташқи сиёсат юритади. Масалан, Люблин униясига кўра, Польша королеваси Ядвигия Литва буюк князи Ягойлога эрга тегиши туфайли; иккала давлат бирга қўшилган, 1815—1890 йй. да Голландия билан Люксембург бирлашган. 2 черков У.— православ ва католик черкови бирлашуви. Бунда Рим папасининг (қ.) бош раҳбарлиги тан олинди; ҳар иккала черков ақидалари ва тоат-ибодатлари сақлаб қолинади.

**УНТЕР-ОФИЦЕР** (нем.) — қуйи, энг кичик; чоркизм даврида рус армиясида, айрим ажнабий давлатларда ҳозир ҳам кичик командирлар унвони.

**УНЦИЯ** (лат.) — ўн иккидан бир қисм (масалан, мероснинг ўн иккидан бир қисми) = 1 оғирлик ўлчови — 27,3 г; 2 қимматбахо товарларни ўлчашда ишлатиладиган қадимий оғирлик ўлчови. Чоғр Россияда — 27,86 г, АҚШ ва Англияда — 31,1 г; 3 қадимги вақтларда Испанияда олтин танга.

**УОЛЛ-СТРИТ** (ингл.) — Нью-Йоркдаги кўчалардан бири, унда энг катта банклар, фонд биржаси ва саноат монополияларининг бошқармалари жойлашган. У. с. АҚШ нинг энг йирик молия-саноат ва нефть монополия бирлашмалари; У. с. АҚШ молия капитали, молия олигархияси синоними.

**УРБАНИЗАЦИЯ** (лат.) — жамиятда шаҳарлар ролининг ортиши билан боғлиқ тарихий жараён. Бунда шаҳар аҳолисининг салмоғи ортади. У. 18-асрда юз берган саноат тўнтаришидан бошланган. 19-асрда дунёдаги шаҳарларда 29,3 млн. аҳоли яшаб, у ер қур расидаги ҳамма аҳолининг 3% ни ташкил этган. 1900



йилга келиб, бу миқдор 224 млн. (13,6%), 1970 йилда 1399 млн. (38,6%) га етди. 1979 й. да Совет Иттифоқининг 62% аҳолиси шаҳарларда яшайди.

**УРОН** — қипчоқларда ҳар бир қабила ва уруғнинг ўзига хос шиори ёки урони бўлар эди. Урон шу қабила қадимги оталарининг ёки буларга шон-шухрат келтирган бир қаҳрамоннинг номи.

**УРУҒ** (*эски ўзб.*) — қон-қардошларнинг коллектив бўлиб уюшуви натижасида шаклланган жамоа. Ибтидоий пода даврдан кейинги босқичга, асосан қуйи ва юқори палеолит давлари ўртасига, яъни одамнинг шаклланиши билан бир пайтга тўғри келади.

**УРУҒЧИЛИК ЖАМИЯТИ** — матриархат (она уруғи) ва патриархат (ота уруғи) давлари. Бунда асосий ишлаб чиқариш воситалари бўлган ер, яйлов, ов қилинадиган жой ва шу қабиларга қон-қардошлик жамоаси эгаллик қилган.

**УРЯДНИК** (*рус.*) — революциядан илгариги Россияда 1 казак қўшинининг унтер-офицери; 2 станция приставига итоат эттирилган уезд полицияси унвони. У. мансаби 1878 й. да жорий этилган, 1917 й. февраль революцияси даврида бекор қилинган.

**УТОПИЯ** (*грек.*) — инглиз мутафаккири Т. Мор (1478—1535) «Утопия» асарида (1516) ҳаёлий Утопия оролида социалистик жамият қурилишни ҳикоя қилган. Кенг маънода утопия — реал бўлмаган истак, ушалмайдиган орзу, ҳаёл демакдир.

**УТОПИК СОЦИАЛИЗМ** (*грек.*) — ҳаёлий социализм; хусусий мулк ва синфларни битириш, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига чек қўйиш йўли билан жамиятни социалистик асосда қайта қуриш наза-

рияси, ижтимоий тараққиёт қонуналари, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги билимларга таянмай туриб, жамиятни социалистик асосда қайта қуришга қаратилган ҳаёл, лойиҳа ва таълимотдир. У. с. 16-асрда Европада пайдо бўлган; Томас Мор, Кампанелла, Сен-Симон, Шарль Фурье, Роберт Оуэнлар утопик социализмнинг асосчиларидир. Утопик социалистлар социалистик жамиятни қуриш йўлларини ҳам, социалистик жамиятнинг моҳиятини ҳам очиб бера олмаганлар. У. с. ларнинг жамият олдидаги хизмати шуки, улар капиталистик жамиятдаги қарама-қаршиликлар ва иллатларни қаттиқ танқид қилдилар, эзилган меҳнат оммасининг оғир аҳволини фаҳмладилар. У. с. лар келажак капитализмники эмас, балки коммунизм жамиятини эканини ҳаммадан олдин пайқадилар. У. с. синфий кураш моҳиятини, пролетариатнинг революциядаги ҳал этувчи ролини тушуниб етмаганлар. Россияда У. с. гояларини революцион демократлар В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Н. Г. Чернышевский, Н. А. Добролюбов ва бошқалар ривожлантирдилар. Рус У. с. лари деҳқон жамоалари («деҳқонлар социализми») орқали социализмга чиқиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Улар ишчилар синфининг жамият тараққиётидаги ҳақиқий ролини тушуниб етмаганлар.

Фақат К. Маркс ва Ф. Энгельс социализм ҳаёлларастларнинг уйдирмаси эмас, балки жамият тараққиёти, пролетариатнинг синфий кураши социализмни утопиядан фанга айлантирганини илмий равишда исбот эдилар.

**УФА ДИРЕКТОРИЯСИ** — оқгвардиячи область «ҳукуматлари» вакиллари, меньшевиклар ва эсерларнинг чет эл интервентлари иштиро-

окида 1918 й. 23 сентябрда Уфа шаҳрида тузилган ва «Бугун Россия Муваққат ҳукумати» деб аталган контр-революцион ташкилоти. 1918 й. 18 ноябрда оқ гвардиячи тажовузкор ҳарбий интервентларнинг топшириғига мувофиқ, У. д. ҳукумати аъзоларининг бир қисми қамоққа олинган ва ҳокимият Антанта малайи ҳарбий диктатор Колчакка топширилган.

**УЧИНЧИ СОСЛОВИЕ** — тоифа; Францияда 18-аср охиридаги революциягача хазинага солиқ тўламовчи дворянлар ва руҳонийлар сословиесига қарама-қарши турувчи, солиқ тўловчи сословие (деҳқонлар, шаҳарликлар оммаси, савдогарлар, шаклланиб келаётган буржуазия)нинг номи. Тор маънода У. с. буржуазияга нисбатан татбиқ қилинган.

**«УЧИНЧИ РЕЙХ»** (нем.) — «учинчи империя», учинчи подшолик; гитлерчи фашистик тўдалар биринчи ва иккинчи рейх (10-асрдан бошлаб, 1806 й. гача мавжуд бўлган, 1806 й. да Наполеон томонидан тугатилган), «герман миллатининг «муқаддас Рим империяси» ва 1871 йилдан 1918 йилгача давом этган Германия империясига тақлид қилиб, ўз ҳукмронликлари даврини 3-рейх деб атаганлар.

Совет Иттифоқи томонидан иккинчи жаҳон урушида герман фашизмининг тор-мор келтирилиши «учинчи рейх» шармандан шармисор бўлиб тугаб кетишига олиб келди.

**«УЧЛАР ИТТИФОҚИ»** («Тройственный союз») — Германия, Австрия, Венгрия ва Италиянинг иттифоқи, Антантага қарама-қарши турган ҳарбий иттифоқ. «У. и.» биринчи жаҳон империалистик урушининг бошланишида катта роль ўйнади. «У. и.» 1915 йилда Италиянинг Антанта томонида туриб урушга кириши муносабати билан тарқалиб кетган.

**УШР (а.)** — ўндан бир, ўндан бир қисми; феодализм даврида Шарқнинг мусулмон мамлакатларида ва ўзбек хонликларида ҳар бир хўжалик даромадининг ўндан бир қисми ҳажмида натура ёки пул билан тўланадиган қишлоқ хўжалик солиғи. Саудия Арабистони, Яман Араб республикасида У. ҳозир ҳам мавжуд.

## Ф

**ФАРРОШ** — 1 Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи, бош пазанда; 2 Хева хонлигида сарой ҳовлиларини супурувчи; 3 палос тўшовчи; хизматкор; мадраса ва масжидларни супуриб-сидириб турувчи киши.

**ФАРРОШБОШИ** — Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи; бош ошпаз.

**ФАРСАХ** ёки **ФАРСАНГ (а.)** — масофа ўлчови; Шарқнинг бир қанча мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ҳам 9—12 минг қадамга ёки тахминан 7—8 чақиримга тенг бўлган қадимий масофа ўлчови.

**ФАТАЛИЗМ** (лат.) — машъум тақдир; ҳар бир ҳодиса ҳам инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини тақдирга боғлиқ деб даъво қилувчи диний-идеалистик, ғайриилмий, реакцион таълимот. Ф. тақдир худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг ким бўлиши, нима қилиши, истиқболи қандайлиги пешонасига ёзиб қўйилган деб ҳисоблайди. Ф. ислом ва христианликда (қ.), кальвинизм (қ.) ва ясенизмда (қ.) ўзининг тўла ифодасини топган.

**ФАТВО (а.)** — қарор; бирон ҳуқуқий (юридик) масала юзасидан исломда муфтий (қ.) ёки уламо (қ.) лар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий маса-

лаларда дин ақидалари ва шариат (қ.) асосида чиқарилган қарор ёки бирор иш-ҳаракатнинг шариат нуқтаи назаридан тўғри-нотўғрилиги, ҳалол-ҳаромлиги ҳақида чиқарилган қарор, ҳукм ёки изоҳ.

**ФАШИЗМ** (итал.)— даста, шода, бирлашма; империалистик буржуазиянинг ошқора территориястик диктатураси формаларидан бири. Ф. идеологияси — курашувчи антикоммунизм (қ.), ирқчилик (қ.), шовинизм (қ.), зўрлик, шахсга сиғиниш, давлатнинг тотал ҳокимиятлилиги, шахс устидан умумий назорат, жамият ҳаётини ҳамма томонлама милитаризациялаш, агрессиядан иборат. Ф. пропаганданинг демагогик усулларида кенг фойдаланиб, шовинистик ва босқинчилик кайфиятларини кучайтириб, ижтимоий прогресснинг ашаддий рақибига, халқаро ишчилар ҳаракатининг энг хавфли душманига айланади. Ф. пролетариатнинг революцион ҳаракатини бостириш, демократияга барҳам бериш, шафқатсиз террор қилиш, ирқий жиҳатдан таъқиб этиш, ваҳшиёна тажовузкорлик йўли билан халқларни қўлиқка солишга қаратилган куч; биринчи жаҳон уруши (1914—1918), капитализмнинг умумий кризиси вақтида вужудга келган, империалистик буржуазиянинг энг агрессив доиралари манфаатларини кўзловчи ашаддий реакция оқим. 20-аср 20-йиллари бошларида Италияда «қора кўйлакчилар» номи билан маълум бўлган фашистик погромчи-жазо отряди — Муссолинининг ҳамтовоқлари Ф. га асос солдилар. Ф. биринчи марта 1922 й. да Италияда ҳокимиятни қўлга киритди, 1933 й. да Германияда, 1939 й. да Испанияда ҳокимиятни босиб олди. Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германиясининг ҳалокатга учраши инсониятни Ф.

қўллигидан сақлаб қолди ва реакция кучларига қақшатқич зарба бўлиб тушди.

Аммо халқаро империализм Ф. нинг тамомила тугатиб юборилишига йўл қўймайди. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида фашистик режимлар сақланиб қолмоқда ва империалистик давлатлардан мадад олмоқда. 1973 й. сентябрида АҚШ нинг Марказий разведка бошқармаси (ЦРУ) нинг ёрдами билан Чилида фашистик тўнтариш амалга оширилди. ГФР, АҚШ, Италия ва бошқа шу каби мамлакатларда турли фашистик ва неофашистик группалар мавжуд (яна қ. неофашизм).

**ФАШИСТИК ДИКТАТУРА**— молия капиталининг энг реакцияон ва энг империалистик қисмини қўллаб-қувватловчи ашаддий реакцияон террористик диктатура. Ф. д. Италияда (1922 й.), Германияда (1933 й.) ва Испанияда (1939 й.) зўрлик билан ҳокимиятни босиб олиш натижасида ўрнатилган диктатура.

**ФАҚИР** (а.)—1 дарвиш, қаландар, сеҳргар, жодугар. Ҳиндистонда — мусулмон ва ҳинд дайди монахлари. Улар фолчилик, ҳайвонларни ром қилиш, одамлар кўрган тушларни таъбир этиш, найрангбозлик, сеҳргарлик билан шуғулланадилар; 2 18—19-асрларда Бухоро амирлиги ва Афғонистонда Ф. фуқаро маъносига ишлатилиб, унда деҳқонлар кўзда тутилган.

**ФЕДЕРАЛИЗМ** —1 айрим давлатларнинг ўз мустақиллигини маълум даражада сақлагани ҳолда, бири бири билан бирлашиш асосида қурилган давлат тузуми; 2 баъзи капиталистик давлатларда, айниқса кўп миллатли мамлакатларда федератив давлат тузуми ўрнатиш йўлидаги ҳаракат.

**ФЕДЕРАЛИСТЛАР** — АҚШда

18-аср охири—19-аср бошларида сиёсий партия; йирик савдо буржуазияси ва плантатор-қулдорларнинг бир қисми манфаатини ифода этди. Ф. лар АҚШнинг федерал ҳукумати кучайтиришга интилганлар.

**ФЕДЕРАТЛАР** (лат.)—1 қадимги Рим иттифоқчилари (латинлар ва бошқалар); 2 18-аср охирида француз буржуа революцияси даврида миллий гвардия жангчилари ва офицерлари.

**ФЕДЕРАЦИЯ** (лат.)— иттифоқ, бирлашма; давлат тузуми шакллари-дан бири бўлиб, бунда бир неча давлат юридик жиҳатдан маълум мустақилликка эга бўлган ҳолда, ягона иттифоқдош давлатни ташкил қилади. Ф. нинг территорияси унга кирган давлатларнинг территориясидан таркиб топади. Ф. га кирган ҳар бир давлат ўз конституциясига эга бўлганидек, Ф. нинг умумий ягона конституцияси ҳам бўлади. Буржуазия Ф. си капиталистлар манфаатини ифода этиб, амалда унитар қўшма давлатга айлана боради (АҚШ, ГФР, Австрия ва бошқалар).

Октябрь революциясидан сўнг янги типдаги Ф. вужудга келди. Социалистик Ф.—Россия СФСР, сўнг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи миллатлар ва уларнинг республикалари тўла, тенг ҳуқуқли асосда эркин ва ихтиёрий равишда бирлашган ягона иттифоқ давлатдир. Социалистик Ф. да ҳар бир миллат ва халқнинг манфаати умумдавлат манфаати билан мос равишда қўшиб олиб борилади. Мустақил давлатларнинг бирлашуви асосида тузилган яхлит давлат; иттифоқ, уюшма. СССР—тенг ҳуқуқли иттифоқдош совет социалистик республикаларининг ихтиёрий бирлашмаси.

**ФЕЛЬДМАРШАЛ** (нем.)—дастлаб 16-асрда Австрияда жорий этил-

ган ҳарбий унвон; революциягача Россияда ва баъзи чет эл мамлакатларида (Англия, Пруссия, Германия, Австро-Венгрия ва бошқаларда) олий генераллик унвони. Ф. бошқа мамлакатлардаги маршалга тенг. Россияда (1699—1917) Ф. унвони император хонадонига мансуб бўлган шахс ва айрим ажнабий арбобларга, муваффақиятли уруш олиб борган бош қўмондонга, атоқли ҳарбий ва давлат арбобига берилган. Россияда Ф. А. Головин, Б. П. Шереметов, А. Д. Меньшиков, П. А. Румянцев, М. И. Кутузов ва бошқалар (ҳаммаси бўлиб 62 киши) Ф. унвонига сазовор бўлган. Ф. унвони Англия ва баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам бор.

**ФЕЛЬДЦЕИХМЕЙСТЕР** (генерал-фельдцейхмистер) (нем.)—17—18-асрларда рус ва айрим чет эл армияларида артиллерия бошлиғи; Австрия армиясида генераллик мансабларидан бири.

**ФЕМИДА** (грек.)—қадимги грек афсоналарида одил суд маъбудаси. Римликларда юстиция худоси. У кўзи боғланган (одиллик аломати), бир қўлида тарози, иккинчисида—қилич ушлаган ҳолда тасвирланган.

**ФЕМИНИЗМ** (фр.)—капиталистик мамлакатларда аёлларнинг эркаклар билан расман тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш мақсадини кўзлаган буржуа сиёсий оқими.

**ФЕНИКС** (грек.)—қадимги Миср ва грек афсоналарида ўлим яқинлашган пайтда ўз уясида гўё ўзини ўтда ёндириб, сўнгра ўз кулидан қайтадан ёшариб, янгиланиб дунёга кела оладиган афсонавий қуш; абадий қайта бунёд бўлиш, янгиланиш тимсоли.

**ФЕОД** (лат.-қад. герм.)—ер; Фарбий Европада феодализм даврида сеньор (қ.) томонидан ҳарбий хизматни ўташ, бошқариш, суд ишлари-

да қатнашиш ва бошқа бир қатор мажбуриятларни бажариш ёки тегишли бадал тўлаб туриш шарти билан фойдаланиш учун вассалга (қ.) инъом қилинган ер-мулк.

**ФЕОДАЛ** (лат.) — катта ер эгаси; деҳқонларни крепостнойга айлантирувчи ва уларни эксплуатация қилувчи; сеньор, бояр, дворян, помещик; крепостник (Россия); магнат, шляхта (Польша) ва ҳ. к.

**ФЕОДАЛ ТУЗУМ** — қ. феодализм.

**ФЕОДАЛ ЕР ЭГАЛИГИ** — феодализм даврида асосий ишлаб чиқариш воситалари — ер, сув, ўрмон, яйлов ва шу кабиларнинг феодаллар қўлида бўлиши. Крепостной деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа қарам аҳолининг феодаллар ҳукмронлиги остида бўлиши.

**ФЕОДАЛ ИЕРАРХИЯСИ** (лат.) — феодализм (қ.) даврида ҳукмрон синф — феодалларнинг ҳарбий-сиёсий ташкилоти; феодалларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатувчи тартиб, мансаб зинаси. Россияда дастлаб бу зинанинг энг юқорисида подшо, улуғ князь, удел князлари, боярлар, кейин эса дворянлар турганлар. Ғарбий Европада бу зина (иерархия) нинг энг юқори погонасида король, ундан кейин герцог, граф, баронлар, энг қуйи «зинапоя»сида эса ҳарбийлар (рицарлар) турган. Ф. и. ҳукмрон феодаллар синфининг иттифоқи бўлиб, крепостной деҳқон ва ҳунармандларни эксплуатация қилишга қаратилган.

**ФЕОДАЛ МУНОСАБАТЛАР** — ҳукмрон синф-феодаллар ва феодал иерархия (қ.) билан моддий бойликларни яратувчилар — крепостной деҳқонлар ва ҳунармандлар ўртасида бўйсунуш ва ҳукмронлик қилишга асосланган муносабатлар.

**ФЕОДАЛ ТАРҚОҚЛИГИ** — феодализм (қ.) даврида маҳаллий фео-

даллар вакилларининг мустақил бўлиш йўлида олиб борган курашлари натижасида феодал давлатнинг майда удел (қ.) мулкларга бўлиниб кетиши. Ф. т. даврида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши мамлакатга қарши чет эл интервенциясининг бошланиши ва феодаллар ўртасида ўзаро урушларнинг авж олишига олиб келган. Шунга қарамай, Ф. т. даврида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишда давом этган.

**ФЕОДАЛИЗМ** — ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузумидан кейинги учинчи формация. Ф. да асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер феодалларнинг хусусий мулки ҳисоблангани учун деҳқонлар феодалларга муте бўлган. Ф. натурал хўжалик ҳукмронлик қилганлиги, ишлаб чиқариш техникаси ғоят даражада тубан бўлганлиги, мустабид давлат, диний идеологиянинг устуңлиги билан характерланади. Феодализмга айрим мамлакатлар қулдорлик тузумидан сўнг ўтган бўлсалар, бошқа мамлакатлар бевосита ибтидоий жамоа тузумидан ўтганлар. Ф. тарихий давр сифатида асосан 5—17-асрларни ўз ичига олса ҳам, айрим мамлакатларда анча сўнги даврларгача ҳам давом этди. Ф. илк, ривожланган ва сўнги деб уч даврга бўлинади. Ф. ўзидан олдинги икки ижтимоий-иқтисодий формация — ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузуумларига нисбатан прогрессив бўлиб, унинг иқтисодий системаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига шароит яратиб берди. Ф. даврида синфий курашнинг юқори босқичи деҳқонлар қўзғолони ва урушидир. Ф. даврида капиталнинг дастлабки жамғарилиши юз беради. Ф. буржуа революциялари томонидан узил-кесил йўқ қилинади ёки у аста-секин турли реформалар воситасида капита-

лизмга айлана боради. Ф. ўрини албатта капитализм эгаллаши шарт эмас. Муайян тарихий шароитда Ф. дан тўғридан-тўғри социализмга ўтиши ҳам мумкин. Жумладан, Совет Шарқи республикалари, Монголия Халқ Республикаси Ф. дан капитализмни четлаб, социализмга ўтдилар (яна қ. нокапиталистик тараққиёт йўли).

**ФЕОДАЛ РЕНТАСИ** — феодализм даврида мавжуд бўлган ер солиғи; унда помещик-феодал ўзига қарам деҳқонлар томонидан етиштирилган қўшимча маҳсулотнинг, баъзан эса уларнинг ўзлари учун зарурий маҳсулотнинг ҳам талайгина қисмини мажбуран ўзлаштирган; феодалнинг ерга эгалик қилиши Ф. р. нинг асосини ташкил этган. Ф. р. ривожланишида уч босқични ўтган: 1 ишлаб бериш рентаси (барщина); бунда деҳқон ҳафтанинг муайян кунларида ўзи учун хўжалигида ишласа, бир неча кун давомида ҳақ олмай феодал ерида ишлашга мажбур бўлган; 2 маҳсулот рентаси (оброк) натура билан олинади; бунда деҳқон ҳафтанинг ҳамма кунларида ўз хўжалигида ишлаган, аммо етиштирган маҳсулотнинг бир қисмини феодалга беришга мажбур бўлган; 3 пул рентаси (пул оброги); бунда деҳқон ўз хўжалигида етиштирган маҳсулотнинг бозорда сотиб, топган пулнинг кўп қисмини феодалга беришга мажбур бўлган.

**ФЕРМЕР** (*фр.*) — капиталистик мамлакатларда асосан ёлланган ишчилар эксплуатация қилинадиган қишлоқ хўжалик корхоналарининг эгаси.

**ФЕТИШИЗМ** (*португал.-фр.*) — сеҳрли нарса; 1 жонсиз нарсаларни ғайритабiiий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш, сажда қилиш; 2 капиталистик жамият учун хос бўлган меҳнат маҳсулотларини

ғайритабiiий хусусиятга эга деб тушуниш, товар ва бошқа буюмларни илоҳийлаштириш.

**ФИРЪАВН** (*а.*) — тимсоҳ, золим; Ф. сўзи қадимги Миср сўзи «пер-о» дан олиниб, дастлаб «шоҳ қасри», «кулуғ уй» маъносини англатган. Кейинроқ подшоҳнинг ўзи Ф. деб аталган. Қадимги Миср подшоларининг унвони; қадимги Миср диний тасаввурлари бўйича Ф. қуёш худоси Ранинг фарзанди, бир неча худоларнинг ердаги сояси ҳисобланган. Миср подшоси Валид Ибн Масабнинг лақаби.

**ФИСКАЛЛАР** (*лат.*) — Пётр I замонида марказий ва маҳаллий муассасалар фаолиятини, айниқса молия ва суд ишлари соҳасида ҳукумат фармойишларининг қандай ижро этилишини махфий кузатувчи ва кўринган нотўғриликлар ҳақида махфий маълумот бериб турувчи мансабдор шахслар. Бу лавозимни Пётр I 1711 й. да жорий қилган. Бу иш сенат (қ.) ҳузуридаги обер-фискалдан бошлаб генерал-фискал ва ёрдамчилар томонидан амалга оширилар эди. Ҳарбий фискаллар ҳам мавжуд бўлган.

**ФИТР** (*а.*) — рўза тутишни тўхтатиш; фитр-рўза, садақа, бирор сабаб билан рўза туголмай қолган киши томонидан унинг эвазига рўза охирида масжид, руҳонийлар ёки бева-бечораларга маълум миқдорда арпа, буғдой ва пул билан фитр-садақа берилиши ёки рўзада ифторлик қилиниши. Ф. меҳнаткашлар руҳонийлар томонидан таланишига имкон туғдирган хурофотдир.

**ФЛИГЕЛЬ-АДЪЮТАНТ** (*нем.*) — монарх адъютанти; чор Россиясида император ёки фельдмаршал ҳузурида унинг топшириқларини ижро этувчи; прапорщикдан бошлаб полковниккача бўлган унвонлардаги офи-

церлар. 19- аср бошидан 1917- йилгача император ҳузуридаги аёнларга бериладиган фахрий унвон. Бошқа монархияли давлатларда (Германия) ҳам бўлган.

**ФОЛЬКЕТИНГ** (дан.)—1 Данияда бир палатали парламент. Депутатлар умумий, тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 4 йилга сайланади. Ф. қонун чиқарувчи орган бўлиб, унинг қабул қилган қонуни король томонидан тасдиқланади; 2 1849—1953 йй. да Ф. Регистагнинг иккинчи палатаси.

**ФОРМАЦИЯ** (лат.)—кишилик жамиятининг муайян иқтисодий тузуми ва унга мувофиқ келадиган устқурмадан иборат тарихий тараққиёт босқичи. К. Маркс кишилик жамиятини беш ижтимоий-иқтисодий формацияга — ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва илмий коммунизм формацияларига бўлган. Ҳар бир Ф. пайдо бўлиш, ташкил топиш ва шаклланишни, жамиятнинг маълум тарихий тараққиёт босқичида унга хос бўлган кишилар ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини, ижтимоий ва давлат тузумини, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни ўз ичига олади.

**ФОРТУНА** (лат.)—қадимги Рим динида тақдир илоҳаси.

**ФОРУМ** (лат.)—умумий йиғилишлар ўтказиладиган жой, марказий майдон. Қадим замонларда Рим шаҳридаги Капитолий (қ.) билан Палатин ўртасида жойлашган, халқ йиғинлари, суд мажлислари ўтказилган, савдо-сотиқ олиб борилган марказий майдон; кенг ваколатга эга бўлган халқаро йиғин.

**ФРАКЦИЯ** (фр.-лат.)—парчалалиш, бўлиниш; бирор сиёсий партия ичида партиянинг бош йўлига зид бўлган платформада турган гуруҳ; капиталистик мамлакатлар парламен-

ти ва маҳаллий маъмурий идораларида сиёсий партия сиёсатини ўтказувчи уюшган гуруҳ; масалан, Давлат думасида большевиклар ф. си (қ.), Франция парламентида компартия ф. си ва бошқалар.

**ФРАНТИРЕР** (фр.)—партизан. Француз халқи (1870—1871) йилларда бўлиб ўтган франко-пруссия уруши вақтида немис босқинчиларига қарши курашган вақтларда ва Франция немис-фашист агрессорларига томонидан оккупация (қ.) қилинган (1940—1944) вақтда босқинчиларга қарши курашган партизан қисмларининг жангчиси.

**ФРАНЦИСКАНЛАР ОРДЕНИ**—Италияда 1207—1208 йй. да Франциск Ассизский (ҳақиқий номи Джаванни Бернадоне) томонидан ташкил этилган католик қашшоқлик ордени жамоаси. Папалик Ф. о. ни ўз назорати остига олади. Папа Гонорий III 1223 й. Ф. о. уставини тасдиқлайди. Ф. о. нинг ташкил этилиши қашшоқлик орденлари тузилишини бошлаб берди. Францисканлар жундан тўқилган жигар ранг усткийим кийиб, белларини чилвир билан боғлаб, яланг оёқларига сандал кийиб олганлар. Ф. лар инквизицияда (қ.) қатнашардилар. 18-аср охиридаги француз революцияси, Испаниядаги революция (1834—1843) ва 19-асрдаги буржуа революциялари даврида Ф. лар қаттиқ таъқиб остига олинди. 19-аср охирига келиб, Ф. о. Испания ва Италияда, кейинроқ Францияда тикланди. Имперализм даврида Ф. о. бошқа монахлик орденлари каби клерикализм (қ.) қўлида қурул бўлиб хизмат қилмоқда.

**ФРАНЦУЗ ВЕСТ-ҲИНД КОМПАНИЯСИ**—Ж. Б. Корьбер томонидан 1664 й. да ташкил этилган бу компания ўз олдига Шимолий Америка ва Ғарбий Африкада француз

савдоси ва мустамлакачилигини қўллаб-қўлтиқлаш вазифасини қўйган. Ф. в. ҳ. к. Канадада аҳолини жойлаштириш соҳасида катта роль ўйнаган. Инглиз ва голландлар билан рақобатга бардош бера олмаган бу компания 1674 й. да тугатилган.

**ФРАТРИЯ** — биродарлик; қабилаларнинг қисмлари; Ф. бир неча уруғ йигиндисидан иборат, уларнинг жўпчилиги битта уруғдан келиб чиққан. Ф. ибтидоий жамоа тузумининг бошларида пайдо бўлган. Қадимги Грецияда Ф. тепасида сайлаб қўйилган оқсоқол турган; Ф. нинг ўз суди, умумий дини ва байрамлари бўлган. Синфий жамият вужудга келгач, Ф. ўз аҳамиятини йўқота борган.

**ФРЕЙЛИНА** (нем.) — малика (қиролича) ҳузурида хизмат қилувчи аслзода оиладан чиққан қиз.

**ФРОНДА** (фр.) — 17-асрда (1648—1653) Францияда абсолютизмга қарши қаратилган социал-сиёсий ҳаракат.

**ФУЗЕЯ** — 1700 й. да Пётр I томонидан рус армиясига киритилган чақмоқ тошли (6 кг га яқин), силлиқ стволли милтиқ; у 1760 й. да «милтиқ» деб атала бошлаган.

**ФУЗИЛЕРЛАР** — 1 17—18-асрларда чақмоқ тошли милтиқлар билан қуролланган пиеда аскарлар; 2 Францияда — қўл пулемёти билан қуролланган солдатлар.

**ФУНТ** (лат.) — оғирлик ўлчови; тош, қадоқ; 1 рус оғирлик ўлчови бўлиб, 1918 й. гача муомалада бўлган; Буюк Британия, АҚШ, Канада, Италия, Австрия ва бошқа мамлакатларда 317,6 граммдан 560,0 граммгача оғирликни билдирувчи ўлчов; 2 Миср, Исроил, Ирландия, Ливан, Сурия, Кипр, Судан, Мальта, Гибралтар ва бошқа мамлакатларда пул бирлиги.

**ФУНТ СТЕРЛИНГ** — Буюк Британия пул бирлиги бўлиб, 100 пенс-

га тенг (1971 йилгача 1 ф. с. 20 шиллинг — 240 пенс); СССР давлат банки курсига кўра 1 ф. с. 1 сўм 35 тийинга (1978 й. февраль) тенг.

**ФУРЬЕРИЗМ** — француз утопик социалисти Шарль Фурье (1772—1837) таълимоти.

**ФЮРЕР** (нем.) — раҳбар, йўлбошчи, дохий; фашистлар Германиясида нацистлар (қ.) раҳбари Адольф Гитлернинг фахрий унвони. Генераллар ва офицерларнинг унвонларига қўшиб айтиладиган сўз; бригаденфюрер (генерал-майор) фашистлар Германиясида ССчиларга бериладиган унвон; штандартенфюрер (полковник) ССчиларнинг унвонларидан бири; шарфюрер (фельдфебель) ва бошқалар.

## Х

**ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ** — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим доимий ҳаракатдаги органи, унинг зиммасига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш масъулияти юкланган. Х. к. 15 аъзодан иборат бўлиб, улардан 5 таси доимий аъзо (СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Хитой). Доимий бўлмаган 10 аъзо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан адолатли географик жойлашувга қараб икки йилга сайланади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар Х. к. да тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Х. к. нинг асосий принципи вето (қ.) ҳуқуқига эга бўлган доимий аъзолар ҳамфикрлигидир. Х. к. давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликка хавф солувчи ва тинчликни бузувчи ҳар қандай вазиятни бартараф қилиш борасида БМТ номидан коллектив ра-



вишда ҳаракат қилиш бўйича катта ваколатга эга. Х. к. нинг ёрдамчи органлари: ҳарбий штаб комитети, эксперт комитети ва БМТ га янги аъзолар қабул қилиш комитети.

**ХАЛИФА** (а.)— ўринбосар, ноиб, давомчи; хулафо халифалар; мусулмон жамоаси ва мусулмон теократик (қ.) давлати (араб халифалиги) нинг диний ҳамда дунёвий бошлиғи. У Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбосари (халифат расулиллоҳ); ўрта асрларда мусулмон Шарқдаги бир қанча мамлакатларда дунёвий ва диний олий ҳокимият намоёндаси; Усмонийлар империясида султонлар унвони.

**ХАЛИФАЛИК** (а.)— халифа ҳокимияти; 1 тепасида халифа турган давлат; Х. Муҳаммад вафотидан сўнг (632) вужудга келган. Биринчи тўрт халифа-чорёрлар (632—661)— Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар давлат бошлиғи вазифасини бажариш билан бирга, ҳамма мусулмонлар жамоасининг раҳбарлари (имомлари) ҳисобланганлар. Х. 1258 й. да Бағдод мўғуллар томонидан эгаллаб олинганидан сўнг тугатилган; 2 европаликлар Фарбий Осиё, Шимолий Африка ва Жанубий Европада араблар истилоси натижасида вужудга келган мамлакатларни 10-асрдан бошлаб Х. деб атаганлар. Араблар эса уларни «ислом мамлакатлари» ёки «халифалик давлати» деб атаганлар; 3 Х. диний-сиёсий ташкилот бўлиб, унда барча мусулмонлар устидан диний ҳокимият халифа қўлида бўлган.

**ХАЛФА** (а.)—1 Ўрта Осиёда ҳунармандчилик тармоқларидаги бош шогирд; 2 эски усул мактабларда ўқитувчининг шогирдлар ичидан танлаб олган ёрдамчиси. Домла бўлмаган вақтда Х. унинг ўрнини босган; Х. лар орасидан кейинчалик мактабдорлар ҳам етишиб чиққан.

«**ХАЛҚ ЭРКИ**»— Россияда на-родникларнинг 1879 й. да тузилган революцион террористик ташкилоти; «Х. э.» га жасур революционерлар А. Желябов, А. Михайлов, С. Перовская ва бошқалар бошчилик қилганлар. Якка террор курашнинг асосий воситаси қилиб танланган эди. Улар подшо Александр II ни ўлдирганлар; «Х. э.» 1880 йилларда чор полицияси томонидан тор-мор қилинган.

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ** — иккинчи жаҳон уруши давомида ва ундан кейин халқ-демократик революциялари туфайли юзга келган жамият сиёсий ташкилотининг янги формаси. Х. д. муайян тарихий шарт-шароитларга қараб пролетариат ва деҳқонлар диктатураси вазифасини бажаради.

Аста-секин ва нисбатан тинч йўл билан социал-сиёсий ўзгаришларнинг рўй бериши Х. д. си учун характерли хусусиятдир; бунда буржуазия сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмайди, ерга хусусий мулк сақланади, мусодара қилинган мулк эвазига ҳақ тўланади ва бошқалар. Х. д. да ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитига мувофиқ ҳолда социализм қурилиши ривож топади.

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ** — Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин халқларнинг антифашист кураши кенг авж олиб кетган даврдаги миллий озодлик, умумдемократик революция.

Х. д. р. озодлик ва демократик, шу жумладан антифеодал ва антиимпериалистик характерда эди. Унинг ҳаракатлантирувчи кучи марксчи-ленинчи партиялар бошчилигидаги миллий фронт (қ.), ишчилар синфи, деҳқонлар ва бошқа ватанпарвар группалар, шу жумладан майда ва ўрта буржуазия ҳисобланади.

Капитализм умумий кризисининг кескинлашиши ва Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси ва япон милитаризми устидан қозонган ғалабаси Х. д. р. нинг ғалабасини таъминлади.

**ХАЛҚ ДРУЖИНАСИ** — Совет Иттифоқда (1958 й. дан бошлаб) жиноятчиларга, ҳуқуқ-тартибот бузилишига қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш учун ташкил этилган кўнгилли жамоат группаси.

**«ХАЛҚ КАПИТАЛИЗМИ» НАЗАРИЯСИ** — капитализмни янги ижтимоий тузумга айлантириш мумкин деган ғояни ёқловчи буржуа реформистик назарияларидан бири. «Х. к.» назарияси буржуа иқтисодий назарияси бўлиб, унга кўра гўё «мулкнинг майдаланиши» натижасида ҳамма нарса тубдан ўзгаради, пролетариат билан буржуазия ўртасида антагоник қарама-қаршилик тугайди ва бутун халққа хизмат қилувчи тузум ўрнатилади. «Х. к.» назарияси капитализмнинг демократлашиши тўғрисидаги назарияни олға суради. Бунга кўра майда пай (акция) унга эгалик қилувчи оммага тарқалади ва уларни гўё капиталистик муассаса «эгалари» га айлантиради. Бу назария авторларининг фикрича, даромадлар «тенглашади», харид қобилияти ортади, иқтисодий кризислар йўқолади. Ҳақиқатда эса халқ пайи деб аталган нарса аҳолининг пул маблағларини монополия буржуазияси манфаати учун тўплашдан бошқа нарса эмас.

Ҳамма буржуа назариялари каби «Х. к.» назарияси ҳам капитализм умумий кризисни шароитида капитализм негизини сақлаб қолиш учун амалий тавсия кўринишида капитализмни ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилишни назарда тутди. Буржуа идеологлари «Х. к.» назариясидан пролетариат синфий онгини чалғитишда,

илмий социализмга қарши курашишда фойдаланадилар.

**ХАЛҚ ЛАШКАРИ** — чет эл босқинчиларига қарши курашиш учун халқ оммаси ичида ташкил топган кўнгилли ҳарбий қисмлар. Х. л. душман босиб олмаган территорияда тузилади.

Россияда 17-аср бошида Кузма Минин ва Дмитрий Пожарский етакчилигида поляк ва швед босқинчиларига қарши, 1812 й. да Наполеон кўшинига қарши, Улуғ Ватан уруши фронтларида герман-фашист ғалаларига қарши кураш олиб боришда Х. л. жуда катта роль ўйнади.

**ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ** — ишчилар синфи диктатураси (Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Югославия, Польша, Чехословакия, Руминия) ёки ишчилар синфи билан деҳқонлар диктатурасининг янги формаси (Хитой, Шимолий Корея, Лаос, Вьетнам, Монголия); халқ ҳокимияти органлари (халқ мажлислари, халқ советлари, миллий комитетлар) Х. р. нинг сиёсий негизини ташкил қилади. Улар давлат ҳокимиятининг олий органлари, мамлакат мустақиллиги, меҳнаткашлар оммасининг тўла ҳокимлиги намояндалари бўлиб, мамлакатга раҳбарлик қиладилар, давлат аппарати устидан халқ назоратини амалга оширадилар. Министрлар Советлари ва министрликлар давлатни бошқариш органларидир. Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари сайлаб қўйиладиган демократик характердадир. Х. р. чинакам демократик ва социалистик давлат.

**«ХАЛҚ СОЦИАЛИСТЛАРИ»** — майда буржуазия партияси. «Х. с.» Россияда 1906 й. да эсерларнинг (қ.) ўнг қанотидан ажралиб чиқishi натижасида ташкил топган; қишлоқда қулоқлар юқори табақасининг

манфаатларини ҳимоя қилган; унинг вакиллари буржуа Муваққат ҳукуматида қатнашганлар, турли контрреволюцион ташкилотларга қўшилиб, Октябрь социалистик революциясига, Совет ҳокимиятига қарши курашганлар.

**ХАЛҚ ФРОНТИ** — демократия, тинчлик, социал тараққиёт ва халқ манфаатлари учун курашувчи кенг халқ оммасининг ишчилар синфи теварагида уюшган ташкилот формаси. Х. ф. аҳолининг кенг табақаларини, демократик сиёсий партиялар, касба-ба союзлари, хотин-қизлар, ёшлар, кооператив ташкилотлари ҳамда бошқа оммавий ташкилотларни бирлаштиради. Х. ф. да коммунистик ва ишчи партиялари бошчилигидаги ишчилар синфи раҳбар ва йўналтирувчи роль ўйнайди. Х. ф. капиталистик мамлакатларда фашизм хавфининг пайдо бўлиши, иккинчи жаҳон уруши яқинлашиб келаётган шароитда ташкил топти. Коминтерннинг (қ.) 1935 й. да бўлиб ўтган VII конгресси Х. ф. нинг фашизмга қарши курашда, миллий мустақиллик ва демократик эркинликларни қўлга киритишдаги роли ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилди. Францияда 1935 й. да вужудга келган Х. ф. фашизмнинг ҳокимият тепасига келишига йўл қўймади. Испанияда Х. ф. (1936—1939) халқ оммасини реакцияга ва фашизмга қарши курашга жипслаштирувчи ва сафарбар қилувчи орган бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм ва агрессорларга қарши миллий мустақиллик ва демократик эркинликлар учун кураш асоратга солинган барча мамлакатларнинг асосий, жонажон иши бўлиб қолган шароитда Х. ф. ни ташкил этишда янада катта аҳамият касб этди. Марказий, Жануби-шарқий Европада ва Хитойда халқ ҳокимиятла-

рининг ўрнатилишида Х. ф. ҳал этувчи роль ўйнади.

**ХАНДОҚ** (*а.*) — зовур, чуқурлик, мудофаа тўсиғи; ўт очувчи ҳарбий қуроллар, айниқса артиллерия келиб чиққунга қадар Шарқнинг кўпгина мамлакатларидаги каби Ўрта Осиёда ҳам шаҳар девори атрофи бўйлаб қазилган, чуқурлиги 3—4 метр, эни 5—6 дан 40 метргача бўлган ва сув билан тўлдирилиб, одам ва от кечиб ўта олмаслиги учун ботқоқликка айлантирилган тўсиқ. У тунда кўтарилиб қўйиладиган осма кўприк орқали ташқи дунё билан алоқада бўлган.

**ХАРТИЯ** (*грек.*) — папирусдаги қўл ёзма; ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган баъзи бир ҳужжатлар номи халқ оммасининг асосий талабларини ифода этувчи ёрлиқ, сиёсий ҳужжат. Англияда эркинликларнинг буюк Х. си; 1814 й. да Франция конституцияси Х. деб аталган. Баъзан айрим халқаро актлар ва битимлар ҳам Х. деб аталади.

**ХАТТОТ** (*а.*) — ёзув, хат санъати, хушхат одам, коллиграф; хатни текис ва чиройли ёзувчи киши; китоб кўчириш касби; китоб тўплаш, асар ва бошқа шу кабиларни чоп этиш.

**ХИЛҚАТИ ОЛАМ** — диний эътиқодларга кўра, дунё яратилган кун деб тайин қилинган вақт (1 сентябрь) дан бошланадиган йил ҳисоби; тарих.

**ХИРОЖ** (*а.*) — чиқим, харажат, сарф, солиқ; Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ва Ўрта Осиёда давлат фойдасига асосан натура, айрим ҳолларда пул билан ҳосилнинг  $\frac{1}{4}$ ,  $\frac{1}{3}$  ёки  $\frac{1}{2}$  қисми миқдоридан олинadиган ер солиғи.

**ХИРҚА** (*а.*) — ямоқ, жулдур либос; асосан дағал олача ёки қуроқ матодан тикилган, эшон, дарвини, қаландарлар киядиган махсус устки кийим.

**ХОН** (*турк.*)— туркча қоон, хоқон, ҳукмдор; 1 туркий халқлар ва мўғулларда дастлаб қабила бошлиғи, кейинроқ олий ҳукмдор Х. деб аталган. Мўғул империясида улус бошлиғи Х. ҳисобланган. Усмонли турк империясида султонлар, Эронда (сафавийлар даврида) вилоят бошлиқлари — амирларга Х. унвони берилган. Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хева хонликларида ҳукмдорлар хон деб юритилган. 2 Шарқдаги айрим мамлакатларда князь унвонига тенг бўлган фахрий унвон; 3 ҳурмат ва хушмуомалалик тарзида эркаклар ва аёллар номига қўшиб айтиладиган сўз.

**ХОНЛИК** — хон томонидан бошқариладиган мамлакат; Хева, Қўқон хонлиги ва ҳ. к.

**ХОНАҚОҶ** — масжид ибодатхонаси; шайхлар, дарвишлар зикру само қиладиган жой. Дарвишлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик Х. ларнинг катта зал (жамоатхона) лари атрофида зиёратчилар учун хужралар бўлган. Кичик масжидларнинг намоз ўқиладиган қисми ҳам Х. деб аталган.

**ХРИСТИАН-КАТОЛИК** — Христиан ва католик мақолаларига қаралсин.

**ХОЛОП** (*рус.*)— қул; қадимги Русда қарам аҳоли категорияларидан бири.

**ХОЛОПЛИК** (*рус.*)— қуллик; қадимги Русда 9—12-асрлардан 18-аср бошларигача қулликка яқин бўлган феодал қарамликнинг бир шакли. Аср олинган, суд ҳукми билан жазоланган, қарзини узолмаган, ўзини қулликка сотган, қул аёлга уйланган кишилардан ташкил топган. Х. лар ўз хўжайинларининг мулки ҳисобланиб, ҳеч қандай гражданлик ҳуқуқларига эга бўлмаган; Пётр I имзолаган жон солиғи ҳақидаги фармон

(1718) ва бошқа фармонлар (1720—1723) асосида Х. тугатилган. Х. лар крепостной деҳқонларга қўшиб юборилган.

**ХОҚОН, ҚОҒОН, ҚООН** (*турк.*)— буюк подшоҳ, хонлар хони, шоҳаншоҳ; ҳазар, турк ҳукмдорларининг унвони; айрим Шарқ мамлакатларида, хусусан, Хитойда ҳукмдорлар ҳам шу унвон билан аталганлар.

**ХОҚОНЛИК** (*турк.*)— турк хоқонлиги 6-асрнинг ўрталарида Тумин томонидан ташкил қилинган; Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Олтой ва Енисейда кенг территорияларни ўз ҳокимиятига бўйсундирган ҳукмдорнинг унвони; кейинроқ айрим турк халқлари ҳокимлари ҳам Х. унвонини қабул қилганлар. 8—10-асрларда ҳазар хонлари ўзларини хоқон деб юритганлар; Турк хоқонлиги; Ҳазар хоқонлиги.

**ХРОНИКА** (*грек.*)— вақт; 1 йилнома, йилма-йил тартиб билан ёзилган тарихий асар; 2 ўтмишда ҳукмдор ёки бадавлат хонадонлардаги асосий воқеаларни баён этувчи адабий асар; 3 вақтли матбуотда, радио, телевидение ва кинода сиёсий, хўжалик, маданий ва бошқа ҳаётга оид кундалик воқеаларни ахборот тарзида ёритувчи материал.

**ХРОНОЛОГИЯ** (*грек.*)— тарихий воқеа ва ҳужжатлар саналарини изчил тартибда аниқлаш иши билан шуғулланувчи мустақил соҳа; воқеаларнинг саналари катма-кет кўрсатиб ёзилган баёни ва рўйхати; масалан, СССР тарихидан тузилган хронология. Тарихий Х.—йил ҳисобларини, тарихий воқеалар вақтини аниқловчи, тарихга ёрдамчи фан.

**ХРИСТОС** (*грек.*)— ердаги одамзоднинг ҳалоскори; миссия.

**ХРИСТИАНЛИК** — дунё динлари (буддизм ва ислом билан бир қа-

торда) дан бири. X. одам қиёфасидаги «худо ўғли» — Исо — Исус (X. номи шундан олинган) га сиғинишдан иборат. X. биринчи аср бошида Рим империясининг шарқий провинцияларида пайдо бўлган. X. грек-рим ва Шарқ динларининг айрим элементларини қайта ишлаш, шунингдек, антик дунё идеалистик философиясининг айрим ғояларини ўзлаштириш асосида дунёга келган. X. дастлаб бу дунёда оғир жабр-зулмдан қутилиш орзусида юрган қуллар, бечоралар дини сифатида дунёга келди. X. аста-секин ҳукмрон синфлар манфаатига мослаша бориб, 4-аср бошида Рим империясининг давлат динига айланди. X. синфларни, ҳукмронлик қилувчилар ва эзилувчилар мавжудлигини эътироф этади. Шунинг учун X. ҳар қандай эксплуататорлик жамият — қулдорлик, феодализм ва капитализм жамиятига хизмат қилишга мослашади. X. да Инжилдаги афсонага — Исо одамларнинг гуноҳлари учун азоб-уқубат тортиш учун худо томонидан ерга юборилгани ҳақидаги афсонага ишонадилар. Исо Иудея ҳукмдори Понтнем Пилат томонидан ўлдирилган, сўнг у тирилиб арши аълога кўтарилиб кетган. Христианлар келажакда Исо иккинчи бора одамлар орасига келишига ишонадилар. Шунда қиёмат-қойим бўлиб, ўликлар ҳам, тириклар ҳам «даҳшатли суд» қилинадилар, гуноҳсизлар жаннат «абдий ҳаёт»га, гуноҳкорлар абадий дўзах азобига маҳкум бўладилар. У дунёда роҳат-фароғат ваъда қилган X. меҳнат аҳлининг қулликдан, шафқатсиз эксплуатация ва социал тенгсизликдан озод бўлиш вақтини ноаниқ келажакка ҳавола этиб, амалда адолатсиз ижтимоий тузумни абадийлаштиради.

**ХРИСТИАНЛИКНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ** — Русни чўқинтириш;

қадимги Русь (Киев) давлатининг христианликни расмий дин сифатида қабул қилиши. Ибтидий жамоа даврида вужудга келган оташпарастлик дини феодал муносабатлар ривожлана бошлаган шароитда талабга жавоб бера олмай қолган. Христианлик эса худди феодаллар манфаатларига тўла хизмат қила олар, мамлакат ички бирлигини мустаҳкамларди. Русда христиан динининг элементлари 3—4-асрлардаёқ пайдо бўлган. Игорь (912—945) замонида Киев шаҳрида муқаддас Илин ибодатхонаси («Собор черкови») бўлган. Княгиня Ольга (945—957) ва сарой аҳлларидан талайгина киши Византия сафари вақтида христиан динини қабул қилган эди. 989-й. да князь Владимир христианликни давлат дини сифатида жорий этган. Бу якка худди диннинг қабул қилиниши қадимги Русь давлатини Византия ва Ғарбий Европа давлатлари билан яқинлаштириш асосида халқаро ва ички аҳволини яхшилашга олиб келган.

**ХУД** (форс.-тож.) — жез қалпоқ; қадим замонларда ва ўрта асрларда жангчини мудофаа этиш учун ишлатиладиган узун учли, ўқ ўтмас жез қалпоқ.

**ХУНВЭЙБИНЛАР** (хитой.) — қизил қўриқчилар, қизил қўшинлар; 1966 йилда Хитойдаги «маданий революция» вақтида мактаб ўқувчилари ва студентлардан тузилган отрядларнинг қатнашчилари Мао-Цзэ дун ва унинг сафдошлари душманларига қарши курашда фойдаланилди.

**ХУНТА** (исп.) — 1 Испанияда йиғилиш, иттифоқ, бирлашма; давлат аҳамиятига эга бўлган муайян масалаларни ҳал этиш учун тузилган комиссия; 2 Испанияда ва испан тилида сўзланадиган Латин Америкаси мамлакатларида турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва иттифоқлар

номи; 3 Чилида 1973 й. да АҚШ ва бошқа империалистик монополиялар ташаббуси билан бир группа ашаддий реакциян ҳарбийлар томонидан ҳокимият босиб олинб, ҳарбий диктатура ўрнатилгач, халққа, демократия ва тараққиётга қарши кураш олиб борувчи сиёсий тузум.

**ХУРАЛ, ХУРИЛДАН** (*мўф.*) — хурал, хуридан; Монголия Халқ Республикасида давлат ҳокимият органининг номи. Ҳокимиятнинг олий органи — Улуғ Халқ Х.; маҳаллий орган — меҳнаткашлар депутатларининг аймоқ, сомон ва бағоли хураллари.

**ХУРОФОТ** (*а.*) — бидъат, таасуб, афсона, уйдирма; жамият тараққиётидан орқада қолган қолоқ фикрли кишиларнинг бидъатга, беҳуда сўзларга, прим-чиримларга, диний хурофотларга амал қилиши.

**ХУРРАМИЙЛАР** — араб халифалигида ҳокимият аббосийлар қўлига ўтгач (748 й.), уларнинг ҳокимият тепасига келишларида асосий роль ўйнаган Або Муслим ўлмаган, у қайтиб адонат ўрнатади деган ғоя тарафдорлари. Х. лар эътиқоди инсонларнинг миллати ва динларидан қатъи назар ўзаро тенглик, зоҳидлик ҳаёт кечириши сингари тушунчаларга асосланган. Х. лар йирик ер мулкчилигини йўқотиш ва ерларни деҳқон жамоаларига топшириш шiori билан чиқадилар. Х. ғояларини амалга ошириш учун Эронда Сунбод, Урта Осиёда Муқанна ва Озарбайжонда Бабак бошчилигида деҳқонлар ва ҳунармандларнинг қўзғолонлари бўлиб ўтган.

**ХУТБА** (*а.*) — ваъз, дуо-ибодат; мусулмонларда жума ва ҳайит намоз кунлари масжидда имом-хатиб томонидан айтиладиган панд-насиҳатлар. Урта асрларда халифа ва бошқа ҳукмдорларга соғлиқ тилаб ҳам Х. ўқилган.

**ХУТОР** (*укр.*) — жой, алоҳида қўрғон, янги ўзлаштирилган ерларда ташкил топган қишлоқча; Украина, Кубань ва Донда қишлоқ ва станциялардан ажралиб чиққан янги қишлоқ; Столипин ислоҳоти даврида жамоадан ажралиб чиққан бадавлат деҳқонлар Х. ларда яшаганлар. СССРда Х. лар ёппасига коллективлаштириш даврида, қолдиқлари 60-йилларда тугатилди.

**ХУЖА, ХОЖА** — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўртасидаги феодал ижтимоий табақа; сандлар (*қ.*) дан кейинги ўринда турган. Араблар истилосининг дастлабки даврларида Х. «хўжайна» («хўжайин») кўринишида қўлланилган. Феодализм даврида хўжалар ўзларини ислом оқсуяк табақаси — араб саҳобалари зотига нисбат бериб, буни ҳатто ҳукмдор муҳри билан ҳужжатлатиб олганлар. Хўжаларнинг бир қисми ҳукмдорларнинг махсус иноятномаси билан ҳар қандай солиқлардан озод қилинган. Хўжаларнинг иноятнома ола олмаган қисми шариат ҳукми бўйича солиқнинг фақат ушр (ўндан бири)ни тўлаганлар. XVI асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда Хўжа Аҳрор, 16—17-асрларда Бухорода Жўйбор хўжалар беҳисоб мол-мулк эгалари бўлишлари билан бирга, мамлакатнинг диний ва сиёсий ҳаётида ҳам етакчи кучга айланганлар.

## Ц

**«ЦАРЬ-КОЛОКОЛ»** (*рус.*) («шоҳқўнғироқ») — Москва Кремлидаги улкан қўнғироқ. Оғирлиги 200 тоннадан ортиқ, баландлиги 6,14 м., диаметри 6,6 м. бўлган «Ц. к.» рус усталари И. Ф. ва М. И. Моторинлар томонидан 1733—1735 йилларда бронзадан қуйилган, 1737 йилги ёнғин вақтида зарарланиб, бир

бўлаги—11,5 тоннаси узилиб тушган. 1836 й. да Кремлдаги Иван Великий қўнғироқхонаси яқинидаги тошсулага ўрнатилган. Рус устаси А. Чохов томонидан 17-аср бошида подшо Б. Годунов буйруғи билан қуйилган 35 т. ли қўнғироқ ҳам, 1654 й. да қуйилган 130 т. ли (1701 йилги ёнғинда синган) қўнғироқ ҳам «Ц. к.» деб аталган, унинг синиқлари «Ц. к.» ни қуйишда ишлатиб юборилган.

**«ЦАРЬ-ПУШКА»** (рус.)—«шоҳ-замбарак» ёки «Дробавик Российский»—Москва Кремлида сақланувчи қадимги улкан артиллерия қуролининг номи. «Ц. п.» 40 т. га яқин, стволининг узунлиги 5,34 м., калибри 89 см. 1586 й. да рус устаси А. Чохов томонидан қуйилган замбаракнинг оғзига яқин жойига от миниб турган шоҳ Федор Иванович (1584—1598) тасвири солинган. Кремль мудофаси учун қуйилган, аммо ўқ узилмаган. У 16-аср рус қуювчилик санъатининг ажойиб ёдгорлигидир. Москва Кремлига ўрнатилган.

**ЦАРЕВИЧ**—валиаҳд, тахт во-риси; Россия империясида 1917 й. гача император тахти валиаҳдининг расмий унвони.

**ЦАРЕВНА**—подшоҳ қизи, ма-лика.

**ЦАРЕДВОРЕЦ**—сарой аҳли, са-рой амалдорлари, подшоҳ саройига яқин киши, мулозим.

**ЦАРИЗМ**—чоризм, подшоҳлик режими, подшоҳ бoshлиқ монархияли сиёсий тузум.

**ЦАРИЦА**—малика, подшоҳ хо-тин, хотин подшоҳ, шоҳ оyim.

**ЦАРЬ** (лат.)—Рим император-ларининг унвони; царь; 1917 йилга-ча Россияда давлат бошлиғи (мо-нарх) нинг расмий унвони; қадимги давлатлардан Вавилония, Ассирия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Греция,

Миср ва бошқаларнинг монархлари ҳам ўзларини Ц. деб атаганлар. Россияда Ц. унвонини 1547 й. да Иван Грозний қабул қилган. 1727 й. дан бошлаб рус подшолари импе-ратор деб атала бошлаган бўлса ҳам, Ц. унвони ҳам истеъмолдан тушиб қолмаган.

**ЦЗАОФАНЛАР** (хит.)—Хитойда 1966 йилда «маданий революция» дав-рида хунвэйбинлар (қ.) ичидан са-ралаб олинган ёшлар ташкилоти. Мао Цзэ дун ва унинг тарафдорлари; улуг давлатчилик шовинизми руҳида тарбияланган тўдалар.

**ЦЕЗАРИЗМ** (лат.)—халқ ҳуқу-қи принципларини расман эътироф қилувчи бир шахснинг танҳо дикта-тураси; Ю. Цезардан бошланган (эр. ав. 100—44 йй.) сиёсий система. Ц. заминида аввалги республика муас-сасалари мавжуд бўлса-да, аммо дик-татор қўлида итоаткор қурол бўлиб қолган. Ц. системаси Францияда На-полеон I ва Наполеон III томонидан тикланган.

**ЦЕНЗ** (лат.)—рўйхатга оламан; 1 қадимги Римда аҳолининг солиқ тўлаши, ҳарбий, ижтимоий, сиёсий ҳо-латини аниқлаш ва уни мулкий гу-руҳлар ҳамда бўлимларга ажратиш мақсадида 5 йилда бир марта ўтка-зилган рўйхат. 2 буржуа давлатла-рининг конституцияси ва сайлаш қо-нунларида белгиланган сайловда қат-нашиш ҳуқуқининг чегараланиши: маълумот Ц. зи, мулк Ц. зи ва б.

**ЦЕНТ** (лат.)—АҚШ да бир дол-ларнинг юздан бирига тенг майда пул; Австралия, Канада, Нидерлан-дия, Янги Зеландия, Шри Ланка, Кения, Либерия, Сомали, Танзания, Уганда, Эфиопия ва бошқа баъзи мамлакатларда пул бирлиги.

**ЦЕНТРИЗМ**—халқаро ишчилар ҳаракатида 20-асрнинг 20-йиллари-да келиб чиқиб, ошкора оппортунизм

билан революцион марксизм ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллаган, «сўл» сўзлар билан ниқобланган ҳамда марксизмга ёт оппортунистик оқим. Ц. лар бошқа оппортунистлар билан орани очиқ қилишдан бош тортиб ва ишчиларга хонликларини сохта марксистик сўзлар билан яшириб, марксизмнинг революцион моҳиятини йўққа чиқарадилар, шунинг учун ҳам В. И. Ленин уларни ошқора оппортунистларга қараганда зарарлироқ ва хавфлироқ деб ҳисоблаган эди. Троцкизм ва меньшевикларнинг чап қаноти Россияда Ц. нинг бир кўринишидир.

**ЦЕНТУРИЯ** (лат.) — қадимги Римда 100 кишилик отряд; Ц. мулк ва ёш цензига мувофиқ тузилган, граждандар группаси халқ йиғини (комиция) да битта овозга эга бўлган.

**ЦЕРЕМОНИЙМЕИСТЕР** (нем.) — удайчи; подшо саройида расмий тантанали маросимларни бошқариб ва кузатиб турувчи катта амалдор.

**ЦЕХ** — феодализм даврида ҳам-касабаларни феодалларнинг ҳамласидан асраш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотишда ягона устунликни ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида маълум касб бўйича тузилган шаҳар ҳунармандларининг бирлашмаси. Ц. дастлаб ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўл очиб берган. 13—15-асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида Ц. жуда ривожланган. Капитализм туғила бошлаган вақтдан эътиборан Ц. усталар халфа ва шогирдларни эксплуатация қиладиган худбин ташкилотга айланиб қолган. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши Ц. тузуми емирилишига олиб келган. Капитализм ғалаба қилгач эса, Ц. тамомила тугаб кетган.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лат.) — граждандликка, давлатга тааллуқли; 1 ма-

даният сўзининг синоними; 2 ижтимоий тараққиёт, моддий ва маънавий маданият даражаси, босқичи (антик Ц., ҳозирги замон Ц. си ва ҳ. к.). Социализм ғалаба қилиши билан янги, коммунистик Ц. бошланади. 3 ижтимоий тараққиётнинг варварлик (ваҳшийлик) дан кейинги босқичи.

**ЦИТАДЕЛЬ** (фр.-итал.) — қалъа, қўрғон, арк; қалъа ичида мустақил мудофаага мосланган мустаҳкам иншоот; баъзи шаҳарларда шаҳар устидан ҳукмронлик қилувчи қалъа, қаср.

## Ч

**ЧАРТИЗМ** (ингл.) — хартия сўзидан олинган; чартистлар ҳаракати; 19-асрнинг 30—50-йй. да Англияда ишчиларнинг дастлабки ташкилий, оммавий-сиёсий, революцион ҳаракати; у инглиз ишчилари томонидан 1839 й. да. парламентга ёзилган талабнома-хартия номи билан боғлиқдир. Англияда 1832 й. да ўтказилган парламент реформасига кўра, парламентга саноат буржуазиясининг вакиллари ер эгалари вакиллари қатори қатнашадиган бўлган. Бу эса халқ оммаси, айниқса ишчилар синфининг норозилигига сабаб бўлган, 1835—1837 ва 1847 йй. даги иқтисодий кризислар вақтида эса «Ишчиларнинг Лондон ассоциацияси» тузилган. Чартистлар 1837 й. да парламент номига ёзилган ва 1838 йилда нашр этилган 6 моддадан иборат «Халқ хартиясига» деб аталган петиция — илтимосномада: 1) ёши 21 га етган ҳамма эркакларга умумий сайлов ҳуқуқи берилсин; 2) парламентга ҳар йили сайлов ўтказилсин; 3) парламент аъзоларига маош тўлансин; 4) овоз бериш яширин бўлсин; 5) сайлов округлари тенг бўлсин ва 6) парламентга номзод бўлган ки-



шиларга мулк цензи тугатилсин, деб талаб қилинган. Петицияга имзо тўплаш кампаниясига мамлакатнинг деярли барча саноат марказлари иштирок этган. Кўп жойларда митинглар, намойишлар ўтказилган. Парламент 1839 йил июлида хартияни рад этгач, умумий иш ташлашлар бошланиб кетган. 1840 й. Манчестерда ташкил этилган 40 минг аъзога (1842 й.) эга бўлган Ч. лар миллий ассоциацияси жаҳон ишчилар ҳаракати тарихида биринчи оммавий партия эди. Уша даврга келиб, Ч. лар буржуа радикаллари билан алоқани узди. Ч. томонидан 1842 й. да парламентга топширилган, 3 млн. 300 минг киши имзо чеккан иккинчи петицияда дастлабки 6 талабдан ташқари, камбағаллар ҳақида 1834 й. да чиқарилган қонунни бекор қилиш, солиқларни камайтириш, иш ҳақини ошириш, иш кунини қисқартириш каби талаблар ҳам қўйилган эди. Парламент иккинчи петицияни ҳам рад этди. Ч. тарихда биринчи бўлиб пролетариатнинг оммавий ташкилотини тузиб, ишчилар синфи сиёсий фаолиятини биринчи ўринга қўйди, пролетариатнинг озодлик ҳаракатига катта ҳисса қўшди. Ч. Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлар ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди.

**ЧЕРИК** (эски ўзб.) — халқ лашкари, халқ навқари, қўшин; феодализм даврида Урта Осиёда уруш арафасида йиғиладиган номуштазам қўшин.

**ЧЕРКОВ** (грек.) — худонинг уйи; христиан динида Ч. ибодат қилиш учун махсус қурилган бино. Унинг жуда безатилган меҳроб қисмида диний хизмат ходимлари — руҳонийлар жойлашган, унга туташган залда ибодатга тўпланганлар учун жой ажратилган. Ч. феодализм даврида

узил-кесик шаклланди. Феодализм даврида Ч. Ғарбий Европада аҳолисининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнади. Ч. иерархия (қ.) асосида тузилган клирикал (қ.) руҳонийлар томонидан бошқарилади.

11-асрга келиб, христиан черковининг шарқий (грек-православ) ва ғарбий (рим-католик) га бўлиниши тугалланди. Католик (қ.) Ч. га Римда истиқомат қилувчи папа (қ.), православ Ч. га Константинополда яшовчи патриарх (қ.) бошчилик қилди. 16-асрда Ғарбий Европада реформация (қ.) ҳаракати натижасида ягона католик (қ.) черкови ўрнига лютеран (қ.), кальвинистик (қ.), англиканлик (қ.) ва бошқа протестантлик (қ.) Ч. лари келиб чиқди. Ч. лар ихтиёрида крепостной деҳқонлар ва жуда катта ер-мулк ва бошқа бойликлар тўплаган.

**ЧЕРКОВНИ ДАВЛАТДАН ВА МАКТАБНИ ЧЕРКОВДАН АЖРАТИШ** — давлат ҳокимияти билан черков (яъни диний ташкилотлар) ўртасидаги ўзаро муносабатда черков — ҳеч қандай давлат функцияси бўлмаган хусусий ташкилот, давлат эса черков ишларига аралашмайдиган демократик принцип. Айрим капиталистик мамлакатларда черковни давлатдан ажратиш принципи расман амалга оширилган (масалан, АҚШ ва Францияда), лекин ҳақиқатда эса у мамлакатларда черков билан давлат ўртасида хилма-хил алоқалар мавжуд. Англия, Швеция, Норвегия, Исроил каби бошқа мамлакатларда черков билан давлат ўртасидаги иттифоқ қонун йўли билан расмийлаштирилган.

Октябрь социалистик революциясидан кейин 1918 й. 23 январида В. И. Ленин имзо чеккан декрет асосида мамлакатимизда черков дав-

латдан, мактаб эса черковдан ажратилган.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларда ҳар бир кишининг ўзи истаган динга эътиқод қилишига ёки ҳеч қандай динга ишонмаслигига имконият берилади.

**ЧЕРКОВ ДЕСЯТИНАСИ** — ўрта асрларда деҳқонлардан черков фойдасига йиғиладиган солиқ. Дастлаб қадимги Шарқнинг мамлакатларида аҳоли даромадининг ўндан бир қисми миқдоридан аввал ихтиёрий, кейинроқ мажбурий равишда ундирилган. Ч. д. асрлар давомида христиан мамлакатларида деҳқонларнинг норозлигига сабаб бўлган. Ч. д. Францияда 1789 й. революцияси натижасида, Европанинг бошқа мамлакатларида 19-аср давомида, Англияда 1936 й. да бекор қилинган.

**ЧЕРКОВ ДЕҲҚОНЛАРИ** — феодализм даврида Россияда митрополит патриархга, кейинроқ синодга, монастырь ва черковларга қарам бўлган деҳқонлар. 1767 йилда секуляризация (қ.) амалга оширилгач, яъни черков мулклари давлат ихтиёрига олингач, Ч. д. лари иқтисодий деҳқонлар деб аталган ва кейинроқ давлат деҳқонлари (қ.) составига қўшилиб кетган.

**ЧЕРКОВ ЕРЛАРИ** — феодализм ва капитализм даврида айрим шахслар ва давлат томонидан черковга тортиқ қилинган, деҳқонлардан тортиб олинган ер-сув ҳисобига ташкил топган. Октябрь революциясидан сўнг ер ҳақидаги декрет асосида мусодара қилинган.

**ЧИНГИЗХОН ЯСАСИ** ёки **ЕСО** (*мўр.*) — дзасақ; қонун, жазолаш сўзининг синоними; 1206 й. да Чингизхон улуг хон деб тан олинган қурултойда эълон қилинган қарорлар тўплами. Ч. я. си илк феодал монархияси учун типик бўлган қонунлар

мажмуасидир. У металл тахталарга ўйиб ёзилган. Турли сайёҳларнинг берган маълумотларига кўра, Ч. я. си 33 насиҳатнома (прагмент) ва Чингизхоннинг 13 қўшимча ҳикматли сўзларидан иборат бўлган. Ч. я. сида жиноий ҳуқуқ, гражданлик ҳуқуқига оид ўринлар бор. Унда қўшин ташкилоти, унга қўмондонлик қилиш, беклар билан хон ўртасидаги муносабатлар баён этилган. Ч. я. сида амал қилмовчиларга шафқатсиз жазо берилган. 36 та ман этилган хатти-ҳаракатдан 13 тасида ўлим жазоси берилган. Дастлаб Ч. я. си, асосан, оғир гуноҳлар учун берилдиган жазо чоралари рўйхатидан иборат бўлган бўлса керак. Кейинроқ (Хитой ва Ўрта Осиёни забт этиш вақтида) ўзгартирилган, тўлдирилган. Ч. я. си Чингизхоннинг буйруқ ва насиҳатномаси, яъни унинг тартиб ва таълимотлари йиғиндиси, бутун мўғул империясида мажбурий бўлган қонунлар мажмуасидир.

**ЧИҒАТОЙБЕГИ.** Чиғатой хонга теккан территория; нуфузли феодаллар, айрим вилоят ҳокимлари, қўшин бошлиқларига хон ёрлиғи билан берилган унвон.

**ЧИҒАТОЙ УЛУСИ** — мўғуллар забт этган ерларни Чингизхоннинг ўғиллари ўртасида тақсимлашда унинг иккинчи ўғли Чиғатойга теккан улус (1224); Ч. у. Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғи), Еттисув ва Қашқарни, Сирдарё ва Амударёдан Олмалиқни (ҳозирги Ғулжа шаҳридан шамоли-ғарбада) ўзичига оларди. 14-асрнинг 40-йилларига келиб, Ч. у. бир қатор феодал ўлкаларга бўлинди. Темур давлати вужудга келиши билан Мовароуннаҳрда чиғатойлар ҳукмронлиги тугади. Мўғуллар ўтроқ аҳолини идора этиш тажрибасига эга бўлмаганлиги учун Ч. у. ини хоразмлик бой

савдогар, Чингизхон хизматига ўтган Маҳмуд Яловач (1225—1238) ва унинг ўғли Маъсудбек (1238—1289) бошқарганлар. Ч. у. да деҳқонлар ва ҳунармандлар илгаридан мавжуд бўлган солиқларни тўплашдан ташқари, мўғуллар жорий қилган солиқларни ҳам тўлашга мажбур этилганлар. 1242 йилда Чиғатой вафот этгач, кўп ўтмай (1251 й.) Ботухон билан Мункэ Чиғатой улусини бўлашиб олганларида Ботухон ўз империясига Мовароуннахрни қўшиб олди. Темурийлар давлати барпо этилгач, бу территория уларга итоат этиб қолди.

**ЧОКАР** — Ўрта Осиё ва баъзи Шарқ мамлакатларида илк феодализм даврида феодалга қарашли қуроли йигитлар.

**ЧОПАР** (эски ўзб.) — отлиқ, хабарчи; 1 ўзбек хонликларида **ҳукмдорнинг** мактуби ва фармойишларини ёки маҳаллий маъмурларнинг шошилинч равишда ҳукмдорга етказилиши лозим бўлган ҳужжатларини бир жойдан иккинчи жойга етказувчи отлиқ — чопар; 2 уруш вақтида душман территориясидаги қишлоқ ва шаҳарларни талаш учун юбориладиган махсус ҳарбий қисм.

**ЧОРАҚОР** (форс.-тож.) — тўртдан бирга ишловчи; Октябрь социалистик революциясигача олинадиган ҳосилнинг маълум қисмини ( $\frac{1}{4}$  дан  $\frac{1}{2}$  гача) ер эгасига бериш шarti билан ижарага ер олиб экувчи кам ерли, ерсиз ёки от-уловсиз деҳқон.

**ЧОРЕРЛАР** (форс.-тож.) — тўрт дўст; Муҳаммад вафотидан сўнг, унинг бевосита тахт вориси бўлмагани учун араб халифалигида ҳокимиятни кетма-кет қўлга киритган тўрт халифа — Абу Бакир (632—634); Умар (634—644); Усмон (644—656); Али (656—661).

**ЧОРИЗМ** — чаризм — Рим импе-

ратори Гай Юлий Цезарнинг номидан олинган; русчада царизм, ўзбекчада чоризм деб талаффуз этилган; Россияда подшо ҳокимияти.

**ЧОРМИХ** (форс.) — ўтмишда гуноҳкорларни икки қўл ва оёқларидан боғлаб, азоб бериш учун тўрт томонга қоқилган қозиқ.

**ЧУП ПУЛИ** — солиқ тури; Қўқон хони Худоёрхон томонидан 1866 й. да жорий қилинган солиқ. У аҳоли томонидан ёқиш учун тайёрланган ўтин, ғўзапоя, хашак ва шу кабилардан олинган.

**ЧУҚМОР** — ўтмишда қўл жангида ишлатиладиган оддий қурол (қ. Гурзи).

## Ш

**ШАЙХ** (а.) — кекса оқсоқол; исломдан илгари арабларда уруғ, қабила бошлиқлари, катта патриархал оила оқсоқоллари Ш. деб аталган. Кўпгина араб мамлакатларида олий руҳонийлар вакили — диний ақидаларни билувчи, ваъз-насиҳат қилувчи, баъзан олий, диний ўқув юрти талабаси; айрим мамлакатларда дарвишлар жамоасининг раҳбари. Арабистон ярим ороли жанубида ва Форс кўрфазни раёонида Ш. майда князликларнинг бошқарувчиси ва кўчманчи қабилаларнинг раҳбари; Саудия Арабистонида — олий палатанинг аъзоси; курдларда — қишлоқ оқсоқоли. Ўрта Осиёда кўпинча йирик мазорлар ва қадам жойларда садақа ва назр-ниёз ҳисобига кун кўрувчи руҳонийлар Ш. деб аталган. Ҳозир йирик руҳонийларни ҳам Ш. деб атамоқдалар.

**ШАЙХУЛИСЛОМ** (а.) — ислом оқсоқоли; илгарилари кўзга кўринган уламоларга бериладиган фахрий унвон; кейинроқ руҳоний мансабдорлар бошлиғи; султонлар Туркиясида (16-

аср ўрталарида) мусулмон руҳонийларнинг султон тайинлаган бошлиғи. Бош муфти (қ.) каби Ш. давлат ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фатво (қ.) чиқарарди.

**ШАМАНИЗМ** (*тунгус.*) — таман, саман — шаманлик; эвенки тилида Ш. руҳоний; бошланғич жамоа тузуми охириларида жаҳоннинг кўпгина халқларида вужудга келган динлардан бири. Ш. айрим кишилар — шаманларнинг ғайри табиий қобилиятга эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиш йўли билан жазавага тушиб, ёвуз ва саҳий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганлари учун касалларни даволаш, фол боқиш ва бошқа қобилиятга эгалликларига ишонтиришдан иборат. Шаманлар гўё руҳларни чақира олар, қўнғироқли чилдирма билан руҳлар маконига саёҳат қилар, уларга илтимос билан мурожаат қила олар, ҳатто улар билан кураша олар эмиш. Жанубий Сибирь халқларида Ш. ларнинг махсус белгилари — қўнғироқли чилдирма, турли буюмлар осилган махсус кийимлар ва ўз маросимлари бўлган. Ш. Африка, Шимолий ва Шарқий Осиё халқлари ичда тарқалган.

**ШАРИАТ** (*а.*) — тўғри йўл, илоҳий йўл; қонунчилик. 11—12-асрларда араб халифалигида ишлаб чиқилган ислом диний, ҳуқуқ системаси. Ш. мусулмонларда Қуръонда, суннада баён қилинган ислом умумий қоидаларига асосланган ҳуқуқий ва диний урф-одат нормалари, ер-мулкка эгалик қилиш-ҳуқуқлари, қозилар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси. Ш. да никоҳ, оила масалаларига ўрин берилган. Ш. манбалари: Қуръон (қ.), Сунна (қ.), ижмоъ (ислом тарғиботчиларининг айтганлари), Қиёс (Қуръон ва Суннанинг изоҳлари). Мусулмонларда

Ш. дан ташқари одат ҳам мавжуддир. Ш. да давлат (халифалик) ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жиноят ва никоҳ-оила ҳуқуқлари, шунингдек суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Ш. хусусий мулкни абадий, дахлсиз, муқаддас ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Ш. да намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва шу кабиларга батафсил тўхталган.

**ШАРИФ** (*а.*) — исломгача арабларда бадавлат уруғ вакили, қабила раҳбари, шаҳар ҳокими; кейинроқ авлоддан-авлодга ўтувчи фахрий унвон. Ш. унвони Муҳаммад авлодларига берилади. Марокаш каби баъзи мусулмон мамлакатларида феодал ҳокимларнинг унвони, 1916 й. гача Макка ҳокимининг унвони.

**ШАХТА СУДИ** — Донбасснинг шахта ва бошқа районларида зараркунандачилик қилган буржуа мутахассислари устидан 1928 й. 15 май—5 июнда Москвада бўлиб ўтган суд. 1922—1923 йй. да тuzилган «Шахтачилар» ташкилоти собиқ корхона эгалари ва чет эл ҳарбий разведкаси билан алоқада бўлиб, тош кўмир саноатида қўпоровчилик ва зараркунандачилик билан шуғулланганлар. Совет суди хиёнаткор ва сотқинларга жазо берди.

**ШАҲАР БОШЛИГИ** — шаҳар ҳокими; революцияга қадар Россияда шаҳар думаси ва маҳкамасининг раиси. 1870 й. ги шаҳар реформасига кўра, Ш. б. 4 йиллик муддатга сайланган. Губерня шаҳарларидаги Ш. б. ни ички ишлар министри, бошқа ҳамма шаҳарлардаги Ш. б. ни губернаторлар, Москва, Петербург Ш. б. ларини подшо тасдиқлаган. Ш. б. 1892 й. дан бошлаб давлат хизматида деб ҳисобланадиган бўлган.

**ШАҲАР ДУМАЛАРИ** — револю-

циядан илгариги Россияда шаҳар бошқармаларининг фармойиш берувчи органлари. Биринчи марта 1775 й. да тоифавий вакиллардан ташкил этилган; тепасида шаҳар ҳокими турган Умумий дума сайланган. Умумий дума ҳар тоифадан биттадан аъзоли дума сайлаган. Умумий думга шаҳар ҳўжалиги билан шуғулланиш иши топширилган. Умумий ва бошқа думалар губернаторга бўйсундирилган. Ш. д. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача давом этган.

**ШАҲАР МАГИСТРАТИ** — Россияда 1721—1728 ва 1743—1864 йй. да сайлаб қўйиладиган тоифали шаҳар ва суд бошқармаси. Ш. м. Бош магистратга (қ.) бўйсунган. Ш. м. бургомистр ва ратманлардан ташкил топиб бадавлат шаҳарликлар орасидан сайлаб қўйилган. Ш. м. аъзолари Бош магистрат томонидан тасдиқланиб улар давлат хизматида деб ҳисобланганлар. 1775 й. губерня реформаларидан сўнг Ш. м. да фақат суд ишлари қолган.

**ШАҲАРЛАРГА ИНЪОМ ЕРЛИГИ** (жалованная грамота городом) — 1785 й. да Екатерина II ҳукумати Ш. и. ё. эълон қилган. Бунга кўра, шаҳар аҳолиси олти табақали даражага бўлинарди ва шаҳар жамоасини ташкил қиларди. Шаҳар жамоаси ҳар уч й. да (5 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда бойлиги бўлган шахслар) йиғилиб, фармойиш берувчи орган — умумшаҳар думасини сайларди; дума эса ўз ичидан кундалик ишларни олиб бориш учун 6 гласний ёки 6 гласний думасини тайинларди. Ш. и. ё. га кўра, шаҳар бошқармаларига савдогарлар ва бошқа буржуа элементлари жалб этилган бўлса ҳам, унда дворянлар етакчилик қилар эдилар.

**ШАҲРИСТОН** — 1. айрим ўрта

аср Шарқ шаҳарларида ички қалъа; 2 мустақкам ўраб олинган катта шаҳар; шаҳар ичи, шаҳар қўрғони; 3 бир-бирига яқин қурилган бир гурупа шаҳарлар.

**ШЕРИФ** (*ингл.*) — Англия, АҚШ ва Ирландияда маъмурий ва суд ишларини бажарувчи олий мансабдор.

**ШИИЗМ** (*а.*) — шиалик; гуруҳ; тарафдорлар; Али фирқаси ёки Али партияси. Ш. исломдаги икки катта оқимнинг бири, ўзининг тутган ўрни ва тарафдорларининг кўплиги билан суннизм (қ.) дан сўнг иккинчи ўринда туради. Ш. араб уруғ зодаганлари билан тўртинчи халифа — Алининг тарафдорлари ўртасида олий ҳокимият учун кураш давом этган 7-асрнинг ўрталарида вужудга келган.

**ШИҒОУЛ** — Бухоро амирлигида амирнинг шахсий адъютанти, тўқсаба ва эшик оғабоши даражасидаги шахс.

**ШЛЕМ** — темир қалпоқ, дубулға; қадимги ҳарбий анжомлардан бири; дастлаб бошни, кейинроқ бет ва бўйинни ёпиб турадиган турлари ҳам пайдо бўлган; совуқ қурол зарбидан ҳимоя этувчи темир кийим.

**ШЛЯХТА** (*поляк.*) — Марказий Европа (Польша, Литва ва бошқ.) дунёвий феодалларининг номи; дворянларга тенг. Феодал ва буржуа-помещиклар Польшасида дворянлар; Ш. катта имтиёзлардан фойдаланган; солиқлар ва мажбуриятлардан озод этилган, король сайлаш ва уни бўшатиш, қонун лойиҳаларини ман қилиш ҳуқуқига эга бўлган; майда поместье дворянлари.

**ШОВИНИЗМ** (*фр.*) — буржуа миллатчилигининг ўта реакцион шакли; Наполеон истилочилик сиёсатининг ишқибози бўлган француз солдати Шовин номидан келиб чиққан.

Ашаддий миллатчилик, бошқа халқларни таъқиб этиш ва хўрлаш, эзиш, турли ирқ ва миллат кишилари ўртасида миллий адоват ва нафратни кучайтириш, уларни бир-бирларига қарши гиж-гижлатишдан иборат реакциянон сиёсат; миллатлар ўртасида душманлик тугдириш сиёсати. Утакетган Ш. ва ирқчилик, фашизм (қ.) идеологияси. Ш. ва буржуа миллатчилигининг кўринишларидан бири буюк давлатчилик Ш. дир. Бунда давлатда етакчилик ролини ўйнаган миллат ўзини «олий» миллат деб ҳисоблайди. Буюк давлатчилик Ш. миллий ва кўп миллатли давлатларда ва колониал империяларда буржуа миллати вужудга келиш даврида пайдо бўлган. Ш. сиёсати бошқа миллат ва халқларни қул қилиш ва эксплуатация қилишга, уларни иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда камситишга қаратилган. Жумладан, чоризм мамлакатни «халқлар тюрмасы»га айлантирган эди. АҚШ да негр аҳолисининг аянчли аҳволи Ш. нинг яққол кўринишидир.

**ШОТИР** — жиловдор, жиловбардор; подшоларни отга миндириб, кузатиб қолувчи мулозим; Хивада хон сафарга чиққанда унга тантанали ва дабдабали тус бериш учун қаландарлар, удайчилар билан бирга тўртта махсус Ш. қизил тўн кийиб, қўнғироқли камар боғлаб, хон отининг жиловидан тутиб, иккита Ш. эса икки томонда узангини ушлаб борган. Саройда 10 та Ш. бўлган.

**ШОҲ** (форс.) — подшо; Яқин ва Ўрта Шарқда, Ҳиндистонда (Деҳли султонлигида) ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳукмдор унвони; Ш. нинг тўла унвони шоҳаншоҳ, шоҳлар шоҳи. Ш. унвони биринчи марта Соснийлар давлатида жорий қилинган.

**ШТАТ** (нем.) — давлат; АҚШ, Ҳиндистон, Латин Америкаси — (қ.)

нинг бир қатор давлатларида федерал давлатлар составига кирган, маълум даражада ўз-ўзини идора этувчи давлат-территориал бирлик.

**ШТАТГАЛЬТЕР** (нем.) — илгари Германияда область, провинция номи, ҳокими; Бургунлар, сўнгра Габсбурглар (қ.) династиясига мансуб бўлган ҳукмдорларнинг Нидерландия ва унинг айрим вилоятларидаги ноиблари (15—16-асрлар); 18-аср охиригача Голландия республикасида ижро этувчи ҳоқимият бошлиғи. Фашистлар Германиясида империя Ш.

**ШТРЕЙКБРЕХЕРЛАР** (нем.) — капиталистик корхона эгалари томонидан пролетариатнинг синфий ҳамкорлигини бузиш, стачкада қатнашган ёки иш ташлаган ишчилар ўрнига ишлатиш учун жалб этилган шахслар. Ш. лар эксплуататорларга қарши курашда ишчилар синфи манфаатларининг хоинлари, ўз синфидан ажралган онгсиз элементлардан танлаб олинган, ишчилар синфи революцион ҳаракатида бузғунчилик, хоинлик ва сотқинлик қилувчи унсурлар.

**ШУКУРЧИ** (форс.) — подшоҳ ёки бирон бошқа ҳукмдорнинг соябон тутувчи хизматкори.

**«ШУРОИ ИСЛОМ», «ИСЛОМ КЕНГАШИ**; (а.) — 1917 й. марти бошида Тошкентда жадидлар (қ.) лидери Мунаввар қори Абдурашидхон бошчилигида буржуа миллатчилари, феодал ва мусулмон руҳонийларининг вакилларидан ташкил топган контрреволюцион буржуа-миллатчилик ташкилоти; у амалда муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги вакили бўлиб, ҳоқимиятни ишчи ва солдат Советлари қўлига беришга қарши курашган. «Ш. и.» чилар Туркистоннинг буржуа Россияси составидаги миллий-диний автономиясини вужудга келтиришга эришмоқчи бўлдилар.

«Ш. и.» раҳбарлари «Қўқон мухтариёти» (қ.) ни ташкил этиш ҳамда уни бошқаришда фаол қатнашганлар. «Ш. и.» ни 1918 й. январида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тарқатиб юборган.

**«ШУРОИ УЛОМО»** (а.)— руҳонийлар кенгаши; Туркистонда олий мартабали руҳонийлар, маҳаллий феодал ва буржуазиянинг ашаддий реакцион қисмидан ташкил топган, 1917 й. июнида «Шўрои ислом» (қ.) дан ажралиб чиққан контрреволюцион, панисломистик ташкилот. «Ш. у.» Туркистонда патриархал-феодал тузумни сақлаб қолиш, Совет ҳокимияти ўрнатилишига йўл қўймаслик, барча мусулмонларни Туркия бошчилигида бирлаштириш учун курашдилар «Ш. у.» контрреволюцион «Қўқон автономияси» (қ.) ташкилотлари қаторида ва Советларга қарши курашда оқ гвардиячилар ва чет эл интервентлари билан иттифокда бўлди. «Ш. у.» 1918 йил ўрталарида тугатилди.

## Э

**ЭВАКУАЦИЯ** (лат.)—1 қўшинларни эгаллаб олинган территориялардан олиб чиқиш; 2 ярадорлар, касаллар, асирлар, шунингдек ҳарбий ва ҳар қандай бошқа қимматбаҳо буюмларни, ўлжаларни уруш бўлаётган территориядан олиб кетиш; 3 уруш ёки табиий офат вақтида хавф остида қолган райондан, шунингдек гидростанция ва йирик сув омбори қурилаётган территориядан аҳолини, корхона ва муассасаларни, моддий ва маданий бойликларни олиб чиқиш.

**ЭВПАТРИДЛАР** (грек.)— қадимги Афинада уруғ зодагонларининг намояндалари; катта ер эгалари; эр. ав. 7—6-асрлардаги кескин ижти-

мой кураш натижасида Э. нинг сий-сий мавқеи пасайган.

**ЭВРИДИНА** (грек.)— қадимги грек афсонасида шоир ва ашулачи Орфейнинг рафиқаси. Орфей унинг вафотидан сўнг ўз қўшиқларининг жозибаси билан ер ости подшосини уйғотиш ва Э. ни ер юзига қайтариш учун ер ости подшолигига жўнайди. Орфей у ердан Э. билан қайтаётганда ҳеч қачон қарамаслик ҳақидаги шартни бузгани учун Э. дан умрбод жудо бўлади.

**ЭГАЛИТАРИЗМ** (фр.)— тенглик; ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни тугатмасданок, асосан тақсимотда тенгликни ўрнатиш йўли билан умумий тенгликка эришиш мумкин деб ҳисобловчи майда буржуача утопик йўл-йўриқ. Э. тарафдорлари Ж. Ж. Руссо, якобинчилар, Г. Бабеф; Э. нинг ашаддийси «казарма коммунизми» учун характерли.

**ЭДИКТ** (лат.)— фармон; олий ҳокимият фармони, фармони олий.

**ЭДИЛ** (лат.)— қадимги Римда мансабдор шахс, трибуннинг (қ.) ёрдамчиси.

**ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ, ЭКСИЗ-ТЕНСИАЛИЗМ** (лат.)— кун кечирish; ҳозирги замон буржуа философияси ва адабиётдаги ашаддий реакцион идеалистик жаҳолатпарастлик шакли. Э. империализм идеологиясида жамоатчилик фикрини заҳарлашнинг энг разил воситаларидан бири бўлиб, фанга ишонишга путур етказишдан, ахлоқийликнинг беҳудалиги, революцион курашнинг самарасизлигига ишонтиришга уринишдан иборатдир.

**ЭКЗОГАМИЯ** (грек.)— никоҳ; муайян бир жамоа (уруғ, фратрия) ўз ичида бир-бирига уйланишни манътувчи одат. Э. ибтидоий жамоа тузуми даврида оилавий никоҳ муносабатларини тартибга солиш учун

вужудга келган. Э. нинг дастлабки шакли ўзаро никоҳли муносабат, муайян икки уруғ ёки фратриянинг (қ.) ўзаро боғланишидан иборат бўлган.

**ЭКОНОМИЗМ** — чор Россиясида 19-асрнинг 90-й. да рус социал-демократлари орасида пайдо бўлган халқаро оппортунистик оқим формаларидан бири. Э. ишчилар ҳаракатини фақат иқтисодий кураш (меҳнат шоронтларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва ҳоказолар) билан чеклашга ҳаракат қилдилар. Э. революцион назариянинг аҳамиятини пайтиришга, ишчилар синфи партиясининг раҳбарлик ролини инкор этишга ҳаракат қилдилар.

**ЭКСПАНСИЯ** — кенгайиш, тарқалиш; капиталистик давлатларнинг дипломатик, иқтисодий ва ҳарбий методлар билан бошқа мамлакатларда ўз таъсир доирасини кенгайтириш сиёсати.

Империалистик Э. янги территорияларни қўлга киритиш, ўз молларини пуллаш учун янги бозор, капитални жойлаштириш, хом ашё манбаларига эга бўлиш учун бошқа ҳақларни тутқунликка солиш мақсадини кўзда туттади.

**ЭКСПРОПРИАЦИЯ** (лат.)—1 жамиятдаги бир синф ёки табақанинг бошқа синф ёки табақа томонидан ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиниши; 2 революцион ташкилотларнинг эҳтиёжи учун қуролни ёки давлат муассасалари ва банкларини зўрлик билан босиб олиш; 3 ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиш.

**ЭКСТРЕМИЗМ** (фр.-лат.)—реакционерлар ва реформистлар томонидан прогрессив сиёсат арбобларига нисбатан кескин фикр ва қаттиқ тадбирларнинг қўлланилиши.

**ЭЛЛИН** (грек.)—грекларнинг энг қадимги номи.

**ЭЛЛИНИЗМ**—1 қадимги грек тилининг бошқа тилга кўчирилган хусусияти; 2 Шарқий Урта денгиз мамлакатлари тарихида эр.ав. 330—223 йй. даги давр (Мисрнинг Римга бўйсундирилиши). Александр саркардалари ўртасидаги кураш Салавлалар давлатининг парчаланиб кетишига олиб келди. Эр. ав. 2—1-асрларда бу давлатлар аста-секин Рим ҳокимиятига бўйсундирилди (эллинистик давлатлар); Э. грек маданияти жаҳонга кенг тарқалган ва унинг янада ривожланишига қадимги Шарқ халқлари салмоқли ҳисса қўшган давр.

**ЭЛЧИ ВАКИЛ** — дипломатик мартаба; II даражали дипломатик вакил.

**ЭЛЧИ** — дипломатик мартаба; халқаро ҳуқуқда қабул қилинган қондага кўра, I даражали дипломатик вакил.

**ЭЛЧИХОНА**—1 бирор давлат томонидан иккинчи давлатга ҳар иккала давлат учун муҳим бўлган масала юзасидан дипломатик музокаралар олиб бориш учун юборилган махсус вакил; 2 ҳар иккала давлат ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бир давлат томонидан иккинчи давлат территориясига дипломатик алоқани амалга ошириш учун элчи бошчилигида юборилган вакиллар ишлайдиган ва яшайдиган жой.

**ЭМБАРГО** (исп.)—бирор мамлакатдан турли товар, валютани чиқариш ёки олиб келишни ман этиш, шунингдек чет эл давлатларига қарашли кемалар, юк ва бошқа нарсаларни ушлаб қолиш. Уруш вақтида Э. душман мамлакатга нисбатан иқтисодий жазо чораси тариқасида қўлланилади. Тинчлик вақтида турли мамлакатларга иқтисодий ва молиявий тазйиқ кўрсатиш учун Э. давр фойдаланилади.



**ЭМИГРАНТ** (*лат.*)— муҳожир; сиёсий ёки иқтисодий сабабларга кўра ўз мамлакатидан бошқа мамлакатга кетган киши; муҳожирликдаги киши.

**ЭМИГРАЦИЯ** (*лат.*)— муҳожирлик; 1 сиёсий ёки бошқа сабабларга кўра мажбурий ёки ихтиёрий равишда ўз мамлакатидан бошқа мамлакатга кўчиб бориб яшаш; ҳозирги замон капиталистик жамиятида Э. асосан ишсизлик (масалан, 1978 й. да Фарбий Европа мамлакатларида 12 млн. чет эл ишчилари бор эди), иқтисодий қийинчилик, миллий камситиш, сиёсий қуввинлар туфайли юз бермоқда; 2 шундай кўчиб бориш натижасида узоқ вақт ёки доимо ўз ватанидан четда бўлиш.

**ЭНДОГАМИЯ** (*грек.*)— бошқа қабила, уруғ; ўз ижтимоий гуруҳидан бўлган аёлга уйланишни ман этувчи экзогамияга қарши ўлароқ, фақат ўз қабиласи, уруғи, ўз ижтимоий гуруҳига мансуб бўлган аёлга уйланиш одати.

**ЭОС** (*грек.*)— қадимги грек афсоналарида — тонг маъбудаси; қадимги римликлар афсонасида — Аврора; поэзияда — тонг.

**ЭРА** (*лат.*)— бирор йил ҳисоби бошланган вақт; эрамиздан аввалги Э.; янги Э.; христиан Э. си, мусулмон Э. си; Э. ҳақиқатан юз берган ёки афсонавий воқеадан бошланади; жумладан, қадимги грекларда биринчи олимпия ўйини (эр. ав. 776 й.)дан, латинларда Рим шаҳрига асос солинган йил деб тахмин этилган й. дан, христианларда афсонавий Исо туғилган деб тахмин этилган й. дан янги эра бошланади.

**ЭРКИН ШАҲАР** — ҳеч қандай давлат составига кирмаган ва махсус низом асосида бошқариладиган мустақил шаҳар-давлат. Германияда Э. ш. 14-асрдан бошлаб синьор (қ.)

ҳокимиятидан озод бўлиб, мустақил давлатга эга бўлган, деярли ҳамма ҳуқуқлардан (солиқ йиғиш, қўшини тўплаш, олий суд) фойдалана оладиган шаҳар. Бевосита императорга қарам бўлган бундай шаҳарлар ҳуқуқ жиҳатидан империя шаҳарларига яқин ҳисобланган. Пензей шаҳарлари — Любек, Гамбург, Бремен; каби амалда императордан мустақиллик олган шаҳарлар ҳам Э. ш. деб аталган. Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар иккинчи жаҳон урушидан сўнг Фарбий Германия реваншистларининг ифвогарлик уясига айланган Фарбий Берлин шаҳрини ҳам махсус низом билан бошқарилувчи Э. ш. га айлантириш йўлида кураш олиб борган эдилар.

**ЭРЦГЕРЦОГ** (*нем.*)— Габсбурглардан бўлган собиқ Австрия императори хонадонига мансуб бўлган кишинларнинг унвони (1453—1804).

**ЭСЕРЛАР** (социалист-революционерлар)— Россияда 1902 й. да марксизмга душман бўлган народник тўгарак ва группаларнинг бирлашиши натижасида вужудга келган майда буржуа партияси; революцион ҳаракат тобора ривожланаётган шароитда контрреволюцион партияга айланган. «Социал-революционерлар ўз синфий характери билан майда буржуазия ва деҳқонлар демократлари», деб кўрсатган эди В. И. Ленин. Э. лар меньшевик ва кадетлар билан бирга буржуа Муваққат ҳукуматининг асосий таянчига айланган. 1917 й. эзида Э. лар партиясидан «сўл» Э. лар фракцияси ажралиб чиққан ва ўша йилнинг декабрида мустақил партияга айланган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қилгач, Э. лар чет эл интервентлари билан бирга қуролли исёнлар уюштириш, партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларига террор уюш-

тириш йўли билан кураш олиб бордилар. Совет ҳокимяти Э. ларни тор-мор келтиргач, уларнинг қолдиқлари чет эл разведкасининг агентурасига айландилар.

**ЭСКВАЙР** (*ингл.*)—1 ўрта асрларда Англияда қуролбардор; сўнроқ дворянлик унвони; 2 Англияда помешчик фамилиясига қўшиб айтиладиган сўз; 3 «джентльмен» маъносига ҳам ишлатилади.

**ЭСКУЛАП** (*лат.-грек.*)—қадимги Рим мифологиясида шифо бахш этувчи худо. Грекларда Асклепию. Эр. ав. 3-асрдан бошлаб Грецияда ҳам шу худога сифиниладиган бўлган.

**ЭТНОГРАФИЯ** (*грек.*)—1 халқшунослик фани; халқлар составини, келиб чиқиши ва тарқалишини, турмуш ва урф-одатларини, уларнинг моддий ва маънавий маданиятини, маданий-тарихий алоқаларини ўрганадиган фан; 2 у ёки бу халқнинг маданияти ва урф-одатларига хос хусусиятлар.

**ЭХО** (*грек.*)—акс садо; қадимги грек афсонасида—Нимфа (табиатнинг турли-туман кучларини ифода этувчи иккинчи даражали худо) ўзининг Нарцисга (ўз аксини сувда кўрганча ўзига ошиқ бўлиб, узоқ вақт тикилгани учун қуриб қолган бўлса-да, лекин ўз номи билан аталган гулга айланган мислсиз гўзал йиғитга) нисбатан умидсиз муҳаббатидан ҳазонга айланиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолса ҳам, ҳамон ўз овозини сақлаб, бошқаларнинг айтган сўзини такролашга маҳкум этилган.

**ЭФОРЛАР** (*грек.*)—қадимги Грецияда (Спартада) ҳар йили сайланадиган беш кишидан иборат коллегия. Эр. ав. 4-асрда олигархия (қ.) группировкаси бошчилиқ қилган Э. қулдорлик Спарта давлатида раҳбарлик долини ўйнаган.

**ЭШАФОТ** (*фр.*)—дор ости жаллод кундаси.

**ЭШИК ОҒАСИ**—1 шоҳ, султон каби ҳукмдорларнинг саройларида эшик саркори; 2 Хива хонлигида сарой мулозими; ойболта ва пичоқ, кейинроқ тўппонча билан қуролланиб, сарой дарбозаларини қўриқловчи; ҳарбий юришлар вақтида хонни қўриқлаб борувчи.

**ЭШОН**—мусулмонларнинг тариқат деб аталган мазҳаби бошлиқлари; авом халқ Э. ларни каромат кўрсатадиган авлиёлар деб фараз қилиб, уларга сиғинган.

## Ю

**ЮДОФОБЛИК** (*лат.*)—яхудийларга нафрат билан қараш; антисемитизм (қ.).

**ЮЗ БОШИ**.—ҳарбий унвон; 1 қадим вақтларда, ўрта асрларда ўрта Осиёда юз нафар аскар бошлиғи; 2 чор Россиясида казак қўшинларида «сотник» деб аталган офицерлик мансаби, «сотник» мансаби мунтазам қўшиндаги поручик мансабига тенг.

**«ЮЗ КҮН»**—Эльба оролидаги сургундан қочган Наполеон I томонидан Франциянинг иккинчи марта идора қилиниши (1815 й. 20 март—22 июнь). Ватерлоода мағлубиятга учраган (18 июнь) Наполеон I 22 июнда яна тахтдан воз кечишга мажбур бўлган. «Юз кун» дан сўнг у Муқаддас Елена оролига сургун қилинган (1815—1821).

**«ЮЛДУЗ ПАЛАТАСИ»**—15—17-асрларда Англияда таъсис этилган олий суд. «Ю. п.» король саройидаги юлдузлар билан безатилган мажлислар зали номи билан боғлиқдир. 1487 й. да король Генрих VII томонидан таъсис этилган. «Ю. п.» исёнкор феодалларга қарши махфий кенгаш бўлиб, Елизавета I замонидаёқ

олий суд, сиёсий ишлар бўйича трибуналга айланган. Биринчи Стюартлар даврида «Ю. п.» мамлакатнинг диний ва сиёсий ҳаётини назорат остига олган. «Ю. п.» феодал-абсолют тузуми ва англикан черкови (қ.) нинг душманларига қарши шафқатсиз кураш олиб борар, бениҳоя катта жарималар ундирар, ваҳшиёна жазолар берарди.

**ЮЛИЙ КАЛЕНДАРИ** (эски стиль)— эр. ав. 65-й. да Гай Юлий Цезарь жорий қилган календарь системаси. Ю. к. да йилнинг ўртача узунлиги 365,25 кеча-кундузга (365 кеча-кундуз, 5 соат, 48 мин., 46 сек.) тенг.

Ю. к. даги ортиқча миқдор ҳар 4 йилда бир қабиса йил киритилиб, ҳисобга олинади (ҳозирги календарда 29 февраль). Ю. к. 1582 йилдан бошлаб янги стиль — Григорий календарини билан алмаштирилган. Ю. к. Григорий календарига нисбатан дастлаб 10 кун, ҳар аср ўтиши билан яна бир кун ортиқ бўлган календарь. Эски ва янги стиль орасидаги фарқ 18-асрда 11 сутка, 19-асрда 12 ва 20-асрда 13 суткага тенг.

**ЮНГ ПЛАНИ** — Германиядан репарация (қ.) ундириш тартиби ҳақида Дауэс плани (қ.) ўрнига америка банкири О. Юнг томонидан тузилган (1929—1930) план. Ю. п. га кўра, Германиянинг иттифоқчиларга тўлаётган репарация (қ.) си миқдори ўртача 2 млрд. марка камайтирилади, sanoатдан ундириладиган репарацион солиқ, транспортдан олинадиган тўлов бекор қилинади, ажнабий контрол органлари тугатилиши кўзда тутилади ва Германиядан ундириладиган репарациянинг муддати 59 йилга чўзилади. Бу план асосида иттифоқчиларнинг қўшиллари муддатидан олдин Рейн областини ташлаб чиқадилар. Ю. п. фақат 1931 йил июль ойигача амалда бўлди.

**ЮНКЕР** (нем.)— ёш дворянин; 1 феодал Пруссиясида катта ер эгаси, дворян, помешчик; Германияда дворянлар табақасидан бўлган катта ер эгаси. 2 чор Россиясида офицерлар тайёрловчи ҳарбий ёки юнкерлар билан юртида тарбияланувчи; кавалерия ва гвардия подпрапорщиклар мактаби. 3 дворянларда — қўйи мансабдор; оддий жангчи ёки унтер-офицер.

**ЮНКЕРЛАР, ЮНКЕРЛИК** — Пруссия ва Германияда катта ер эгалари, помешчиклар; Ю. лар ашаддий реакция, шовинизм ва империализмнинг таянчларидан бири. Ю. лар Германияда фашистларнинг ҳокимият тепасига келишига ёрдам қилганлар. Германия Демократик Республикасида Ю. лар синф сифатида тугатилди.

**ЮНЕСКО** (ингл.)— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (қ.) маориф, фан ва маданият билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган халқаро муассасаси. Ю. 1946 й. да тузилган бўлиб, давлатлар ўртасида маориф, фан ва маданият бўйича ҳамкорлик қилиш йўли билан тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Ю. фаолияти саводсизликни тугатиш, миллий кадрлар тайёрлашга ёрдамлашиш, миллий маданиятларни ўрганиш, океанология, геология проблемалари, ахборот ва бошқаларни ўзичига олади. 1979 й. 1 январигача 146 давлатни ўз ичига олган (шумладан, СССР). Ю. ташаббуси билан жаҳон аҳамиятига молик бўлган юбилейлар ўтказилади.

**ЮРЬЕВ КУНИ** (эски йил ҳисоби билан 26 ноябрь)— Россияда 14—16-асрларда Авлиё Георгий хотираси учун кўзда ўтказиладиган диний байрам кунидан олдин ва кейин бир ҳафта давомида крепостной деҳқонлар бир феодал қўлидан иккинчиси—

га ўтиш ҳуқуқидан фойдаланадиган кун. Крепостной ҳуқуқ янада ривожланиши натижасида 16-аср охирида Ю. кунларида ҳам деҳқонлар феодал қўлидан кетиб қолиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

**ЮРТ** (*турк.*)— мулк, яшайдиган ер, ўлка, мамлакат, ватан. 14-асрнинг иккинчи ярмида Ю. қабила мол боқадиган территория маъносида, 14-асрнинг охири ва 15-аср бошларида Ю. хоннинг қароргоҳи жойлашган ер. Кейинроқ даврга онд манбаларда Ю. уй, яшаш жойи маъносида учрайди. Рус манбаларида Ю. мўғул империяси ва Олтин Урда қулагандан сўнг вужудга келган давлатларнинг территорияси маъносида ишлатилади (Сибирь Ю., Қрим Ю. ва бошқ.).

**ЮРЧИ** — мўғул амалдорлари. Булар ёзув-чизув ишларини олиб борар, жаҳонгиннинг ёрлиқларини тарқатар, ҳар хил маълумотлар ва баъзан махсус айғоқчилар орқали разведка ишларини ҳам олиб борар эдилар.

**ЮРЧИ** — Бухоро амирлигида амир ўтадиган кўчаларни тозалашни уюштирувчи мансабдор.

## Я

**ЯГОНА ФРОНТ** (ягона ишчилар fronti)— империализм ва реакцияга қарши, тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун курашда ишчи синфи кучларининг маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда бирлашуви.

Пролетариат синфий манфаатларининг умумийлиги Я. ф. негизини ташкил этади. Я. ф. нинг асосий принциплари В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган, улар Коминтерн конгрессларининг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ишчилар

синфининг революцион марксистик партияси Я. ф. нинг энг изчил кучи бўлиб, у иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) ва урушдан сўнги даврда демократик, антифашист кучлар иттифоқини таъминлади. Я. ф. Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида халқ-демократик ва социалистик революциялар ғалабасини таъминлади; Я. ф. нинг тактикаси халқаро ташкилотларни (касаба союзларининг жаҳон федерацияси ва бошқалар) тузишда, тинчлик тарафдорлари ҳаракатини кенгайтиришда ўз ифодасини топди.

**ЯКОБИНЧИЛАР**—18-аср охиридаги француз революцияси даврида буржуазиянинг энг революцион демократик партияси. Я. лар халқ оммасининг монархияга ва феодал тузумга қарши курашига раҳбарлик қилганлар. Я. лар 1793 й. июнида ўз диктатурасини ўрнатганлар, королнинг қатл этилишига эришганлар. Я. лар диктатураси революцион-демократик буржуазия ва деҳқонлар манфаатини акс эттириб, феодал монархия тартибини тугатиш ва Францияда капитализмни ривожлантириш учун зарур тадбирларни амалга оширган. Я. лар диктатураси 1794 й. 27 июлда йирик буржуазия томонидан уюштирилган контрреволюцион термидор тўнтариши натижасида ағдариб ташланди. Я. ларнинг доҳийлари—М. Робспьер, Ж. П. Марат, Сен-Жюст, Ж. Ж. Дантон ва бошқалар қатл этилди.

**ЯК СИРА**— Бухоро амирлигида иш ҳайвонлари бошидан олинадиган қўш пулидан ташқари, ҳар бир от ва хачир бошидан бир ботмон—8—12 пуд буғдой қимматида олинадиган солиқ.

**ЯККА ҲОКИМИЯТЧИЛИК** — монархия; ҳокимиятнинг фақат бир киши қўлида бўлиши; мустабиллик.

**ЯЛПИ УРУШ** — империалистик уруш тури. Я. у. назарияси дастлаб 1935 й. да немис генерали Э. Людендорф томонидан яратилган ва немис-фашист ҳарбий доктринасига асос бўлган. Я. у. да давлат ва халқ ҳаёти батамом уруш манфаатларига бўйсундирилади ва душман тарафининг фақат қўшинигина эмас, балки мамлакат аҳолисини ҳам қириб ташлаш учун шафқатсиз воситалар ишга солинади. Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) да шу машҳум назария амалга оширилиши неча миллионлаб гуноҳсиз аҳолининг ёстигини қуритди.

**ЯНВАРЬ КАЛЕНДАРЬ СТИЛИ**—1 январдан бошланадиган йил календарь стили; биринчи марта қадимги Римда эр. ав. 153 й. да жорий қилиниб, 46 й. да Юлий Цезарь фармони билан расмийлаштирилган. Я. календарь Польшада 1364 й. да, Испанияда ва Францияда 1563 й. да, Англияда 1752 й. да жорий этилган, Россияда эса Пётр I фармони билан 1700 й. да расмийлаштирилган.

**ЯНКИ** (*ингл.*)— сурбет, корчалон, бедиянат, касофат; мустақиллик учун кураш даврида (1775—1783) инглиз солдатлари томонидан исён қўтарганларга нисбатан ишлатилган ҳақоратли сўз. Америкада граждон уруши даврида (1861—1865) жанубликлар шимолликларни шу ном билан атаганлар. Кейинроқ Я. лақаби барча америкаликларга нисбатан қўлланиладиган бўлди. АҚШнинг агрессив сиёсати «янки империализми» деб аталади.

**ЯНСЕНИЗМ** — бу оқимга асос солган К. Янсен исми билан боғланган; 17—18-асрларда Европа буржуазиясининг бир қисми орасида ёйилган диний оқим. Я. кальвинизмга (қ.) бирмунча ён бериш билан католицизмни (қ.) янгилаш йўлида-

ги уриниш. Я. незнутларга (қ) қарши чиққан.

**ЯНУС** (*лат.*)— қадимги Римда эшиклар, кириш-чиқиш худоси; ҳар қандай ҳаракатнинг бошланиши. Я. қарама-қарши томонга қараб турувчи икки юзли одам қиёфасида тасвирланган. Йилнинг биринчи ойи — январь шу тангри номидан келиб чиққан.

**ЯНЧАРЛАР** (*турк.*)— Туркияда 14-асрда султон Мурад I томонидан ташкил этилган ёлланган қўшин. Я. лар сипоҳилар билан бирга турк феодал қўшинининг асосини ташкил қилган. Я. лар султоннинг қули ҳисобланиб, казармаларда яшаган, уйланиш ва хўжалик билан шуғулланишлари ман этилган, улар дарвишларнинг (қ.) бектоший жамоаси билан яқин муносабатда бўлганлар. Я. лар босқинчилик ва таловчилик урушларида қатнашишдан ташқари, итоат эттирилган мамлакат шаҳар ва қалъаларида гарнизон хизматини ўтаганлар. 17-аср бошларида Я. ларнинг аҳамияти пасайган ва реакцион феодаллар билан сарой фитналарида қатнашганлар. 1826 й. да Я. лар корпуси тугатилган.

**ЯРИМ МУСТАМЛАКАЛАР** — империализм мустамлакачилик системаси емирилганидан сўнг расман мустақил, лекин иқтисодий қолоқ ва чет эл капитали томонидан назорат қилинадиган, ички ва ташқи сиёсати империалистик давлатлар таъсири остида бўлган мамлакатлар.

**ЯСА** — қ. Чингизхон Ясаи.

**ЯСОВУЛ** (*мўғ.*)— дзасаул; Яса (қ.) кўрсатмаларини бажарувчи; 1 ўрта асрларда Мўғулистон, Қашқар, Қозоғистон, Кавказ, Қрим, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда подшоҳ ёки хон саройидаги кичик мансабдор, ҳукмдорнинг шахсий хизматкори. 2 Бухоро амирлигида қушбеги ҳузурин-

да турли топшириқларни бажарувчи мансабдор; 3 украин казакларида дастлабки ҳарбий унвои, 1576 й. дан бошлаб ҳарбий мансаб. 1777 й. да ясовул мансаби обер-офицер унвоига тенглаштирилган. 1798—1800 йй. да кавалерия (отлиқ аскар) рот-мистри даражасига тенглаштирилган; 1917 й. да Я. унвои тамомила тугатилди.

**ЯСОҚ** (турк.)— умуман мўғул империяси, хусусан Олтин Урда давлати томонидан итоат эттирилган халқлардан, кейинчалик Москва давлати ва чор Россияси томонидан Волга бўйи, Сибирь ва Узоқ Шарқ халқларидан натура билан ундириладиган солиқ.

**«ЯСТРЕБЛАР» — «ҚИРҒИЙЛАР»**— халқро проблемаларни қуролли ва ҳарбий таҳлика усули билан ҳал этишни очикдан-очик тарғиб этувчи ашаддий империалистик сиёсатдонлар, генераллар матбуотда «ястреблар»—«қирғийлар» номи билан аталадилар.

**«Я» лар** йирик ҳарбий саноат монополиялари билан мустаҳкам боғланган бўлиб, сиёсий соҳада бевосита уларнинг малайлари ҳисобланади. Улар «социализмни улоқтириб ташлаш», миллий озодлик ҳаракатини бостириш, халқро кескинликни кучайтиришни очикдан-очик тарғиб этадилар.

**ЯССАВИЙЛИК** — ислом динида 12-асрда Аҳмад Яссавий асос солган сўфизм-гасаввуфдан иборат диний-мистик оқим бўлиб, Урта Осиё ва Эронда кенг тарқалган.

Яссавийнинг реакцион феодал-клерикал гуруҳлар дунёқарашини ифодаловчи «Девони ҳикмат» ида унинг мистик характердаги дунёқарашлари баён этилган. Бошқа мистик оқимлар каби Я. ҳам тарки дунёқилиш, муҳтожликда яшашга қўни-

киш, итоаткор бўлишга чақиради. Я. инсон ўзининг бутун ҳаётини худого, илоҳий ишққа бағишлаши лозим деб ҳисоблайди. Я. жаҳолатни тарғиб қилгани ҳолда маданият ва маърифатнинг ривожига фов бўлади. Я.нинг атоқли ташвиқотчиларидан бири Сулаймон Боқирғонийдир. 15-асрдан бошлаб Я. эски моҳиятини йўқота боради, эндиликда деярли тугаб кетган. Яна қаралсин:— Сўфизм.

**«ЯШИРИН КОМИТЕТ»—«НЕГЛАСНЫЙ КОМИТЕТ»**— Россия императори Александр I ҳузурида ташкил этилган ғайрирасмий кенгаш органи. «Я. к.» га императорнинг «ёш дўстлари»—аслзодалар: князь А. Чарторижский, П. А. Строганов, Н. Н. Новосельцев, В. П. Кочубей киритилган. Айрим давлат ислоҳотлари ўтказилиши кўзда тутилган бўлса-да, лекин «Я. к.» эски коллегиялар (қ.) ўрнига министрликлар тузиш билан (1802) чекланган.

## У

**УЛЖА** — урушда мағлуб бўлган душманнинг ғолиблар томонидан қўлга киритиладиган қурол-яроғлари, жанговар техникаси ва ҳарбий асбоб-ускуналари. Урта асрларда ва капитализм даврида уруш олиб борилган ёки босиб олинган юртни талаб қўлга туширилган бойликлар ҳам У. деб аталган.

**УЛКАШУНОСЛИК** — ўлка, шаҳар ёки қишлоқнинг табиати, тарихи, хўжалиги ва маданиятини ўрганиш.

**УЛПОН** — ер солиғи; Урта Осиё Россия империяси составига киритилгандан сўнг жорий этилиб, экин майдони ва олинадиган ҳосилнинг миқдорига қараб йилга бир марта ундириладиган ер солиғи.

**УЛПОНЧИ** — ер солиғини йиғувчи мансабдор.

**УНБОШИ** — Ўрта Осиёда Амир Темур қўшинида ва ундан сўнг барча ўзбек хонликларида қичик ҳарбий бўлинма бошлиғи; ўнбоши.

**УН ИККИ ИМОМ** — ислом динининг шналик йўналишидаги асосий оқими; имомийлар ўртасида эътиқод қилинадиган имомлар сулоласи. Халифа Али билан унинг хотини Фотима (Муҳаммаднинг қизи)дан тарқалган авлодлар: Али, Ҳасан, Ҳусайн, Заин Алобиддин Али, Муҳаммад ал-Бакир, Жаъфар ас-Содиқ, Муса ал-Козим, Али ар-Ризо, Муҳаммад Жавод ат-Тақий, Али ал-Нақий, Ҳасан ал-Асқарий, Муҳаммад ал-Маҳдий (874—878 йй. орасида йўқолган). 12-имом Маҳдий яшириниб қолган деб ҳисоблайдилар ва унинг қайтиб келишига умид боғлайдилар.

**«УНТА ДИНИЙ НАСИҲАТ» («ДЕСЯТЬ ЗАПОВОДЕЙ»)**—19-асрнинг 40-йй. да петрашевчилардан бўлган П. Н. Филиппович 1849 й. мартда ёзган агитацион адабий ёдгорлик. Инжилдаги насиҳатлар шаклида ёзилган бу асарда крепостнойлик тартиботнинг диний ахлоққа хилофлиги уқтирилган. «У. д. н.» да помещикларнинг деҳқонларни эксплуатация қилиши, халқларни ранжитувчи ва ҳақоратловчи «бошлиқлар ва хўжайинлар», халқ томонини олмаган подшо қораланади. Бу асарда феодал зулмга қарши деҳқон қўзғолонлари халқни помещиклардан ҳимоя қиладиган куч сифатида тасвирланади.

**«УТТИЗ МИНГЧИЛАР»**—1955 й. 25 мартда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Колхозларни раҳбар кадрлар билан янада мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида» қарор ва мурожаат қабул қилди. Партия ва ҳукуматнинг чақирғига жавобан, кўп минглаб кишилар ўзларини қишлоқ хўжалик иши-

га юборишларини сўраб ариза бердилар. Улардан 30 минг малакали ва тажрибали киши танлаб олиниб, колхозларнинг раҳбарлик ишларига юборилди. «У. м.» ларнинг ватанпарварлик фаолиятлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришга муайян ҳисса қўшди.

**«УТТИЗ ТИРАН»**— эр. ав. 404-йй. да қадимги Грециянинг Афина шаҳрида 30 кишилик комиссиядан ташкил топган олигархия ҳукуматининг номи; «У. т.» Пелопонес урушида (эр. ав. 431—404-йй.) афиналикларнинг мағлубиятидан сўнг спарталикларнинг ёрдами билан ўрнатилган. Бу ҳукумат демократларни таъқиб этар, кишиларни террор ва қатл қиларди. «У. т.» ҳукумати Афинада қўлдорлик демократияси тарафдорлари томонидан эр. ав. 403-йй. да тугатилган.

**УҒЛОН** (муғ.)— тахт ворисч. шаҳзода, валиаҳд.

## Қ

**ҚАЛАНДАРЛИК** — дарвишлик, тарки дунё қилган одам, узлатга чекинган киши; тасаввуф (сўфизм) йўлига кириб, дарбадарлик, гадалик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи техник ўр кишилар фаолияти. Қ. таълимотининг асосини зикр (қ.) тушиш орқали худо билан «яқинлашиш» ва ҳатто у билан «қўшилиб кетиш» мумкин деган реакция идея ташкил қилади. Қ. нақшбандийлик (қ.), ясавийлик (қ.), қубровийлик каби жамоа-сулуктага бирлашганлар. Қ. Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам бор. Октябрь революциясидан олдин Қ. ҳозирги Совет Шарқи республикалари аҳолиси ўртасида ҳам бўлган.

**ҚАЛАНДАРХОНА** — қаландарлар яшайдиган кулба.

**ҚАЛИН** (*турк.*) — қаллиқни буюм, пул ва мол эвазига сотиб олиш. Қ. олиш келиннинг бўлажак эри уйига олиб келадиган сепи, асбоб-анжоми, мол-мулки билан ҳам боғлиқ. Туркий ва бошқа бир қанча халқларда куёв томонидан келиннинг ота-оналарига пул, чорва моллари ва бошқа нарсалар билан тўланадиган ҳақ. Қ. уруғ-қабилачилик муносабатлари темираётган, аёлларнинг роли ва обрў-эътибори пасайган, аста-секин эркакка тўла қарам бўлиб, унинг мулкига айланган, шунинг учун сотиб олинадиган — сотиладиган буюм бўлиб қолган шароитда келиб чиққан. Қ. ни шарият (қ.) эътироф этган. Бизнинг давримизда Қ. ўтмишнинг сарқити сифатида учрайди ва бизнинг мамлакатимизда социалистик жамият қонун ва ахлоқ нормаларининг бузилиши, аёлларни камситиш деб қаралади.

**ҚАЛЪА, ҚАСР** — сарой, қўрғон; мудофаа мақсадида қурилган, стратегик жиҳатдан қулай ва мустаҳкам таянч пункти. Қ. нинг дастлабки оддийси ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлиб, унинг атрофи пахса ва тош девор билан ўралган бўлган. Қулдорлик тузуми даврида Қ. лар мустаҳкам деворлар, айланма ва квадрат шаклидаги миноралар билан қуршаб олинган. Қ. илк феодализм даврида, феодалнинг ўзини рақиблар ва «ўз» деҳқонларидан ҳимоя қилиш учун қурдирган қасри ва турар жойи. Дастлабки вақтларда қасрларда мудофаа иншоотлари турар жойга нисбатан асосий ўринни эгаллаган, 5—9-асрларда Урта Осиёдаги феодал қасрларининг атрофида миноралар бўлган, кунгурали баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинган. Ут очувчи қурооларнинг пайдо бўлиши ва абсолют монархия (ҳокими мутлақ) тузуми вужудга келиши билан

қасрлар меъморлик ва архитектура намуналари сифатида сақланиб қолади. Ўзбекистонда Тешик Қалъа (5—9-асрлар), Украинада **Осторога шаҳри**даги қаср (14—16-асрлар), Грузияда Анаури (16—17-асрлар), Францияда Пьерфон (14-аср), Испанияда Кока Гентда Фландр графлари қасри ва бошқа кўпгина қасрлар айниқса машҳур обидалар жумласидандир.

**ҚАЛҚОН** — мудофаа қуроли. Жангчи танасини тигли қуроолар зарбасидан сақлаш учун зарур бўлган мослама. Қ. дастлаб ёғоч, тўқилган чивик, тери, кейинроқ металлдан (дастлаб бронза, сўнгроқ темирдан) юмалоқ, учбурчак, тўртбурчак, тухумсимон ва бошқа шаклларда ясалган. Утсочар қуроолар вужудга келгач, Қ. ўз аҳамиятини йўқотди.

**ҚАМАРИЯ** (*а.*) — Ой йилининг эски номи.

**ҚАРОРГОҲ** — саркарда (ҳарбий бошлиқ)нинг жанг пайтидаги сафар чодир номи; ҳукумат идораси, давлат бошлиғи ёки олий маъмурий лавозимдаги шахснинг турар жойи.

**«КАТАҒОН ЙИЛЛАР»** («Заповедные лета») — 1550 й. да Иван IV чиқарган қонуннома асосида деҳқонларнинг бир ердан бошқа бир ерга кетиш муддати, яъни 26 ноябрь — Юрий кунни белгилаб берилган эди. Крепостной деҳқонлар Юрий кунигача бир ҳафта ва ундан кейин бир ҳафта давомида (эски йил ҳисобида 19 ноябрь билан 2 декабрь ўртасида) бир феодал ихтиёридан иккинчисига ўта олар эдилар. «Қ. й.» биринчи марта 1581 й. да подшо Иван IV томонидан жорий этилган. 1592—1593 йй. да Фёдор Иванович имзолаган фармон асосида «Қ. й.» умумдавлат миқёсида жорий қилинган.

**ҚАШШОҚЛИҚ ОРДЕНЛАРИ-ЖАМОАЛАРИ** — 13-асрнинг бирин-



чи ярмида папаликнинг қўмағи билан ташкил топган католик монахлик жамоаси. Қ. о. ж. тузишдан қашшоқликни тарғиб этиш ва ўз аъзоларининг тақводорликда намуна бўлиши билан халқнинг ишончига сазовор бўлиш, шў йўл билан тез тарқалаётган бидъат (ересь)нинг олдини олиш кўзда тутилган. Қ. о. ж. монахларнинг низом — номларига кўра, хусусий мулкка эга бўла олмас, хайр-эҳсонлар ҳисобидан овқатланишлари лозим эди. Қ. о. ж. ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, 1964 йилги ҳисобга кўра, 9133 кишини ўз ичига олган. (Францис муридлари, авлиё Доминик муридлари, Августин муридлари, «Мария хизматкорлари» ва бошқ.)

**ҚИБЛА** (а.) — мусулмонлар ибодат вақтида сажда қиладиган томон (Макка шаҳридаги каъба — Байтуллоҳ). Масжидларда меҳроб Қ. томонга ишланади.

**ҚИЗИЛ ГВАРДИЯ** — пролетариатнинг биринчи марта 1905—1907 йй. революцияси даврида, кейинроқ, 1917 й. мартдан, чоризм ағдарилгандан сўнг ташкил топган жанговар дружинаси ва қуролиди отряди. Большевиклар раҳбарлигида Қ. г. отрядлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси даврида катта роль ўйнади, 1918 йилда эса янги ташкил этилган Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясининг асоси бўлиб хизмат қилди.

**ҚИЕТ** — ўзбек қабилаларидан бири.

**ҚИЛИЧБАРДОР, ҚИЛИЧДОР, ШАМШИРДОР** — ўрта асрларда қиличдор жангчи; Балтика бўйини босиб олиш ва ундан сўнг Шарққа хужум қилиш учун Рим папаси Иннокентий III ташаббуси билан 1202 й. да ташкил этилган немис қиличдорлар диний-рицарлик орденининг аъзоси. Рицарларнинг оқ чакмонларида крест тамғали қизил қилич тасвири

бўлганлиги учун Қ. деб аталган. Қиличдорлар феодал-католик агрессиясини шафқатсизлик билан амалга оширар эдилар. 1237 й. да литваликлар ва земгаллар томонидан тор-мор қилингандан кейин Қ. қолдиқлари Тевтон орденига қўшилиб, Ливон орденини ташкил этади.

**ҚИСҚА ПАРЛАМЕНТ** — 17-асрда инглиз буржуа революцияси арафасида бир ойдан ҳам камроқ вақт мажлис қилган Англия парламенти (1640—1653 йй. да) давомли парламентнинг нисбати тариқасида Қ. п. деб аталган.

**ҚОЗИ** (а.) — ижрочи, амалга оширувчи; шариат (қ.) да судья вази-фасини бажарувчи; мусулмон мамлакатларида, шу жумладан, ўзбек хонликларида шариат асосида ҳукм чиқариш ва ижро этиш ишларига таъинланган мансабдор. Ўзбек хонликларида шариат нормаларининг амалда бажарилишини назорат қилиб турувчи махсус қози — қози ранс бўлган. Октябрь революциясидан сўнг Қ. лар совет суди назорати остида ишлаган. 1928 й. 18 февралда Қ. лик тартиби тугатилган.

**ҚОЗИ КАЛОН** — энг юқори даражадаги қози; у хонлик ёки амирликда ҳамма Қ. лар устидан назорат қилган.

**ҚОЗИ УЛ-ҚУЗЗАТ** — Қози калоннинг ўринбосари ҳисобланган.

**ҚОЗИХОНА** — қози томонидан судлов ишларини амалга оширган маҳкама. Масжид, қозининг ўз уйи, бозор қунари бозор қозихона вази-фасини бажарган.

**«ҚОНЛИ ЯКШАНБА»** — 1905 й. 9 январь якшанбада подшо Николай II номига Петербург ишчилари томонидан ёзилган петиция (қ.) ни топшириш учун Қишки саройга борган тинч намойишчилар оммавий равишда отилган кун. Намойиш

«Санкт-Петербург фабрика-завод ишчиларининг ййғини» деб аталган монархик ташкилот томонидан тайёрланган эди (поп Гапон бошчилигида). Ичида болалар ва қариялар ҳам бўлган намоёиш қўшин ва полиция томонидан ўққа тутилди. 4600 киши ўлди ва ярадор бўлди. Тинч намоёишчи ишчиларнинг отилишидан норози бўлган ишчилар синфи бутун Россияни қуршаб олган стачкаларни бошлаб юбордики, бу 1905—1907 йй. рус буржуа-демократик революциясининг бошланишига олиб келди.

**ҚОРА ГУРУҲЧИЛАР** (черносо-тенцы)— чор Россиясида «қора гуруҳчи» («черная сотня») деб аталган, подшо ҳукумати томонидан революцион ҳаракатларга қарши кураш мақсадида 1905—1907 йй. ларда тузилган реакция-монархистик погромчи ташкилотлар; «Михаил Архангель иттифоқи», «Рус халқи иттифоқи»нинг иштирокчилари. Қ. г. лар монархистик намоёишлар уюштирар, яҳудийларни қиргин қилар, революцион ишчилар, студентлар, тараққийпарвар арбоблар билан ўчакишар ва уларни калтаклашни уюштирар эдилар. Қ. г. лар погромчилиги Столипин реакцияси йй. да (1908—1912) кенг авж олди.

**ҚОРАҚУЙНАҚЛИЛАР** —20-аср 20-йилларининг бошларида Италияда фашистик погромчи отрядларнинг қатнашчилари; кейинроқ фашистлар, Муссолинининг ҳамтовоқлари. Италия фашистлари қора кўйлақда юрганликлари учун улар шундай ном олганлар.

**«ҚОРА РАДА»**— чап қиргоқ Украинада гетман (қ.) сайлаш учун 1663 й. да Нежинда тўпланган рада (қ.). Бунда деҳқонлар ва шаҳар қуйи табақа аҳолиси—«қора халқ» (авом) қатнашгани учун «Қ. р.» деб аталган. «Қ. р.» да солиқларни чек-

лаш ва казак старшинасининг ерини тортиб олиш ҳақида ёлғон ваъдалар берган Иван Брюховецкий гетман қилиб сайланган.

**ҚОРАХОНИЙЛАР** — 10-асрда турк қабилалари Ўрта Осиёга ҳужум қилиб, Сирдарё билан Амударё ўртасидаги ерларни ишғол қилган вақтда Самарқандда туриб қолган турклар сулоласининг номи. Қ. лар авлоди ҳукм сурган даврда Мовароуннаҳрда маданий инқироз ва хонлар зулмининг кучайиши натижасида халқ қўзғолонлари тез-тез рўй бериб турарди.

**ҚОСИМОВЛАР ПОДШОЛИГИ**— ҳозирги Рязань областининг шимолишарқий қисмида— Ока водийсида рус давлатидаги хизматлари эвазига татар хонлари учун Москва князлари томонидан ташкил этилган вилоят князлиги пойтахти— Қосимов шаҳри. Қ. п. Москванинг вассали (қ.) ҳисобланган ва Қозон хонлигига қарши курашда унинг қуроли бўлиб хизмат қилган. 17-асрда қосимовчи султонлар христианликни қабул қилганлар. Москва князи Василий II Тёмный Қозон шаҳзадаси Қосимга «подшо» унвонини берган. Қ. п. да «подшо» ва «шаҳзодалар» Русь фуқаролигига ўтган татарлардан Москва князи томонидан тайинланган. «Подшолар»дан баъзилари айниқса Қозонга қарши кураш даврида муҳим роль ўйнаганлар. «Подшо» шоҳ Али бир неча марта Москва томонидан Қозон тахтига ўтказилган ва унга қарши юришларда қатнашган. Иван IV Грозний Қ. лардан бири бўлган Семён Бекбулатовични «Бутун Россия подшоси ва улуг князь» деб эълон қилган. Қозон хонлиги итоат этирилгач (1552), Қ. п. нинг аҳамияти йўқолган. «Подшо» ва «шаҳзодалар» Русь подшолиги хизматидаги ер эгаларига айланиб қолган-

лар ва Қ. п. 1681 й. да расман тугатилган.

**ҚУЛ** — 1 ўз хўжайини — қулдорнинг хусусий мулки бўлиб қолган киши; қул қонун олдига ўз эгасининг буюми, қулдор уни сотиши, сотиб олиши, ҳатто ўлдириб юбориши мумкин бўлган; 2 эксплуататорлик жамиятининг крепостнойликкача бўлган босқичида ва мустамлака мамлакатларда ҳар қандай ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум ва ўз иш кучи билан товар бўлган, эксплуататорнинг хусусий мулки ҳисобланган, эксплуатация қилинадиган киши.

**ҚУЛДОРЛИК ТУЗУМИ** — беш ижтимоий-иқтисодий формациянинг бири; антагонистик формациялардан биринчиси, яъни кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланган тузум. Қ. т. да асосий синфлар қуллар ва қул эгаларидир. Қ. т. ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, иқтисодий тенгсизлик, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши туфайли ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида вужудга келди. Қ. т. ўз тараққиётида турли босқичларни босиб ўтди. Жаҳонда биринчи марта Қ. т. қадимги Шарқ мамлакатлари (Миср, Вавилония, Ҳиндистон, Хитой, Закавказье, Урта Осиё, Қора денгизнинг шимоли қирғоғи ва ҳоказо)да ҳукмронлик қилди. Қ. т. нинг классик шакли бўлган антик қулдорлик қадимги Греция ва Римда эр. ав. I минг йиллик ва эрамининг дастлабки 4-асрида намоён бўлди. Ишлаб чиқариш воситалари ва қуллар қулдорнинг хусусий мулки ҳисобланар эди. Қ. т. инсоният жамиятининг ибтидоий жамоага нисбатан сезиларли даражада олға қадам ташлаганини кўрсатди. Қ. т. асосий ишлаб чиқариш воситалари ва қулга эгалик бўлиб, қулдор қулни сотиши, сотиб олиши, ҳатто ўлдириши мум-

кин эди. Аммо Қ. т. бора-бора ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ғов бўлиб қолди. Қ. т. ишлаб чиқаришнинг қулдорлик усули ичдан кемираётган зиддиятлар туфайли мағлубиятга учради, унинг ўрнини феодализм (қ.) эгаллади.

**ҚУЛ ЭГАСИ, ҚУЛДОР** — қулга эгалик қилувчи эксплуататор.

**ҚУРБОН ҲАЙИТИ** — қ. ҳайит.

**ҚУРБОНЛИК** (а.) — яқинлик, худога яқинлашув; мусулмонларда илоҳий кучга яқинлашиш ва унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлиқ сўйиш. Исломда хажга, яъни Қабъатиллоҳга энёратга борган ҳар бир мусулмон жонлиқ сўйиши шарт деб ҳисобланади. Хажга бормаганлар эса ўз турар жойларида, имконияти борича, Қ. қилишлари лозим бўлган.

**ҚУРОЛБАРДОР, ЯРОҒБАРДОР** — ўрта асрларда рицарнинг яроғ-аслаҳаларини кўтариб юрувчи йигит — ёш дворян.

**«ҚУРОЛЛИ БЕТАРАФЛИК»** — Шимолий Америка халқи Жорж Вашингтон раҳбарлигида Англия асоратидан озод бўлиш учун кураш олиб бораётган вақтда Россия Англияга ёрдам кўрсатишдан бош тортиб, «бетараф» бўлиб қолган. Англия кемалари Американи қамал қилишга беҳуда уриниб, бетараф давлатларнинг савдо кемаларига қароқчиларча ҳужум қила бошлагач, Россия ҳукумати 1780 й. да «қуроли бетарафлик» ҳақида декларация эълон қилган. Бунга кўра, бетараф мамлакат кемалари денгизда ҳужумга учраса, у қурооллардан ўт очиб, ўзини мудофаа қилишга ҳақли бўлган. Швеция, Дания, Пруссия ва Австрия каби давлатлар халқаро ҳуқуққа айланиб кетган «Қ. б.» декларациясига дарҳол қўшилганлар.

**ҚУРОЛСИЗЛАНИШ БУЙИЧА ЖЕНЕВА КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

(1932—1935)—Женевада 1932 й. 2 февралда 63 мамлакат иштирокида очилган конференцияда СССР делегацияси умумий ва ялпи қурулсизланиш принципига амал қилишни таклиф этди. Бу таклиф қабул этилмагач, қурулланиш ва қурулли кучларни прогрессив-пропорционал қисқартириш таклиф этилди. Капиталистик давлатлар ўзлари учун бир томонлама манфаатдор бўлишга уринишлари натижасида конференция боши берк кўчага кириб қолди ва 1935 йилда ўз ишини тўхтатди.

**ҚУРУЛТОЙ** (турк.)— туркий ва мўғул халқларида айрим вақтларда ўтказиладиган умумий йиғилиш, мажлис, кенгаш. Қурултойларда сиёсий масалалар кўрилган.

**ҚУШБЕГИ** (ўзб.)—1 ҳукмдорнинг ов қушлари ва овчилари бошлиғи (мансаб); Бухоро амирлигида сўнги асрларда бош вазир унвони; 2 Хива хонлигида меҳтардан (қ.) кейинги унвон. У мамлакатнинг шимолӣ қисмига мутасадди (бошлиқ) бўлган. Қ. қушчи, қарчиғайчи деган маънони билдирса-да, лекин унинг асосий вазифаси овчилик бўлмай, молия-солиқ ишларини бажаришдан иборат эди.

**ҚУРБОШИ**—1 Бухоро амирлигида қурул-аслаҳа омборининг бошлиғи; 2 революциягача бўлган даврда Туркистонда маҳаллий полиция бошлиғи; 3 Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятига қарши, капитализмни тиклаш учун курашган контрреволюцион босмачилар тўдасининг бошлиғи.

**ҚУРЧИ**—сарой соқчиси; ўтмишда Ўрта Осиё ва айрим Шарқ давлатларида сарой ва подшоҳни қўриқловчи; Темурийлар даврида экинзорларни қўриқловчи кишилар Қ. деб аталган.

**ҚУРЪОН** (а.)— қироат, ўқув; мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби бўлиб, Муҳаммад пайғамбар 610—632 йй. да Макка ва Мадинада олиб борган оғзаки диний тарғиботлар тўплами. Қ. да ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар, чеклаш ва тақиқлар ўз ифодасини топган. Қ. турлитуман қиссалар, ҳикоялар, сатрлар, дуолар, худо, қаҳрамонлар ёки табиат ҳодисалари ҳақидаги эртақлар, мўмин-мусулмонларнинг ахлоқий бурчлари ва кўпгина ривоятларни қамраб олган. Қ. нинг муаллифи Муҳаммад эканлиги ҳақида ривоятлар бўлса ҳам, лекин у асосан Усмон замонида (644—656) ва ундан сўнги вақтларда «хатга тушириб», мусхаф қилинган ва аввал 4 нусхада буқанинг терисига ёзилган. Шу нусхалар ўз даврида «Усмон тўплами» деб аталган. Қ. 651 йилда тузилган бўлиб, 4 нусхадан биттаси (ривоятларга кўра у Амир Темур томонидан Қуфадан Самарқандга олиб келинган) Тошкентда академик Ойбек номидаги тарих музейида сақланмоқда.

**ҚУШИЛМАСЛИҚ ҲАРАКАТИ** ёки қўшилмаслик принципи—асосан иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) дан кейин Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг катта группаси, Европанинг бир қанча мамлакатлари, айниқса эндигина мустақилликка эришган давлатлар ташқи сиёсатда қўшилмаслик ҳаракатига амал қилдилар. Қ. ҳ. га кирган мамлакатлар ҳарбий блоklarда иштирок этмаслик, ўз территориясида чет давлатларнинг ҳарбий базалари қурилишига йўл қўймаслик сиёсатига амал қилишлари лозим.

Бу йўлни танлаган давлатлар кўпинча бетараф мамлакатлар деб аталади. Қ. ҳ. даги мамлакатлар ўз олдига бутун дунёда тинчликни сақ-

лаш, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашиш, халқаро ҳамкорликка эришишни мақсад қилиб қўйганлар. Қ. ҳ. мамлакатлари вақт-вақт билан ўз конференцияларига тўпланиб турадилар. 1973 й. да Жазоирда, 1976 й. да Коломбода бўлиб ўтган (IV ва V) конференциялар «Тинчлик, адолат, тенглик ва жаҳон халқларининг ўзаро ҳамкорлиги учун» шиори остида ўтди.

**ҚУШ ПУЛИ** — Бухоро амирлигида 20-аср бошидан бошлаб жуфт иш ҳайвони ҳисобидан олинган солиқ.

**ҚУШЧИЛАР СОЮЗИ** — Туркистон АССР да, сўнгра миллий-давлат чегараланиши ўтказилгач, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда меҳнаткаш деҳқонларнинг оммавий интернационал ташкилоти (союзи).

РСФСР ва бошқа жойларда 1918 йилда тузилган, ўз вазифаларини бажариб бўлгач, шу йил охирида тугатилгани ҳолда у Ўрта Осиёнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, турли шаклда 1933 й. гача фаолиятини давом эттирган. 1920 й. кузида Туркистон Компартиясининг V съезди ва Советларининг VI съезди қарорига биноан, камбағаллар комитетлари заминиде камбағалларнинг оммавий ва сиёсий ташкилоти — Қўшчилар союзи ташкил этилди. Қ. с. дастлаб ўз атрофига ерсиз ва кам ерли деҳқонларни, батрак ва мардикорларни, кейинроқ ўрта ҳол деҳқонларни ҳам бирлаштирди. 1924 й. нинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб, Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикалари ташкил этилгач, Туркистон АССР Қ. с. и Ўзбекистон ССР Қ. с. и қилиб қайта тузилди. 1930 й. да Қ. с. заминиде «Камбағаллар уюшмаси» тузилиб, у ўз фаолиятини колхоз тузуми тўла ғалаба қилган 1933 й. гача давом эттирди.

Қ. с. қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда, маҳаллий Советларни мустақамлашда, маданий-оқартув тadbирларини қўллаб-қувватлашда, ер-сув ислохотини ўтказишда, ўзбек ва бошқа маҳаллий халқ хотин-қизларини озодликка чиқаришда, қулоқларни синф сифатиде тугатишда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва совхозлар тузишда актив қатнашди.

**«ҚУҚОН МУХТОРИЯТИ»** — Туркистондаги буржуа-миллатчи «ҳокимият». 1917 й. 26—29 ноябри (9—12 декабрь) да Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди қарори билан тузилган буржуа-миллатчи ҳукумат «Қ. м.» ўз олдига Қўқон хонлигини тиклаш, Ўрта Осиёни Совет республикасида ажратиш, Туркия бошчилигида ягона давлат тузишни вазифа қилиб қўйган. Меҳнат аҳлининг мададига сазовор бўла олмаган «Қ. м.» Эргаш Қўрбоши (қ.) бошчилигида қуролли отрядлар тузиб, 1918 й. январиде Советлар ҳокимиятига қарши ҳужумга ўтди. 1919 й. 6—9 февралда Ф. И. Колесов бошчилигидаги Қизил Гвардия қўшинлари маҳаллий халқ билан биргаликда Эргаш отрядни тор-мор келтириши натижасиде «Қ. м.» барҳам еди.

## Ғ

**ҒАЗАВОТ, ЖИҲОД** (а.) — дин учун кураш; исломда муқаддаслаштирилган диний уруш. Ислом таълимоти дунёни бир-бирига ёт **икки** қисмга — мусулмонлар дунёси — **дор-ул-ислом** ва кофирлар дунёси — **дор-ул-ҳарб** (уруш мамлақати, **яъни** уруш олиб бориладиган мамлакат)га бўлади. Ислом ҳар бир мусулмонга ғайри динлар дунёсини қилич ва олов билан истило этишни буюради.

Ғ. да қатнашиш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчи деб эълон қилинган. Ғ. да ҳалок бўлганлар шаҳид, ғолиблар ғозий ҳисобланиб, уларнинг жойлари муқаррар жаннатда бўлади, деб ишонтирилган, омон қолганлар эса тўғридан-тўғри жаннатга тушар эмиш, ҳар қандай гуноҳлардан халос бўлиб, охирадда жаннатда роҳат-фароғатда яшар эмиш. Ғ. ҳақидаги таълимот ислом пайдо бўлган замонлардаёқ вужудга келиб, мусулмон теократик давлатининг ташкил топиши вақтида арабларнинг мамлакатларни босиб олишларида ғоявий қурол сифатида хизмат қилган. Ислом дини ҳукмрон дин ҳисобланган Ироқ, Туркия каби кўпгина мамлакатларда Ғ. идеясидан бошқа мамлакатларга нисбатан миллий-диний душманлик ўтини ёқиш воситаси сифатида босқинчилик ташқи сиёсатини амалга ошириш йўлида фойдаланиб келинган. Мусулмон руҳонийлари баъзан Ғ. идеясидан мусталакчиларга қарши кураш шиори сифатида фойдаланганлар (Шимолий Кавказ тоғлиқларининг 19-аср 20—50 й. ларида чоризмга қарши кураши, 19-асрнинг 90-йй. да Суданда ислом муҳлисларининг англиз империалистларига қарши олиб борган кураши ва ҳ. к.). Ғ. асрлар давомида меҳнаткашлар оммасининг диққатини феодаллар зулмига қарши курашдан четга тортишга ва мусулмон феодалларининг халқ ҳисобига бойишлариға ёрдам қилиб келган.

**ҒАРБПАРАСТЛАР, ҒАРБЧИЛАР**—19-асрнинг 40—50-йилларида рус ижтимоий фикридаги буржуа-либерал оқимнинг намояндалари. Ғ. нинг кўпчилиги дворян-помешчиқлар, олим ва адабиётшунослар, разночинецлар (қ.) ва бадавлат савдогарлардир. Ғ. лар орасида публицист, ёзувчи ва адабиётчилар ҳам бор эди.

П. Я. Чаадаев, И. С. Тургенев, Н. А. Мельгунов, В. П. Боткин, П. В. Анненков, профессорлар Т. Н. Грановский, П. Н. Кудрявцев, С. М. Соловьев, К. Д. Кавелин, В. И. Чичерин ва бошқалар, ёзувчилардан И. А. Гончаров, А. В. Дружинин, Н. А. Некрасов, М. Е. Салтыков-Щедрин ва бошқалар Ғ. лар эди. Кейинчалик революцион-демократ бўлиб кетган Герцен, Огарев ва Белинскийлар 30—40 йй. охирида Ғ. қаторига қўшилган эдилар. Россия Ғарбий Европа йўли, яъни капитализм йўли билан эмас, балки ўзига хос йўл билан ривожланиди деб ҳисобловчи славянпарастлардан (қ.) фарқли ўлароқ, Ғ. лар крепостной ҳуқуқни бекор қилиш, Россия Ғарбий Европа йўли, яъни капитализм йўли билан ривожланиши керак, деб ҳисоблар эдилар. Ғ. лар Россияда конституцион монархия бўлишини истар ва чоризм билан мураса қилиш тарафдори эдилар. Ғ. лар славянпарастлар каби, революциядан қўрқар ва революцион-демократик ҳаракатнинг душмани эдилар. Ғ. лар крепостной ҳуқуқни юқоридан туриб реформа қилиш йўли билан бекор қилиш тарафдори эдилар.

**ҒОЗИЙ (а.)**—урушувчи, ҳарбий юриш иштирокчиси; ислом дини учун, ғайри динларга қарши «муқаддас» уруш—ғазавотга раҳбарлик қилган ёки алоҳида маҳорат билан урушган жангчига бериладиган фахрий унвон (айниқса Туркияда).

**ҒУЛОМЛАР (а.)**—бола, йигит, қорол, қул, ёш хизматкорлар; 1 халифаликда (қ.), кейинроқ тоҳирийлар, сомонийлар, ғазнавийлар ва салжуқийларда Ғ. сотиб олинган қул йигитлардан ташкил этилган мунтазам отлиқ гвардия номи, синоними—мамлуклар (қ.). 2 Усмонийлар империясида Ғ. лар феодал лашкарида

оддий жангчилар; 3 Ҳиндистондаги Деҳли султонлигида (1206—1290) мамлакатни идора қилган ҳукмдорлар.

## Ҳ

**ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИ** — подшоҳларни, императорларни улуғлаш учун уларнинг номига қўшиб айтиб келинган сўз. Император Ҳ. о.

**ҲАДИС** (а.) — исломда Қуръондан (қ.) кейинги муқаддас ёзув. Муҳаммад ҳаёти, фаолияти ва дастурлари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Ҳ. лар ҳукмрон синфлар манфаатини ҳимоя қилиб, халқни итоатгўйликка даъват этган. Ҳ. лар тўплами сунна (қ.) деб аталади.

**ҲАЖ** (а.) — зиёрат; исломнинг беш асосий шартларидан бири. Ҳ. қурбон ойида ислом динида муқаддас ҳисобланган Макка шаҳрига бориш, у ердаги «муқаддас жойларни», жумладан, Мадина шаҳрини зиёрат қилиш, диний маросимларни бажариш ҳамда қурбонлик (қ.) қилишдан иборат. Ҳ. га бориб келганларнинг исмлари олдига ёки кетига «ҳожид» сўзи қўшиб айтилади.

**ҲАЙИТ** (а.) — мусулмонларнинг диний байрами. Исломда иккита Ҳ. расман эътироф этилган. Катта ҳайит — рамазон ойи охирида, шаввал ойининг 1—3-кунларида, кичик ҳайит — қурбон ҳайити ҳам деб аталиб, уч кун давомида байрам қилинади.

**ҲАННОТ** — ғаллани арзон баҳода олиб, кейин қиммат баҳода сотадиган олибсотар, қаллоб.

**ҲАРАМ, ҲАРИИМ** (а.) — Туркия, Эрон, Афғонистон, араб мамлакатлари, Ўрта Осиё ҳукмдорлари, йирик мансабдорлари ва бойларининг хотинлари, канизақлари яшаган жой.

**ҲАРБИЙ КОММУНИЗМ** — Со-

вет давлатининг гражданлар уруши ва ҳарбий интервенцияси йилларида (1918—1920) амалга оширган иқтисодий сиёсати. Советлар республикаси фронтлар ҳалқаси ичида қолган, кўп хом ашё, озиқ-овқат манбаларидан маҳрум бўлган, партия раҳбарлигида халқ хўжалигини ҳарбий изга солаётган ғоят оғир шароитда Ҳ. к. сиёсати амалга оширилди. Ҳ. к. даврида ўрта даражали ва майда корхоналарнинг талай қисми ҳам миллийлаштирилди, хусусий савдо ман этилиб, продрозверстка жорий қилинди, яъни деҳқонлар томонидан озиқ-овқат молларининг ортиқчасини қатъий баҳолар билан мажбуран давлатга топшириш ва умумий мажбурий меҳнатни жорий этиш каби муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Ҳ. к. сиёсати ишчи билан деҳқонлар ҳарбий-сиёсий иттифоқининг формаси сифатида интервентлар ва ички контрреволюция устидан галаба қилишда, пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

**ҲАРБИЙ ОКРУГ** — ҳарбий қисмлар, бирлашмалар, ҳарбий ўқув юртлари ва турли маҳаллий ҳарбий муассасалар, умумий ҳарбий қўшинларнинг территориал ҳарбий бирлашмаси. Ҳ. о. га ҳарбий округ қўмондониди бошчилик қилади.

**ҲАРБИЙ САНОАТ КОМИТЕТИ** — биринчи жаҳон уруши даврида саноатни империалистик урушга хизмат қилишга сафарбар қилиш ва бунинг эвазига подшо ҳукуматини сиёсий жиҳатдан ён беришга мажбур этиш мақсадида Россия буржуазияси томонидан тузилган ташкилот. Ҳ. с. к. меньшевик-мудофаачилар билан ҳамкорликда комитет ҳузурида «ишчилар группаси»ни тузиш йўли билан уларни ҳам бу ишга жалб этмоқчи бўлди. Большевикларнинг ишчилар

ҳаракатини империалистик буржуазия раҳбарлиги ва таъсирига бўйсундириш йўлидаги интилишлари большевиклар томонидан изчиллик билан фож этилди. Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг Ҳ. с. к. тугатилди.

**ҲАРБИЙ СОВЕТ** — қўшинларга, қуроли кучлар турларига, ҳарбий округ ва қўшин гуруҳларига коллектив раҳбарлик қилиш органи. Тегишли қўмондон Ҳ. с. раиси қилиб тайин этилади.

**ҲАРБИЙ ҲОЛАТ** — уруш даврида, табиий офат юз берганда, капиталистик мамлакатларда революцион ҳаракат кучайган вақтда ёки мамлакатда фавқулодда вазият вужудга келганда давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан бутун мамлакатда ёки унинг бир қисмида ўрнатиладиган алоҳида ҳолат. Ҳ. ҳ. вақтида давлат ҳокимияти органларининг мудофиа, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини таъминлашга оид барча масалалари ҳарбий орган — Ҳарбий совет қўмондонлигига ўтади.

**ҲАШАР** — одамлар орасида бири-бирига ихтиёрий ёрдам тури. Жуда қадим замонлардан Урта Осиё, хусусан ҳозирги Ўзбекистон территориясида ариқ қазиш, иморат қуришда бир ёки икки кун давомида ҳақ олмай ишлаб бериш. Октябрь революциясидан сўнг ҳашардан жамоа бинolari, йўл ва кўприклар қуриш, айниқса каналлар қазишда кенг фойдаланиш одат тусига кирди. Коммунистик шанбаликлар ҳам Ҳ. нинг янги шаклидир.

**ҲИЖОБУЛ ҲУЖЖАБ** ёки **ҲОЖИБ БУЗРУК** — айрим Шарқ ҳукмдорлари саройида дарвозабонлар бошлиғи.

**ҲИЖРАТ, ҲИЖИР** (а.) — кўчиб ўтиш; Муҳаммад ва унинг саҳобалари Маккада янги дин — Исломи

тарқата олмаганларидан сўнг, 622 йил 8—23 сентябрь кунларида Мадинага кўчишга мажбур бўлганлар 638 й. да халифа Умар фармони билан 622 йил мусулмонлар йил ҳисобининг боши деб белгиланган.

**ҲИРОЖ** (а.) — 1 дастлаб араб халифалигида, кейинчалик барча мусулмон давлатларида қарам мамлакатлардан олиннадиган солиқ; 2 халқдан ундириладиган ер солиғи.

**ҲИСОР** (а.) — ўраб олмоқ, чегараламоқ; ўтмишда Урта Осиё хонликларида қалъа девори, мудофиа мақсадида девор билан ўраб олинган шаҳар Ҳ. деб аталган.

**Ҳожар-аль-асвод** (а.) — Маккада ҳожилар тавоф қиладиган катта қора тош, Осмондан тушган қора тусли метеорит — базальт парчаси.

**ҲОЖИ** (а.) — ҳажга борган, яъни Каъба (қ.) ни зиёрат қилган шахснинг фахрий унвони. Ҳажга бориб келганларнинг исмлари олдига ёки охирига «ҳожӣ» сўзи қўшиб айтилади (масалан, Убайдулла Ҳожӣ, Ҳожӣ Аъзам). Ҳажга ўзи бормаи, бошқа бировга ҳақ тўлаб, сиртдан ҳаж қилган одам Ҳ. бадал ҳисобланади.

**ҲОЖИБ** (а.) — Хива ва Қўқон хонликларида дарвозабон Ҳ. деб аталган, Бухоро амирлигида эса — дарбон деб юритилган.

**ҲОКИМ** — ўзбек хонликларида вилоят ҳокими; ҳукмдорнинг вилоятдаги ноибӣ; шаҳар, уезд ҳокими; ҳукмрон синф, ҳокими мутлақ.

**ҲУДАЙЧИ, УДАЙЧИ** (а.) — бошқармоқ, йўл кўрсатмоқ. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида сарой мансабдори. Ҳ. лар ҳукмдорнинг ўнг ва чап томонларида туриб, турли маросимларни бошқарганлар. Ҳ. лар ҳукмдорнинг қайси томонида туришига қараб, «ўнг қўл ҳудайчиси», «чап қўл ҳудайчиси» деб аталганлар.